

Аъзам АЗИМИЙ

*Қадрли ўғлим Самир АЗИМОВнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Муаллиф.

ЖАВОҲИРЛАР ҲУКМИ ОСТИДА

*Қиссалар, ҳикоялар,
мақолалар, тавсия-маслаҳатлар*

Тошкент — 2004

84(59)6

Китобни дунё юзини кўришда кўрсатган катта саъй-ҳаракат қилган техника фанлари номзоди Сара Мирзахановна ПОЧА-НОВАга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Муаллиф.

UD34989
281

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби
Темур Убайдулло таҳрири остида

Табиат муҳитининг ажойиб инъоми ҳисобланган жавоҳир тошлар туғилган кунимиздан бошлаб, то сўнги соатларимизгача биз билан биргадирлар. Мураккаб геологик шароитда, миллион йиллар давомида пайдо бўлган бу сирли минераллар табиатда кучли биоэнергетик қувват манбаидирлар. Жавоҳирларнинг ўзига хос хусусиятлари илмий асосда фойдаланилганда улар ёшартирувчи, соғайтирувчи, қувватлантирувчи биостимулятор бўлиб хизмат қилишини Шарқ халқлари ва туркий миллатлар қадимдан билганлар.

Китобда ўз юлдуз буржингиз, феъл-атворингиз ва қандай дардларга шифо бўлишини ҳисобга олган ҳолда сизга мос жавоҳир танлаш, минераллардаги қувватдан шифобахш ичимлик сувини тайёрлаш, ёшартирувчи, қувватлантирувчи, шифоловчи элекфирлар яратиш ва уларни қўллаш усуллари берилган.

Техника фанлари доктори, профессор, ёзувчи Аъзам Азимий узок йиллардан бери кўнглига тугиб қўйган асарларини нафақага чиққанидан кейингина дастлаб вақтли матбуотда бериб турди. Асарлари етарли бўлса-да, уни нашриётда китоб ҳолида чиқаришга шошилмади. Сабаби, талаб ва эҳтиёжни обдон ўрганмоқчи бўлди. Табиийки, бундай ноёб мавзуга талаб ва эътибор етарлича бўлгани, устига устак газетхонларни талабини ҳам ҳисобга олиб, мана шу ишга қўл урди.

Кўлингиздаги мазкур кисса, хикоя ва мақолаларнинг кўпи матбуот саҳифаларида ёритилиб, ҳам таҳририят, ҳам муштарийлар томонидан ўз баҳосига олган. Шундай бўлса-да, навбатдаги мухтасар баҳони китобхон беради.

Азимий, Аъзам.

Жавоҳирлар ҳукми остида (Қиссалар, хикоялар, мақолалар,

Тошкент, 2004 йил – 400 б.

Alisher Navoiy
nomidagi
nomidagi
O'zbekiston Mkt

20.02/16

A 2/19

© Аъзам Азимий, 2004 й
© "Зарқалам" нашриёти.

МУАЛЛИФДАН

Юрагимизга қувонч, вужудимизга ором, дилимизга илҳом бериб, бало-қазолардан асраб, мураккаб ҳаёт сўқмоқларида бизга йўлдош бўлган тилсиз жавоҳир тошлар азалдан инсоният диққатини ўзига тортган. Номлари миллий дostonларда афсонага айланган паҳлавонлару, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган жаҳонгир фотиҳлар, илм ва маърифат қасрига асос солган буюк даҳолару уламою фузалолар, машҳур адиблару шоирлар, нафис мусаввирлару ганчкорларда ҳам ўзларининг суйган жавоҳирлари – тумор тошлари бўлган. Эл оғзида «қонхўр олмос» ёки «қотил бриллиант», «хиёнаткор лаъл» ёки «қасоскор рубин» ва «бевафо зумрад» каби ваҳимали ва хунук номлар тарқатган машҳур «Улуғ Мўғул олмоси», «Кўҳ-и-нур», «Дарё-и-нур», «Шоҳ Акбар» ва «Шоҳ Жаҳон» бриллиантлари, «Темур рубини», «Мумтоз маҳал» ва «Александр Пушкин» зумрадлари барибир жавоҳирлар ишқибозларининг ҳамон диққат-эътиборидадир.

Юлдуз туркумларию сайёраларнинг ўзаро таъсир кучлари остида, Улуғ Коинотда бир зарра мисол ҳаёт кечираётган Ер қаърининг жуда олис чуқурликларида, катта босим ва ўта юқори даражадаги ҳарорат остида, мураккаб геохимик жараёнлар натижасида, миллион йиллар давомида пайдо бўладиган бу қимматбаҳо

рангдор тошлар ҳақиқатдан ҳам жуда сирлидирлар. Чунки номлари машҳур бўлган бу тошлар ва уларга яқинроқ қийматдаги бошқа жавоҳирларнинг ҳам тарихига назар солар эканмиз, уларнинг унчалик қотил ёки хоин, қасоскор ёки хиёнаткор эмаслигига, аксинча, кўп ҳолларда жавоҳирлар ўз эгаларига катта вафодорлик билан хизмат қилганликларини, уларни турли фалокатлардан сақлаб қолганликларини, ҳатто ўз эгалари билан бирга яшаб, «улғайиш, қариш ва ўлиш» каби физиологик ҳолатларни бошларидан кечириш қобилиятларига, хусусиятларига эга эканликларини билиб оламиз.

Қадимий Миср ва Шарқ халқлари, айниқса доно туркий қавмларимиз кўп хил жавоҳирларнинг барча сирли хусусиятларидан усталик билан фойдаланганлар. Масалан, Амир Темурнинг ёзишича, унинг қўшинида, тошлар ёрдамида ҳавога булут тўплаб, душман қўшини устида ёмғир ёғдира оладиган кучли шомонлар бўлган. Шомонларнинг жавоҳирлар ёрдамида ёмғиру қор, ер кўчишларини пайдо қилишлари ҳақида Искандар Зулқарнайн ва Чингизхоннинг тарихчилари ҳам ўз китобларида ҳайрат билан эслашган. Рангли тошларнинг бундай хусусиятларидан хабар топган қадимий туркийлар бало-қазо ва турли офатлардан фақат илоҳий тошларгина сақлаши мумкин деб, қаттиқ ишонишган, улардан тумор-тошлар ясаб, доим ўзлари билан олиб юрганлар. Таваллуди кийин кўчган болаларнинг боши остига учта тош қўйиш расми, сафарга кетувчи одамнинг ортидан тош отиш одатлари эскитдан қолган.

Қадимий машҳур табиблар бўлмиш Гален билан Гиппократ кўп тошлару минераллардан фойдаланиб, Шарқ табибларига касалларни даволаш тажрибала-


рини йигиб, жавохирларнинг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, уларнинг кўпчилигидан табобатда фойдаланса бўлади деб, хулоса чиқарганлар. Миср маликаси, гўзал Клеопатра ҳам бу хусусда изланишлар олиб бориб, ўзи учун упа-эликлар, пардоз ашёларини тайёрлаган, юз қиёфасини парваришлаган. Жавохир тошларни катта эътибор билан ўрганиб чиққан улуғ Абу Райҳон Беруний уларга шундай мафтун бўлганки, «Минералогия» ва «Сайдана» номли шоҳ асарлар ёзиб, уларнинг фойдали томонларини очган. Машҳур Ибн Сино ҳам бу хусусда тўхталиб, қайси жавохирнинг қайси дардга даво эканлигини ёритиб кетган. Ўз фаолиятларида табиблик билан ҳам шугулланишга мажбур бўлган ал-Форобий ва Умар Ҳайёмдек алломалар ҳам жавохир тошлардан фойдаланганлар. Ҳатто Умар Ҳайём бунда мураккаб ҳисоб-китоб қилиш учун антиқий тенгламалар ҳам тузган...

Ҳиндистон ва Хитой, Тибет ва Непал тиббиётида тошлар ёрдамида беморларни даволаш усули расмий тиббиёт тизимида «литотерапия» деб қабул қилинган. Литотерапия Россия ва Франция, Германия ва Италия каби Европа мамлакатларида кўпчилик тан олган даволаш усулидир. Бунинг ҳеч ажабланарли ери ҳам йўқ. Чунки, биз ўрганиб қолган медицина ҳам ўзининг кундалик фаолиятида лой, туз, йод, оҳак, кум, мум, каолинит, кварц, симоб, сурма, азокерит ва бошқа кўп хил минераллардан фойдаланадики, уларнинг барчаси қонлардан тош сифатида қазиб олинади. Фармацевтларнинг тайёрлаётган дори-дармонининг ярмидан кўпи табиий минераллардан эканлигини кўз олдимишга бир келтиргач, литотерапия усулининг анчайин қадимий ва жиддий эканлигига шубҳа қилмаймиз.

Эътиборингизга тақдим этилаётган мазкур китоб юқоридаги мавзуга багишланган жаҳонда биринчи яхлит асардир. Тарихий воқеаларга асосланган қиссаю ҳикоялардан, мақолаю тавсиялардан тўғри хулоса ясаб, ўз мучалингизу буржингизга мос бўлган жавоҳирни танлай олсангиз, бу рангдор тош умр бўйи сизга яхши йўлдош бўлиб, ҳатто авлодларингизга ҳам вафодорлик билан хизмат қилишига ишонаман.

Аъзам АЗИМИЙ.





ЖАВОҲИРЛАР
ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР
ВА ҚИССАЛАР

БОБУРИЙЛАРНИНГ МАШҲУР ЖАВОҲИРЛАРИ

Жавоҳирлар табиий моддалар бўлиб, турли даражадаги қимматга эгадирлар. Улар қадимдан маълум, ҳозирда кенг қўлланилиб, келажакда ҳам ишлатилиш истиқболлари порлоқ. Турли рангда жилоланувчи жавоҳир кристалларини инсон, ўз тараққиётининг дастлабки давриданоқ билган. Уларни йигиб, чиройидан ҳайратланган, кийим ва қуролларини безаган, салтанатнинг куч-қудрати тимсоли бўлган тож-тахтларни безатишда ишлатган. Танага қувват, дилга сокинлигу бардамлик берувчи, одамларни бало-қазолару турли қайғу-ғам касалликлардан халос этувчи тимсол сифатида илоҳий қудратга эга деб билган. Қадимий Турон, Ҳиндистон, Непал ва Тибет табибларига жавоҳир тошларининг бундай сирлари маълум бўлиб, амалий ишларда кенг қўлланилган.

Жавоҳирлар хусусияти ҳақидаги гаплар афсоналарга айланди. Уларга бўлган қизиқиш асрлар сайин ортиб, бизнинг кунгача етиб келди.

Ўзининг юлдуз буржига мос ҳисобланган жавоҳирга эга бўлиш одат тусига кирди. Хўш, аслида ҳам уларнинг шундай хосияти борми? Бундай жавоҳирларни қўлга киритиб, улар билан ажралмай, доимий алоқада бўлган инсонларнинг соғлиги қандай бўлгану, қисматлари қандай кечган?

Мен кончилик соҳасига умрининг қирқ йилдан ортигини сарфлаб, Непалу Ҳиндистондаги дунёда энг чуқур (уч минг етти юз эллик метрли) конларда бўлиб, турли жавоҳирларнинг сирли қувватини ўз танамда сезганим

туфайли юқоридаги саволларига жавоб беришга ҳаракат қиламан. Жаҳондаги энг машҳур бўлган олмослару гавҳарлар, ёқуту лаъллар, зумраду дурлар мисолидаги тарихий лавҳалар, бу борада ўқувчиларга ёрдам берар деб умид қиламан.

“УЛУҒ МЎҒУЛ” ОЛМОСИ

Ҳиндистон тупроғининг шимолига юриш қилган Заҳириддин Бобурнинг жангларда чиниққан ва яхши куролланган кўшини шиддат билан Ҳиндистоннинг жанубига кириб борар эди. Муслмон ҳукмдорлари қўл-остидаги тарқоқ бўлган беклигу амирликлар биринкетин таслим бўлди. Ўша даврга нисбатан анча кучли ва катта кўшинга эга бўлган Деҳли ва Ражпут бекликлари анча қаршилиқ кўрсатдилар. Аммо, жанг майдонига чиққан уч юздан ортиқ филлар, минглаб отлар минган чавандозлар ҳам Бобур кўшинига дош беролмади. 1527 йилнинг бошида Панипат шаҳри бўсағасида Деҳли султони Иброҳим Лўди, март ойида эса Сакрида Ражпут беги Рано Санго кўшинлари тор-мор бўлди.

Ғалабага бағишланган тўю-тантаналар ўн кун давом этди. Улардан бўшаб, ҳашаматли саройининг Ганга дарёсининг шундайгина қирғоғига туташган еридаги яшнаган боғида ҳордиқ олиб, мудраб ётган Бобурни вазир келиб уйғотди.

— Шоҳим, — деб мурожаат қилди вазир. — Бир талай меҳмонлар келиб, дийдорингизни кўриш шарафига мунтазир.

— Улар кимлар экан? — сўради Бобур бет-кўлини ювар экан.

— Ҳинд султонликларидан вакиллар. Уларни султон

Иброҳим бошлаб келибди, — деди вазир маъноли кулиб.

— Иброҳим қочқинда эди-ку? — Ҳайрон бўлди Бобур. Сўнгра деди, — майли, маҳтал бўлишмасин, чақиринг!

Вазир сарой хизматчиларига буйруқ бергач, ўзига лозим ерга бориб, тик турди. Эшик оғаси чиқиб, ҳинд меҳмонларини бошлаб кирди. Улар, шоҳ ўлтирган минбардан эллик қадам нарида турнақатор тизилиб, шоҳга таъзим қилишди. Биринчи бўлиб шоҳ олдига султон Иброҳим яқинлашиб, тиз чўқди:

— Мен ким, Деҳли султонлигининг ҳукмдори Иброҳим Лўд... — деб у гап бошлаганида, Бобур унинг сўзини бўлиб:

— Уни кўтаринглар! — дея буюрди сарой хизматчиларига ва ўзи ҳам ўрнидан туриб, Иброҳим томон қўл чўзиб келди. Эсанкираган Иброҳим шошилиб шоҳнинг қўлини ўпиб, кўзига суртди.

— Бу сизнинг саройингиз эди. Оллоҳнинг марҳамати билан унинг хўжаси ўзгарди. Энди сиз меҳмонсиз, — деди Бобур маъюс жилмайиб. — Сизга энди қандай муносабатда бўлсам экан, деб бошим қотур.

— Ўз қулларингизга бўлган муносабатда, шоҳим!! — деб жавоб қилди султон Иброҳим.

— Йўқ, — рад этди Бобур табассум билан, — Инимга бўладиган муносабатда! — Шундай деб Бобур султон Иброҳимга ўзидан сал пастроқ ердан жой кўрсатди.

Гая Голконда султонлигининг элчисига келганда, султон Иброҳим Бобур шоҳга ўгирилиб, бу ўлкани Ҳиндистон жанубидаги жуда бой давлат деб, ахборот берди.

— Голконда ҳокими муҳтарам Бобур шоҳни мусул-

монларнинг олампаноҳи ва ўзининг оғаси сифатида танигани ҳақида хат битиб, мен орқали юборди!! — деди ёши анча ўтиб қолган элчи икки букилиб номани узатар экан. Хизматкор чопиб бориб, номани олди. Номада қисқа қилиб юқоридаги сўзлар ёзилган бўлиб, яна қандайдир тортиқ ҳақида гап борар эди. Бобуршоҳга маҳлиё бўлиб қолган Голконда вакили ниҳоят ўзига келди, кўйнидан бир тўрва чиқариб, унинг ичидан кичкина темир қутини олди-да, шоҳ томон узатар экан:

— Хожам айтган тортиқ! — деди.

Хизматчи йигит югуриб бориб, қутичани олди-да, одатдагича уни айвондаги бошқа ҳадялар қаторига қўяётганида, голкондалик элчи норозилик билдирди:

— Бу ҳадянинг асл ери фақат шоҳ тожидадир, — деди кекса элчи. — Бу жавоҳири азим фақат шаҳаншоҳ Бобур мирзога муносибдир. Уни шоҳ кўлига беринглар!

Жавоҳирларга қизиқиши катта бўлган Бобуршоҳ элчининг гапидан жонланиб кетди. Эркак муштидан катароқ бўлган жавоҳирни қутидан чиқарганида, унинг сеҳрли жилосидан ҳаммаёқ ёришиб, кўзлар қамашди. Бобур тошга маҳлиё бўлганча бироз муддат гап тополмай, жим қолди. Атрофдагилар ҳам, жавоҳирларнинг кўпини кўрган султон Иброҳим ҳам лол эди.

— Бу тош турк тилида олмос аталур, — деб жимликни бузди Голконда элчиси. — Олмос жавоҳирлар султони саналур. Бундай тошни доимо ёнида сақлаган инсоннинг юрак ва мия аъзолари яхши ишлаб, ёшаришга юз тутур. Руҳан тушқунлик, сиқилиш, ваҳм каби дардлар бундай одамдан четланур.

Огирлиги тўрт юз мисқолдан кўп (800 карат) бўлган оч сарғиш рангдаги бу олмос жаҳондаги энг катта хи-

собланиб, бундай жавоҳир бирорта инсон зотига маълум бўлмаган. Бобуршоҳ бу тошдан ўз тожига «кўз» қилдириш ниятида Дехлининг барча таниқли заргарларини ишга солди. Аммо, бирорта заргар ёки жавоҳирчининг асбоб-ускунаси бу олмосни тарашлашга ҳам, сайқаллашга ҳам ярамади. Бобурнинг бу тошга бўлган меҳри кун сайин ошиб, қайда бўлмасин, ўзи билан бирга олиб юрадиган бўлди. Тунда ётганида олмос шундайгина унинг боши узра — ёстиқ устида турар, кўқдан тушган ой нурини кучайтириб хонага сеҳрли ёғду сочар эди. Жаҳонда «Улуғ Мўғул» олмоси деб ном олган жавоҳир 1530 йили, Бобур ўлгач, унинг катта ўғли Ҳумоюнга, мамлакатнинг катта қисми билан мерос бўлиб ўтди.

Бобур авлодлари ўртасидаги олиб борилган бетўхтов урушлар натижасида, бир вақтлар қудратли бўлган Буюк Империя парчаланиб кетди. Аммо «Улуғ Мўғул» олмоси парчаланмади, яхлитлигича шоҳ Бурҳон Низом II қўлига тушди. Шунда у ҳам олмосга ишлов беришга уринди, аммо қўлидан келмади. Фақат олмос четига ўз номини ёздира олди, холос. Кейинчалик, қудратли Акбаршоҳ билан бўлган жангларда шоҳлик тахтидан ҳам, «Улуғ Мўғул» олмосидан ҳам ажралиб қолди.

Акбаршоҳ, ундан кейин тахтга ўлтирган ўғли Жаҳонгир ҳам «Улуғ Мўғул» олмосига қўл тегизишга ботина олмай, уни хазинада сақладилар. Уни илоҳий кучга эга бўлган сирли тош деб билдилар. Вақтлар ўтиб, тахтга минган Бобурнинг навбатдаги авлоди Шоҳ Муборак буйруғи билан «Улуғ Мўғул» олмосига ишлов берилаётганида, тош иккига бўлиниб кетди. Шунда уларнинг бири «Кўҳи нур», иккинчиси эса «Дарёи нур» деб номланди. Уларга ҳинд услубида ишлов берилиб,

шоҳ Муборак томонидан бунёд этилаётган Будданинг улкан ҳайкалига кўз қилиб ўрнатилди. Шундан бошлаб, то 1739 йили Ҳиндистон ерлари Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ томонидан поймол этилгунига қадар олмос илоҳий йўлда хизмат қилди. Босқинчи Нодиршоҳ кўлига тушгач, «Кўҳи нур» ва «Дарёи нур» номлари билан, жаҳон жавоҳирлари тарихидан ўзлари учун қизиқарли ва хатарли саҳифалар очдилар.

«КЎҲИ НУР»НИНГ ҚИСМАТИ

Ҳиндистон шимолидаги қатор ўлкаларни босиб олган Нодиршоҳ Деҳлини талаб, Бобурийлар салтанати хазинасидаги барча жавоҳиру олтинларга қўшиб, «Кўҳи нур» ва «Дарёи нур» олмосларини ҳам Эронга олиб кетди.

Нодиршоҳ кўлига тушган ўлжаларнинг жами миқдори, ўша давр ҳисобида 700 миллион рупийни ташкил қиларди. Нодиршоҳ оғирлиги 187 карат бўлган думалоқ гул шаклида ишланган «Кўҳи нур» гавҳарини жигасига ўрнаттирди. Бу ишларни сарой заргари армани Лазар бажарган эди. Нодирнинг шоҳона кўринишига худди шу гавҳарнинг кўрки етишмай тургандек эди. «Кўҳи нур» нинг чиройи тилларда дoston бўлди. Айниқса, куёш нури тушганда, бу гавҳарга тик қараб бўлмас эди.

Сарой тарихчиларининг хабар беришларича, «Нодиршоҳ ўз жигасига «Кўҳи нур» гавҳарини ўрнатган пайтдан сал ўтмай, қандайдир касалликка учраб, қонхўр бўлиб қолди. Катта-кичик демай, бой-камбағалга қарамай, гуноҳқору бегуноҳ демай, барчани бешафқат қатл қила бошлади. Қатл пайтида шахсан ўзи иштирок этиб, завқланар эди».

— Қонни кўрсам роҳатланаман. Балки керагича қувват оламан! — деган экан Нодиршоҳ яқин аёнларидан бирига.

— Амаким бундай эмас эди-ку?! — деди бир куни онасига Нодиршоҳнинг жияни Иброҳимхон куюниб.
— Ахир тахтга чиққан кезлари юртнинг ободончилигига қараб, халққа меҳру оқибатли эди. Нима уни бузди?

— Ҳиндистонга қилган сафаридан кейин айнади, — деб гапга аралашди Иброҳимхоннинг акаси Али Қулихон. — Қонхўрлиги бўлса, тожига гавҳар таққанидан кейин бошланди.

— Бекорга кулаётисанлар, — болаларининг гапига аралашди она, — саройда ҳам, халқ орасида ҳам хунук гаплар юрганмиш.

— Қандай гаплар экан? — қизиқишди йигитлар.

Хонада сарой хизматчиларидан ҳеч ким йўқлигига ишонган она, овозини пасайтириб, деди:

— Одамлар «Тожга минган «Кўҳи нур», кунда менга қон декор, унга шоҳ бўлиб банди, қўли қонга беланди», деб хиргойи қилиб юришибди.

— Бу тошда бир сир бор, — деди Иброҳимхон, қўшиқ сўзларини дилида қайтарар экан.

Хуросонда 1747 йили кўтарилган катта кўзғолонни зўрға бостирган Нодиршоҳ Хобушон атрофидаги хушманзара ерда тўхтади. Кечқурун базм қуриб, ҳордик чиқарди. Базм анча пайтгача чўзилди. Аммо, шоҳнинг юрагидаги ғашлик, танасидаги чарчоқ аримади. Шундай нохуш ҳолда чодирга кирган Нодиршоҳ, боши ёстиққа тегар-тегмас, уйқуга кетди. Унинг қанча вақт ухлагани ёлғиз Аллоҳга маълум. Нодиршоҳ устига аллақандай кимса зарб билан ташланиб, унинг оғзини кафти билан қаттиқ сиққанида, чўчиб уйғонди. Нафас олол-

май, кўзи олайди. Шунда у чодир ичидаги йигитларга кўзи тушди. Уларнинг орасида лашкарбоши Аҳмадхонни кўриб, кун битганини тушунди...

— Бошни мана бу қутига сол! — деб Аҳмадхон Нодиршоҳнинг бошини узун мўйловидан тутиб турган Султонбекка буюрди. Қути ичидаги олтинларни ўз хуржунига тўкиб, шоҳнинг боши қутига жойлангач, деди: — Қутини тўғри саройга элиб, Қулихоннинг қўлига топшир. Қўшин сени шоҳ этиб сайлади, деб айт.

Султонбек ёнига ўнта навкарни олиб, қутини эгарга кўндирганча, пойтахтга от солди. Аҳмадхон навкарларнинг анқовлигидан фойдаланиб, ўзини Нодиршоҳ тожига ташлади. Ундан «Кўҳи нур» гавҳарини ажратиб, хуржунига солди-да, чодирдан чиқди. Шахсий соқчилари шай бўлиб туришган экан, улар Аҳмадхонни эгарга олишди, шоҳ қатлидан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, кирк минг сипоҳилик афгон лашкари қийқириб, ўрнидан кўзгалди.

Қандаҳорга келиб, ўрнашиб олган Аҳмадхон Афғонистон давлатини тузиб, янги сулолани бошлади. «Кўҳи нур» янги шоҳ тожида ўз ўрнини топди. Бу ёруғ дунёга 24 та ўғилни келтиришга яраган жанговар Аҳмадхон Дурра шоҳлик тожини роппа-роса йигирма беш йил кийди. Аммо Аҳмадхон ҳам худди Нодиршоҳ каби бир кун қотил ханжари остида ҳалок бўлди. Тахтга унинг вориси — Темур ўлтирди. Ниҳоятда иримчи бўлган Темур пойтахтни Қобулга кўчиртириб, «Кўҳи нур» гавҳари қадалган тожни, айнан Қобулга кўчгач, бошига кийди. Темур шоҳ ҳам 1793 йили бир ҳинд қабиласи билан олиб борилган жангда нобуд бўлди. 1813 йили, шаҳзодалардан бири мамлакатдан қочиб, ўзи билан бирга «Кўҳи нур» гавҳарини Лохур шаҳрига

олиб келди. Мусофирчиликда қийналиб қолган шахзода «Кўҳи нур»ни Рунжит Сингх исмли бир ҳинд судхўрига арзимаган пулга сотди. Панжоблик бу бой, афсонавий гавҳарни қўлга киритганини сир сақлаб, жинни бўлишига оз қолди. Инглизлар томонидан 1848 йили Панжоб босиб олиниб, талон-тарож қилинганида, ақлдан озиб қолган Сингхнинг қўлидаги «Кўҳи нур» бечикимгина «Ост-Инд» компаниясининг қўлига ўтди.

Компания бу антиқа гавҳарни Буюк Британия қироличаси Викторияга тортиқ қилади. Қироличанинг рухсати билан «Кўҳи нур» гавҳари 1851 йили Лондонда бўлиб ўтган Жаҳон қимматбаҳо тошларининг кўргазмасида намоиш қилиниб, энг қадимий ва гўзалликда тенги йўқ гавҳар деб эътироф этилди.

«Кўҳи нур» гавҳарининг ўша пайтдаги маълум бўлган афсонавий тарихини эшитган ўттиз уч ёшли қиролича Виктория, бу гавҳарни қироллик тожига ўрнатишдан кўра, ундан катта тўғнагич ясаптириб, тақиб юришни афзал билди. Бундан хабардор бўлиб қолган сарой бекаси, қироличани бу фикрдан қайтармоқчи бўлди.

— «Кўҳи нур» гавҳарининг тарихи ёмон. Гавҳар тахт эгаларининг бошига фақат кулфат келтирган. Сизнинг нозик дилингизни қийнаб, ипақдек танангизга азоб бермасайди, деб қўрқаман.

— Йўқ! — деди қиролича қатъий қилиб. — Агар шундай қадимий подшоҳлару султонларнинг қўли теккан бу гўзал гавҳарни мен кўкрагимга тақиб юрмасам, менинг нозик дилим қийналиб, ипақдек танам азоб чекади.

Шундай қилиб, қиролича Викториянинг буйруғи билан 1852 йили сарой заргарлари «Кўҳи нур»ни думалок ясси гавҳар шаклига келтиришди. Натижада унинг сал-

моги 106,9 карат бўлиб қолди. Уни катта тўгнагич кўзига кийдириб олган қиролича, бу гавҳардан роппа-роса 50 йил ажралмади. 1901 йили 82 ёшида оламдан ўтгач, Георг Бешинчининг хотини қиролича Мариянинг тожиги ўрнатилган бу ноёб гавҳар ҳозиргача унга кўрк бериб турибди.

«ДАРҒИ НУР»НИНГ ҚИСҚА ТАРИХИ

1828 йил бошида Россиянинг Эрондаги фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб тайинланган Александр Грибоедов ўз вазифасига жуда масъулият билан қаради.

...Техрон. 1829 йилнинг 10 январи. Якшанба — дам олиш куни. Ошхонага лозим бўлган егуликлар бозордан олиб келинган, фўтон ҳайдовчиси эроний Мажид Грибоедов хонасининг эшигини қоқди.

— Вазири мухтор! — деди у ичкари кирган. — Бозорда хунук гаплар бўлар эди. Мен уларга унча аҳамият бермас эдим. Аммо бугунги гапдан хавотирга тушдим.

— Эй, Худойим! — деб юборди Грибоедов ва кўзойнагини тақиб, унга кулиб қаради. — Шундай паҳлавон йигитнинг юрагига қандай гап гулгула солди экан?

— Сизни, мухтарам мухтор вазир, жонингизга қасд қилишмоқчи, — деди Мажид ўнғайсизланиб. — Шунинг учун, шоҳга айтиб, элчихона атрофига беш-ўнта навкар қўйдирсангиз, анча беҳавотирроқ бўлар эдингиз.

— Биз русларда «Бўридан кўрққан ўрмонга бормас», деган нақл бор, — деди Грибоедов табассум билан. — Агар мен аллақандай қотиллардан кўрқсам, афсонавий Эронга элчи бўлиб келмас эдим.

1829 йилнинг 10 январида якшанба куни, кеч соат 10 да кўзларигача қора ниқоб тутган кимсалар рус эл-

чихонасига бостириб кириб, хотиржам суҳбатлашиб ўтирган тўрт кишининг бошларини олиб кетишди. Фақат эртаси куни келган Мажид ва элчихонанинг бошқа хизматчилари Грибоедовнинг қонга беланган жасадини унинг бир бармоқсиз қўлидан таниб олишди.

Бундай мудҳиш хабарни эшитган Эрон шоҳининг ҳайратдан тили гапга келмай қолди. Вазирларини йиғиб, маслаҳат солди. Марҳум Вазири Мухтор ва унинг уч хизматчисининг жасадлари солинган тобутларни Россияга элтувчи карвонга шаҳзода Ҳисрав Мирзонинг бошчилик қилиб боришини жоиз топишди. Карвон йўлга чиқиш олдидан, шоҳ ўғлини ёнига чақирди.

— Йўлинг оғир ва олис, сафаринг эса хатарлидир, — деди кекса шоҳ кўзига ёш олиб. — Ўта зийрак бўлиб, ўзингни эҳтиёт қил... Мана бу ҳамённи эса доим қўйнингда сақла! — деб шаҳзоданинг бўйнига чарм ҳамён осди.

— Ахир бу «Дарёи нур» гавҳари-ку, шоҳим?! — деди шаҳзода.

— Ҳа, шундай! Иложимиз йўқ. Бу асл гавҳарни менинг номимдан «Оқ подшога» совға қиласан, — деди шоҳ бир хўрсиниб, — фақат шу гавҳаргина юртга тинчлик ато этиб, сени яна бағримга босиш имконини берар, деган умиддаман...

...Император Николай I гавҳарни қўлига олди, уни ҳавас билан томоша қилиб, деди:

— Чиндан ҳам жавоҳирларнинг шоҳи экан бу гавҳар!

Шу-шу бўлдию, бу гавҳарнинг номи жавоҳирлар тарихига «Шоҳ» номи билан кириб келди. Даставвал Россия императорининг тожидан жой олган «шоҳ» ҳозирги кунда Москва Кремлининг Олмослар фондида сақланмоқда.

1980 йилларнинг бошида «Дарёи нур» номи билан овоза бўлган яна бир олмос, аслида бутунлай бошқа ва «Улуғ Мўғул олмоси»га алоқаси йўқ. Чунки бу олмос тиниқ пушти ранг бўлиб, у ҳам Нодиршоҳ томонидан Бобурийлар хазинасидан 1739 йили олиб кетилган. Бу жавоҳирларга 1834 йили Техронда ишлов берилаётганида икки бўлакка бўлиниб кетган. 175 каратлиси Эрон шоҳи томонидан 1829 йили Россия императорига ҳадя қилинган ҳақиқий «Дарёи нур» хотираси учун «Дарёи нур» деб аталди, иккинчи бўлаги эса, вазни 60 карат бўлиб, жаҳонда энг йирик тўқ пушти рангли гавҳар сифатида «Нурлан» номи билан дунёга танилди. Бу иккала гавҳар ҳам Эрон хазинасида сақланмоқда.

«ШОҲ АКБАР»НИНГ САЁҲАТИ

Аградаги Бобурийлар сулоласининг ҳашаматли саройи. Саройда одамлар кўп бўлишига қарамай, пашша учса эшитиладиган даражада жимлик. Сарой аҳли гамгин. Бобуршоҳдан кейин унинг ишини давом эттирган, мамлакат чегарасини кенгайтирган Акбаршоҳ, мана неча соатдан бери ўлим билан олишиб ётибди. Қазо вақти яқинлашганини сезган шоҳ атрофини ўраб ўлтирган ўғил-қизлару набираларига васиятини айтди. Шунда унинг тўнғич ўғли, тахтга ўлтиришига санокли соатлар қолганини сезган ўттиз олти ёшли Жаҳонгир отасига таскин берди:

— Азиз бузрукворим! Ўлим ҳақдир. Иложимиз қанча? Аллоҳ олдига сиз пайгамбар ёшида йўл олдингиз. Бундай табаррук ёшда боқийликка юз тутиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди.

Шоҳ Акбарга бу сўзлар ёқмади, ёшли кўзларини

юмди. Бироздан сўнг у тетиклашгандек бўлиб, кўзини очди. Суюкли набираси, Жаҳонгирнинг ўгли Шоҳ Жаҳонни кўриб, нурсиз кўзлари учқунланди: шунда шоҳ Акбар, паст овозда бўлса-да, лекин барча эшитадиган қилиб, шундай деди:

— Менинг меросхўрларим кўп. Лекин тахтни бош фарзандим Жаҳонгир Мирзога қолдирмоқдаман. Мамлакат яхлит бўлмоғи лозим. Барчаларингиз унинг амрида туриб, хизматда бўлинг.

Барча Бобурийлар қўлларини кўксиларига қўйиб, шоҳ Акбарнинг васиятини сўзсиз бажаражакларини ифода қилишди.

— Сенга бўлса, нуридийдам! — деди шоҳ Акбар Шоҳ Жаҳоннинг қўлини тутиб. — Мана бу олмосни қолдираман. Бу тошни мен доим ўзим билан олиб юрганман. Мендан сенга ёдгорлик бўлгай!

Шоҳ Жаҳон бобосининг қўлидан олмосни олар экан, ўзини тута олмай ўкраб юборди. Худди шуни кутгандай, шоҳ Акбарнинг ҳам жони узилди.

Тож-Маҳалдай мақбарани ва «Дурли» жума масжидини қурдирган Шоҳ Жаҳон олтмиш уч ёшида тахтга ўлтирди. Унга тож тайёрлашаётганида, бобоси Акбар-шоҳдан қолган олмосни бериб, уни ўз тожига ўрнаттирди. Олмоснинг қирраларида эса шундай сўзлар битилган эди: «Жаҳон шоҳи шоҳ Акбар. Сана 1028» ва «Икки дунё ҳукмдори шоҳ Жаҳонга. Сана 1039» Даставвал вазни 119 карат бўлган бу олмос қирралангач, 74 карат бўлиб қолди ва тарихда «Шоҳ Акбар гавҳари» номи билан шуҳрат топди.

Шоҳ Жаҳоннинг шоҳона яшаши икки йилгагина етар-етмай тугади. Унга қарши бош кўтарган ўгли Аврангзеб томонидан Шоҳ Жаҳон ҳибсга олинди. Тахти-

дан воз кечиб, жонини сақлаб қолган Шоҳ Жаҳон зиндондан озод этилиши ва суюкли хотинининг жасади дафн этилган Тож-Маҳал мақбарасига зиёрат қилиб туриш эвазига ўз тожидаги «Шоҳ Акбар» гавҳарини Аврангзебга берди. Зиндондан озод этилиб, ўз аъёнлари билан Тож-Маҳалга зиёратга борган Шоҳ Жаҳон у ерда умрининг охиригача қолди: ўгли Аврангзебнинг буйруғи билан Тож-Маҳал мақбарасининг минорасига қамаб қўйилди. Қамоқда саккиз йил яшаган ва ёши етмиш тўртга кетган Шоҳ Жаҳон:

— Ал-қасосу мин ал ҳақ! — деб доим ух тортар, кейин, — шунисига ҳам шукр, гуноҳларим азобини бу дунёда тортаётирман, — деди.

Банди шоҳнинг ҳолига ачинган навкар бир куни шоҳнинг олдидан дастурхонни йиғиштирар экан, куюниб деди:

— Саккиз йил хизматингиздаман, шоҳим! Саккиз йил ичида ўглингиз бирор марта ҳам ёнингизга келмади. Фарзандингизнинг қаҳри қаттиқ экан.

— Йўқ-йўқ, — деди шоҳ. — У Оллоҳ амрини бажараётир. Аврангзеб — Худонинг менга қарши юборган газаби!

Худди шу куни, қирқ етти ёшли Аврангзеб, Франциядан келган сайёҳ Ж. Тавереньени жуда катта илтифотлар билан қабул қилди. Ўзининг тахту-тожларига, қилич сопию, эгар-жабдуқларига қадалган антикий жавоҳирларини кўрсатиб, мақтанди. Бундай жавоҳирларни кўрган меҳмоннинг ақлдан озаёзганидан завқланди.

Шуниси қизиқки, Таверенье ва бошқа сайёҳларнинг тилида дostonларга айланган барча ноёб жавоҳирларнинг биронтаси ҳам Аврангзебнинг қўлига босқинчилик ва талон-тарож қилиниб, қон тўкиш йўли билан келмай,

факат мерос сифатида ўтган эди. Ҳатто «Шоҳ Акбар гавҳари» ҳам бундай қараганда отасининг розилиги билан берилган. Шунинг учун бўлса керакки, Бобурийлар сулоласидан бўлган бу шоҳ юз йил умр кўрган.

Авраңгзеб 1718 йили оламдан ўтди. Орадан йигирма йил ўтгач, бу улуг мамлакатни Эрон шоҳи Нодиршоҳ босиб олди ва хазинани талаб кетди. Босқинчилик ва зўравонликни «ёқтирмайдиган» олмос тошлари Нодиршоҳга «хизмат қилмади», у 1747 йили қотиллар томонидан ўлдирилганда, бошқа жавоҳирларга қўшиб, «Шоҳ Акбар гавҳари» ҳам ўгирланди. Олмос унутилиб, жаҳоннинг номдор олмослари рўйхатидан йўқолди.

Орадан юз йигирма йил ўтиб кетди. 1866 йилнинг кеч кузида Истамбул банкларидан бирига келган бир денгизчи банк эгасининг олдига бир кутича қўйиб, уни очиб кўришга ундади. Банк эгасининг кўзлари жавдираб кетди.

— Ахир бу гавҳар-ку, жаноб! — деди у.

— Бу менинг олмосим, — деди денгизчи, — пул зарур бўлиб қолди. Қиморда бой бериб қўйдим. Шуни зудлик билан сотиб беринг.

Олмоснинг сотилиш нархи, банк хизмат ҳақи келишиб олингач:

— Менга икки кун муҳлат беринг, — деди турк.

— Бир кун, — деди денгизчи, — ундан кейин кеч бўлади.

Истамбул, Анқара банкларида «Пастухов олмоси» номи билан яна пайдо бўлган «Шоҳ Акбар гавҳари»ни Ғарбий Ҳиндистоннинг Гужарат вилоятидан келган Геквар исмли бир ҳинд савдогари 26 минг фунт стерлингга сотиб олди. Шунда Геквар олмосни қирраляб сайқаллаганларида ҳам сақланиб қолган «Жаҳон шоҳи

Шоҳ Акбар. Сана 1028» ва «Икки дунё ҳукмдори Шоҳ Жаҳонга. Сана 1039» ёзувларини ўқиб, дили орзиқди. Олмосни ўлиб, кўзига суртар экан:

— Энди олмос ўз ватанига қайтгусидир, — деди енгил тортиб.

ҚОН ТЕККАН ОЛМОС

Санкт-Петербург, 1772 йил, 22декабрь. Эрталаб соат тўққизларда сарой заргарининг эшиги қаттиқ қоқилди. Эндигина дворянлик даражасига кўтарилган армани Лазар, ҳали хизматкорлар ушлашга одатланмаганлиги туфайли иссиқ ўрнидан эринибгина туриб, пўстинини елгага ташлади. Ташқаридаги кимса эса, шиддат билан эшик қоқишда давом этарди.

— Ҳозир, кетаётирман! — деди ташқарига сўнгра овозини пасайтириб. — Ким бўлди экан? Эй, худойим, ўзинг бало-қазодан асра!

Эшикни беш-олти қулфлар билан беркитишга одатланган Лазар, вайсаб-вайсаб эшикни очди. Заргар кўзларига ишонмай, анграйиб қолди. Эшик олдида граф Орлов девдек бўлиб турар эди. У манзиратга қараб ҳам турмай, Лазарни нари суриб, ичкарига кирди-да, ечина бошлади.

— Ўлиб қолибмидинг Назарич? — деди граф заргарга гинахонлик қилиб, — бир соатдан бери эшигингни қоқаман!

— Григорий Григорич! — деди Лазар кутилмаган меҳмонга ҳамон таажжуб билан боқиб, — сени қандай жин учирди?

Шундай деб, чол меҳмонни ичкарига бошлади, чирокни ёқди. Столга дастурхон ёзиб, егулик ва ичимлик қўйди.

— Хабаринг бор, Назарич. Екатеринани тахтга ўтказган ҳам мен, саройни ҳар қандай иблислардан тозаллаган ҳам мен эдим! — деди Орлов кўкрагига зарб билан мушт уриб ва шиша графиндаги арақдан бир стаканини сипқориб олиб, алам билан гапида давом этди. — Ўз мулкимга бориб, овчилик қилиб, ҳордиқ чиқарай десам, душманларим йўқлигимдан фойдаланишипти.

Ҳовуридан бироз тушгач, Орлов заргарнинг уйига бундай барвақт келишининг сабабига кўчди:

— Екатеринанинг Россия тахтига ўтирганлигининг ўн йиллиги билан табриклар, унга арзигулик бир совга қилмоқчиман, — деди Орлов заргарга. — Бисотингда бор бўлган энг яхши зебу зийнатларингдан, жавоҳир тошларингдан энг зўрини танла, айтган нархингга оламан!

— Номим заргар бўлса-да, зарим йўқ жавоҳирчигану — бирорта қимматли тошим йўқ.

Лазар жавоҳирлар солинган сандиқчасини олиб чиқиб, графнинг олдига кўйди. Ундаги қимматбаҳо тошларни тез кўздан кечирган графнинг куюк қошлари уюлди:

— Нодиршоҳнинг кўлида йигирма йил заргарлик қилган сендек тулкига сира ишонмайман! — деди Орлов столга мушт уриб. — Тинтув ўтказдириб, барча жавоҳирларингни тортиб олмасимдан бисотингдаги энг яхши тошларингни кўрсат деб илтимос қилаяпман...

Анчагина муддатга йўқ бўлиб кетган Лазар, хонага бир кичик қутича билан кириб келди. Шарқона услубда нақш берилган бу қутини Лазар учта калит билан очди, оппоқ матога ўралган тошни авайлаб олиб, Орловга узатди, унча-мунча жавоҳирларни кўравериш кўзи пи-

шиб кетган граф олмосни олганда, кўллари қалтираб тушди.

— Чиндан ҳам Ҳазрати Олияга лойиқ тош экан! — деди у. Ниҳоят, Орловнинг кистови билан Лазар олмосни тўрт юз минг тиллага сотди. Бундай катта маблагни олиб келиш учун хизматчисини чанага ўтказиб, уйига юборган Орлов, олмосга боқиб тўймас эди.

— Бу олмос Ҳиндистон подшоҳи Шоҳ Жаҳонники бўлган экан, — деди Лазар.

— Сенинг кўлингга қандай қилиб тушиб қолди?

— Бунинг тарихи узун, — деди Лазар бир хўрсиниб. — Нодиршоҳ Ҳиндистонни босиб, Бобурийлар хазинасидаги барча жавоҳирларни битта қўймай олиб кетган. Шунда менга ўзининг заргари сифатида шу «Шоҳ Жаҳон» устида ишлашни топширди. Даставвал унинг вазни 400 карат бўлган. Нодиршоҳнинг буйруғи билан, уни қирралаб, шоҳ тахтига ўрнатганман. Нодиршоҳ ўлдирилиб, ҳаммаёқни остин-устун қилишганида шоҳнинг бошини унинг жиянига олиб келган курд, саройдаги алғов-далғовдан фойдаланиб, бу олмосни тахт суянчиғидан суғуриб олган-да, яширинган. Эртаси куниёқ ўша курд мени топиб, олмосни таклиф қилди. Ўзимнинг умрим хавф остида қолганлигидан мен тошни олишдан бош тортдим. Оилам билан Арманистонга кўчиб ўтганимдан кейин бир ой ҳам ўтмай, зангар мени топиб олди. Савдолашиб тошни оладиган бўлдим. Олтин тангаларни тайёрлаб қўйдим, курддан эса олмоснинг чиқишини дараги йўқ. Хавотир олиб, олтин солинган халтани олдимга тортсам, курднинг кўзи чиқаёзди. «Тўхта!» деб, буюрди у бир кўлини халтага қўйиб. Иккинчи кўлида бўлса, ханжар пайдо бўлди. «Шўрим қуриди» деб ўйладим, баданимни титрок бос-

ди. Шунда курд этигини ечиб, оёгининг нақ болдирини бояги ханжар билан аста кеса бошлади. Баччағар этининг орасига яшириб қўйилган қон аралаш олмосни менга узатди.

Шу орада, хизматчилар тўрт юз минг тиллани олиб келишди. Олтинларни Лазарга узатар экан, Орлов кулиб деди:

— Бу пулга битта шаҳар курса бўлади.

Граф Орловнинг бу совгаси Екатеринага шундай ёқдики, ораларидаги совуқчилик унутилиб кетди. «Шоҳ Жаҳон олмоси»га кумушдан чиройли ҳошия ясаган Лазар, уни ҳукмдорнинг скипетрига — қўл таёқчасига ўрнатди. Баъзан «Орлов олмоси» ҳам деб юритиладиган бу гавҳар икки юз йигирма саккиз йилдан бери Россия салтанат скипетрида ўрнашганча сақланмоқда. Унинг ҳозирги нархи 4 миллион АҚШ долларидан ошиқдир.



СИРЛИ ГАВҲАР

ТОҶДОРЛИК РАМЗИ

Баҳодиршоҳ кўшин сўфисининг азонидан уйғониб кетди. Шошилиб ташқарига чикди-да, шарқ томонга қаради. Уфқ бўзариб келмоқда, нарироқдаги ўрмон ҳали уйқуда, фақат баъзи бир қушларнинг аҳён-аҳёнда сайраб қўйиши эшитиларди...

— Бугунги намозга анча барвақт чақирди, шохим! — деди койиниб, эшик оға сочиқни узатар экан.

— Ғафлат тўшагидан барвақт кўтарилганингга сира ачинма! Шукр қил! — деди шох юз-қўлини артиб, сочиқни қайтарар экан. — Баъзи бандаларга бугунни кўриш бахти насиб этмади.

Баҳодиршоҳ кеча қатл этилган Банди ва машараштраликлар кўзғолонининг бошқа раҳбарларига шаъма қилаётганлигини Говинд тушуниб, бадани сесканиб кетди. Бомбейнинг марказий майдонида ўтказилган бу қонли маросимда етмиш икки машараштраликнинг боши чопилди. Буни кўрган Бомбей аҳолисининг қути ўчиб, шохга қарши қайта бош кўтармасликка онт ичиб, Баҳодиршоҳ қаршисида ер ўпди.

Бомдодни ўқиб бўлган шох хаёлга чўмди. Нима учун улуг боболари Амир Темур ва Бобур унинг тушида тез-тез намоён бўлишмоқда? Не сабабдан отаси Аврангзеб унинг тушида доимо ялангбош бўлиб, жавохирлар ичидан қандайдир тошни излайди?

Шох Аврангзебнинг 1707 йили тилдан қолиб, тўсатдан ўлиши унинг фарзандлари орасида бошланган қонли тўқнашувларга, можароларга сабаб бўлган эди.

Шунда шахзодалар ичида айнан шу, Муаззам ғолиб чиқиб, тахтга Баҳодиршоҳ номи билан ўлтирган. Бобурий сулоласи шоҳларининг тождорлик рамзи ҳисобланган йирик зангори шуълали олмосни унинг бўйнига илаётган шайх Мақсуднинг айтган гапи ҳамон ёдида.

— Бобур шоҳдан қолган бу табаррук жавоҳирни отанг Аврангзебнинг бўйнига ҳам мен илганман, — деган эди кекса шайх, кейин тош устидаги арабча ёзувни кўрсатганди. — Бунда «Ҳиммат» сўзи ёзуғлик. Ҳимматли, саховатли бўл!

Фарбда Сулаймон тоғларидан, шарқда Ҳимолай тоғларию қадимий Непал давлатигача, шимолда Ҳиндикуш тоғ тизмаларию Қорақум даштларидан тортиб, жанубда то Цейлон ороллариғача бўлган ерларни ўз ичига олган улкан Бобурийлар империясининг яхлитлигини сақлаб туриш кун сайин оғирлашиб, мамлакатни идора этиш мушкуллашиб борарди. Бобурийлар хонадонининг энг забардаст вакили бўлган Аврангзеб томонидан кенгайтирилган улкан сарҳадлар ҳам, зебу зийнат ва жавоҳирларга тўлган хазина ҳам Баҳодиршоҳнинг кўзига кўринмай, тахтни қўлдан чиқармаслик учун мамлакатни султонлигу бекликларга бўлиб беришга, хазинадаги бойликларни улар билан бирга баҳам кўришга мажбур бўлиб қолган эди. Шоҳ мурувватларидан талтайиб кетган султонлару ражалар хазинага солиқ тўлашни ҳам, шоҳнинг ягона ҳукмдор эканлигини ҳам унута бошлашди. Унга қарши чиқа бошлашди. Бош кўтарган султон ёки ражанинг адабини бериш мақсадида мамлакат бўйлаб от сурган Баҳодиршоҳ жангу жадалдан чарчади.

Нонушта тугаб, дастурхон йиғилиши билан ичкарига навкар кириб, лашкар кўмондони Ҳайдар Алининг кел-

ганини айтди. Аврангзебнинг барча ҳарбий юришларида қатнашган бу кекса жангчи Бобурийлар хонадонига содиқлиги билан, жанговар ботирлиги билан шуҳрат қозонган. Шунга қарамай ўта тортинчоқ ҳам эди. Мана ҳозир ҳам қўшинлар бош қўмондони бўла туриб, Баҳодиршоҳнинг ҳузурига бостириб киришдан тортинди. Шу ҳақда ўйлаган шоҳ бир жилмайиб қўйди-да, ўрнидан туриб, ҳурмат билан қўмондонни қарши олди.

— Сипоҳларнинг оёққа турганига бир соат бўлди, — деди қўмондон шоҳ олдида тик турганича. — Ҳамма ўтовлар йиғилиб, жамланган. Қурол-аслаҳалар филлару отларга ортилган.

— Давлатободни кўзлаб йўлга чиқаверинглар. Мен аъёнларим билан ортингиздан йўлга тушаман, — деди Баҳодиршоҳ.

Куни кеча сафар режасини тузганда, Аҳмаднигорга йўл тутилишини аниқ айтган шоҳнинг бир кечада айниганига Ҳайдар Али ҳайрон бўлиб қолди. Қўмондондаги иккиланишни сезган Баҳодиршоҳ ўзини оқлаган бўлди.

— Ёмон тушлар кўраётибман... Улуғ боболаримнинг руҳлари, отамнинг арвоҳлари нотинч кўринади, — деди у хомушроқ бўлиб, кейин гапида давом этди. — Давлатобод йўли пойтахтга анчайин яқин. Боз устига йўлимиз Аврангбод устидан ўтади. Худо хоҳласа шаҳарни қайта қуриш ниятим бор.

Аммо Баҳодиршоҳнинг бундай нияти амалга ошмади. Унинг барча режалари чиппакка чиқди. Эллик мингли қўшин бошида Давлатобод томонга йўл олган Баҳодиршоҳ ҳарбий сафарининг учинчи куни нотинч хабар эшитди: Гужарат султонлигининг асосий кенти бўлган Аҳмадободда маҳаллий ҳиндулар билан мусулмонлар ўртасида тўқнашув бўлиб, кон тўкилмоқда

экан. Бундан таъби тирриқ бўлган шоҳ от тизгинини Аҳмадобод томонга буришга мажбур бўлди.

Ғам доимо қўша-қўша бўлиб юраркан, Қўшин Гужарат сарҳадларига етиб қолганида яна бир хунук хабар етиб келди: Ҳайдарободда ноиб султон Муродни ўлдирган голкондаликлар ўзбошимчалик қилиб, кўпчилик конларга ўт қўйган, далаларни пайҳон қилган эмиш.

Мамлакатнинг энг бадавлат султонлиги бўлган Голконданинг қўлдан кетиши ўз давлатига катта зарба бўлишини тушунган Баҳодиршоҳ қаттиқ изтироб чекди. Денгиз қирғоғига жойлашган Сурат шаҳрида қўниб, ўз яқинлари ва лашкарбошилари билан кенгаш ўтказди. Барчанинг фикрича, Голкондада барқарорлик ўрнатиш учун лашкарбошилардан бирини ўн минг отлиқ билан юборишни маъқул топишди. Аммо бу қўшин бошида ким бориши кераклигига келганда саркардалар билан шоҳ бир фикрга кела олмади, ҳарбийлар бир овоздан шоҳга содиқ қўмондон Ҳайдар Алини тавсия қилса, Баҳодиршоҳ ўз яқинларининг фикрини ушлаб олиб, лашкарбоши бенгалиялик бойвачча Муршид Кулини тайинлаш ниятини олдинга сурди. Ҳайдар Алининг ўзи аралашиб, бундай тадбирга айнан ўзини, агар жуда иложи бўлмаса, бўлак ишончлироқ лашкарбоши тайинланишини ўтиниб сўраганида ҳам, шоҳ яқинларининг фикрини қўллаб, ўз қароридан қайтмади. Бенгалия мусулмонларидан бўлган бу йигит, шаҳзодалар билан видолашиб бўлгач, қулоч очиб келди-да, кўзёш тўкиб, шоҳнинг кифтига бошини қўйди. Бундан тўлқинланиб кетган Баҳодиршоҳ:

— Бу ондан бошлаб сен Голконда султонлигида менинг ноибимсан. У ерда тартиб ўрнат. Бобурийлар салтанатига хизмат қил! — деди шоҳ кўзидан меҳр ёшла-

рини артиб ва бирдан бўйнидаги олтин занжирга осиглиқ зангори олмосни олиб, Муршиднинг бўйнига илди. Бундай бўлишини кутмаган шоҳ аёнлари ва айниқса шахзодаларнинг эси огаёзди. Чунки бунда ақлга сигмас ҳодиса, тузатиб бўлмас хатарли ҳолат юз берган эди.

Бобурийлар сулоласининг биринчи шоҳи Бобурнинг бўйнига ҳинд қабилалари, мусулмон элатлари томонидан «Ҳиммат» деб аталган бу зангори олмосни Бобурдан кейин унинг тахтига ўтирган, мамлакатда даврон сурган барча Бобурий шоҳлар ҳукмронлик рамзи сифатида бўйинларига осиб юрганлар. Қўлларидан келганча адолатли, ҳимматли ва саховатли бўлганлар. Зангори олмос ҳам бунга жавоб тарзида, уларнинг руҳини тетиклаштириб, қудратига қудрат, кучига куч қўшган, бало-қазолардан сақлаган. Айтишларича, душман томондан Шоҳ Жаҳонга қараб отилган ўқ жавоҳирга тегиб, четга учиб кетган. Акбар Шоҳ кўкрагига санчилиши керак бўлган қотил ханжари олмосга тегиб, синган. Аврангзебнинг олдига қуйилган пиёладаги заҳарли гулоб, олмос тегиб кетиб тўкилган...

Олмос билан боғлиқ бўлган Бобурийлар хонадонининг бундай ҳикояларини кўп билган Баҳодиршоҳ ичидан чиққан қандайдир нотаниш бир тўлқин, қандайдир бир қувват сеҳри, унинг таъсири остида бундай мурувватни қилиб қўйди-ю, шу он сесканиб кетди. Аммо кеч эди — олмосли занжир бенгалияликнинг бўйнида эди. Муршиднинг бўлса қувончдан кўзи чақнаб кетди.

— Барча ҳукмларингизни бажараман! Танамда бир томчи қон қолгунча салтанатингизга хизмат қиламан, — деб ваъда қилди у.

Ўн минг аскар бошида Сурат шахрини тарк этган Муршид, охирги сипоҳ шахар дарвозасидан чиқишга улгурмасидан ўз ваъдаларини ҳам, шоҳнинг топширигини ҳам унутди. Голкондага бориб, адолат ўрнатиш ўрнига Бенгалияга йўл тутди. Бенгалияга келгач, султон Мансурни қатл қилиб, катта йигин чақирди, ўзини Бенгалиянинг янги султони Муршидий Кулихон деб эълон қилди. Бу ҳақда мамлакат султони Баҳодиршоҳдан махсус ёрлик бўлмаса-да, Муршиднинг бўйнидаги Бобурийларнинг ҳукмронлик нишонини кўрган бенгал халқи Муршид ҳукмига бўйсунди. Бенгалия султонининг курсисига ўтирганига бир йил бўлар-бўлмай Муршидий Кулихон батамом жинни бўлди. Қандайдир сирли қувватга эга, аждодларидан табаррук бўлган олмосдан айрилиб қолган Баҳодиршоҳ эса Дехлига ўлар аҳволда, зўрга етиб келди. Ҳинд табибларининг дори-дармонларию сарой аҳлининг парваришларига қарамай, шоҳ борган сари сувсиз қолган майсадек сўларди.

1712 йилнинг 22 июнида улуг Ганг дарёсининг бошланишида, ўнг қирғоғида қад кўтарган Дехлида Бобурийлар салтанатининг сўнгги шоҳи оламдан ўтди. Шоҳнинг енгилгина жасади ҳали лаҳадга кўйилмай туриб, худди шу куни, худди шу Гангнинг ўнг қирғоғига асос солинаётган Муршидобод шаҳрида жинниликдан жазавога тушиб қолган Муршид Кулихон севикли хотинини сўйиб кўйди. Бундай даҳшатли фожеадан бироз ўзига келган тентак султонга сарой табиблари, унинг бўйнидаги олмосни хавfli санаб, тошни асил эгасига — Бобурийлар саройига қайтарилишини маслаҳат беришади. Бу маслаҳат султонга маъқул тушади. Аммо хасис султон, табиблар «хавф»ли деб аташган олмосни эгасига қайтариш ўрнига, уни сотишни афзал билди.

Уни Таверенье исмли француз сайёҳига жуда арзон баҳога сотиб юборди.

ЁВУЗ ҚУББА

Беш ёшида Франция тахтига ўтирган, Бурбонлар наслдан бўлган, етмиш тўрт ёшли Людовик XIV ўз ёшига ярашмаган даражада енгилтак, упа-элик ва пардоз-андозга ўч, қимматбаҳо буюмлару жавоҳирлар деса ўзини томдан ташловчи, гўзал аёллар олдида эсидан огувчи шилқим қирол эди. Қўшни мамлакат — Испания билан мерос талашиб, 1701 йилда бошланган уруш ўн йилдан бери давом этаётганига қарамай, кун сайин қашшоқланиб бораётган халқининг тез-тез қўзғолон қилишига парво қилмай, айшу-ишратга муккасидан кетган кекса қирол балу маскарадлар, зиёфатлардан сира чарчамас эди.

Қандайдир Таверенье деган сайёҳ Ҳиндистон сафаридан қайтибди, кўп саргузаштларни бошидан кечириб, гаройиб нарсалар олиб келибди, деган гап Парижнинг хушчақчақ клубларига тез тарқалди. Хали бирор тайинли турар-жой топиб улгурмаган Тавереньени Луврга, қирол саройига таклиф қилишди. Аввалига қирол яқинларига мўлжалланиб ҳозирланаётган зиёфат катта базмга айланиб, пойтахт ва унинг атрофидаги графликлардан икки юздан ортиқ олийнасаб аёллар тўпланди.

Таверенье Лувр зиналаридан охиста кўтарилар экан, Калкутта султонининг ҳашаматли саройини эслади. Очиқ кўкракли кўйлақлар кийиб, Лувр катта залининг икки чеккасига оққушлардек тизилиб, виқор билан турган сарой аёлларини кўриб ҳайратланди. Тавереньени саройбон барчага таништиргандан сўнг қирол, ушбу

йигилиш, машхур сайёҳнинг ўз ватанига қайтганлиги шарафига ташкил қилинганлигини, шу сабаб, зиёфат ва балдан олдин меҳмоннинг сафар саргузаштларидан эшитиш иштиёқи бўлганини айтиб, зал бурчагига ўрнатилган минбарни Тавереньегга кўрсатди...

— Нимадан бошласам экан? — деди хижолат тортиб сайёҳ, залдан садо чиқмагач, яримта-юрумта қилиб гап бошлади. — Ҳиндистон жуда катта... Франциядан беш-ўн марта каттадир. Мамлакатни туркистонлик Темурубек авлодларидан бўлган Бобур шоҳ авлоди идора этади. Шунинг учун бўлса керак, бу мамлакатни Бобурийлар империяси деб юритишади.

— Бойликларидан гапиринг! — буюрди қирол.

— Жуда бой мамлакат. Иморатлари фақат оқ мрамрдан, жуда нафис қилиб қурилган, — деди Таверенье ва залдагиларнинг жонланиб кетганидан завқланиб, илҳом билан гапга тушди. — Кўчаларида тош эмас, мраммар ётқизилган бўлиб, одамларнинг оёқ остига гиллавлар тўшалган. Аҳолиси шундай яшайдики, уларнинг идиш-товоқлари фақат олтиндан, хизматқору қуллар бўлса, кумуш товоқлардан овқатланишади. Нодир тошлару жавоҳирлар мамлакатда кўплигидан аёлларнинг жавоҳир тақмаган ери қолмаган.

Залда кулгу кўтарилди. Кулгу тингач, Таверенье ёқимли табассум билан сафаридида кўриб улгурмаган нарсалар ҳақида инглиз денгизчиларидан эшитганларини кўшиб-чатиб гапирди.

— Ҳиндлар нима еб, нима ичишади? — сўради бир аслзода шампан қадаҳини лабига тутаркан.

— Ҳиндлар гўшт ейишмас экан. Сигирни илоҳий хайвон санашади. Уни сўйишмайди ҳам, сутини ҳам ичишмайди.

— Гўштсиз, сутсиз қандай яшашади? — қизиқиб сўради семиз бир аёл.

— Сут ичишади, — деб кулди Таверенье. — Бироқ сут дарахтларда, махсус кувачаларда тайёр бўлар экан. Дарахтлар шу қадар баландки, сутли кувачаларни одамларга фақат маймунлар олиб тушиб беради. Мамлакатда маймунлар одамлардан ҳам кўп. Улар одамлар билан бирга яшайди.

Тавереньенинг ҳикояси чўзилиб кетди. Шунинг учун савол-жавобни зиёфатдан кейинга қолдиришди. Аммо қирол сайёҳни четга тортиб, ўзини қизиқтирган бирикки саволни ўртага ташлади Сайёҳнинг шахсан қиролга айтган ахборотича, Бобурийлар империясининг шоҳи жаҳонда энг бадавлат шоҳ бўлиб, унинг хазинасини уч юзта фил Аградан Дехлига бир йил қатнаб, ташиб тугатолмаган. Бу сўзларни эшитган қирол ақлдан озаёзди. Сўзининг исботи сифатида Таверенье Муршиддан сотиб олган «Хавф» олмосини киссасидан чиқариб, қиролга кўрсатди.

Антиқа олмосни кўрган Людовикнинг кўзлари чақнаб кетди. Тошнинг таърифини эшитгач, нима бўлганда ҳам уни қўлга киритиб, суюкли жонони — ёш графиня Анжеликага совға қилиш фикрига тушди. Айёр Таверенье бўлса, Ҳиндистондан келтирилган бу ёдгорликни сотмаслигини қатъий айтиб, оёғини тираб олди. Бир соатга чўзилган тортишувдан кейин «Хавф» жавоҳири эвазига қирол Тавереньегга граф унвонини берадиган, сайёҳнинг сафари учун қилган барча харажатларини хазина ҳисобидан қоплайдиган бўлди.

Жавоҳирни қўлга киритган қирол тонггача киприк қоқмай чиқди. Мўътабар шоҳларнинг қўли теккан бу табаррук тошни Анжеликага беришдан айнади. Эр-

талаб саройга чақирилган заргар Пито киролдан махсус топшириқ олди. Тош устига ўйилган «Ҳиммат» сўзини ўчириш керак эди. Вазни 115 каратли бу олмосни заргар Пито икки йил тарашлаб, ёзувни аранг йўқотди. Сўнг гўзаллигига зиён етган олмосни уч бурчакли қубба шаклига келтирди. Олмоснинг вазни 68 каратга тушиб қолди. Шунга қарамай «Хавф» нафис ва жилвагар эди.

Олмосни саройга олиб келган Пито, уни шу кунийёқ қирол тожигга ўрнатиб берди. Орадан қирқ кун ўтгач, қариллигига қарамай ҳали анча тетик бўлган Людовик XIV тўсатдан оламдан ўтди. Франция қиролининг бундай тез ва кутилмаганда ўлгани устида бош қотирган сарой табибларию, қирол ромчилари, мамлакат олимларию экстрасенслар бунинг сабабчиси тожга тақилган «Хавф» олмоси деган қарорга келишди. Уларнинг фикрича, учбурчак қубба шаклига келтирилган бу олмос ажал тарқатувчи кучли манбага айланган.

Барча экстрасенслару башоратчиларнинг фикрига хурофот илллати деб қарашга одатланган қирол Людовик XV бўлса, бу олмосни тождан олиб, ўзининг Олтин Руно орденининг ўртасига ўрнатди. Олтин Руно фақат тантаналардагина тақиладиган бўлиб, олимларнинг фикрича, айнан шу сабабдан олмос қуббасининг бу қиролга таъсири аста-секин амалга ошган. Шунга қарамай, Людовик XV ҳам узокқа бормай, чечакдан азобланиб ўлди. Франция қиролларининг бу ажойиб олмосга бўлган иштиёқлари пасайди. Қироллар энди бу олмосни ўз ўйнашларининг кўкракларида кўриш завқи билан чегараланиб қўяқолдилар. Аммо, қироллар адашдилар. Олмос аёлларга ҳам шафқат қилмади. Қиролларга суюкли бўлган енгилтак графиня Дюбарри ҳам, дилдор княгиня Ламбель ҳам балога гирифторм

бўлдилар: кўзига қон тўлган оломон княгиняни тилка-пора қилиб ташлади.

Графинянинг бошини кундада жаллод олди.

...Орадан ўттиз йил вақт ўтиб, навқирон Людовик XVI Франция тахтига ўтирди. Хазинани томоша қилаётганда, «Хавф» олмосини кўриб қолди. Уни ёқтириб, ўз тожига ўрнатади. Бу 1792 йилнинг 1 июлида бўлганди. Кун одатдагидек тинч ва осойишта ўтди. Аммо эртасига тўсатдан халқ кўзголони бошланиб кетди. Орадан қирқ кун ўтгандан кейин эса, яъни 10 августда қирол тахтидан воз кечишга мажбур бўлди. Тождан ажралаётган қирол олмосдан ажралгиси келмади. Уни хотини, Австрия императорининг қизи бўлган Мария Антуанеттага совға қилди. Бу нафис олмосни тақиб олган қиролича фақат икки кунгина қувонди. Учинчи кун қироличани ҳам, қиролни ҳам қамоққа олишди. Конвент томонидан суд қилиниб, иккови ҳам жаллод кўлида қатл қилинди. Қатлдан кейин олмоснинг ҳам номи ўчди.

ҚОТИЛ

Даҳлизда ўзини офтобда тоблаб ётган Бенжамин Шимолий денгизнинг Роттердам портида лангар ташлаб турган чет эл кемаларига қараб, бир хўрсинди. Чунки, бу кемаларнинг ихтиёри ўзларида, қайга истаса шу томонга қараб сузади, юк бўлса бас. Улар яқин атрофдаги шимол мамлакатлари орасидагина қатнасалар-да, ҳар қалай денгиз кезишади. Бенжаминдек кўрфаз қирғоғида ётмайдилар. Хасис отаси озгина пул берса эди, у бирор кемага ёлланиб, сирли Ҳиндистон ва қадимий Хитой томонларга саёҳатга чиққан бўлар эди...

Турли давлатлар байроқлари илинган кемалар қа-

торига ҳавас билан қараб ётган Бенжаминнинг кўзи беихтиёр кеча лангар ташлаган инглиз кемасидан тушган бир жанобга тушди. Башанг кийинган бу инглизга ёшгина аёл ҳамроҳлик қилар эди. Улар Роттердамнинг қирғоқ бўйлаб чўзилиб кетган шоҳ кўчасига эмас, Бенжаминларнинг икки қаватли уйига қараб бурилишганини кўриб, диққат билан кузата бошлади.

Ёшлигида Парижда яшаб, савдогарлик ва заргарлик билан шугулланган Фалос ўз она юртига келганига ўн беш йил бўлган. Роттердамдан бир қадам ҳам силжимай, ҳеч кимга аралашмай, тирикчилик ўтказар эди. Пулга муҳтож бўлиб қолганида, бир вақтлари орттирган майда-чуйда заргарлик буюмларини сотиб, кийналмай ҳаёт ўтказар эди. Шунинг учун унинг уйига маҳаллий голланд ва нидерланд савдогарларидан бўлак зот келмасди. Чет элликларни яқиндан кўрмаган Бенжамин, ўз уйига яқинлашиб келаётган инглизларга анграйиб қолди. Афтидан, Бенжаминнинг отаси, инглизларнинг келишини олдиндан билган Фалос уларни ясаниб-тусаниб қарши олди. Кўйлакчан бўлиб ўтирган Бенжамин, меҳмонларнинг ёнига туша олмай, уларнинг суҳбатини болохонадан тингларди.

Ёши йигирма бешларда, тилларанг сочли инглиз кизига маҳлиё бўлиб қолган Бенжамин ундан кўзини узолмасди. Ҳатто инглиз жаноб билан отаси ўртасидаги суҳбатни ҳам тўла эшитолмади. Фаҳмлашича, меҳмонлар қандайдир антиқа бриллиантни Фалосдан харид қилиш учун келишганини англади. Отаси ҳарсиллаганича йўргалаб, ичкари хонадаги махфий сейфидан бир қутича олиб чиқди. Қизни суқланиб томоша қилаётган Бенжаминнинг кўзи қутича ичидаги учбурчак қубба шаклидаги бриллиантга тушди.

— Вой, қари тулки! — деб юборди ҳайратдан Бенжамин. — Менга ҳеч нарсам қолмади деб юрган отам шундоқ бойлик устида ўтирган экан-ку?!

Инглиз билан Фалос узоқ суҳбатлашмади. Фалос, бриллиантни жойига қўйиб, меҳмонларни кузатди. Бенжамин ҳам пастки хонага кириб, зудлик билан кийина бошлади. У ҳозирок инглиз кемасига бориб, шу жаноб билан гаплашишга аҳд қилган эди. Денгиз саёҳатига чиқиш орзусининг ушалишида хасис отаси эмас, айнан шу жаноб ёрдам беришига негадир кўзи етди.

— Лорд Камильтон, — деб ўзини таништирди инглиз оқ суюги эшик олдида қаққайиб турган Бенжаминга ҳайрон бўлиб қарар экан. Ундан садо чиқмагач, ёнидаги курсида ўтирган бояги гўзал қизга имо қилиб, — менинг жияним Луиза, — деди.

Ўзини заргар Фалоснинг ўгли эканлигини айтган Бенжамин лўнда қилиб, Шарқ мамлакатларига саёҳатга бориш орзусида яшаётганини, бунга эса, моддий имкони йўқлигини айтиб, шундай мамлакатларга қатновчи инглиз кемаларидан бирига Бенжаминнинг ёлланнишига ёрдам беришини Камильтондан ўтиниб сўради. Уни жилмайиб тинглаб турган лорд ҳам, гўзал Луиза ҳам «Браво!» деб кулиб юборишди.

— Менинг саргузашт изловчи дўстим! — деди лорд қадаҳга ром қуйиб Бенжаминга узатар экан. — Мен сизга ёрдам беришга тайёрман, — деди Камильтон ва Бенжаминнинг қадаҳни сипқориб юборганини кўриб, қадаҳга яна ром қуйиб, гапида давом этди. — Аммо кемага оддий матрос қилиб эмас, капитан ёки кеманинг эгаси сифатида жойлаштираман.

Хурсандчилигидан кўзи чақнаб, энтикиб қолган Бенжамин қўлидаги қадаҳини яна бўшатди.

— Отангизда имконият жуда катта! — деди қатъият билан лорд. — Агар отангиз кўлидаги бриллиантни сотса, сизнинг денгиз ортига саёҳатингиз уёқда турсин, ҳатто Луизадек бир гўзал қизга уйланиб, Европа пойтахтларидан бирида умрингизнинг охиригача роҳат қилиб яшай оласиз.

— Ҳозиргина отам билан олмосни савдолашдингиз, шекилли? — сўради Бенжамин умидворлик билан.

— Келиша олмадик! — деди Камилтон дил хиралигини яширмай. — Эллик минг фунт стерлинг бераман десам ҳам, отангиз кўнмади. Мен олмосни қирол хонадонига тортиқ қилмоқчи эдим...

— Отангизни кўндилинг, азизим, — деди Луиза Бенжаминнинг кўлига майин кафтини қўйиб.

Олмос билан унинг тақдири чамбарчас боғлиқлигини сезган Бенжаминнинг кўзлари алангаланди. Бир дақиқа ўйлаб туриб, Камилтонга ваъда берди:

— Олмос сизники бўлади!

— У ҳолда эллик минг фунт стерлинг сизники бўлади, — худди шу оҳангда жавоб қилди Камилтон.

Инглиз ромининг қуввати, гўзал Луизанинг жилваси ва эллик мингнинг қудратидан маст бўлган Бенжамин уйига келиб, отасини ўлдирди-да, олмосни олиб, яна инглиз кемасига қайтди. Каютада Луизанинг ёлғиз ўзи ўтирарди. Бундан хурсанд бўлиб кетган Бенжамин қизга ўзини ташлади. Луиза ўзини четга олган бўлди.

— Мен ваъдамни бажардим! — деди тантанавор бриллиантни гўзал Луизанинг олдига суриб.

...Эрталаб, боши оғриб уйғонган Бенжамин ўзини қирғоқдаги ахлатхонада кўриб, ҳайрон бўлди. Нима бўлганига ақли етмай, қарахт бўлди. Гандираклаб портига, кеча инглиз кемаси лангар ташлаб турган ерга келди.

Кема жойида. Аммо у Ирландия байроги остида эди. Кеада ҳеч қандай лорд Камилтон ва унинг жияни Луиза йўқлигини айтган боцман Бенжаминни трапдан тушириб юборди. Пешингача портда изғиб, Камилтонни тополмаган Бенжамин уйига қайтди. Отасидан ҳам, олмосдан ҳам бир кечада айрилганини тушунди. Мудҳиш жиноят қилиб қўйганидан куюниб кетган Бенжамин аламига чидолмай, ўзини денгизга ташлаб ўлди. Аммо, ўз отасини ўлдирган қотилдан денгиз ҳам жирканди. Унинг жасадини тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлади. Бенжаминнинг сасиган жасади қузғунларга емиш бўлиб турган бир пайтда лорд Камилтон севиклиси Луиза билан инглиз қиролига тож кийдириш маросимида иштирок этар эди.

Ганновар сулоласидан бўлган шахзода Георг IV номи билан Буюк Британия тахтига минди. Тож кийиш маросими куни Камилтон қиролга «Хавф» бриллиантини тақдим этиб, Британиянинг Ҳиндистондаги Ост-Индия компаниясига раҳбар бўлиб олди. Бриллиантга эга бўлган қирол эса, кўп ўтмай эсидан оға бошлади. Буни сезиб қолган қиролнинг яқинлари дарҳол бунинг олдини олиш мақсадида Лондоннинг бир банкирига қалтис бриллиантни ярим баҳосига сотиб юборишди.

БОЙ БЕРИЛГАН «УМИД»

Арзон баҳога қўлга киритган бриллиантини маҳкам чангаллаб олган Чарльз қирол қасридан юриб эмас, учиб чиқиб, ёнига келиб тўхтаган экипажга ўзини урди.

— Қирғоқ бўйлаб ҳайда! — деб буюрди у кучерга.

У уйига кириши билан хотинини кучиб, бугун қўлга киритган ўлжасини кўрсатди. Бриллиант шуъласидан

лол бўлиб қолган Лолита жавоҳирни қўлига олиб, суқланиб томоша қилди.

— Бриллиантнинг шарқча номи «Хавф» — хатарли демакдир. Тош кўпчиликнинг бошини еган, — хотинига тушунтирди у.

— Унда, била туриб, нега тошни уйга олиб келдинг? Банкдаги сейфингга элтиб қўй.

— Йўқ, асло! — рад этди Чарльз меҳр билан бриллиантни қўлига олиб. — Нархловчилар бунинг баҳосини юз йигирма минг фунт стерлинг дейишаётир. Шунинг учун унинг жойи уйимизнинг тўрида. Вақти келиб, уни пулласак, пули Гавай оролларидадан бирини сотиб олишимизга етади.

Чарльз Лондонда энг омади юришган банкирлардан бўлиб, нимага қўл урса, ўша иш унумли, ўша иш фойдали бўлиб чиқарди. Ҳамкасблари ярим ҳазил, ярим ҳасад билан:

— Чарльзнинг қўлига тушган қоғоз пул олтинга айланади, — дейишарди.

Дунёда энг чойхўр саналувчи инглизларни Ҳиндистон чойи билан таъминловчи компаниянинг асосий таъсисчиси худди шу одам эди. Кундан-кунга бойиб бораётган Чарльзга ҳасад қилишарди. Омад қуши қўлига қўнган бу кимса эса уларни писанд қилмай янгидан-янги фойдали лойиҳаларга қўл урарди.

Ҳар тўқисда бир айб бўлар экан. Чарльзда ҳам битта эмас, ўзига хос нуқсонлар бор эди. Бири — у ирим-сиримлар қуршовида яшар, иккинчиси — карта ўйинининг шайдоси эди. Бу икки бир-бирига қарама-қарши бўлган нуқсонлар унинг ишига зарар бермай, ҳаёти бир текисда ўтарди.

«Хавф» олмосини қирол хонадонидан сотиб олган

Чарльз, бриллиантнинг зиёнли қувват манбаи эканлигини эшитгач, маълумотлар тўплаган, уларга ишонар ва оқибатидан кўрқар эди. Аммо, очкўзлик голиб келиб бриллиантни ҳеч иккиланмай сотиб олди. Унинг таржимаи ҳолидан кўрққан Чарльз бриллиантни уйдаги сейфига қандай қўйган бўлса, жавоҳир ўша ҳолича ўн икки йил ётди. Бу орада Чарльзнинг ишларида ҳам, оилавий ҳаётида ҳам ҳамма нарса аввалгидек киши ҳавас қилгудек ривож топаверди. Карта ўйинида бўлса, ютуқ кўпинча Чарльз томонда бўлиб, уни «Поккер пирри» дейишар эди.

Ҳамма нарса тинчлик билан, ўз меъёрида кетиши, Чарльзда «Хавф» бриллиантига нисбатан бўлган ҳадикларини, аста-секин пучга чиқарди. Секин-секин Чарльз бриллиантини тез-тез қўлига олиб, уни томоша қилиб турадиган бўлди. Ҳеч бир зарар етмаётганига мутлақ ишонч ҳосил бўлгач, бриллиантни хотинининг бўйнига осиб, йиғин-сигинларга олиб борадиган бўлди.

Орадан икки йил ўтиб, бирдан Чарльзнинг ишлари орқага кета бошлади. Аввалига Британия туризмидан ажралди. Бразилиядан кофе келтирувчи қўшма компаниядаги акциялари кўлдан кетди. Бундай ҳолатдан кўрқиб кетган Чарльз дарҳол бриллиантни хотинининг бўйнидан олиб, яна сейфга яширди. Фойдаси бўлмади, худди ўпирилган тўғондан сув ургандек, иши ўнгланмади.

Қаттиқ ваҳимага тушган Чарльз черковдан руҳонийни олиб келиб, бриллиантни «тозалатди» ва «Умид» деб ном қўйди. Аммо, бу тадбирлар ҳам наф бермади. Сал ўтмай, инглиз чой ширкати аукционга қўйилди. Картадан ҳам омад кетди. Айниқса, яқшанба кунлари виконд Жонсоннинг уйида бўладиган ўйинларда бир

вақтлар «Поккер пири» деб аталган Чарльз америкалик ишбилармон Франкелга ҳамма нарсасини ютқазиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолди. Тонггача чўзилган ўйинда омади кетган Чарльз ўзининг «Умид»ини ҳам бой берди. Бир кечада барча бойлигидан ажраган банкир ўзини отиб қўйди. Чарльзнинг маъракалари ўтмай туриб, хотини Лолита ҳам ифлос Темза сувида чўкиб ўлди.

Қиморда рақибининг барча мулкани ютиб олган америкалик Франкелга ҳам «Хавф» асқотмади. Тўрт йил ичида ҳамма нарсасидан ажралди. Банкрот бўлган Франкелнинг мол-мулки кимошди савдосида сотилди. «Хавф» бриллиантини эса, бир юз қирқ минг фунт стерлингга ўттиз олти ёшли турк шаҳзодаси Абул Ҳамид сотиб олди.

ҚОНХЎР СУЛТОН

«Хавф» бриллиантининг янги эгаси бўлган шаҳзода Туркия тахтига султон Абдул Ҳамид II номи билан ўлтирди.

Жавоҳир ишқибозларию олмосларни олиб-сотувчи савдогарлар орасида бадном бўлган сирли олмос турк султониغا қай даражада зарар беришини кута-кута чарчашди. Чунки инсондаги барча салбий хусусиятлар Абдул Ҳамидда мужассам эди. Уларнинг қай бири унинг туғма феъли, қай бири бриллиант таъсирида ривож топаётганини билиб бўлмас эди. Европа шаҳарларида ўзининг хотинбозлиги билан ном чиқарган Абдул Ҳамид султонлик тожини кийгандан кейин ҳам шундайлигича қолаверди.

Авваллари ҳам қаҳри қаттиқликда барчадан ажралиб турган шаҳзода тахтга ўлтирганда ҳам ўзгармади,

унинг қамчисидан қон томарди. Ўлим жазоси нима эканини унутиб бораётган Туркия олий суди Абдул Ҳамид тахтга ўлтирган йили икки юздан ортиқ маҳбусни арзимас гуноҳи учун дорга тортди. Шунинг учун унинг феълдаги бу ўзгаришлар тўсатдан, «Хавф» бриллиантининг таъсирида деб, қабул қилиниши мушкул эди. Бу ҳолат султон яқинларини, саройдагиларнинг кўзини хиралаштирди, ҳушёрлигини йўқотди. Шунинг учун улар олтин занжирдаги бу бриллиантни биринчи бор бўйнига осаётган султоннинг.

— Бу жавоҳир исломий шоҳлар хизматида бўлади, насронийларнинг эса адабини беради, — деб мақтаниб айтган гапларига ҳам ишондилар. Султон Абдул Ҳамиднинг бу сўзларини пойтахт газеталаридан ўқиган машҳур геолог Хўжар Мустафо султон саройига мактуб ёзади.

У ўз хатида «Бу бриллиантда ёмонни ошириш, яштини емириш хусусияти намоёндр. Уни мамлакат султонидан нарироқ тутиб, илмий томондан ўрганган маъқул», деб маслаҳат бергани учун олимни қамоққа олишди. Аммо султон саройида кейинчилик ривож топиб борган воқеалар профессорнинг ҳақ эканлигини кўрсатди...

Европа оқсуяклари доирасида қаллоблиқда донг чиқарган княз Борис Калитовскийнинг Стамбулда пайдо бўлиши турк ишбилармонларию сиёсатчиларининг диққат марказида эди. Европанинг барча мамлакатларида бўлиб, боёнларнинг оғзига похол солиб, катта маблағларни ўзлаштирганига қарамай, бирон марта жазоланмаган бу башанг княз Калитовский нима сабабдан икки ойдан бери Стамбулда туриб қолди? Бу ерда унинг турмуш тарзи ҳам бошқача эди. Доимо

барчанинг диққат марказида бўлишни яхши кўрган княз Босфорнинг тик қирғоғидаги қояга қўндирилган, Мандаридас деган юнонийга қарашли қадимий қасрда ўзига макон топди.

Бутун Европада номи машҳур бўлган князнинг Стамбулда тарки одатий яшаши сўзсиз сарой аҳлининг ҳам қулоғига етди. У ўтқир ҳиссиётлар хуштори, портловчи феъл сардори бўлган султонни ҳам қизиқтириб қолди. Кутилмаганда Калитовскийдан султонга таклифнома келди, Унда: «Улуғ Султон, бугун дастурхоним олдида ўлтириб, туманли Лондонда бирга шўхлик билан ўтказган кунларимизни хотирлаш имконини берурсиз, деб умид қиламан. Б.К.» деб, ёзилган эди.

Султон Абдул Ҳамидни княз европача дид билан безатилган залда, султонларга хос ҳурмат билан кутиб олди. Граммофондан таралиб турган мусиқа садоси остида зиёфат бошланди. Француз коньягидан уч-тўрт қадах ичилгач, султон ва княз аввалларидек бир-бирларини сенсирашга ўтишди. Икки дўстнинг базми қизиб бораётганида, бирдан хонага ёши йигирмалар атрофида бўлган гўзал бир қиз кириб келди-да, ўлтирганларга ҳайрон бўлиб қаради.

— Княз, зиёфатни нега менсиз бошладингиз? — деди қиз эркаланиб, кейин султон томонга оҳу кўзларини сузиб бир жилмайди-да, сўзида давом этди: — Билдим, мени бу турк заводчисидан қизгандингиз, шекилли? — дея султонга яқинлашди.

Қизнинг гўзал ҳусни олдида довдираб қолган султон, унга узатилган бежирим бармоқларини қалтираб кафтига олди.

— Менинг номим Залима, — деди қиз жилмайиб. — Британия қироличасининг тарбиясини олган мендек

маликани, қолоқ бу мамлакатга олиб келиб, шу вай-ронага тиқиб қўйган шу одамга турмушга чиқишим мумкинми?

Залиманинг бу гапларидан княз хижолат тортган бўлди. Уни тўхтатишга ҳаракат қилди. Залима бўлса, унга эркалик қилиб хоҳолаб кулар, султонни оддий турк ҳисоблаб, бемалол гаплашар эди.

— Йўқ, албатта. Тегмайман бу жоҳилга!

— Ҳа, княз чиндан ҳам жоҳил! — деди жилмайиб султон қизнинг майин қўлини ҳамон кафтида тутиб.

— Жоҳилликда Турк султонидан ҳам ўтган, — деди Залима.

— Бўлди, Залима! — деди кескин оҳангда княз, сўнгра узр сўраб тушунтирган бўлди. — Сен шикоят қилаётган одам заводчи эмас, турк султони Абдул Ҳамид бўлади.

Княз шундай дейиши билан Залимани ток ургандек бир сесканди-да, хушидан кетди. Ўзини йўқотиб, довдираб қолган князни нари суриб, султон Залимани юзини елпиб, хушига келтирди. Яна хушига келган Залима, султоннинг юзига қарашдан уялган бўлди. Сўнгра ўрнидан турди-да, султон қаршисида тиз чўкиб, ундан узр сўради. Буни кутмаган султон қизни дарҳол ўрнидан тургазди.

— Йўқ, йўқ! Узр сўраманг, асло! Зиёни йўқ, танимадингиз-да.

Залима султонни синчиклаб томоша қилгандек бўлди.

— Қироллар саройида таърифланган султоннинг мутлақо акси экансиз. Ҳуснда ҳам, олижанобликда ҳам тенгингиз йўқ экан, — деди эркаланиб. — Сиздан ҳам хафаман. Ўзингизни дарҳол танитганингизда, мен бундай аҳволга тушмаган бўлардим...

Ҳаёт дарахти ниҳол отиб, севги гунчалари гуркираган пайтда Европа пойтахтларида, ресторону исловатхоналарида умр ўтказган султон муҳаббат домига тушиб, Залимани ёш боладек севиб қолди. Қаллоб княз ва Париж варетьесининг раққосаси билан тузилган режа амалга ошди.

Султон гўзал Залимага ўша «Хавф» бриллиантини беришдан ҳам қайтмади. Аммо, бир куни рашк аламида ундан бриллиантни тортиб олиб, Залимани сўйиб қўйди. Бу фожеа устига етиб келган княз султонни халқаро судга беражагини айтиб, Абдул Ҳамидни кўрқитди. Бундай шармандалиқдан қутилиш ниятида султон «Хавф» бриллиантини князга тақдим этди. Султон халқаро жанжалдан омон қолди. Аммо «Хавф» бриллианти белгилаган тақдиридан қутила олмади. Уни қонхўр султон деб атай бошлашди. Кўп ўтмай султон ҳам тахтдан воз кечди, 1909 йили эса, ақлдан озиб, ўлди.

Ҳийла-найранглар билан бу қалтис бриллиантни қўлга киритган княз Калитовскийнинг тақдири ҳам аянчли тугади. 1911 йили Парижга князникига меҳмон бўлиб келган Мантаридас, уни ўлдириб, бриллиантни ўзи билан олиб кетди. Князнинг ўлигини Париж кўчаларидан бирида топишди. Бундай қабих ва жиноий йўл билан бриллиантга эришган Мантаридаснинг тақдири аянчли тугади. Бриллиантнинг сўнгги эгаси, хотини ва қизи билан жарликка қулаб, ҳалок бўлдилар.

1958 йилдан бошлаб Вашингтондаги Смитсон Институтининг «Хоуп» номи билан хусусий мулкига айлантирилган сирли бриллиантнинг тарихи шу.



ЖУМБОҚЛИ СИРТМОҚ

Тарихий-саргузашт қисса

ҒАРОЙИБ МАҲБУС

Буюк Бобурийлар салтанатидаги жамики олмос конларининг соҳиби Абдулқосим Тошкандийни ҳам вақт аямади. Бир пайтлар тиним билмай, конма-кон кезиб чарчамаган, довжурак ва билимдон бўлган туркистонлик бу муҳандис олтмишга кириб, ҳаракатлари сусайди. Энди у бирор ерга келса, ҳафталаб қолиб кетар, сафарга истар-истамас чиқарди. Конларга кириб, кудукларга тушишлари камайган, муҳандису ишчиларга лозим бўлган фикр-мулоҳазаларни ер юзида бериш билан кифояланар эди. Шунинг учун ҳам, бу гал Олмосгорга ташриф буюрган Абдулқосим мана икки ойдан бери шу ерни маскан қилиб, ҳафтада бир-икки марта ер остига тушиб, қолган пайтлари тоғ этагига унинг учун тикилган ўтовда келган-кетганларга маслаҳат бериш билан чекланарди.

Буюк Бобурийлар салтанатида Абдулқосимнинг маҳкеи юксак, ҳуқуқ-эътибори чексиз эди. Ҳар гал конларга борганида у қазиб олинган олмос зарраларини назардан ўтказиб, икки тоифага бўларди. Майда заррачаларни яқин орадаги шаҳару қишлоқларнинг заргарларига сотиш учун юбортирарди. Нўхатдек йирик доналарни эса махсус пўлат сандиқчаларга солиб, сипоҳларнинг катта гуруҳи назорати остида Деҳлига, шоҳ Аврангзебнинг хазинасига йўлларди. Борди-ю, Аллоҳнинг ҳиммати билан олмоснинг кам учрайдиган биророрта ноёб нусхаси қўлга тушиб қолса, Абдулқосим уни ҳеч кимга ишонмас, шахсан ўзи элтиб, шоҳга тақдим этарди. Аммо шов-шувга муносиб, ноёб доналар

борган сари камайиб кетаётганидан Абдулқосим ҳам икки-уч йилдан бери пойтахтга бормаи қўйган. Чунки мамлакатда маълум бўлган барча олмос конлари Аврангзеб ҳукмронлиги даврида ҳадеб қазилавериби, анча бўшаб қолган эди. Баъзи пайтлар ўрик данагидек олмос топилиб қолса, кончилик ишларига ташланган маҳбустлар бундай топилмани яшириб қўйишга ёки олиб қочишга уринишарди. Негаки, бундай йирик жавоҳир унинг етти пуштига бемалол етиб ортиши аниқ эдида!

Шу боис ҳам кеча пешин намозидан кейин, Олмосгорнинг бутун тарихи мобайнида илк марта, йириклиги нақ ўрдак тухумидек келадиган, вазни эса 410 карат бўлган олмос донасини топиб олган маҳбустнинг хатти-ҳаракатлари ақлга сизмас даражада таажжубли ва сирли эди. Таажжубланадиган ери шунда эдики, бундай йирик олмос ёмбисини топиб олиш бахти тажрибали ишчилар ёки бирор-бир муҳандисга эмас, балки насл-насаби номаълум, келгинди бир маҳбустга насиб этганди. Бунинг сирли томони шунда эдики, агар ёмби топган маҳбуст белгиланган тартибга биноан толган тошини ўз назоратчисига берганида, назоратчи гувоҳлик қилиб, маҳбуст шу ондаёқ тутқунликдан озод этилиши шарт эди. Бу қондани яхши билган маҳбуст бу йўлни тутмай, ўз топилмасини олиб қолиб, айнан Абдулқосимнинг ўзига хуфягиға топширди. Нега бундай қилди? Балки назоратчининг софдиллигига ишонч бўлмагандир? Эҳтимол, эркинликка чиқиб яшашни истамас? Нега энди бошқа маҳбустларга ўхшамайди, тортинчок ва камсухан? Нима учун ундан олий зотларга хос бир нур, кўринмас қувват уфуриб туради?

Шундай саволлар қуршовида боши қотган Абдулқосимнинг маҳбустга қизиқиши ортиб, уни шомликка таклиф қилди. Ўтовга тортинибгина кирган йигит пой-

гақдан жой олди. Сўнг мезбоннинг имоси билан олдига кўйилган дастурхонни очди. Иштаҳа билан овқатланаётган маҳбусга зимдан тикилиб турган уй эгаси ҳам таомга қўл урди.

— Иним, исминг нима? Кимнинг ўғлисан? Насл-насабинг ким? — деб сўради Абдулқосим дастурхон йиғиштирилгандан кейин.

Маҳбус бу саволларга жавоб бермай, Абдулқосимга мўлтиллаб қараб қолди. Мезбон бўлса, бечоранинг кулоғи оғирроқ экан-да, деб ўйлади шекилли, саволини баландроқ овоз билан яна қайтарди. Шунда йигит кўз ёши тўкиб инграганича оғзини очиб кўрсатди.

— Эй, Худойим! Бу қандай даҳшат!? — деб юборди Абдулқосим юзини буриб.

Маҳбуснинг тили таг-туғи билан юлиб олинган эди.

— Қандай Худосиз сени бу аҳволга солди, бўтам? — деб сўради кекса муҳандис ва бу саволи ҳам барибир жавобсиз қолишини билиб, куйингандан бош чайқаб қўйди.

Шунда маҳбус имо-ишора билан қалам-қоғоз сўради. Унинг ниятини дарров тушунган уй эгаси очилиб кетди. Унинг буйруғи билан дарҳол қалам-қоғоз келтиришди.

Шунда маҳбус шошмасдан, хуснихат билан, араб имлосида ўз тарихини қоғозга тушира бошлади.

«Мен хуросонли Эрон подшоҳи Аббос Иккинчининг катта ўғли Султон Ҳасанман, — деб ёзди у оппоқ Самарқанд қоғозини тўлдиришга киришар экан. — Отам 1666 йил тўсатдан вафот этиши билан унинг икки иниси ўртасида тахт учун бошланган қонли тўқнашувлардан кўрққан вазири аъзам ҳомиладор онамни саройдан олиб қочиб, тунда Бухорога, онамнинг тоғаси, Бухоро ҳукмрони Абдулазизхон саройига юборган. Шунда мен ва иним Ҳусайн Бухорога етар-етмас, йўлда — карвонсаройда тугилганмиз.

Хон бизни қулоч очиб кутиб олган. Бир ойдан кейин саройга келган Балх султони Субхонқулихон онамнинг иниси бўлатуриб, у кишининг кўз ёшларига қарамай, Султон Ҳусайнни ўз саройига олиб кетди. Шундан кейин ака-ука бир-биримизнинг бор-йўгимиздан беҳабар тарбиялана бошладик.

Абдулазизхон мени ўз фарзандидек санарди. 15 ёшдан барча ҳарбий юришларга олиб борарди, саройдаги тўю тантаналар менсиз ўтмас эди. Сарой аъёнлари менга шахзодадек муносабатда бўлишарди.

Хива хони Анушахон Бухоро хонлиги ҳудудларига тез-тез бостириб кириб, эл тинчлигини бузар, экинзорларни пайхон этиб, молларни ҳайдаб кетар, асир олган ёшларни қул қилиб сотар эди. Шу сабабдан Абдулазизхон доимо жанговар ҳолатда бўлишига, тез-тез қўшин тортиб, хиваликларни қувиб юришига тўғри келарди. Анушанинг бундай босқинлари йилига 7-8 марта бўлиб ўтарди.

Шундай босқинларнинг охиргисида Ануша пойтахт ёнидаги Жўйбор кентини талаб, хонавайрон қилди. Бу пайт биз хон билан Карманада эдик. Абдулазизхон Бухорога ёрдамга шошилди. Шаҳарга биз тунда яқинлашдик, аммо шаҳар дарвозалари хиваликлар қўлида эди. Катта қийинчилик билан ичкари киргач, то Арккача жанг қилиб бордик. Арк ҳали бухороликларнинг қўлида эди. Хоннинг хитоби билан барча аҳоли қуролланиб, Ануша қўшинларига ҳамла қилди. Хиваликлар яна чўлга қочишди.

Мушкул аҳволда қолган давлатни идора қилиш кексайган Абдулазизхонга огирлик қилаётганини атрофдагилар сезар, буни хоннинг ўзи ҳам эътироф этар эди. Бундан фойдаланган унинг укаси Субхонқулихон Балхга ўз ўглини султон қилиб қолдириб, яхши қуролланган қўшини билан Бухоро остонасида пайдо бўлди

ва тахтдан воз кечишни акасидан талаб этиб туриб олди. Катта тогам тортишиб ўтирмай, тахтни кичик тогам Субхонқулихонга топширди. Мана шунда мен биринчи марта укам Хусайнни кўрдим. Биз бир-биримизга икки томчи сувдек ўхшаш, ҳатто овозларимизни ҳам ажратиб бўлмас эди.

Бухоро тахтига минган Субхонқулихон ўз акасини Маккага ҳаж қилгани жўнатди. Абдулазизхон Маккага ета олмай, йўлда вафот этди. Мени эса Субхонқулихон ўглининг ҳузурига, Балхга юборди. Сиддиқ Муҳаммад мени яхши қабул қилиб, мактубда кўрсатилганидек Ихтиёриддин қалъасига қамамай, ўз саройидан жой берди. Худди шу даврда Субхонқулихон кўшин тўплаб, шоҳ Аврангзебнинг маслаҳати билан Хоразмга юриш қилди. Икки тўқнашувда Хоразм кўшинларини тўла тормор қилиб, Анушахонни қатл эттирди. Хоразм тахтига унинг ўглини чиқариб, ўз номига қасамёд қилдирди.

Шу тариқа шимолий душманидан қутулган Субхонқулихон аслида икки мамлакатга ҳукмдор бўлиб олди. Бироз ҳордиқ чиқарган хон ёнига суюкли жияни Хусайнни олиб, ўзининг жанубий кўшниси бўлган Буюк Бобурийлар салтанатига, қудратли Аврангзеб ҳузурига ташриф буюрди. Улар улуғ шоҳ қабулида уч-тўрт марта бўлиб, саройнинг сиёсий ва ҳарбий аҳли билан маслаҳатлар ўтказишди. Аврангзеб ва унинг яқинлари Субхонқулихонни ўз салтанатларининг ғарбига туташган Эрон давлатида тинчлик ўрнатиш ишларига рағбатлантиришди.

Ҳиндистондан қайтган Субхонқулихон Эрон юртига кўшин тортиб кирди. Бебош қолган мамлакатга, ҳеч бир қон тўкмай, укам Султон Хусайнни шоҳ қилиб ўтказди. Аммо отасининг бундай ҳаракати Сиддиқ Муҳаммадга ёкмади, чунки у Эрон тахтида мени — шоҳ Аббоснинг катта ўглини кўришни истарди. Қизиққон

Сиддиқ очикдан-очик отасига қарши чиқиб, Бухорога кўшин тортди. Бироқ икки тўқнашувнинг ўзидаёқ унинг кўшинлари тамоман енгилди. Балхга кириб келган Субхонқулихоннинг буйругига кўра, Сиддиқ Муҳаммад билан мени Ихтиёриддин қалъасига қамашди. Тунда эса жаллод келиб, менинг кўз олдимда шаҳзоданинг бошини олди. Мени бўлса, кўрган-эшитганларимни бировга айтиб қўймаслигим учун, тилимни суғуриб олишди-да, бир хитой савдогарига сотиб юборишди. Савдогар Катмандуга келгач, кул бозорига олиб бориб, мени бир ҳинд бойваччасига сотди. Ҳинд хожам қаҳри жуда қаттиқ бўлиб, бир неча куллар унинг калтаги остида кўз ўнгимда ўлди. Фақат ундан қочибгина менинг жоним омон қолди. Лекин ҳинд тупроғига етганимда салтанат сипоҳиларининг қўлига тушиб, ана шу конга келиб қолдим...

Абдулқосим Тошкандий шуларни ўқир экан, бир неча бор кўз ёшини артди, чуқур-чуқур хўрсиниб, Аллоҳдан бул бандаи ожизга шафқат сўради.

— Азиз бўталогим, — деди кейин. — Шунча вақт одамлар билан қандай мулоқот қила олдинг? Турк ёки форс тилини ҳамма ҳам билавермайди-ку?

— Бу унча қийин эмас, — деди йигит жилмайиб ва сурат чизди. — Мен ёшлигимдан сурат чизиб, хондан кўп дакки еганман. Тасвир орқали сўзлашиш осон ва тез кечади.

Султон Ҳасаннинг бу гаплари бир варақ қоғозда пайдо бўлган нафис суратда баён этилган эди. Уни томоша қилар экан, Абдулқосим ачиниб жилмайди:

— Аллоҳнинг қудрати билан озод бўлсанг, не қилар эдинг?

— Юртимга қайтиб, отамнинг гўри олдидан макон излардим.

Эртасига Абдулқосим Тошкандий ўзига шоҳ Авранг-

зеддан берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, кечаги маҳбус Ҳасаннинг қўлига озод эканлиги ҳақидаги гувоҳномани тутқазди. Ожиз бўлиб қолган шаҳзодани кузатар экан, Султон Ҳасаннинг ўзи топган кечаги катта олмос ёмбига бир сиқим жавоҳир кўшиб берди. Шаҳзода ҳайрон бўлиб қараган эди:

— Босадиган йўлинг ҳам, яшайдиган умринг ҳам узоқ ва мушкулдир. — деди муҳандис кўзига ёш олиб.
— Бир юмушингга яратарсан.

ЖОДУГАР

Шундайгина остона олдида чўнқайиб олиб, бир шўх куйни хиргойи қилганча, ховончада алланарса янчиётган йигирма ёшлардаги қиз ичкарида, тахта устида ётган эркакнинг инграшини эшитиши биланоқ хурсанд бўлиб, унинг ёнига келди.

— Тирик экансан-ку, соҳиб! Демак, дориларим фойда бера бошлабди. — Кейин беморга қошиқда суюқлик ичирар экан деди: — Қўркмай ичавер, танангдаги кўринмас моддаларни ҳайдаб, сени балолардан асрайди!

Бемор ётган йигит катта-катта кўзларини очиб, атрофга ҳайрон бўлиб қарарди.

— Ҳа, соҳиб, сен шоҳона саройда эмассан! Бу, бечора бир овчининг кулбаси, — деди қиз маъюс жилмайиб. — Мен шу кулбанинг соҳибаси Нурийман. Сени Қоратог этагида ўлар ҳолатда ётганингда топиб олдим. Бу ерга келтириб, ювиб-тараб, даволаётирман.

Бемор огриқдан юзи тиришиб, қизга қаради.

— Ҳа, мен табибман. Табиб бўлганда ҳам, тузуккина табибман, — деди қиз чиройли жилмайиб. — Табиб табиб эмас, касал боққан табиб дейишади. Отамни эслай олмайман. 11 ёшимдан шол онамни боққанман. У киши бу дунёдан кўз юмганида ёшим 14 да эди.

Онамни даволашга уринган табиб унинг вафотидан кейин ҳам, уйимиздан қадамини узмай, менга дорилар сирини очиб, касалликларга қарши курашиш йўллари ни ўргатди. Унинг айтишича, инсондаги дард икки хилдир: бири табиатдан, бири эса Худодан. Табиатдан бўлган дардларни табиат моддаларидан тайёрланган дори-дармон билан тузатиш мумкин. Яратгандан келган дарднинг давоси эса яхши сўз билан тинчликдир. Уч йил устоз тарбиясини олиб, табиб бўлиб етишдим. Дуолариму дори-дармонларим қаршисида чекинмаган бирон бир дард қолмади. Овозам бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди... Бўйим етганда Аградаги жоме масжиди имоми табиб билан бизни никоҳлаб қўйди. Аммо бу иш Аллоҳга хуш келмади чоғи, табиб устозим никоҳ кечаси жон берди...

— Бу суюкликни шошмасдан, кичик қултумлар билан, аста-аста ич, — деб буюрди Нурий беморнинг оғзига қошиқ тутиб. — Дори ичинга киргач, қон томирларинг-у ич-этларинг орқали бутун тананга тарқалиши керак.

Кейин Нурий бошқа бир дорини тайёрлашга киришиб кетди-да, худди ўзи билан ўзи гаплашгандек, ўтган кунларини эслаб, сўзида давом этди:

— 17 ёшдаги гўзал аёл узоқ вақт бевалигича қолмас экан. Менга султон саройининг шоири Сардор ҳофиз ошиқ бўлиб қолди. У фарзандсиз бева эди, мендан розилик олиш учун анча хушомад қилиб юрди. Ундан қўшиқ ва рақс санъатини ўргандим, унча-мунча газаллар ёзиб, куйга солдим. Сардор билан бирга йигинларда қатнашиб, қўшиқ куйлаб, рақс тушдим. Томошабинларнинг олқишларини олдим. Бора-бора султоннинг йигинлари бизсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Бир куни Оврүподан келган элчилар шарафига саройда ўтган базмдан сўнг, мен Сардор билан бир ёстикқа бош қўйишга розилик бердим...

Бироқ, афсуски, кўргуликларим шу билан тугамаган экан. Сардордан кейин яна неча бор турмуш қурдим, аммо бахт, осуда ҳаёт мендан юз ўгираверди...

Бир гал карвонга қўшилиб кетаётганимда кароқчилар ҳужум қилди. Ҳамма нарсамиздан ажрадик, тирик жон қолдиришмади. Мени эса зўрлаб бўлиб, ташлаб кетишди. Таҳқирланган ва бирор кимсасиз қолган ҳолда ўрмонга кириб кетдим. Қанча кун, қанча йўл босганимни билмайман, бир вақт олдимдан чиққан кўлга келиб тўхтадим. Кўл бўйида бир дарахт топиб, ўзимни осмоқчи бўлдим. Шунда Ниёз деган кекса овчи тўхтатиб қолди. Мен унга кўз ёши қилиб, аламли тарихимни гапириб бердим. У юпатиб, кўзларимни артди, дардимни енгиллаштирди. Ўзи қирқ йилдан бери ўрмонда якка яшашини айтди, менга қиз бўлиб, табиат қўйнида яша, деб таклиф қилди. Мен рози бўлдим. Мана, икки йилдан бери унинг кулбасида яшаб келаяпман, уни ўз отамдек кўраман. Ўрмон ҳаётига шундай ўргандимки, бу ерлардан кетишни сира ўйламайман...

Бир неча кундан кейин тетиклашиб қолган бемор коғоз-қалам олиб, ўзини Султон Ҳасан деб таништирди, тарихини «сўзлади». Нурийнинг юрагидан жой олди, ўзи ҳам ундан кўз узолмай қолди. Бироқ, қизни ўзи билан олиб кетиш ниятини айтганида, Нурий овчи отасини ёлғиз қолдириб кетишга кўзи қиймади. Икки ой ичида тузалиб, кучга тўлган Султон Ҳасан ноилоҳ овчи кулбасини тарк этди. Эртасига хонани йиғиштираётган Нурий Султон Ҳасаннинг ёстиги остидан унинг ҳаменини топиб олди. Очиб кўрса, унинг ичида катта олмос ёмби билан бир талай жавоҳирлар... Нурий оҳ чекиб, йиғлаб ўтирганида, бир ҳафтача ов қилиб юрган Ниёз катта ўлжа билан кириб келди.

— Отажон, тилсиз шахзода кеча кулбамизни тарк этди! — деб Нурий ўкраб юборди, кейин унинг ҳамё-

нини кўрсатди: — Жавоҳирларини унутиб қолдирибди.

— Йўқ, қизим, — деди чол кулиб. — Шаҳзода буларни сенинг хизматинг эвазига ташлаб кетган.

— Йўқ, йўқ, отажон! — деб туриб олди қиз. — Буларни у унутган! Ахир, узоқ юртига етиб олиши учун бу тошлар унга зарур-ку?

— Қизим, балки булар сен кўрган шунчалик азоблар учун Аллоҳнинг ҳимматидур?

— Отажон, мен шаҳзодани топиб, жавоҳирларни унга қайтараман! — деди Нурий қатъий қилиб.

Султон Ҳасаннинг овчи кулбасидан чиқиб кетганига икки кун ҳам бўлмади, Нурий бу тилсиз шаҳзодага кўн-гил қўйганини, юрагида ҳалигача ўзига номаълум, ҳалигача унга нотаниш қандайдир бир ҳис, катта бир туйғу пайдо бўлганини билди. Ўтган тўрт эрақнинг яхши хислатлари бирга қилиб олинганда ҳам шаҳзода фазилатларининг бир томчисига тенг кела олмас эди. Унга доимо маъюс жилмайиб, ғамгин боқиб турган йигитни ортиқ кўра олмаслиги Нурийнинг дилини ўртаб юборди.

Шаҳзоданинг ёзган хатларию чизган суратларини қайта-қайта кўриб чиқаётган Нурийнинг кўз ёши тиниб, чеҳраси очилиб кетди.

— Топдим! — деб хитоб қилди у жилмайиб, Ниёзга бир варақ коғозни кўрсатаркан. — Шаҳзода Калкуттага йўл олган! Мен уни ўша ердан топаман!

Егулигу зарур нарсаларини бир отга юклаб, иккинчисига ўзи миниб, Нурий тонг саҳарлаб йўлга тайёр бўлди. Унга оқ йўл тилаб, дуо қилган овчининг юзидан ўлиб, шундай деди:

— Шаҳзодани топиб, қўлига омонатини бераману, изимга қайтаман, ота!

Кекса овчи бўлса, мамнуният билан жилмайиб, қизнинг кифтига уч марта қоқиб, юзига фотиҳа тортди:

— Йўлинг беҳатар, бахтинг ёр бўлсин!

Ўз қизидек, жонидан ҳам азиз Нурийнинг ортидан то у кўздан йўқолгунча кузатиб қолган овчи уни бўлак кўролмаслигини сезган эди. Чунки яраланган шаҳзода ни кулбага олиб келишгач, кўзларидан севги, юзидан меҳр балқиб юрган қизи ўз бахтини топиш учун унинг изидан тушган эди. Бу йўлдан жуда кам одам изига қайтган. Буни чол биларди.

«ТИЛСИЗ ШАҲЗОДА» ШИФОХОНАСИ

«Моҳ» деб аталган икки мачтали форс кемаси Араб денгизининг Малабар соҳиллари ёқалаб келиб, Калкуттаннинг европача қурилган даҳаси қаршисида лангар ташлади. Шхуна дарғаси Башир Кулибек ўзи билан боцман Довидни олиб, шаҳар томон йўл олди. «Моҳ» нинг эгаси Аҳмад пошшо ярим йилдан бери давола-наётган «Тилсиз шаҳзода» шифохонаси қирғоқ бўй-лаб чўзилиб кетган кўча сўнггидаги майдоннинг орқа қисмида жойлашган эди.

Олти ой олдин шу ерда қолдириб кетилганда ҳамма нарсага бефарқ, ланж ва уйқучи бўлган Аҳмад пошшо меҳмонларни кўтаринки руҳда, кўзлари чакнаб, йи-гитлик қуввати қайнаган ҳолда, хушчақчақлик билан кутиб олди. Шифохона эгаси эса табиба Нурийнинг оддий игнаю ўсимликлардан фойдаланиб, беморларни даволаш усулини мақтайвериб эси кетди.

— Ҳаёт мен учун яна қизиқарли бўлиб қолди! — деди қувониб Аҳмад пошшо. — Онадан қайта тугилдим. Худди бўйдоқ йигитлардекман. Ҳамшираларнинг ҳатто овозини эшитсам ҳам борлигим жунбушга келади. Оҳ, бу ердаги ҳамшира қизлар шундай гўзалки, ҳар бири султон саройига малика бўлгудек! Табиба Нурий эса Лукмони ҳақимдан дуо олганга ўхшайди. Ўзи ҳам па-риллардек соҳибжамол!

Ёши эндигина қирққа борган Аҳмад пошшо ниҳоятда давлатмандлиги билан нафақат Шерозга, балки бутун форс ўлкасига ва унинг ташқарисидаги давлатларга ҳам довруғи кетган савдогарлардан эди. Унинг моллари Ҳиндистон ва Хитой, Турк ва Рус бозорларида сотилар, қатор-қатор кемалари жаҳоннинг кўплаб денгизларида сузарди. Аштархон ва Қуйи Новгород, Бухоро ва Самарқанд, Деҳли ва Агра бозорларидаги таллай-талай йирик дўконлар ҳам унга тегишли. Шундай битмас-туганмас бойликларга эга, элнинг олдида қадри баланд, обрўи юксак одамни Худо бир нарсадан сиқиб қўйди.

Суюкли хотини, гўзал Нигордан биргина қиз кўргач, тўсатдан, бир кечада кучдан қолди. Ҳаммомда покланаётганда фалокат босиб, устара билан олатидаги қайсидир бир томирини кесворган экан. Шундан кейин Аҳмад пошшо жинсий майл нима эканини унутди-қўйди. Кундан-кунга унинг аҳволи огирлашди. Аслида сертакаллуф ва очиқ юзли савдогар серзарда одамга айланди. Нигорни ўпиб-ялаб, эси кетган одам ундан четланди. Форс мамлакатининг жамики машҳур табиблари, фолбинлару машойихлари ҳарчанд уринишмасин, бечоранинг дардига дармон, юрагига ишонч, қалбига осойишталик беришолмади. Аҳмад пошшо Шерозу Исфаҳон, Ҳамадону Райдаги пайгамбарлару авлиёлар қадамжосига зиёратга бориб, қурбонликлар қилди, Сулаймон тоғига чиқиб тўққиз кеча-кундузни ибодатда ўтказди, аммо нафи тегмади. Шунда унга Калкуттада бир ёш ҳинд табибаси шифохона очиб, барча хасталикларга даво топаётганмиш, деган овоза етиб келди. Аҳмад пошшо дарҳол ўзининг «Моҳ» кemasида Малабар соҳилларига шошилди...

— Ие, сизни олиб кетишга келишибди-да! — деди хонага кириб келган Нурий, кейин Аҳмад пошшога

алланарсалар ёзилган бир варақ қоғоз узатди.— Бунда сизга ҳозирча зарур бўлган дорини тайёрлаш усули ва ичиш тартиби ёзилган. Унинг таркибидаги унсурларни Шероз бозорларидан олдиришингиз мумкин. Дорини тайёрлаш осон, у ҳатто аёлингизнинг ҳам қўлидан келади, — деди Нурий ёқимли табассум билан, кейин чиқатуриб қўшимча қилди: — Уйингизга соғайиб қайтаётганингиздан хурсандман!

— Хурсанд эканингизни кўрмаётирмиз, хоним, — деди дарга Башир ҳазиллашиб. — Чунки хўжамизни ихтиёрингизга топширган кунимиз чеҳрангиз анча очик эди.

Бу гапдан ўзини бироз йўқотган Нурийнинг юзлари дув қизарди. Унинг бу аҳволини кўрган Аҳмад пошшо хавотирланиб сўради:

— Хизматчимнинг гапларини маъзур тутинг, хоним! Аммо у тўғри айтди. Сезишимча, уч-тўрт кундан бери қандайдир бир ташвишдан изтироб чекмоқдасиз. Сизни қийнаётган нарса нима ўзи?

Нурийнинг кўзларига ёш қалқиди. Пиёладаги сувдан икки хўплада-да, Довид боцман қўйган курсига аста ўтирди. Кейин Аҳмад пошшонинг қистови билан дардини очди. Унинг қисқача айтиб берган тарихидан маълум бўлишича, Султон Ҳасанни Калкуттадан тополмагач, атайлаб «Тилсиз шаҳзода» шифохонасини барпо этишга киришибди. Бунга албатта катта маблағ керак бўлган. Шунда у Султон Ҳасандан қолган олмосни инглизларнинг «Ост-Индия» компаниясига қарашли банка гаровга қўйиб, эллик минг фунт-стерлинг олган. Мана энди пулни қайтариб бериш муддати тугаб, олмос эртага кимошди савдосига қўйилиши керак экан.

Ҳикоясини тугатар-тугатмас, Нурий ўкраб йиглаб юборди. Хонадаги эркалар унинг атрофида айланиб, ҳаммаси баҳоли қудрат юпатишга уринарди. Йиглаб-

йиглаб кўнглини бўшатиб олган Нурий дардини енгиллаштирди. Ўзига келгач, Аҳмад пошшо унга меҳрибонлик билан қараб деди:

— Энди, хоним, хонангизга кириб, ясаниб чиқинг! Биз билан кетасиз.

— Қаерга? — сўради Нурий ажабланиб.

— Инглиз банкига, — деди Аҳмад пошшо кулиб.

Улар банкка келишганида унинг хўжайини Стивенсон олмосни сотувга тайёрлаб қўйган экан. Анча тортишувлардан кейин Аҳмад пошшо олмосни тўқсон минг фунт-стерлингга сотиб олди. Уни табиба Нурийга қайтариб берар экан, жавоҳирга завқ билан қараб деди:

— Машхур «Кўхинур», «Дарёйинур» олмосларининг таърифини эшитганман. Нафисликда бу ҳам улардан қолишмас экан!

— Айни ҳақиқат! — деди Стивенсон қўлдан кетган олмосдан кўзини узолмай.

— Унда бу олмосни «Моҳинур» деб атасак, жуда ўринли бўларкан, — дея гап қўшди дарга.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Стивенсон ҳужжатларга жавоҳир номини «Моҳинур» деб ёзиб қўйди.

Нурий қувончининг чеки йўқ эди. Ўз миннатдорчилигини шу қабилда изҳор қила олган Аҳмад пошшо ўз шифокори билан енгил руҳда хайрлашди. Аммо Нурийнинг нозик қиёфаси Калкутта оқшомида гойиб бўлганда ёшгина аёлни шундай бебаҳо жавоҳир билан ёлғиз юборганидан ўзини қойиб, унинг ортидан боцманни югуртирди. Бир соатдан кейин ҳаллослаб кемага етиб келган Довид:

— Хонимга етиб олиб, шифохонагача кузатиб бордим! — деди ҳарбийларга хос ахборот бериб. — У сиз олий зотга яна бир бор ташаккурини етказишни сўради.

Шундагина Аҳмад пошшонинг кўнгли тинчиди.

Бомдод намозидан кейин лангар кўтарган «Мох»

шхунаси Малабар соҳилларини тарк этиб, Араб денгизининг бепоён тўлқинлари узра елиб кетди. Калкутанинг замонавий услубда қурилган кўп қаватли бинолари ойналарида тонгги қуёш нурлари ҳали жилоланиб улгурмасидан, «Моҳ» очиқ денгизга чиқиб олиб, ғарб томон йўналди. Севимли ёри, Нигорнинг ташна қучоғига интилаётган Аҳмад пошшо ҳам, дарга кўприкчасида кемани мохирлик билан бошқараётган Башир Қулибек ҳам кечагина қувончи ичига сигмай, улар билан хайрлашиб қолган гўзал Нурийнинг қисматидан беҳабар эдилар.

БОШСИЗ ЖАСАД

Калкаттадан қайтган Аҳмад пошшо чиндан ҳам дунёга қайта келгандек эди. Лоқайдлигу дангасалик, бепарволигу сусткашлик иллатлари кетиб, бутун иликларидан упуриб турган гайрату куч-қудратини қаерга уришни билмас, ҳомиладор хотинини қўйгани жой тополмас эди. Шунинг учун ҳам у Ироқ сафаридан эндигина қайтган «Моҳ» шхунаси дарғаси Башир Қулибекни Шерозга чақиртирди.

Қадимий Бухородан бўлган Башир Қулибек нисбатан ёшлигига қарамай, денгизчилар орасида мавқеи юксак дарга эди. Олдинига у, қарийб ўн йил форс қиргоқларидан Аштархонга сузиб, денгизчилар ўртасида одамхўр ёки қутурган денгиз деб бадном бўлган Каспийда омадли дарга деган номга эришди. Шу ўн йил бадалида «Элбурс» бригантинаси ва «Шоҳ Аббос» фрегатиди денгиз кезди. Каспийнинг манаман деган шоввоз даргалари форс соҳили қояларига ёки Тюлен ороллари маржонларига бир-икки урилиб, фожиадан омон қолганликларини керилиб гапириб юрган бир пайтда, Башир дарга бошқарган кемалар худди фариш-

талар кўригида бўлгандек, бирор шикаст кўрмаган, денгизчилар сог-саломат ҳолда белгиланган манзилга етиб келарди. Кемада тозалик ва интизомга қаттиқ турган Башир Қулибекнинг талаби билан унинг денгизчилари бир хил ва ихчам кийим киядиган бўлишди. Кейинчалик бу либос бутун денгизчиларнинг махсус уст-бошига айланди. Унинг ана шундай фазилатлари Аҳмад пошшога маъқул тушиб, улар дўстлашиб кетишган эди.

Одатий салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашиш тугагач, дарга кема хўжайинига навбатдаги сафар бўйича қисқа ахборот берди. Аҳмад пошшо ундан хурсанд, чунки «Моҳ» нинг ҳар бир сафаридан келадиган фойда уч юз минг динордан ортиқ эди. Ҳисобот тугагач, Аҳмад пошшо пиёлага чой қуйиб, даргага узатар экан, мийи-гида кулиб сўради:

— Сассиқ кўрфазда сузиш меъдангизга теккандир?

Соҳилда бир ҳафтадан ортиқ тура олмайдиган Баширнинг жиддий юзига табассум югурди. Чунки ўн-ўн беш йилдан бери кўним тополмай, денгизда умри ўтган бухоролик бу йигитни бўронли денгиз ҳавоси жодулаб қўйгандек, доим ўзига чақирар, бошини айлантирарди. Умуман, денгизнинг икки қаватли уйдек келадиган тўлқинлари Баширнинг кемасига ташланганида, у эркин нафас олгандек кучга тўлар, офатларга қарши курашишга бугун борлиги билан шайланар эди.

— Вафодор қулингизни қайси томонга юбориш истагидасиз, тақсир? — деб сўради Башир мугомбирона жилмайиб.

— Буюк Бобурийлар салтанатининг пойтахти сеҳрли Деҳлига, — деди Аҳмад пошшо яйраб кулиб. Кейин изоҳ берди. — Шоҳ Аврангзебнинг ҳузурига Шероз усталарининг бир талай юкани етказиш зарур.

— Ахир Шероздан Деҳлига қуруқликдан бориш денгиз йўлидан анча яқин-ку? — ҳайрон бўлди Башир.

— Йўқ, дўстим! Бу юк махсус эътиборга, ўта эҳтиёт-корликка молик, — деди Аҳмад пошшо мамнуният билан. — Карвон билан юборилганда Дехлига юкнинг учдан бири ҳам етмаган.

— У қандай юк экан?

— Шероз ойнаси! Ўн олти пуд ойна сарой қурилишига зарур экан.

Бу сўзлар даргани ўйлатиб қўйди. Қалин кошлари уюлди.

— Ҳа, нега шаштингиз тушиб кетди? — хавотирланиб сўради хонадон соҳиби.

— Икки мачтали шхунамизга бу юк оғирлик қилади, — деди Башир ва кема хўжайинига тушунтирди. — «Моҳ» денгизда сузганда бундан икки ҳисса оғир юкни ҳам кўтара олади. Аммо Ганга дарёсида бу юк хатарли, чунки кема саёзликка ўтириб қолади.

Бу гапдан Аҳмад пошшонинг чеҳраси тундлашди. Илло, Бобурийлар хонадонига хизмат қилиб, шоҳ Аврангзебнинг эътиборини қозониш имконияти қўлдан чиқмоқда эди. Буни сезган Башир роса бош қотириб, анча ўйлади.

— Юкни оламыз! — деди дарга ниҳоят енгил тортиб. — Бу ердан тўла юкланиб кетсам-да, Калкуттадан у ёғига уни иккига бўлиб, Дехлига элтаман!

Бандар-Буширдан юк ортган «Моҳ» пешинда бандаргоҳни тарк этди.

Денгизчилар Форс кўрфазини ҳазиллашиб сассиқ дейишса-да, унинг суви кўпинча тинч бўлиб, сафар саргузаштсиз ва беташвиш ўтарди. Шунинг учун бу кўрфазда сузган вақтида Башир дарга кўприкчаси у ёқда турсин, ҳатто юқори палубага ҳам чиқмай, ўз каютасида китоб мутолаа қилиб ўтирарди. Бу гал эса, сафарнинг учинчи куниеқ у ўз ўрнини эгаллашга мажбур бўлди, чунки боцман Довид бетоб эди. Шунинг учун

дарга ёрдамчиси Ризо унинг ўрнига ҳам ишлаб, даргани вақтида алмаштира олмай қола бошлади.

Сафарнинг саккизинчи куни, Уммон кўрфазининг сувларида даргани баногоҳ каллаи сахарда уйғотишди. Ризо хавотирлик билан кемага бало-қазо ёпишганини айтди. Бу гапга тушунмаган Башир шошилиб кийиндида, унинг ортидан палубага чиқди. Биринчи мачта томонга юришганда дарга бориб қараса, мачтанинг қийшиқ елканида бир денгизчи осилиб турарди. Жасадни кўрган Башир Довидни дарҳол таниб, дарга ёрдамчиси ва унинг ёнидаги кема табибига ҳайрат билан қаради.

— Ғафлатда қолдик, жаноб, — деди табиб.

— Довид сўнгги пайтлар наша чекиб, кора дори ейдиган бўлиб қолганди, — деди Ризо секин шивирлаб. — Биз бу касаллик ўткинчи, уч-тўрт чекиб, кейин ташлар, деб ўйловдик. Сафарга чиққанимиздан кейин ноилож дамимиз ичимизда бўлди... Айб бизда!

Баширнинг кайфияти тушиб кетди. Қалбига ғашлик чўкиб, бу нима балонинг белгиси экан, деб боши қотди.

Жасадни тезда олиб, елкан матосига ўрашди-да, денгизчилар ичида ваҳима бўлмасин деб, дарҳол сувга ташлаб юборишди. Боцман каютасининг калитини эса даргага беришди.

Пешингача Баширнинг кайфияти бузук бўлди. Бирор бир денгизчиси шароб ичганини эшитмаган Башир, келиб-келиб ўзи ишонган боцман ашаддий банги эканига сира-сира ишонгиси келмасди. Унга бу касофат қайдан ёпишди экан, деб ўйларди дарга. Довид йўқлигини кўрган денгизчилар кечга яқин хавотирланиб, уни суриштира бошлашганида, табиб билан Ризо боцманни тунда денгиз тўлқини олиб кетгандир, деган миш-миш тарқатишди. Хуллас, ҳафта ўтмай Довид унутилди, унинг ўрнига янги боцман тайинланди.

— Довиднинг қутисини нима қилай? — деб сўради дарга каютасига кирган янги боцман.

— Шу ерда қолдира қолинг! — деди Башир. — Ўзингиз унинг хонасига кўчиб ўтинг!

Боцман кетгач, Башир озарбайжон усталари ясаган темир қутига хаёл билан бироз қараб турди-да, кейин ханжари билан унинг қулфини бузди. Қути ичида Довиднинг турли бандаргоҳларда йиққан инглиз ва француз пуллари бўлак-бўлак қилиб тахланган, бир бурчакда эса шоҳи рўмолга ўралган бир нима бор эди. Уни очиб қараганда, бир жавоҳирни кўриб, кўзлари қинидан чиқаёзди. Бу ўша — Калкуттадаги инглиз банкида гаровга қўйилган, кема хўжайини сотиб олиб, табиба Нурийга «Моҳинур» деб номлаб ҳадя қилган олмос эди. Дарганинг вужуди музлаб кетди. «Олмос қандай қилиб Довиднинг қўлига тушиб қолди? Ахир Аҳмад пошшо иккимиз уни табибани уйигача кузатиб қўйиш учун югуртирган пайтимизда, боцман топширигимизни бажариб келганини айтган эди-ку? — дея ажабланди Башир ва ниҳоят даҳшатли хулосага келди: — Демак, аблаҳ Довид Нурийни кўриқлаш ўрнига ўзи тунаганга ўхшайди!»

Аввалдан тузилган режа бузилди, чунки бу синоатнинг тагига етиш керак эди. Тўппа-тўғри Сарандибга сузиб, у ерда озиқ-овқат, чучук сув гамлаш керак бўлганлигига қарамай, «Моҳ» шхунаси Малабар соҳилларига ёндошиб, икки соатгагина тўхтади. Шу орада Башир ўзига таниш бўлган «Тилсиз шаҳзода» шифонасига бориб, табиба Нурий фожиали равишда ҳалок бўлганлигини, бечоранинг танаси бошсиз дафн қилинганини эшитиб, қайғуга ботди.

Шхунани очик денгизга чиқариб берган Башир кема бошқарувини ёрдамчисига топшириб, каютасига тушди-да, ўрнига ҳолсиз чўзилди. Неча йиллар денгиз кез-

ган, қанчадан-қанча шаҳарларни кўрган, не-не одамларга дуч келган, ҳатто денгиз қароқчилари билан тўқнашган Башир бундай қабихликни кўрмаган эди. Унинг асаблари ўйнаб, иситмалай бошлади. Жиддий касалланиб қолди. Дарга кўприкчасида бир соат туришга ҳам мажоли қолмагач, ёрдамчиси уни тўлиғича алмаштириб кўя қолди. Ҳатто Ганга бўйлаб сузишда ҳам Башир ўз каютасидан чиқмай, барча ишни Ризога ишониб топшириб қўйди. Унинг соғлиги бир мунча яхшиланиб, куч-қувватга қайтаётган бўлса-да, ўз каютасидан чиқмай, хануз даволанар, дам оларди. Шундай пайтлари дарга қутидан «Моҳинур»ни олиб, қайта-қайта бош қотирар, бу олмос шаҳзода Султон Ҳасанга ҳам, табиба Нурийга ҳам, қотил Довидга ҳам вафо қилмаганини ўйлар эди. Тилсиз шаҳзода бедарак йўқолди, Нурий ўлдирилди, Довид эса эсидан оғиб, ўзини-ўзи осиб қўйди. «Буюк Бобурийлар конларидан топилган бу ноёб олмосни асл эгасига топшириш керак!» деган қатъий қарорга келди у ниҳоят.

Манзилга эсон-омон етиб келган «Моҳ» лангар ташлаб, юклар туширила бошлаганида, дарга олмос солинган қутичани олиб, шоҳ саройига йул олди.

Башир Қулибекни шоҳ Аврангзебнинг шахсан ўзи қабул қилди. Унга олмос тўгрисидаги бор гапни етказган Башир қўлидаги «Моҳинур»ни ҳукмдорга узатди. Шунда, юз ёшга кирган Аврангзеб аранг кўзини очди-да, тошни силаб, бироз жонлангандек бўлди.

— Бул жавоҳир «Моҳинур» деб аталиши бизга ёқди! — деди у мамнуният билан жилмайиб. — У ўзининг «Кўхинур», «Дарёинур»дек йўлдошлари каторидан жой олгусидир.

Фурсатдан фойдаланиб, шоҳга разм солиб ўтирган Башир Аврангзеб бир аср яшаб қўйганига, унинг жангу жадалларда ўтган нотинч ҳаётига қарамай, ҳали ҳам

эллик-олтмиш ёшлардаги кўринишга эга эканлигидан хайратда эди.

— Бисотимиздаги гавҳару ёкутларимиз туфайли биз соғ-саломатмиз, ёшимиз анчага бориб қолганига қарамай, ҳали ҳам ёшлардек кўринамиз, куч-қувватдан ҳам сиқилмаганмиз, — деди Аврангзеб худди дарганинг фикрини уққандек. Кейин бирдан: — Бундай қимматли хизматинг учун биз сенга қай йўл билан ўз миннатдорчилигимизни изҳор қилайлик? — деб сўраб қолди.

— Менинг иним рус подшосига қарши бош кўтарганликда айбланиб, Аштархонда ҳибсга олинган, — деди Башир қизариб ва гапида давом этди. — Уни дорга тортишлари мумкин.

— Тўғри, шоҳларга қарши чиқиб бўлмайди! — деди Аврангзеб жилмайиб ва тушунтирган бўлди. — Ахир, ҳукмдорлар Худонинг вакилидир! Худонинг бандалари унинг вакилига қарши чиқмас! Бу гуноҳи азимдир! — Кейин вазири аъзамдан сўради: — Рус подшоҳининг элчилари қаерда?

— Олампаноҳ, бир йил бурун тўхтаттирганингизча, элчилар ҳануз Қобулда, буйругингизга мунтазирдурлар, — деди вазир.

— Айт, йўлга тушсинлар, уларни қабул қиламиз, — деди шоҳ ва яна Баширга қаради. — Инингни исми нима?

— Ашир Қулибек, — деди руҳи енгиллашган Башир.

— Мушкулинг ҳал этилур. Инингга ёрдам берурман! — деди шоҳ ишонч билан.

Сарой остонасидан хатлаб чиқиши биланоқ унинг илтимоси унутилишини яхши билган Башир қалбининг чеккасида, барибир игнанинг учидек бўлса-да, умид бор эди. Аммо Аврангзебнинг барчага маълум бўлган ёмон одатлари ичида ўз ваъдаси, берган сўзининг ус-тидан чиқишдек фазилат ҳам борлигини билмас эди.

«Эркакнинг сўзи бузилгунча, шернинг бўйни узилсин» деб иш кўрувчи шоҳ бу гал ҳам, худди бир вақтларидек тиришқоқлик билан Баширга берган ваъдасини ба-жаришга киришди. У рус элчилари Дехлига етиб келишини орзиқиб кутарди.

АВРАНГЗЕБНИНГ ПЕТР I ГА ҲАДЯСИ

Роппа-роса йигирма йил аввал келиб, Буюк Бобурийлар сарҳадларига қадам қўя олмай изига қайтиб кетган Муҳаммад Юсуф Қосимов яна рус элчиси сифатида шоҳ Пётр Биринчи томонидан рус савдогари Семён Маленкий билан Ҳиндистонга юборилган эди. Бу гал ҳам шоҳ Аврангзебнинг бўйруғи билан элчиларни мамлакат ичкарасига қўймай, Қобулда тўхта-тишди. Чунки подшоҳ Олий Ҳазратлари мамлакатнинг шимоли-гарбий чегараларини мустаҳкамлаш ниятида, ўша ерларда бош кўтарган афгон қабилаларининг кўз-голони бостириш билан овора эди. Шоҳ Аврангзеб билан қандай бўлмасин учрашиб, ундан Рус пойтахтига элчи юборишга эришишдек топшириқни шахсан Пётрдан олган Муҳаммад Юсуф бир йилдан бери тишини-тишига қўйиб, Қобулда ётарди. Асосий мақсади ҳинд савдо аҳлини рус бозорига чорлаш ва мол айирбош-лаш бўлган савдогар Семён эса бир йилдан бери бир шаҳарда тутилиб қолганидан хуноб бўлиб юраги си-қилган.

— Мен юрт кезган, шаҳар кўрган инсонман! — дерди у куюниб. — Қобул худди Боку ёки Тифлисдек шаҳар бўлса ҳам ароғи йўқ! Ароқсиз қандай яшаш мумкин, ахир?

Ана шу боис рус элчиларига пойтахт Дехлига қараб силжиш ҳақидаги рухсат келиши катта қувонч билан қабул қилинди. Чунки нафақат Семён, элчи гуруҳининг бошқа аъзолари ҳам зерикишдан толиқиб, наша чекиш,

қора дори ейиш каби иллатларга чалинган эди. Дехлида элчиларни дастлаб Аврангзебнинг ўгилларидан бири — шаҳзода Муаззам қабул қилди. Элчилар ўртага ташлаган барча масалаларни ўша куннинг ўзидаёқ ҳал этди. Учрашувнинг учинчи куни гап ўзаро элчилар айирбошлаш ва савдо масалаларига (савдо-сотик, моллардан бож олиш тартибини ўрнатишга) келиб тақалди.

— Бу масалаларни Олий Ҳазратнинг ўзлари билан келишиб олсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди, — деди Муҳаммад Юсуф, кейин қўшиб қўйди: — Агар улар ул зотнинг сиҳатларига малол келмаса...

— Салтанатда эллик йилдан бери ҳукмронлик қилаётган бузрукворимиз ҳалигача саломатликларидан шикоят этмаганлар, — деди Муаззам гурур билан. — Олий Ҳазрат Агра сафаридан қайтишлари билан сизларни қабул қиладилар.

Аслида Аграга сафарга эмас, балки ҳинд қабилалари кўтарган кўзғолонни бостириш учун лашкар тортган, тиниб-тинчимас Аврангзеб Дехлига бир ойдан кейин келди. Келган кунининг эртасигаёқ рус элчиларини саройга чақиртирди. Шоҳ қабули бутунлай бошқача, тантанавор руҳда ўтди. Пётр Биринчи томонидан Аврангзебга юборилган совгалар асосан ҳарбий қурооллар бўлиб, улар орасида тўртта замбарак, юзта пилта милтик, юз элликта тўппонча ва ўқ-дорилар бор эди. Шоҳ сарой олдидаги катта майдонда тартиб билан териб қўйилган совгаларни кўрсатар экан, Муҳаммад Юсуф шундай деди:

— Бизни сафарга йўллар экан, подшоҳ Пётр дунёда энг бадавлат ҳукмрон бўлган сиздек Олий Ҳазратга қуроол-аслаҳадек совга энг мақбули деб айтган.

— Жуда тўғри айтибди, ўғлимиз Пётр, — деди Аврангзеб мамнуният билан. — Булар бизга зарур нарсалардир.

Замбараклардан ўқ отиб, синаб кўрилди. Кейин элчилар шарафига зиёфат базми бошланди. Аврангзеб зиёфатда бўлмади. Базм энди қизиб авжига чиққанида сарой мулозимларидан бири келиб, элчиларни шоҳ ҳузурига таклиф қилди. Мулозим уларни тўппа-тўғри хазинага бошлади. Чет эллик меҳмонларнинг барчасига хазинасидаги олмосу ёқутларини кўрсатиб мақтанишга одатланиб қолган Аврангзеб элчиларни кутиб олиб, ичкарига бошлади. Бу ерда машҳур «Кўҳинур», «Дарёинур» деб номланган жаҳондаги энг йирик олмослар, ёқуту зумрадлар, катталиги муштдек келадиган марвариду дурлар махсус пештахталарга, қопқоғи кўтариб кўйилган сандиғу қутиларда сайқалланган жавохирлар товланиб ётарди. Буларни кўриб ҳушидан кетиб қолган Семённи суюб, ташқарига олиб чиқишди.

— Мана бу олмоснинг номи «Моҳинур», — деди Аврангзеб уни Муҳаммад Юсуфга узатар экан, кейин уқтирди. — Уни Пётр шоҳга берасан. Бу бизнинг унга бўлган меҳримиз рамзи. Олмос галаба тошидир! Илло, галаба Пётрга доимо ёр бўлсин!

Элчи олмосни қўйнига жойлагач, шоҳ гапида давом этди:

— Бу эса бизнинг рус ўғлимизга ёзилган мактубимиздир, — деди Аврангзеб гилофланган хат тутқазиб. — Пётр шоҳга бизнинг дуои саломимизми етказар экансан, айтким, унинг зиндонида Ашир Қулибек билан ўн чоғлик ҳамюртларимиз азобда экан. Уларни озод қилиб, бизнинг кекса дилимизни шод айласин! Ундан хушxabар олгач, бизнинг элчиларимиз ҳам совуқ ўлкангизга сафарга отланажаклар.

— Олий Ҳазрат, хибсдагилар Пётрга қарши бош кўтарган мусулмонлар...

— Мусулмонлар ўз шоҳига қарши бош кўтармайди! — деб элчининг сўзини кескин бўлди Аврангзеб. —

Улар тухмат қурбонидир. Муслмон кўйдек юввош бўлади.

...Эртасига нонуштадан кейин йўлга отланаётган Муҳаммад Юсуф ақлдан озаёзди, чунки шоҳ мактуби билан бирга йўл қутисига солиб қўйилган «Моҳинур» жойида йўқ эди. У ҳовлиқиб, ҳамма ёқни титиб ташлади, қарамаган ери қолмади. Олмос эса ғойиб бўлган, бу ҳужрага умуман келтирилмагандек эди.

— Хонада сену мен эдик, — деди у бақадек безрайиб қолган Семёнга. — Эшик қулфлоглиқ, деразалар бўлса панжарали...

— Мендан гумон қилаётибсан, шекилли?! Мана, нарсаларимни титиб кўр, галварс! — деб бақирган Семён зарда қилиб сандигидаги нарсаларини улоқтира бошлади.

Олмосни топа олмай, икковининг боши қотди. Сўнгра Семён шоҳнинг Пётрга йўллаган номасини Муҳаммад Юсуфга ўқитиб кўриб, сал очилди.

— Хайриятки, хатда «Моҳинур» ҳақида бирор сўз дейилмаган экан! — деди у тантана билан.

— Хўш, нима демоқчисан бу билан?

— Пётр Алексеевичга фақат хатни етказиб бераверасан. Шунга ҳам у хурсанд бўлади!

— Йўқ! Шоҳ Пётрнинг ҳаққига хиёнат қилолмайман! — деди Муҳаммад Юсуф қатъий қилиб.

— У ҳолда бошқача йўл тутамиз, — дея бўш келмади Семён. — Заргарлардан бирорта катта жавоҳир сотиб оламиз. Пётрга Ҳиндистондан тош олиб борсанг бўлдида. Ахир, у «Моҳинур»ни кўрмаган-ку?!

Бу гап Муҳаммад Юсуфга маъқул тушди. Йўқолган тошнинг ўрнига яхшигина бир гавҳар сотиб олишди. Икки кундан кейин эса улар Дехлини тарк этишди. Икки томонига иккита тош фил ўрнатилган дарвозадан чиқилгач, Муҳаммад Юсуф Ҳисор йўлига тушди. Жам-

пур томонга отланган Семён Маленкий бўлса, Аграга қараб от сурди.

Деярли ярим йилдан кейин рус пойтахтига етиб олган Муҳаммад Юсуф Қосимов Пётрга шоҳ Аврангзебнинг номасини берар экан, унга катта бриллиант кўзли узук узатди. Аврангзебнинг бу ҳадяси Пётрнинг бармогида бир кунгина бўлиб, эртасига Екатеринбургнинг кўлига тушди.

Аврангзебнинг хати билан танишган Пётр қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Нима бало, барча мусулмонлар қариндош-уруғми дейман? — Кейин у стол устидан бир хат олиб, Муҳаммад Юсуфга кўрсатди. — Кечагина Бухоро хонининг элчисини қабул қилдим. Хон ҳам ҳибсдагиларни биродарим деб, уларни озод қилишимни сўрабди.

Пётр Биринчи ҳибсдаги ўн икки кишидан тўққизтасини озод қилиб, ўз юртларига юборди. Қолган учтасига эса эркинлик бериб, Ўрол тоғлари ва Сибирда маъдан қидиришга мажбур этди.

ҚАРҒИШ УРГАН ЎҒРИ

Ҳиндистонга келганида юки битта хачирга жо бўлган Семён Маленкий Буюк Бобурийлар салтанати шаҳарларида олти йил савдо-сотик қилиб, роса бойиди. Унинг мол-мулки ўша пайтда нисбатан тинчроқ бўлган Бенгалия ўлкасининг Муршидобод шаҳрида тўпланган эди. Бундай бойлик билан ўз юртига омон-эсон етиб борса, Пётр саройида энг бой ва кўзга кўринган шахс бўлиб қолишини билган Семённинг ичига чироқ ёқса ёримайди. Чунки бундан тўрт йил олдин унинг кўкрагида пайдо бўлган нўхотдек доғ авж олиб, бутун баданига тарқалган эди. У дардини айтмаган таниши, танасини кўрсатмаган бирорта табиб қолмади.

Табибларнинг фикрича, бундай дард ёпишининг сабаби асаб бузилиши, юракда кўрқув пайдо бўлгандан эмиш. Кўрқув хиссиёти унинг қон томирлари фаолиятини емириб, танада шундай иллат ружу топишига омил тугилган. Ромчиларнинг башоратича, Семёнда улуг бир одамга тегишли қандайдир бир нарса борки, у кўлига нопок йўл билан ўтган, шунинг учун ундан хосият кутиб бўлмайди. Бечора Семённи бундай башорат чўчитди, ўйлатиб кўйди. Чунки у, ўша кеча шоҳ Аврангзеб саройидан қайтишгач, Муҳаммад Юсуфнинг қаттиқ уйқусидан фойдаланиб, тун билан мижжа қоқмай, сахар палласида шоҳ Пётрга ҳадя қилинган «Моҳинур» олмосини ўғирлаган эди. Олмосни ўғирлаб кўйиб, уни бирор ишига яратолмай, роса гаранг бўлди. Чунки, бундай тошни Ҳиндистонда сотиб бўлмас эдики, гап-сўз дарҳол пойтахтга етарди. Уни чет элга олиб чиқиш ҳам мушкул – чегарада салтанат амалдорлари молларни тинтиб, жавоҳир қидирар эдилар. Боши берк кўчага кириб қолган Семён табиийки, асабийлашиб, кун сайин ич-этини еб, касали зўриқарди.

Мол-мулкини қайта-қайта кўздан кечириб юрганида яна бошқа бир муаммо тугилди. Эллик хачирга юк бўладиган молини Ҳиндистоннинг бир чеккасида жойлашган Бенгалиядан мамлакатнинг бошқа бир чеккасида жойлашган Кобулга элтиш ўта хавfli тадбир эди. Чунки йўл устидаги кўплаб вилоятлар ўша кезлари нотинч бўлиб, хунрезлик авжига минган пайтлар. Сафарга чиққан савдогарларнинг кўпчилиги моллари билан бирга дом-дараксиз йўқолганини эшитган Семён ўз ёғига ўзи қовурилиб юрганда Мардон исмли бир таниш эроний савдогар учраб қолиб, унга яхши маслаҳат берди.

— Ҳозирги кунда карвон қатновига энг тинчи денгиз

йўлидир, — деди у ишонч билан. — Молингни Калкут-тадан кемага ортиб, денгиз орқали то Эроннинг Абадан бандаргоҳигача олиб борасан.

— Денгиз қароқчилари-чи?

— Денгиз қароқчилари инглиз ёки португал кемаларига тегишдан ҳайиқади, — деб жавоб қилди эроний.

— Ўзим ҳам молларимни шу йўл билан ташийман... Абаданга етиб олсанг, у ердан Каспийгача карвонда ўттиз беш кунлик йўл.

— О, қани энди! Каспий денгизи ўзимизнинг уйдек! — деди Семён ватанини соғинганини яширолмаёй.

Ганг дарёси мансабида Калкутта шахрини қуриб, ўн-ўн беш йилдан бери бу ерга хўжайин бўлиб олган «Ост-Инд» ширкатидаги бир неча амалдорларнинг номларини Мардондан ёзиб олган Семён енгил тортиб, йўл тараддудига тушди.

У Калкуттага етиб келганида шоҳ Аврангзебнинг оламдан ўтганини эшитди. Бу ҳол, табиийки, мамлакатда алгов-далгов кўзгаб, олдин осонроқ бўлган барча ишларни ҳам мушкуллаштирди. Бунинг устига-устак, «Ост-Инд» ширкатида ҳам шароит тубдан ўзгариб, унинг фаолияти қирол назоратига ўтиб қолганди. Ширкат ишлари Калкуттага қирол вакили қилиб юборилган лорд Питт раҳбарлиги остида юритилар эди. Шу сабабли ҳам Мардон айтган бирор бир инглиз мулозими Семёнга ўз ҳолича ёрдам бера олмади. Ҳамма масала қирол вакилига бориб тақалаверди. Ва ниҳоят, тақдирга тан берган Семённинг лорд Питт билан шахсан учрашишдан бошқа иложи қолмади.

Дарё соҳилида Европа услубида қурилган ҳашаматли бино бир пайтнинг ўзида қирол вакилининг қароргоҳи ва «Ост-Инд» ширкатининг идораси ҳам эди. Лорд Питт савдогарни ҳовуз устига ўрнатилган шийпонда қабул қилди. Семён ўзининг Россия фуқароси эканли-

гини ҳар гапида рўкач қила-қила, илтимосини лордга етказди. Унинг гапларини пинак бузмай эшитиб ўтирган Питт бир-иккита савол бериш билангина кифояланди, холос. Ўзини бундай тутишидан унинг суҳбат мавзуига бўладиган муносабатини олдиндан айтиш қийин эди.

— Молларингиз нималардан иборат? — деб сўради Питт.

— Асосан юпқа чит матолар, табиий бўёқлар, зира-ворлару дори-дармонлар... — чайналиб жавоб қилди Семён.

— Йўқ! — деди лорд қисқа қилиб.

— Нега? — ҳайрон бўлди Семён, кейин ялинишга ўтди. — Мендек европалик бир савдогарнинг ҳолига раҳм қилинг, сэр!

— Йўқ деганимнинг сабаби шуки, сиз санаб ўтган молларнинг барчасини фақат «Ост-Инд» ширкатигина Ҳиндистон ташқарисига олиб чиқиш ҳуқуқига эга. Чунки у Ҳиндистон тараққиёти устида кўп хайрли ишларни олиб бормоқда, — деди лорд ва тушунтирган бўлди. — Ширкат ўз харажатларини қоплаши керак-ку, ахир!

Уларнинг суҳбати бора-бора савдога айланди. Ўз моллари билан дунёнинг бир чеккасида қолиб, ярачақа босиб ўлиб кетишидан қўрққан Семён, ниҳоят, «Моҳинур» олмосини ўртага қўйди. Жавоҳирнинг кўркидан ақли хиралашаёзган лорд Питт қизариб, ундан кўзини узолмасди.

— Майли! — ниҳоят розилик берди Питт ва ўз шартини қўйди: — Бир ҳафтадан кейин, роппа-роса соат 12 да учинчи паромга келасиз. Сизни тўрт мачтали инглиз бригантинасига ўтқазаман.

Сўнгра, ўта расмиятчи бўлган лорд бир хизматкори орқали нотариусни чақиртириб келди-да, ўзи билан Семён Маленкий ўртасида бўлиб ўтган олди-сотди ҳужжатини расмийлаштириб олди. Ҳужжатда «Моҳи-

нур» олмоси негандир энди «Питт» деб номланган ва ҳинд савдогари Семён Маленкийдан 30 минг франкка сотиб олингани қайд қилинганди. Тўғри-да, уни порага олдим деб ёзмайди-ку! Бунга ақли етган савдогар индамай ҳужжатга қўл қўйди.

«Моҳинур»дан қутулиб, енгил тортган Семён очилиб кетди. Чунки молларининг ичида бир талай жавоҳир, дуру марваридлар бўлиб, уларнинг қиймати «Моҳинур»никидан қолишмас эди. Руҳи енгиллашиб, эркин нафас ола бошлаган Семён бандаргоҳдаги ресторанга кириб, роса ҳордиқ чиқарди. Назарида тетиклашиб, кучга тўлгандек бўлди. Кемага моллари юкланадиган куни эса вақт топиб, бозордаги ҳинд ромчисига бориб, фол очирди.

— Жаҳаннам оғзига бир бориб, яна қайтибсан, — деди ромчи унинг ранг-бошига қараб. — Касалинг ишқ дарди...

— Нима деяпсан, тентак? — хайрон бўлди Семён. — Ахир ёшим қирқдан ошиб, бирор бир аёлга ишқим тушмаган-ку?!

— Бировни севиш шарт эмас, — деди ромчи ранжиб. — Ахир инсон ишқи бирорта буюмга ҳам тушиши мумкин-ку?

Семён розилик аломатида бош силкиди. Ҳақиқатан ҳам у «Моҳинур»ни биринчи кўришдаёқ юраги «жиз» этиб кетган, ҳатто ҳамроҳига хиёнат қилиб, бу олмосни ўғирлаб қўйганини ўзи билмай қолган эди. Кейин қайтариб беришга эса бети чидамаган. Шундан изтироб чекавериб, бедаво дардга йўлиққан бўлсам ажаб эмас, деган фикрга келди у.

Белгиланган куни инглиз денгизчилари Семённинг молларини кемага ортишди. Унинг қувончи ичига сигмас, яралари битиб, танасидаги доғлар озайишга йўл тутганди. Инглиз бригантиниси Форс кўрфазига кир-

ганда Семён Маленкий дардларидан батамом мусаффо бўлган эди. Бироқ кема соҳилга етмасидан у юрак фалажи туфайли вафот этди.

ОЛМОС КЕЛТИРГАН ФОЖИА

Якшанба куни бўладиган пойгага келган Питт ўта кўтаринки руҳда эди. Бўлар-бўлмасга кулар, ҳамма билан ҳазиллашар, аёлларга гап отарди. Ўзига ажратилган махсус ложадан жой олар экан, пойга ҳақамини чақиртирди.

— «Булут» номини «Олмос» деб алмаштиринг! — деб буюрди лорд ёқимли жилмайиб. — Саманимга бу ном кўпроқ муносибдир!

Мусобақа бошланиши олдидан пойгачи отнинг номини ўзгартиришга ноиложликдан рози бўлган ҳакам ҳужжатларга тезлик билан ўзгартиш киритар экан, дўсти нотариусга ранжиб гапирди:

— Мусобақа қоидасини сира бузмас эди-ку, лордга нима бўлди ўзи?

— Аҳамият берма! — деди нотариус бепарволик билан. — Куни кеча нархи миллиондан кам бўлмаган бир олмосни 30 мингга олгани ҳақидаги ҳужжатни биронта гувоҳсиз расмийлаштириб беришга мажбур бўлдим. Агар норозилик билдирсанг, ишдан ҳайдайди, хор-зор қилади. Англияга жўнатади.

«Олмос» деб номланган арабий тулпор пойганинг олдини олиб, энг юқори совринга эришди. Питтнинг чопқир отлари неча йилдан бери бундай муваффақиятни кўрмаган эди. Рухланиб кетган Питт совриндор айгирнинг кўпик босган кўкрагини артиб эркалар экан, отбоқарига ушбу саманга алоҳида эътибор беришни уқтирди:

— Отларимнинг ичида ҳақиқий олмосдир бу от! Ўз номини оқлади! У энг олий емлар билан боқилсин!

Казино, покер, от пойгаси каби ўйинларга муккасидан кетган қиморбоз лорд «Олмос»нинг галабасини «Моҳинур» билан чамбарчас боғлар эди. Чунки бу жавоҳир қўлига теккан кунданоқ ўйинларда тиккан пули юз чандон ошиб, ҳамёнига оқиб кела бошлади. Ўта иримчи бўлган хотинининг маслаҳати билан бу гаройиб олмос солинган махсус пўлат қутича ёмон кўзлардан йироқроқ бўлиши учун ётоқхонага кўчирилиб, бошлари узра қўйилди. Зеб-зийнат, дуру жавоҳирларнинг шайдоси бўлган хотини Луининг бу олмосга меҳри айниқса, кучли эди. Уйқуси қочиб тунлари уйғонганда, тошни қутидан олиб, боладек эркалар, суюб ўлар ва кўпинча момиқ кўкрагига босганча, яна уйқуга кетарди. Эрта билан эри ишга йўл олганда эса тошни қўлидан қўймай, ўйнаб юрарди. Ораларида бола бўлмай, кўп изтироб чеккан Питт хотини олмос билан овунганидан хурсанд эди.

Ҳа, олмос қиморбоз Питтга омад келтиргандек бўлди: аргумоқлари пойганинг олдида, казино соққаси мўлжалга тушар, покер ўйинидаги ютуқ қартаси унинг қўлида бўларди. Узлуксиз келиб турган омад унинг бошини айлантириб қўйди. У ўйин-кулги, айш-ишратга тушиб кетди. Аслида мугомбирлик, муттаҳамлик ва таъмагирлик билан текинга қўлига келган «Моҳинур» унга асқотмай, балки зарари ҳам тегиши устида эса у ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасди.

Аслида Питтнинг омади кетган, тақдири фожиага юз тутган эди.

Ҳиндистонда султонликлару князликлар ўртасида салтанат таллашиб олиб борилаётган ўзаро урушларда Франция, Португалия ва Голландия «Ост-Инд» ширкатларининг мавқеи ошиб, Буюк Британия қироллигининг манфаатларига путур ета бошлади. Англиянинг ўша пайтда Европада ҳукмронлик қилиш учун олиб бора-

ётган урушларига эса маблаг етмасди. Питт назорати остида бўлган инглиз «Ост-Инд» ширкатидан қироллик хазинасига оқиб турган жавохир, олтин-зарлар камайиб кетди. Шу туфайли Букингем саройидан Калкуттага келаётган хатларда қирол лорд фаолиятдан ранжиганлигини очиқ баён эта бошлади.

Қимор ўйинларида қўлга кираётган қисқа муддатли бахтдан боши айланган Питт сиёсий томондан бу ўлкада кун сайин қўлдан бой бераётган омаддан мутлақо беҳабардек ноилож қолганди. Бунинг устига оиласида ҳам ахвол мушкуллашди. «Мохинур»ни овунчоқ қилиб олган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган хотини Луи савдойига айланди. Бора-бора Луи эрини ҳам танимай қолгандагина, Питт хотини ақлдан озганини тан олиб, уни даволаш йўлини излай бошлади. Бу иш бирор-бир табиб ёки инглиз шифокорларининг қўлидан келмагач, ўзининг дўсти, Франция регенти герцог Орлеанскийга мурожаат қилди. Герцог юборган француз шифокори Пуарте Ҳиндистонда 30 йил яшаб, бир қанча султонлар саройида табиблик қилган тажрибали олим эди. У бемор аёлни синчиклаб текшириб чиқди-да, лордни бир четга бошлаб, деди:

— Аёлингиз руҳий касал. Касалланишининг икки сабаби бор. Бири у ёлғизликдан, эътиборсизликдан қаттиқ эзилган.

— Тўғри айтасиз, сэр.

— Иккинчиси — сиз аёлингизга жуда нобоп ўйинчоқ, номаъқул эрмак топиб берибсиз...

Питт шифокорнинг гапига тушунмай, хайрон бўлиб қолди.

— Мен хотинингизнинг қўлидаги тошни назарда тутаётиман, — дея изоҳ берди табиб.

— Тақинчоқ сифатида фойдаланиб келинган олмос нахотки зарарли бўлса?

Шунда Пуарте олмос ҳам бошқа жавоҳирлар қато-рида инсонга турлича таъсир ўтказиши, тошларнинг фойдали ёки зарарли хусусиятлари, инсоннинг мижозига ҳамда ўзаро алоқанинг кўп ёки кам бўлишига қараб ижобий ёки салбий таъсири кўлами ҳар хил бўлишини шошилмай тушунтирди.

— Ҳинд табибларининг фикрича, шоҳ Бобур ёруғ дунёдан эрта кўз юмишининг асосий сабабчиси унинг ёстиги устида доимо порлаб турган «Кўҳинур» олмоси экан, — деди француз табиби кулиб. — Аммо унинг авлоди бўлмиш шоҳ Авранзёб жавоҳирларнинг чинакам шайдоси бўлатуриб, юз йил умр кўрди. Чунки у жавоҳирларини ўзидан узоқда, хазинада сақлаган. Улар билан кам муддат алоқада бўлган.

Питт табиб айтганини қилди. Ўша куниёқ «Моҳинур»ни Луининг қўлидан олиб, пўлат қутичага солдида, хуфияроқ ерга яширди. Ўзи хотинининг атрофида гирдикапалак бўлди. Уни ёлғиз қолдирмади, юрак чигилини ёзишга уринди. Бирок орадан уч-тўрт ой ўтсада, Луининг аҳволи енгиллашмади.

«Дарднинг келиши тез, кетиши кеч бўлади», деб уни юпатишди.

Энди бутун эътиборини суюкли хотинига қаратган Питтнинг бошига кутилмаганда яна бир ташвиш тушди. Хазинада маблағ камайиб кетганидан жиддий хавотирлана бошлаган Буюк Британия қироли «Ост-Инд» ширкатининг ишларини тафтиш қилиш учун Калкуттага ишончли бир вакилини юборди. Бу Мэнделсон деган яҳудий кучли билим соҳиби ва катта тажриба эгаси бўлиши билан бирга ўта қайсарлиги ва бир сўзлиги билан бутун қиролликка донғи кетганди. Питтнинг айби билан ширкат томонидан йўл қўйилган бир ярим миллионли камомадни тезда топди. Аммо лорднинг оилавий аҳволи оғирлигини эътиборга олиб, агар бу ка-

момад тезда қопланса, Букингемга бу хабар етиб бор-маслиги ҳақида ваъда берди.

Бироқ бундай катта маблағни Питт қаердан топсин?! Арабий аргумоқлари, бошқа мол-мулкларини зудлик билан сотишига тўғри келди. Суюкли отларидан аж-ралиш катта мусибат эди. Шунда Питт бирдан «Моҳинур»ни эслади. Жавоҳир билан танишиб чиққан банк нархловчиси олмосни икки миллион деб баҳолади. Лекин бундай миқдордаги йирик маблағ Калкуттада бирор-бир бадавлат савдогар ёки рожаларда топил-маслигини аниқ билган Питт яна Франция регенти, саховатли герцог Орлеанскийга ялинишига тўғри келди.

Бурбонлар сулоласидан бўлган герцог Франция тах-ти талабгорларидан, ёш эканига қарамай эс-хушли, жуда бадавлат оқсуяқлардан эди. Питтнинг фарёд че-киб ёзган номасини олиши билан йўлга отланган гер-цог Калкуттага етиб келгунича, бу мақтанчоқ инглиз лордининг мушкул аҳволдан қандай қилиб фойда-ланиб қолиш режасини тузди.

— Менда ҳам сиз айтганчалик маблағ йўқ, — деди Орлеанский «Моҳинур» олмосига шунчаки назар таш-лаган бўлиб. — Тошингиз ҳам сиз айтган баҳони кўтар-майди. — Бу гапдан руҳи тушиб кетган Питтга зимдан қараб олди-да, худди ҳиммат қилгандек сўзини давом эттирди. — Бироқ сизга бўлган шахсий ҳурматим ту-файли мен таклифингиз устида ўйлаб кўраман.

— Азизим герцог! — деди жонланиб Питт. — Камина бир умрга қарздорингиз бўлиб қоламан...

Герцог Орлеанский ўзига ҳамроҳлик қилаётган француз билан сўзлашиб, маслаҳат қилгандек бўлди. Кейин кетишга ҳозирланиб, ҳамроҳлари билан ўрнидан турар экан, Питтга шундай деди:

— Майли, тошингизни олганим бўлсин. Аммо ме-нинг бир шартим бор.

— Бажонидил, бош устига! — деди руҳланиб кетган Питт.

— Шартим шуки, сизнинг одамларингиз Голконда ва Мадрас султонликлари ишига аралашмаслиги ҳақидаги битимга қўл қўясиз!

Британия қиролининг қаҳрига учрашдек мушкул аҳволга тушиб қолган Питт герцог томонидан қўйилган бундай огир ва уни таҳқирловчи шартни қабул қилишга мажбур бўлди. Банкка бориб, олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштиришди. Ҳужжатларда энди номи «Регент» бўлиб қайд қилинган «Моҳинур» олмоси француз банкининг темир сандигидан жой олди. Герцог Орлеанский эса худди дўкондан кундалик харид молини олгандек, банкдан икки ярим миллион франк олиб, Питтнинг қўлига тутқазди-да, ўз қароргоҳи бўлиш Чандранагор шаҳрига қараб йўл тутди.

«Моҳинур» олмосидан шу тариқа катта фойда кўриб, кейин ундан аранг қутулган Питтнинг иши барибир олдинга босмади. Ғирт савдойи хотини сувда чўкиб ўлди. Чоқир отлари қандайдир қичима касалига дучор бўлиб, бирин-кетин қирилиб кетди. Унга катта фойда келтириб турган казинога ҳам лаънат тегди: бир маст денгизчининг айби билан бир кечада ёниб кулга айланди. Лорд Питтнинг ўзини эса пойтахтга чақириб, инквизиция судига топширди.

Питтга мутлақо қарши ўлароқ, энди герцог Орлеанскийнинг ишлари раванқ топиб, гуллаб-яшнаш бошлади. Жанубий Ҳиндистон ерларида ўтказган уч йил мобайнида шу қадар бойиб кетдики, мулкининг умумий баҳоси 114 миллион ливердан ошди. Табиийки, у Франциянинг энг бадавлат мулкдори ҳисобланадиган бўлди.

СЎНГГИ ҚИРОЛНИНГ ҚИСМАТИ

XVIII асрнинг 90-йилларида Франциядаги огир иқтисодий шароит, ишлаб чиқариш ва савдонинг чўкиб қолиши давлат инқирозига олиб келди. Бундай аҳвол юз беришига сабабчи Бурбонлар сулоласи деб билган халқ оммаси турли сиёсий жамоаларга бирлашиб, тузумни ўзгартириш пайига тушди. Шунда бир гуруҳ чиқиб, Бурбонларни Орлеанлар сулоласи билан алмаштиришни таклиф қилди. Ёши саксонлардан ошиб қолган бўлса-да, ҳали анча тетик герцог Орлеанский бу хабарни эшитиб, қаттиқ ташвишга тушди, Чунки қирол Людовик XVI ўз тахтини сақлаб қолиш йўлида укаларини ҳам, жиянларини ҳам озгина сабаб билан қатл қилдиарар ёки Бастилияга ташлар эди. Боши қотган герцог туни билан ухламай чикди. Нонушта пайтида фақат сутчой билангина кифояланди. Шундан кейин қирол хизматида бўлган кенжа ўғли Филиппни ўз хонасига чақиртирди.

— Ўғлим, Филипп! — дея ҳоргин ҳолда мурожаат қилди герцог. — Мамлакатда вазият жуда оғирлашганини биласан. Зиёфату тантаналар, уруш-жанжаллар давлат хазинаси совурилишига олиб келди. Бурбонлар шунчалик қашшоқлашганки, уларнинг бойлиги меникининг чорагига ҳам тенг эмас.

— Худди шундай! — дея тадликлади Филипп кулиб. — Сарой балларидаги шивир-шивир гаплар ҳам айнан шу тўғрида.

— Бунинг хурсанд бўладиган ери йўқ, — ранжиди кекса герцог. — Қашшоқлашган зодагон оч йиртқичдан ҳам хавфлироқ. Бунинг устига Генерал штатларнинг баъзи аъзолари тахтни Бурбонлардан олиб, Орлеанларга бериш керак, деб юрганмиш. Бу ўта хатарли гап! Людовик биздан хавфсираб, ёвузликка қўл уриши

мумкин. Мария Антуанетта ҳам аканг унинг қўлини сўрамагани учун биздан аламзада!..

Орага оғир сукунат чўқди. Герцог хонасидаги пўлат сандиқни очиб, бир қутичани олди.

— Оч итнинг оғзини мойламасанг эгасини қопади, дейишади. Шунинг учун қиролга бир совга бериб, унга бўлган меҳримиз аввалгидек эканлигига ишонтиришимиз лозим! — Шундай дея герцог қутидан тарашланган ва нафис ишлов берилган бир йирик гавҳарни чиқарди. У аслида «Моҳинур» олмоси эди. — Бу ёшлигимда Ҳиндистон ерларидан олиб келган энг суюкли олмосим эди. Даставвал вазни 410 қиротли оддий гавҳар эди. Заргарим унга икки йил ишлов бериб, шу бриллиант ҳолига келтирганида оғирлиги 137 қиротга тушди. Ишлов пайтида парчаланган бўлақчалардан 48 та узукка кўз ясатирганман. Орлеанлар сулоласига мансуб қариндошуруғларимиздан барчасининг қўлларидаги тилла бриллиантлар ана шу олмосдан тарқалган.

Филипп ўз бармогидаги узукка бир караб жилмайиб қўйди.

— «Регент» деб номланган бу бриллиантнинг шу туриши ҳозирги кунда 12 ярим миллион франк баҳосида, — деб маъюс бир оҳангда сўзларди герцог. — У бизни кўп офатлардан, бало-қазолардан асради. Тахт учун бўлган қиргинбаротларнинг барчасидан омон чиқдик. Биронтамининг сочимиздан бир толаси тушмади. Бойсак бойидикки, аммо инқирозга юз тутмадик. Бироқ ҳозирги кундаги аҳвол шу қадар мушкулки, қон тўкилиши хавфи бор. Шу сабабли «Регент» хонадонимизга сўнгги марта хизмат қилади, — деди кекса герцог кўзига ёш олиб, бриллиантни ўглига узатар экан. — Буни олиб бориб, очкўз қиролнинг қўлига тут. Кекса амакингиздан сизга ҳадя, бирор ҳожатингизга яратар эмишсиз, деб айт.

...1789 йилнинг 9 майида Людовик XVI нинг талаби билан чақиртирилган Генерал штатлар йигинида ҳам, учинчи табақа депутатларининг йигилишларида ҳам Орлеанлар сулоласи тилга олинди. Бундан газабланган Людовик хотини Мария Антуанеттанинг сўзлари билан Орлеанларнинг бутун авлодини йўқотиш пайига тушди. Худди шу қалтис лаҳзада саройга келган Филипп қирол ва қироличанинг олдида тиз чўкиб, Людовикка бриллиант тутиши бурқсиб келаётган хашакка сув сепилгандек бўлди. Чехраси очилиб кетган Олий ҳазратлар бир-бирига қараб олишди.

— Ҳоли қандай, омонми? — деб сўради қирол герцогнинг номини ҳам аташни лозим кўрмай. — Унга ташаккуримизни етказ!

Орлеанлар хонадони қирол қаҳридан омон қолди. Кекса герцог бўлса озгина вақт ўтмай ўз қасрида шон-шуҳрати топталмай, нураган монархия салтанатининг кулашини кўрмасдан, тинчгина кўз юмди.

Қирол Людовик «Регент» бриллиантини сотиб, пулини мамлакат иқтисодиётини тиклаш ёки ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш учун сарфлаш ўрнига жавоҳирни монархиянинг тимсоли бўлган салтанат асосига ўрнаиб олди. Бироқ кекса герцог Орлеанский ноиложликдан қиролга берган бу жавоҳир шоҳ Аврангзеб айтганидек, ҳукмдорни ғалаба сари элтмай, аксинча, инқироз томон етаклади. 1789 йил ниҳоясида бўлиб ўтган Улуг француз инқилоби, 1792 йилнинг 10 августда Париж коммунаси бошчилигида кўтарилган халқ кўзғолони Людовик XVI ни тахтдан қулатди.

Саройда назорат остида сақланаётган қирол Людовик билан Мария Антуанетта тунда камбағалча кийиниб олиб, Луврдан қочишди. Аммо кўзғолончилар уларни Париж остонасидаёқ қўлга олиб, шармандаларча яна Луврга қайтаришди. Тинтув пайтида қочоқлар

халтасидан қирол тожи билан «Регент» бриллианти ўрнатилган салтанат асоси чиқди. Бу нарсалар Инқилобий конвент фойдасига мусодара қилинди.

ПАРИЖДАГИ БОБУР КЎЧАЛАРИ

Улуг француз инқилоби ўша пайтдаги Европа қиролларини ларзага солди. Асрлар бўйи монархия аслзодалари кўлида бўлган қудратли Франция энди қандайдир Инқилобий конвент томонидан бошқарилар эди. Бундай ўзгаришдан ҳанг-манг бўлиб қолган Европа аввалига сукут сақлади. Фақат четдан туриб қиролнинг тақдири қандай ҳал қилинади-ю, сиёсат қай йўсинда давом этади, деб кузатарди. Чунки мамлакатдаги икки катта сиёсий куч ҳисобланган жирончилар билан якобинчилар ўзаро ит-мушук эди. Жирончилар мана инқилоб ҳам бўлди, монархия қулади, шунинг учун энди аввалги тинч ҳаётга қайтайлик, деб оқсуяк буржуага суянса, якобинчилар кенг халқ оммасига таяниб, инқилобни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, бойлар мулкини мусодара қилиш сиёсатини олға сурар эди.

Қирол Людовикнинг тақдири устида ҳам айнан шу икки куч ўртасида тортишув кетди. 1792 йил сўнггида Конвентда қирол устидан олиб борилаётган суд жараёнида Людовикни ҳурмат қилиб баланд шохсулага ўтқазиб қўйган жирончи депутатлар бутун куч-гайратларини сафарбар этиб, қиролнинг ҳаётини сақлаб қолишни истади.

— Бу жаллоднинг бошини олиб, сиз ватанни қутқарасиз ва халқимизни фаровон этасиз! — дея хитоб қилди ўз нутқида якобинчилар раҳбарларидан бири Марат.

Унинг қаттиқ талаби ва депутатлар номма-ном овоз бериш йўли билан Конвент қиролни ўлим жазосига

хукм қилди ва 1793 йилнинг 21 январида Людовик XVI қатл этилди.

Ана шундан кейингина Европа мамлакатлари ўзига келиб, эс-хушини йига бошлади. Мана шундан кейингина барча реакцион давлатлар бирлашиб, инқилобий Францияга қарши отланди. Австрия, Пруссия, Голландия, Испания, Сардиния, Неапол ва бир қатор кичик герман давлатларини бирлаштиргани коалицияга Англия бошчилик қилди. Франциянинг элчиси Лондондан қувилиб, Англия кечагина апоқ-чапоқ бўлган Францияга қарши уруш очди.

Рус императори Екатерина II бўлса Франция билан дипломатик алоқаларни узиб, хорижда яшаётган монархиячи оқсуякларга катта иқтисодий ёрдам берди. Қирол қатл этилганидан кейин эса Франция билан савдо-сотик ҳақидаги битимни бекор қилиб, Россияга француз кемалари у ёқда турсин, бирор бир француз ҳам киритилмаслиги ҳақида буйруқ берди. Аммо Франция билан очикдан-очик урушишдан қочди. Чунки эндигина турк урушидан қутулган Россиянинг олдида Полша муаммолари турарди.

Европа аксилнқилобчи коалициясининг кўп томондан устунликка эга бўлган кучлари чекинаётган француз қўшинларини ҳар томонлама сиқиб келарди. Вандея, Нормандияда монархиячилар исён кўтарган. Инглиз флоти Франция портларини ўраб олиб, исёнчиларни пул ва қурол билан таъминларди. Бунинг устига инқилоб душманлари террор йўлига ўтишди. 1793 йилнинг 13 июлида Шарлотта Корда исмли аслзода асл ботир Маратни хоинларча ўлдирди.

Бундай аҳвол якобинчилар ҳокимиятининг раҳбари Робесперни ҳам, унинг сафдошлари бўлган Сен-Жюст, Катон ва Лебани ҳам анча мушкул шароитга солган эди.

— Сиёсатимизни бир мунча юмшатиб, жирончилар билан бирлашувимиз керак! — деди руҳи тушган Дантон.

— Йўқ! — деди кескин равишда Робеспер. — Бу орқага чекинишдир!

— Халқ оммасини қуроллантириб, жанг қиламиз! — деди Сен-Жюст. — Ё ҳаёт, ё мамот!

Сен-Жюстнинг таклифи кўпчиликка маъқул бўлса-да, уни амалга ошириш мураккаб эди: Чунки халқ оммасини қуроллантириш учун Робеспер ва Кутоннинг ҳисобича, камида 10 миллион франк талаб қилинарди.

— Бунча маблағни мен топа оламан! — деди кулиб Робеспернинг укаси Огюстен ва кўзлари ёнганича қўшиб қўйди. — Бунинг учун узоққа бормай, Парижнинг бизга энг яқин даҳасидан олиб келаман!

Чамаси тўрт соатча йўқ бўлиб кетган Огюстен кечга яқин иккита сандиқ кўтарган аскарлар билан Ратушага кириб келди. Сандиқлар тўла пул эди.

— Бу пулларни қаердан олдинг? Қайси хазинани ўмардинг? — деб сўрашди ундан.

— Бунчалик маблағи бор бирор-бир хазинанинг ўзи ҳозир бўлмаса керак, — деди кулиб Огюстен. — Аммо шунча маблағи бўлган банклар бор-ку, ахир!

Сўнгра у қирол Людовикнинг салтанат асосидаги «Регент» бриллиантини Парижнинг «Бобур кўчалари» даҳасидаги Голланд «Ост-Инд» ширкатига қарашли банкка 12 ярим миллион франкка гаровга қўйганини айтиб берди.

«Моҳинур» олмосидан ясалган «Регент» гавҳарини гаровга қўйиб, халқни қуроллантирган якобинчилар реакцион кучларга кетма-кет зарба бериб, Франция тупрогидан қувиб чиқаришди. 1794 йил баҳоридан бошлаб, француз қўшинлари энди жанглари босқинчилар ерида олиб борарди. 26 июнда генерал Журден

қўмондонлигидаги француз қўшини Флорес остонасида олиб борилган қаттиқ жангларда босқинчиларни батамом тор-мор қилди. Ана шунда француз қўшинлари биринчи марта ҳаво шарини қўллаб, ҳамманинг юрагини ёрган эди.

«Бобур кўчалари» даҳасидаги банкдан олинган миллионлар яacobинчиларнинг иқтисодий мушкулини ҳал этди. Уларнинг бир йил ичида қилган ишларни тўрт йиллик инқилоб даврида амалга оширилган фаолиятдан ҳам устун келди. Буни халқ оммаси билар, яacobинчиларни қўллар эди. Буни кўра олмаган тескари оқимдаги депутатлар яacobинчиларга қарши бирлашиб, давлат тўнтаришини уюштиришга уринди. Бундай ҳаракатдан Робеспер ҳам, инқилобий ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари ҳам хабардор эдилар. Аммо бундай давлат тўнтаришини бартараф қилишнинг имконияти қўлдан кетган, фурсат бой берилган эди.

1794 йил 27 июл. Эрталаб бошланган Конвент мажлиси бир соатга ҳам бормади. Робесперга қарши очиқдан-очиқ сўзга чиққан термидорчи душманлар уни гапиришга ҳам қўймай, ҳибсга олинишини талаб қилиб туриб олишди. Сотқин Конвентнинг қарори билан Робеспер, унинг укаси Огюстен ва бошқа яacobинчилар ўша ернинг ўзида ҳибсга олинди.

Инқилобий ҳукуматни қутқариш учун бош кўтарган Париж Коммунаси Робеспер ва унинг сафдошларини озод этиб, Рашутага келди. Аммо душманлар қўлига бутунлай ўтиб қолган Конвент Робесперни на унинг ҳукуматини қонундан ташқари деб эълон қилди ва «исёнчи»ларни бостириш учун қўшин сўраб, Париж даҳаларига мурожаат этди.

Тақдирнинг киноясини қарангки, бундан бир йил бурун «Регент» бриллиантини гаровга олиб, яacobинчиларга 12 ярим миллион пул бериб, инқилобга ёрдам

қилган «Бобур кўчалари» даҳаси Парижнинг бошқа даҳалари Конвентнинг талабини жавобсиз қолдириб турган бир вақтда юборган қўшин тунги соат 2 да Ратуша биносига бостириб кириб, Коммуна аъзоларини яна ҳибсга олди.

Эртасига соат 10 да Робеспер бошчилигидаги инқилобий ҳукумат аъзолари ҳеч қандай сўроқ-пўроқсиз қатл қилинди. Шунда акаси Максимилиан Робеспердан кейин жаллод кундасига бош қўяётган Огюстен бир дақиқа тўхтаб, унинг лабига хоч тутган руҳонийга қаради.

— Нима бўлди, бўтам? — деб сўради руҳоний ажабланиб.

— «Бобур кўчалари» даҳасидаги Шнайдер банкига «Регент» бриллиантини гаровга қўйиб, 12 ярим миллион франк олганман, — деди тиз чўкиб турган Огюстен хотиржам оҳангда.

— Хўш? — тушунмади руҳоний.

— Пулни қайтариш чоғида бир ярим миллион устама беришга ваъда қилгандим. Бу сўзимни бажаролмаганим учун худодан авф сўрайман! — деди Огюстен ва хочни ўлиб, кундага бош қўйди.

— Худо гуноҳингни кечиргай! — деди руҳоний болта зарбидан узилиб тушган Огюстеннинг бошига қараб.

Огюстен Робеспернинг қатл олдидан айтган бу гапи Париж газеталари саҳифаларида пайдо бўлиб, анча шов-шув кўтарди. Аммо «Регент» бриллиантини Шнайдер банкидан қайтиб сотиб олувчи биронта мард топилмаганидан кейин, бу ажойиб бриллиант ҳам, шов-шув ҳам унутилди. Бироқ 1795 йилнинг 5 октябрида Парижнинг айнан шу «Бобур кўчалари» даҳасида кўтарилган исён яна ўтган воқеаларга уланиб кетди. Бу исёни совуққонлик билан бостирган ёш генерал Наполеон Бонапарт ўша «Регент» бриллиантини 16 мил-

лион франк тўлаб, Шнайдердан сотиб олишдан тап тортмади, қурби етди.

Наполеоннинг барча яқинлари-ю ҳарбий сафдошлари генерал бундай қиммат жавоҳирни нега сотиб олганига ақллари етмай, бошлари қотди. Бировлар бойлик орттиришда ҳеч қандай йўлдан юз ўғирмайдиган Наполеон вақти келиб бу бриллиантни анча қимматга сотиб, катта фойда кўради, деб гумон қилишса, бошқалар хотинбоз генерал бу жавоҳирни биронта таннозга ҳадя этиб, ўз ҳирси йўлига сарф қилади, дейишар эди. Ҳарбийлар эса «Бу бриллиантни генерал Директорияга тақдим қилади», деб айтишди.

Аммо пихини ёрган Наполесн бу гумонларнинг барчасини пучга чиқарди. Орадан бир ой ўтгач, у «Регент» бриллиантини қиличининг сопига ўрнаттирди. Шу пайдан бошлаб унинг ишлари юришиб кетди.

Парижнинг «Бобур кўчалари» номли бой даҳасида кўтарилган реалистларнинг исёнини бостирган ёш генерални Директория 1796 йил апрелида Шимолий Италияга жўнатилаётган француз кўшинига кўмондон қилиб тайинлади. Италия ва Мисрдаги ҳарбий юришларда катта маҳорат кўрсатган генерал тез орада Франция ҳукмрони бўлиб олди. Тилзитдан кейин эса бутун Ғарбий ва Марказий Европа Наполеоннинг кўли остига ўтди. Франция императори, Италия қироли, Рейн иттифоқининг протектори, Швейцариянинг медиатори, Голландия, Неапол қироли, Варшава ва бошқа герцогликларнинг суверени бўлган Наполеон Жанубий Италиядан то Неман қирғоқларигача чўзилган худудда яшайдиган ўнлаб миллион халқларнинг ягона ҳукмдорига айланиб қолди.

Моҳир ҳарбий кўмондон ва йирик давлат арбоби, метин ирода соҳиби, ўта довурак ва мард бўлган Наполеонни галабадан галабага элтиб, шуҳрат чўққисига

миндирган, сопига «Регент» бриллианти ўрнатилган жанговар шамшир, афсуски, рус қўшинларининг, Кутузов ва унинг сафдошлари бўлган лашкарбошиларнинг ҳарбий санъатига дуч келиб синди.

Айтишларича, Смоленск остоналарида Барклай де Толли ва Багратионнинг бирлашган қўшинлари билан олиб борилган жанг пайтида Наполеоннинг қиличи сопидаги жавоҳир беҳосдан йўқолган. Наполеон йилномачиларининг фикрича, шу арзимас ҳодиса ўта иримчи бўлган императорнинг юрагига гулгула солган, қалбида ишончсизлик туғилган. Бу ҳам етмагандай қуйи кўмондонлар орасида рус ерларидаги мислсиз урушни тугатиб, ватанга қайтиш лозимлиги ҳақидаги гаплар оралаб қолди. Бир вақтлар шоҳ Аврангзеб Ҳиндистондан рус элчилари орқали Пётр I га атаб бериб юборган «Моҳинур» олмоси Пётрнинг ватанида йўқолиши тақдир тақозосидир. Йўқолган бриллиант ўрнига қилич сопига «Регент»дан ҳам нафис жавоҳир ўрнатиб беришса-да, иримчи Бонапартнинг кўнгли тинчимади. Хавотиру ваҳимада яшаб, ишлари орқага кетди, руҳи инқирозга юз тутди.



УЛУҒ ЖАВОҲИРДА ЯШИРИНГАН СИР

Захириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижон шаҳрида таваллуд топди. Ота томонидан Бобур Амир Темурнинг авлоди бўлиб, куйидагича боғлиқликка эга: Бобурнинг отаси — Фаргона ҳукмдори шаҳзода Умаршайх Мирзо Султон Абусаид Мирзонинг ўғли, у эса Султон Муҳаммаднинг ўғли, у Жамолиддин Мироншоҳнинг ўғли. Мироншоҳ эса Амир Темурнинг учинчи ўғлидир. Она томонидан Бобур Чингизхоннинг узоқ авлодидир. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхон Бегим Тошкент хони Юнусхоннинг катта қизи.

Бундан кўриниб турибдики, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг томирида жаҳоннинг икки буюк фотиҳи қони оққан. Отаси Умаршайх Мирзо «Ахсида кабутару кабутархоналари билан бирга жарга қулаб ўлганида» Бобур бор-йўғи ўн бир ёшда эди. Шунда улар отадан саккизта бола қолишган бўлиб, уларнинг учта нафари ўғил, беш нафари қиз эди. Умаршайхнинг Хонзода Бегим исмли қизи ҳам бўлиб, у Бобур билан бир онадан туғилган, ундан олти ёшга улуг эди. Бобурнинг ўзидан икки ёш кичик укаси Жаҳонгир Мирзонинг онаси эса малика Фотима Султон Бегим эди. Бобурдан тўрт ёш кичик бўлган укаси Носир Мирзо Умаршайхнинг Умид исмли андижонлик хотинидан туғилган эди. Бу маликадан туғилган Меҳрибону Бегим Бобурдан икки ёшга катта эди. Бобурнинг Шаҳрибону Бегим, Ёдгор Султон Бегим, Руқия Султон бегим исмли опа-сингиллари ҳам бўлиб, улар турли шоҳлар ва шаҳзодаларга турмушга чиқиб, мамлакат тарихида озми-кўпми ўзларига лойиқ из қолдирганлар.

Умаршайхнинг тахтига Бобурни ўтказиб, уни подшоҳ

деб эълон қилишади. Бу ҳақда у ўзининг машҳур «Бобурнома» китобида шундай гувоҳлик беради: «...сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорери босафоларнинг ҳиммати билан сешанба кун рамазон ойининг бошида тарих саккиз юз тўқсон тўққизда (1494 йил июнида) Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим». Ўн икки ёшли шоҳ Бобур отда қўшин олдига тушиб, салтанатига тажовуз қилиб келган ўз тогалари на амакиларининг қўшинлари билан жанг қилишга мажбур бўлган. Ўн икки ёшли кўмондон икки тажрибали, жанговар хонзодаларни енгиб, ғалаба қозонади, салтанатининг дахлсизлигини, тахтга тўла ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ғалаба нашидаси ёш Бобурнинг бошини айлантиради. У ўзига бобомерос ҳисобланмиш Самарқанд тахтига кўз тикади. Биринчи гал Самарқандни олганида уни узоқ сақлаб қололмайди. Кўчманчи ўзбек уруғларининг босими остида шаҳарни ташлаб кетади. Орадан икки йил ўтгач, у Тошкентда хонлик тахтида ўтирган тогаси билан қалтис келишувни имзолайди. Битимга кўра, Самарқандни маҳв қилишида хон унга ҳарбий кўмак берса, Бобур Самарқанд тахтини эгаллаб, Фарғонани Тошкент хонига топшириши шарт эди. Бобур Самарқандни олгач, ўз ваъдасида туриб, Фарғонани хонга топширади. Бироқ Самарқандда бир йил ҳам ҳукмронлик қилолмайди. Кетма-кет бўлаётган босқинлар туфайли, бир вақтлар энг бадавлат ҳисобланган Самарқанд халки шундай кашшоқланган эдики, ҳатто уругликка дон-дуни ҳам қолмаган эди». Бундай аҳволга чидаёлмаган Бобур Самарқандни ташлаб чиқиб кетади. Тожу тахтсиз қолган шоҳ Бобур ўз сарой аҳли, оналари, укаларию опа-сингиллари билан амакиваччалари — Темурий шаҳзодаларнинг саройларида «меҳмон» бўлиб, кун кечиринишга мажбур бўлиб қолади. Бобур ўз

атрофига уч юзга яқин вафодор жангчилардан иборат бўлган кўшинни тўплаб, ўта оғир Ҳиндикуш тизмасидан ошиб ўтиб, Қобул шаҳрини ишғол этади. Шаҳар унга маъқул келиб, шу ерда салтанат қуришга киришади. 1511 йили эса Бобур Самарқандни қайтариб олиш учун яна бир бор уриниб кўради. Енгилмас Бобур яна галаба қозонади, бироқ келгуси йили Самарқандни яна қўлдан бой беради. Бу гал у қудрати ошиб келаётган Шайбонийхоннинг босими билан, хонга опаси Хонзода Бегимни хотинликка бериш эвазига қуршовдан чиқиб, Қобулга қайтиб келади.

Самарқандни забт этишдан ҳафсаласи пир бўлган Бобур, эртакнамо бойликларга тўлиб тошган Ҳиндистонни босиб олишга астойдил бел боғлайди. Тажрибали, довюрак аскарлардан кўшин тўплаган Бобур улуг Ҳинд дарёсини кечиб ўтиб, Панжоб вилоятига тўрт бор юриш қилади. Ўша пайтда Ҳиндистонда ҳукм сураётган майда-чуйда султонликларнинг ўзаро келишолмай, тез-тез жангу жадал қилиб туришлари, сиёсий беқарорликлар, султонлар зулмидан қон ютган халқ оммасининг бот-бот кўтарилишлари Бобур учун жуда қўл келди. Дехли ҳукмдори султон Иброҳим Лудий ўз қаттиққўллиги билан зодагонларни ҳам ўзига қарши қилиб қўйган эди. Зодагонлар қандай бўлмасин, золим султоннинг ҳукмронлигидан қутулиш пайида эдилар.

Панжобнинг қудратли ҳукмрони бўлган Давлат Хон Лудий ва султоннинг амакиваччаси Аъзам Хонларнинг таклифи билан Бобур 1525 йилда Ҳиндистонга бешинчи марта кўшин тортади. Бироқ иккала панжоблик хонзолаларнинг сотқинлиги маълум бўлиб қолади. Шунинг учун Заҳриддин Бобур энг аввал шу икки сотқинни бартараф қилишга қарор қилади. Биринчи жангдаёқ Давлат Хон Лудий маглубиятга учрайди, қўл ўтмай

ўзи ҳам ўлади. Панжоб эса Бобур кўшини учун қулай ўлжага айланади. Шундан кейин тўрт марта қаттиқ жангу жадал олиб боргач, Бобурнинг жанговар кўшини Деҳлини ишғол қилади.

Захириддин Муҳаммад Бобур бутун Ҳиндистоннинг ягона ҳукмрони дея эълон қилинади.

Бобурнинг Иброҳим Лудий билан биринчи жанговар тўқнашуви Хариенадаги Паникат шаҳри остоналарида 1526 йилнинг 21 апрелида юз беради. Ўшанда Бобур кирқ уч ёшда эди. Иброҳим Лудий жанг майдонига юз минг ҳинд ва афғон жангчиларини ва мингта филларини олиб чиқади. Захриддин Бобурнинг кўшини эса ўн икки мингта бўлиб, Иброҳим Лудийнинг кўшинидан сон жиҳатидан саккиз ярим марта кам эди. Аммо улар жангу жадалларда жуда чиниққан, ҳарбий билимларни пухта эгаллаган, юқори интизомли, уюшган, енгилмас аскарлар эди. Бунинг устига Бобур тажрибали саркарда бўлиб, жанг майдонида мардоналиклар кўрсата олар, ўша даврда ҳиндлар учун янги қурол тури ҳисобланган замбараклару тўпларга ҳам эга эди. Тўпчилар кўшинига Мовароуннаҳрда машҳур бўлган икки кўмондон Устод Али ва Мустафо биргаликда бошчилик қилардилар. Иброҳим Лудий ва унинг йигирма беш минг жангчиси урушнинг биринчи кунларидаёқ ҳалок бўлишди. Қолганлар жанг майдонидан қочишди, Бобурдан омонлик сўраб, таслим бўлишди. Бобур тўла галаба қозонди. Бобурнинг тўнгич ўғли шаҳзода Ҳумоюн бўлса, бу пайт сиёсий ва иқтисодий аҳамият жиҳатидан салтанатда иккинчи ўринда турувчи Агра шаҳрини ишғол қилди. Бу ерда у олмосларга бой, битмас туганмас хазинани қўлга киритади. Шу тариқа Захириддин Муҳаммад Бобур бутун Ҳиндистон шаҳаншоҳи бўлиб, Буюк Бобурийлар империясининг асосчиси бўлиб қолади. Бобур ўз галабаси шарафига Қобулга «ҳар

бир эркагу аёлга биттадан кумуш танга улашиб чиқилсин», деган фармонни жўнатади.

1527 йилда Бобур Рожпут жангчилари билан беллашадиган бўлди. Рожпут жангчиларига Рожастхоннинг жасур ҳокими, «юз жанг қаҳрамони» номини олган машҳур Ран Симгх (Рано Санго) кўмондонлик қиларди. Фотехпур Сикри яқинидаги Жония олдида икки кўшин тўқнашиб, тарихда мисли кўрилмаган шиддатли жанг бошланади. Раннинг сон жиҳатидан ўн карра кўп бўлган кўшинини кўрган туркий жангчиларнинг жанговар руҳлари туша бошлайди. Бундан хавотирланган Бобур, бир тепаликка чиқиб, ўз аскарларига мурожаат қилиб, уларнинг руҳи кўтариладиган сўзларни топиб гапирди. Жумладан у, кейинчалик машҳур иборага айланган: «Тиз чўкиб яшагандан кўра, тик туриб ўлган яхшироқ!» жумласини биринчи бўлиб айтган эди. Ҳиндистон йилномачиларининг қайд қилишларича, шу гапдан кейин туркий аскарлар Раннинг жангчиларига мисоли шердек ташланадилар. Тўп ва замбараклар бу гал ҳам кўп иш кўрсатиб, Рано Сангонинг кўшинларини ер билан яксон қилиб ташлайди. Рожпутлар туркий кўшин тазйиқига дош беролмай, жанг майдонидан палла-партиш қоча бошлашади. Охир-оқибат «Юз жанг қаҳрамони»нинг ўзи ҳам жангчиларининг олдига тушиб қочишга мажбур бўлади. Кейинчалик у чекка бир қишлоқда, гам-андухлар ўтида куя-куя ўлиб кетади.

Шундай қилиб, Бобурнинг Ҳиндистондаги аҳволи узил-кесил мустаҳкамланган эди. 1528 йили у Малвадаги машҳур Чандери рожпутлар қалъасини ишғол этади. 1529 йили эса Бихор сари жанговар сафарини давом эттиради. Ҳагра дарёси соҳилида жойлашган Патна шаҳри яқинидаги катта жангда галаба қозонган Бобур Ҳиндистоннинг ягона шоҳи эканлигини яна бир бор таъкидлади. Ўша пайтда ривожланган барча мам-

лакатларнинг ҳукмронлари бундай ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлдилар, тарихчиларнинг йилнома-ларида қайд этилди...

Бобурнинг ҳаёти ва жанговар фаолияти ҳақидаги кўп маълумотларни унинг таржимаи ҳоли ҳисобланмиш машҳур «Бобурнома» асаридан олиш мумкин. Асарда Бобур оддий ва жонли тилда ўзининг йўл кўйган хато ва гуноҳлари, қозонган галабалари, юксак орзу-умидлари, тушкун ҳолатлари ҳақида ҳеч нарсани яширмай ёки бўяб, кўпиртирмай ҳикоя қилади.

Даставвал китоб Бобурнинг ўз қўли билан туркий тилда ёзилган. Сақланиб қолган нусхада Бобурнинг ўн икки ёшидан бошланиб, унинг ҳаётидан атиги ўн саккиз йилинигина ўз ичига қамраган. Олдинги йиллар воқеа-ҳодисалари ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Ўз таржимаи ҳоли учун Бобур бирор бир сарлавҳа ҳам танламаган. Кейинчалик, Темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Зафарнома», «Ҳумоюннома» ва бошқа китобларга мослаб, бу асарни ҳам «Бобурнома» деб атаб кўя қолишган.

Афсуски, китобнинг асл нусхаси йўқолган. Бобурнинг ёзишича, 1529 йили унинг чодирига тушган ўтдан китоб бирмунча шикастланган, бироқ кейинчалик у яна қайта тикланган. Бобурнинг набираси шоҳ Акбар Абул Фазл деган бир ҳаттотга «Акбарнома» асарини яратишни топширади. Абул Фазл форс бўлгани учун унинг «Бобурнома»дан бемалол фойдаланиши учун китобни таржимон Абдур Раҳим Хонхонга бериб, «Бобурнома»ни туркчадан форс тилига таржима қилдириди. Абдур Раҳим Хонхон 1589 йилнинг ноябрида таржимани тугатади. Бироқ, шоҳ Жаҳонгир ўзининг таржимаи ҳолида ёзишича, у 1607 йили Бобурнинг муборак қўллари билан ёзилган (яъни туркий тилдаги) «Бобурнома»ни ўқиганлигини эслайди. Аммо шундан

кейин «Бобурнома»нинг туркий нусхаси ҳақида ҳеч қаерда эслатилмаган. 1900 йилда Аннет С. Бевериж китобнинг туркий тилда ёзилган нусхасини топганини хабар қилади. Лекин қогоз текширилиб кўрилгандан кейин маълум бўлишича, мазкур нусха тахминан 1700 йилларда бажарилган кўчирма экан. Барча маълум қўл-ёзмалар ичида Ҳайдаробод нусхаси (ҳозир у Ҳайдарободдаги Салар Жанг музейи кутубхонасида сақланмоқда) энг тўлиги ҳисобланиб, жами 382 варақдир. 1905 йилда ундан юзта факсимиле нусха олинган эди. Бевериж уни инглиз тилига ўгириб, «Бобурнома» сарлавҳаси остида 1921 йилда чоп эттиради. Шундан бери китоб кенг китобхонлар оммасининг мулки бўлиб қолди.

«Бобурнома»нинг Акбаршоҳ саройида безатилган бир қанча нусхалари ичидан бизга фақат бештаси маълум. Улар Янги Дехлидаги Миллий музейда, Лондондаги Буюк Британия музейи, Викториа ва Альберт музейида, Париждаги Лувр музейида ва Москвадаги Шарқ халқларининг Давлат санъат музейида сақланади. Кейинги уч нусха тўлиқ эмас.

Бобурнинг бу китобидан тарихий воқеалар, вилоят кентларининг географик ҳолатларидан ташқари кўпчилик тарихий шахслар ҳақида, уларнинг шакл-шамойиллари, феъл-атворлари, жанг-жадаллари тўғрисида қизиқарли маълумотларни олиш мумкин. Бироқ муаллиф камтаринлик билан ўзи ҳақида жуда оз ахборот қолдирган. Шунинг учун Бобурнинг ташқи қиёфасини, феъл-атворини фақат унинг яқинлари ва замондошларининг ёзувларидангина тўплаб, тасаввур қила оламиз.

Бобур ўз хотинлари ва болалари ҳақида «Бобурнома»нинг лозим ерларида юзакигина тўхталиб ўтган бўлса-да, бироқ унинг қизи малика Гулбаданбегим ўзи-

нинг «Хумоюннома» асарида бу камчиликларни бар- тараф қилган. Унда ёзилишига кўра, Бобур беш яшар- лик чогида Ойша Султон Бегим билан бешиккерт- килинг. Ундан тугилган Фахринисо исмли қизлари бир ойдан кейин нобуд бўлади. 1504 йили йигирма бир ёшли Бобур малика Зайнаб Бегимга уйланади. Бобурдан уч фарзандни туққан Зайнаб Бегим касал- ликдан вафот этади. 1506 йилда Бобур малика Моҳим Бегимга уйланади. Малика Моҳим Бегим Бобурнинг энг севикли катта хотини, ҳукмдорнинг барча хотин- лари орасида энг оқили ва билимдони бўлган. Бу хо- тинидан Бобур беш фарзанд кўради. Бироқ фарзанд- ларининг тўрттови кичиклигидаёқ, турли сабабларга кўра ўлиб кетишади. Тирик қолгани шаҳзода Хумоюн бўлиб, у Бобурнинг суюкли фарзанди, тахт валиаҳди бўлади.

1507 йилда Бобур малика Маъсума Бегимга уйла- нади. Бироқ келгуси йили малика кўзи ёриш пайтида нобуд бўлади. 1508 йили Бобур малика Гулрух Бегимга уйланади ва ундан беш фарзанд кўради. Бу болалар- нинг ҳам учови гўдаклигида ўлиб кетишади. Комрон ва Аскарый исмли икки ўғли кейинчалик, Бобур вафо- тидан кейин, ўгай акалари – ҳукмдор Хумоюн томо- нидан қатл қилинганлар. Бобурнинг яна бир хотини малика Дилдор Бегим бўлиб, у подшоҳнинг амакиси шаҳзода Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Малика Дилдор Бегим Бобур подшоҳга иккита ўғил ва тўртта қиз тугиб берган. Ўғилларидан шаҳзода Хиндол Ху- моюн билан тахт таллашиб, жанг майдонида ҳалок бў- лади. Анвар эса болалигида ўлиб кетган. Қизларининг исмлари қуйидагича: Гулрух, Гулранг, Гулчеҳра ва Гул- баданбегимлар.

Сўзамол нотик, истеъдодли лирик шоир, енгилмас буюк саркарда, ор-номусли, кучли инсон Бобурнинг

қирқ саккиз йиллик умрининг ўттиз олти йили жангларда ўтди. У ўз ғалабаларини барқарор сақлаб қолиб, «Буюк империя»сини идора этиш ишларини йўлга қўйишга ҳам собит маҳкамалар мавжуд этиб, қонунлар жорий қилишга ҳам улгуролмай, бошланган кўпгина пойдеворли ишларини поёнига етказолмай оламдан ўтди...

1530 йилнинг март ойида Бобур Лоҳур шаҳрида бўлади. Қайтишида Деҳли яқинидаги ерларнинг бирида шикор ўтказиш баҳонаси билан икки ойча туриб қолади. Атрофдагилар подшоҳнинг бир оз қувватдан кетганини, кайфиятининг ҳам бир мунча сўнганини сезишади. Аммо буни оддий тан чарчоғига йўйиб, унча аҳамият беришмайди, Ислом динининг Ҳиндистон бўйича пешвоси бўлган Шайх Муҳаммаднинг ёзишича, Бобур подшоҳ шамойилидаги сўлишлик ва паришонлик олти-етти ой бурун намоён бўла бошлаган. Унинг фикрича, бунинг сабаби Улуғ Жаҳонгир («Улуғ Мўгул олмоси») нинг сеҳридир.

Бобур август ойида Аграга қайтиб келгач, Самбхалда валиаҳди Ҳумоюннинг қандайдир огир дардга-чалинганлиги ҳақидаги хабар келади. Беморни дарё йўли билан Аграга олиб келишади. Саройнинг машҳур табибларининг уринишлари сира кор қилмайди. Шунда Бобурнинг баъзи яқинлари ўша Улуғ Жавоҳирни (жаҳон жавоҳирлари тарихида «Улуғ Мўгул олмоси» деб қайд этилган бу жавоҳир дунёдаги маълум олмосларнинг энг улкани бўлиб, унинг дастлабки вазни 800 карат эди) Худо йўлига бағишлаб юборишни маслаҳат беришганида подшоҳ кўнмайди. Малика Гулбаданбегимнинг ёзишича, Бобур ўзгача иш тутади. Аллоҳи талодан «Ҳумоюннинг ўрнига менинг жонимни ол», деб сидқидилдан сўрайди. Бобур Ҳумоюн ётган тахтиравонни уч марта айланиб: «Мен ким Бобур, жисму

жонимни Хумоюнга бахшида қилдим!», деб уч марта такрорлайди. Шундан кейин Хумоюннинг аҳволи яхшиланишга бошлаб, Бобурнинг мазаси қочади. Ўрнидан туролмай ётиб қолади. Шу ётганча, у икки ой ўрнидан туролмайди ва 1530 йилнинг 26 декабрида тонгга яқин бандаликни бажо келтиради. Бобурнинг жасадини аввалига Аграда дафн этишади, лекин кейинчалик уни Қобулга кўчиришади ва унча катта бўлмаган дарё бўйидаги эрамсимон бог ичида қайта дафн этишади...

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг сўнги фожиали кунларига мистик бўёк берган малика Гулбадан Бегимнинг ахборотига ҳозирги кунда албатта шубҳа билан қарашади. Масалан, Агра университетининг профессори Раджив Аҳмаднинг фикрича, Шаҳзода Хумоюннинг Самбхалда бўлган пайтда «тропик вабо» деган юқумли бир касаллик тўқайзорларда авж олган экан. Бу касаллик билан худди «чечак» ёки «кўк йўтал» каби ҳар бир одам бир марта дардланиши табиий бўлган. Бу дард билан огриган катта ёшдагилар кўп ҳолларда оламдан кўз юмганлар. Ёшлар эса «ўлим ҳолатидан» тезда чиқиб кетишар, аммо танда бирор бир асорати қолар экан. Профессорнинг ишонч билан тасдиқлашича, Хумоюн Самбхалда айнан шу касалликка чалинган ва унинг Аграга олиб келгунларига қадар, дарёнинг ҳавоси беморга ижобий таъсир қилиб, тузалишга юз тута бошлаган. Унинг фикрича, ўглининг устига мукка тушиб изтироб чеккан Бобур бу касалликни ўглидан юқтирган ва фақат шунинг оқибатида ҳаётдан кўз юмган. Чунки ўша пайтда Хумоюннинг тепасида гирдиқапалак бўлган саройнинг уч табибидан иккитаси ҳам бирин-кетин ўлиб кетишган.

Афғонистонлик геофизик Таваккалшо Иброҳимийнинг хабари ҳам диққатга арзигулик. 1903 йили у Бо-

бурнинг қабри олдидан ўтиб бораркан, дозиметр ус-
куналари тўсатдан ишлаб кетиб, қабрдан чиқаётган
нурланиш миқдорини соатига 300-320 микрорентген
эканини кўрсатади. Бу кўрсаткич «фон» миқдоридан
15 марта кўпдир. Қабр атрофидаги бошқа ерларда бун-
дай нурланиш кузатилмаган. Таваккалшо Иброҳимий-
нинг гумонича, Бобуршоҳнинг тобути ёки гўрининг ус-
тига қўйилган қабр тоши таркибида бирорта радио-
актив модда аралашган ёки қўлидаги узукларнинг би-
ридаги жавоҳир радиациялашган.

90-йилларнинг ўрталарида ёкутистонлик олмосшу-
нос олим, академик Владимир Смирнов билан Мос-
квада учрашдим. Шунда олмос конларини қазишда
ҳозирги замон муаммолари ҳақидаги қизиқарли суҳ-
батимиз сўнггида, анъанавий равишда гап дунёдаги
машҳур олмосларга кўчди. Албатта биз машҳур «Улуғ
Мўғул олмоси»ни, «Кўҳинур» ва «Дарёи нур», «Шоҳ»
каби жавоҳирларни ҳам тилга олдик. Мен академикка
Таваккалшо Иброҳимийнинг Қобулдаги Бобур қабри
устидаги радиоактив нурланиш ҳақидаги гапларини
айтиб берганимда, Владимир Смирнов ажабланмади.
Чунки академикнинг таъкидлашича, Бобур умрининг
сўнгги бир ярим йили ичида деярли ажралмаган «Улуғ
Мўғул олмоси» радиацияланган бўлган. Бобурнинг ав-
лодларидан Муборакшоҳ бу олмосга ишлов бераёт-
ганида у деярли тенг иккига бўлиниб, олмосларнинг
бирига «Кўҳинур», иккинчисига эса «Дарёи нур» номи
берилган. Смирновнинг айтишича, инглиз қироли Георг
V нинг хотини қиролича Мариянинг тўғнагичига ўрна-
тилган «Кўҳинур» ҳам, Россия императорлари скипет-
рига ўрнатилган «Шоҳ» номли жавоҳир ҳам (аслида
бу «Дарёи нур») радиоактивлик хусусиятига эга экани
исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бундан келиб
чиқадики, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўлими-

нинг сабаби радиоактив нурланиш оқибатидан бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Олмослар энг юқори қаттиқликдаги минерал моддалар бўлиб, уларнинг қаттиқлиги таркибидаги унсурларнинг юқори зичликда жойлашуви ҳисобига мавжуд бўлади. Юқори зичликдаги моддалар эса кўп ҳолларда радиоактивликка эгадир.



ЗУМРАД ТОШ САРГУЗАШТИ

Зумрад тоши инсониятга жуда илгаридан маълум. Қадимий Хоразмда яратилган «Авесто»да зумрадни уч унсур тоши эканлиги уқтирилиб, инсонни бало-қазолардан асрашда тумор сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Зумрад — олов, ёруглик, ҳақиқат тимсоли дейилган. Мумтоз маҳалга тегишли зумраднинг тарихи чиндан ҳам жуда ғаройибдир.

Франсиско Писсаро Перуни кашф этган ва уни босиб олган шахс сифтида тарихда маълум. Лекин Перунинг кашф қилиниши йирик географик аҳамиятга эга эканлигини Писсаронинг ўзи инкор этган. Чунки унинг фаолияти бошидан охиригача фақат бойлик орттириш ва эътибор қозониш мақсадида ривож топган. Бу мақсад йўлида дуч келганларни ваҳшийлик билан йўқ қилиш Писсаронинг услуги, ҳаёт мезони эди.

1531 йил январ ойида Писсаро Испания қироли Карл V нинг фатвосига кўра қўшин билан Панамадан чиқиб, хиндуларнинг Инк мамлакатини босиб олишга киришди. Сентябрь ойида Писсаронинг ҳарбий бўлинмаси инкларнинг пойтахти Куско шаҳри остоналарига етиб келди. Табиийки, меҳмондўст инкларнинг шоҳи Атаульпа меҳмонларни очик чеҳра билан кутиб олади. «Меҳмонлар» қабул маросими уюштириб, шоҳни кўп сонли аъёнлари билан қабул қилишади. Аммо базм қизиган пайтида испанлар хоинларча меҳмонларга ташланиб, уларни битта қўймай қириб ташлашади, соддадил шоҳни эса асир олишади. Писсаро Атаульпага тилёгламалик қилиб, яхшигина тўлов ҳисобига шоҳни асирликдан озод қилажагига шаъма қилади. Писсаро инклар мамлакати ҳукмронининг рамзи бўлган, дунёдаги энг катта зумрад донасини берганлигига қарамай,

қонхўр каллакесарлар шоҳни бўғиб ўлдиришади. Писсаро катта зумрад тошини кафтида ўйнаб, ўзини инклар мамлакати ҳукмдори деб эълон қилди. Аммо қароргоҳи сифатида Куско шаҳридан 600 километр ғарбдан Тинч океани қиргогидан бир ер топиб, ўз пойтахтини Уч авлиё (ҳозирги Лима) деб атади.

Жинойатчилик билан топилган олтинларнинг бир қисми қирол хазинасини тўлдириш учун Испанияга жўнатилди, қолган иккинчи қисми эса «Уч авлиё» ўртасида бўлинди. Ана шу ўлжа бўлиш даврида каллакесар босқинчилар ўртасида низо бошланди. Мансабидан фойдаланган Писсаро зумрад тошни ўзига олди. Олтиннинг катта қисмини оиласига ва ҳарбий бўлинмасига улашиб, мансаб бўлишда шериги Алмагро ва унинг яқинларини иккинчи ўринга суриб қўйди. Икки босқинчи ўртасида қаттиқ тўқнашув, муштлашув бўлиб ўтди. Писсародан қаттиқ ранжиган Алмагро ундан юз ўгирди.

Катта зумрад тош йўқ бўлиб кетиб, орадан 86 йил ўтгач, 1627 йили Ҳиндистонда Темурнинг авлоди бўлган Жаҳонгиршоҳ саройида, нилуфар шаклида ишлов берилган ҳолда пайдо бўлди. Жаҳонгиршоҳ вафотидан кейин, 1628 йили тахтга ўтирган вориси Шоҳ Жаҳон бу зумрадни ўзининг суюкли хотини малика Мумтоз Маҳал тожига ўрнатади. Мумтоз Маҳал вафотидан кейин эса, машҳур Тож Маҳал мақбараси 1652 йили битгач, зумрад олтин тож билан бирга мақбарадаги қабр устига қўйилади. Орадан роппа-роса юз йил ўтгач, Аграга келиб қолган инглиз Клайв уни ўгирлайди. Зумрад унинг набираси, Нортумберленд герцогининг хотини Шарлоттага насиб этади. Малика Мумтоз Маҳалнинг кўркига кўрк қўшган зумрад 1978 йили Сотби аукционидан 2500 минг фунт-стерлингга сотилди.

Бобурийларнинг қимматбаҳо ёдгорлиги бўлган зумрад тошнинг қисқача тарихи шундай.

УЛУҒ МУҲАББАТ РАМЗИ

Малика Жаҳон Оро бегимнинг лойихаси билан Аграда бунёд этилаётган, бир йўла етти минг кишини сиғдира оладиган, етти юз етмиш устунлик Жоме масжидидаги қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Бу ерда банд бўлган мингга яқин устаю ишчиларга дам берган устабоши Исо фақат юзта хизматчини олиб қолди. Улар супуриш-сидириш ишлари билан банд бўлди. Масжид худди лойихада чизилгандек, улугвор чиқди. Аммо устабоши Исонинг чеҳраси ғамгин эди. Масжид минбарига қўйилган курсига ўлтириб, ишчиларнинг ҳаракатини кузатар экан, бўлиб ўтган воқеаларнинг баъзилари унинг кўз ўнгидан ўтарди. Масжид қурилиши учун ерни султон Шоҳ Жаҳон Агранинг шундайгина марказидан танлаб, пойдевор қазитган эди. Бироқ, лойиха муаллифи бўлмиш шоҳ қизи, малика Жаҳон Оро бегимга бу жой ёқмади.

— Жой пастқамлик экан, — деган эди ўшанда малика ва усталарга тушунтирганди. — Шамол йўқ пайтида шаҳардан кўтарилган барча димикқан ҳаво шу ерга тўпланади. Масжидга келиб, тоат-ибодатини қилиб, енгил тортиш ўрнига, одамлар димикқан ҳаводан нафас олиб, касалланиб қолиши мумкин!

Ўша пайтда эндигина ўн етти ёшга тўлган маликанинг оғзидан чиққан бундай асосли фикрга ҳамма қўйил қолиб, ўшанда сарой аъёнлари ҳам, машҳур усталар ҳам бу гапни маъқуллашганди.

— Ҳуснда ҳам, ақл бобида ҳам малика худди онаси Мумтоз Маҳалнинг ўзгинаси бўлибди-я! — деб кўпчилик ёқа ушлаган эди.

Шуларни эслар экан уста Исо: «Йўқ, малика онасидан ҳам ўтган!» деди ўзича ва юзига табассум қўнди.

Аградан икки чақиримча нарида жойлашган кўрим-сизгина бир майдонни маликанинг ўзи танлади. Ҳувиллаб ётган заранг ерли бу ҳудудда Жоме масжиди у ёқда турсин, ҳатто бир арзимас кулба ҳам қуришга ботина олмай турган усталарга малика ўз ҳисоб-ки-тобларини кўрсатиб, аниқ рақамлар билан тушунтирган.

— Замин тупроғи шунчалик пишиқ ва мустаҳкамки, бунёд этилажак иморатларнинг умри боқий бўлишига шубҳам йўқ! Агар масжид қурилишида, менинг чизимдан четга чиқмай, ҳалоллик билан барча кўрсатмаларимни бажарсангиз, асрлар ўтиб кетса-да, иморатдан бир дона ғишт ажралиб тушмаслигига кафолат бераман! — деган ўшанда малика ишонч билан.

Усталар ёш маликанинг пишиқ-пухта лойиҳасига тўла ишонч ҳосил қилишгачгина, ишга енг шимариб киришиб кетишган. Буни эшитган Жаҳон Оро бегим, учтўрт аъёни билан қурилиш бошига етиб келиб, хурсанд бўлиш ўрнига, юзига сўлиш олиб, бироз ранжиган эди.

Шунда малика отдан ҳам тушмай:

— Уста боши ким? — деб сўраган.

Бу қурилиш ишларига бош қилиб тайинланган бир эронлик кекса уста таъзим қилиб, ўзини танитган.

— Ишни нимадан бошладингиз, уста? — деб сўради қатъий оҳангда малика.

Устабошининг тили гўлдираб, ишни пойдевор учун ҳандақ кавлаш, майдонни тозалаб, текислаш, тошларни кесиш ва тарошлаш ишларинидан бошлаганини айтаётганида малика устанинг гапини шартта бўлиб, бошқа усталарга юзланиб:

— Қурилишни нимадан бошлаш кераклигини ким билади? — деб сўраган.

Орага сукунат чўкиб, ҳеч кимдан бирор-бир садо чиқмаган. Саволига жавоб ололмаган маликанинг бе-

зовталанганини кўриб, самаркандлик уста Исо ўртага чиқиб:

— Қурилиш ишлари доимо Аллоҳ йўлига қурбонликдан бошланади, ҳурматли малика! — деган эди Исо.

— Баракалло! — деб олқишлаган малика ўша заҳотиёқ Исони устабоши қилиб тайинлаб, қурбонликка катта пул ажратган...

Масжид қурилиши ниҳоясига етаётган кезларда маликанинг кўнгли яна бир оз ранжиган. Масжид ҳовлисию даҳлизларига бир текисда қопланаётган оқ чиганоқ тоштахталар устига ингичка таёқчаси учига осилган темир соққаларини ташлаб кўради. Таёқча соққаси тошга тегиб, бир қалқийди-ю, жойида қотади.

— Тош ярамас экан. Бундай тошларни бу ерга ишлатманглар! — буюради малика.

Устабоши Исо, малика чизган лойиҳага бўзрайганча қараб қолган эди. Нима дейишни билмас, чунки у лойиҳадан четга чиқмай, унда кўрсатилган юмушларни бажараётган эди. Лойиҳада эса қоплама тошлар сифатида айнан шу чиганоқ тошлар тавсия этилган.

— Устод, гапимдан сиз сира азият чекманг. Бу менинг айбим. Чунки чиганоқ тошларининг кўп хусусиятларини лойиҳамда эътиборга олмаган эканман! — деб ўз хатосини бўйнига олган эди малика майин жилмайиб.

Кейин малика устабоши Исога турли тошларнинг пишиқлиги ва салмоғи турлича бўлганидек, уларнинг товуш ютиш ва товуш қайтариш хусусиятларининг ҳам турлича бўлиши ҳақида гапириб берган. Сўнгра масжид сатҳини қоплаш учун қора тош тахталарини юбортирган. Бундай тошлар эса усталарга ҳали нотаниш эди.

— Бундай тошларни араблар «хажар ал-магнатис» деб атайдилар, — деб тушунтирган малика. — Бу асли оҳанрабо бўлиб, унинг таркибида кўз илғамас шундай тўлқинлар бўладики, агар бу тошга кўлингизни бирор

муддат тутиб турсангиз, бўгинлардаги чарчоклик ва огриқ азоблари кетади. Улуғ Ғален ва Ибн Синодек мўътабар табибларимизнинг эътироф этишларича, бу тош бод касаллигининг давоси экан. Аммо мен, бу тошнинг яна бир ўзгача хусусиятини топдим, — деди малика завқланиб кетганидан ўзининг шоҳ қизи эканини ҳам унутиб. — Хажар ал-магнатис барча тошлар ичида энг пишиги ва энг зичи экан. Мана, қаранг-а..

Малика қўлидаги таёқчанинг соққали томонини тошга ташлаганида таёқчанинг соққали учи то тингунича тош юзасида йигирма мартача сакради. Хайратдан Исонинг кўзлари учкунлади. Бундан мамнун бўлган малика, яна гапида давом этди.

— Зичлиги улуғ нарсалар овозини яхши қайтарадилар.

Уста Исо бўлса маликанинг хуснига махлиё бўлганча, унинг гапини тингласа-да, қулогига ҳеч нарса кирмасди. Ўзининг кашф қилган янгилигини бирорта ақлли инсон билан ўртоқлашишни яхши кўрган малика масжид ҳовлисию даҳлизлари қора тошлар билан қопланиб бўлгач, бир кун келиб, масжидда бир муддат жимлик сақлашни буюрди. Сўнгра, бир хизматчига масжиднинг бир чеккасига бориб туришни тайинлаб, ўзи эса уста Исо билан қарама-қарши томонга бориб турди. Кейин маликанинг имоси билан Исо паст товуш билан бояги хизматчининг исмини айтиб чақирди. Буйруқни эшитган хизматчи дарҳол етиб келди. Бундан ҳамма хайратда қолди. Чунки товушни етказиш борасида бу ажиб мўъжиза эди.

Малика Жаҳон Оро бегим лойиҳада кўзлаган ҳамма мақсадларига эришди. Агра Жоме масжиди улугворликда Ҳиндистонда ягона бўлиб қолди. Имом овозининг тўлқинлари барча ерга бирдек майин ва оромбахш тарқалиши тилларда дoston бўлди.

Самарқандлик устанинг дили гашлигининг сири бошқа ёқда эди. Қурилиш тугади. Икки йил мобайнида гўзал маликани тез-тез кўриб туриш имкониятига эга бўлган уста бундай имкониятдан энди мосуво бўлганди. Шунинг учун у изтироб чекарди, шунинг учун у гамгин эди. Уста Исо малика Жаҳон Оро бегимни севиб қолган эди. Масжид қурилиши тугиб, бир неча ойдан бери ҳижрон азобидан ўз этини ўзи еб ётарди. Бир куни кўшни ҳовлилардан келаётган йиғи овози уни хавотирга солди. Нима қиларини билмай турган эди, бунинг устига эшиқдан йиғлаб онаси кириб келди. У шоҳ саройида хизматда эди. Онасининг йиғисини кўрган Исо, нима фалокат юз берганини билолмай, жони ҳалак бўлди. Саройдан ўз уйигача йиғлаб келган онанинг йиғидан ўпкаси шишиб, анча пайтгача энтикиб, бирор аниқ сўз айтолмади. Бу орада, атрофдаги хонадонлардан эшитилаётган йиғи товушлари зўрайса зўрайдики, аммо камаймади. Бироз нафас ростлаб олиб, ўзига келган она, ниҳоят сўзга кирди.

— Болам, бошимизга фалокат келди. Малика Мумтоз Маҳал оламдан ўтди! — деди она, бадтар уввос солиб.

Бундай шумхабарни эшитган Исонинг оёғида мадор қолмай, турган ерида ўлтириб қолди. Бу ҳақиқатдан ҳам фалокат, бутун Ҳиндистон халқининг бошига тушган катта мусибат эди. Чунки қаҳри қаттиқ, ёвуз табиат бўлган шоҳ Жаҳонни фақат унинг шу суюкли хотини, Мумтоз Маҳалгина ҳовуридан тушириб, қон тўкиладиган ишларидан қайириб, савобли ишларга бура олар эди. Уларнинг бирга ўн етти йиллик турмушларида фақат Мумтоз Маҳалнинг доно сиёсати туфайлигина шоҳ Жаҳон тахтни сақлаб қолди, қудратини оширди. Айнан шу йилларни дунё сиёсатдонлари «Улуғ Мўғул салтанатининг олтин даври» деб бежиз айтишмаган. Мумтоз Маҳал бегим нафақат ҳусн бобида тенгсиз ва

бетакрор бўлган, у кенг саховатли, донишманду заковатли бўлган эди...

— Сарой сафарда, Бурхонпурда эдилар-ку? — деб ҳайрон бўлди Исо.

— Ҳа, бош кўтарган халқни бостирган шоҳ қўшин тортиб, ўша Бурхонпурга борган эди. Малика Мумтоз Маҳал, ой-куни яқинлигига қарамай, у ҳам шоҳ билан бирга сафарга чиққан. Йўл огирлик қилиб, вақтидан уч ҳафта олдин тўлғоқ бошланиб, доялар маликани қийнаб қўйишган. Гўдак омон қолган, аммо маликани саклаб қолиша олмаган, — деб, она сонига уриб, ачиниб йиғларди. Исо ҳам ачиниб:

— Жаҳон Оро бегимга қийин бўлибди-да, — деди.

— Ҳаммага қийин бўлди, болам, ҳаммага! — деди она тутоқиб. — Ўлаётган малика ҳамма болаларини ёнига ўтказиб, барчаси билан видолашибди. Тўнгич қизи Жаҳон Оро бегимга бўлса, Шоҳ Жаҳоннинг аҳволдан хабардор бўлиб, унга доимо гамхўрлик қилишни юклабди. Шоҳ Жаҳон билан видолашар экан, Мумтоз Маҳал унга: «Азиз шоҳим, ўлим олдидан менинг икки тилагимни бажаришга сўз беринг. Бири, улуг севгимизнинг рамзи сифатида гўрим устига чиройли мақбара тикланки, севгимиз кўламини кўрсата олсин. Иккинчиси, ҳар йили мен ўлган кун, тепамга зиёрат қилиб келиб, Қуръон тиловат қилинг!» дебди.

Буларни эшитиб ўтирган Исо ўзини тута олмай ҳўнграб юборди. Боласи қалбида малика Жаҳон Оро бегимга нисбатан муҳаббат куртак отганини аллақачонлардан бери сезиб юрган она, ўглининг бошини бағрига босиб, уни юпатар экан, Мумтоз Маҳал ҳақида эшитган-билганларини Исога гапира бошлади.

— Аллоҳ раҳматига олган малика Мумтоз Маҳалнинг асли исми Аржуманд бону бўлган, — деди она ҳайратдан кўзлари катта-катта бўлиб очилган Исонинг елка-

сига кафтини қўйиб, гапида давом этаркан. — У асли эронлик турклардан. Бечоранинг бобоси, ота-онаси билан камбағалчиликдан Ҳиндистонга кўчиб келишган. Таниш-билишлар ёрдамида Акбаршоҳ мулозаматига хизматга кириб олишади. Шунда Аржуманд бонунинг Меҳринисо деган жуда гўзал бир аммаси бўлиб, унга шаҳзода Жаҳонгир ошиқ бўлиб қолади. Акбаршоҳ бу гўзал эрон қизини шаҳзода Жаҳонгирга Нуржаҳон номи билан никоҳлаб беради. Тахт Жаҳонгиршоҳ қўлига ўтгач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътимод — уд Давла бош вазирлик мансабига тайинланади. Отаси Эътиқодхон бўлса, Сарой бошқарувчиси бўлиб сайланади. Кунлардан бирида Жаҳонгиршоҳнинг ўгли шаҳзода Хуррам ана шу Эътиқодхоннинг ўн тўрт ёшли қизи Аржуманд бонунини кўриб қолиб, ҳушидан кетиб, йиқилади. Аржуманд бону ҳам шаҳзода Хуррамнинг ҳуснидан ақлдан озаёзган.

— Хуррам деганингиз, бу қайси шаҳзода бўлди?

— Хуррам, шоҳ Жаҳоннинг асил номи, — деб она гапида давом этаверди. — Икки ёшнинг бир-бирига бўлган муҳаббатидан хабар топган Жаҳонгир шоҳ уларни қовуштиришга шошилмаган. Ўз давлатини янада кенгайтириш, қудратини янада ошириш ва сарҳадларда тинчлик қарор топиши мақсадида шаҳзода Хуррамни ўшанда Эрон тахтининг маликасига уйланишга мажбур қилади. Бундан кейин ҳам Жаҳонгир шоҳ яна икки маликани никоҳига олишга шаҳзодани мажбур қилади. Ҳа, шаҳзодаларнинг ихтиёрлари ўзларида эмас! Ихтиёр тақдир қўлида! Тақдирни эса ёлғиз Аллоҳ белгилайди! Ниҳоят, орадан беш йил ўтгач, суйишган икки ёшнинг бир-бири билан қовушишларига «юлдузлар ишора» қилишди. Жуда катта, тўкин-сочинлик тўй бўлган. Шунда, Аржуманд бону ўн тўққиз ёшда, вояга етган пайти, Шаҳзода бўлса 21 ёшда бўлиб, олдинги хотинлари Жа-

ҳонгир шоҳ маликалари қаторида, тўйда чирой очиб ўлтиришган. Шаҳзода Хуррамга тўртинчи хотин бўлиб тегишга рози бўлган Аржуманд бонунинг чирой олдида лол қолган Жаҳонгир шоҳ, тўй аҳлига Аржуманд бонунинг номини Мумтоз Маҳал, яъни Сарой кўрки деб, атаган. Сарой шоирлари ўз ғазалларида маликани мақтаб, унинг чиройи олдида юлдузларнинг чиройи ўчиб, Ой ҳам уялиб, ўз юзини яширади деб, ёзишгани ҳақиқат эди. Гўзалликда ҳам, ақл-заковатда ҳам малика бетакрор, беназир эди. Аллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин! — деб она юзига фотиҳа тортди.

...Шоҳ Жаҳоннинг дарду аламининг чеки йўқ эди. Саккиз куну тун мижжа қоқмай, емай, ичмай, Саройдаги хонасида қамалиб олган ҳукмрон ниҳоят халққа ўз дийдорини кўрсатди. Бутун Ҳиндистон мотам тутганди: ҳеч қаердан бирор-бир қаттиқ товуш чиқмас, одамлар мотам кийимида, зебу-зийнату қимматбаҳо тақинчоқлар ечилган, мусиқа товушлари тинган, мушки амбар, упа-эликлар ўз идишларида қуриган. Темирчиларнинг босқонидан чиқадиган овозлар сингандек, подачиларнинг товуши тингандек, ҳатто аравалар ғилдираклари ҳам ғирчилламай кўйгандек эди...

Шоҳ Жаҳон халққа кўрингач, ҳамма яна тирилиб, яна жонланиб кетди. Қоронгу ҳарамдан чиққан шонинг соч-соқоли оқарган, юзи қайғудан қорайган, қадди букилган. Сарой аҳлига яна икки йил мотам тутишни амр қилиб, Мумтоз Маҳалнинг васияти бўйича, муҳаббатларининг рамзи сифатида унга мақбара қурилишини яна ўша тинчимас, доно, ўн тўққиз ёшли қизи Жаҳон Оро бегимга ишониб топширди. Ўзини эса, мамлакатни бошқариш ишларига урди.

Малика Мумтоз Маҳалнинг вафотига қирқ кун бўлганида, тонг палласида Исонинг дарвозасини саройдан келган чопар қамчи дастаси билан қаттиқ қоқди. Шош-

ганидан чала-чулпа кийинган Исо ташқарига чиқди. Чопарни кўриб, хайрон бўлиб қолди. Чопар ёнидаги эгарлоглиқ саман отга ишора қилиб:

— Сохиб, бегойим зудлик билан сизни ул улуг зотнинг ҳузурларига етказишимни буюрдилар! — деб, Исо қаршисида бош эгди.

Чопарнинг бу хабари, ҳижрон азобида ёниб ётган Исонинг юрагига бир малҳамдек бўлди. Малик Жаҳон Оро бегимнинг номини эшитган устанинг юраги ёқимли «жизиллаб» кетди. Худди елкасига қанот битгандек, уйга зумда кириб, тузукроқ кийиниб чиқди-да, чопар етаклаган от эгарига сапчиб минди.

Уста Исо саройга етиб келганида эллиқдан ортиқ одам йиғилган эди. Уларнинг баъзилари Исога таниш бўлган номдор мусаввиру муҳандислар, кўпчилиги эса унга нотаниш кимсалар бўлиб, бошқа шаҳар, ўзга мамлакатлардан келган ажнабийлар эди. Улар нақшинкор залнинг икки чеккасига терилган тилла кошинли курсиларда салобат тўкиб ўлтиришарди. Келганларнинг баъзиларини қўлларида қоғоз бойламалар, баъзиларида эса нафис чизилган сувратлар. Тўрда олмосу гавҳарлар билан безатилган иккита ажойиб олтин тахт турарди. Уларнинг бири мамлакат султони шоҳ Жаҳоннинг тахти, иккинчиси эса унинг хотини, марҳума Мумтоз Маҳалники эди. Сарой ходими кириб салтанат маликаси Жаҳон Оро бегимнинг номини айтганида Исонинг юраги қинидан чиқаёзди. Ҳамма ўрнидан туриб, маликага таъзим қилди. Исо маликани шоҳона кийимда биринчи марта кўриши эди, ақлдан озай деди. Малика, канизаклари кузатувида юриб бориб, Мумтоз Маҳалнинг тахтига ўлтирди, шаҳзодалару маликалар, Жаҳон Оро бегимнинг орқа томонига ўтиб, ўзларига хос белгиланган нақшинкор курсиларга ўрнашишди. Мажлис бошланди.

— Улуғ бузрукворимиз Шоҳи Жаҳон, султони Ҳиндистон шу дамда сафарда бўлганликлари боисидан ушбу анжуманни ўтказиш бизга топширилди, — деб гап бошлади малика ва мархума онасининг қабри устига тикланадиган мақбара лойиҳаси бўйича етук усталар, муҳандису мусаввирларнинг фикру мулоҳазаларини билиш истагини айтди. — Сиз ҳурматли устодларга мархума, волидаи муҳтарамамизнинг таъзия кунларининг эртасига бу жиддий топшириқни бераётиб, бизнинг падарибузрукворимиз, бу мақбара шундай бино бўлсинки, у гўзалликда жаҳоннинг саккизинчи мўъжизасига айлансин, деб айтганларини ва бунинг учун ҳеч қандай маблағни аямасликларини сизларга айтган эдим. Бу анжуманда сизлардан бу борада не ишлар қилганларингизни, бизга қандай таклиф билан келганингизни билмоқчи эдик.

Келган меҳмонлар бирин-кетин сўз олиб, ўз лойиҳаларини тақдим этишди. Лойиҳаларнинг биронтаси ҳам талабчан маликага на ўз кўриниши ва на муҳандислик ечими билан мақбул бўлмади. Фақат хитойли муҳандис Люи Цзенинг лойиҳаси маликанинг диққатини торта олди. Бу лойиҳадаги мақбара кўринишда энгил, бир фазовий иншоот бўлиб, шу пайтгача маълум бўлган бирор-бир мақбара ёки зиёратгоҳга сира ўхшамаслиги билан бошқа лойиҳалардан ажралиб турарди. Шунинг учун бўлса керак, уни кўпчилик маъқуллаб, маликани кўндиришга ҳаракат қилишди. Хитой императори улуғ Чэнцзунинг ҳам мақбараси шу услубда қурилганини айтишди.

— Лойиҳа улуғ шохимизнинг буюк истакларига жавоб бермайди, — деб ўрнидан туриб кетганини билмай қолди уста Исо. — Чунки унда шарқона услуб йўқ. Таклиф қилинган иншоот кўринишини фақат ёғоч ёки ганчдагина ифода қилишга тўғри келади.

Уста Исонинг гапи маликага ёқди шекилли, устага ёқимли табассум билан бир назар ташлади. Бошқа лойиҳалар қолмагач, маликанинг имоси билан, сарой мулозимлари хонага бошқа бир лойиҳа сувратини олиб кириб, қоғоз ўрамини очишди. Сувратни кўрганларнинг барчаси бир зум жим бўлиб қолишиб, сўнгра ҳамма бараварига «оҳ!» тортиб, ҳиссиётларини изҳор қила кетишди. Қоғоз бетида беш қуббалик, афсонавий бир бино тасвир қилинган эди. Унинг тўрт томонидаги тўртта минора, бинонинг кўкка «кўтарилиб» кетишидан сақлаб худди ерда зўрга тургандек эди. Агар шу тўрт минора бўлмаса бу мақбара бепоён осмон денгизида оққушдек сузиб кетадигандек эди...

Лойиҳа ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. Табиийки, турли саволлар ҳам туғилди. Чунки ҳалигача мрамардан бундай катта бино тикланмаган эди-да! Доимо мрамар билан ишлаб, унда суяги қотган уста Исо барча саволларга жавоб топиб, лойиҳани қўллаб чиқди. Султон Шоҳ Жаҳон ва унинг қизи малика Жаҳон Ороларнинг ҳақиқа дуолар айтиб, мажлис аҳли тарқади.

— Уста Исо, сиз бир муддат яна даргоҳимизда қолинг! — деб буюрди малика ва Исо билан яқка қолишди. Жаҳон Оро бегим устага меҳр тўла кўзи билан тикилиб деди: — Камтарин қулингизнинг меҳнати билан битган лойиҳани қўллаганингиз учун чексиз миннатдорман сиздан, устод!

Бу гаплардан тўлқинланиб кетган Исо маликанинг кўзига биринчи бор тик боқишга журъат этди. Ўн тўққиз ёшли малика шу даражада гўзал эдики, ҳатто афсонавий парилар тасвир этилган ҳинд сувратларида ҳам бундай гўзалликни Исо кўрмаган эди.

— Устод, мақбара қурилишида ҳам устабошилиқни сизга топширишга жазм этдик! — деди малика Жаҳон Оро бегим.

Буюк Мўгул салтанатининг ўша пайтда пойтахти бўлган Агра шаҳрига келиб қолган одам ўзини «Минг бир кеча» эртақларининг бирига адашиб келиб қолгандек ҳис этарди. Чунки, уста Исонинг қўли остида бу улуг обиданинг қурилишида бир йўла йигирма минг юқори малакали қурувчилар ишларди. Қурилиш майдонига сан-саноксиз карвонлар бутун Ҳиндистондан келиб турарди. Қурилишга керакли баъзи камёб маҳсулотлар эса узоқ мамлакатлардан ташиб турилган. Масалан, эман дарахтидан бўлган узун-узун хариларни Ливандан, темир иншоотларни Дамашқдан, феруза тошларини Памир ва Нурота тоғларидан, малахит эса Олмалиқ ва Ўрол конларидан кумлик чўллар, баланд тоғ доволари оша олиб келинарди. Ражпутан тош конларидан қазиб олинган ажойиб мрамарни Аграга олиб келиш учун мингдан ортиқ филлар банд қилинган...

Ўн йил ичида қуриб битирилиши тахмин қилинган Мумтоз Маҳал мақбараси кўпга чўзилиб кетди. Бу йиллар давомида бир ойда бир марта қурилишдан хабар оладиган малика галдаги ташрифиди уста Исодан тўсатдан, нега шунча пайтгача унинг сўққабош юрганини сўраб қолди. Исо қулогигача кизариб кетиб, бошини эгди. Малика ўзининг энг гўзал канизакларидан бирини никохлаб бериш истагини айтганда, Исо тиз чўкиб малика бу қароридан қайтишни ўтиниб сўради. Ёрдан кўзини узмай, шундай деди:

— Ғариб қулингиз қалбидан жой олган паризод доимо ёнимда бўлса-да, унга ҳеч қачон ета олмасман. Уни кўзим кунда кўра олса-да, менга насиб этмасдир...

Шундай деб, уста Исо бошини кўтарганида қаршида турган малика Жаҳон Оро бегим йўқ эди. Ҳозиргина у ўлтирган курси устида кўз ёшидан жикқа хўл бўлган маликанинг оппоқ дастрўмолчасигина қолган эди. Уста бу хушбўй рўмолчани кўзига суртиб, анча

овунди. Малика эса энди мақбара қурилишига тез-тез келадиган, уста Исо билан кўпроқ гаплашадиган бўлди. Галдаги бир суҳбатда малика бир оҳ тортиб, шундай деди:

— Ҳаёт бир дарё каби. Сиз билан биз эса бу дарёнинг икки қирғогимиз. Дарё кенгайган сари қирғоқлар узоқлашаркан...

Ўн саккиз йилда барпо этилган қаср виқор билан турарди. Баландлиги етмиш беш қулоч бўлган беш қуббали томонлари юз қулоч келадиган квадрат устига қад кўтарган. Квадратнинг ҳар бурчагида биттадан минора ўрнатилган. Мақбаранинг деворлари сайқалланган оқ мрамрдан бўлиб, деразаларга ҳам шу оқ мрамрдан нозик панжаралар ўрнатилган. Гумбазу тоқиларига битилган Қуръон суралари остидан ўтганларга Аллоҳ нафаси йўллаб, файз тўкиб турибди. Мақбаранинг гир атрофига дарахтлар экилиб, гўзал бир бог етиштирилган. Богнинг ўртасида эса мрамрли ховуз. Богни суғорувчи кенгина ариқча ҳам мрамр қопланган, фаввораларда сув «тошган». Ариқ бўйига экилган санамларнинг тик қаддилари тўрт миноранинг кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Мақбаранинг кўринишидан мамнун бўлган Шоҳ Жаҳон катта залга севгилиси Мумтоз Маҳалнинг ҳоки солинган тобутни куйдирди. Дунёдаги энг катта зумрад ўрнатилган Мумтоз Маҳалнинг афсонавий тожи тобут қопқогининг устидан абадий жой олди. Мақбарага эса Тож Маҳал деб ном берди. Бу ишлар битгач, мақбара худди эртақлардагидек тус олди. Энди битта ғишт қўйилса ортиқчалик, нўхатдек нарса олинса катта камчилик юзага келарди. Буни тушунган Шоҳ Жаҳон, бу афсонавий бинонинг лойиҳасини чизган қизи Жаҳон Оро бегимга миннатдорчилик билдириб, қизини бағрига босди. Ўзи учун дарёнинг у қирғогига яна шундай

мақбарани фақат қора мрамрдан қуйдиришни режалаштирган отасига малика уста Исони шахсан таниш-тирмоқчи бўлди.

— Падари бузрукворим, Тож Маҳалнинг чинакам санъат асари бўлишига сабабчи уста Исодир. Уста бўлмаса Тож Маҳал ҳам бўлмасди! — деди малика, шоҳ қаршисида қўл қовуштириб, тиз чўккан устани кўрсатиб. — Дарёнинг у қирғоғига қора мрамрдан иккинчи Тож Маҳалнинг қурилишини ҳам шу уста Исога топширсак маъқул бўлур.

Тож Маҳалга ҳайрат билан қараб турган Шоҳ Жаҳон шундай деди:

— Ўзга Тож Маҳал қурилмайди! Тож Маҳал нафақат мулки Ҳиндистонда, ҳатто бутун жаҳонда ягона бўлмоғи даркор!

Шоҳ Жаҳон шундай деб, қаршисида ҳамон қўлини қовуштириб тиз чўкиб ўлтирган уста Исони ердан тургазди. Миннатдорчилик билдириб, уни пешонасидан ўпди. Сўнгра фармонбардорни чақириб, уста Исонинг оиласига йилига хазинадан уч юз минг рупийдан нафақа бериб туриш ҳақида Фармони Олий ёздирди. Бу маблағ шоҳ қизи Жаҳон Оро бегим йилига олиб турадиган нафақанинг қоқ ярми эди. Шоҳнинг бундай улуг инъомидан миннатдор бўлган сарой аҳли тасаннолар айтиб, бош эгди. Йигилганларнинг олқиш садолари тинмай туриб, Шоҳ Жаҳон, кутилмаганда жаллодни чақириб қолди. Бир зумда, ҳамманинг кўз ўнгида шоҳ уста Исонинг икки қўлини тирсагигача чоптириб юборди. Бу фожиали сахна шу қадар тез бўлиб ўтдики, қўли чопилган уста Исо, ҳатто овоз ҳам чиқаришга улгурмади. Кечагина тешани маҳкам ушлаб, ёғочларга шакл берган қўллари қонга беланган кўйи оёғи остида ётарди. Малика Жаҳон Оро бегим ўзидан кетганди...

Ораддан бир ойлар чамаси муддат ўтиб, Исонинг кў-

лидаги яралар битиб кетди. У энди уста эмас Тож Маҳалдаги ободончилик ва богдорчилик ишларига бошқош эди. Жаҳон Оро бегимнинг фармони билан Тож Маҳалнинг бош пештоқиға «Самарқандлик уста Исо қурган» деган битикни ёздириб қўйди. Ҳафтада бирикки марта мақбарадан ўтиб, устанинг ҳолидан хабар олиб турди. Галдаги ташрифиди уста Исо маликанинг истиқболиға шошилиб келаётганида, тўсатдан майса устиға йиқилди. Юрак фалажи устунлик қилиб, уни ажал ўз исканжасиға олган эди. Жон бераётган Исонинг илтимоси билан бир шогирди унинг киссасидан рўмолча олиб, маликаға узатди. Бу, кўп йилдан бери уста учун бир илоҳий тумордек бўлиб қолган малика Жаҳон оро бегимнинг бир пайтлар Жоме масжид қурилишида қолдириб кетган оқ рўмолча эди. Рўмолчасини таниган малика, ўзини тута олмай йиғлаб юборди.

Шоҳ Жаҳоннинг фармони билан уста Исонинг жасадини мақбара ёнидаги боққа дафн қилишди. Ўша пайтда ўттиз етти ёшда бўлган малика Жаҳон Оро бегим, қолган ўттиз йил умрини эрга тегмай, танҳоликда ўтказди. Жаҳоннинг саккизинчи ажойиботини яратган гўзал малика Жаҳон Оро бегим олтмиш етти ёшида бу ёруғ дунёдан кўз юмаётиб, ўша пайтда тахтға минган укаси Аврангзебға васият қилиб, жони узилгач, жасадини Тож Маҳалнинг боғиға, уста Исонинг қабри ёниға қўйилишини илтимос қилган. Аврангзеб Оламгир опасининг сўнгги илтимосини бажариш ўрниға маликанинг хокини Деҳлидаги Зарзари Бахш деб аталган қабристониди Бобурийларнинг хилхонасиға қўйдирди.



БЕДАВО ЗАҲАР

Тирик жонга қаттиқ зарар бериб, уни нобуд қилувчи заҳарли моддаларни асосан ўсимлик, ҳайвонот ва минераллар дунёсидан олинади. Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган заҳарлар билан, масалан, баъзи жанубий заҳарли ўсимликлар, заҳарли балиқлар, илонлар, қора қуртлар заҳри билан заҳарланган одамларга вақтида ёрдам берилса, инсон соғлигини тиклаш, унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Аммо минераллар асосида тайёрланган заҳар билан заҳарланган тирик жон албатта нобуд бўлади. Бундай фалокатли моддалар маргимуш минералидан тайёрланган кучала, киновар минералидан ажралиб чиқувчи симоб ва унинг пари ва ҳоказолардир. Қуйида баён этилган тарихий воқеада ана шундай бедаво заҳарларнинг кўпчилиikka номаълум бўлган тури ҳақида хикоя қилинади...

Безбетлик ва ҳийла-найранг билан халифалик тахтига ўтириб олган Дамашқ султони Абу Суфиён ўгли Муовия беҳад хурсанд эди. Чунки бу унинг кўп йиллик нияти эди. Энди эса бу тахтда унинг тинч ва узоқ ўлтириши, кейин авлодларига тахтни мерос қолдиришига тўсиқ бўлувчи "говларни" йўқотишга навбат етганди. Ўз султонлари бутун ислом дунёсига халифа қилиб "сайлангани"дан қувониб кетган дамашқларнинг шодиёна байрамлари бир неча кундан бери давом этарди.

Халифа Муовия қўшинлари билан сарой томонга оломон орасидан зўрга сирғалиб ўтди. Унинг режалари амалга ошмай, тўсатдан барбод бўлишидан қаттиқ қўрқарди. Шунинг учун юрагини қамраб олаётган шубҳа ва ғам илони уни исканжага ола бошлаган эди.

У саройга кириб тахтга ўлтирганида ҳам юрагида санчиқ босилмади. Сарой қоронгу, тахт эса ҳаммаёғи-

дан тўлдириб мих қоқиб ташланганга ўхшарди. Қулогига ҳам алланечук мудҳиш овозлар чалинарди. Бу мудҳиш товушларни эса янги халифадан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Шод-хуррамликка муккасидан кетган сарой аъёнларини олқишлар экан, негадир у баттар даҳшатга тушди, юзи оқариб кетди...

Нихоят, у ҳамманг бас қил, деган маънода кафтини кафтига қарс этиб урди. Энди кўнглидаги бу қўрқувни ким тарқатиши мумкин, дея боши қотарди. Унинг юрагини ўраб олган илонни ким ўлдириши мумкин? Ўзининг шайтонлиги ила у ҳаммага машҳур эди. Фикри хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, у бошқаларни лол қолдириб, ўзига ишонтириш, ўз истак йўлига бўйсундириш қобилиятига эга эди. Ана шундай серомадли, ошиги олчи одамнинг мана бундай қулгили аҳволга тушиб қолиши анча оғир эди албатта.

У узоқ вақт ғамгин бўлиб хаёл суриб ўлтирди-да, сўнг бирдан бошига келган фикридан кўзлари чақнаб кетди.

— Марванни тезлик билан бу ёққа бошлаб келинлар! — дея у, у ёқ-бу ёгини тузатган бўлди. “Мана шу галварс менга ёрдам бериши мумкин”, деб ўйлади халифа ичида.

Марван боши ерга теккунча таъзим қилиб тахти ёнига келди.

— Қаддингни ростла, — дея кутиб олди Муовия, — мен сенга бир сиримни очмоқчиман. Шуни билки, кимга агар қаттиқ ишонсам, у қулга ўхшаб букилибтиришавермаслиги, аксинча, ўзини магрур тутмоғи лозим. Кел, ёнимга ўтир!

Марван ўзига кўрсатилган ерга ўлтирди-ю, лекин ичини ит тирнаб, юраги така-пука эди. У Муовияни анчадан бери биларди. Уни бир неча тенгқурлари билан кўп кўрган ҳам эди. Шунда, ҳар учрашганида Муо-

вия унинг кўзига ҳар хил кўринган. Шунда Марван ёқа ушлаб, ҳайрон қоларди. Муовия ҳатто ўзининг ашаддий душманлари билан рўпарў келиб қолса-да, жуда очиқ юз ва илтифот ила улар билан кўришар, “заҳарли илон”ни эса енгиди сақлар эди. У ҳозир ҳам Марваннинг ёнида ўша-ўшалигича эди. Шунинг учун Марван анчайин хавфсираб, тортинибгина сўради:

— Чақиртирган экансан, эй, имонлиларнинг амири, бутун мусулмонларнинг султони... Буюр!

— Сенда менинг жудаям муҳим ишим бор, — деди Муовия ва кўз қири билан Марванни кузатаркан, сўзида давом этди. — Мен учун энг муҳими исломнинг келажаги эканлигини сен яхши биласан! Исломи дини келажақда хароб бўлмасайди деб кўрқаман, кўпинча умидсизликка ҳам тушаман. Бирор мўминнинг биргина томчи қони бекорга тўкилишини энди юрагим кўтара олмайди. Бироқ марҳум Алининг ўгли Ҳасан бизнинг имонимизга катта хавф солиб турган биринчи даражали шахс!

— Ҳасан сенга қасамёд қилди-ку, ахир! — деб Марван сал эътироз билдиргандек бўлди.

— Сен шуни унутмагинки, Ҳасандан ҳам, унинг укаси Ҳусандан ҳам ҳар балони кутиш мумкин. Умуман, менинг фикрим шундай: Ҳасан ўлиши керак... Лекин отасига ўхшаб эмас...

— Яъни? — аниқлади Марван секин шивирлаб.

— Ҳасан дорилфанони жуда секин, шов-шувсиз тарк этмоғи лозим. Эшитишимга қараганда, Ҳасаннинг хотинларидан бири, Жийда исмлиги ҳадеб норози бўлавергач, Ҳасан уни, хотинларимнинг ичида фақат сени, сенигина чин юракдан севаман, деб зўрга овутар экан.

Бу гапни эшитган Марван бир калла кесакка айланди гўё, ундан бирор-бир садо чикмас. Чурқ этмай ўлтирарди.

— Аллоҳ субҳаноҳу ва таоло ҳаққи, буюк ислом ҳаққи, — дея давом этди халифа Муовия, — сен оқшомдан кечикмай Мадинага жўнайсан. Жийда билан яқинлаша олиши мумкин бўлган бирор-бир кимсани топасан. Жийдани ўғлим Язидга иситиб келасан!

Марваннинг ваҳима босган кўзларидан у ҳеч нарсага тушунмай, бу ҳаракатлар нимага кераклигига фаҳм-фаросати етмаётганлигини сезган Муовия унга яна тушунтирди:

— Диққат билан эшит, каллаварам! Жийдага яхшилаб тушунтириш керакки, агар у эри Ҳасанни заҳарлаб ўлдирса, Аллоҳнинг номини тилга олиб айтаманки, уни ўғлим Язидга хотинликка олиб бераман. Муовия берган сўзидан сира қайтмайди! Буни Жийдага яхшилаб уқтиринглар. Тушундингми? Хўп, энди рухсат! Бор, жўна!

Зинадан тушар экан Марван ўзига топширилган бу махфий топшириқ ҳақида ўйлаб борарди...

Энди халифа Муовия хотиржам тортгандай бўлди. Юрагини ўраб олган илон ҳам тинчигандай эди. Ҳатто тахти ҳам уни энди миҳ санчиб безовта қилмасди.

— Сарой муҳофазаси кучайтирилсин! — деб бўкириб буюрди халифа.

... Марван Дамашқдан узоқлашаётганида ботаётган куёш қумли саҳро бўйлаб яшилсимон нурларини сочарди. Дамашқ сарой табиби Марванга берган заҳар ҳам худди шу рангда бўлиб, халтачасида ҳозирча безор етарди. Мадинада топилган керакли одамлар икки кун ичида Марванни Ҳазрати Алининг келини, Ҳасаннинг хотини билан таништириб қўйишди. Яшилсимон заҳар энди Қайс Ибн Эшъес қизи Жийданинг ёстиги остидан жой олди. Бу олмос кукунларидан ишланган жуда ноёб ва бедаво заҳар эди.

Марваннинг ҳамма гапларини ўқиб олган Жийда

кўпинча заҳарни оз-оздан Ҳасанга ичимлик ёки овқатга кўшиб беради. Ҳасан анчадан бери бутун танасидаги қон томирларининг тортишиб оғришидан қийналар, юзига қандайдир яралар тошиб хунук излар қолдира бошлаганидан хавотирда эди. Чунки буларнинг ҳаммасини у яқинлашиб қолган ўлим аломати деб кўрқарди.

Жийда ўз тўшагида, шаҳло кўзларини шифтга тиккан кўйи индамай ётарди. Ҳозирги дамда бу кўзлар Дамашқ саройида бўладиган тўйи, Язидга никоҳланиш орзусида севинчга тўлиб, маккорона чакнарди.

Келин бўлиб тушган кезлари у даставвал Ҳасанни жону-дилидан севарди. Лекин кейин келган кундошлари уни рашк оловида ёқишди. Умидсизлик ва тушкунлик Жийданинг Ҳасанга бўлган нафратини кун сайин оширмоқда эди. Янги халифа Муовиянинг ўгли Язидга турмушга чиқиш имконияти яққол тугилгач, нафратига янгитдан мой қуйилгандек бўлиб, борган сари аланга оларди.

Мадина халқи ҳали осуда уйқуда эди. Жийда ўрнидан туриб, аста ҳовлига чиқди. Кўзидан уйқу қочганди. Кўчанинг қарши бетисидаги уйда ётган Марван ҳам ухлаёлмаётган эди. Бу ердан жуда олисда, Дамашқда халифа Муовия ҳам Ҳасаннинг ўлими тўғрисидаги хабарни интиқ кутиб, бошини ёстиққа сира қўёлмасди.

Ҳасан ухлаётган ётоқ бўлманинг ярим очик дарчаси ёнига Жийда одатдагидек астагина келиб сув кўзани пайпаслаб топди ва ичига бир сиким олмос кукуни ташлади. У ҳар кеча, айнан тонг ипи узилар маҳал, уйқунинг энг ширин дамида келиб худди шундай қиларди...

Туни билан тўлганиб, босинқираб чиққан Ҳасан субҳи содиқда ўрнидан турди.

— Тушимда, отам билан бобом, қўлларини орқага қилиб мен томон югуриб келишаяпти... — деди у уйқу-

раганча, кейин кичик хотинини уйготди. — Зайнаб, ичим куйиб кетяпти, кўзани бер!

Зайнаб кўзани узатди. Ҳасан ютоқиб сувни тўйиб ичди. Бу Ҳасаннинг фоний дунёда ичаётган сўнги култум суви эканини ўша дамда билмас эди. Бир қанча муддат ўтгач, Ҳасаннинг аъзойи бадани тиришиб, акашакдек бўлиб қолди, оғзидан эса қон тирқиради.

— Тез, Ҳусанни чақир! — дейишга зўрга кучи етди Ҳасаннинг.

Ҳусан тезда етиб келди-да, акасининг бошини суюди.

— Захар ичирдилар менга, — деди Ҳасан базўр. — Энди бобом билан отамнинг ҳузурига кетаётибман...

Нима қиларини билмай қолган Ҳусан шошганидан гоҳ Ҳасаннинг ёнида пайдо бўлар, гоҳ яна кўздан йўқоларди. Туши ўнгига айланаётганини билган Ҳасан энди ўзини анча тетик ва шодон сезарди. Бобоси Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассалом ҳамда отаси имом Ҳазрат Алини қаршилаш учун югуриб борарди ўзича.

Куюшнинг тонгги нурлари Ҳасаннинг қорачиги оғиб оқарган кўзларида ялтираб шуъла берди. Бояги томир тортишиш ҳам энди хуруж қилмас, бир вақтлар чиройликкина бўлган юзлар кўкариб бораётган эди...

... Бу вақтда Марван билан Жийда нортаюга мингашиб, қумли саҳрода илдам кетишарди. Марван кутилмаганда туяни шартта тўхтатди.

— Ана, ана! — деди у Мадина томонга имлаб. — Мен шу овозларни эшитишни кутган эдим. Ана, эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман, — деди Жийда хотиржамгина. — Бу, Ҳасанга марсия... Сен бўлсанг айнан шу бугун ниятимиз амалга ошишига сира ишонгинг келмаган эди...

— Энди ишондим! Менга деса ушбу йиги-айтимлар садоси нортаюямизнинг Дамашққа етгунича янграб турсин! Энди сен мени маҳкам кучиб ол!

Жийда Марваннинг белидан қучоқлаб ёпишар экан, тез орада халифалик вориси бўлмиш Язид унинг ўзини бундан ҳам маҳкамроқ қучоқлашишини кўз ўнгига келтириб, кўзлари ёнди. Нортуя қумлоқ устида елиб борарди. Мадинадан таралаётган йиги-айтимлар садоси аллақанонлар олисларда қолган. Шундай бўлса-да, қочоқлар мадиналиклар изимиздан тушишмадимикан деган ҳадик ила ортларига қарай-қарай Дамашқ томонга, бахтли манзилга сабрсизлик ва иштиёқ билан интилишарди. Йўл эса аксига олиб, қисқариш ўрнига борган сари худди чўзилаётгандек, сира тугамасди. Қочоқлар тунни кун билан алмаштиришар, мижжа қоқишмас, ҳатто Дамашққа кириб келишганда ҳам, бу узоқ йўлни неча вақту, неча кунда босиб ўтганликларини айтиб бериша олмасди.

Жийда Марваннинг ортидан изма-из сарой зинаси бўйлаб кўтарилиб, халифа Муовия ҳузурига қадам қўйди. Шунда у ўзича мен жаннатда юрибманми ёки ердами дея шошиб қолди. Ҳаммаёқ гулзор, фавворалардан муздек сувлар отилиб ётибди, гулзорлар орасида охулар хуркангич кўзлари билан унга тикилишган, товуслар гўзал думларини ёйиб олиб кўз-кўз қилишарди. Қуёшнинг этни куйдирувчи нурлари бу ерда сингандек, салқин ва қалбга оромбахш лаззат ила танга ёқарди.

Мадина қанчалар олисда қолди-я! Эри Ҳасанни қачон ва қаерга қўйишди экан? Олтин ва қумуш ила заҳарланган кўркам тахтда керилиб ўлтирган халифа Муовия эса нақ осмонга соя солаётган афсонавий девлардек ҳайбатли кўринди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом! Сен аёл бошинг билан исломнинг порлоқ келажаги учун катта хизмат қилдинг! Энди бу ёққа, тахтимга яқинроқ ўлтир!

Халифанинг бундай такаллуфидан хурсанд бўлиб кетган Жийда ғурур билан халифа кўрсатган ердан жой олди. Жийданинг юз-кўзлари шодлиқдан шу қадар порлардики, худди у эрини — имом Ҳазрат Алининг ўглини эмас, бир шайтонни ўлдириб келгандек ўзини тутарди.

Халифа Муовия Жийданинг кўзларига тикилиб, уларни ўрганиб чиқмоқчи бўлди. Шунда негадир ҳаяжонланиб, юраги ҳовриқиб кетди. Назарида Ҳасан ўлмагандай, худди Жийданинг танасига ўтиб, ҳозир Муовияга термулаётгандай эди. Лекин шунда ҳам халифа тилидан тутилмади. Ташқи қиёфаси хотиржам эди.

— Қани гўзал жувон, сен халифанинг топширигини қандай рўёбга чиқарганингни гапириб бер.

— Эй, бутун ислом дунёсининг ҳақиқий халифаси, Муовия жаноблари! — деб лаганбардорлик билан мурожаат қилди Жийда. — Ўша тунда мен Ҳасанга аввал берган доримнинг таъсири сезиладиган вақти келгач, доимо унинг сув ичадиган кўзасига охириги бир сиқим кукунни ташладим. Дори таъсир қиладиган маҳалда биз Марван билан келишилган жойда учрашдик. Бир оздан кейин биз Дамашқ йўлига тушиб олганимиздан кейин эса йиги-айтим садолари бизнинг қулгоимизга эшитилди.

— Қайси кўлинг билан сепдинг ўша кукунни, гўзал қизим?

— Ҳар иккаласи билан, халифа жаноблари!

— Шу нозик қўллари билан-а? — деди Муовия Жийданинг ипакдек майин қўлларини дағал бармоқлари билан силар экан. — Исломнинг жаннат боғларига хотиржамлик уругини сепдим дегин. Энди ҳарамга кириб, дамингни ол! Бу сенинг ҳаққинг! Ҳадемай ўғлим Язид билан учрашасан.

Шуни кутиб ўтирган Жийда сапчиб ўрнидан турди.

Оёқлари ўрнида қанот пайдо бўлган янглиг пилдираб учиб чиқиб кетди.

Бўлаётган гапларга ҳайрон бўлиб анқайиб қолган Марванни халифа ёнига яқинроқ чақирди. Муовия бир сўз ҳам демай ўзининг содиқ хизматкорининг кўзига узоқ тикилди. Марван Муовиянинг юз қиёфасидан: “Нега ишни чала қилдинг? Нега Жийдани бира тўла чўлда ўлдириб қўяқолмай, бу ерга, саройга ўзинг билан бирга олиб келдинг?” деган таънани ўқиди ва кайфияти ўчиб, ерга қаради, ваҳима босди.

— Сен менинг буйругимни бажардинг, — деди зўрга гўлдираб халифа. — Хурсандман сендан! Энди навбатдаги топширғимни эшит! Агар бу вазифани ҳам аввалгисидек уддаласанг, ўзингни Мадина ҳокими, деб ҳисоблайвер. Лекин ҳозир эмас. Ҳозир менинг зарур ишларим бор. Сен эса бориб дамингни ол...

Марван чиқиб кетди. Муовия кафтига кафтини ураркан, эшикка қараб қичқирди:

— Бу ёққа Баширни чақиринглар!

Халифа дераза яқини келиб, пардани сурди. Ташқарида гулга кўмилган Дамашқ бор кўрки билан яслашиб ётарди.

Халифа ўгирилиб Баширнинг худди ибодатга шайлангандек, кеккайиб турганини кўрди.

— Башир, бугун ислом дунёси учун энг аянчли кун эканини сен биласанми?

Башир, нима дейишни билмай елка қисди. Халифа зарда билан кўлини силкиб, гапида давом этди:

— Мадинадан шум хабар келди: имом Ҳазрат Алининг ўгли Ҳасан ўлибди. Суюкли пайгамбаримиз саллолоху алайҳи вассаломнинг набираси ўлибди. Ислонинг яна бир чироги сўнди... Кеч тушиб қолмасдан сен...

Баширнинг кўзлари таажжубдан катта-катта очилган

эди. Чунки у ҳеч қачон халифа Муовияни бу қадар саросимага тушган ҳолда кўрмаган эди.

— Буйругингни кутаман, жаноб халифа!

— Кунлар келиб, Дамашқнинг қўшиқларида мадҳ этилган улуг машъаллари ҳам бир кунмас бир кун сўна-жақдир... — деди Муовия ўзини назарда тутиб ва кўзини аллақаяқларга тикди.

Баширнинг ҳалиям ўрнидан кўзгалмаганини туйқус пайқаб, Муовия бир ёввойи овоз билан унга бақириб берди:

— Нега серрайиб турибсан, Башир? Дамашқда қанча девору дарвозалар бўлса, ҳаммаси қарога бўялиб чиқилсин! Дамашқ мотам рангига кирсин! Ахир, бугун ислом дунёсида энг мусибатли кун эмасми? Ҳасан менинг юрагимга дафн этилди! — деб халифа ўз кўрагига уч-тўрт марта мушт урди-да, кўшиб қўйди: — Кимки халифага қайғудош экан, ўз бурчини бажарсин!

Бу фармони олий эди. Шундай деб тушунган Башир хонадан дадил чикди. Халифанинг алангали сўзлари уни нақадар мутаасир қилган, шу боис сарой зиналаридан пилдираб пастга тушдию дарҳол хизматчиларини ишга солиб, Дамашқ кўчаларини бўяшга тушди.

... Бир неча соатдан сўнг қора либос кийиб олишган Марван билан Жийда халифа Муовиянинг тахти қаршисида туришарди. Муовия тахтини олд ва орқага тебрататуриб, Марванни сўнгги марта яна синаб кўрмоқчи бўлди:

— Марван, сен мухтарама Жийдага менинг номимдан нима ваъда қилганингни эслай оласанми?

— Эслайман, амирим!

— Айт-чи, нималар ваъда қилган эдим?

— Сенинг ўглинг Язидга ҳазратим, Жийдани хотинликка олиб беришни.

— Модомики, шундай экан, — деб кулимсираб ўр-

нидан турди Муовия, — Жийдани энди Язиднинг филлар оролида жойлашган саройидаги ҳарамига элиб кўй!

Марван халифа Муовияга ялт этиб қаради. Унинг совуқ кўзларидан халифанинг ниятини тушунди. Рўпарасида кўзларини ерга қадаб, одоб билан турган Жийдага тикилди: аёлнинг юраги умрида ҳали бирон марта кўрмаган Язид билан учрашмоқ иштиёқида ҳап-риқарди.

— Жаноб имонлилар амири, буйругинг ўйлаганингдек бажарилади! — деди Марван ва халифага маъноли бир қараб, бош эгди.

Тахтга яна ястаниб ўтириб олган Муовия: “Бундай шарафли вазифадан ким ҳам бош тортарди”, деб ҳаёлдан ўтказди.

Марван халифа саройидан чиққач, Жийдани Дамашқнинг қоронги кўчаларидан денгиз соҳилига яшинча етаклаб кетди. Чўлда ўсиб вояга етган Жийда денгизни ҳам, қайиқни ҳам биринчи маротаба кўриши эди. Марван қайиққа ўтириб, эшак эша бошлади. Жийда эса тун кўйнига чўмган олисларга тикилиб, Филлар оролининг чироқларини қидирарди.

— Язиднинг саройи Дамашқдан анча олисда жойлашганга ўхшайди, — деди Жийда норозироқ бўлиб, кейин Марвандан сўради: — Сен Язидни кўрганмисан? У Ҳасандан чиройлироқми? Филлар оролига сен кўпроқ борганмисан?

Марван бадбашара ва ўтакетган ёвуз Язидни кўп маротаба кўрган, лекин Филлар оролининг қаерда жойлашганини, ўзи умуман бундай оролнинг бор ёки йўқлигини мутлақо билмасди. Бироқ у айнан ҳозирги, тунги сафари денгиз кўрфазининг энг чуқур нукталаридан бирида Жийданинг ўлими билан тугашини жуда яхши биларди.

— Жаноби амиримизнинг ўгли Язидни жуда яхши танийман. Куч-қуввату, ҳусн бобида Ҳасандан ўн чандон ўтади. Филлар оролига ҳам тез-тез бориб тураман. Сен жуда бахтлисан, Жийда! Ушбу саройга биринчи келин бўлиб бораяпсан!

Қайиқ тўлқинлар узра чайқалар, Жийданинг орзулари эса унинг боши устида қозондек тўнтарилган тунги осмон узра милтиллаб турган юлдузлардек баланд ва чексиз эди.

Кўрфаз қирғоқларидаги чироқлар кўринмай қолди. Фақат кўқдаги тўлин ой денгиз юзини ёритиб турарди. Язид билан учрашиш онларини интиқиб кутаётган Жийданинг сабр косаси лиммо-лим тўлган. У қора рўмолини гижимлаб, учини тишлаганча, Филлар ороли томон учишга тайёр эди. Марван ўрнидан турди ва тиржайиб Жийдага яқинлашди.

— Энди ўрнингдан туриб, қара! Филлар ороли хув ана у томонда. Ҳозир чироқлари кўриниб қолади... — деди Марван узоқ-узоқларга имо қилиб.

Соддадил Жийда ўрнидан ҳовриқиб турди. Қайиқ худди дор устида тургандек чайқаларди. Гўё беҳосдан бўлгандек қилиб Марван Жийдани бир туртиб, денгизга туртиб юборди. Кейин қайиқни зудлик билан орқага, қирғоққа қараб ҳайдай бошлади. Бечора Жийда бўлса ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Қайиқ эса тезлик билан ундан олислаб борарди. Жийда гоҳ Дамашқ томонга, гоҳ Филлар ороли тарафга қараб қичқирарди:

— Ҳой Язид! Ҳой халифа! Мени қутқаринглар! Бундай аблахлигингни нега олдин билмадим-а, лаънати Марван! Язи-и-ид! Язи-и-ид!

У жуда қийналиб чўка бошлади, лекин қора ёпинчиги ивиб баданига ёпишиб қолгани сабабли умидини узди. Жийда ўлим билан юзма-юз келгандагина Муовия ва Марваннинг қармоғига илинганини билди. Шун-

да кўзи очилди. Бироқ энди кеч эди. Оғзи-бурнидан сув ютиб, даҳшат гирдобига ўралди ва титраб ялинди: "Эй Ҳасан, мени кечир! Эй, менинг Ҳасаним!.."

Сув бетига қалқиб чиққан қора рўмолни денгиз тўлқинлари икки-уч кундан кейин соҳилга олиб чиқиб ташлади. Пайгамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламнинг невараси, имом Ҳазрат Алининг ўғли Ҳасанни заҳарлаб ўлдирган Жийдани ер қабул қилмади, дўзах азобида ўлиб кетди. Танаси эса денгиз йиртқичларига ем бўлди.



УЧ ҲАЛҚА БЕЛГИСИ

Ҳижрий 756 йил Амир Темур Тарагай ва унинг ҳукмидаги одамларнинг ерларига тўкинчилик билан келди. Шунинг учун далаю адирларда, тоғ бағрию қирларда иш кўпайди. Темур ҳам ўз хўжалигини тартибга солиш ниятида саҳарлаб далага чиқиб кетиб, гирашира қоронғу тушганда ҳориб-чарчаб қайтарди. У ҳар ўн хизматкор орасидан каттасини ажратди, ҳар йигирма бош йилқини бир тўдага ва ҳар ўн тўдани битта хизматкорга топширди. Ҳар ўнта туя билан мингта қўйга қараб туриш учун биттадан хизматкор белгиланди...

Бутун мулкини бошқариб боришни ўзи ишонган хизматчисига топширди. Ўғлининг ишлари юришиб кетганини кўриб, Амир Тарагайнинг севинчи ичига сиғмас эди. Ҳосилни йигиб олгач, ўғлига жанг санъатини ўргатишга аҳд қилди. Аммо унинг қувончи узоққа бормади. Бир куни пешин маҳал икки хизматчи Темурни суяб олиб келишди. Бу аҳволни кўрган ота ҳам, уйдаги хотин-халаж ҳам довдираб қолишди. Ниҳоят, Амир ўзини қўлга олиб, хизматчилардан бирини табибга югуртирди. Табиб касалнинг томирини ушлаб:

— Касали хавотирсиз, камқувватлилик, — деди ва анор сувидан ичириб туришни тавсия қилди.

Табиб кетиши билан катта-катта анордан иккитасини эзиб, Темурга ичиришди. Анор сувини ичган Темур орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, ўзидан кетиб, тўшакка йиқилди. Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Шунда Амирнинг бир кекса отбоқари уйига келган туркистонлик меҳмонни бошлаб келди. Бу табиб Темурни кўриши билан бошини чайқаганича, касалдан тезлик билан қон олишга киришди. Ярим соатдан кейин дарди енгиллашган Темурнинг кўзлари очилиб, лабига та-

бассум кўнди. Ўрнидан турмоқчи бўлганида, табиб рухсат бермади.

Хурсанд бўлиб кетган Амир Тарагай табибга тўн кийдириб, бир туя миндирди. Эртасига эса Темур мулкидан йўқсилларга от ва қўйлар тарқатилди. Аллоҳнинг марҳамати билан Темур тез орада бутунлай тузалиб кетди. Аввалгидек куч-ғайратга тўлган Темурнинг юрагида юрт кезиб, эл кўриб, саёҳат қилиш орзуси туғилди. Аммо сафарга чиқиш олдидан ўзининг пири — шайх Зайниддин Абу Бакрни зиёрат қилиб, унинг ҳузурига борди. Кексайиб қолган шайх хуш тақаллуф билан Темурни қабул қилди. Сўнгра шундай деди:

— Бу йил тўкин-сочин йил. Унга етказганига Аллоҳга шукр қил, — Темур кўлини кўксига қўйса-да, сўзнинг маънисини англамаганини сезган шайх унга тушунтирди, — ҳижрийда йил 756дир, яъни еттига карраликдир (еттига қолдиқсиз бўлинади). Бундай саналар ҳар етти йилда бир айланиб, элга тўқлик, тинчлик ва ободончилик олиб келади. Бундай йилда туғилган инсон фарзандини Тангри иқболини баланд қилади... — Бироз жимликдан сўнг шайх яна гапида давом этди, — Искандар Зулқарнайн 357-йили оламга келган, яъни еттига карралик йили. У шону шуҳрат бобида Сулаймону Довуд пайгамбарларга тенглашди. Қуръони каримнинг пайгамбаримиз Расулуллоҳга нозил бўлиши, у улуг зотнинг 42 ёшида насиб этди, яъни еттига карралик ёшида, Чориёр халифалардан кейинги халифаларнинг энг донишманди бўлган Хорун ар-Рашидга ҳам шундай қутлуг йилларда таваллуд топишни Аллоҳ насиб этган. Бу улуг зот фоний дунёда 49 йил умр кўриб, боқий дунёга юз тутган йил ҳам карралик бўлган.

Орага анча жимлик чўқди. Темур бирор-бир савол бериб, пирининг фикрини бузишдан ўзини тийди.

— Бугун келишинг тушимда аён бўлган эди, — деди

шайх Зайниддин жимликни бузиб, кейин нуроний юзига табассум югуриб, яна гапида давом этди. — Бугун кутлуг кун — сенинг таваллуд кунинг, боз устига ҳафтанинг еттинчи куни. Бугун сен йигирма бирга кирдинг, яъни еттига карралик ёшдасан. Тугилган йилинг ҳам еттига карралик — 735-ҳижрий йил эди...

Сўнгра шайх Зайниддин барча одамлар, пайгамбару авлиёлар номини тилга олиб, Темурнинг ҳақиқага дуо қилди. Унинг белига чиройли камар тақиб, бошига кулоҳ кийгазди. Кейин ичкаридан нақшинкор қутича олиб чиқиб, ажойиб бир узукни унга ҳадя қилди. Узукнинг кўзи йирик зумрад донасидан бўлиб, унинг юзасига учбурчак шаклида учта ҳалқа ўйилган ва Темурга нотаниш имлода сўзлар ёзилган эди. Шайх унга тушунтирди:

— Бу белгилар уч унсур — олов, ёруғлик ва ҳақиқат бирлигининг тимсолидир. Тагидаги ёзувда бўлса, қадимий Хоразм имлосида «Русту-рости» деб ёзилган. Яъни, куч — ҳақиқатда демақдир. Ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос этажак!

— Файзли узук экан, пирим! — деди Темур узукни бармогига тақаркан.

— Бу жуда табаррук узук, — деди шайх мамнуният билан шогирдига қараб. — Туронзаминда яшаган Хоразм халқи бир вақтлар бу узукни шоҳ Анушервонга тортиқ қилган. Анушервон донолик ва одиллик билан жуда кўп йил подшолик қилган. Эронзамин Искандар кўлига ўтганида, подшоҳ Доронинг волидаси, бу узукни Искандарга тортиқ қилиб, узукни бир вақтлар Анушервон таққанини айтиб, Искандардан одиллик сўраган. Шунда Искандар қаршисида тиз чўккан шоҳ онасини тургазиб: «Сен менга онасан, мен эса сенинг фарзандингман» деб мўътабар онани, Доронинг барча хотин-қизларини, яқин-йироқ қариндошларини банди-

ликдан озод қилиб, уларнинг ҳаммасига шоҳона из-
зат кўрсатган. Узук Искандарни жангу жадалларда кўп
офату фалокатлардан, бало-қазолардан сақлаган. —
Темур шайхнинг ҳикоясини мароқ билан тингларди.
— Аллоҳ белгилаган кун келди. Искандарни Бобил ёни-
да, Дажла дарёсидаги бир оролга кўмдилар. Орадан
кўп замонлар ўтиб, бир вақтлар Искандарга тобе халқ-
лар мусулмон бўлишди. Бағдод халифаликнинг пой-
тахтига айланди. Имом Хорун ар-Рашидни халифа қи-
либ, тахтга ўтқозишди. Бобилликлар ул зоти шарифга
бу узукни тортиқ қилиб, унинг тарихини айтиб бериш-
ган. Хорун ар-Рашид одилликда тенги йўқ бўлиб, унинг
турмуш тарзи имомнинг ҳаётлигидаёқ халқ оғзида дос-
тонга айланди. Яхши одамларнинг умрини Тангри қис-
қа яратар экан. Ул зот 49 ёшда Тусда қазо қилди. Шунда
менинг раҳматли бобокалонимнинг бобокалони Тайо-
бодий Хиротдан етиб бориб, халифанинг жонини сақ-
лаб қолишга кўп уринган. Аммо ўлим қаршисида ожиз
қолган. Шунда жони узилаётган Хорун ар-Рашид ёш
табибни юпатиб, ундан розилиги рамзи сифатида ана
шу узукни қўлидан ечиб берган. Ўшандан бери бу узук
бизнинг авлоддан-авлодга ўтиб, мерос бўлиб келган.
Мана бугун вақти-соати келган экан, сенга, бўлажак
соҳибқиронга насиб этди.

Шайх Зайниддин билан бўлган бу суҳбат Темур қал-
бида ўчмас из қолдирди, ҳаёт тарзини белгилади. «Рус-
ти-рости» сўзи Темур кўшинининг шиорига айланди.
Уч сирли халқа эса Темурнинг адолат белгисига айла-
ниб, унинг уч иқлимда ҳукмронлигига ишора бўлди.
Амир Темур 28 мамлакатни забт этди, подшоҳу сул-
тонларни ўз амрига бўйсундирди. Ғарбда Рум ерларию
Ўртаер денгизидан тортиб, шарқда Ҳимолай тоғларию
Тибетгача, шимолда Москов остоналари, Ўрол тоғла-
ридан тортиб, жанубда Ҳинд океанигача бўлган ерлар

Темур кўл остига ўтди. Темур ҳокимият биносини баланд кўтарди. Бироқ унинг фарзандлари кучли суянчиқ бўлиш ўрнига, ноаҳил бўлиб, ўзаро урушлар қилиб, бу иморатнинг нураши ва тез емирилишига олиб келишди. Темурнинг улкан хазинаси шахзодаларнинг бир-бири билан урушларию айшу ишратлари йўлида совурилди. Хазинанинг қолган қисмини эса Мирзо Улуғбек илмга сарфлади. Сўнгида қолган бир талай жавоҳирларга қўшиб табаррук зумрад узукни бир сармақандлик савдогарга бериб, сотиш учун уни Стамбулга жўнатди. Савдогар жавоҳирларни олганича, бедарак йўқолди. Фақат орадан юз йиллар вақт ўтгач, улар жаҳон бозорида турли номлар остида яна пайдо бўлиб, жавоҳирлар ишқибозларининг олқишига сазовор бўлди.



ТАҚДИР ТОШИ

Қадимий шарқ табобатида инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ички органларини тозалашда ишлатиладиган фармокологик моддаларнинг таркибида кўп хил жавохирлардан фойдаланиб келинган. Минералларни инсон организмга энг тез таъсир этувчи моддалар деб билишган. Бу борада энг машҳури яшим тоши бўлиб, уни араблар «хажар ал-йашф», форслар «яшаб», ўзбеклар «яшим», руслар эса тошнинг бир турини яшма, иккинчи турини эса «нефрит» деб аташади. Яшим амфибол гуруҳидаги яширин заррали минерал бўлиб, марказий ва жануби-шарқий Осиё халқларининг энг суюкли тошидир. Хну Чин деган хитой ёзувчиси яшимда инсон сифатларига жавоб берадиган 5 та асосий хусусият бор деб ёзган. Унинг ёзишича, тошнинг майин товланиши инсон руҳидаги юмшоқ ҳиссиёт билан ҳамоҳангдир; тошнинг пишиқлиги инсондаги мўътадиллик ва одилликка тўғри келади; тошнинг жарангдорлиги инсондаги меҳр ва сезгирликни намоён этади; тош таркибидаги ўзгармаслик сифати инсондаги букилмас иродани ифодалайди; тошнинг таркибий тuzилиши ва унинг айниятини яратиб бўлмаслиги софлик ва тозалик тимсолидир.

Яшим тоши булутларга етган Куэн-Луень тоғларида инсон оёғи етиши қийин бўлган конларда қазиб олинган, катта қўшин соқчилигида Пекинга — император хазинасига пинҳона элтилган. Бу тоғдаги гўзал яшим тошлари дунёнинг бошқа ҳеч ерида бўлмаган. Тошнинг бир томондан ноёблиги, иккинчи томондан унинг даволашдаги сеҳрли қудратига тан берган хитойликлар яшим тошига бағишлаб юз жилдли «Ку-ю ту-пу» деб номланган китоб ёзиб қолдирганлар. Бу қадимий асар-

да биринчи сўз, Хитой императорларининг суюкли тоши бўлмиш оқ яшим ҳақида бўлиб, у асабларни тикловчи, кизиққонликни сўндирувчи ва ошқозон огригини олувчи доривор сифатида таърифланади.

Қизил яшим тоши ҳам фақат Хитойдагина маълум. Бу тошдан туморлар ясаб, келажак офатларни, балоказоларни бартараф этувчи, юрак фаолиятини бошқариб, тўғри йўлга солувчи ўзига хос биокорректор сифатида фойдаланишган. Яшим тоши саховатли табиатнинг инсониятга бегараз инъоми бўлиб, унинг бизга ҳали номаълум бўлган сеҳрли хислатларидан қай бири намоён бўлганида, ҳар гал бизни лол қолдиради. Тош сиртидаги жилоларни кўриб, турли кечинмалар, пинҳоний туйғулар тўлқинларига тушиб қолганини одам билмай қолади. Шунинг учун бўлса керакки, Марказий Осиё халқлари бу тошни суяб «Тақдир тоши», деб аташган. Унинг сеҳрли қудратига Амир Темур ҳам ишонган. Жанговарлик ва ботирлик руҳини кўзгатиш учун ҳар гал жангдан олдин амир лашкарбошилари билан бирга, яшим қадаҳлардан шароб ичган...

Амир Темур ва унинг авлодларига тегишли машҳур жавоҳирлар вақт ўтиши билан, «Темур лаъли», «Темур зумради», «Қора шаҳзода лаъли» каби турли номлар остида яна пайдо бўлиб, жавоҳир ишқибозларининг ақлини шоширади. Аммо бир тош, Амир Темурнинг бошқа машҳур жавоҳирларига нисбатан кам эсланади. Бу ўз пайтида амирнинг соғлиғи, кайфияти, борлиқ ҳаётини бир қадар «идора қилиб турган» афсонавий қизил тошдир.

Амир Темурнинг бу қизил тоши ҳақидаги биринчи хабарни мен профессор Злата Протодьяконовадан эшитганман. Бу камтарин олима тоғ факультетига номи қўйилган машҳур М.Н.Протодьяконованинг қизи бўлиб, бизга минералогиядан дарс берар эди. Олиманинг тас-

диқлашича, қизил тош аслида ёқут эмас, балки яшимнинг антиқа қизил тури бўлиб, тошни Амир Темурга 1387 йили Исфaxonдан машхур эроний ромчи (сеҳргар) тақдим қилган. Ромчи аёлнинг таъбирича, амирнинг бутун ҳаёти Тангри томонидан шу тошга битилган бўлиб, қандай воқеалар бўлгану, қандай воқеалар келажакда бўлишини китоб каби ўқиш мумкин экан. Шунда Амир Темур сеҳргарнинг гапларини диққат билан тинглаган ва қўлига тошни олиб, унда ҳеч бир нарса кўринмагач, ҳайрон бўлиб ромчидан сўраган:

— Тошингда менинг ҳаётимни сўзлайдиган ёзув йўқку?

— Мен Тангрининг буйругини бажардим. Бу ёғи сенинг идрокинга боғлиқ, — деб сеҳргар кўздан ғойиб бўлган.

Ўша куни Амир Темурнинг тушида бир авлиё пайдо бўлиб: «Тошнинг сирини билиш учун уни сайқалла!» деб буюради. Амир Темур шундай қилади: сарой заргарларидан бирига тошни бериб, унинг бир четини сайқаллашни топширади. Заргарга берилган муҳлат тугагач, унинг устахонасига келган сарой мулозими Соҳибқирон топширигини бажарган заргарнинг ўлиб ётганини кўради. Бир томони сайқалланган қизил тошни амирга узатар экан, мулозим устахонада кўрганини шоҳга баён этади. Сайқал берилган тош юзасидаги суратни кўрган амир ҳайратга тушиб, тошнинг ҳақиқатдан ҳам сеҳрли қудратга эга эканлигига ишонади, тошдан дардига даво излайди. Аммо тошнинг навбатдаги томонини сайқаллатганда, ишини тугатган уста сирли равишда ўларди. Тошнинг бундай хислатидан хавотирга тушган Амир Темур, бора-бора тошни сайқаллатмай кўяди. Темур вафотидан кейин бу сирли тошнинг тақдири нима бўлганлигини сўраганимда Злата Михайловна:

— 1909 йили Парижда бўлиб ўтган кимошди савдо-сида бу тошни польшалик граф Томашевский сотиб олганлигини марҳум отам айтган эди, — деб жавоб қилган.

Орадан анча йиллар ўтиб, Украина Фанлар академиясига расмий ташриф билан бордик. Вице-президент И.Белодед Амир Темур ҳақида илиқ сўзлар айтиб, архелогия музейида ўша даврга тегишли алоҳида зал ҳам борлигини айтди. Музей кўргазмалари ниҳоятда бой экан. X-XV асрларга тегишли залда ўзбекларнинг Дашти Қипчоқда яшаган уруғларига тегишли анжомлар жуда кўп экан. Ўшанда тарих институтининг директори И. Артименко шиша тўсиқ остида турган бир қадахга менинг эътиборимни қаратди.

— Бу сизга таниш бўлган яшим минералидан ясалган қадах, — деди Артименко тортма ичидан қадахни олиб менга узатаркан. — Турклар бу тошни инсонга соғлиқ, куч-гайрат ва довюраклик беради, деб билишган. Бу тошдан қиличларига соп ясатишган, дубулғаларига тақишган. Бундай одат Темур қўшинида, айниқса кенг тарқалган. Яшимдан ясалган қадахлардан шароб ичиб, жангга кириш одат бўлган. Қўлингиздаги қадах шахзода Шоҳруҳга тегишли, — деди Иван Иванович ва бармоғи билан қадах тубидаги ёзувга ишора қилди: «Шоҳруҳ Мирзога соҳибқирони Аъзам Амир Темур Кўрагоний амри билан уста Али Сиддиқ Тошкандий ишлаган».

Менинг оғзим очилиб қолган эди. Чунки қўлимда, қачонлардир Шоҳруҳ Мирзонинг лаби теккан қадах, худди эндигина сайқал берилгандек, товланиб турарди. Академик Белодеднинг имоси билан кўргазмадан бошқа бир қизил тошни олиб, менга узатишди.

— Жуда гўзал яшим тоши экан, — дедим.

— Мутлақо тўғри, бу ниҳоятда гўзал ва ноёб яшмадир, — деди Белодед. — Бу улуг Темурнинг «Тақдир

тоши». Бу жавоҳир поляк графи Томашевскийларнинг шахсий мулки бўлиб, бизга унинг ўгли генерал Вячеслав Томашевский тақдим этган. Бу тошнинг ўта ноёблиги фақат унинг геологик гўзаллиги-ю ёки Амир Темурнинг қўли текканлигида эмас, — академик тошнинг бир юзасини ёруғликка тутиб, менга кўрсатди. — Мана қаранг-а, қоя тошли, ўтиб бўлмас тоғ дараси... Бу бизга Темур тарихидан қайси пайтларни эслатади?

Зеҳн солиб қарасам, тош юзасида бир жанговар ҳолат акс этган... Баданларим жимирлаб кетди. Суратнинг бир чеккаси, яъни горнинг оғзи, ботаётган қуёш нуридан кип-қизариб кетган. Чеккада, қизил чакмон ва бошига қизил бошлиқ кийган бир қўмондон, ҳозиргина жанг бўлиб ўтган томонга — конли уфққа тикилиб турибди. Ундан нарироқда, ботаётган қуёш нурига чулганган дарахт олдида бир оқ от бўйнини буриб гоз турибди. У жанг майдонидан ҳориб чиққан бўлсада, саркарда чавандози олдида ўзини тетик тутарди. Отнинг эгарига қалқон илинган, ёнида эса соҳибқирон белгиси бор найза санчилган. От олдида соҳибқирон ҳам елкасига чакмон ташлаб, узоқларга ҳоргин тикилган. Форнинг кираверишида ерга ранго-ранг жавоҳирлар, олтин-кумушлар уюш ташланган. Форнинг четида бўлса маҳв қилинган мамлакатнинг шоҳи тиз чўкиб Темурга таъзим қилиб турибди.

Амир Темурнинг жанговар ҳаётидан бўлган лавҳани аниқ қилиб акс эттира олган табиатнинг сирли хусусияти олдида лол бўлиб қолдим.

— Тошнинг нега бир томони тарашланмаган? — дедим фақат.

— Балли, бу савол кўпчилик олимларни қизиқтириб келган, — деди кулиб академик ва қўлимдан тошни олиб тушунтирди. — Амир Темур бу тошни босқичма-босқич сайқаллатган ва келажак воқеаларни башорат

қилдирган. Бизнингча, Амир тошнинг бешинчи томонидаги суратни кўргач, олтинчи томонини кестирмай кўя қолган.

— Тошнинг олтинчи томонида нима нарса тасвир этилган экан? Спектроскопия қилишдан олдин, бира тўла ўша томонини сайқаллаб кўяқолмадингизми? — қизикдим мен.

— Бундай фикр бизда ҳам бўлган эди, — деди институт директори. — Аммо тошга сайқал берган усталарнинг фожиали тарихини эшитган усталаримиз тошни тарашлашдан бош тортишган.

— Бу тошни ҳар қалай, ўз ҳолида сақлаган маъқул, — деди академик.

... Кечқурун меҳмонхонага келиб, ўз хонамни очганимда, журнал курсисининг устида қогозга ўралган тухфани кўрдим. Ечиниб, кийимларимни алмаштиргач, шошмасдан қогозни очдим... Унинг ичида Шохруҳ қадаҳи билан сеҳрли яшим тоши ётарди! Қувонганимдан кийкириб юбордим. Кечки овқат пайтида украиналик ҳамкасбларимизнинг менга ҳадя қилган ҳақида О.Содиқов билан Х.Боймуҳамедовга айтиб бердим. Тунда эса, ўринга ётишдан олдин, синамоқчи бўлиб, «Шохруҳ қадаҳи»га вино қуйиб ичдим, Темурнинг яшим тошини эса кўкрагимга босганича ухлаб қолибман. Эрталаб шошилиб ташқарига чиқдим. Хонамни қулфлаш мақсадида калитни қулфга тикмоқчи бўлганимда, худди электр симидан чиққандек, калитдан учкун сачраб кетди. Калитни рўмолчамга ўрабгина эшикни қулфлаб олдим. Пастки қаватда буфет олдида академик акаларим менга маҳтал бўлиб туришган эди. Югуриб бориб салом бердим-да, Обид Содиқовга қўлимни узатдим. Қўлимиз бир-бирига тегар-тегмас, яна боягидек учкун сачраб кетди. Танамнинг электрлашуви шу кун пешинга борганда тарқалди.

... Тошкентга келганимизда, мен ўзимга тақдим қилинган совғаларнинг тақдири нима бўлишини билиш учун сўрасам, асаби бузилиб ўтирган Обид Содиқов:

— Темулга тегишли барча нарсаларни йўқотинг! — деб олдимга марказқўмнинг қарорини ташлади.

Эртасигаёқ академияда тўс-тўполон бошланиб, кўпчилик олимларнинг бошида калтак синди. Мен Амир Темурнинг сеҳрли тошини хонамдаги сейфга беркитиб, «Шохрух қадаҳи»ни эса иш столимга қўйиб, қаламдон ўрнида фойдаланиб юрдим.

Орадан бир йилча вақт ўтиб кетди. Таътилдан қайтиб ишга чиққандан кейин, бир куни тўсатдан столим устида «Шохрух қадаҳи» йўқлигини кўриб, ҳайрон бўлдим. Котибадан бу ҳақда сўраганимда, у:

— Сиз таътил пайтингизда тарих музейининг директори келиб, қадаҳни олиб кетди. Қадаҳга қўшиб сейфингиздан ҳизил тошни ҳам олиб бердим, — деди.

Темур ва темурийлар билан боғлиқ барча нарсалар қатагон ва тазйиқ қилинаётган ўша пайтда бу сирли тош ва муборак «Шохрух қадаҳи»нинг жуда борса зах босган хужраларда чанг босиб ётиши ёки чет эликларга сотилиб кетишидан чўчидим, қаттиқ эзилдим. Дардимни вице-президент Иброҳим Мўминовга айтдим.

— Сабр қилинг! Ғала-говур бироз босилсин. Бу табаррук нарсаларни албатта, топтириб бераман, — деб ваъда қилди у.

Мана, орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, ўша табаррук ёдгорликдан дарак йўқ. Балки энди бу масалага аниқлик киритилар. Ҳарқалай, бу табаррук ёдгорликлар юртимизда эканлиги менга таскин беради.



СИРЛИ УЗУК ҚУДРАТИ

Улуғ бобомиз Амир Темур ўз даврининг шундай буюк арбоби ва саркардаси бўлган эканки, унинг фазилатларини кашф этиш учун ўтган асрлар ҳам камлик қилди. Ҳали биз соҳибқирон ҳаётининг очилмаган жуда кўплаб қирраларининг гувоҳи бўламиз. Куйидаги тарихий ҳикоя ҳам бунга яққол мисолдир.

Таниқли зодагонлардан илоҳиёт магистри Альфонс Паэс де Санта Мария, машҳур сайёҳ Рюи Гонзалес де Клавихо ва қирол Генрих III нинг шахсий маҳрами Гомес де Салазарлардан иборат испан элчилари, улуғ Амир Темурнинг Испаниядаги вакили, аллақачон кас-тилча кийиниб олган Муҳаммад ал Қозий ҳамроҳлигида 1403 йил 21 май, сешанба куни саҳарлаб, Барселонадан Шарққа қараб йўлга чиқишди. Элчилар денгиз орқали даставвал Стамбулга, у ердан Трапезунга кемада, сўнгра курукликдаги карвон йўли билан Эрон бўйлаб юриб, Балхнинг шимолий ҳудудларини босиб ўтиб, Термиз ва Шахрисабз шаҳарларига етиб келишди. Темур салтанатининг пойтахти бўлган Самарқандга эса 1404 йил 5 сентябрда, шанба куни кадам қўйишди. Уларга 8 сентябрь, сешанба куни Боғи Дилкушода, Амир Темур ҳузурида ҳозир бўлишга амир этилди.

Элчиларни қабул қилиш маросими келтирилган совғаларни топширишдан бошланди. Совғаларни олган шахслар, уларни сарой томон элтишди. Бошқа маҳрамлар эса, элчиларнинг қўлидан тутиб, ичкарига бош-лашди. Сўнгра уларни олдинга ўтказиб, шу ерда бир оз кутиб туриш кераклигини тушунтиришди.

— Яқинроқ келинглар. Сизларни яхшироқ кўришни истайман! — деди Амир Темур бўғиқ ва йўгон овоз билан.

Бу пайтга келиб Амир Темур шу қадар ҳориган эдики, қовоғини зўрга кўтарар, кўзи эса жуда хиралашган эди. Элчилар яқинлашиб, шоҳнинг қўлини ўпишга руҳсат берилмади. Чунки, бундай одат Темур саройи учун гайритабиий русум эди.

Сўнгра Амир Темур элчилардан сўради:

— Менинг ўғлим қирол қандай юрибди? Унинг ишлари қандай? Саломатлиги тузукми?

Элчиларга бош бўлган Рюи Ганзалес де Клавихо амирнинг саволларига жавоб берди ва элчиликдан асосий мақсадларини гапирди. Элчининг барча гапларини бўлмасдан тинглаб ўлтирган Амир Темур Клавихонинг гапи тугагач, элчиларга қараб меҳр билан жилмайиб деди:

— Сизларни фақат нома билангина, бошқа ҳеч қандай совға-саломсиз ҳузуримга юбориши ҳам етарли эди. Чунки, мен сизлардан унинг сихати бардаму, ишлари равнақ топаётганини эшитиш билан ҳам хурсанд бўлур эдим.

Қирол Генрих III нинг Амир Темурга юборган номасини шаҳзода Улугбек Мирзо олиб, подшоҳ олдида баланд қилиб, тутиб турди.

Альфонс Паэс таржимон орқали Амир Темурга мурожаат қилди:

— Олий ҳазрат! Ушбу хатни мен — камтарин қулингиз ёзган бўлиб, хатни мендан бўлак ҳеч ким ўқий олмайди. Сиз олий ҳазрат ихтиёр қилган заҳотингиз мен амрингизни бажараман!

Амир Темур мактубни Улугбекнинг қўлидан олиб, уни очди ва хатга қараб туриб, истехзо билан кулиб деди:

— Хатни ёзган одамнинг ўзи келиб ўқиб берса, саводларинг чатоқ экан, — Сўнгра бироз ўйлаб туриб Альфонс Паэсга шундай деди: — Мавриди келганда холироқ хонада ўқийсан.

Элчиларни тургазиб, жаҳонгирнинг ўнг томонидаги бўш ўриндиқларга ўтказишди.

Шундан бошлаб соҳибқирон томонидан уюштирилаётган барча байраму йиғинларда элчилар шу тартибда ўтиришди.

Испания элчилари икки ойга яқин вақт ичида Самарқанднинг барча богларидаги базмларда бўлиб, дам олишди.

Амир Темурнинг 1404 йил 24 октябрь, жума куни ўтказган қабул маросими элчиларнинг, айниқса, эсида қолди. Европадаги барча бадавлат мамлакатларнинг қиролларию подшоҳларининг кошоналари, тахтиравонлари, зебу зийнатларини кўравериб кўзлари пишган испанлар Темур саройининг ҳашамати олдида лол қолдилар. Амир Темурнинг қўлида қип-қизил чўгдек ловуллаб ёниб турган, тухумдек келадиган жавоҳирдан тортиб, то шоҳ хотинининг ёқуту гавҳарлар тикилган либосию саройдаги тўкинлик испанларни ўзига мафтун қилиб қўйган эди.

— Олий ҳазратнинг қўлидаги тош жаҳонда йўқ жавоҳир, ўн икки нузли лаъл юлдузидир, — деди Ҳиндистон элчиси соф испан тилида. Сўнг гапида давом этди: — Бизнинг ҳинд ҳақимлари бу тошни инсонга ўта таъсир қилувчи ва ҳукмга итоат қилдирувчи қувват берадиган «Қизиган аждар конининг йиғиндиси» деб биладилар. Шунинг учун бўлса керак, бу тош кучли ирода ва ҳукмдорлик тимсолидир. Ҳақимларимизнинг тасдиқлашларича, бу жавоҳир ақл ва юракни бақувват қилиб, гам-ҳасратни қувади, инсонни инс-жинсдан асрайди. Хитой табиблари эса бу тошни «Аждарнинг қотган қони» дейишади. Бу ерда — Мовароуннаҳрда эса, уни «севги тимсоли» деб аташади. Чунки бу тош ўз эгасида шавқ-завқ уйғотиб, унинг шаҳватини қиздиради.

Чет эллик меҳмонлар ўзларига ажратилган махсус ўтовларга тарқалишаётган пайтда Клавихо Ҳиндистон вакилини йўлда тутиб, ундан сўради:

— Бу ажойиб тошларнинг макони қайда экан?

Кекса ҳинд маъюсгина жилмайиб, жавоб қилди:

— Узоқ Бирма ерларида ҳамда жаҳонгир Темурбекнинг мамлакатадаги тоғларда. Аммо тошларнинг энг йириги, қизларнинг лабидек энг қизили ва мафтункори Кўҳилаъл ва Куйтош деган ерлардаги конлардан келтирилишини эшитганман.

Якшанба куни, яъни 1404 йил 1 ноябри испан элчилари: «Олий ҳазратлари қабул қилиб, бизга ўз юртимизга қайтишимизга рухсат берар» деган умидда Амир Темур ҳузурига келишди. Олий ҳазрат узр сўраб, элчиларни қабул қила олмаслигини хабар қилди. Испан элчиларининг кейинги кунлари ҳам ўз ихтиёрлари билан саройга ташриф буюришлари шундай бенатижа бўлаверди.

Бошқа кўп мамлакатлардан келган элчилар ҳам худди шундай олий ҳазрат томонидан на чақирилмай, на ўзлари унинг ҳузурига боришга журъат этолмай яшаётган бир пайтда саройдан бир барлос келиб, испан тилида шундай деди:

— Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоний ҳазратларининг тахт ворислари бўлган ўғиллари — шаҳзодалар эрта тонгдан юртларингизга қайтиш тараддудига тушишингизни буюришди.

Нима гаплигини тушунолмаган испан элчилари яна отланиб саройга боришди ва шаҳзодаларнинг қабул қилишини сўрашди. Уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилди. Клавихо шаҳзодага бор гапни тушунтиришга ҳаракат қилди:

— Олий ҳазратлари бизни қабул қилмоқчи эдилар. Ўшанда сиз олий зотли шаҳзода ҳам отангизнинг ён-

ларида бўлган эдингиз. Бугун саройдан бир одам келиб, эртага йўлга отланишимиз ҳақида буйруқни етказиб, бизни таажжубга солди.

Мироншоҳ Клавихонинг гапини тинглаб бўлгач, қисқа ва қатъий қилиб шундай деди:

— Подшоҳни кўриш мумкин эмас, сизларга ижозат беришга биз қарор қилдик! Тасарруфимиздаги ерлардан сизларни олиб ўтиш учун одам тайинланган. Сизлар йўлга чиқишларингиз шарт!

Кечкурун испанлар ҳузурига ҳинд элчиси эшикдан жилмайиб кирди.

— Олий ҳазратлари оғир касал бўлиб қолган эмиш, — деди у овозини пасайтириб.

— Бир ҳафта бурун базмда ўйнаётган араб раққосаларини кўрганда кўзи ёнаётган олий ҳазратнинг тўсатдан оғир касал бўлиб қолишига сира ишонмайман! — деди фиғони фалакка чиқиб Клавихо.

— Бунга сабаб «Аждарнинг қотган қон»идир, — деди хаёлга чўмиб кекса ҳинд. — Жавоҳир бераётган қувват Олий ҳазратга зўрлик қилганга ўхшайди... Бу тошни қўлда кўп тутиб бўлмайди...

...Аслида эса Амир Темур бу пайтда ўзининг азалдан бери режалаштириб қўйган Хитойга ҳарбий юриши тараддудиди эди. Элчиларни ўз юртларига кузатиб қўйгач, бир ҳафтадан кейин 1404 йилнинг 7 ноябрь пайшанба кuni жаҳонгир Самарқанддан Шарққа қараб юра бошлаган 200 минглик қўшин бошида катта лаъл тошини қўлида ўйнаб, йўлга тушди. Қўшин Ўтрор атрофига ўтов тикди. Шу йили қаттиқ келган қиш совуғи аскарларнинг руҳига салбий таъсир килаётганини сезган 68 ёшли жаҳонгир музлаган Сирдарёга тушиб, жангчиларнинг кўзи олдида чўмилди. Ёшлик дамлари уни аллақачон тарк этганини, алвон рангли лаълдан ўтаётган қудрат эса, унинг қонини қиздириб, қувватини

бир ерга жамлаб, ўзини яна йигитлардек ҳис этиш бахтини унга фақат озгина муддатгина беришини улуг жангчи балки билмагандир ўшанда. Олий ҳазрат қаттиқ шамоллаб, 1405 йил 18 февраль пайшанба кўни хуфтонда бу фоний дунёни тарк этди...

...Ўн икки шуълали, салмоғи 361 карат, қирраларига «Амир Темур Кўрагоний» деб ёзилган, жаҳонда ягона бўлган лаъл эса, дастлаб Мирзо Улугбекнинг, сўнгра савдогар Абдул Рашиднинг кўлига тушиб, бутунлай унутилди. Фақат орадан тўрт юз йил ўтгач, бу тош жавоҳирлар оламини ларзага солди. 1851 йили Лондонда ўтказилган жавоҳирларнинг умумжаҳон кўргазмасида Британия қироллиги бу жавоҳирни «Темур лаъли» номи билан намоёниш қилди. Ҳозирги кунгача «Темур лаъли» Британия қиролларининг салтанат тожида порлаб, улуг жаҳонгирнинг руҳини инсониятга эслатиб турибди.



РУҲЛАР БЕЗОВТА БЎЛГАНДА

ЯШИРИЛГАН ҚАБР

Гуноҳлару хатолар, зўровонлигу ситамларга бой бўлган бу фоний дунёда яшаб турган ҳар бир инсон вақтисоати келиб, бу фоний дунёда нима ишлар бўлишини, бу ерда қолганлар у ҳақда нималар деб, қандай фикрлар юритиши ҳақида ўйлаб қолади. Чунки ҳаётда қурилган иморатлару саройлар, кўприклару равоатлар давр тегирмонига бардош бера олмай, йўқ бўлиб кетади. Фақат қилинган ишларгина афсоналарга айланиб, тилдан тилга, элдан элга кўчиб, инсоният тарихида абадий қолади. Одил подшоҳлару амирларни, уламою юртбошиларни халқ доимо эслаб, хотираларини эъзозлайди, тилу дилидан қўймайди. Золимларни эса лаянатлайди, ҳатто хокини ҳам ҳақоратлаб, йўқ қилиб ташлашгача боради. Мантиқан тўғри бўлган бундай даҳшатли фикрлар барча замонларда, барча подшоҳларни қийнаган, чуқур ўйга солган.

Қадимги Мисрнинг фиръавнлари «у дунёда тинч ётиш» мақсадида ўз жасадлари билан бирга саркардалари, танмаҳрамлари ва хизматкорлари, бола-чақаларини ҳам қўшиб кўмишни васият қилишган. Қадимий Эрон ҳукмдорларининг олий фармонларига биноан аҳоманийлар сулоласига мансуб жамики шохлар жасадини чиқиб бўлмас қояларда ўйилган горларга яширишган. Тинчликлари эса соқчилар томонидан ўн йиллаб қўриқланган.

Улкан Осий қитъасидаги қадимий Эрон, Турон ҳамда Ҳиндистондек ривожланган йирик мамлакатларни қонга ботириб босиб олган, бутун бошли миллатлару уруғларни қиличдан ўтказиб, йўқ қилиб юборган Искандар

Зулқарнайн ҳам бир куни ўлиб кетгач, авлодлар унинг хокини нима қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, оқибатидан қўрққан. Шунинг учун ҳам фотиҳ ўлаётган пайтида бирор-бир инсон боласи бора олмайдиган жой топиб, жасади ўша ерга кўмилишини талаб этган. У Бобилда вафот этгач, жасадини Фрот дарёси ўзанидан бир ёлғиз орол топиб, ўша ерга дафн этишган. Аммо орадан бир ой ўтгач, зиёратга келган фотиҳнинг онаси Олимпиада ўглининг қабри поймол қилиниб, жасади ўгирланганини кўриб, қаттиқ қайгуради. Тириклигида ярим дунёни ларзага солиб, ўзини «Худонинг ўгли», «Осиёнинг подшоҳи» деб юрган Искандарнинг жасади, айтишларича, дафн этилган ҳаммоно юнонистонлик душманлари томонидан оёқ-ости қилиниб, ёкиб юборилган.

Ўзидан олдин ўтган ҳукмдорларнинг жасадлари хўрланиб, гўрлари топталганини эшитган жоҳил Чингизхон ҳам ўлаётиб, шундай васият қилган экан: «... Жоним танимни тарк этгач, даштдан бир катта текис ер топиб, жасадимни ўша ерга кўминглар. Кейин ўн уюр йилки гўрим устида уч кун югуриб, пайхон қилиб ташласин». Чингизхоннинг фарзандлари ота амрини бажаришган. Ўн минг асов мўгул тулпорлари уч кун бетўхтов чопиб, кенг майдонни остин-устун қилиб ташлаган. Шунда жасад ернинг қай қатламида қолиб кетганини Чингизхоннинг душманлари у ёқда турсин, ҳатто фарзандларию яқин кишилари ҳам билолмай қолишган. Қорақурумнинг Чингизхон кўмилган деб гумон қилинаётган ўша катта майдонида ҳалигача биронта жонивор яқинлашмай, аксинча, ўша ердан четлаб ўтишаркан.

ЯШИМ ТОШИ САРГУЗАШТЛАРИ

Соҳибқирон Амир Темур ҳам келажак авлодларда

ўзининг шахсига нисбатан ўта катта қизиқиш уйғотишини сезиб, вафоти олдидан шундай сўзлар айтган:

«...Бу ёки у дунёда менинг тинчлигимни кимки бузса, шармисорлик ва ўлимга маҳкум бўлади».

Аммо авлодлар Амир Темурнинг қабрини очиб, унинг руҳини безовта қилишди. Улуғ жаҳонгирнинг тинчлигини бузишга биринчи бор 1739 йили Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ журъат этганди. У 1736 йили Эрон тахтига чиққач, бирин-кетин кўплаб давлатларни босиб ола бошлади. Ҳатто Бобурнинг Ҳиндистонда тузган Улуғ салтанатига ҳам зарба бериб, инқирозга юз туттирди. Хоразм ва Бухоро хонликларини босиб олди. Самарқандни забт этиб, вайрон қилди. Эрон шоҳи ўзини дунёдаги ягона ҳукмрон, жаҳонгир деб ҳис этарди. У бир вақтлари соҳирқирон Амир Темур яратган улкан мамлакатнинг пойтахти бўлиб, Европа мамлакатларида «Шарқ дурдонаси», «Жаҳон пойтахти» сифатида шуҳрат қозонган афсонавий Самарқандни қўлга киритганлигининг далили сифатида Гўри Амир мақбарасидан Темурнинг яшим қабри тошини олиб, Эрон пойтахти Машҳадга элтишга фармон берди. Бу ҳақда Нодиршоҳ саройининг йилномачиси шундай ёзади:

«Жаҳонгиршоҳ томонидан фармон бўлдиким, «Амир Темур Кўрагон» қабри устига ёпилган яхлит яшимдан (русча «нефрит»деб аталувчи яшим тури) иборат бўлган қабр тоши ва ҳукмрон хотини, улуг малика Бибихоним масжидидаги икки табақали қўйма темир дарвоза замбарак аравасига ортилиб, муборак Машҳад шахрига олиб борилсин». Бажарилиши шарт бўлган ушбу фармони олийга биноан Зоти олийнинг қуллари ўша тош билан дарвозани Аллоҳнинг раҳмати ёғилган Машҳад шахрига келтиришди. Порлоқ юлдуз эгаси, жаҳон ҳукмдори Нодиршоҳ келтирилган дарвоза билан қабр тошини кўздан кечираётиб, бирдан ранги

ўчди, хаёлга чўмди. Кейин Порлоқ юлдузли Улуг Амир Темурнинг руҳи тинч бўлсин ва уни Аллоҳ раҳмат этсин, деб тиловат қилди-да, шундай деди:

— Чарх худди бир копток мисол энди менинг қўлимда айланмоқда. У ўзига яшимдан тош қўйдирган бўлса, биз бир қалқонни пўлатдан, бошқасини бухорий кизил олтиндан ясаптириб, устини Темурийлар хазинасидаги жавоҳирлар билан безаймиз! Пойтахтимиздаги муқаддас бинолардан бирининг деворларию пойгагини шу яшим қабр тоши билан қоплаймиз!».

ҲУКМДОРНИНГ МАШЪУМ ҚИСМАТИ

Бир қисми Темурнинг қабр тоши сифатида кесиб олинган бу улкан яшим тошининг тақдири жуда қизиқ кечган. У аслида яшил рангли яхлит тош бўлиб, жуда қадимдан маълум. Жаҳонда ягона бўлган бу яшим Хитой императорларининг саройида муқаддас тош сифатида сақланиб келган. Ўзининг галдаги бир босқинида Чингизхон уни қўлга киритиб, ўз пойтахтига олиб кетган. Фотиҳнинг ўлимидан кейин унинг улкан мамлакати уч улусга бўлиниб, Чигатой исмли иккинчи ўгли тасарруфига Моваруннаҳрдан тортиб, то Шарқий Туркистонгача бўлган ерлар мерос бўлиб ўтади.

Чингизийлар авлоди давомчиси Сажан 1309 йили ўз пойтахтини Нахшаб (Қарши)га кўчирди, бу ерда мухташам сарой барпо этиб, унинг асосий залига яшим тошидан ясалган гўзал тахтиравонни қўйдирди.

Кунларнинг бирида хон саройига кириб келган Улугбекнинг кўзи ўша машҳур тахтга тушади. Шунда ҳукмдор бу афсонавий тахтни Самарқандга келтириб, ундан улуг бобосига қабртоши ясаптиради.

...Босқинчи Нодиршоҳ ўзини замонанинг улуг жаҳонгири деб ҳисобласа-да, аслида Худодан кўрқадиган,

иримчи ва ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган банда эди. Шунинг учун у юқоридаги гапларни мақтаниб айтиб қўяди-ю, аммо юрагини кўрқув босиб, даҳшатли соҳибқирон Амир Темурнинг гўрига қўл теккизганидан пушаймон бўлади. Чунки таъсирчан шоҳга Амир Темурнинг ўлим олдидан айтган ўша огоҳлантиришини етказишган эди. Қабр тошининг устига Султон Улуғбек томонидан араб имлосида жуда нафис қилиб қуйидаги сўзлар ёздирилган: «Бандасига ғалаба, голиб жангчиларга хурмат, енгилганларга сабрни ато этган Аллоҳга шукроналар бўлсин. Ло илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ. Ғолибларга ўлжа, ёвларга ўлим» Аллоҳ доимо ўз бандасини қўллайди, ноҳақни жазолайди. Бу тошни Авидан хони Дава Сажан ўз пойтахти Қаршига келтирган. Султон Улуғбек Кўрагон Жетига юриш қилганида тошни Самарқандга олдирган». Бу ёзувни ўқиганида бўшашиб қолган Нодиршоҳнинг қўлидан олтин коса ерга жаранглаб тушиб кетади.

Бир куни ҳукмдорнинг тушида Амир Темурнинг пири Саид Бараканинг оқ кафанга ўралган арвоҳи намоён бўлади ва улуғ амирнинг гўрини оёқ-ости қилгани учун Нодиршоҳни даҳшатли фожиа кутаётганини айтади. Кўрқиб уйғониб кетган шаҳаншоҳ эрта саҳарлаб мунажжиму ромчиларни саройга йиғиб, ўзининг юлдуз бурчи ҳолатини аниқлатади. Сайёралар нимани башорат қилади-ю, ўз буржига тўғри келадиган жавоҳирларнинг қудрат кўламини айтиб беришни талаб қилади. Нодиршоҳ ишонган сарой уламолари бир оғиздан «улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг қабр тошини яна жойига қайтариб қўйишни» маслаҳат беришиб, шоҳ буржига мос бўлган жавоҳирларнинг қудрати ҳукмдорнинг бошига келадиган фалокат олдида ожиз эканлигини айтишади. Бу ҳақда сарой тарихчиси шундай ёзади: «Мажлисдан қути учган Нодиршоҳ Амир Темур

қабр тоши бекатма-бекат элтиб, ҳеч қаерда тиним олмай, Самарқандга етказилсин ва эҳтиёткорлик билан ўз жойига қўйилсин, деб фармон берди».

Фармонбардор мулозимлар худди шоҳ айтгандек қилишди. Аммо фурсат ўтган, тақдирнинг сирли куръаси ташланган, гишт қолипдан кўчган, буюк саркарданинг огоҳлантириши кучга кирган эди... 1747 йили мамлакатда кўтарилган катта қўзғолонни бостириш учун шахсан ўзи сафарга чиққан Нодиршоҳни Ҳабушон атрофидаги қароргоҳда, шаҳаншоҳ қўшинларининг кўмондони, ҳиротлик афғон Аҳмадхон Дурра ваҳшийларча ўлдиради. Унинг кесилган калласини Машҳадга, Нодиршоҳнинг жиянига совға қилиб юборади. Шундан кейин Аҳмадхон қирқ минг афғон отлиқлари билан Қандаҳорга етиб келиб, ўзини Афғон мамлакатига ҳукмрон деб эълон қилади. Нодиршоҳнинг фожиали ҳалокатини Темур қабр тошининг сеҳрли қудратидан кўрган сарой аъёнлари Эрон тахтига янги шоҳни ўтказишаётиб, ундан Темур юртига сира қўшин тортмаслиги ҳақида сўз олишади. Нодиршоҳнинг бошсиз жасадини эса пойтахтга келтиришни ҳам лозим топмай, Ҳабушонда пинҳона дафн этишади.

СТАЛИННИНГ МУДҲИШ ХАТОСИ

Амир Темурнинг муқаддас огоҳлантиришини бузганлардан иккинчиси И.Сталин бўлди. У СССР Фанлар академиясига махфий буйруқ бериб, амир мақбарасини очишни буюради. Махфий буйруқнинг мазмуни шу буйруқ асосида тузилган махсус комиссиядан ҳам олдинроқ Самарқандга етиб келди ва аҳолининг қаттиқ безовта қилиб қўйди. Шаҳар оқсоқоллари бошчилигидаги гуруҳ Гўри Амир мақбарасини ўраб олиб, комиссия аъзоларидан Соҳибқирон ҳокига тегмасликни

илтимос қилди. Улар Амир Темурнинг ўлими олдидан айтган огоҳлантиришини эслатишди, яшим тоштахта остида даҳшатли жангчининг руҳи уйқуда ётганини айтиб, унинг тинчлигини бузиб, бошимизга бало орттирмайлик, деб ялинишди. Аммо комиссия аъзолари дохийнинг буйругини буза олишмас эди. Яна бир томондан эса, ўта қизиқувчан олимлар қадимшунос М. Массоннинг даъвоси қанчалик ҳақиқат эканлигини аниқлашни исташарди. Олим электрмагнитли текширувларнинг кўрсатмаларига асосланиб тасдиқлашича, Амир Темурнинг жасади шерозлик уста томонидан ясалган темир тобут ичига қўйилган экан. «Чунки соҳибқирон қабри устида 1925 йили олиб борилган магнитли кузатувлар у ерда кучли парамагнит майдон борлигини кўрсатди», деб ўз фикрида туриб олган эди Массон.

Қабрни тунда одамларнинг кўзидан панада, хуфёна очишга киришишган. Айнан шу лаҳзаларда 1941 йилнинг 22 юни, саҳар соат 5 да фашистлар Германияси «Барбаросса» операциясини бошлагани, немисларнинг 170 та сара дивизияси Совет чегараларини бузиб кирганини Темурнинг яшим қабр тоши атрофида ранглари ўчиб, дилларида эса Қуръони оятларини ўқиб турган Қори Ниёзий, Яҳё Фуломов, Садриддин Айний билишмаган, албатта. Гўри Амирнинг пастки босқичига биринчи бўлиб тушиб олган машҳур мусаввир ва қадимшунос Герасимов ҳам уруш бошланганидан беҳабар, ўша тобда у жаҳонгирнинг бош суягини тезроқ кўришга ошиқарди. Чунки у қадим замонларда ўтган улуг одамларнинг скульптура қиёфалари билан ўз музейини тўлдиришни кўпдан бери орзу қилиб юрган эди. Комиссия аъзоларининг хаёлидан ўша пайтда қандай фикрлар ўтганидан қатъий назар бу тонг — 1941 йилнинг 22 июн саҳари инсоният тарихига мудҳиш дақиқа, қалтис аломат бўлиб кирди.

Очилган қабр олимларнинг барча «асосланган ил-мий тасдиқларини» чиппакка чиқарди. Соҳибқирон жа-сади темир тобутда эмас, балки оддий ёғоч тобут ичида ётарди. У ҳолда нима сабабдан ва қандай манба таъси-рида қувватли парамагнит майдон ҳосил бўлмоқда? Балки бу Амир Темурнинг ўзидан чиқаётган кучли био-логик майдондир? Соҳибқирон ўзининг «Зафарнома» сида «Менда ўзгаларда йўқ сифат, ўзимга ҳам нотаниш бўлган қандайдир гаройиб хусусиятлар бор» деб бекор ёзмаган-ку?!



БАРКАМОЛЛИК ТОШИ

Инсон ўзининг дастлабки қадамидан бошлаб кўлига тош олган. Тошларни бир-бирига уриб, ундан олов чиқарган. Қурол ясаб, ов қилиб, қорнини тўйгазган, усти бут бўлган. Душман қабилалар, йиртқич ҳайвонлар тажовузини тош қуроллар ёрдамида бартараф этган. Шунинг учун қадимги одамлар тошларни Тангри томонидан юборилган тўқлик ва тинчлик, соғломлик ва қудрат берувчи илоҳий бир куч деб билишган. Ундан маъбудлар ясаб, сиғинган, тошдан ясалган тумор ва тилсимотларни бўйнига осиб юришган, коинот билан инсонни боғлаб турувчи бир кўприк деб ўйлашган.

Орадан минглаб йиллар ўтиб, инсон онги юсак даражада ривожланган бизнинг асримизда ҳам бу тушунча ривожланиб, халқ ўртасида кенг тарқалган. Кўпчилик ўзининг юлдуз буржига мос бўлган тошдан бирор-бир нарса олиб, тақиб юриш, турли хусусиятларга бой, бахт ва омад келтирувчи хосиятли тошга эга бўлиш учун интилади.

Тошлар ҳақиқатдан ҳам хосиятлидир. Миллион йиллар бурун пайдо бўлган бу тошларда табиатнинг ҳеч бир унсурида бўлмаган хусусиятлар, уларга таниш бўлмаган қувват манбалари борлиги аниқланган. Шунинг учун улуг ҳақимлар бўлмиш Гален, Луқмони Ҳақим, Ибн Сино ва Берунийлар табиблик ишларида тошлардан кенг фойдаланганлар. Қадимги Миср маликаси Клеопатра миноралар устида илмий изланишлар олиб бориб, улардан олти хил дори тайёрлаган. Бу, дорилар ҳозиргача косметика ва даволаш ишларида қўлланилмоқда. Ҳозирги замон тиббиётида ҳам, фармокологиясида ҳам минераллар хом ашёлардан жуда кенг фойдаланишади. Аммо тошлардан билиб-билмай фой-

даланиш яхшилик келтирмай, ҳатто фожиавий оқи- батларга олиб бориши ҳам мумкин.

Умримнинг қирқ йилдан ортигини тошлар илмига сарф қилдим. Тошларнинг инсон ҳаётига қилган оли- жаноб хизматларини ҳам, келтирган зарарларини ҳам кўп кўрганман. Шунинг учун ҳар бир тош, ҳар бир жавоҳир билан алоқа қиладиган одам тошнинг барча хусусиятларидан хабардор бўлиб, ўзининг соғлигини камида ўн кун давомида кузатиб туриши шарт. Агар инсон ҳолати салбий томонга оға бошласа (бош огри- ши, юрак уришининг тезлашуви, қон босимининг оши- ши каби ҳолатлар) у ҳолда, ўша тошдан ясалган буюм ёки зебу зийнатга яқинлашишдан вақтинча ўзини ти- йиши лозим. Ана шунда соғлиқ яна аввалги ҳолатига тез қайтади.

Мен, қадимдан инсоният эътиборини ўзига тортиб, унинг севимли тошига айланган, қадимий «Авесто» ва «Аюрведа» китобларида номи зикр этилган оникс (агат, ақиқ) тоши тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу тош ўзининг гўзал жилоси, геохимик ва фармокологик, биоэнергетик хусусиятлари билан инсон ҳаётида ўзига хос, муносиб ўрин эгаллаган.

Оникс тошлари аслида ясси ва параллел йўналган қатламлари турланиб турувчи рангдор агатдир. Тош- даги қатламларнинг рангига қараб, уларни минерало- гия фани қуйидаги турларга бўлган: агатли оникслар — оқ ва қора қатламлар галма-гал жойлашган; карнеол (ёки сердолик) — қизил ва оқ қатламли; халцедон — оқ ва кулранг қатламлар, сердоникс...

Қадимий Шарқ тиббиётининг гувоҳлик беришича, бу тошлар ҳамма юлдуз буржларидаги инсонларга ҳам фойдали бўлиб, айниқса Новвос — Бузоқ буржидаги одамларга асқотар экан. Тош дардни енгиллаштирув- чи бир омил бўлиб, уни огриб турган ерга (бошга,

қорин устига, бўгинларга, шишган ерга) ўн-ўн беш дақиқага қўйиш тавсия этилади.

Тошнинг сердоникс тури қадимдан маълум бўлган. Ота-боболаримиз бу тошни ўз эгасини бевафолик ва душманлик найрангларидан, дарду балолардан асровчи илоҳий тумор деб билиб, ундан аёлларга тиллақошлар, маржонлар ясашган, маликалар тожларининг хошияларига ишлатишган. Қора ёки оқ йўлли агатли оникс ҳам Шарқда азалдан довруқ солиб келган тош бўлиб, у ўз эгасини ёвуз кучлар устидан ҳукмрон қилиб, турли офатлардан асрайди. Шунингдек, у инсонга бардамлик бериб, ижодий изланишларга раванқ, тижорат ишларида омад келтиради. Тошни истаган турда (узукка кўз, тасбеҳ, тумор, уқаловчи мослама соққалари кўринишида) олиб юриш мумкин. Бу тошдан ясалган анжомлардан тамаки чекишни суйган мўгул ва хитойликлар, тибетли ва непалликларнинг ишончи бўйича шу усулда тамаки чекилган хонадонга ҳам, чекканларга ҳам ёвуз руҳлар доримас экан.

Ҳиндистонда оникс тошини руҳий баркамоллик ва саломатлик рамзи, Улуғ Она тоши деб билишади. Заҳарли ўргимчак ва илон чаққанида, яраларни даволашда ва тана аъзоларини бардам қилишда рағбатлантирувчи модда сифатида фойдаланишган. «Аюрведа» китобида ёзилишича, бу тошда ҳаво, ўт ва эфир унсурлари кўп бўлиб, инсоннинг руҳан уйғонишига, ғайратланишига ёрдам беради. Шунинг учун бу тош ҳамма бурждаги одамларга фойдали бўлиб, уларни руҳан бойитади, инсонда меҳр-оқибатни, мулойимликни ривожлантириб, ички туйғуларни мужассамлаштиради.

Бу тош жуда ажойиб, у қимматбаҳо тошлар гуруҳига кирмаса-да, унинг баъзи нусхалари ўзининг гўзаллиги ва ўхшаши йўқлиги билан инсон қалбини албатта ром

этади. Табиатда турли рангли қатламларнинг бир-бири билан алмашуви, бир-бирини турли ҳолатга келтириш учун уриниш йўллари билан учрайди. Унда ок, сарик, зангори, кўнгир, қизил, қора, кулранг ва бошқа ранглр жилвасини кўриш мумкин. Шунинг учун бу тош неча-неча асрлардан бери уста заргарларнинг суюкли тоши бўлиб қолмоқда. Усталар, айниқса, тошнинг қатлам-қамлам тузилишидан жуда усталик билан фойдаланиб келадилар. Тошдан зебу зийнатларга кўз, узуклар, тумор ва тилсимотлар, нозик маржону тасбеҳлар тайёрлаб, кўпчиликнинг кўнглини олишган.

Оникс тоши Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан айниқса эъзозланган. Темурнинг суюкли хотини Сароймулкхоним амирнинг никоҳига ўтаётганида, унинг авлодлари томонидан Амир Темурга каттагина Хитой ониксини ҳадя қилишган. Бу тошнинг Соҳибқирон нефрит қабр тоши устида турганини олтмишинчи йиллари ўзим кўрганман. Ўша йиллари ўтказилган геологик текширувларнинг кўрсатишича, бу тош Хитойдан келтирилган бўлмай, Самарқанд ёки Қарши конларидан олинган. Оникснинг сидирга, оч кулранг тури «Гўри Амир» мақбарасининг ичини кошинлашда ишлатилган экан. Эни 7 сантиметрдан ошмаган қалинликдаги бир қатор кошин мақбара ичкарасида, тахминан 1.5 метр баландликда, айлана қилиб терилган. Ониксли бу ҳошиянинг бошланишида агар гугурт чақиб, тошга теккизсангиз, ёруғлик ҳошия бўйлаб ўтиб, яна ёнингизга келгандек бўлади.

Айтишларича, оникс тошлари оиладаги зиддиятлар, уруш-жанжалларнинг олдини олишда ва уларни йўқотишда, инсондаги тажовуз илдизларини йўқ қилиб, тинчлик ва хотиржамликни тиклашда ёрдам беради. Шунинг учун бўлса керак, инсон кайфиятига ижобий таъсир қилиб, унинг асабларига ором беради, жahl

ҳолатини йўқотиб, қон босимини яхшилайти, ҳатто синган суюқларнинг битишини тезлаштиради.

Қадимги Шарқ китобларининг тавсияси бўйича бу тошларни қазиб олишда «фақат тоза қалбли одамлар» иштирок этиши шарт. Тухфа қилинган ёки сотиб олинган тошгина эгасига асқотади, яхшиликлар қилади. Тортиб олинган ёки бошқа хил зўравонликлар билан олинган тошдан ҳеч қандай фойда бўлмай, аксинча зиёни тегиши мумкин.



ҚЎЛГА ЎРГАТИЛГАН ШАРОБ

Кундуз ва Ҳисор ўлкаларида юзага келган нотинчликларни бартараф қилиш учун кўшин тортган султон Ҳусайн Бойқаро сафардан яна зафар билан қайтарди. Ҳиротнинг катта-кичик аҳолиси кўчаларга чиқиб, султоннинг оёғи остига гуллар сочарди. Унинг истиқболига чиққан сарой аҳли ичида амир Алишер Навоий ўзининг тик қад-қомати, юз тузилиши, кийим-кечаклари, нузли чеҳраси билан атрофдагилардан алоҳида ажралиб турарди. Она томонидан Амир Темурнинг ягона қизи бўлмиш Султонбахт Бегимнинг звараси, ота томондан ҳам турк барлос уругининг энг бадавлат ҳукмдорларидан таркаган Алишернинг мавқеи Хуросон салтанатидаги темурзода султон Ҳусайн Бойқаро билан тенгма-тенг, аҳли фузало-ю уламолар, иқтидорли ёшлар ва оддий омма олдида эса ўта юқори ҳам эди. Шунинг учун йигилганлар султондан ҳам кўпроқ вазири аъзам Алишердан кўзларини узишмасди. Чунки ғийбатчи сарой аҳли, порахўр амалдорларнинг ўртада ташиб юрган олди-қочди гаплари туфайли султон билан вазир ораларида бир оз совуқчилик оралаганини кўпчилик биларди. Айни дамда оддий халқни икки ойга чўзилган ҳарбий сафардан қайтаётган султон Ҳусайн Бойқаронинг ранги-рўйидан ҳам, бу икки қудратли инсонларнинг бир-бирлари билан кўришувларида қандай мулозаматлар намоён бўлиши кўпроқ қизиқтирарди.

Алишер Навоий султон Ҳусайн Бойқаро билан тенг-кур, бир кунда туғилишган, бир мактабда, ёнма-ён ўтириб, билим олишган эди. Икковлари ҳам болаликларида қарамай, ўша пайтда Хуросонда ҳукмронлик қилган, темурзода Шохруҳ Мирзонинг набираси султон Абулқосим Бобурнинг саройида хизматда бўлишган.

1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этганидан кейин бу икки ажралмас дўст ўн икки йилга бир-бирларидан ажралишга мажбур бўлганлар. Ҳусайн Бойқаро хоразмшоҳ, бухорхудоуларнинг лашкарида хизмат қилиб, жанговарлик санъатини мукаммал эгаллади. Алишер Навоий эса Машҳаду Самарқанд мадрасаларида ўқиб, илоҳий ва дунёвий илмларнинг барчасини чуқур ўрганди. 1469 йили Хуросон тахтига ўтирган Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлик саройига қадам қўйган куннинг эртасигаёқ, Самарқандга чопар юбориб, дўсти Алишерни олдириб, уни аввал ўзига муҳрдор қилди. Кейин эса, бир йил ҳам ўтмай, Алишерни бош вазир қилиб кўтарди. Салтанатни бошқаришда Алишернинг доно маслаҳатларини доим эътиборга олди. Навоий ҳам дўстининг адолатпарвар султон сифатида халқ орасида обрў қозониши учун хизмат қилди.

Сарой аҳли қаршисига келиб тўхтаган султон отдан чаққон сакраб тушди-да, сарой аҳлига енгилгина бош ирғаб, қулочини очганча Алишер Навоийга интилди:

— Дўстим, Алишер! Сизни жуда соғиндим! — деб Навоийни қучоқлаб бағрига босди. — Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, яна соғ-саломат кўришишлик сизу бизга насиб этди.

— Иншо аллоҳ, шундай! — деди Алишер ҳам дўстини маҳкам қучаркан.

Сарой аҳли билан ҳол-аҳвол сўрашгач, дастурхон атрофига ўтиришганида, Ҳусайн Бойқаро барча амалдору вазирларини чиқариб юбориб, Навоий билан ёлғиз қолди. Шаробдан бир-икки пиёла ичиб, бир оз дам олгач, тортиниброқ гап бошлади:

— Алишер! Инингиз Дарвешалини ўз инимдек кўраман! Бу сир эмас. Унга Балх беклигини бериб иззатладик. У ҳам беклик тахтида анча амаллар бажариб, яхши тadbирлар қилиб, бизни хушнуд қилди, аммо...

Хусайн Бойқаро қандайдир бир гапни унга айтолмай қийналаётганини сезган Алишернинг юраги бир оз гашланди. Дарвешалига бирор нарса бўлдим, деб хавотирга тушди. Чунки, Навоийнинг шу битта-ю битта инисидан бўлак ҳеч кими йўқ эди. Орага тушган совуқ жимликни Хусайн Бойқаронинг ўзи бузди:

– Қундуз ила Ҳисордаги барча бебошлиқлар, минг афсуски, инингиз Дарвешалининг қутқуси билан юзага келган экан.

– Ё, Раббим! – деди Алишернинг ранги ўзгариб, кейин бир оз сукутдан сўнг. – Иккимизнинг орамизга раҳна солиш ниятида бўлган амалдорларнинг қўли йўқмикин бунда? – Алишер эшитган гапларига ишонмасди.

– Кошки эди шундай бўлса! Бундайларнинг кимлигидан қатъий назар, қаттиқ жазолар эдим! – деди султон Хусайн бўғилиб, кейин тушунтирди. – Ҳамма ҳужжатлару, Дарвешалининг учта хатини кўриб, фиғоним фалакка чикди! Аммо унга бирор бир қаттиқ жазо ҳукмини чиқаришга қўлим бормади. Уни Балх ҳукмдорлигидан озод этиш билангина кифояландим...

Икки дўст орасидаги гап бошқа қовушмади. Нозик табиатли шоир қалби яраланган эди бу хабардан. Султон саройидан то ўзининг уйигача бўлган масофани қандай босиб ўтганини сезмай қолди. Алишер ҳовлисига суратдек кирди. Отининг жиловини хизматкорнинг қўлига тутқазиб ичкарига кирганида, Балхдан қайтиб келган Дарвешали меҳмонхонада ёнбошлаганча, майхўрлик қиларди. Акасини кўриб, ўрнидан туриб уни кучоқлади. Укаси билан кўришаётган Алишернинг қаттиқ ранжигани сезилиб турарди. У укасининг ёнида ўтиролмай, уй ичида айланиб юрди.

– Сенинг уқувсиз, хунарсиз, боз устига ичинг ҳам жуда қора эканлигини билардим. Аммо сенга раҳна-

молик қилиб, ош-нон берган ўз султонингни қопурсан, деб сира ўйламаган эдим! Бутун аждодимизга иснод келтирдинг! — деди Алишер куюниб. — Бунинг барчаси чоғир ичишнинг оқибатидир. Энди шу ерда тек ўтир! Бирор бир амал топмагунимча, амримсиз уйдан эшикка чиқмайсан!

Асаблари таранг тортилган Алишер уйда ўтиролмади. Кўчага чиқиб, Инжил қиргоғи бўйлаб битта-битта қадам босиб, ўзи бунёд қилган «Сафоия» ва «Шифоия» деб номланган шифохоналарга қараб йўл олди. Ҳирот халқига бепул хизмат кўрсатадиган бу касалхоналарда шаҳарнинг энг тажрибали шифокорлари ва ажнабий табиблар Хуросонда машҳур бўлиб кетган Ғиёсиддин Муҳаммад бошчилигида хизмат қилишарди.

Ғиёсиддин Алишер Навоийни кўриши билан истиқболига шошилди.

— Марҳабо, мавлоно, марҳабо! — деб Алишер билан сўрашаркан, унинг ранг-бошига енгил назар ташлаб: — Тинчликми, устоз? — деди.

Кичик бир хонага ўрнашиб, юзига фотиҳа тортилгач, Алишер Навоий инисини майпарастлик дардидан озод этишини илтимос қилиб келганини айтганида, табиб барча илму тажрибасини ишга солиб, Дарвешалининг бу дардидан халос этишига шоирни ишонтирди. Алишерни кузатиб келгач, ўз хонасига кириб олган Ғиёсиддин чуқур ўйга толди. Чунки у шу кунгача бундай дард билан курашмаган эди. Ишни нимадан бошлашни ўйлаб ўтирганида хонага кириб келган тибетлик табиб Лонхони кўриб, чеҳраси очилди. Унга Алишер Навоийнинг топширигини айтганда, Лонхо Орхон мўғул бундай касалликларни даволаганидан хабари борлигини айтди. Орхон мўғул табибнинг лақаби бўлиб, у аслида юнонистонлик Орион бўлиб, кўп йиллар Мўғулистон ерларида табиблик қилган, Ҳиротга келиб, ко-

либ кетишига эса айнан шу Ғиёсиддин сабабчи эди. Шунинг учун у Ғиёсиддинни жуда хурмат қиларди.

Орхон меҳмонларни очик чехра билан кутиб олди. Ғиёсиддиннинг ташрифи сабабини эшитгач, кулиб:

— Майпарастликка қарши кураш азалдан маълум. Бу дарддан бир-икки беморни халос қилганман. Бу мушкулни ҳам ҳал этурмиз, — деди ишонч билан.

— Боракалло! — деди Ғиёсиддин енгил тортиб. — Қандай йўл билан?

— Махсус жавоҳир тошлар ёрдамида, — жавоб қилди Орхон ва тушунтирди: — Бизнинг юнонликлар юнонча «аметистос» («хушёрлик») сўзидан келиб чиқиб, жавоҳир тошни аметист деб аташган. Жавоҳир заррасини май куйилган идишнинг ичига солинса, майнинг киши миясига таъсир қуввати анча камайиб, ичган одамни маст қилмайди. Бу усул билан май ичган одам, бора-бора майпарастликни ташлайди. Бу сеҳрли жавоҳирнинг номи билан боғлиқ бўлган битта афсонани гапириб беришни лозим деб биламан, — деди Орхон гапга берилиб. — Қадимий юнон китобларида ёзилишича, май тайёрлаш ишларининг устаси бўлган Вакх бир куни одамлардан хафа бўлиб, маст бўлгунча май ичибди-да, жаҳл устида: «Йўлимдан биринчи бўлиб чиққан одам боласини ўлдираман!» деб қасам ичибди. Шунда шикор маъбудаси Дианага сизиниш учун ибодатхонага кетаётган овчининг Аметистос деган гўзал қизи тўсатдан Вакхга тўгри келиб қолибди. Мастликдан қутуриб кетган Вакх газабга тўлиб, ўзининг одамхўр йўлбарсларини бечора қизга йўллабди.

Даҳшатли йиртқичлар чангалига тушишдан кўрқиб кетган Аметистос, маъбуда Дианага илтижо қилиб, йиртқичлардан қутқаришини сўрайди. Шунда Диана қизни худди биллурдек мусаффо тош ҳайкалга айлантиради. Кайфи тарқаб, хушёр тортган Вакх бундай

гаройиботни кўриб, ваҳшийлиги ва ёвузлигидан кўп афсусланади. Бироқ гўзал Аметистос қайта тирилмайди. Диана қизни ҳайкалга айлантирган тош эса Аметистоснинг кўзидек оч бинафша рангга кириб қолади. Шунинг учун бўлса керак, аметистни инсон қалбида ўкинч, ширин согинч ҳиссиётларини уйготувчи «тошларнинг дили» дейишади.

— Айни муддаодаги тош экан! — деди Фиёсиддин худди бемор Дарвешалини даволаб қўйгандек енгил тортиб.

— Ҳолва деган билан огиз чучимайди, — деди Лонхо китобни нарироқ суриб. — Қани энди шу жавоҳирдан бўлса-да, амалда унинг кучини синаб кўрсак!

Орхон индамай ўрnidан туриб, ичкари хонага кириб кетди-да, бир оздан сўнг қўлида кичик кўзача билан пиёла кўтариб чиқди. Меҳмонлар қизиқиб, унинг ҳаракатларини кузатишарди. Орхон кўзачага май қўйди-да, киссасидан данакдек катталиқдаги бинафша рангли жавоҳир доначасини олиб, Фиёсиддинга узатди.

— Бу айнан ўша аметистос жавоҳири, — деди Орхон ва Фиёсиддин тошни қўлида томоша қилиб бўлгач, Лонхога буюрди: — Энди сен жавоҳирни пиёладаги шароб ичига ташла.

Лонхо худди Орхон айтганидек қилди. Ҳаммалари пиёла ичидан кўзларини узишмасди. Бироқ у ерда ҳеч қандай гайритабиий ҳолат юз бермади. Фиёсиддин билан Лонхо ҳайрон бўлиб Орхонга қарашди.

— Тўгри, ўзгаришлар кўринмайди. Улар ичкарида, шароб таркибида кечаётир, — деди Орхон ишонч билан ва пиёлани олиб бир искаб кўргач: — Май таркиби ўзгарди. Энди уни ичса бўлади, — деб хулоса қилди.

Пиёладаги шаробни бир-бир ичиб кўрган меҳмонлар унинг иси кетганлигини, майинлашганини тасдиқлашди. Майни тўлигича ичиб, пиёлани бўшатган Лонхо

унинг гулобтаъм бўлиб қолгани, мияга таъсир қилмаганидан ажабланди.

— Жавоҳирнинг кудрати зўрга ўхшайди, — деди у ва Орхондан сўради. — Аммо бу анқонинг уругидан етти иқлимда ҳам йўқдир?

— Тўгри, жавоҳир ноёб. Аммо уни етти иқлимга бориб излашнинг ҳожати йўқ! Тошни шундайгина ёнимизда, Чахчарон конларида топиш мумкин. У ерга бориб уста Асхад Шоший деганни топиб, мендан салом айтсаларингиз, қолган ишни ўзи ҳал қилади...

Асхад Шошийнинг уйи шундайгина тоғ бағрида жойлашган экан. Ўзи тўқсонларни қоралаб қолгани учун ҳозир лаъл конларида ўгилларию набиралари ишлашар, ўзи эса устачиликни эрмак қилиб, қимирлаб турар экан. Асхад бобонинг эвараси меҳмонларни унинг устахонасига олиб борди. Меҳмонларни кўрган чол уларга қуюқ қошлари остидан синовчан кўзлари билан боқиб, енгилгина сўрашди. Орхоннинг номини эшитгач, уларга ўтириш учун курси қўйди. Орхоннинг айтишича, уста Асхад қартайиб қолган бўлса ҳам, тошларга бўлган меҳри заррачалик пасаймаган. Ноёб жавоҳирлар қўлига тушгудек бўлса, уларга ишлов бериб, ўзининг темир қутисида сақлар, тошларини ҳеч кимга кўрсатмас ва сотмас экан.

Фиёсиддин ўзи билан олиб келган Орхон берган аметистос доначасини устага кўрсатиб, шу хил тошдан каттароқ ва гўзалроғини топиб беришни сўраганида, Асхад Шоший жавоҳир доначасига аҳамият ҳам бермади-да:

— Буни бизда «муқаддас тош» дейишади, — деб тўнгиллади ва фиёсиддиндан бундай тош нима учун керак бўлиб қолганини сўради. Лонхо Алишер Навоийнинг иниси Дарвешалини майпарастиқдан даволаш учун шу тош зарурлигини айтди. Навоийнинг номини

эшитган уста очилиб кетди. Кўзлари меҳрдан ёшланди. Эварасини югуртириб, дастурхон солдирди. Уста атрофга жойлашган ўттизга яқин лаъл, ёқут, олмос ва феруза конларининг барчаси Алишер Навоийнинг отабоболаридан қолган хусусий мулки эканлигини, кўп йиллик хизмати учун Алишер «Кўк тош» ложувард конини Асхад Шошийга инъом қилганини айтиб, Навоийнинг номига ҳамду санолар айтди. Кейин:

— Мен Алишербек билан Дарвешалибекни болаликларидан биламан, — деди чол гурур билан. — Бир-бирларига юзаки ўхшашса-да, асли бир-бирига терс феъл-атвор эгасидурлар. Дарвешали укувсиз, бирор бир ҳунарсиз бўлиб ўсганлигига қарамай, жуда қайсар ва ўтакетган ўжар. У сиз ўйлаган усулга кўниб, пиёласига тош ташлаб чоғир ичмайди! Уни бошқа бир йўл билан чалгитиб, муқаддас тошда «ўлдирилган» чоғирни оздан мунтазам ичириш йўлини ўйлаб топиш керак.

Чол кутилмаганда ўта чаққонлик билан хос кийимларини кийиб, меҳмонларни ҳам ўзи билан бошлади:

— Ҳозир конга тушамиз, менга сизларнинг ёрдамингиз керак, — деб Ғиёсиддиннинг кўлига эски фонус, Лонхога эса асбоблар солинган чарм хуржунни тутқазди.

Тоғ бағрини «тешиб» кавланган бир йўлак олдида чирок ёқиб олган уста, меҳмонларни қоронгулик ичига бошлади. Ўттиз қадамча ичкарига киришгач, чол бирдан тўхтади-да, чап томондаги деворда оқариб турган тош қатламига кўлидаги болгачаси билан бир-икки уриб, диққат билан қулоқ солди. Кейин яна қингирқийшиқ йўллар билан бир оз юргач, яна шундай қатлам топиб, болгачаси билан тўкиллашиб кўрди. Шу тобда Ғиёсиддиннинг кўзига уста худди ернинг «киндигигача» кўрадиган сеҳргардек туюлди.

— Хайрият, шу ерда экансан! — деди уста, бирдан

болалардек севиниб. — Тополмасман, деб кўрқувдим. Қани, Алишербекнинг бахтига Аллоҳ бизга нимани буюрар экан! — деб чол эпчиллик билан кавларкан...

— Мана бу табиатнинг ҳадясига бир қаранглар! Бу ҳақиқий мўъжиза-ку, ахир! — деб, кўлида шуълаланиб турган оч бинафша рангли гуваладек келадиган жавоҳирга ҳайратланиб қарарди чол. — Ўша ерда муқаддас тош бўлишига ишончим бор эди. Аммо бундай катталиқдаги ноёбини учратаман, деб сира ўйламаган эдим! Алишербек чиндан ҳам Аллоҳнинг суйган бандаси экан!

Ғиёсиддин мушқули осонгина ҳал бўлганидан хурсанд эди. Ўзича эртагаёқ Дарвешалини «Шифоия»га «меҳмонга» таклиф қилиб, жавоҳир солинган идишдан май қуйиб, уни «меҳмон» қилиш, аслида эса даволашни бошлаб юбориш хаёллари билан банд эди. Аммо уста Асхад унинг режаларини бузди:

— Дарвешали ҳеч қачон сенинг шифохонангга келиб, ихтиёрий равишда даволанмайди! Бу амални унга сездирмасдан бажариш керак. Мен бу ноёб тошдан Алишербек учун бир қадаҳ тайёрлайман-да, унга инъом қиламан. Алишербекнинг хизматкорлари бўлса, Дарвешалибек май сўраганида шу қадаҳга қуйиб, унга тутишсин. Шунда, иншаоллоҳ, Яратган уни бу дарддан халос этар...

Орадан ўн кун ўтгандан кейин Алишер Навоийнинг кўлига теккан ҳадя қадаҳ, ҳақиқатдан ҳам нафақат табиий, ҳатто санъат мўъжизаси эди. Мусаввирлик санъатини пухта билган Алишер Навоий уста Асхад Шошийнинг ишидан ҳайратланди. Нимбинафша рангли мусаффо муқаддас тошни кесиб ясалган қадаҳ қуёш нурида тўқ ранг олар, чироқ шуъласи тушганда эса, бошқа рангда жилоланарди. Қадаҳга май қуйилганида у янада гўзаллашиб, кўзни олар даражада товланарди.

Қадахнинг хошиясига майда ҳарфлар билан: «Алишер Навоийга уста Асхад Шошийдан» деган ёзув битилган бўлиб, у жавоҳирнинг табиий гўзаллигини янада бойитар, сеҳрли бир кўрк берганди. Қадахнинг тубига эса «Жавҳари саййол дастомуз» («Қўлга ўргатилган шароб») сўзлари битилган бўлиб, бу битикни фақат қадахдаги майни ичиб бўлингандан кейингина ўқиш мумкин эди...

Акасининг уйида мисоли маҳбусдек яшаб, истаганида уста Асхад ясаган қадахда шароб ичиб юрган Дарвешали орадан қирқ кун ўтиб, ўз-ўзидан ичишни камайтирди, роппа-роса икки ой ўтганда эса ичкиликни мутлақо тўхтатди. Ҳамма ҳайрон, Аллоҳга шукр қиларди. Инисининг соғайиб кетганидан шодланган Навоий ўзининг Тахти Ҳожибек деб номланган оромгоҳи ёнидаги катта мевазорлару экин ерлари билан «Жувози қогоз» деган устахонасини унга инъом этди. Айтишларича, Дарвешали то умрининг охиригача шаробни оғзига бошқа олмаган.

Бу ажойиб қадахнинг қудратига қойил қолган Навоий, ундан яна бир савобли ишда фойдаланмоқчи бўлган. Майхўрликка берилган дўсти Ҳусайнни ҳам бу дарддан халос этмоқчи бўлиб, унга уста Асхаднинг ҳадясини инъом этган. Қадахдаги устанинг ёзуви остига: «Султон Ҳусайн Бойқарага дўсти Алишердан» деган сўзларни ўйдирган.

Султон Ҳусайн Бойқарага қадахнинг антиқалигидан ҳам кўра унинг тагига ёзилган «Қўлга ўргатилган шароб» деган битик жуда ёққан экан. У ўзининг барча зиёфатларида шу қадахдан шароб ичиб юрган. Орадан анча муддат ўтишига қарамай султон Ҳусайн ичкилик-бозлигини тўхтатмаганидан ҳайрон бўлган Навоий уста Асхад Шошийдан бунинг сабабини сўраса, у шундай жавоб берган:

— Қадаҳни мен фақат сен учунгина яхши ният билан ясаган эдим. Шунинг учун қадаҳ сенга яхши хизмат қилди, ининг Дарвешалини ёмон дарддан халос этди. Сен эса қадаҳни султонга инъом қилдинг. Қўлдан-қўлга ўтган жавоҳир кишига сира асқотмайди.

Қадаҳ султон Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин унинг катта ўгли, шаҳзода Баддиуз-замонга ўтади. У эса ўз навбатида қадаҳни уйида меҳмон бўлган Заҳириддин Бобурга инъом этган. Ҳозирги кунда Янги Дехли Миллий музейида «Бобурнинг аметист қадаҳи» номи билан сақланаётган бу қадаҳга учинчи битик: «Заҳириддин Бобурга Бадиуз-замон», сўзлари қўшимча ўйилган. Мутахассисларнинг тасдиқлашича, бу қадаҳ худди «жони бордек» ўзини ўраб турган муҳитга қараб ўз рангини кескин ўзгартираркан. Бир куннинг ўзида, унга яқинлашган одамларнинг феъл-атвориغا қараб етти хил рангда ўзгарар экан. Геоспектериал текширувлар ўтказган геолог олимлар ҳалигача бунинг сирини мада эканини аниқлай олмадилар. Сир сирлигича қолиб келмоқда.



СИРЛИ ҚАДАҲ

Ҳиротнинг шимолий қисмидан ўтган серсув Инжил ариғининг шундайгина бўйига қурилган «Шифоия» касалхонасида табибу шифокорлар бош ҳаким Фиёсиддин Муҳаммад бошчилигида хона-хоналарга кириб, беморларнинг ҳолидан хабар олиб чиқишаётганларида кўзлари йўлакда пайдо бўлган уста Ғулом сангтарошга тушди. Фиёсиддиннинг имоси билан уста, йўлакдаги курсиларнинг бирига ўтириб, табибни кутди.

— Мени маъзур тутасиз, уста, — Фиёсиддин очик чеҳра билан келиб сангтарош билан сўрашди.

— Буюртмангизни бажаргунча, она сутим оғзимдан келди, — деди уста Ғулом кўлидаги қийикчасини авайлаб очар экан.

— Тош қаттиқлик қилдимиз?

— Йўқ, унинг қаттиғлигидан ҳам ноёблиги, ундан ҳам Мир Алишер учун аталганлиги анча довдиратиб кўйди.

— Ия, нега энди?

— Ахир, қилган ишим Мир Алишерга ёқмаса, унинг кўзига қандай қарайман, деб ўйладим-да.

Уста Ғулом ишлаган буюм оқ ва қизғиш ранглар бир турда таралган яхлит тошдан ҳинд услубида ясалган қадах бўлиб, унга «Санг-сиҳат» деб ёзилган эди. Қадахнинг тубида эса «Уста Ғулом Маҳмуд» деган сўзлар гулхат билан ўйилган эди. Бу ёзувлар қадахни ичида жилвагар, янада жозибали қилиб, киши эътиборини ўзига тортар эди.

— Буюртмамни бажара олишингизни аниқ билар эдим, уста, — деди Фиёсиддин завқ билан қадахни томоша қилар экан, — аммо Нурота тоғларидан не-не азоб билан келтирилган бир бўлак тошдан бундай ажо-

йиб санъат асари пайдо бўлишини кўз олдимга келтира олмаганман.

...Ғиёсиддин Муҳаммад келганини айтганларида, анчадан бери бетоб Навоий, баланд ёстиққа бошини қўйиб, хаёл суриб ётарди. У хизматчи келтирган обдас-тадаги илиқ сувга қўл-бетини чайиб, артинди. Соқол-мўйловини тараб, меҳмонни чақиришни буюрди.

Ичкарига кирган Ғиёсиддин Навоийни уринтирмай илдам бориб сўрашди-да, пойгакдаги кўрпачага чўк-калади.

— Оллоҳга шукрим, рангингиз анча тузук, — деди Ғиёсиддин.

— Дориворларингизни қайнатиб, худди айтганингиздек ичириб туришибди, — деди Навоий ҳоргингина жилмайиб. — «Шифоияда» аҳвол яхшими? Ётишмовчиликлар йўқми?

Ғиёсиддин Муҳаммад касалхонада ҳамма нарса бадастур эканини айтиб, Навоийни тинчлатгач, кўйнидан уста Фуломга ишлатган қадаҳни чиқариб, хонтахта устига қўйди. Навоий қадаҳни қўлига олиб, уни ҳайрат билан томоша қилар экан сўради:

— Бу ажойиб қадаҳ билан кекса шоирнинг тан-сиҳатлиги орасида қандай боғлиқлик бор, улуг табиб?

— Бу тошни румликлар карнеол дейишади. Лотин тилидаги «карнеус», яъни, «эт» сўзидан олинган, — деди табиб аллақандай китобларнинг юнонча номларини айтиб. — Китобларда айтилишича, бу тош қадимий мисрликларнинг энг суюкли тошларидан бўлиб, уни «тошда қотган уфқ куёши» деб аташган. Уларнинг тасдиқлашича, сеҳрли бўлиб, кишига саломатлик берувчи ва бахт келтирувчи табиат инъоми экан. Ўзи билан доимо олиб юрган одамни ёмон кўздан, бало-қазолардан асрайди, иссиқлик мижозини кучайтиради. Ҳинд табибларининг фикрича, яраю яллигланишлар-

нинг тез битишига, қон томирларининг яхши ишлаб, асабларнинг тинчишига ёрдам беради.

— Минг бор ташаккур, азиз Фиёсиддин! — деди Навоий, ҳамон қадаҳни завқ билан томоша қилар экан. — Хўш бизга нимани тавсия қиласиз?

— Дориворлар, шарбату гулобми, кўйинг-чи, барча суюкликларни ушбу қадаҳга солиб ичсангиз бас, — деди жилмайиб Фиёсиддин. — Иншоллоҳ, тез орада кучингизга куч кириб, ажаб эмас, ёшлардек бўлиб кетасиз...

Алишер худди табиб айтганидек қилди. Гулобу шарбат, қаҳваю чой, суту доривор сувларни доимо шу қадаҳдан ичадиган бўлди. Шоирнинг соғлиги тез орада тикланиб, ҳатто йигитлик қуввати қайтиб, руҳига тетиклик кирди. Бир қатор газаллар юрагидан қуюлиб, қогозга тушди. Навоийнинг кундалик фаолияти яна ўз изига тушди.

1501 йилнинг 3 январида навбатдаги ҳарбий сафардан қайтаётган Хусайн Бойқарони кутиб олишга чиққан Алишер Навоий лашкар олдида отда келаётган султонни соғ-саломат кўриб, қувонди, меҳрдан кўзлари ёшланди. Аммо, унга қучоқ очиб келаётган дўсти Султон Хусайнга ета олмай, боши айланиб йиқилди. Навоийни дарҳол кўтариб, бир ҳовлига олиб киришди. Ҳозир бўлган сарой табиблари ҳам машҳур Фиёсиддин Муҳаммад ҳам ажал қаршисида ожизлик қилишди. Тенгсиз шоир улуғ Темурнинг эвараси Султон Хусайннинг қўлида жон берди.

Айтишларича, жони узилган Алишер Навоийнинг кўзидан, то унинг тани юмилгунча, ёш томиб турган экан. Ҳиротнинг уламою фузалолари бу ҳодисани тушунтира олмай бир «илоҳий каромат» дея изоҳлашган. Шоир таъзиясидан бўшаган Фиёсиддин анча пайтгача ўзига келолмай юрди. Бир куни «Шифоия»га келган

уста Фулом билан анча дардлашиб ўтиришди. Уларнинг иккаласи ҳам улуг шоирдан кўп яхшиликлар кўришган эди. Шунда Навоийнинг тўсатдан вафот этганлигига, кўзида ёш билан кетганлигига нима сабаблигини уста Фулом сўраганида Ғиёсиддин Муҳаммад шундай жавоб қилди:

— Мавлоно биз берган қадаҳдан ортиқча суюқлик ичганга ўхшайди. Унинг танасида суюқлик кўпайиб кетган, — деди хўрсиниб Ғиёсиддин. — Ҳар нарсанинг меъёрида истеъмол қилиниши яхши. Меъёрдан кўпи зарардир.

...Ҳозирги кунда Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажиде сақланаётган, уста Фулом Маҳмуд томонидан ўймакор нақш бериб Алишер Навоий учун ясалган бу карнеол қадаҳнинг яна бир сирли хусусияти борлиги аниқланди. Унга солинган исталган турдаги суюқликни, яна қайтиб бошқа бир идишга солиб ўлчанилса, у ҳеч вақт дастлабки ўлчамида бўлмайди: ё аввалги ўлчамидан бироз ортиқча ё озгина етмайди. Бу тажрибани ўн марта, юз марта такрорласангиз ҳам натижа ўзгармайди. Сирли қадаҳ билан қизиққан мутахассислар, илмий-текшириш институтлари ўтган асрнинг иккинчи ярмида кўп изланишлар олиб бориб, бирор хулосага келишолмай: «Сирли Шарқнинг навбатдаги жумбоғи» деб қадаҳни Эрмитажга қайтариб беришган. Сир сирлигича қолиб кетяпти.



УЛУҒ ВАЗИР ЁҚУТИ

Ҳиротнинг кичик дарвозасидан кирган савдогару сайёҳлар, усталару ҳунармандлар, наққошу мусаввирлар орасида Ҳиндистон сафаридан қайтаётган московия савдогари Микула Тверитин ва унинг ҳамроҳи ҳатот Рамзий ҳам бор эди.

Темурий Ҳусайн Бойқаро мамлакатининг пойтахтида Рамзий бир неча марта бўлиб, рус ерларига сафарга чиққан эроний савдогарлар карвонига бошчилик қилганди. Шунинг учун у бу ернинг расм-русумлари, одату удумларини яхши билар эди. Рамзий савдогар Микулани тўғридан-тўғри улуг вазирнинг саройига бошлади.

— Таърифни биз аввал Мир Алишерни зиёрат қилишдан бошлаймиз, — деди Рамзий ўзининг ўрис ҳамроҳига тушунтириб. — Чунки, Мир Алишер бу мамлакатда Султон Ҳусайндан кейинги одам. У нима деса, султон «йўқ» демайди, шу йўлни тутуди. Мир Алишер лозим топса, ёнингга бир-икки ҳамроҳни қўшиб, юртингга элтувчи бежавотир йўлларгача кузатиб қўяди.

Микула Тверитин хуржунидаги жавоҳир тошларни сийпаб, анча хотиржам бўлди. Ҳиндистон сафаридан унга совга қилинган бу жавоҳирлар, унинг назарида барча Твер савдогарларининг молларини жамлагандаги умумий нархдан ҳам юқори эди. Туркман чўлларю дашти Қипчоқ яйловларида кезиб юрган қароқчиларнинг қўлига тушса, у бисотидаги шу ягона бойлигидан ҳам, бошидан ҳам жудо бўлиши аниқ. Йироқ шимол мамлакатига эса шу хатарли чўлу даштлардан бўлак йўл йўқ эди. Юрганларнинг омонлигини эса фақат Хуросон мамлакати султонининг ҳомийлиги, унинг берган ёрлиги сақлаши мумкин...

Хизматчи йигит уларни меҳмонхонага олиб кириб,

ўзи икки букилиб таъзим қилиб, чиқиб кетди. Сал ўтмай уйга кирган баланд бўйли, тик қоматли кишининг қиёфаси Тверитиннинг кўз ўнгида, «Йўл кундаликлари»да абадий қолди: «Мир Алишер хипча белли, кенг елкали, баланд бўйли, тик қоматли ва жуда хуш юзли эди. Унинг тим қора қошлари остидан катта-катта сурмаланган кўзлари кишига бир оз ҳорғинлик билан мулозим боқиб турарди. Мир Алишернинг юзида шундай илиқлик бор эдики, уни кўрган одам беихтиёр ер ўпиб, унинг оёғи гардини юз-кўзига суртишга тайёр эди».

Шарқона салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин суҳбат мазмуни Рамзийнинг таржимасиз ҳам Микулага очикдан-очик аён эди. Чунки, улуг вазирнинг нуроний чехрасидан яхшилик аломати балқиб турарди.

— Улуг вазир, куни кеча Хитой савдогарлари сотишга келтирган ўрис бандиларини бориб кўришингни сендан сўраяпти, — деди Рамзий Микулани туртиб.

— Улар Ҳиротга қандай қилиб келиб қолибди? — сўради Рамзийдан ҳайрон бўлиб қолган Микула. — Уларнинг ичида Олтин Ўрдадан қочганлар ҳам бормикан?

— Улар иккитами ёки ўнтами, энди фарқи йўқ. Барчаси пешонадагисини кўрмоқда. Қисматдан инсон ҳеч қачон қутула олмайди, — деди Рамзий ва Алишернинг сўзларини таржима қилди. — Сен сафарда юрганингда жаҳонда кўп ўзгаришлар бўлиб ўтибди. Энди сенинг юртингга Олтин Ўрда кўрқинч туғдиrolмас эмиш...

— Ия, биз ўрисларни улуг вазир қаердан билар экан? — деб сўради Микула ҳайрон бўлиб.

Ҳаттот Рамзий савдогарнинг саволини Мир Алишерга таржима қилиб берди. Улуг вазир енгил бир жилмайиш билан деворга осиглиқ шоҳи пардани аста тортган эди, Тверитин ва Рамзийнинг кўз ўнгида жавоҳир тошлар билан безатилган харита намоён бўлди.

Харитадаги Ҳирот ўрнида катталиги бир олманинг ярмидек келадиган ҳаворанг ёқут ўрнатилган бўлиб, ундан чиқаётган нур кўзни оларди. Мирзо Улугбекнинг ҳисоби бўйича меридианлари белгиланиб, координатлари аниқ тузилган бу харита Камолиддин Беҳзод бошчилигидаги ҳиротлик мусаввирлар томонидан ишланганди. Ўша даврда маълум бўлган барча давлатларнинг чегаралари етарлича аниқлик билан кўрсатилган, ҳатто ўрис князликлари ҳам назардан четда қолмаганди. Тверитин улуг вазирнинг ижозати билан, бу ажойиб харитага бир оз яқинлашди.

— Харитадаги қора рангли ерлар ўрмонзорлар, — тушунтирди Мир Алишер. — Ҳирот, ҳозирги кунда, ҳақиқатан ҳам жаҳон кўзгусидир. Қўшни давлатлар ўзларининг қўшнилари ва улардан ҳам олис мамлакатлар ҳақида бизга кўп ахборотлар бериб туради. Ҳирот савдогарларининг ҳар бири шахсий, бой кутубхоналарига эга. Сенинг итил турклари қўлидан қочганинг ҳақида Омонбек деган одамимиз хабар қилган. Яқинда боқийликка юз тутган Абу Саид бўлса, сизларнинг қадим Ҳиндистондан биз томонга йўл олганингизни ёзган эди... — Улуг вазир хаёлга чўмиб, хонани тамом эгаллаган афгон гилами устида юмшоқ қадам ташлаб, у ёқдан-бу ёққа юрди. Сўнгра яна харита олдига келиб, тўхтаб гапида давом этди. Рамзий бўлса таржима қилиб турди. — «Саъбаи Сайёр» достонида сенинг юртинг ҳақида ҳам сўз юритиш ниятим бор... Сенинг ташрифинг ҳақида султон Ҳусайнни хабардор қиламан. Ҳирот савдогарлари сенга лойиқ ҳурмат кўрсатишлари ва Московияга бўладиган сафарингда сенга йўлдош бўлишлари ҳақида фармон бўлади. Иншооллоҳ...

Микула Тверитин она тупрогига бир ўзи ўғрилардек эмас, балки қўлида Хуросон мамлакатининг султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий вакили деган олий ёрлиги

бўлган ҳамроҳ билан навкарлар ҳимоясида бориши аниқ бўлди. Микула жавоҳирлар солинган чарм халтачасини очиб, Мир Алишерга узатди. Рамзийга қараб илтижо қилди:

— Улуг вазирга айт, қўлимни қайтармасин. Ҳиндистондек ўлкадан келган бу жавоҳирлардан истаганча олсин.

Мир Алишернинг чеҳраси биров ўзгарди.

— Тошларнинг ҳам худди жони бордек... — деди у харитада Ҳирот ўрнига қадалган ёқутни силаб. — Улар ҳам тугилиш ва ўлиш, ўсиш, чарчаш, касал бўлиш хусусиятларига эгалар. Жавоҳир тошлари ҳам бир кимсани севади, унга хизмат қилиб, яхшиликка элтади, бало-қазолардан асрайди. Агар севмаса, душманлик ҳам қилади, дардга чалинтиради.

— Ё алҳазар! — деди Рамзий ёқасини ушлаб.

— Мана шу ёқутни Бадахшондаги Кўхи Ҳазрат конидан топишган. Асхад деган бир кимса уни яшириб, бир корига ишлатмоқчи бўлган. Жавоҳирга бундай гуноҳ иш ёкмаган кўринади. Кўп ўтмай, Асхад ақлдан озиб, савдойи бўлиб қолди. Жавоҳирнинг ўз ихтиёри билан бизга келтириб топширгач, соғлиги ҳам тикланди. Мана энди бу жавоҳир харитадан ўзига муносиб ўрин олиб, яхшиликка хизмат қилмоқда, — деди Алишер Навоий. — Биздан кейин бу жавоҳир кимларнинг қўлига тушиши, у кимсаларнинг қисмати нима бўлиши ёлғиз Оллоҳагина аён... Жавоҳирларнинг ўзинга сийлов. Бизда улар жуда кўп, муҳтож эмасмиз.

Орадан етти йил ўтгач, яна сафарга чиққан рус савдогари Микула Тверитин Исфaxon султонининг қабулида бўлганида, ҳаяжондан оғзи очилиб қолди. Чунки, султоннинг жигасида бир вақтлар у Ҳиротда бўлганида Мир Алишер харитасида кўргани ажойиб кўкимтир ёқут ярқираб турарди.

— Жигамдаги жавоҳирни танийсанми? — сўради султон.

— Ҳа, танийман! — деди Микула Тверитин Мир Алишернинг қиёфасини эслаб. — Бу улуг вазир ёқути-ку?!

— Улуг вазирнинг оламдан ўтганига ўн икки йил бўлди. Уни Аллоҳ раҳмат қилсин! — деди Исфохон султони маъюсланиб. — У ўлди, аммо номи қолди.

Исфохон султонининг саройида бир ўрис савдогарининг оғзидан кутилмаганда «Улуг вазир ёқути» деб чиқиб кетган сўз, бу ноёб ҳаворанг ёқутга берилган абадий ном бўлиб қолди. Оғирлиги 374 қирот, 118 та қиррали юзага эга бўлган ва гардишига «Мир Алишер» деб ёзув битилган ёқут ўзининг ҳақиқий эгаси Алишер Навоидан кейин олти қароқчи ва ўн тўрт савдогарнинг қўлидан ўтди. Буни қарангки, ёқутни босқинчилик билан қўлга киритган олти қароқчининг тўрттаси ханжар дамидан ҳалок бўлди, бири эса денгиз гирдобида чўкиб ўлди. «Улуг вазир ёқути» беш султоннинг тожига қадалди. Бу султонларнинг биронтаси ҳам жанг майдонида талофат кўрмади, доимо галаба қилиб, шон-шўҳратга эришди. Уларнинг бешови ҳам узоқ умр кўриб, ўз ажали билан ҳаётдан кўз юмишди.

Улуг Навоидан бошлаб ўзининг ажойиб тарихига эга бўлган «Улуг вазир ёқути» 1958 йилдан Вашингтондаги Смитсон институтининг хусусий мулки ҳисобланади ва унинг музейида сақланади.



НАВОИЙНИНГ НЕФРИТ МУҲРИ

60-йилларнинг бошлари, аспирантлик давримда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида жойлашган Олий авиация мактабида сиртдан ўқиб, вертолётларда ўқиш техникаси бўйича бир қатор имтиҳонлар топширишимга тўғри келди. Шунда Литейная кўчасида, Олий мактабнинг ёнгинасидаги уйда Барнуковская Галина Георгиевна деган бир ажойиб, меҳмондўст кампирникида яшар эдим. Қадимий китоблару антиқа ашёларга лиқ тўла икки хонали уйида мен учун доимо жой топилар эди. Жавонларда қалашиб ётган китобларга ҳайрон бўлиб қараганимда:

— Менинг отам граф Георгий Барнуковский Россия империясида таниқли букинист бўлган, — деган эди Галина Георгиевна гурур билан, сўнгра «букинист» сўзини унча тушунолмаганимни сезиб, аниқлик киритганди: — қадимий, нодир китобларнинг ишқибози бўлган.

Сўнгра у жавондан минг йил бурун нашр қилинган Гомернинг машҳур «Эллада»сини, Алишер Навоийнинг форс тилида Тохронда чиққан «Чор девон» ғазаллар тўпламини кўрсатди.

— Бу китобларни сотиб олиш учун отам раҳматлик турли мамлакатларга борган. Парижга борганида, бир сафар мени ҳам олиб кетган эди.

— Парижни кўрган экансиз-да, — дедим мен чиндан ҳайратланиб, чунки у пайтлар мен чет эл у ёқда турсин, ҳатто чет элга чиққан бирорта тирик одамни кўрмаган эдим.

— Париж эсимда йўқ. Ўн бир ёшли қизалоқнинг ёдида нима ҳам қолар эди дейсиз! — деди кулиб Галина Георгиевна, — боз устига, қадимий китоблар дў-

конидан бери келмас эдик. Бир куни шу дўконда отамнинг олдига: «О, граф Барнуковский!» дея жуда олифта кийинган, қари бир француз зодағони келиб сўрашди. Улар француз тилида бироз муддат гаплашишгач, отамнинг таниши дўкондан чиқиб кетди. Шунда мен отамдан, бу эзма француз ким, деб сўраганимда, отам қизарганча қулоғимга шивирлаб, шундай дедилар: «Сен эзма француз деганинг — барон Жорж Шарль Дантес — Пушкиннинг қотили». Этим жимирлаб, ҳайкалдек қотиб қолдим. Отам хўрсиниб: «Ҳа, қизим, қотиллар ҳам тарихдан ўрин олганлар. Сен ҳозир Пушкиннинг қотилини кўрдинг. Ўзингдан кейинги авлодларга энди: «мен Пушкиннинг қотилини ўз кўзим билан кўрганман, дея оласан», деган эди.

— Демак, сиз, графиня, Дантесни ўз кўзингиз билан кўрган экансиз-да? — дедим мен ишонқирамай, миямда тезгина хомчўт қилиб. — Бу қайси йиллар эди?

— Айтдим-ку, мен ўшанда ўн бир ёшда эдим, — деди графиня ҳайрон бўлиб, худди мен унинг тугилган йилини биладигандек, пича хафаланиб. Бунини ўзи ҳам тушунди, шекилли, дарров кечирим сўраб, кўшимча қилди. — Маъзур тутинг, бу — 1892 йили эди. Ўшанда барон Дантес 80 ёшларда бўлса-да, анча тетик ва кўркам чол эди. Отамнинг айтишича, Дантес Шарқ шеърятининг ихлосманди бўлиб, Алишер Навоий ва Саъдийларнинг камёб асарларини отам айнан шу одамдан сотиб олган экан... Шундай қилиб, азиз дўстим, сиз ҳам келажак авлодга «Мен Пушкиннинг қотили Дантесни ўз кўзи билан кўрган графиня Барнуковскаянинг меҳмони бўлганман», дея оласиз.

Граф Барнуковский инқилобгача оламдан ўтган. Рус тарихчиси Ключевскийнинг авлодига турмушга чиққан ёш Галина археолог бўлиб, бутун умрини шу соҳага бағишлади. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эрон, Бағдоду

Мисрларда олиб борилган халқаро археологик тадқиқот ишларида қатнашиб, катта ишлар қилди. Натижада эришган нарсаси икки китобча-ю, ЧҚдаги сўроқлар бўлди. Шунга қарамай, бу олийжаноб аёл қалбида нафрат изи йўқ эди.

Графиня мендан бир куни:

— Алишер Навоийнинг 500 йиллиги қачон бўлган? — деб сўраб қолди.

— Назаримда 1948 йили... — дедим мен бироз ишончсизлик билан. Чунки Навоийнинг туғилган йили 1441 йиллиги ҳаммага маълум эди, аммо унинг 500 йиллик тўйи нега 1948 йили ўтказилганлиги сабабини билмас эдим.

— Унинг таваллуд тўйини 1941 йили нишонлаш ҳақида қарор бўлган. Тўйни ноябрь ойининг охирида, ҳосил тўйларига қўшиб ўтказиш мўлжалланган эди, — деди графиня ўша пайтқи эслар экан, папиросини тутатиб. — Аммо уруш бошланиб қолиб, бу режалар амалга ошмади. Ҳукумат юбилей ҳақидаги қарорини бекор қилди. Аммо қуршовда қолган ленинградликлар оғир шароитларига қарамай, улуғ шоирнинг муборак тўйини ўтказишга қарор қилишди. 1941 йилнинг 1 декабрь куни саҳнага Алишер Навоийнинг сувратини осиб қўйиб, тантанали йиғилиш ўтказишди. Шунда мен олтимиш ёшда эдим. Шаҳарга туташ «Васильон оролида» Алишер Навоий номли кенг кўчадан ҳозиргача ўтиб тураман.

Ўша кезлари ёши саксондан ошиб қолган графиня ўта гайратли ва хотираси ҳам жойида эди. Ҳиротда олиб борилган археологик ишларида қандай топилмалар учраган-у, уларнинг тақдири нима бўлган ва улар ҳозир қаердалигини ёддан билар эди. Унинг айтишича, Алишер Навоий яшаган уй сайқалланган мрамрдан қурилган бўлиб, унинг юрак хасталигига чали-

нишига сабаб бўлган. Чунки мрамр тошдан радиация тарқалиши хусусиятини у пайтларда ҳеч ким билмаган. Ўн саккизинчи асрнинг охиригача бинойидек сақланган бу уй инглизлар босқини вақтида харобага айланган. Олиб борилган қазилма ишлари пайтида майда феруза ва гранат тошларидан бўлак, кўзга илинарли жавоҳир топилмаган.

— Шу қазилмалар пайтидан ўзингизда бирорта ёдгорлик йўқми? — деб шунчаки сўрадим, чунки бундай ёдгорлиги бўлган тақдирда ҳам археологлар «ўлжа»ларини ҳеч қачон бировга кўрсатмасликларини эшитган эдим.

Оғзимдан бу савол чиқиши билан кўнгли очик графиня, ирғиб ўрнидан турди-да, бўйнига осилган занжирдаги калитни олиб, ичкари хонага кириб кетди. Бир неча фурсатдан сўнг у бир қутича кўтариб чиқди.

— Бу оникс тошидан ясалган қути, — дея тушунтирди графиня кўлимга нақшинкор қутичани авайлаб узатар экан. — Аёлларнинг упа-элик, хина ёки сурма сақлайдиган қутиси. Буни Навоий хонадонидан топган бўлсакда, уни шоирга дахлсиз деб ҳисобладик. Чунки қути устидаги нақш Навоий давридан икки юз йил кейин расм бўлган.

Бу гапдан ҳафсалам пир бўлиб, қутига иштиёким йўқолди. Унинг нафислиги ҳам кўзимга кўринмади. Графиня бўлса, қутини аста очиб, унинг ичидан катталиги гугурт қутисининг ярмидек кўкимтир нақшинкор бир тошни менга узатди.

— Бу эса, шоирнинг шахсан ўзига тегишли нарса, — деди графиня тантанавор оҳангда.

Кўлимдаги тош парчаси орадан беш юз йил ўтган бўлишига қарамай, худди кечагина уста дастгоҳидан тушгандек ялтирар эди. Тош тўрт бурчак шаклида бўлиб, гирди олтин гардиш билан ўралган, тагида эса,

бармоқ учун узукникига ўхшаган ҳалқаси ҳам бор эди. Ўлчаб кўрсам, бош бармоғимга ҳам катталиқ қилди. Тошнинг бетида шернинг суврати қабариқ ҳолда моҳирлик билан ишланган бўлиб, шер бир дарахт остида наъра тортиб турарди. Унинг тагида қандайдир ёзув ёзилган бўлган-у, кейин ўчирилганга ўхшарди.

— Бунинг тагида қандайдир ёзув бўлган чоғи?

— Бўлган, — тасдиқлади графиня. — Рентгеноскопиянинг кўрсатишича, муҳр қилинганида, унда «Фоний» номи арабча ёзилгани аниқланган. Орадан саккиз йил ўтгач, ёзув ўчирилган, ўрнига эса, бошқа битик ёзишнинг иложи бўлмаган.

— Бу узук шекилли? — тусмолладим мен.

— Йўқ, йўқ! Бу асло узук эмас, — деди графиня қатъий оҳангда. — Сизнинг бош бармогингизга катта келган бу «узук» наҳотки нозик бармоқли, оқ суяк Алишернинг бирор бармоғига тўғри келса?! Бу шоирнинг нефрит тошидан ясалган муҳри бўлиб, уни Навоий бармоғига эмас, балки шоҳи белбоғига тақиб юрган.

Археологиядан мутлақо беҳабар мендек бир авом одамга бундай ноёб нарсани кўрсатганига ачинган графиня ўзининг нодир хазинасини қўлимдан олиб, бошини сараклатганча ичкарига йўналди.

Биз графиня билан бир неча йил хат ёзишиб юрдик. Юқоридаги воқеани 70-йилларнинг бошида Ҳамид Сулаймонга сўзлаб бергандим, у киши Барнуковскаянинг манзилини сўраб ёзиб олдилар. Икки энлик мактуб ҳам ёзиб бердим. Совға-салом кўтариб боришса, афсуски, графиня оламдан ўтган, унинг уйида эса бутунлай бегоналар яшар эди.



ПОДШОНИНГ УЧ БАНДИСИ

«Фан ривожда илғор одамларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳим омилдир, уларнинг ҳаётини ёритиш эса тарихнинг керакли қисмидир». Академик Сергей Иванович Вавилов томонидан айтилган бу сўзларни жамиятимиз бошқача тушунди. Ўтган эллик йил ичида «илғор одамлар» сафига кўтарилиб, мадҳ этилмаган одам айтарли қолмади. Уларни куйладик, улар ҳақида кинофильмларни суратга олдик, расмларини чиздик, китоблар ёздик. Аммо, ёзилиши лозим бўлган буюк инсонларни эшлашда, ҳикоя қилишда зикналик қилдик, уларнинг ҳаётидан синфий, миллий, маслакий нуқсонлар изладик. Улар ҳақида ёзмадик.

Биз, улар даҳоларнинг илмий кашфиётлари қандай дунёга келганлигини албатта, билишимиз билан бирга, улар қандай инсонлар эди, бизгача етиб келган илмий хулосани яратиш учун қанчалик куч-ғайрат, асаб ва соғлиқларини сарфлаганликларини билишимиз зарур. Улар ҳақиқат тантана қилиши йўлида ҳаёт лаззатларидан воз кечиб, охири нафасларигача умрларини илм йўлида бахшида этганлар.

Ёшларга ўрнатилган бўлишга лойиқ буюк инсонлар тарихда жуда кўп ўтган. Улар ўзлари туғилиб ўсган она юртларида ёки анча йироқда яшасалар-да, Ватан меҳри билан яшаб, мамлакатнинг шуҳратини оширишга хизмат қилганлар. Куйидаги тарихий воқеа фикримизга далилдир.

Астрахан шаҳри. 1706 йил 14 март. Эрта саҳарлаб фельдмаршал Шереметьев қароргоҳидан махсус нома билан князь Давлат Мирзабек Черкасский янги пойтахтга қараб от сурди. Подшо ҳазратларига фельдмаршал томонидан ёзилган олий навли ўн икки ва-

рақли бу нома, ўн учинчи март куни тор-мор қилинган Астрахан қўзғолони бўйича Пётр I га йўналтирилган ҳарбий ҳисобот эди. Бу ҳисоботнинг ҳарбийча лўнда қай услубда гўзал ва маънили қилиб ёзилганидан қатъий назар, унинг қўзғолончиларига Астрахандаги бухороликларнинг аралашувига оид бўлган қисмида бир кимса ҳақида уч қаторда ифода этилган қуйидаги ахборот эътиборга моликдир:

«... номи Ширка. Бухородан. 24 ёшда, савдогар-заргар. Олтин, кумуш, мис ҳамда турли рангли тошларни излаб топишда, уларга ишлов беришда тенги йўқ уста».

Бухоро ва Хива хонликларидаги олтин ва кумуш конлари билан анчадан бери қизиқиб юрган. Урал ва Сибир ўлкаларида заҳиралар топиб олтин ажратиш, мис ва темир эритиш мануфактураларини очишни орзу қилиб юрган Пётр I ни Шереметьев хабарномасидаги айнан шу уч қатор сўз диққатини ўзига тортади. Унинг бўртиқ катта кўзлари чўғланди, бурун катаклари кенгайди.

— Пётр Алексеевич, сенинг эътиборингни тортган бу йигит, — деди мийигида мугомбирона кулиб Давлат Мирзабек, — Бухоро хонлигининг лашкарбошиси бўлмиш Қулибек Тўпчибошининг тўнғич ўғли экан.

— Қўзғолончилар ичида бухороликдан нечта? — сўради подшо.

— Ширка билан ўн иккита.

— Шайтонбаччаларнинг ўн иккитаси ҳам пойтахтга келтирилсин! — буюрди Пётр I, сўнгра қаҳр билан сўзида давом этди. — Қолган қўзғолончиларни Шереметьев раҳм қилмай қатл этсинки, рус тупрогида бундай бузгунчилар бош кўтаролмасинлар!

Қўзғолончилардан уч юз кишини Астрахан шаҳри атрофига дор тикиб, осишди. Жасадлардан ҳурккан отлар йўлни четлаб ўтадиган бўлишди. Ўликларга қузгунлар тўйишди. Шундан сўнг қўзғолонлар камаймади

— кўпайди. Бухоро хони Абулфайзхон фуқароларининг гамини еди. У ўн икки бухороликка айирбошлаш учун 36 рус ҳарбий асирини бериб, Петербургга хонликдан элчи қилиб Қулибек Тўпчибошини юборди. Хоннинг Пётр Iга йўллаган дўстона ва ширин тилли хатига ҳам, ҳадя қилиб юборган нодир гавҳару қимматбаҳо тошларига ҳам қарамай, Қулибек Тўпчибошининг ёлворган сўровига ҳам эътибор қилмай, қайсар подшо 36 рус ҳарбий асирлари бадалига фақат тўққиз бухороликни маҳбуслиқдан озод қилди. Элчи Қулибекнинг ўгли уста Ширка ва унга қўшиб яна икки ёш бухоролик савдогарларни бандилиқда сақлаб қолди. Меньшиков бандилар олдида, танлаш учун икки йўл қолганлигини хабар қилди: биринчиси — Россия тахтига хизмат қилиш. Бунда маҳбуслар хазинадан керагича маблағ олиб, Урал тоғи ортидаги ерларда олтин, кумуш, мис каби маъдан конлари заҳираларини қидиришга киришадилар, она юртни унутадилар, иккинчиси — маҳбуслар подшо хонадонининг душмани сифатида қатл қилинади. Бунда бандиларнинг соқол-мўйловлари қирилиб, Адмиралтейства майдонида аҳолининг кўз олдида тўрт бўлакка чопилади. Чопилган жасадларнинг тўртдан бир бўлаги қатл қилинганлар юртига юборилиб, қолган бўлаклари қузгунларга ем бўлади.

Бухоро элчисининг қистови билан йигитлар биринчи шартга ночор рози бўлишди. Нотаниш ва хатарли Сибир ерларида уларнинг машаққатга йўгрилган йиллари ўта бошлайди. Уралнинг донги кетган саноатчиси Никита Демидов ҳали оёққа ҳам турмасидан подшонинг «уч бандиси» Россия қудратини ошириш учун Сибир ва Урал ерларида конлар очишди, уларнинг номлари жаҳон минералогияси фанида, россия кончилиги ва металлургияси тарихида Ашир Қулибеков, Олим Шайхон, Баҳодир Тажимов бўлиб, абадий ўрин олди.

БИРИНЧИ МАҲБУС

Ашир Қулибековни соддалаштириб «Ширка» деб аташса-да, Жаҳон минералогия жамияти ўша вақтнинг ўзидаёқ, Ширка кашфиёти билан топилган қимматбаҳо тошнинг одам зотиға ҳали номаълум бўлган туриға «Аширит» деб ном берди. Ашир Қулибековгача бундай шарафға ҳеч бир инсон муяссар бўлмаган эди. Россия тахти олдидаги хизматини тақдирлаб, Урал ортидаги жуда катта ўлкани Ширкаға Пётр I хатлаб берди. У ерларда яшовчи манси қабилалари, унинг одамгарчилиги, кўрсатган меҳрибончиликларига тан бериб, бу ўзбек ўғлонини «Ширка ойка манси» яъни, «Ширка мансиларнинг султони» деб аташди, тириклигидаёқ унинг қиёфасини ёғочдан ясаб, Ширкаға топинишди. Шунга қарамай, Ашир Қулибеков ўз юртини, ўз элини унутмади. Ўзи топган, кашф қилган конларға «Оқ туз (ҳозирги номи Укпоз), «Қоя» (ҳозирги номи Гая) деб туркча атади. Унинг васияти бўйича, жасадини Урал тоғининг қоқ ўртасига кўмишган. Унинг улуг инсонлигиға ҳатто тан бергандек, у кўмилган ер кейин аниқ бўлишича, Осиё ва Европа қитъасининг туташув чизиги худди шу ердан — Ашир Қулибековнинг қабри устидан ўтар экан. Кейинчалик, XX асрнинг ўрталарида мансиларнинг эътирозига писанд қилмай, бу ерга икки қитъанинг нишон тоши кўйилди, зиёратгоҳға айланди. Шунга қарамай, апрель ойида ҳар йили манси қабилаларидан ҳеч бўлмаса юзга яқин оила чаналарда келиб, Ширка ҳақида кўшиқ куйлаб, унинг руҳини ёдлаб кетишади.

Чангида трансплиндан сакраш бўйича мусобақаларнинг маркази Екатеринбург шаҳри ёнида жойлашган Укпоз («Оқ туз») деган ажойиб манзарали ердадир. Шу атрофни кезиб, ўрмон ичида икки қаватли, ташландиқ ёғоч иморатға кўзим тушиб қолди. Уйға ки-

ришга юрагим бетламади. Чунки унинг эшиги тепасига мансиларнинг топиниш белгилари илинган эди. Бу уй бир вақтлар Ашир Қулибековнинг уйи бўлганига шубҳа йўқ. Чунки мансилар фақат Ширкагагина шундай хурмат кўрсатишган. Бу уйнинг шундай ёнгинасида «Бухоро — Урал» газ ўтказгичини кўриб, тақдирнинг тақозосига тан бердим.

ИККИНЧИ МАҲБУС

Иккинчи ўзбек ўғлини Олим Шайхов подшонинг уч маҳбусидан бири эди. Конларни қидириш, маъданларни қазиб олиш ва уларга ишлов беришда Олимнинг билимига қойил қолган Пётр Ининг қарори билан Шайхов Германияда жойлашган маъдан тоғларида олтин ва кумуш заҳираларини қидириш учун («...отправить в заграничную сторону для присикания золотых и серебрянных руд») юборилади. Германия Фанлар академиясининг илтимосига билан 28 ёшли ўзбек йигити ўша пайтдаги Берлин ва Дрезден университетларида кон ва металлургия ишлари бўйича бош профессор бўлиб, 1714 йилдан бошлаб ишлаган. Бу пайтда, Россиянинг узоқ шимол ўлкисида тугилган Михайло Ломоносов ҳали кўкрак сўриб юрган гўдак бўлган. Кейинчалик, 1743 йили Германияга илм олгани юборилган Ломоносов профессор Олим Шайховдан кончилик сирларини ўрганган ва «Ер ости кон ўйиқларида ҳаво ҳаракати» деган мавзуда докторлик диссертациясини ёзади. Россияга қайтиб келган Михайло Ломоносовдан машҳур Эйлер Германия олимлари ҳақида унинг фикрини сўраганида, Ломоносов тап тортмай: «Ҳаммаси бўш, марҳаматли зот, ҳаммаси бўш, — дейди ва домласини эслаб шундай дейди. — Билими зўр биттагина — Олим Шайхдир. У ҳам бўлса Россиядан бориб қолган кўзи қийиқлардан экан».

УЧИНЧИ МАҲБУС

Подшо бандисининг учинчиси Баҳодир Тожимовдир. У Урал ортидан бошланган Сибир ерларида геологик изланишлар олиб бориб, бояновул деб аталган ўлкада бир қатор кумуш конлари заҳираларини ҳамда Эски-юрт дараси майдонида эса кўргошин ва мис конлари заҳираларини очди, уларни ишга туширди. Бу конлар, то 1917 йилгача Баҳодир Тожимов авлодларига қарашли хусусий мулк бўлган ва жуда катта даромадли корхоналар ҳисобланган.

Ҳарбий куч-қудратини ошириш йўлида ҳатто черковларнинг кўнғироқларини олиб беришдан ҳам тортинмаган Пётр I, топилган заҳиралар ҳисобига «енгил нафас ола бошлади». Мис, кўргошин, темирни четдан сотиб олаётган Россия, энди ўзи уларни четга чиқариб, фойда кўра бошлади.

«Подшонинг уч бандиси» га берилган қисқача тавсифдан кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири ҳам инсониятнинг равнақи йўлида оғир, хатарли ва мафтункор ҳаёт йўлларини босиб ўтганлар...



ЗАФАР ВА МАҒЛУБИЯТ КЕЛТИРГАН ОЛМОС

Бизнинг кунларга келиб кулги ва истехзо билан тилга олинадиган турли туморлар ёки тумор тошларга ишонил хусусияти қадим замонларда оддий одат ҳисобланган. Улуғ даҳолар, сирли коҳинлар, таниқли давлат арбоблари ва ҳатто афсонавий саркардаларнинг ҳам ўз туморлари, тумор тошлари бўлган. Ана шундай бошқа муқаддас аломатлар, илоҳий кароматлар, гайритабиий ва сеҳрли кучларга бўлган ишонч кўп ҳолларда бутун бошли қўшинлар, мамлакат ва миллатлар ҳатто бутун инсоният тақдирида ҳал қилувчи омил бўлган. У хоҳ қудратли султон бўлсин, хоҳ жанговар лашкарбоши, донишманд олимми ёки сирли башоратчи, хоҳ машҳур ёзувчи, хоҳ ботир қароқчи бўлсин, ўз маъбудаси, тумори измига тушиб қолган.

XIX асрнинг энг буюк фотиҳи, улуғ саркарда Наполеон Бонапарт ҳам турли аломатлар, туморларнинг сирли кучига ишонувчилардан эди. Ҳали Москвага етиш учун унинг қўшини эндигина ярим йўл босганида ёш император бир туш кўрди. Унинг тушида, француз императорига номи мутлақо номаълум бўлган қандайдир Бородино остоналарида рус ва француз қўшинлари ўртасида бўладиган тарихий жанг бутун ичиркирлари билан аён бўлади.

Одатда, барвақт ўрнидан туриб, бадантарбия қиладиган Наполеон, бу тонг, ўрнида ётиб олганча, кўзларини юмиб, тушида кўрган жанговар ҳолатларни бирма-бир кўз олдидан қайта ўтказди. Кейин ўрнидан сапчиб туриб, Парижга, севгилиси Жозефинага мактуб ёзиб, рус ерларидаги қақшатқич совуқни баҳона қилиб,

«Қўшинни орқага буриш» ниятини изҳор этади. Танноз Жозефина ҳам тезда жавоб қайтариб, Наполеонни юмшоқ феъллик ва бўшанглиқда айблаб, унга дашном беради ва «Париж Наполеонни фақат голиб сифатида кутиб олишган одатланган!» деб уқтиради. Жозефинанинг бу хати аввалгидек императорни жунбишга солиб, хайратлантирмади, унинг совуқдан жунжиккан вужудига керакли қувват зарядини, қатъият оловини бера олмади. Аксинча, Наполеон Бонапарт, илдизи қирқилган азим дарахтдек батамом синиб, сўлий бошлади. Бундан хавотирга тушган генераллар, гайратли императорларининг феъл-атворидаги бундай кескин ўзгаришнинг асл сабабини била олмай, бошлари қотарди. Охир-оқибат, улар бунинг сабабчиси инжиқ Жозефинанинг хати ёки Париждан келиб турган гийбат гаплар мазмунидир, деган фикрга келишди.

Москванинг ишғол қилингани шарафига ташкил қилинган зиёфатда қадаҳ кўтарилиб, жанговар Француз аскарлари шаънига ичилганида Наполеон ўз қадаҳига лабини ҳам теккизмай, маъюслик билан:

— Худди шу дамда Мисрда энг яхши француз генерали қатл қилинмоқда, — деган.

Бундай кайфиятнинг асл сабаби ҳақиқатдан ҳам Смоленск атрофида император кўрган тушида аён бўлган Москванинг олиниши, зафар қучган қахрамонлар учун русларнинг совуқ пойтахтида ташкил қилинган ушбу зиёфат ҳам, ҳатто ўша дамда узок Миср ерларида турк жангчилари томонидан генерал Клебернинг қатл қилиниши ҳам барча икир-чикирлари билан Наполеоннинг ўша тушида аён бўлган эди. Шунинг учун ўша тушига биноан Москванинг ёнғин ичида қолишини, сўнгра буюк қўшиннинг совуқ рус ерларидан орқага чекинишини Наполеон билар эди. Ўша мудҳиш тушида кўрганларини яна бир-бир кўз олдидан ўтказар экан,

ирим-сиримлар, гайритабиий кучларга ишонувчан бўлган Наполеон, аста-секин ўзининг саркардалик қобилиятларини қўлдан бой бериб, ҳарбий ҳаракат сахналарини кўз олдига келтиришда оқсаб, фикрлаши ҳам сусая бошлаганди...

1814 йилнинг 16 апрели. Фонтенбло шаҳрида голиблар ва мағлуб томон ўртасида тарихий шартнома тузилди. Унга кўра, Наполеон Бонапарт — «Буюк корсикалик кичик капрал» — «Француз императори» ҳокимиятдан четлаштирилди ва 29 апрель куни уни Ўрта Ер денгизининг Эльба оролига сургун қилишди. 3 май куни эса 20 йиллик қувгиндан сўнг Бурбонлар сулоласининг вакили, янги қирол — Людовик XVIII кўп сонли муҳожир аъёнлари қуршовида Франция пойтахти Парижга тантана билан кириб келди. Ҳамма учун ўз асрининг тенгсиз фотиҳи бўлган машҳур Наполеон Бонапарт умрбод сиёсий мурдага айланган эди. Бироқ...

У олис Эльба оролидан туриб, Францияда кечаётган воқеаларни зийраклик билан кузатиб турарди. «Фонтенбло шартномаси» бўйича Эльба оролида эгалик қилишдан ташқари Наполеонга ўгли ва хотини Мария-Луиза қайтарилиши керак эди. Лекин Европа мамлакатларининг ҳукуматлари келажакда яна бошқа Наполеон пайдо бўлишидан чўчиган ҳолда шахзодани Австрия қироли бўлмиш бобосига топширган ва у Австрия шахзодаси — бўлажак герцог Рейхштадский сифатида тарбия ола бошлаган эди. Бундан албатта Наполеоннинг иззат-нафси қаттиқ изтироб чекарди. Устига устак, май ойининг 29 кунида Малмезонда императорнинг собиқ суюкли рафиқаси Жозефина де Богарне 51 ёшида оламдан ўтди. Бекиёс соҳибжамол ва оқила Жозефина қирол Людовик XVIII саройининг улкан ҳасадига қарамай, сўнги кунига қадар Франциянинг биринчи аёл бўлиб саналар эди. Наполеон Бонапарт гўзал Жозе-

финанинг таъзиясида бўлиб, уни сўнги йўлга кузата олмаганидан изтироб чекарди.

Ўта сатанг ва тутуруқсиз бўлган қирол Людовик XVIII ўн ойнинг ичидаёқ француз халқининг меъдасига тегди. Наполеон империяси эришган буюк ютуқларнинг барчаси таҳқирланиб, империяга хизмат қилган сиёсий ва ҳарбий арбоблар таъқиб қилина бошланди. Мамлакатда «ғийбат», «фитна», «асоссиз мақтанчоқлик» каби разил ҳолатлар томир ота бошлади. Тикланаётган бурбонлар ҳокимияти халқ қорнида хазм бўлмас лоҳас таомдек бўлиб қолган эди. Бундай аҳволдан бир оз хавотирга тушган «Вена иттифоқчилар йиғилиши» яна Европада гала-говур бошланиб қолишидан кўрқиб, Наполеон Бонапартни «хавфли тутқин» сифатида Европадан узоқроққа — Америка ёки Муқаддас Елена оролига жўнатишни мўлжаллаган эди. Чунки собиқ императорнинг яна ҳокимият тепасига келиши устида қайгураётган кучлар мамлакатнинг ичкарасида ҳам, ташқарисида ҳам кам эмас эди.

1815 йил 2 февраль. Ўрта Ер денгизининг машҳур қароқчиси, Лигурия ва Тиррек денгизларининг ҳақиқий эгаси бўлган Али Мардонийнинг даҳшатли кемаси келиб, дангал Эльба қирғоқларида лангар ташлайди. Собиқ императорнинг Миср экспедициясида катта ёрдам берган эроний қароқчи Наполеон Бонапартга бир ажойиб совға — «сувдек тиниқ» бўлган катта жавохирни ҳадя қилади. Бу жавохирни бир вақтлар «Афсонавий Ҳиндистон Империяси»ни яратиб, унга ҳукмронлик қилган машҳур Бобуршоҳ тожига ўрнатилган бўлиб, «Шуҳрат тоши» номи билан жавохирлар оламида дostonга айланган ноёб олмос эди. Бундай машҳур тошни императорга тақдим этар экан, Али Мардоний ишонч билан шундай деган:

— Бу жавохир жуда муқаддас саналади. У сизга за-

фар аргумогини эгарлаб бериб, сизни яна шуҳрат чўққиларига элтишига жуда ишонаман! Иншаоллоҳ, сизни улуг ва шавкатли саркардаларнинг руҳлари доим қўллагай!

Император қароқчининг гапларига тўла ишониб, шу муқаддас жавоҳирнинг унга қайтатдан шуҳрат келтириб, салтанат тахтига ўтказишига қаттиқ ишонади. Чунки уч кун кўрган тушлари бир хил бўлиб, яқин зафардан далолат берарди. Наполеон вақтни бой беришни истамас эди. У эндигина 45 ёшга кирган, аини кучга тўлган, тинчимас, вужуди янги ҳаракатлар йўлида жўш урмоқда эди. Узоқ мулоҳазаларга бориб ўтирмай, содиқ ёрдамчилари бўлмиш Камброни ва Друо ёрдамида 26 февраль куни оролни тарк этди. Барча қўриқчи кемаларни чеккалаб, 1815 йил 1 март куни бир нечта гуруҳдан иборат содиқ одамлари билан Франция қироллигининг Жуан бухтасини эгаллайди. Яхши қуролланмаган, асосан кўнгиллилардан иборат бўлган 1100 нафар одами билан у Альп тоғларидан ошиб ўтиб, 7 мартда Греноблга яқинлашди.

Кутилмаган бундай хунук хабардан қирол саройи тўс-тўполонга айланди. Қиролнинг туғишган акаси граф Д' Артуа тезлик билан Лионга жўнатилди. У «Исёнчи корсикалик»ни жанубдан генерал Маршан қўшинлари ёрдамида мағлуб этиши керак эди. Лафре қишлоғи олдида қиролнинг мунтазам армиясига Наполеоннинг жангчилари пешвоз чиқди. Порох ва қон ҳиди, манамана димоғларига урилиши керак эди. Наполеон ўз аскарларига қуролларини чап қўлларига олиб, қувурини (яъни, стволини) пастга қаратишни буюрди. Бундай ҳаракатга яқин ёрдамчиларидан бири бўлган полковник Маоле эътироз билдиргандек бўлди.

Ҳаммани лол қолдирган ҳолда собиқ император якка ўзи, соқчиларсиз қирол кўшинлари томон юра

бошлади. Қайси бир асаби бузуқ жангчининг тепкиси ёки зобитнинг ўйламай отиш ҳақидаги берган буйруғи унинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди-ку, ахир?! Наполеон қирол қўшинларига жуда яқин келди-да, камзул тугмаларини ечиб, уларга хитоб қилди:

— Аскарлар, мени танияпсизларми? Мен Наполеон Бонапарт бўламан! Қайси бирингиз ўз императорингизни отмоқчисиз? Мана, марҳамат. Мен қаршингиздаман, отинглар!

Мислсиз жасоратдан ларзага келган қўшин: «Яшасин император!» дея ҳайқирди ва у томонга ўтиб кетди.

10 март куни. Эндиликда анча салмоқли бўлиб қолган Наполеон қўшини Франциянинг иккинчи шаҳри Лион остоналарига етиб келди. Наполеон калласини ўз шамшири билан узиб олишни орзу қилган мақтанчоқ граф Д' Артуа, қўшин қўмондонлигини генерал Макдональдга топшириб, ўзи зудлик билан шаҳардан қочиб қолди. Энди Франциянинг энг номдор лашкарбошиси маршал Ней қўмондонлигидаги кучли армия Наполеонга қарши қўйилади. Маршал Ней қирол Людовик XVIII га Наполеонни темир қафасга солиб келтиражанини ваъда қилади.

Аммо Наполеоннинг сиёсати, сўзамоллиги олдида шавкатли Ней ҳам дош бера олмайди. Маршал Ней ўз қўшини билан Наполеон томонга ўтиб кетади.

Кучли вулқон оқимидек жунбушга келган Наполеон қўшини шиддат билан Париж томон интилди. Салтанати умрбоқий бўлишини мақтаниб гапирган Людовик XVIII оила аъзоларини олиб, 19 март куни Тюильри саройини таҳликали қўрқувда, шоша-пиша тарк этиб, ўз каретасида яширин қочиб қолади. Шундай қилиб, ҳали Наполеон Парижга кириб улгурмай, Францияда бурбонлар ҳокимияти қулайди. Кимдир, Бурбонлар рамзи бўлган оқ байроқни йиртиб ташлаб, ўрнига им-

периянинг уч рангли байрогини сарой узра хилпиратарди.

20 мартнинг кеч тўққизларида Наполеон кўп сонли оломоннинг шодон қичқириқлари остида Тюильри саройига кириб борди. Йигирма кун ичида бирор-бир томчи қон тўкмай ва битта ҳам ўк ўзмай, собиқ император Франция тахтини яна ўз кўлига олди. Эльба оролида қароқчи Али Мардоний унга «Шухрат тоши» деб номланган жавоҳирини тақдим этаётганда айтган гапларининг барчаси рўёбга чиққан, улуг фотиҳларнинг қўллари теккан жавоҳир ва уларнинг муқаддас руҳлари Наполеонга мадад бергандек эди.

Ғалаба банкетларидан эндигина кутулган рус дворянлари ёнгиндан хароб бўлган Москвани энди энди кўл урай деб турганида, базму ўйинлардан ҳали ҳам бўшамаган шодон Венада эрта тонггача мусиқа садолари янграб турган пайтда «Яраланган арслон» — Наполеоннинг Эльбадаги ўз тутқунидан кутулиб, Францияга келгани ва қиролни тахтдан ҳайдаб ҳукмронлик жilовини яна ўз кўлига олгани ҳақидаги хабар худди Везувий вулқони отилганидек бутун Европани ларзага солди.

Буни жуда яхши тушунган Наполеон барча Европа мамлакатларига «келгусида уларга ҳеч қандай таҳлика солмай, даъво-хусумати ҳам бўлмаслигини, жафокаш Францияга энди фақат тинчлик кераклигини» баён қилиб, номалар жўнатди. Афсуски, бу фойдасиз ҳаракат эди. Чунки Наполеондан ҳамма кўрқиб қолганди. Европа давлатлари ўртасида шу тобгача бўлган барча келишмовчиликлар-у турли тортишувлар бир онда туғади. Қитъа сиёсатдонлари ҳеч қачон ўша даҳшатли онлардагидек аҳил бўлмаган эдилар. Тезлик билан 25 мартда Наполеонга қарши «Еттинчи коалиция» тузилди. Вена декларациясида Наполеон «қонундан ташқари»

ва «инсониятнинг душмани» деб эълон қилинди. Деярли барча Европа давлатлари бирлашиб, унга қарши қўшин тортиб юриш бошладилар. Европа урушлардан толиққан, тикланган Наполеон ҳокимияти эса янги уруш ва кулфатларни келтиради, деб ўйлашарди.

Наполеон бўлса, аксинча, ўзи йўқотган жанговар руҳни қайта тиклаган эди. Энди унинг фикрлари янада теран, зеҳни янада ўткир ва совуққон эди. Шунинг учун у иттифоқчилар қўшинларининг бирлашиб олиб, буюк армия тусини олиб улгурмасданок, улар яккаланиб турган пайтларида англизу руслар, прусслару австрияликларга хужум қилиши кераклигини яхши биларди. Шунинг учун 15 июнда Наполеон қўшинининг авангард кучлари Бельгия чегараларидан ўтиб, Пруссия армиясини улоқтириб ташлади. Бу озодликка чиққан арслон панжасидан етган қақшатқич зарба эди. Аммо прусс армиясининг қолдиқлари барибир жон сақлаб қолган эди. Шунда генерал Блюхернинг мағлуб бўлган, аммо йўқ қилинмаган прусс қўшинининг қолдиқлари Брюсселга қараб чекинди. 17 июнда эса Наполеоннинг қўшини ўта совуққон ва маккор бўлган англиз генерали Веллингтонг жойлашиб олган Катр-Бра шаҳри остонасида пайдо бўлди.

Ана шу ерда Наполеон ўз қўшинининг асосий қисмига қўмондонлик қилишни жасурларнинг жасури бўлган маршал Нейга топширмай, негадир бир муддат хаёлпаршонлик килиб, қатъиятсиз ва кўрқоқ Грушининг ихтиёрига топширди. Умрида биринчи марта мустақил равишда бир қўшинга қўмондонлик қилиш насиб этган Груши мутлақо ўзидан беихтиёрий равишда буюк Наполеон Бонапарт тақдирини ҳам, унинг армияси ва Франция тақдирини ҳам, қолаверса, бутун Европа тақдирини ҳам хал этди.

Наполеон Бонапартнинг Грушига берган буйруғи қу-

Йидагича эди. Наполеон асосий кўшин кучлари билан англизлар устига ҳужум қилиб бораётганида, Груши армиянинг учдан бирини ташкил қилган авангард қисми билан пруссаklarни таъқиб этишни давом эттиради. Топшириқ жуда аниқ ва тўғри эди.

Нима учун Наполеон Бонапарт 17 июнда ўзининг жанговар кўшинини иккига бўлган?

Вальтер Скотт, Стендаль ва Стефан Цвейг каби классик ёзувчилар Ватерлоо қошида у бўлиб ўтган фожиани баён этишар экан, барчалари бу фалокатда айбдор сифатида Грушининг шахсига урғу беришган.

Аммо ҳаммалари бу фожиага билвосита таъсир кўрсатган бир тарихий омил устида деярли тўхтамасдан, тўхталган тақдирда ҳам юзакигина, арзимас бир воқеадек гапириб ўтишган. Гап шундаки, 17 июнда тонг саҳарлаб ўрнидан туриб олган император, кийинаётиб, унга Али Мардоний ҳадя қилган муқаддас жавоҳир йўқлигини билиб қолиб, эси чиқар даражага келади. Уни Франция бўйлаб зафар чўққилари томон элтаётган унинг муқаддас тумори йўқолган эди. Тутқаноги тутиб қолган император бир ярим соатлардан кейин ўзига келади.

Соат 11 дан то 13гача француз полклари Ватерлоодаги тепаликларни ишғол қилиб, мудофаа учун шароитлар яратар, сўнгра чекинишга мажбур бўлиб, яна қайта ҳужумга ўтардилар...

Ўн мингдан ортиқ жасад лой босган тепалик ён бағрини тўлиқ қоплаганди. Тирикларнинг тинкаси қуриган, жанг қилишга ҳоллари қолмаган кўшинларнинг иккала қўмондони, кимга олдин кўмак келса, ўша томон ғалаба қозонишини ҳам билар эдилар. Шунинг учун Веллингтоннинг умиди Блюхерда, Наполеонники эса Грушида эди.

Кун пешинга қараб оққанида бечора Наполеон ўзи

қилиб қўйган қалтис хатони тушунди. Агар у «Шухрат олмоси»ни йўқотгани учун бекорга эсанкираб қолмаганда эди, у ўз авангардига қатъиятсиз маршал Грушини сира қўмондон қилмас эди, албатта. Қўмондонликка довурак Жерарни ёки жасур маршал Нейни тайинлаган бўларди. Шунда уларнинг ҳар иккаласи ҳам, замбаракларнинг биринчи гумбурлашини эшитишлари билан албатта тўғри ечим топшар, ҳатто Наполеоннинг буйругини бузиб бўлса-да, унга ёрдамга ошиқишган бўларди. Аммо, минг афсуски, ҳамма нарса ўзгача тус олиб, Европа тақдирини йўқолган жавоҳир ҳал қилиб бўлган эди...

Жангнинг энг нозик, ҳал қилувчи дамларида инглиз Веллингтонга ёрдам бергани ўрмон ичидан прусс Блюхернинг қўшини қудратли оқимдек ёпирилиб чиқди. Бир неча дақиқанинг ичида французларнинг улуғ армияси бебош бир тўфонга айланиб, ҳатто Наполеонни ҳам ўз оқимига қўшиб, мағлубият гирдоби сари суриб кетди. Фақат кеч тушиб қолишигина императорнинг жонига оро бўлди — у ширин жонини ва эркинлигини сақлаб қолди. Аммо тун яримда лойга ботган ҳолда қишлоқнинг кўримсизгина майхоналаридаги курсилардан бирига мадорсиз қулаган одам энди император эмас эди. Ўз даврининг энг жасур одами, қаҳрамонликлари билан ўтказган йигирма йил ичида яратилган империя бир онда, муқаддас «Шухрат жавоҳири» йўқолган онда барбод бўлганди...

21 июнда Наполеон ўз уловида мудрок, руҳан тушқун ҳолда парижга қайтиб келди. Қаерга боришини билмай боши қотарди: Россиягами ёки Австриягами, Пруссиягами ёки Англиягами? Яқинлари Америка Қўшма Штатларига кетишни маслаҳат қилишди. Аммо Наполеон Бонапарт ҳақиқатдан ҳам мард одам бўлган. У кочишни ўзига ор билди ва ҳар галгидек кутилмаган

қарорни қабул қилди. Буюк саркарда ҳаёти ва тақдирини ўзининг ашаддий душмани бўлган Англия кўлига топширишни ихтиёр этди.

1815 йил 15 июлда Наполеон Бонапартни Рошфор киргоқларидан «Баллерофонт» номли инглиз кемаси Муқаддас Елена оролига олиб кетди. Кема бортига чиқар экан, Наполеон сўнгги бор ортига қаради. Ортида, мовий осмон остида қолаётган Франция қалбини эзгудек гўзал эди.

Наполеон Бонапарт 1821 йили 5 май куни ўша Муқаддас Елена оролида, маданият марказларидан ажралган ҳолда, фақат ўзига яқин бўлган уч-тўртта содиқ сафдошлари қуршовида бу фоний дунёни тарк этди. Шунда машҳур саркарданинг ёши ҳам унинг чексиз муҳаббатининг соҳибаси бўлган Жозефина оламдан ўтган 51 ёшда эди...

Афсонага айланган Ватерлоонинг ўша ёмғирли ёз кунида бутун Европа тақдирини ҳал этган машъум жавоҳирни эса орадан роппа-роса 20 йил ўтганда муҳандис Бомарше, ўша ҳудуд ерларида текислаш ва қуритиш ишларини олиб бораётганда топиб олди. 1851 йилда эса бу сирли олмос «Наполеон жавоҳири» номи билан Лондондаги Бутунжаҳон жавоҳир тошлари кўргазмасида намоиш қилинди.

Ҳозирги кунда бу нодир жавоҳир Лувр музейида Франциянинг миллий мулки сифатида сақланмоқда. Экспертларнинг фикрича, сувдек тиниқ бундай олмослар жуда камёб бўлади, «Наполеон жавоҳири» эса ўзининг мусаффолиги ва йириклиги билан жаҳонда ягонадир.



СИР ТУТИЛГАН ФОЖИА

1929 йилнинг январида Қобулда давлат тўнтариши юз берди. Унинг оқибатида Омонуллахон реакцион кучлар томонидан тахтдан қулатилди. Бу нохуш хабар унинг ҳокимиятини биринчи бўлиб тан олган узоқ Москвага ўша ондаёқ хабар қилинди. Ўзбекистон ва Тожикистон ерларида «босмачилик» деб ном олган ҳаракат янгидан бошланиб, кенг тус олиб кетиши хавфи шўро раҳбариятини ўйлантириб қўйди. Чунки давлат тўнтарилиши бошида Бухоро амири Саид Олимхоннинг Машҳад шаҳрида яшаётган қудаси, шаҳзода Нодиршоҳ Муҳаммад турар эди. У Николай II га божа бўлиб, Англия қироли хонадонига куёв ҳисобланган. Амир Олимхон тахтдан ажралганига қарамай, Хиндистон ва Афғонистондаги давлат ҳамда инглиз банкларида улкан маблағ сақланаётгани туфайли мавқеи ҳали ҳам баланд эди. Шунинг учун Қобулда юз берган сиёсий тўнтариш Ўзбекистондаги сиёсий аҳволга ҳам таъсир этиши, Олимхон тахтини қайта тиклаш илинжида ҳарбий юришлар уюштириши мумкин, деб ўйлаган Москва. Инчунин, чет эллик давлат раҳбарлари бунга умид ҳам боғлагандилар.

Кремлда, И. Сталин ҳузурида эрта тонггача давом этган йиғилиш мавзуи худди шу ҳақда эди.

— Шаҳзодаларнинг аҳволи қалай? — деб сўради И. Сталин ўтирганлардан.

Томдан тараша тушгандек берилган саволга йиғилиш иштирокчилари бирор нарса деёлмай, ўнғайсиз аҳволга тушишди.

— Улар давлат ташкилотлари назоратида! — деб дадил жавоб берди ОГПУ раиси В.Менжинский. — 29 ёшли шаҳзода Амир Саид Султон Оксфорд универси-

тетини битириб, Ленинградга қайтган. Физик мутахассис сифатида у академик Иоффенинг физика-техника институтида ишлайди. Ўртанча шахзода Амир Саид Шохмурод рабфакни аъло баҳолар билан тугатмоқда. Кичик шахзода Амир Саид Рахим эса 12 ёшда, интернатда таълим оляпти.

«Пролетар диктатурасининг паҳлавони» деган ном қозонган чекист Вячеслав Рудольфович Менжинский ҳамма нарсадан хабардор эди. Бухоро хонлиги кулашидан икки йил бурун хазинадаги барча мол-мулки билан аввал Душанбега, кейин эса Афғонистонга ўтиб кетган Олимхоннинг оиласи Бухорода қолганди. Бухоро Халқ Социалистик Республикасининг раиси Файзулла Хўжаев Амир ўз оиласи аъзоларини олиб кетиш учун куч ишлатишидан кўрқиб, унинг оиласини Бухородан нарига — Москвага юборишни маъқул топди. Саид Амир Олимхоннинг баёноти ва Англия қиролининг шахсан аралашуви натижасида Жаҳон Қизил ярим ой жамиятининг махсус комиссияси Москвага келди. Комиссиянинг асосли талабларига қарамай, тутқунликда фақат амирнинг онаси Эшон ойим, унинг уч хотини ва қизларигина озод қилиниб, Афғонистонга, амир хузурига юборилди. Амирнинг уч ўгли эса турли важкарсонлар билан Россияда олиб қолинганди. Бу воқеаларнинг тепасида турган Менжинский Сталин қайси шахзодалар билан қизиқаётганини дарҳол тушунганди.

Унинг қисқа ахборотидан кейин орага жимлик чўкди. Ҳамманинг дами ичида. Сталин эса охишта кадам ташлаб, хона ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, тамаки тутатарди.

— Бизга байроқ керакмас! — деди Сталин уч шахзода ни назарда тутиб.

— Йўқ қиламиз! — деди ҳозиржавоб Менжинский дохий топширигини ўзича тушуниб.

— Мени тушунмадингиз, ўртоқ Менжинский, — деди Сталин энсаси қотиб. — Романовлар қонидан тозаланмай туриб, яна қўлни қонга ботириш — сиёсий кўрликдир!

Сталиндан бундай «баҳо» олишнинг ўзиёқ бўйинга сиртмоқ тушганидан далолат беришини яхши тушунган Менженскийнинг рангидан қон қочди, илигидан қувват кетиб, аъзойи баданига қалтироқ турди.

— Ўн йилдан бери туз-нонимизни еб, тарбиямизни олган шаҳзодалар ўз оталаридан воз кечиб, бизга ариза беришсин. Аризаларини матбуотда эълон қилдилинг. Шунда бизга қарши бўлган аксилинқилобий кучлар шаҳзодалардан байроқ сифатида фойдалана олмайдилар. Бу сизнинг сиёсий ютугингиз бўлади.

Доҳийдан шундай кўрсатма олган Менжинский ўзининг даҳшатли жазо машинасини ишга солиб юборди. Шаҳзодалар бир-бирлари билан учрашиш имконидан маҳрум бўлиб, Москванинг уч ерида кун кечирдилар. Уч шаҳзодани ҳибсга олиш учун НКВДнинг уч гуруҳи юборилди.

Кичик Грузин кўчасидаги 7-уйда жойлашган «Коментерн» болалар интернатида тонг саҳарлаб етиб келган милиция ходимларининг капалаги учди. Чунки шу ерда тарбияланаётган Амир Саид Раҳимнинг йўқолганига икки кун бўлганига қарамай, ҳеч қаерга хабар берилмаганди. Жазаваси тутган чекистлар интернат директоридан тортиб, тарбиячиларгача уриб, «тергов» қила бошлашди.

Ишчи ёшлар ўқув юрти ҳисобланмиш «Рабфак» ётоқхонаси Космодемьянская-Набережная кўчасига жойлашганди. Бу ерга етиб келган милиция гуруҳи ёшларнинг бадантарбия машгулоту устидан чиқди. Ётоқхона комендантлари индамай залга кириб, Амир Саид Шохмуродни бошлаб чиқди. Тиниқ юзли, очик чехрали,

ярим ялангоч шаҳзодага кўзи тушган гуруҳ раҳбари заҳархандалик билан кулиб, милиционерларга деди:

— Қанчалик уринмасин, барибир бизга ўхшай олмайди. Қони бошқалиги билиниб туради. — Кейин чирт этиб тупуриб, Шохмуродга буюрди: — Қани, олдимга туш, итнинг боласи!

— Гуноҳим нима? — деб сўради ранги ўчган шаҳзода.

— Мана гуноҳинг! — деб комиссар уни бир уриб ағдарди. Сўнгра шерикларига буюрди. — Олиб чиқларинг ит эмганни!

Леонтовская кўчаси, 51-уй, 51-хонадонга келган ОГПУ ходимлари бироз довдираб қолишди. Чунки улар кўнгироқ тугмасига қўлларини теккизар-теккизмас эшик очилиб, ичкаридан костюм-шим кийган, оппоқ кўйлагига капалакнуса галстук такқан, кўркам юзли, қадди-қомати келишган, 30 ёшлардаги йигит чиқиб, уларни табассум билан кутиб олди. У шу қадар салобатли эдики, ширали овоз билан берган саломига тўрт чекист ҳам баробарига гоз туриб, «Салом!» деб жавоб беришди.

— Бизга гражданин Амир Саид Султон керак! — деди ўзини ўнглаб олган гуруҳ бошлиғи.

— Шаҳзода Амир Саид Султонни сўраётган бўлсангиз, бу мен бўламан, — деди гуруҳ билан шаҳзода, кўзида киноя учқуни бир зум порлаб.

— Уйингизда тинтув ўтказгани келдик! — деди бошлиқ киссасидан қоғоз чиқариб шаҳзодага кўрсатар экан. — Сиз инингиз Амир Саид Раҳимни ўз уйингизда яширишда гумон қилиняпсиз!

Шундан кейин ОГПУчилар шаҳзоданинг уч хонали уйига киришди. Ичкари хонадан чиқиб келган аёл малика Моҳи Нур шаҳзоданинг хотини эди. Уйларига кунда келиб, хизматларини қилиб юрадиган бошқирд аёли Гулчехра опадан у кимнинг уйига чарм камзулли, тўп-

пончали ўрислар кирса, уйга бало келишини эшитганди. Шу боис Моҳи Нурнинг катта-катта мовий кўзларига ёш қуюлди.

— Хавотирланманг, маликам! Булар Раҳимжонни излаб юришибди, — деди шахзодаю

— Раҳимжонга нима бўлибди? — хавотирланиб сўради Моҳи Нур.

— Ўз тилларингизда гаплашиш ман этилади, — деди бошлиқ қўрслик билан.

— Малика ўрис тилини билмайдилар, — деди шахзода. — Шу сабабдан мен ўз тилимизда гапириб, у кишини тинчлантирдим.

Тинтув юзаки бўлди, ҳеч ким ва ҳеч нима топилмади. Шаҳзоданинг математик тенгламалар ёзилган дафтари «кўлга киритган» тинтувчилар Амир Саид Султонга ҳам ўзлари билан кетишни буюришди. Шунда шахзода ОГПУ ходимларидан рухсат сўраб, хона ўртасида сувратдек қотиб қолган хотинининг ёнига келди:

— Маликам, хотиржам бўлинг. Бу бир тушунмовчилик... Баҳонада иниларим ҳақида бирор аниқ хабар топиб қайтаман.

— Шаҳзодам, кўнглим ёмонликни сезиб турибди. Ахир, замон нотинч.

— Йўқ, маликам! — деди қувноқлик билан қулиб. — Бугун узоғи билан шомгача қайтаман! — деди-да, маликани тинчлантириб, ёшли кўзларидан ўпиб, чиқиб кетди.

Бироқ шахзода Амир Саид Султон ҳам, афғонистон маликаси Моҳи Нур ҳам шум қисмат уларни абадий ажратаётганини билишмас эди. Шомгача уйига албатта қайтишига ишонган шахзода ҳеч қандай тергов-сўроқсиз НКВД қамоқхонасига тиқиб кўйилди. Орадан икки кун ўтгач, кўзойнак таққан бир комиссар унинг камерасида тушунтириш ишлари олиб борди. Бухоро ами-

рининг Афғонистонда қилаётган ишлари ниҳоятда зарарли эканлигини, ўғиллар отанинг касофатига қолиши мумкинлигини айтди. Шундан кейин мушкул аҳволдан қутулишнинг ягона йўли бундай отадан воз кечиб, Совет ҳукуматига мурожаат қилиш эканини уқтирди.

— Ота-она бирон ноқобил фарзандини лозим топса оқ қилиши мумкин, — деди босиқлик билан Амир Саид Султон. — Аммо фарзанднинг отадан тониши тарихда бўлмаган ҳол. Мен бундай разилликка асло бормайман! — деди қатъий.

— Баландпарвоз гапларни йиғиштиринг! — деди жеркиб комиссар ва киссасидан бир қогоз олиб шаҳзодага узатди. — Бунга нима дейсиз?

Бу қогоз иниси Амир Саид Шоҳмуроднинг отасидан кечиб, Совет ҳукуматига ёзган аризаси эди. Уни қайта-қайта ўқиб чиққан шаҳзода Шоҳмуроднинг имзосини кўрган бўлса-да, бунга сира ишонгиси келмасди.

— Укамни мажбур қилгансизлар! Шоҳмурод бундай тубанликка боришига ишонмайман!

— Биз умуман зўрлик ишлатмадик, — деди комиссар қогозни қайта киссасига солар экан. — Ўзингизнинг келажагингизни, хотинингизнинг келажагини ўйланг. Шундай ариза ёзишингиз билан бир соатда гўзал рафиқангизнинг ёнида бўласиз, чин большевик сўзим.

— Мендан бундай аризани ҳеч қачон кутманг! Мен шаҳзода Амир Саид Султон Олимхон ўғлиман! — деди шаҳзода.

— Сизга ўхшаб Оксфорд университетиде таълим олмаганини, балки Совет рабфакида тарбиялангани учун Шоҳмурод сиздан ақллироқ чиқди, — деди комиссар ўрnidан тураркан. Кейин мийигида кулиб, заҳархандалик билан қўшиб қўйди: — Яхши қолинг, шаҳзода!

Шу суҳбатдан сўнг шаҳзоданинг хўрлигу қийноқларга, тухмату бўҳтонларга, калтагу таҳқирларга тўлиб-

тошган маҳбуслик йиллари бошланди. Уни Лефортово қамоқхонасининг бир кишилик камерасида сақлашди. Маҳбусни бир кунда бир марта, фақатгина йигирма дақиқага «шамоллатгани» қамоқхона ҳовлисига назоратчи кузатувида олиб чиқишар, шунга қарамай, сиёсий маҳбуслар у билан алоқа ўрнатишганди. Шу ерда ҳам шахзоданинг ҳурмати баланд эди. Шундай азобларга қарамай ўз отасига содиқ қолган матонатли йигитга маҳбуслар зарур маълумотларни етказиб туришарди. Бу хабарлардан у иниси Раҳим амир одамлари томонидан интернатдан ўғирланиб, эсон-омон Афғонистонга етказилганини, хотинининг кўзи ёриб ўгил туққанини ва чақалоқ бехатар жойда эканини билди. Гулчехранинг иниси уни Бошқирдистонга олиб кетганди. Гулчехранинг ўзи эса совун заводига ишга кириб, малика Моҳи Нурнинг хонасига кўчиб ўтди. Унга алоҳида гамхўрлик қила бошлади. Икки-уч ойда бир келадиган бундай хабарларни шахзода орзиқиб кутарди. Шундай хабарларнинг бирида қайнотаси Нодиршоҳ Афғонистон тахтига ўтиргани ва унинг топшириги билан малика Моҳи Нурга Москвани тарк этиши учун рухсат берилганидан хабар топди. Аммо малика бу таклифни рад этганини эшитиб, хотинига бўлган муҳаббати янада ошди, юраги эзилди.

Менжинскийнинг шахсан ўзи олиб борган сўроқларнинг бирида шундай савол-жавоб бўлди.

Менжинский В.Р:

— Сиз бўлажак хотинингиз Моҳи Нур билан қаерда танишгансиз?

Шахзода Амир Саид Султон:

— Лондонда. Қирол саройида.

Менжинский В.Р:

— Бунда бирор сир, бошқа бир мақсад борлигига фаҳмингиз етмаганмиди?

Шаҳзода Амир Саид Султон:

— Бу табиий бир ҳолат эди. Қирол саройида йилда бир марта бериладиган балга қатор мамлакатлардан аслзодалар таклиф қилинарди. Шунинг учун Лондонда аёллар коллежида таълим олаётган малика Моҳи Нурнинг ҳам, Оксфорд университетининг талабаси бўлган менинг ҳам у ерга таклиф қилинишимиз бирор шубҳадан ҳоли. Биз бир-биримизни севиб қолишимиз эса ёлғиз тақдирнинг иши.

Дўқ-пўписа, ҳийла-найранглар, ҳақорату калтаклар билан яна анча муддат ўтгач, шаҳзодани тагин Менжинскийнинг шаҳсан ўзи сўроққа тутди.

Менжинский В.Р:

— 1920 йил июн ойида Афғонистоннинг Машҳад шаҳрида малика Моҳи Нур билан тўйларингиз бўлиб ўтган. Тўйдан кейин сизларни 400 инглиз ва 150 нафар турк ҳарбийлари Бухорогача кузатиб келишгани ростми?

— Рост, бу чинданам бўлган иш, — жавоб қилди шаҳзода. — Улар Совет давлатидан мустақил бўлган мамлакат амирининг таклифи билан келишганди. Бу ҳаракатда давлатга қарши бирон-бир жиноий иш кўрмаётирман.

— Саволимга тўғри ва қисқа жавоб қилинг. Сизни мен сўз ўйинига таклиф қилганим йўқ, сўроқ учун чақирганман, — деб бақирди Менжинский. Кейин ўзини бироз босиб олгач, шаҳзодани яна сўроққа тутди: — Бухорога келгач, шаҳар чеккасида портлатувчи моддалар тайёрлайдиган завод ташкил қилганингизни инкор этмассиз?

— Иккита эмас, битта, — деди шаҳзода оҳисталик билан. — У ҳам бўлса завод эмас, оддий тажрибахона эди. Чунки мен Оксфордда портлаш жараёни физикаси билан шугулланганман. Бухородаги тажрибахонадан

мақсадим илмий изланишларни давом эттириш эди.

— Аммо амирликни қулатишда раҳбарлик қилган Файзулла Хўжаевнинг айтишича, сизнинг ўша «тажрибахонангиз» амир қўшинларини ўқ-дори билан таъминлаб турган.

— Менга бундай тухмат қилган нонкўрнинг ўзи ҳам шундай тухматга йўлиқар. Электр заряди устида илмий иш олиб бораётган мендек физик қандай қилиб ўқ-дори тайёрлаши мумкин?

Орага жимлик чўқди. Менжинский қоғозга алланарсаларни ёзган бўлди.

— Охирги пайтда қаерда ишлагансиз?

— Бухородан Россияга жўнатилганимдан кейин икки йил ўтгач, академик Иоффе раҳбарлигида қаттиқ жинсларни электр ўтказувчанлиги тажрибахонасида ишлар эдим, — деди шаҳзода хўрсиниб.

Қамоқхонанинг якка камерасида жисмоний қийноқлару руҳий азобларда ўтган саккиз йил шаҳзоданинг иродасини бука олмади. У ўз отаси Саид Амир Олимхондан юз ўгирмади, мен Бухоро амирининг ўгли шаҳзода Амир Саид Султонман, деб туриб олди. Инглизларга Ўзбекистонни сотиш ниятида душманлик режаларини тузгансан, деган тухматларни барбод қилиб ташлади. Шаҳзода фақат ҳижрон азобига дош беролмади. «Узоги билан бугун шомгача уйга қайтаман» деб малика Моҳи Нурнинг мовий кўзларидан ўпиб, ОГПУчилар олдига тушиб кетган шаҳзода севикли ёри билан айрилиқ муддати саккиз йилга тўлганида чидай олмади. Саккиз йил ҳижрон доғида куйган шаҳзода маликани қандай бўлмасин яна бир бор кўриб қолиш орзусига тушди. Шу дардга касалланди. У хотини билан учрашув уюштиришни талаб этиб, очлик эълон қилди. Шаҳзоданинг бу қарорига элликдан ортиқ бошқа маҳбуслар ҳам қўшилишди. Аммо бағритош жазо маши-

насининг кўнгли юшмади, шаҳзоданинг талаби қондирилмади. Очликнинг 32-куни 1937 йилнинг 29 апрелида Бухоро амирининг ўгли Амир Саид Султон 37 ёшида Лефортово қамоқхонасининг зах камерасида бу дунёдан кўз юмди. Гулчеҳра бу мудҳиш хабарни маликадан яширди. Аммо бир куни унинг ёнига, совун заводига бир зарурат билан келиб қолган Моҳи Нур ўзаро пичирлашиб турган аёллардан суюкли эрининг фожиали ўлимини эшитиб қолди. Шунда у аёллардек фарёд солиб йигламади. Фақат мовий кўзлари жиққа ёшга тўлди. Бундай мудҳиш хабарни маликани олдида айтиб қўйган бефаросат қизга дакки бериб турган ишчилар Моҳи Нур совун қайнаб турган катта қозон устига чиқиб борганини пайқашмади. Маликани кўриб қолган Гулчеҳра ёрдамга ошиқди. Бироқ кеч бўлганди. Қозонга ўзини ташлаган Моҳи Нурнинг гўзал танаси бир зумда совун қуйқаларига араллашиб, йўқ бўлиб кетди.



СТАЛИН НАЗАРИДАГИ ГЕНЕРАЛ

Истеъфодаги генерал Беляковни Бернадский кўча-сидаги уйидан топдим. 70-йиллар охирида ҳарбий вертолётлар учун юздан ортиқ махсус учиш майдонларини қурганимда айнан шу генерал билан иш юзасидан жуда кўп учрашишга тўғри келган. Орамизда расмиятчилик йўқолиб, дўстлик ниш урган эди. Бурденко номли ҳарбий госпитал билан боғлиқ бўлган масаламни телефон орқали ҳал қилиб бергач, генерал енгил тортиб, олдимга кулдон суриб қўйди-ю, жилмайиб деди:

— Энди, профессор, бемалол чекиб, тортинмай, ёзилиб ўтиринг!

— Ахир сиз чекмайсиз-ку, генерал?

— Чекмайман. Аммо ёнимда чекиб ўтиришларини ёқтираман.

Сигарета тутатиб, олдимда турган ониксдан ясалган ажойиб кулдондан кўзимни уза олмадим. Уни яшашда тошнинг табиий гулларидан усталик билан фойдаланилган эди.

— Ажойиб кулдон экан, генерал! — деб ўз таассуротимни изҳор этдим.

— Билсангиз эди, унинг тарихи ўзидан ҳам ажойиброқ, — деди генерал ва завқ билан гапира кетди. — Камтарин кулингиз бир пайтлари 20 ёшда бўлган капитанга «Крим операцияси»да иштирок этиш насиб этган. Мен сапёр батальони командири, Тўртинчи Украина фронтининг қўмондони эса маршал Ф.И.Толбухин эди... Қримни озод этиш операцияси ниҳоятда оғир шароитга тўғри келган. Пишқирган денгиз тўлқинлари, қутурган душман авиациясининг тинимсиз бомбардимони, тўхтамай отиб ётган замбаракларнинг снарядлари қура бошлаган кўприкларимизни бир зумда йўқ қилиб юборарди.

Шундай аҳволда инженер кўшинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун маршал А.М.Васильевскийнинг тавсияси билан фронт штабидан Алимов деган кавказлик бир полковник келди. Айтишларича, у генерал Д.М.Карбишевнинг энг суюкли шогирди бўлиб, ҳарбий инженерлар академиясини аъло баҳолар билан тугатган, урушгача шу академияда беш-олти йил дарс берган экан. Жуда камгап, одамови бўлишига қарамай, полковник Алимов ўз идроки, инженерлик маҳорати билан офицерлар орасида катта ҳурмат қозонди. Полковник блиндажларга кириб келганида, ҳатто генераллар ҳам ўрнидан туриб уни қарши олганларига ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Уни дохийга қариндошмасмикан, деган ўйга ҳам борганмиз. Аммо у бошқа кўмондонларга ўхшаб сира инжиқлик қилмасди. Умумий солдат қозонидан бўтқа еб, тўғри келган ерда мураккаб ҳисоб-китоб қила оладиган одам эди.

Бироқ «Казбек»дан бўлак папирос чекмасди. Менинг Роман деган бессарабиялик бир лейтенантим бўлиб, кўлидан келмайдиган иш йўқ эди. У полковникка бир кўришдаёқ меҳр қўйиб, ўзига «пир» қилиб олди. Яна шу Роман аллақандай тошни топиб, устахонасида бир кеча ишлаб, полковникка шу кулдонни ясаб берган. Ҳадя полковникка жуда ёққан бўлса керакки, унинг кўзлари ёшланиб, Романни қучиб, пешонасидан ўпгани ёдимда. Шуниси қизиқки, шундай кулдондан яна бирини ясаб беришни ҳатто Толбухин сўраганида ҳам қайсар бессарабиялик ясаб бермаган. Агар оникс топсам, ясаб бераман, деб қўя қолган...

— Генерал, кулдон полковник Алимов учун ясалган бўлса, сизнинг кўлингизга қандай тушиб қолди?

— Уруш фожиалари оқибатида, ҳурматли профессор, — деди генерал чуқур «ух» тортиб, сўнгра яна хотира дафтарини варақлагандай, сўзида давом этди. — Қрим-

ни озод қилиш операциясининг бошланишида полковник Алимовнинг лойиҳаси ва шахсан иштироки билан 30 тоннали юк кўтарадиган, узунлиги икки чақирим келадиган «рама» тиргакли бир кўприк ва бир ярим чақирим узунликдаги понтон кўприклар, қатор тўғонлар қурилди. Қўшинларимизнинг «Т-34» танк қисмлари ва оғир армия замбаракларини ўтказишга мўлжалланган бу асосий ўтиш еридан душманни чалғитиш мақсадида бошқа бир ерда қалбаки кўприклар барпо этилган эди. Ҳарбий иншоотлар, тайёр бўлгач, фронт штабидан кўнгироқ қилиб, эрта тонгда, ҳали туман тарқалмай туриб, Васильевский билан Толбухинлар қурилмасини кўриш истагини билдиришди. Бу хабарни Алимов икковимиз блиндажимизга келаётганда эшитдик. Режадаги ҳамма ишлар битгани учун бу хабарни бамайлихотир қарши олдик. Чунки қурилган улкан кўприк худди кўриққа қўйилгандек кўркам, сўнги кўринмас даҳшатли иншоот эди.

Блиндажга кирганимизда эса ҳайрон бўлиб қолдик. Роман олдига каттагина бир биллур кристаллни қўйиб олиб, унга тикилганча, алланарсаларни ғудурлаб ўтирарди. У бизнинг кирганимизни сезмади. Кўзи тушганда эса ҳарбий низомга биноан ўрнидан турмади ҳам. Бир дардманд одамга ўхшаб:

— Ўртоқ полковник! Эҳтиёт бўлинг, эртага сиз учун энг хатарли кун, — деди у тиниқ кристаллга ишора қилиб.

— Лейтенант, нима деб валдираяпсан?! — деб ўшқирди орқамизда турган КГБ майори.

— Касал бўлиб қолганга ўхшайди, — деди Алимов хавотирланиб ва менга буюрди: — Лейтенантни зудлик билан лазаретга ётқизинг!

Ўша пайтларда биз «экстрасенс» деган сўзни билмасдик. Бироқ лейтенантнинг башорати тўғри чиқди.

Эртаси куни Васильевский, Толбухин ва Алимов кетаётган машина минага дуч келиб, портлаб кетди. Ҳайдовчи ҳалок бўлди, унинг ёнида ўтирган Алимов огир яраланди. Маршал Васильевский ҳам енгил жароҳатланган эди. Бу фожиа ҳақида Васильевскийнинг хотираларида кўпроқ ёзилган, ўқиб кўришингиз мумкин.

Сталиннинг буйруғи билан ярадор Алимовни махсус самолётда Москвага жўнатганмиз. Ўшанда, замбилда ётган полковник зўрға кўзини очиб, менга шундай деган:

— Лейтенантни майор исканжасидан сақланг!

Мен Романнинг биллур кристали билан оникс кулдонинигина бир амаллаб яшира олдим, аммо лейтенантни майор ҳибсга олиб улгурган эди.

...Уруш тугагач, тақдирнинг иродаси билан мени Ҳарбий инженерлар академиясига ўқишга юборишди. Шунда генерал Алимов ҳарбий иншоотлар кафедрасининг бошлиғи бўлиб, қўмондонларга дарс берар эди. У бир оз оқсаб, кўлида нозиккина ҳасса тутарди. Кейин билсам, ўша портлашда оёқдан ажралган экан. Бир куни фурсат кутдим, «Қрим операцияси»ни гапириб, генералга оникс кулдони ясаган бессарабиялик лейтенант Романни эслатдим. Бироқ у гапдан қочди, гўё ўша воқеалар бошқа бир кимса билаи бўлгандек тутди ўзини. Шундан кейин орамизда алоқалар фақат расмий ва қуруқ кечди. Шундай бўлса-да, генерални ўзимнинг жанговар полкдошим ҳисоблаб, доимо самимий ҳурмат қилардим. Олий мактаб тингловчилари эса унинг чуқур илми, катта ҳарбий тажрибаси олдида бош эгарди.

Генерал Беляков ўз суҳбатида «Алимов» деб тилга олаётган шахс асли кавказлик бўлмай, ўзбек эканлигини, бунинг устига Бухоро Олимхоннинг ўртанча ўғли — шахзода Шохмурод эканлигини айтганимда Беляков-

нинг оғзи очилиб қолди. «Э, Худойим!» деб, ҳар томонга қўлини ёзиб, хонасида у ёқдан-бу ёққа юра кетди. Менинг гапларимга ишонгиси келмас эди.

— Қизил армия командирларини тайёрловчи академияда амирнинг ўгли — шахзода дарс берганига сира ақлим бовар қилмаяпти! — дер эди генерал пешонасига қалқиб чиққан терларини артиб, кейин иккиланиб деди. — Аслида мен ҳам унинг шогирдиман, унинг ажойиб маърузаларини мароқ билан тинглаганман... Машҳур генералларни ҳам яраланганида самолётда Москвага элтишмаган. Ногирон бўлиб қолган барча кўмондонлар истеъфога чиққан. Аммо Алимовга ҳарбий хизматни давом эттириш учун Кремл рухсат бергани ҳам ажабланарли эди. Генерал Беляков билан хайрлашиб ўрнимдан турганимда, у шошиб оникс кулдонини арта бошлади. Бу қандай янгича русум экан деб, мен ҳайрон эдим. Генерал эса пинак бузмай, кулдон билан биллур кристаллни қоғозга ўради-да, менга узатди.

— Профессор, шу арзимас нарсани кекса жангчидан совға сифатида олишингизни илтимос қиламан, — деди генерал худди ёш ўқувчилардек ҳаяжонланиб. — Ҳар гал сигарета чекканингизда, бу кулдондан шахзода Шоҳмурод Алимов фойдаланганини кўз олдингизга келтирарсиз. Шунда камтарин кулингизни ҳам ёдларсиз.

— Ҳа, Шоҳмурод ўзга йўл танлади. Ўз илик қувватидан бериб, унга ёруғ дунёга йўл очган падари бузруквори Амир Олимхондан юз ўгириб, надоматлар билан унга қарши хат ёзди. «Известия» газетасида чоп этилган бу машъум тавба бутун дунёга тарқалди. Ислому насронийлар дунёсида оқсуяк шахзода ўз отасидан тониб, юз ўгириши мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Аммо хат шахзодага шўролар ҳукуматининг энг нозик ўқув юрталаридан бири — Ҳарбий инженерлар академиясининг

эшигини очиб берди, доҳий илтифотидан баҳраманд қилди, уни оддий рабфак тингловчисидан Совет армиясининг генерали унвонигача етаклади. Бу — генерал Алимов ҳаёт йўлининг расмий баёни. Аммо аслида қандай бўлган? Амир саройида тугилиб ўсиб, шоҳона ҳаёт кечирган шаҳзода уч-тўрт йил Москва рабфакида ўқиб, ётоқхонада юпун ишчилар билан ётиб туриб, наҳотки ўз отасини унутса? Балки НКВД ходимларининг калтаклари шаҳзоданинг иродасини буккандир? Тазйиқ остида ўз отасини лаънатлаб ёзилган хатга қўл қўйган шаҳзода бугун умр бўйи куйиб яшагандир эҳтимол? Шунинг учун бўлса керакки, генерал ўзининг ўтмиши ҳақида сира ҳам гапирмаган.

Бессарабиялик лейтенант биллур кристаллига тикилиб туриб, бўлажак фожиани башорат қилганида Шоҳмурод унга ишонган, аммо атрофдагиларга сездирмаган. Фожа юз бериб, оғир яраланган полковник ўша тобда ўзининг ҳаёти эмас, бечора лейтенантнинг тақдири қизиқтирган. Шунинг учун у Беяковга лейтенантни КГБдан асрашни топширган. Кўп қон йўқотиб, ҳолдан тойган шаҳзода алаҳсирай бошлаган, отасини чақириб, оҳ чеккан. «Назаримда, отам уч кунгача ёнимдан жилмай, бошим узра ўлтириб чиққан эдилар», деган оғир дамларини эслаган Шоҳмурод бир вақтлар хон саройида канизак-ўйинчи бўлган Марям Ёқубова билан суҳбатида.

Шаҳзода Шоҳмурод умрининг охиригача ваҳимада, хавотирда яшади. У ҳатто истеъфога чиққанига қарамай, фамилиясини ўзгартирмоқчи бўлган. Чунки чет элдан келиб турган жиянлари уни кўп марта ахтаришганини билиб қолган эди. Айтганча, Саид Темур деган жияни адрес столи орқали генерални топади. Афғонистон халқ-демократик партиясининг аъзоси, Киев давлат университетида таҳсил олиб, файласуф бўлиб

чиққан Саид Темур ўз амакиси уни совуқ кутиб олишидан ҳанг-манг бўлиб қолади.

— Мана, сен ҳозир меникидасан, — деган шунда генерал бир хўрсиниб. — КГБга эса бу ҳақда аллақачон ахборот етган!..

— Хўш, нима бўпти?— хайрон бўлган шаҳзода Саид Темур.

— Ўзинг ҳам тушунасан, бу жуда ёмон...

Бухоро хонлиги сўнгги шаҳзодаларининг фожиали қисмати ҳақидаги қиссамни тугатар эканман, икки қудратли инсон тақдири устидан табиат урган қаҳқаҳа олдиди ёқа ушладим. Ўша пайтдаги халқаро сиёсатда ўз ўрни бўлган Амир Олимхон қўлидан омад қуши бир зумда учиб, хонлик тахтидан, она юртидан, унга азиз бўлган уч ўғлидан ажради. Бош фарзанди НКВД қамоқхонасида фожиали ўлди, иккинчи ўғли Сталиннинг назар-эътиборидаги генерал бўлса-да, доимо кўрқув билан яшади. Учинчи ўғлининг тақдири эса одамлар эътиборидан четда қолди. Бу фожиаларга билвосита алоқаси бўлган Сталинни ҳам тақдир жазолади: унинг катта ўғли фашистлар концлагерида қийноқда ўлди; иккинчи ўғли генерал Василий эса «...отам ўлгач, КГБ мени соғ қўймайди» деган ваҳимада яшади, ичкиликка берилиб ўлиб кетди, учинчиси — асранди ўғли эса доҳийнинг ўлиmidан кейин хору зорликда умр ўтказди. «Ал-қасосул минал ҳақ» деганлари шу бўлса керак...



СИРЛИ ТОШЛАР

Тошларга нисбатан муҳаббат менда жуда эрта пайдо бўлган.

Болалигимда ёстигимнинг тагидан, йириклиги да-нақдек учта уч хил рангдаги тошни топиб олганим ёдимда. Қизиқиш билан уларни томоша қилаётганимда ойим раҳматли бу тошлар чақалоқлигимдан менга йўл-дош бўлганлигини ва уларнинг «сеҳрли» эканлигини айтиб берган эдилар.

— Аданг билан турмуш қуриб беш йил деганда худодан тилаб, сени туққанман, — дегандилар онам. — Дунёга келган кунингдан етти кеча-кундуз йиғлаб, мени эммагансан. Сени кўриб дўхтирлар, ноилож бош чай-қаб кетишди. Домла-ю, кинначиларнинг «куф-суф»лари фойда бермади. «Тилаб олган бош фарзандимизнинг умрини худо шунчалар қисқа қилиб яратган экан-да», деб аданг билан роса куйдик. Саккизинчи куни бувинг раҳматли Қўйлик томонда яшовчи бир хитой табибига бориб келдилар. Сени кўлларига олиб, қандайдир бир дуо ўқиганларидан кейин оғзингга кўкрақларини тутдилар, сен эма бошладинг. Йиғинг тўхтади. Шунда бувинг сени астагина бешикка белаб, ёстигинг остига шу учта тошни қўйган эдилар. Тинчиб оҳиста ухлаб қолдинг. «Бу тошлар набирамни тинчлатди. Энди улар доимо ёстигининг остида бўлсин, — дедилар бувинг. — Улар унинг соғлиги посбони, боламини инс-жинслардан асраб, танига куч-қувват берувчи сеҳрли тошлар...»

Бувингнинг гапларига унчалик ишонмасак-да, айтганларини бажариб юрдик: шу учта тошни ёстигинг остига қўйишни унутмадик. Сен яхши ухлаб, тўлишиб, куч-қувватга кира бошладинг. Бир куни, ёшлигимга

бориб, «сеҳрли тошлар»нинг қудратини синамоқчи бўлдим. Ухлаб ётганимда, ёстигинг тагидан тошларни аста олдим. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, уйғониб, йиғинг билан бутун уйни бошингга кўтардинг. Рихси амманг билан мен сени овута олмай, эсанкираб қолдик. Фақат тошларни жойига қўйганимдан кейингина сен тинчландинг, яна уйқуга кетдинг. Шундан бери бувинг айтганларидек, тошларни ёстигинг остига қўйиб келаман.

Ўша пайтда менга тушунарсиз бўлган бу гапларни айтган ойим қўлимдан тошларни авайлаб олдиларда, уларга қараб туриб, хаёлга берилдилар. Тошлар уч хил: оқ, сариқ ва яшил рангда эди. Улар соққага ўхшаган думалоқ бўлиб, сирли ялтирарди. «Нега уларнинг ранги бундай экан?» деб ўйлаб қолдим.

— Бу тошлар учта сайёранинг тимсоли, — дедилар ойим, худди кўнглимдаги саволни уққандек бўлиб. — Сариги — қуёш, оқи — ой, яшили эса, ер. Бу сайёралар сени ёмон кучлардан айрайди, қувват, танангга ҳарорат бериб туради.

Баҳор кунларининг бирида уй ҳавосини янгилаш ниятида ойим деразаларни очиб қўйдилар-да, ўзлари ҳовлимиз этагидаги ўра лабига жомашовни қўйиб, кир ювишга киришдилар. Ўшанда олти ёшларда эдим. Ёстиқ остидан тошларни олиб ҳовлига чиқдим-да, соққа қилиб ўйнай бошладим. Ўйинга берилиб кетган эканман, меҳмонхонамиздан кимдир номимни айтиб, мени чақиргандек бўлди. Ўйинни тўхтатиб, қулоқ солдим. Ҳаммаёқ жимжит. Уйда мену ойимдан бўлак ҳеч ким йўқ. Ойим томонга қарасам, улар сувни кўпиртириб, кир ювиш билан бандлар. «Ҳа, қулогимга шунчаки эшитилгандир», деб ўйладим-да, яна ўйинга берилдим. Тош соққалар бир-бирига шақиллаб текканида завқланар эдим. Бир оздан кейин яна бояги овоз, аниқроғи,

аёл кишининг овози менинг номимни айтиб чақирганини аниқ эшитдим. Беихтиёр ўрнимдан туриб, дераза олдига бордим. Уй ичига қарасам, деворга суянган курсида оқ кўйлак, оппоқ рўмолга ўралиб бувим ўтирибдилар. Хурсанд бўлганлигимдан қучоқларига ташланиш учун эшик қолиб, деразадан ошиб тушишга ҳозирланганимда хаёлимдан: «Ахир бувим вафот этгандилар-ку?!» деган фикр ялт этиб ўтди. Деразага минганимча қотиб қолдим. Бувим эса ўша курсида менга меҳрли кўзларини тикканча, аллақандай хомуш жилмайиб ўтирар эдилар.

— Ойи, ойижон! — деб, онам томонга қичқирдим ва меҳмонхонага имо қилиб: — Бувим уйда ўтирибдилар. Келинг, тезроқ, — дедим.

Бу гапни эшитган ойим бир зум менга ҳайрон қараб қолдилар. Кейин негадир жомашовни кир-пири билан кўтариб, бақирганча кўчага отилдилар.

— Болажоним! — деб, бувим мени яна чақирдилар. Қарадим. Менга насихат қилиб, шундай дедилар: — Бу тошларни ўйнама. Улар ўйинчоқ эмас. Уларни асра, ўғлим!

Шундай дедилар-да, худди оппоқ булут каби аста кўздан гойиб бўлдилар.

Ойим бошлаб келган кўни-кўшнилар, мактабдан қайтган Рихси аммам тепамда гирдикапалак бўлишиб, юзимга сув сепишди, нима эшитганимни сўрашди. Сўнгра кўпни кўрган онахонлар кенгашиб, ёстигим остидаги тошлар чиндан ҳам дуо қилинган ва улар менинг доимий ҳамроҳим бўлиши керак, деган фикрга келишди.

Шундан кейин шу тошларни ёнимда олиб юриб, Урал ва Сибир тоғларини кездим. Россия ва Ўрта Осиёнинг ер ости конларига тушдим. Уралда ўтган аспирантлик давримда ҳам бу тошлар ҳамроҳим бўлди.

Мени, йигирма етти ёшли фан номзодини Тошкент политехника институтининг илмий гуруҳига раҳбар этиб тайинлашди. Чет эл журналларида илмий мақолаларим эълон қилинди. Москва авиация институтининг илмий кенгаши изланишларим натижаларини кўриб, докторликка тавсия қилганида ёшим ҳали ўттизга ҳам тўлмаган эди. Қисқаси, у даврлар ошигим олчи, омадим юришган йиллар эди. Кунлардан бир кун Олмалиқ шаҳридан қайтаётиб, мен тушган машина фавқулодда қаттиқ шикастланди. Ҳамроҳим ва ҳайдовчи оламдан ўтишди. Мен эса, кўз ўнгимда рўй берган фожиадан эсанкираб қолганимни айтмаса, жабрланмадим. Аммо кечкурун уйқуга ётишим олдидан қарасам, ёстигимнинг остига қўйиб қўйиладиган яшил бахмал халтачадаги тошларим йўқ. Дилим хира бўлиб, туни билан ухламадим. Эртасига фалокат юз берган ерга бориб, ҳаммаёқни қидирдим, автоинспекцияга ўтиб, пачоқланган «Волга»нинг ҳар қарич жойини қайта-қайта синчиклаб қарадим. Аммо тошларимни тополмадим. Худди қадрдон дўстини йўқотган, азиз нарсасидан айрилган ва таянчсиз қолган кимсадек эзилдим. Шу кундан бошлаб, нимага қўл урмай ишим унмади. Ечими мушкул муаммолар худди қор кўчкисидек бошимга ёпирила бошлади. Бош оғриқ дардига дучор бўлдим. Бора-бора оғриқ зарби шу даражага етдики, охири невропатолог олимларга мурожаат этдим. Уларнинг фикрича, бош миямда ўсимта бор, уни жарроҳлар даволаши мумкин, дейишди. Бунинг учун Москвадаги Бурденко номидаги нейрохирургия институтига боришимга тўғри келди. Аммо уларнинг давоси ҳам натижа бермади: бош оғригидан қутулмадим.

Ўтган ҳаётим давомида кўп юртларни кездим. Чуқурлиги уч ярим минг метрдан ортиқ бўлган жаҳонга машҳур конларда бўлдим.

Қўлимга бирон-бир минерал ёки тоғ жинси тушиб қолса, унга қараб ўйга толардим. Унинг кўриниши-ю таркибидан бу жисмнинг ерда кечган ҳаёти тарихини ўқигим, сирли кучларининг хусусиятларини билиб, уни инсонларга хизмат эттиришга тинимсиз интилдим. Умрим қуёши ботишга қараб оғанда, дўстлар биринкетин бу фоний дунёни тарк эта бошлаганида, яқинларим узоқлашиб, туғишганларим бегоналашиб қолаётганини ўйласам, қалбим ўртанади.

Ўша сеҳрли тошларимни қайтиб топмаган бўлсамда, уйимдаги минерал нусхалари менга дўст ва кўмакчи бўлиб, неча-неча йиллардан бери мен билан бирга яшаб оғриган пайтларимда дардимни олишди. Худди севикли кишисидан айрилиш оғир бўлганидек, улардан ажралишим қийин — улар менинг тақдир тошларимдир.



ОҒИР ПАРВОЗ

Бу воқеа бундан ўттиз йил бурун, янги йил арафасида бўлиб ўтган эди. Ўша пайтда мен Авиация саноати вазирлигига қарашли институтда ишлардим. Институт Краснодар шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг етакчи олимлари собиқ иттифокнинг турли шаҳарларидан йиғилган эди. Оилам Тошкентни ташлаб, Краснодарга кўчиб боришга қатъиян қарши бўлгач, мен у ерда ёлғиз яшаб, ҳар жума — иш тугагач, Краснодардан Тошкентга учиб, кечки соат 11 да уйда бўлардим. Душанба куни эса соат 7 да Тошкентдан учиб, соат 10 да ишхонамда пайдо бўлардим. Бундай сафаримда Як-40 самолётидан фойдаланардим.

1971 йилнинг 30 декабрида эрта билан Тошкентга қўнгироқ қилиб, хотинимга кечкурун уйда бўлишимни айтдим. Мени тинглаб турган хотиним хайрлашаётиб:

— Янги йил остонамизда, эшитдингизми? — деб огоҳлантиргандек оҳангда гап қилди. — Кечикманг-а!

Қўнгироқ қилганимдан пушаймон бўлдим. Чунки хотиним нимани тайинлаб айтса, ана шу нарсанинг тескариси бўлиб чиқарди. Агар у мен уйимизнинг ёнидаги дўконга нонга чиқиб кетаётганимда: «Бирортаси билан гаплашиб қолманг, тезроқ келинг» деса, албатта, бирор-та танишим йўлимни тўсиб, икки соат гапга соларди.

Аэропортга аспирантим Олег Холявин ўз машинасида олиб бориб қўйиб, анча мушкулимни осон қилди. У мени самолётнинг туширилган трапигача кузатиб қўйди. Экипаж мени кўриб, анъана бўйича трап олдида саф тортди.

— Як-40 самолёти «Краснодар-Минводи-Нукус-Тошкент» маршрути бўйича учишга тайёр! Моторни ишга солишга ружсат беринг, — деди кема командири.

— Рухсат! — дедим мен ва ҳайрон бўлиб сўрадим.
— Нега Нукус, Урганч эмас?

— Урганч аэропорти тунда ишлашга мослашмаган,
— деди командир.

Холявин мен билан хайрлашар экан, «ҳеч нарса ёдингиздан чиқмадим» қабилда савол бериши билан қўлимни ён чўнтагимга солдим, кайфиятим бузилди:

— Талисманим — оникс тоши столимнинг галадо-нида қолиб кетибди.

Оникс — бу заргарлик-безак тоши бўлиб, жуда қадимдан маълум. Қадимий Бобил ва Тибет тиббиётида бу тошдан кўп дардларни даволашда фойдаланишган. Одамларнинг дард чеккан ерларига тошни қўйиб ёки суртиб, оғриқни енгиллаштиришганини ўқиганман. Му-сулмонлар онексни (араб «агат») бало-қазодан сақловчи илоҳий кучга эга, деб ҳисоблашган. Мендаги тош онексни карнеол (сердолик) тури бўлиб, Урал конларидан олинган эди. Айтишларича, у Урал ортида жавоҳир конларини излаш билан XVIII асрда машгул бўлиб юрган бухоролик Ашир Қулибекнинг шахсий коллекциясидан экан. Қандай бўлмасин бу табаррук тошни мен доимо синов-тажриба ишларимда, тез-тез бўлиб турадиган сафарларимда ёнимда олиб юришга одатланган эдим. Бунда тажрибаларим муваффақиятли ўтиб, ишларим олдинга силжир эди. Буни билган ҳамкасбларим ҳам тошга аллақандай сеҳрли бир тумордек қарашар эди.

— Балки институтга бориб келарман, — деди шогирдим ачиниб.

— Йўқ, — дедим мен қатъий қилиб, ўз иримчилигимдан уялиб. — Усиз ҳам эсон-омон учсак керак, — дедим мен қулиб.

... Лекин ундай бўлмади, Минводага етай деганимизда чап двигателдан ёг оқа бошлади. Метеорологик сабабларга кўра, Минвода бизни қабул қилмади. Кўш-

ни Нальчикда ҳам аҳвол ёмон экан. Орқага, изимизга қайтишга мажбур бўлдик. Танг аҳволга тушиб қолганимиздан хабардор бўлган Ставрополь аэропорти бизни қабул қилди. Таъмир ишларини икки соатларда бажариб, янги йўлак сўрадик. Энди йўлимиз Астрахан орқали ўтадиган бўлдик. Астраханга қўнганимизда ҳаво айниб, эртасигача қолиб кетдик. Эрталабдан ҳаммаёқни босган туман соат ўн иккиларда тарқади. Бизни Урганчга қараб йўллашди. Бу ҳар ҳолда Ўзбекистон тупроғидаги аэропорт бўлганидан, мен уйимга яқинлашаётгандек, ўзимни енгил ҳис қила бошладим. Аммо қувончим кўпга чўзилмади. Самолётимиз кўниш учун пасайишга йўл тутганида, ердан диспетчерлар аэропорт ёпиклигини хабар қилишиб, кайфиятни бузишди. Кучли циклон оқими келиб, Хоразм воҳасию Қорақалпоғистонда бўрон кўтарилибди. Худди табиат мени ўз юртимга кўйгиси келмаётгандек, бизни яна шимолга ҳайдади. Биз энди Актюбинск аэпортига кўндик. Аэропортда қаттиқ совуқ бўлиб, тизза бўйи қор эди. Тезлик билан бизга ёқилги бериб йўлга чорлашди.

Учиш майдончасидан елиб кетган самолётимиз ҳавога кўтарилмай, яна орқага қайтиб, учиш майдончасининг бошига келди. Бу диспетчерлардан бўлган буйруқ асосида бўлган «маневр» деб, бунга унча аҳамият бермадим. Аммо мен ўйлаган «маневр» яна икки марта қайтарилгач, хавотирландим. Самолётни қайтариб четки йўлга кўйишгач, двигателлар ўчирилди.

— Самолёт ердан узилмаяпти, — деди кема командирининг фигони ошиб. Сабабини ҳеч ким била олмаяпти.

Аэропортнинг ердаги хизмат ходимлари икки соатча уриниб, самолётнинг қанотларини латта билан роса артишди. Айтишларича, самолёт қанотида майда муз зарралари самолётнинг аэродинамик хусусиятига сал-

бий таъсир қилган эмиш. Қандай бўлмасин, бизни йўлга солишса бас. Биз Тошкентга қараб учганимизда куёш бота бошлаётганди. Тошкентга яқинлашганимизда яна бирор қор-ҳол бўлмасмикин деб, юрагим така-пука бўлди. Самолёт қаноти остидан Тошкентнинг чироқлари кўринганида қувониб кетдим. Шунда мен жонажон шаҳримни қанчалик яхши кўришимни сездим. Кўзларим ёшланиб, чироқлар денгизига қараб, ўзимни улар қучоғига отгим келаверади. Аммо кўнишга пайсаган самолёт кўниш майдонининг устидан пастлаб ўтиб, яна кўтарила бошлади. Кейин шаҳар устидан катта доира ясаб, уча бошлади.

— Тагин нима бўлди? — хавотирланиб сўрадим мен учувчилар хонасининг эшигини силтаб очиб, худди бунга улар айбдордек.

— Қўниш майдончаси музлаб ётганмиш, — деди командир.

Кема командири қора терга тушиб кетган эди. Бундан кейин Эркин Алиев билан анча йиллар бирга учганимда унинг бундай аҳволга тушганини бошқа кўрмаганман. У жуда асабийлашганди. Биз икки марта Тошкент тепасида айланиб чикдик, ёқилги тугай деганда ҳам бизни Тошкент қабул қилмади. Бақда қолган ярим соатлик ёқилги билан Чимкент тарафга йўналдик.

Янги йилни аэропортда учувчилар билан кутишга мажбур бўлдим.

Орадан ўттиз йил ўтиб, бу воқеаларни эслар эканман, аёл зотининг нақадар бардошлилигини энди янада теранроқ англагандайман. Аёлимнинг кўнгли ҳар қандай хавф-хатарни мендан олдин сезиши қалб кўзи доим сергаклигини тушунгандекман. Аёл қалби — жонли талисман. Зеро, ҳаётнинг барча синовларига бардошни, энди билсам, мен билан яшаган Аёл бардошидан олган эканман.

ЁҚУТТОШ ФОЖИАСИ

Мен қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган жавоҳир фан тилида «родонит» деб аталади. Бу тош «Қимматбаҳо тошлар» деб номланган Халқаро тизимининг учинчи гуруҳига киритилган.

Таркибида марганец бўлгани учун бу тош табиатан камёб пушти ранг ила йўғрилган. Шу сабаб, юнонча «родон» — атиргул деган маънони англатиб, шунинг эвазига «родонит» деб юритилади. Аммо ҳар ерда халқ тилида уни турлича аташади. Масалан, Ўролда бу тошни «орлиц» дейишса, Лотин Америкасида «Инклар гули», Шарқ халқлари, шу жумладан қадимий Турон халқи уни «Тонг тоши» деб атаган.

Ҳиндистонликлар тонг тошини «фақат гўзаллиги учун эмас, балки соҳир хусусиятлари туфайли ҳозиргача жуда кадрлашади. Уларнинг фикрича, бу тош инсондаги яширин қобилиятларни юзага чиқаради, унинг юрагида ижодга, санъатга меҳр уйғотади.

1960 йили институт йўлланмаси билан мен Тожикистоннинг тоғлик ҳудудидаги конга етиб келдим ва ер ости ишлари бўйича навбатчи инженер бўлиб ишлай бошладим. Коннинг геологик хусусиятлари ва техник шароитларини яхшилаб ўрганиб чиқиш учун икки-уч кунлаб ер остидан чиқмай, берилиб ишлардим. Орадан кўп ўтмай, мени коннинг раҳбари Жолткевич сўроқлаётганини айтишди... Эшик олдида кадрлар бўлими бошлигига учрадиму у менга, директор ўз уйида кутаётганини айтди.

— Сени ишдан чалғитганим учун узр, шоввоз! — деди директор мен билан сўрашиб. — Ишга янги келган инженерлар билан шахсан суҳбатлашиш одатим бор.

Шундай дея Жолткевич мени ўз меҳмонхонасига

бошлади. Мени юмшоқ ўриндиққа ўтказиб, ўзи бошқа хонага чиқиб кетди. Мехмонхона деворлари шифтгача пушти рангли ажойиб тош билан кошинланган бўлиб, хонанинг пойгагига ҳам шундай тоштахталар ётқизилган эди. Буни кўриб, оғзим очилиб қолди. Тоштахталар шундай сайқалланган эдики, юзасига ҳатто чанг кўниши маҳол кўринарди. Ақлим шошиб, директорнинг қайтганини ҳам билмай қолибман. Хонада чироқ ёниши билан чўчиб тушдим. Қандил ёруғида мехмонхона пушти рангда ажиб товланиб, бу гўзалликдан қалбим қувончга тўлди. Менинг хайратимдан мамнун бўлган директор:

— Бу асл родонитлар. Ўзимиздан чиқади, — деди гурур билан.

— Бундай гўзалликни умримда биринчи марта кўришим, — иқрор бўлдим мен.

— Бошқа кўрмайсан ҳам, — деди хохолаб кулиб директор.

— Қулайлигини айтмайсизми, — деб гапга аралашди, хонага кириб келган директорнинг хотини, бизга қаҳва узатиб. — Илгарилари кунда чанг артиб чарчар эдим. Энди эса ҳафталаб хонамиз тоза туради.

Кечқурун ётоқда Юра деган магнитогорсклик бир ҳамкасбимга таассуротларимни айтгандим, унинг энсаси қотди:

— Қаримай ўлсин! — деди у қўл силтаб. — Родонит билан хонасини қоплатгандан бери Жолткевич уйидан чиқмай қолди. Мияси айниганми, дейман, кўрган одамни мехмонхонасига бошлаб кириб, мақтангани мақтанган. Роса меъдага тегди!

Мен Юранинг гапини ҳасадга йўйиб қўя қолдим. Шунча йил умрини қонда ўтказган Жолткевичдек фидой одам кўнглига келганини қилган экан, шу ҳам айб, шу ҳам гуноҳми, деб ўйлаб, ҳатто дўстим Юрадан

хафа ҳам бўлдим. Бора-бора олган таассуротим суса-йиб, ажойиб родонитли хона эсимдан ҳам чиқаёзди. Орадан чамаси уч ойча вақт ўтгач, кончилар орасида «Жолткевич йўқолиб қолибди» деган хунук хабар тарқалди. Раҳбариятга яқин одамларнинг фикрича, Жолткевич, тунда, сирли ҳолда гойиб бўлган. Чунки у билан бир ўринда ётган хотини ҳам буни сезмай қолган. Чунки директор тунда, кўрпа ичига қай аҳволда кирган бўлса, худди ўша ҳолда гойиб бўлганди. Унинг кийим-бош-ю, хонада кийиб юрадиган шиппагигача, қаерда ечилган бўлса, ўша ерда ётарди. Коннинг бош инженери Савушкин ҳам, партия ва жамоатчилик ташкилотларининг раҳбарлари ҳам нима қилишни билмай ҳайрон эдилар. Ёши элликка қараб кетган, эл-юрт таниган одамнинг ўз хотини кўйнидан сездирмай чиқиб, шир ялангоч ҳолда бирор ерга боришини ҳеч ким ақлига сигдиролмасди. Жолткевич, ҳатто район марказига ҳам икки соатгинага тушиб чиқадиган бўлса, бу ҳақда Москвага кўнгироқ қилиб, улардан ижозат сўрар экан.

Директорни биров зўрлаб олиб кетган, деган гумон ҳам мантиқсиз эди. Чунки директор аёлининг тасдиқлашича, тун жуда осойишта ўтган, биров эрини чақирмаган ҳам, бошқа хил хатти-ҳаракатларни ҳам сезмаган. Бундан ташқари Жолткевичнинг тўппончаси, доимгидек ёстигининг остида турарди. Шунинг учун вақт ўтгани сайин, барчанинг боши қотиб, саволлар кўпайди. Орадан икки кун ўтиб ҳам вазият ўзгармади, шу боис бу ҳақда Душанбега, сўнгра Москвага хабар беришга тўғри келди. Худди кўнгироқни кутгандек зудлик билан текширув органлари ходимлари етиб келишди, тинтув-сўроқлар бошланиб кетди. Район марказидан келтирилган исковуч итлар ҳам исни ололмади. Жолткевич йўқолганига саккиз кун бўлгач, бир чўпон келиб Филмондор дарасида аллакимнинг жасади ётганини

айтди. Прокуратура ва милиция ходимларига қўшилиб, бир талай кончилар чўпоннинг кетидан эргашишди, Бу кон майдонининг этагида, Жолткевичнинг уйидан уч чақирим наридан ўтган пишқириб оқувчи дара эди. Дара четидан пастга қарадик. Чамаси икки юз метрча чуқурликда туртиб чиққан бир қоя устида аллақандай жасад қушларга ем бўлиб ётарди. Қоядан яна юз-юз эллик метр пастроқда эса Филмондор дарёси ўкириб оқарди.

Самарқанддан келган алпинистлар ёрдамида кўтарилган жасад шу қадар бузилган ва тилка-пора эдики, унинг кимлиги у ёқда турсин, нималигини ҳам билиб бўлмас даражада ириб кетганди. Шунга карамай, суд-мед экспертизаси уни Жолткевичнинг жасади эканлигига қафолат берди.

Сўроқ ва текширувлар узоққа чўзилмади. Жолткевич ойдинхаёллик (уйқуда юриш) дарди туфайли уйдан чиқиб кетган ва жарга йиқилиб ўлган дея хулоса қилинди. Мамлакатга зарур металл етказиб берувчи конга янги раҳбар этиб бош инженер Геннадий Савушкин тайинланди, мени эса унинг ўрнига бош инженер лавозимига кўтаришди. Марҳум Жолткевичнинг хотини эрининг «тўққизини» ўтказгач, Самарқандга бутунлай кўчиб кетди. Жолткевичнинг орзу-ҳавас қилиб қурган родонитли меҳмонхонаси янги директор Савушкиннинг ихтиёрига ўтди.

Кончилар Жолткевични негадир тез унутишди. Аммо унинг хотини эрининг бесабаб, сирли тарзда ҳалок бўлганлигида кон раҳбариятини айблаб, Республика текширув органларига мурожаат қилишдан чарчамади. Сўроқ бермаган кончи, прокуратурага чақирилмаган инженер қолмади. 1963 йилнинг январидан мен Ўролга – Свердловск шаҳрига аспирантурага ўқишга кетибгина бу галваю сарсонликлардан қутулдим.

Орадан йиллар ўтиб, Свердловскнинг Кольцово аэропортида бир аёл билан тасодифан танишиб қолдим.

— Кечирасиз, агар сиздан аёл киши илтимос қилса, бировнинг уйига ўғриликка тушармидингиз? — деди аёл маъюсгина жилмайиб.

У эшиги қулфланиб қолгани туфайли мендан ёрдам сўради.

Иморат, жуда қадимий, катта-катта харсанг тошлар йўниб ишланган икки қаватли бино бўлса ҳам тунда кўзимга улкан саройдек кўринди. Бир амаллаб эшикни очиб бердим. Омон-эсон ўз уйига кириб олган муш-тилар аёл хурсанд бўлиб кетди, мени қаҳва билан сийлади ва тунаб қолишга ундай бошлади.

— Кетсангиз, мен хавотир олиб, туни билан мижжа қоқмай чиқаман. Жой сероб. Меҳмонхонадаги диванга ўрин солиб бераман. Эрта билан меҳмонхонангизга бафуржа жойлашаверасиз. Менинг уйим бир вақтлар Свердловнинг иш кабинети бўлган. Бундай тарихий ерда бир кеча тунаш ҳаммага ҳам nasib қилавермайди.

Охирги гап менда катта қизиқиш уйғотиб, тунашга рози бўлдим. Душ қабул қилиб, меҳмонхонага кирганимда оғзим очилиб қолди. Оппоқ чойшаб солиниб, ётишга ҳозирланганимда диван қаршисида антиқа бир иш столи қандил ёруғида пушти ранг нур сочиб, ялтираб турарди. Бу стол олдида бақрайиб қолганимни кўриб, Таня жилмайди:

— Бу столи ўроллик ишчилар Свердлов учун махсус тайёрлашган экан. Орлиц тошидан эмиш.

Кеч ётганимга қарамай, ўрнимдан тетик бўлиб уйгондим. Бир вақтлар Тожикистон тоғларида юргандек ўзимни бардам ҳис қилдим. Родонитдан тайёрланган бу стол ҳақиқий санъат асари эди. Унинг ойнадек сиртига юзимни кўйиб, дам олдим.

Нонушта пайтида Танядан бу тарихий кабинет ва

ажойиб родонит столининг қандай қилиб уларнинг шахсий мулкига айланиб қолгани ҳақида сўрасам, аёл кўл силтаб қўя қолди.

— Бу уй бехосият! — деб таъкидлади у.

Сўнгра машхур ёзувчи бўлган отаси Фёдор Шубга бу уй ҳукумат томонидан махсус қарор билан берилганини, шу родонит столида отаси томонидан уч йилда олтита тарихий роман ва қиссалар ёзилганини айтиб берди.

— Уйнинг хосиятсизлиги шундаки, шу уйга келганимиздан кейин отам ичкиликка берилди. Натижада спиртда ёниб ўлди. Онам отамни жуда яхши кўрарди. Отамнинг фиरोкида кўпга бормади. Унинг йили ўтмай, руҳий хасталикка учради. Ҳалигача жиннихонада ётибди. Эрим ҳам борган сари отамга ўхшаб кетаяпти. Отамнинг курсисига ўтириб олиб, кечаси билан ишлагани-ишлаган! Яқинда битта катта китоби чиқди. Тез-тез ичиб ҳам турибди. Қўрқаманки, бу кетишда иккинчи китобига етолмай, ҳолдан тояди... Беш яшар қизим эса, чўпдек озиб, қилтиллаб қолган, — дея тушунтирди Татьяна.

Ёш ҳаёти ўзига хос муаммолар билан тўлиб-тошган бу гўзал аёл билан хайрлашдим.

Саксонинчи йилларнинг бошларида, бир вақтлар конда бирга ишлаган геолог Шестопаловни Олмаликда учратиб қолдим. Орадан йигирма йил вақт ўтган бўлса-да, қадрдонлардек кўриша кетдик.

Шунда гап айланиб, Жолткевичнинг сирли ўлимига тақалди. Шестопалов Жолткевичнинг ўрнига директор бўлган Савушкиннинг ҳам ҳаёти фожиали тугаганини, у ўз хотини Иринани бўғиб ўлдирганини, ўзини эса ўша родонитли меҳмонхонада осиб қўйганини айтиб берди.

Ҳайратдан қотиб қолдим.

— Ажабланарли ери йўқ, дўстим! — деди Юра менга маъноли тикиларкан. — Бу фожиаларнинг сабаби меҳмонхонанинг родонит қопламасида экан! — деди геолог ва менинг бақрайиб қолганимдан ажабланиб, менга тушунтирди. — Махсус геохимик экспертиза меҳмонхонадаги родонит қопламалар ўзидан радиоактив нур таратишини исботлади.

— Москвадаги Маяковский метросини ҳам родонит билан қоплашган-ку?! Родонитдан тайёрланган турли буюмлар, зебу зийнатлар ҳам бундан чиқди, зарарли экан-да? — дедим унинг гапига ишонгим келмай.

— Йўқ! — деди қатъий қилиб Шестопалов. — Ҳамма гап радиоация чиқарувчи манба юзасининг катта-кичклигида экан. Масалан, заргарлик буюмларидаги, уй жиҳозларидаги тош парчаларидан таралувчи радиация шунчалик озки, уни дозиметрлар ҳатто ҳисобга ҳам олмайди. Ҳамма бало катта юзага эга бўлган родонит тошларидадир. Жолткевич билан Савушкиннинг ёстигини қуритган родонитли меҳмонхонадаги радиация нормадагидан ўн етти марта ортиқ экан. Бундай радиация оқибатида киши дарров ўлмайди. Ҳар куни шундай нурланиш олаверса, унинг умри узоққа чўзилмайди.

Свердловскака боришим билан Татьянага қўнғироқ қилиб, мени уйда қабул қилишини сўрадим. Уйига киришим билан меҳмонхонадаги родонит столига дозиметрни йўлладим. Стол юзасидан чиқаётган радиация соатига 470 микроренген бўлиб, стол ён-атрофида эса 80-85 микроренген эди. Демак, шу столда ижод қилган аёлнинг отаси нурланиб ҳалок бўлган, деган хулосага келдим. Олмалиқда, геолог Шестопаловдан эшитганларимни Татьянага ҳам айтиб бергандим, у ҳам кўрқиб кетди. Унинг оиласига ёпишган кўринмас бало ҳақидаги гумонимга у тўла кўшилди.

— Отамнинг жасадини текширган врачлардан бири ҳам ўз вақтида шундай тахминга борган эди, — деди Таня мовий кўзларига ёш олиб. — Шунда биз, бўлар иш бўлди, деб, отамнинг фожиасини ёпиқлигича қолдиргандик...

Шу суҳбатимиздан икки ой ўтмай, аёлнинг оиласи янги уйга кўчиб ўтди. Эски уйни шаҳар ижрокўмига, Яков Свердловнинг уй-музейини тузиш учун беришди. Эшитишимча, Марина гўзал қиз бўлиб вояга етибди. Татьянанинг эри эса буткул соғайиб, эндиликда бахтиёр яшашар экан.

Қиссани тугатар эканман, иш столим устидан жой олган чиройли родонит парчасининг ажойиб пуштиранг жилвасига боқиб, ҳордиқ олдим. Мен барибир бу тошни суюб, томоша қилишдан қолмасам керак. Родонитга бўлган меҳримдан хабардор бўлган бир кон раҳбари ваннахонамни шу тошдан кошинлатишни ваъда қилганида қатъиян рад этдим. Чунки ҳамма нарсанинг ози ширин.



МЕН КЕЛТИРГАН КАСОФАТ

1963 йилнинг авжи қахратон қиш палласида Свердловск шаҳридаги Кон институти аспирантурасига ўқишга келдим. Ўша дардисар тошни ҳам шу ерлардан топиб олгандим.

Бир куни ёқут Парфенов май ойининг ўрталарида мени четга чақириб, у билан Ёкутистон ўлкасига сафарга отланажагимни айтди. Бу қарор домланинг буйруғи бўлиб, Ёкутистонда вертолётларни ишлатиш шaroитлари билан танишиб келишим керак эди. Энди баҳор бошланганида совуқ юртга сафарга бориш менга ёқмади, албатта. Буни сезган «қозоқ» Парфенов кулгандек бўлиб:

— Укам дарёда олтин ювади. Истасанг, унга кўшиб кўяман. Бироз пул ишлаб оласан! — деди.

Хаммамиз аллақандай бир эски кемага тушиб, дарёнинг қуйилиш томониغا сузиб кетдик. Икки соатдан ошиқроқ сузгач, дарёнинг сўл қирғоғида ёғоч уйлар, черков кўринди.

— Бу — Бутагай! Менинг туғилган шаҳрим! — деди гурур билан Миша. Бу ердаги бинолар пештоқиға «Сибзолото», «Якутзолото», «Якуталмаз» деган ваҳимали сўзлар катта ҳарфлар билан ёзиб кўйилганди. Қандайдир кўримсиз бу кишлоқ олдида бизни қирғоққа ташлаган шатакчи кема яна орқага қайтди.

Хаммаёқда қарағай дарахтлари. Куёшнинг ботмай, доимо осмонда айланиб юриши туфайли қаер ғарбу, қаер шарқлигига ақлим етмас, қачон туну, қачон кундуз ҳисобини билмас эдим. Чунки Қутб ерларида бу вақтда куёш ботмас, «Қутб куни» бошланган эди.

Шундайгина дарё қирғоғиға ўтовлар тикиб қурган қароргоҳимиз тезда жонланиб, ишга тушиб кетдик. Оё-

гимга резина этик кийдириб, кўлимга белкурак ва майда кўзли галвир берган Миша дарёнинг қумли ерини кўрсатиб:

— Сен шу ерда кум ювасан! — деди.

... Ҳаммамиз ўзимизгагина белгиланган ерда кум ювиб, олтин зарраларини ажратиб олардик. Келишилган иш вақти — ўн тўрт соат тугаганида «Бош ўтов»га келиб, бошлигимиз Мишага қумдан ювиб олган олтинимизни берардик. Миша бўлса олтинларни ўзининг дорихонабоп аниқ тарозисида тортиб, ҳар биримизнинг исмимиз ёзилган журналга ким қанча олтин йиққанини белгилаб кўярди. Овқатланиб бўлгач, қолган вақт ўзимизнинг ихтиёримизда эди. Волейбол ўйнаймизми, китоб ўқиймизми ёки балиқ овлаймизми — бу бизнинг шахсий ишимиз. Аммо мен ўн тўрт соат ишлагач, чарчаганимдан ўтовдаги ўрнимга зўрга етиб келардим. Кончилик асли ҳунарим бўлгани учун, бир ой ичида мен чапдаст олтин ювувчи бўлиб олиб, ўзимни унча ҳоритмай ишлаш йўлини топиб олдим ва Мишанинг тажрибали ишчилари билан тенг ишлай бошладим.

Бир куни иш жойимга келиб, қумга энди курак урай деганимда, тиниқ сув тагида бир галати тош кўзимга ташланди. Уни олиб, сувда ювдим-да, зехн солиб қарардим. Катталиги иккита гугурт қутисидек келадиган тошда саргиш рангли жуда тиниқ кварцнинг данакдек данакдек бешта йирик зарраси зич бўлиб ёпишган ҳолатда қуёш нурида олмосдек шуълаланарди. Тош оддий флюорит бўлса керак деб, доначалардан бирининг юзасига пўлат пичоқчам билан чизиб кўрсам, из қолдирмади. Демак, кварцнинг бир тури экан, деб ундан қаттиқроқ тош излай бошладим. Сиенит тошини топиб, уни бир амаллаб синдирдим-да, унинг бўлакчаси билан яна кварц доначаларига чизиб кўрдим — из туш-

мади. Ҳайрон қолиб, сариқ доначалардан бирининг қирраси билан сиенит бўлагига чизсам, худди олмосдек чуқур из қолдирди. Олмос доначаларини топиб олдим деб ўйлаб, юрагим гупиллаб уриб кетди. Топилмам чиндан ҳам олмос бўлса, бунга қанча пул мукофоти оларкинман деган хаёллар ишнинг белига тепди. Иш вақти тугаганида, атиги икки граммдан сал ортиқ олтин ювиб, ҳаммага кулги бўлдим.

— Қўлингдаги нима? — деди Миша чангалимдаги топилмамга имо қилиб.

Истар-истамас тошни унга узатдим. Ёқут ишчилар қисик кўзларини баттар юмиб, завқ билан: «Олмос, олмос!», «Ёқут, ёқут!» деб кулар, бош чайқашар, мени мазах қилишарди. Тошни билагонларча кўздан кечирган Миша:

— Бу зарбун! Бу ёмон тош! — деди-да, жирканиб, топилмамни ўтовдан улоқтириб юборди.

Қароргоҳимиз жойини ўзгартиришини эшитиб, мен Мишадан кетишга жавоб сўрадим. Икки ойлик меҳнатим учун тўрт мингдан ортиқ пул тўлаб, Миша мени кузатиб қўйиш учун бир ёқутни кўшиб берди. Ёқутистон ерларида орттирган дўстларим билан хайрлашиб кетар эканман, бехосдан бир тошга қоқилдим. Қарасам, бир куни Миша ўз ўтовидан итқитиб юборган топилмам. Бу Худоимнинг қилган бир ишоратидир, деб ўйладим-да, чиройли тошни олиб, халтачамга солдим.

— Бу олмос! Ёқут, ёқут! — деб ҳазиллашган ёқутлар мен билан хайрлашишди.

Тошкентга келиб, ишлаб топган пулларимни ота-онамга бериб, топилмамни эса таниш-билишларга олмос деб мақтаниб бўлгач, уни хотинимнинг шифонери устига, уйга кирган одамнинг кўзига ташланадиган ерга қўйиб қўйдим. Тошга ёруғлик тушса, айниқса чирок нуридан турли рангда шуълаланиб кўзни олар, одамга

завқ бағишлар эди. Тошни томоша қилиб кетиш учун уйимга кирмаган кўни-кўшни, ўртоғу дўстлар қолмади. Уйдагиларим тошга кўникиб, уни ҳатто унутиб юборишган бўлса-да, менга у узоқ Ёқутистон ерларидан ёдгорлик сифатида доимо азизлигича қоларди.

Ҳар икки-уч ойда Тошкентга келиб-кетиш имконига эга бўлдим. Лекин уйимга ҳар келганимда хотиним билан қизим Ферузанинг озиб бораётганини кўриб, безовталанардим. Хотинимнинг феъл-атвори ўзгариб, сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолган эди. Ферузанинг эса озгинлигидан териси ҳалпираб, кўзлари киртайиб кетганди. Ойимларнинг ёнларида ётиб юрадиган ўғлим Шерзоднинг эса ранг-боши бинойидек, шўхлик қилиб, тенгқурлари билан ўйнардди. Балки ўқишни битириб, Тошкентга келганимдан кейин хотиним ҳам, қизим ҳам тузук бўлиб кетишар, деб ўйлардим мен. Йўқ, Тошкентга қайтиб, кунда уйда бўлганимдан кейин ҳам уларнинг ҳоли яхшиланмади. Бунинг устига раҳматли қайнотамнинг заҳарли сўзлари, аччиқ пичинглари оиламиз пойдеворига болта урди. Икир-чикир гаплар жанжалга, тушунмовчиликлар мумаммога айланиб, оиламиз бузилди. Уч фарзандли бўлишимга қарамай, ажралишимизга тўғри келди. Шифонер устидаги ўша ёдгорлик тошинигина олиб, ўзим тугилиб ўсган уйдан чиқиб кетдим...

Кўп ўтмай кўнглимдагидек очиққина, ҳазилкаш ва тарбия кўрган аёлга — Азизага уйландим. Лекин «катта уйга» ўтиб, болаларимдан хабар олиб турдим. Шуниси ажабланарли эдики, болаларимнинг ранги-боши жонланиб, хотиним ҳам, қизим ҳам тузалиб кетишди. Демак, менинг феъл-атворим ёмон экан-да, деб ўйладим мен. Чунки вақт ўтиши билан иккинчи оилам ҳам биринчисига ўхшаб, асаблари бузила бошлаган, ранги-боши ўзгарган эди. Шунинг учун ҳамма бало ўзимда

экан, деб ич-ичимдан куя бошладим. Аммо дардимни бировга айта олмасдим. Уйда тинчим бўлмас, ўзимни қайга қўйишни билмай, имконият тугилдими, сафарларга чиқиб кетардим. Азизани Ўрта Осиё ва Кавказ тоғларию, Урал ва Сибир ерларига олиб бориб, ҳаво алмаштиришларимиз ҳам ёрдам бермади. Охири иложи бўлмагач, хотинимни шаҳар онкология шифохонасига ётқизадиган бўлдим. Шу орада Свердловскдан профессор С.Филатов қўнгироқ қилиб, ўгли билан Тошкентга келганини ва мени кўриб кетиш нияти борлигини айтиб қолди. Хотиним касал ҳолига қарамай, профессор дўстимизни кутиб олиб, меҳмон қилди. Филатов бўлса, ўгли билан гитара чалиб, қўшиқ айтиб роса яйради, чунки Азизанинг касалидан унинг хабари ҳам йўқ эди.

Хайрлашиб кетаётганида Филатов кичик ўғлим Самирға қараб бир он тўхтаб қолди. Ўғлим Ёкутистонда мен келтирган ўша топилма тошимни сервантдан олиб, юз-кўзига суртиб ўйнарди. Профессор ўғлимнинг қўлидан тошни олиб, уни диққат билан кўздан кечирдида, ранги бироз ўзгаргандай бўлди. Тошни сервант устига қўйиб, кўча эшикка йўлланди. Биз кўчага чиқишимиз билан:

— Азизим, бу қандай тош эканлигини биласизми? — деб секингина сўради мендан Филатов. Мен бошимни чайқатгач, гапида давом этди. — Бу циркон-ку, ахир! Циркон минерали, билишимча, урандек радиоактив ва киши ҳаёти учун хавфли!

Мен турган еримда қотиб қолдим. Оёқларим қалтираб кетди.

— Қанча пайтдан бери тош уйингизда? — сўради Филатов хавотир билан.

— Қарийб ўн беш йилдан бери...

Уйқум ўчиб, туни билан ухлай олмадим. Ёкутис-

тондан ёдгорлик деб бир касофатни олиб келганимга, минг афсуски, энди тушунган эдим. Эртасига тошни бир эски латтага ҳамда қалин зарқоғозга ўраб, ахлат тўкиш баҳонасида ахлатхонага ташлаб келдим. Хотинимни онкологик касалхонада тўрт соатдан ортиқ вақт жарроҳи қилиб, ичидан қандайдир безни олиб ташлашди. Ўша оннинг ичида биз Юнусобод даҳасига кўчиб ўтдик. Ҳамма бало-қазолар эски уйимизда, Чилонзорда қолгандек бўлиб, енгил тортдим.

Аммо орадан ўн йил чамаси ўтгач, тош асорати янгидан намоён бўлди. Бу гал у кичик ўғлимнинг соғлиғига чанг солган эди. Сибир ерларида ҳарбий хизматини ўтаган, Сибир ва Кавказ тоғларида геолог бўлиб, далалар кезган соппа-соғ ўғлим бирдан кўздан йўқола бошлади. Шифокорлар унинг мия қопқоғида аллақандай шиш пайдо бўлиб, кўриш томирларини сиқиб қўйганини айтишди. Биз ўғлимизни олиб, Москвага, Бурденко ҳарбий госпиталига жарроҳи қилишга олиб бордик. Чунки фақат шу даргоҳдагина бундай жароҳатларга ақли етадиган шифокорлару олимлар бор бўлиб, улар бундай жарроҳи амалини мия қопқоғини очмай туриб бажаришни тажрибадан ўтказишган экан. Россиядаги танишларимнинг ёрдами билан ўғлимни шу госпиталга жойлаб, жуда катта пул сарфлаб, уни кўр бўлишдан сақлаб қолдик. Орадан беш-олти йил ўтиб кетган бўлса-да, ўғлимнинг соғайиб, асл ҳолига қайтиши оғир кечмоқда Шунинг учун бирор ерим оғриди деса, юрагим ларзага келиб, ўша лаънати тошни эслайман. Дардимни бировга айтолмай эзиламан.

Ҳозирги кунларда циркон зарралари билан безалган заргарлик буюмларини телевизорда мақташганида хайрон қоламан. Энциклопедик лугатни олиб қарадим, унда: «Циркон, форс тилидаги «заргун» сўзидан олиниб, немисча талаффуз билан циркон деб аталган. Бу

минералнинг таркибида ниобий, горий, гафний, тербий, уран каби элементлар бўлганлигидан циркон радиоактивлик хоссасига эга» деб аниқ ёзиб қўйилган. Шунинг учун одамларга нафис заргарлик буюмларида мафтункор шуълалар сочиб турган циркон тошли зирагу узукларни сотиб олишдан олдин бу буюмларни дозиметр ёрдамида текширувдан ўтказиб, улардаги радиоактив қуввати борлигини текшириб қўришни маслаҳат берардим. Бу бирлик соатига йигирма-қирқ микрорентгендан ошмаслиги керак.



СОНЛАР САЛТАНАТИНИНГ СУЛТОНИ

Қўлимизда ҳозиргидагидек калькуляторлар бўлмаган пайтларда қандай ҳисоб-китоб қилганларимиз ёдингиздами? Масалан катта сонларни бир-бирларига қўшиш учун бир-бирига қўшиладиган бу катта сонларни бирининг остига иккинчисини, даражаларига мос равишда ёзиб, қўшув амалини ўнг томондаги энг кичик даражадаги рақамларни қўшишдан бошлар эдик. Қўшилаётган сонларнинг даражаси ўндан ошганда, ошиқ сонгина ёзилиб, “бир” эса, “дилда сақланиб”, чапдаги қўшилиши лозим бўлган навбатдаги даража сонига қўшиларди. Айириш амалларида ҳам худди шундай ишни бажарамиз. Айирма ҳаракати мўлжалланган сонларни биринчи қаторга ёзиб, унинг остига айирилиши лозим бўлган сонларни, уларнинг рақамлар даражасига қараб жойлаштирамиз. Айириш ишлари бу ерда ҳам худди йигинди ҳисобидек ўнгдан чапга қараб бошланади. Натижа эса ҳар қайси рақамнинг остига ёзилади...

Бу амалларнинг ҳаммаси бошланғич арифметика дарсидан бизга яхши маълум. Бизгача узоқ ўтмишда яшаган бобокалонларимиз ҳам худди шу усулда ҳисоб қилишган. Биз ҳам кези келиб қолса (калькуляторингиз ишламай қолган тақдирда) шундай ҳисоб қилишга мажбурмиз. Биздан кейин қолувчи неварачевараларимиз ҳам бу усулдан четга чиқа олмайдилар. Чунки арифметиканинг асосий тўрт амали бўлган қўшиш, айириш, бўлиш ва кўпайтиришнинг бундан содда ва аниқ усули ҳали йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Хўш, қадимий математиклардан қайси бир улуг олим, келажак авлоднинг ғамини еб, ана шундай осон, тушунарли,

содда усулни яратиб инсониятга қолдирган экан? Бу қадимий Миср ёки доно Юнон олимимикан? Ёки сеҳрли Ҳиндистон фарзанди, афсонавий Хитой фуқаросимикан? Йўқ, асло!

Юқорида эсланган арифметиканинг тўртта асосий амалларини бажаришнинг ҳамда квадрат ва куб илдизлар остидаги йирик сонларни чиқаришнинг бутун жаҳон цивилизацияси томонидан ҳозирги кунгачайин қўлланиб келинаётган усулларни бизнинг ҳамюртимиз, Амударё воҳасида жойлашган қадимий насалик туркий олим, XI асрнинг буюк математиги Ҳасан ан-Насавий томонидан яратилган эди.

....1000-нчи йил. Бухоро мадрасаларининг бирида мударрис бўлиб ишлаб, шаҳарнинг барча ўқув даргоҳларида риёзиётдан дарс берувчи, ўз замонасининг машҳур математиги Муҳаммад ал-Хўжандийнинг тўсатдан боши айланиб мадрасадан чиқаверишда йиқилади. Етмиш беш ёшли олимни шогирдлари дарҳол кўтариб, ичкарига олиб киришади. Шаҳарнинг барча бообрў табиблари ўша куниёқ машҳур олимнинг ҳолатидан хабардор қилиниб, бемор тепасига етиб келадилар. Машҳур риёзиётчи олимнинг мушкул аҳволдан хавотирга тушган бухорхудот ўзининг сарой табибини, йигирма ёшли Абу Али Ибн Синони ҳам мадрасага — Муҳаммад ал-Хўжандийнинг мумкин қадар умрини узайтириб, жонини сақлаб қолиш учун табибларни ёрдамга жўнатади. Ибн Синонинг ўзининг эслашича ва замондош тарихчиларнинг ёзишларича, етти билимдон табиблардан иборат бўлган шифокорлар гуруҳ астойдил “ажал ила олишиб”, кўп тиббий амалларни бажара бошлашади...

Худди шу пайтда Амударёнинг чап қиргогида ястаниб ётган Қорақум саҳросининг бошланиши ерида тикилган йигирмага яқин кигиз ўтовларнинг бирида ёш-

гина хомиладор аёл, ўз хомиласидан қутула олмай, уч соатдан бери ўлим азобида қийналар эди. Кўп қон йўқотган бечора Гулсум жуда ҳолдан тойган, тепасида гирдикапалак бўлаётган икки доянинг билакларини чангалаганча инграб:

— Аҳмад, албатта сенга ўгил тугиб бераман! Аҳмад, ўғлимиз сенга кўп шуҳрат келтиради! У албатта саркарда бўлади! — деб алахсирарди.

— Бола кўндаланг келиб қолди, — деб хулоса қилди дояларнинг бири иккинчисига мўлтиллаб боқиб. — Оллоҳнинг кароматини кутишдан бўлак иложимиз йўқ!

— О, яратган эгам! Гулсумнинг ёш жонига раҳминг келсин! — деб нола қилди иккинчи доя.

Ҳолдан тойиб, эси ҳам “кирди-чикди” бўлиб қолган Гулсум, лабини ҳўл латта билан артаётган қайнонасининг қўлига ёпишиб, шивирлади:

— Онажон, қазо вақтим яқинлашди, мендан рози бўлинг!

— Ундай дема, қўзичогим! — деб қайнона келинини кучиб, юзидан ўпди ва ёш тўла кўзларини яшириб. — Бир оз дамингни ол. Худо хоҳласа тезда кўзинг ёрийди!

— Сизларга овунчоқ тугиб бермоқчи эдим. Худо мени қўлламади чоги!— дея Гулсум пиқиллаб йиглади, сўнгра дарров ўзини қўлга олиб, деди. — Болани туголмайман! Унинг кўндаланг келиб қолганини билиб турибман. Ҳозир ҳам дақиқа ганимат. Дам ўтмай омонатимни тепамда турган Азроилга топшираман. Шунда мендан ҳам, қорнимдаги гўдақдан ҳам айриласизлар.

— Оҳ, Аллоҳим! Муштипар банданга раҳм қил! — деб қайнона нола қилиб йиглади.

— Йигламанг, онажон! Боламни қутқариш мумкин! — деди Гулсум негадир жонлангандек бўлиб.

— Қандай қилиб? — сўрашди бараварига кампирлар.

— Отамни чақиринг! Ўткир пичоғи билан кирсинлар!

Худди кўйнинг қорнини чавақлаб, кўзисини олгандек қилиб, қорнимдан чақалогимни сугуриб олсинлар! Ўлим олдидан мен унинг йиглаган овозини бир эшитай.

Кўчманчиларнинг ўта оғир ҳаётида кечадиган барча ёвузликлару жангу жадалларни кўрган бўлишига қарамай, учала кампир Гулсумнинг аҳволи вақт ўтган сайин оғирлашиб бораётганига чида олмай, бири ўрnidан қалқиб, ўтовдан чиқиб кетди.

Кўрабоши Мурод ога пичогини кўтариб кирганида келини Гулсумнинг ранги докадек оқарган, кўзлари юмук эди. Куюқ қошлари уюлиб, кўзларигача тушган Мурод хўмрайганча, дағал кўлининг учини келинининг нозик бўйнига солди. Гулсумнинг томирлари билинар-билинемас уриб турарди. Мурод, бир хўрсиниб, келинининг пешонасидан ўпди-да, пичоқ тигини Гулсумнинг қовуғига яқинлаштирди. Пичоқ унинг қўлида қалтираб кетди. Томоғига тикилиб келган муштдек алланарсани зўрга ютиб, ўзини қўлга олди. Назарида, чойшаб устида инсон фарзанди, ўзининг келини эмас, оддий, чўлдаги совлиқ кўй туға олмай ётганини кўз олдига келтириб, қалтис жарроҳлик ишини дадил бошлади...

Ўтовнинг ичида бирин-кетин икки чақалоқнинг жарангдор йигиси янграганида Гулсум кўзини очиб, ҳолсизгина жилмайди. Мурод бўлса, ўзига келиб, келинининг бетига қарай олмади. Унинг бошини силаб:

— Бўталогим, мени кечир! — деб, ўтовдан отилиб чиқиб кетди.

Доялар Ҳасан-Ҳусан чақалоқларни шоша-пиша ювиб, Гулсумнинг кўкрағига яқинлаштиришди. Мур-гакларнинг энтикиб, кўкрак эмишидан ийиб кетган Гулсум мамнун жилмаяр, юмук кўзларидан ёш юзларига думалар эди. Доялар чақалоқларни олишганида жонсиз Гулсумнинг кўкракларидан она сути ҳали томиб турарди...

Худди шу пайтда, бу ўтовли қишлоқдан тўксон чақирим нарида жойлашган Бухорои шарифда табиблар шайх Муҳаммад ал-Хўжандийнинг ҳаёти учун тинмай курашар эдилар. Шунда улуғ олимнинг ўзи бир муддат тетикланиб, унга ичириш учун навбатдаги дориворларни тайёрлаётган Ибн Синони имлаб, ёнига чақирди. Боши узра энгашган Ибн Синога шайх шундай деб шивирлаган:

— Юртимиз тупроғида бир бола тугилдики, у кўп ўтмай фан оламида менинг ўрнимни босажак! Мен энди хотиржамлик ила..

Муҳаммад ал-Хўжандий сўнги сўзларини тугата олмай, жон берди. Шунда унинг кўзини юмган Ибн Сино улуғ математик олимнинг ўлим олдидан айтган бу икки огиз гапини бир неча марта эслаб, улуғ риёзиётчининг нақадар ҳақ эканлигини Абу Райҳон Берунийга исботлаб берган.

Буюк саркарда Тўғралбекнинг ўғиз туркларидан иборат бўлган тўрт минглик суворий кўшини таркибида жанг қилиб, халифаликнинг пойтахти Бағдодни ишғол қилган Аҳмад туркман бой ўлжалар билан жонажон Жайхун бўйларига қувонч билан қайтарди. Унинг тагидаги қорабайир самани ҳам худди она тупроқ сасини сезгандек, дам-бадам ўйноқилаб, илдамлаб кетишга интиларди. Таниш ўтовларни кўрган замоно айғир жонжаҳди билан кишнаб юборди-да, гўё жанг майдонига отилиб кириш учун шайлангандек, орқа оёқларини тик кўтариб ўйноқилаб турди-да, огир юклар ортилган икки ўлжа отларни ортидан эргаштириб, ўтовлар томон гизиллади. Оқ кигизлардан ўралган таниш ўтов олдида жангчини фақат ота-онасигина хомуш кутарди. Суюкли Гулсумнинг сарвдек қомастига кўзи тушмаган Аҳмаднинг юраги гашланди. Ҳарбий сафарга отланганида қорнида тўрт ойлик ҳомиласи билан қолган Гулсумнинг

тоби қочмаганмикан деган фикрни хаёлидан ўтказган Аҳмаднинг юраги орқасига тортиб кетди. У юк ортилган икки ўлжа отлар жоловини эгаридан бўшатди-да, қий-кириб саманига қамчи босди. Бир дақиқа ҳам ўтмай, ўз ўтовининг олдига етган Аҳмад отдан сакраб тушди-да, онасининг олдида тиз чўкиб, унинг этагидан ўпди.

— Бардам бўл, ўғлим! Гулсуминг бизни тарк этди! — деди онаси йиглаб, ўғлини бағрига босар экан: — Ҳомиласидан бўшаётганда жон берди, — деди она, кўз ёшини артиб.

Бу гапдан ақлдан озаёзган Аҳмад, худди икки оёғидан бирдан айрилган баҳодирдек, остонага қулади. Кўзига қалқиган ёшини яшириб, бошини эгди.

— Ҳаммаси Аллоҳнинг иродаси! — деб пўнгиллади Мурод кўрабоши ва ўғлига ўтов ичига имлаб, — аммо сенга икки қулунни насиб этди.

Аммо бу хабар Аҳмаднинг юрагига далда, ярасига малҳам бўла олмади. Суюкли хотинининг ўлимига сабабчи бўлган бу икки норасида чақалоқлар унинг кўзига мисоли ёвдек кўринишди. Улардан юзини терс буриб, ўтовдан чиқиб кетди. Қадимий туркий удумга амал қилиб эгизакларга Ҳасан ва Ҳусан деб ном беришди. Кўрада яшаётган эмизикли аёллар уларни оч қўйишмади. Ўз болалари қатори эмизиб, катта қилишди. Бепоен яйлов шароитида дуркун ўсаётган болаларни кўрган одамнинг хаваси келмай иложи йўқ эди. Бирок, бир қориндан тушган бу икки бола бир-бирига икки томчи сувдек бенуқсон ўхшасалар-да, уларнинг феъл-атворлари бошқа-бошқа эди. Эрта тонгдан то кечгача тиним билмай, ўз тенгдошлари билан яйловда тойчоғу бўталоқларни кувиб чарчамаган Ҳусаннинг олдида Ҳасан худди бир ери огриётган ёки бир нарчаси етишмаётган дардчил боладек, тенгқурлари билан ортиқча ўйнамас, бирор-бир тепа ерга қандайдир чу-

қурчалар кавлаб, тупроқ ўйнарди. Ўт устида чалқанча ётиб олганча осмонга тикилиб олиб, хаёл сургани-сурган эди. Хусан қаерда бўлмасин, унинг биғиллаган овози янграб, бутун кўра аҳолисининг диққатини ўзига тортган бир пайтда Ҳасандан товуш чиқмасди. У худди йўқдек, гоҳо унинг ҳақида ҳатто унутиб ҳам қўйишар эди. Шунинг учун Аҳмаднинг меҳри Ҳусанга товланиб, унга кичкинагина ханжар ҳадя қилади. Буни кўриб турган Ҳасаннинг кўнгли бир оз бузилади. Шунда Аҳмад ўз қутисини титиб, Ҳасанга бопроқ бирор ҳадя истайди. Шунда эски-туски нарсалардан бўлак ўглига муносиб нарса топа олмайди. Шунда пичок чархлаш учун доим ёнида олиб юрадиган қора тошни эслаб, уни Ҳасанга тақдим этади. Аҳмад учун арзимаган, оддийгина қайроқтош Ҳасан учун бир илоҳий жавоҳирдек туюлиб, унинг диққатини ўзига тартади, беҳад қувонади. Бу қайроқтош қора обсидиан бўлиб, вулқон алангаларида пишиб етилган энг қудратли тош туркумидан эди. Кўчманчи туркларнинг шомону табиблари, ромчию фолбинлари бу тошни «Халоскор тош» деб атаб, огир касал бўлиб қолган одамнинг дардини енгиллаштириш, бошидан соқит қилиш ва тезроқ оёққа туриб кетишини таъминлаш борасида уни ишлатар эдилар. Кўпинча чой қайнатилаётганда, чойгум ёки қумгонга шу тош бўлакчасини ташлаб қўйилар, кейин уни соя ерда совутиб, ҳар куни беш маҳал сутга қўшиб ичилар эди. Шунда кирқ кунга етмай одам ҳар қандай дарддан ариб, куч-гайратга тўлиша бошларди. Айниқса, беморларнинг фикрлаш хусусияти тозаланиб, чуқурлашар, онги юксакликка интилар эди. Тошни жуда яхши билган ва унинг ўзга ажойиб хусусиятларидан хабардор бўлган кекса Мурод кўрабоши Аҳмаднинг бу ҳадясидан дили бир оз оғриди. У Ҳасаннинг бошидан силаб, ўтовдан чиқариб юборди-да, ўглидан гина қилди:

— Иккала фарзандингни бирдек кўр. Бир-биридан камситма! Ҳасанга берган қайроқтошингнинг хосиятини биласанми?

Аҳмад елка қисди.

— Ирим-сирим қилиб, дардчил одамларга берилади. Сен бўлсанг, менинг суюкли набирамни, соппа-соғ ўғлингни камситдинг. Уни касалванд, бемор одамга ўхшатиб қўйдинг...

Мурод кўрабоши ҳақиқатдан ҳам Ҳасанни жонидили билан қаттиқ суярди:

— Ҳасан ўзимга ўхшаш оғир карвон! У ҳамма шароитларга ҳам чидаш бериб кетаверади. Ҳасан чинакам чўлнинг фарзанди! — деб ўртоқларига мақтанарди Мурод кўрабоши.

Шунда, тепалиқдан туриб, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган сирли уфқ кенгликларига тикилиб қолган хаёлчан набирасининг умри чўлда эмас, аксинча шахри азимларда ўтишини кекса кўчманчи албатта кўз олдига ҳам келтира олмас эди ўша пайт.

— Бобо, нега осмондаги булутлар юриб туради? — деб бир куни Ҳасан бобосидан тўсатдан сўради.

— Уларни шамол ҳайдайди, бўталоғим!

— Нега улар доим бир томонга — офтоб ботадиган ердан офтоб чиқадиган ерга сузишади?

— Булутларнинг уйлари офтоб ботадиган томонда. Офтоб кўтарилганда, булутлар ҳам уйғониб, ўтлагани офтоб чиққан томонга юришади, — деб беш яшар набирасига тушунтирган бўларди Мурод.

— Унда нега тунда ҳам булутлар ўша томонга сузишади? Нега уйларига қайтишмайди?

— Бунинг сабабини китоблар ўқиганингда билиб оласан! — деб чол набирасининг саволидан қочарди.

Бир куни бутун кўра аҳли, барча молу-мулки, отуловлари билан янги яйловга йўл олди. Шунда, от ус-

тида хаёлга чўмиб кетаётган Ҳасанга кўзи тушган Аҳмаднинг гаши келди.

— Сен нега доим индамай, дамингни чиқармай юрасан? Ҳусанга қара, от чоптириб юрибди. Сен нималарни ўйлаб кетаётибсан? — деб сўради Аҳмад жигибийрон бўлиб.

Шунда Ҳасан:

— Эски яйловдан янгисигача бўлган масофани ҳисоблаётиман, — деб жавоб беради.

— Хўш, бу масофа қанча экан? — сўради Аҳмад энсаси қотиб.

— Нор туямиз мингтадан ўн саккиз марта қадам босганча.

— Тентак! Туянинг қадамини санагунча, камондан ўқ узишни ўрган!

Аҳмад жаҳл билан отини нари суриб кетди. Аммо кўрабоши Мурод учун эса, бир кунлик кўчишда туялар қанча минг қадам ташлашининг аҳамиятини тушунар, подалардаги кўю қулунларнинг сонини ёддан билувчи набирасини доим олқишларди. Туронзамин даштларидаги суяги қотган, дагал феълли Мурод набираси Ҳасаннинг тарбияси, унинг саводли бўлиб ўсиши устида шахсан ўзи шугулланарди. Кўчманчилик шароитига қарамай, Ҳасанга қўлдан келганча дарс бериб, саводли қилди. Ўн ёшга тўлганида эса, набирасининг чуқурроқ билим олиши ниятида уни Бухоро мадрасаларидан бирига олиб борди. Чўлдан келган ўн ёшли боланинг фикрлари, дунёқараши, савол-жавобларидан таажжубланган мударрислар ёқа ушлашди. Бундай қизиқарли суҳбат устидан чиқиб қолган машҳур табиб Абу Али Ибн Сино фикр билдириб, Ҳасаннинг кўпроқ риёзиёт илми билан қизиққанлигига эътибор бериб, боланинг қайси йили, қайси оининг қай кунида тугилганини суриштирди. Сўнгра дилида ҳисоб-китоб қилиб кўрди-да:

— Нахотки шайх Муҳаммад ал-Хўжандийга бу йигитчанинг тугилиши аён бўлган эди ўшанда?! Астағ-фурулло! — деб хайрат ила Ҳасанга боқди.

Номи тилларда дoston бўлган тенгсиз билимдон табибнинг гапларига унча тушуна олмаган Мурод, кўзини жавдиратиб олимга тикиларди. Шунда унинг миясида набирасини шу машҳур табибнинг кўлига шогирд қилиб бериш нияти тугилди. Аммо Ҳасан билан атайлаб савол-жавоб қилган Ибн Сино қатъий ҳолда:

— Йигитчанинг қизиқиш доираси риёзиёт илмидир. Бу илми мукамал ўрганиб, юксак билимдон бўлиши учун каминанинг билими андак ожизроқдир. Хоразмлик мавлоно Абу Райҳон Беруний устозлик қилса айна муддао бўлур. Шу боис мен ул улуг зотга бир хат битиб берурман, — деб Ибн Сино хат ёзиш тараддудига тушди.

Мурод суюкли набирасини Хоразмдек олис ерга юбориб, унинг дийдоридан бутунлай маҳрум бўлиб қолиш хавфидан кўрқиб кетди-да, Ибн Синони хат битишдан тўхтатди. Ҳасаннинг ёшлигини баҳона қилиб, унга шу Бухорои шарифнинг ўзида набирасига муносиб бир устоз топиб беришни Ибн Синодан сўради. Шунда Ибн Сино бухорхудотнинг саройида мунажжимлик вазифасида ишловчи, риёзиёт илмининг таниқли олими бўлган Кушер ибн Лаббоннинг олдига бориб, Ҳасанни унга шогирд қилиб жойлаштирган.

Айнан шу Бухорода Кушер ибн Лаббон ва Ибн Синоларнинг раҳбарлигида ёш кўчманчининг қобилияти худди дашт гулларидек гуркиради. Унда аниқ ва табиий фанларга муҳаббат уйгонди. Математика соҳасидаги унинг тугма қобилияти барча қирралари билан шуъла соча бошлади. Бутун вужуди билан фан оламига шўнгиб кетган Ҳасан Бухоронинг бой кутубхоналаридан чикмай Евклид ва Архимед, Пифагор ва Аристотель,

ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийларнинг асарларини мукамал эгаллади. Орадан ўн йил ўтиб, Ҳасан йигирма ёшга тўлганида математика фанининг ўша замонда маълум бўлган барча ҳисоб услубларининг ҳамма сирларини тўла-тўқис биларди. Унинг билими математика соҳасида шу қадар ўткир эдики, ҳатто унинг устози Кўшер, кези келганда баъзи муаммолар масаласида Ҳасан билан маслаҳатлашар, риёзиёт соҳасида шогирдининг ўзиб кетганлиги ҳақида Ибн Синога иқрор бўлишга мажбур бўлган.

Набирасининг бу қадар шўхратидан қувонган Мурод кўрабوشي бир куни Ҳасан билан учрашганда:

— Бухоронинг гап-сўзига қараганда сен илмда устозингдан ҳам ўтиб кетибсан, — деди Мурод набирасини суюб қучар экан.

Шунда Ҳасан бепарволик билан:

— Шогирдлар устозларидан доимо ўзиб кетишлари керак. Аммо, доимо миннатдорчилик ила устозларини ҳурмат қилишлари лозим! — деган.

Ўша дамда Ҳасаннинг ўз бобосига шунчаки айтган бу сўзлари Бухоро халқи орасида тез тарқалиб, бора-бора афоризмга, халқимизнинг ҳикматли сўзлари хазинасидан ўрин олди.

Ҳақиқатан ҳам Ҳасан математика соҳасида жуда ноёб қобилиятга эга эди. Ундаги тўғма қобилият, Ҳасаннинг бир мақсад сари интилиши, ички дунёсининг ҳам бир йўлда юқори даражада ташкилланиш хусусиятлари билан муқобил равишда тезлик билан раванқ топарди. Шунинг учун у қисқа муддатда Архимеднинг асарларини шарҳладик, ундаги (шарҳдаги) кўп тафсилоту хулосалар фақат Ҳасан ан-Насавийнинг фикри маҳсули эди. Бу шарҳлар олимга шон-шўхрат ва машҳурлик келтирди.

Аммо ан-Насавийни айниқса машҳур қилган асар

унинг «Ҳинд арифметикаси ҳақидаги бор гаплар» («Ал-Мунки фи-л-Ҳисоб ал-Ҳинд») деган китобидир. Алгебра фанининг асосчиси буюк ал-Хоразмийнинг ўлимидан икки юз йил кейин яратилган бу китоб, улуғ хоразмлик даҳонинг услубида ифодаланган бўлиб, ўша давргача бўлган математика оламида жуда катта воқеа эди. Асар ёш олим томонидан форс тилида ёзилган бўлиб, ан-Насавийнинг Ҳазнада, султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг ҳузурида, сарой математиги ва мунажжими бўлиб ишлаётган пайтида тугалланади. Кейинчалик Абу Райҳон Берунийнинг таклифи билан ан-Насавий ўз асарини, ўша даврларда ислом Шарқида фан тили бўлиб ҳисобланган арабчага таржима қилади. Бу китоб ҳозирги кунда Нидерландиянинг Лейден кутубхонасида айнан шу араб нусхасидаги қўлёзма холида сақланмоқда.

Султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг тажовузидан қочиб, Абу Али Ибн Сино билан биргаликда Бухородан Хоразмга кўчиб келган Ҳасан ан-Насавийга Абу Райҳон Беруний алоҳида қизиқиш билан қараб, математика ва астрономия фанларининг юқори босқичларига етаклаган, қизиқарли гоёлар айтиб, яхши маслаҳатлар берган. Султон мулозимларини сиқуви остида Берунийни Ҳазнага кўчишга, султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг саройида ишлашга мажбур қилишганида, Ҳасан ан-Насавий, ўйлаб ҳам ўтирмай, улуғ устозини ташламади. У билан бирга Ҳазнага келди. Султон саройидаги бахсларда, Маҳмуд Ҳазнавий билан ал-Беруний ўртасидаги тортишувларда азиз ҳамюрти, буюк маслаҳатгўйини қўллади. Табиатан камгап, кўпчилик одамларга қўшилавермайдиган ал-Беруний, фақат ан-Насавий билан тез-тез учрашиб турар, амалий тажрибаларини намойиш қилар, фикр алмашар эди. Бир куни ал-Берунийнинг астрономияга оид бир асарини ўқиб чиққан ан-

Насавий асарнинг оғир ёзилганлиги, агар ўқувчида махсус билим бўлмаса бу китобни кўпчилик тушуна олмаслигини айтганида, ал-Беруний:

— Менинг илмим илмликлар учун. Илмсизлар билан ишим йўқ, — деб жаҳл билан жавоб қилган.

Ҳасан ан-Насавий эса, ўз асарларини кенг халқ оmmasи тушуниб олиши учун жуда содда, халқ тилида ёзган. Уларни аввал туркча, кейин эса форсчага кўчираар эди. У болалигиданоқ сонларнинг сеҳрли комбинацияларига мафтун бўлиб қолган эди. Шунинг учун у ҳар қачон, ҳар ерда ҳам, доим ишларди. Кўча-кўйда ҳам, тўю-томошада ҳам, ҳатто Султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг қабул маросимларида ҳам Ҳасаннинг мияси турли хил математик масалаларнинг ечими билан банд бўлган. Шунинг учун унинг хаёли ҳам жойида бўлмагандек туюлар эди. Кунларнинг бирида ас-Насавий масжидда намоз ўқиган ерларида, ўзининг тумор тоши, болалигида унга отаси Аҳмад ҳадя қилган «Халоскор тош»ни эсидан чиқариб қолдиради. Султон саройига келганида эса, тоши йўқлигини пайқаб, бир пасда касалланиб, ҳолдан кета бошлайди. Сарой табиблари унинг тепасида гирдикапалак бўлиб, унга ёрдам беришаолмайди. Бундай ҳолатларда дарров хушёрлик билан ҳар томонлама ўйлайдиган Абу Райҳон Беруний ас-Насавийнинг тепасига келиб, олимдан аста нега бирдан касалланганининг асл сабабини сўрайди. Шунда Ҳасан ҳам тортинмай, устозига ўзининг тумор тошини йўқотганини айтади. Беруний бир хўрсиниб, кулиб кўяди-да, Ҳасаннинг кўйнига у йўқотган «Халоскор тош»ни солиб кўяди.

— Тумор тошингни масжид ховузининг лабида, таҳорат олаётганингда ёдингдан чиқиб, қолдириб кетдинг. Менинг чақирганимни эшитмадинг. Тошни қиссамни солдим-да, сенга бериб кўйиш менинг ҳам хаё-

лимдан кўтарилибди... — деди ал-Беруний Ҳасаннинг бошидан силаб.

Қўйнидаги тошнинг илиқлигидан ас-Насавийга қувват бериб, ярим соат ўтар-ўтмай, у бошини кўтариб, аввалги ҳолига қайтади. Шунда ал-Беруний:

— Одамлар билан улар қаттиқ меҳр қўйган нарсалари ўртасида қандайдир боғлиқлик вужудга келиб, бу боғлиқлик бора-бора шундай қудратга эга бўлиб қоладики, одамлар бу суюкли нарсаларисиз бир дақиқа ҳам яшай олмай қоладилар. Борди-ю, бу нарсаларидан маҳрум бўлиб қолсалар, улар ҳатто ҳалок ҳам бўлишлари мумкин, — деб улуғ олим ўзининг ҳам ҳолатини мисол қилди: — Мана мен райҳонга боғланиб қолганман. Агар унинг иси думоғимга келиб турмаса, бутун дунё қоронгу. Узоқ сафарда юрганимда ҳам райҳондан етарлича ғамлаб оламан...

Бир куни султон Маҳмуд Ғазнавий ан-Насавийнинг иштирокида янги сарой қурилишини муҳокама қилиш учун муҳандису усталар билан йигин ўтказди. Иморатнинг бўйи-басти, ташқи қиёфасию ички кўринишларини ҳал этиб бўлгач, султон усталарга қараб туриб, сарой қурилишига кетадиган сарф-харажатларнинг қанча бўлишини сўрайди. Шунда усталар бундай ҳисоб-китоб қилишлари учун султондан уч ой муҳлат сўрашади. Маҳмуд Ғазнавий рози бўлиб, усталарга жавоб бераётганида, шу пайтгача гапга аралашмай, четда ўтирган ас-Насавий, султондан ижозат сўраб, янги сарой қурилишига кетадиган сарф-харажатларни боб-боби билан аниқ айтиб беради. Ҳеч қандай қоғоз-қаламсиз, мияда қилинган бу ҳисоб-китобга Маҳмуд Ғазнавий албатта ишонмайди. Кейинчалик, орадан деярли тўрт ой ўтгач, усталар қилиб келган ҳисоб-китоб билан солиштирганларида ан-Насавийнинг ҳисоби жуда аниқлигига иқрор бўлишган.

Ан-Насавий, худди умрининг қил учуда турганини билгандек катта фидоийлик билан, миясида тўпланган режалари, ечилган математик муаммолар коғозга тушмай, одамларга етмай, ичида қолиб кетишидан қўрқиб, қаттиқ ишлаган. Тунги уйқу, овқатланиш ва дам олиш ҳисобига ҳам ишлаган. Ниҳоятда ҳолдан тойган ўттиз ёшли Ҳасан ан-Насавийни кўрган одам эллик ёшли мўйсафид деб ўйларди. Олимнинг машҳурлигини кўра олмайдиган душманлари, кун сайин қартайиб бораётган математикнинг ҳолатидан кулишар эди. Шундай кунларнинг бирида кечки пайт ал-Берунийнинг уйига ҳовлиқиб сарой вазири Маймандий кириб келди-да, ҳаллослаб Берунийга чарм халтача узатди. Унга кўзи тушган замоно Берунийнинг ранги ўчиб, кўзлари ўйнаб кетди. Чунки бу ан-Насавийнинг таниш тумор тошининг гилофи эди. «Халоскор тош»ни чарм гилоф ичида кўрган Беруний бир оз тинчланди. Тош қандай қилиб вазири аъзамнинг кўлига тушганини Беруний сўраганида Маймандий:

— Бу мунажжим бўлишни орзу қилиб юрган Шоаскар маҳлуқнинг иши, — деди вазир куюниб. — Ҳасаннинг бу тошга боғланиб қолганини билган бу иблис, унга зиён бериш ниятида бу тошни ўгирлабди! Султон соғайиши билан, биринчи навбатда бу ўгрини қаттиқ жазолайман!

Сўнгра тумор тошни бирор бир шогирд болалар орқали ан-Насавийга етказишни Берунийдан илтимос қилиб Маймандий, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳолидан хабар олгани саройга жўнади. Ал-Беруний бўлса, ан-Насавийнинг тумор тошини шогирдларига ҳам ишонмай, отини эгаллаб, Ҳасаннинг қишлоғига ўзи йўл олди...

1030 йилнинг 11 сентябри. Ғазнавийлар салтанатининг пойтахти Ғазна, Кастилиядан келган қирол элчи-

ларини қабул қилаётганида тўсатдан жони узилган олти-миш ёшли ҳукмрон Маҳмуд Ғазнавий билан видолашарди. Жаноза маросимида султон саройининг барча аъёнлари, аркони давлат аъзолари, марҳум султоннинг дўсту-ёронлари, қариндош-уруғларидан ташқари шаҳар аҳолиси, яқин-йироқдаги қишлоқ оқсоқоллари тўпланишган...

Худди шу дамда, пойтахтдан бир неча чақирим нарида, кўчманчи туркларнинг ўтовлардан иборат бўлган кўримсизгина қишлоғида Абу Ҳасан Али Ибн Аҳмад ан-Насавий ўзининг маслақдоши ва устози Абу Райҳон Берунийнинг қўлида жон берарди. Малъун Шоаскар ўз ниятига етган эди. Кечикиб етказилган тумор тошига юзини қилиб ётган ан-Насавий умрининг сўнгги дақиқаларида яшаётганини биларди.

— Кўп ишларим чала қолди. Одамлар мени кечирсинлар! — деб жон берди.

Бу дунёнинг бирор-бир лаззатига қўл тегизмаган, ўттиз ёшли буюк математикнинг кўзини юмар экан, Абу Райҳон Беруний чуқур хўрсиниб, шундай дейди:

— Одамларнинг барча мушкулларини риёзиёт ёрдамида ҳал этишни орзу қилган улуг уламо, сонлар салтанатининг султони оламдан ўтди! — деб жон берди.

Тахтга ўтирган янги султон — шаҳзода Маъсуд, таъзия тугаган куннинг эртасигаёқ саройга Абу Райҳон Берунийни чақиртирди.

— Мамлакат султонини дафн этилишида сен нега бўлмадинг? — деб гинахонлик қилди.

Шунда ал-Беруний:

— Мен сонлар салтанатининг султонини дафн қилдим! — дейди.

...Саҳродаги ёлғиз қабрни уч-тўрт ойда қумли шамол ер билан битта қилиб ташлади. Мозордан асар ҳам қолмади. Қариндош-уруғлари ҳам уни унутди. Вафотига

бир йил тўлганида Абу Райҳон Беруний ўзининг «Жавоҳирлар» деб номланган рисоласида ан-Насавийнинг тумор тоши бўлиб хизмат қилган «Халоскор тош»га (обсидиан тоши) катта бир саҳифа ажратиб, жавоҳирнинг барча сирли хусусиятларини ёритар экан, олимнинг номини бир неча бор тилга олади. Ан-Насавийнинг узоқ авлодлари эса олимни оддий эслашади. Унинг «Инсонлар хизмати учун» яратган ажойиб математик тенгламалари чет эл китобларида «Ҳозирги кунда «Руффини-Горнер схемаси», «Ньютон биноми» деб аталишига қарамай, бу илмий кашфиятлар бизнинг узоқ ватандошимиз, ҳаммиллатимиз томонидан яратилганлигини биламиз, доим ёдга оламиз.



ҲИНД ЖОДУГАРИ ҲУЗУРИДА

Ҳиндистонни ажойиботлар мамлакати деб бекорга айтишмайди. Бу қадимий ерга биринчи бор қадам кўйишингиз билан ғаройиботларга ҳар қадамингизда дуч келаверасиз.

«Минг бир кеча» эртақларидагидек гўзал ва афсонавий бўлган бу мафтункор мамлакатнинг тоғли манзаралари, дунёга донғи кетган жавоҳирлари, буддизм ва йога сирлари доимо диққат марказида бўлиб, мени сирли равишда ўзига чорлаб турарди. Донишманд расом Рерих мақтаб «барча донолик, шон-шуҳрату гўзаллик шу ерда тўпланган» деган афсонавий Шамбалани кўргим келарди. Аммо бундай миқёсдаги орзуларим шунчалик тез ушалишини, ҳатто бир ажойиботда шахсан иштирок этишни тасаввур ҳам қилмагандим.

Ҳаммаси «Чжуд-ши» деб номланган Тибет тиббий китобида эслаб ўтилган афсонавий «вайдурра» деб аталувчи бир қизиқарли жавоҳир тошдан бошланди. Бу жавоҳирни ўз кўзим билан кўриш, кўлимда ушлаб кўришни жуда истардим. Шунинг учун Ҳиндистоннинг қаерида бўлмай, биринчи навбатда заргарлик дўконларига кириб, зебу зийнатлар, ишлов берилмаган жавоҳир тошларни томоша қилиб, вайдуррани излардим. Бир куни, шундай дўконларнинг бирида кўпроқ тўхталиб қолдим. Ажойиб нурлар сочиб, жилоланаётган ҳақиқий александрит, худди оловдек яллиғланиб чўлланган рубиннинг Могак конларидан олинган йирик дончалари, тим кўк рангда шуълаларини ёйган кашмир саффири билан терилган кўргазмалар мени бир оҳанграбодек ўзига тортган эди.

Сотувчи мени бадавлат харидор деб ўйлаб, атрофимда гирдикапалак бўла бошлади. Мен унга оддий сайёҳлигимни айтдим. Дунё бўйича энг сифатли деб тан олинган ҳинд жавоҳирларига ҳавас билан бир боқиш ниятида дўконига кирганлигимни тушунтирдим. Сўнгра тошлар бўйича мутахассис сифатида мени анчадан бери вайдурра деган жавоҳир тош қизиқтиришини, бу тош тўғрисида кўп эшитган бўлсам-да, ҳақиқий вайдуррани кўриш ҳалигача менга насиб этмаганини айтдим. Менинг чин кўнгилдан айтган гапларим сотувчига жуда таъсир қилди. Боягидек ёқимли жиламайганча у дўконни қалашиб ётган галадонларнинг биридан, ичига жавоҳир дончалари солинган бир қутичани олиб олдимга кўйди. Кўлимга лупа бориб, танишиб чиқишимни сўради. Қутича ичида сапфир, рубин, хризоберилл, гранат ва бошқа жавоҳирларнинг йирик дончалари ранг-баранг бўлиб товланиб ётишарди. Бироқ афсонавий вайдурра тоши йўқ эди.

— Йес, йес, вайдурра! — деб сотувчи менга хризобериллни узатди.

Кейин билсам, вайдурра — хризоберилл тошининг қадимий ҳиндча номи экан. Бироқ ҳиндлар мовий ва яшил рангли сапфирни ва бошқа кўп хил товланувчи тошларни ҳам шу ном билан аташар экан. Аммо ҳақиқий вайдурра — бу, товус кўзидек рангини ўзгартирувчи, қизгиш-яшил ва қоронгуликда худди мушук кўзидек товланувчи саргиш-яшил рангли хризобериллдир. Қадимий ҳинд тиббий китобларида айнан шу хил вайдурра тоши ҳақида ёзилган. Бундай тошлар ёрдамида ҳинд шифокорлари бод, артрит, астма, ревматизм каби касалликларни даволашган.

Сотувчининг гапига кўра, ҳозир ҳам Жанубий Ҳиндистон конларида бундай жавоҳирлар қазиб олинмок-

да, аммо мушук кўзига ўхшаб товланувчиси жуда кам учраркан. Шунинг учун бу тошларнинг нархлари жуда баланд, бозори чаққон эмиш. Эртанги куни яна дўконга келиш иложини топсам, сотувчи айнан мен излаган вайдурра тошининг турларидан атайлаб олиб келишга ваъда қилди.

Эртаси куни ўша дўконга келиб, хайратдан оғзим очилиб қолди. Чунки кўлимда мушук кўзидек товланадиган ҳақиқий вайдурра — хризоберилл — ярим сферик кабошон услубида ишлов берилган жавоҳир тоши сирли товланарди. Сотувчининг бугунги тўпламида вайдурранинг турли катталиқдаги тиниқ заргарликбоп заррачалари қаторида хиралашган, аммо даволаш ишларида жуда кўл келадиган йирик-йирик доначалари ҳам бор эди. Сеҳрли вайдурра тошларини томоша қилиб, дўконни тарк этарканман, қалбимда иккита ҳиссиёт тўлганар эди. Бири, йиллар бўйи кўришни орзу қилган афсонавий жавоҳир тошини кўрганимдан қувонч ҳисси бўлса, иккинчиси, шу тошлардан арзимаган кичик бир доначасини сотиб олишга қурбим етмаганига ачиниш туйғуси эди.

— Омадингиз келган экан! — деди сотувчи, мени такаллуф билан кузатар экан. — Чунки шаҳримизда Упсайиданинг ўзи сеансларини бошлади. У ҳақда эшитмаганмисиз? О, у Ҳиндистоннинг энг буюк жодугари! У мисли кўрилмаган даволаш ва бошқа ажойиб хусусиятларга эга. Упсайида ўз амалий машгулотида жавоҳир тошларидан фойдаланиб, кўп касалликларни даволайди. Бундай сеҳргар нақ Муҳаммад Гавс давридани бери Ҳиндистонда бўлмаган! Упсайидага менинг бир оз яқинлигим бор. Истасангиз, бугуноқ сизни унинг сеансига олиб бораман?

Сотувчининг номи Баҳодур Сингх экан. Кутилма-

ганда унинг қилган таклифи бир томондан мени эсан-киратиб қўйган бўлса, иккинчи томондан жуда кизиқарли эди.

Кечқурун Баҳодур Сингх машинасида меҳмонхонага келиб, мени олиб кетди. «Дур сарой» деган ажойиб бинонинг залларидан бирида Ҳиндистоннинг казо-казолари йиғилган бўлиб, ичкари одам билан лиқ тўла эди. Ҳамроҳимни яхши танийдиган «шаумен»лардан бири дарров иккита курси қўйиб, бизни ўтиришга таклиф қилди. Атрофимизда ярим қоронғулик, сирли жимлик ҳукм сурарди. Тутаётган сандал чўпларининг бошни айлантирувчи ҳидлари димоққа урилиб, афсоналар дунёсига олиб кетгандек эди. Ён-веримиздаги одамлар пичирлаб, Упсайиданинг жоду фани доктори, дипломли врач ва Ҳиндистоннинг Бош жодугари эканлигини бир-бирига ўқтиришга ҳаракат қилишарди.

Ўтирганларнинг баъзи бирлари оғзидан, Упсайиданинг «қора жодугар»лигини эшитгач, келганимга ачиндим ҳам. Бурни сўррайган, букир ҳинд кампирини кўриб, унинг сафсатасини эшитиб оғригандан кўра, меҳмонхонанинг бассейнида чўмилиб, дам олсам бўлмасмиди, деб ачиндим.

Бирдан ногоралар чалиниб, ҳинд мусиқалари янграй бошлади. Проекторлар кумушранг нур сочиб, сахна ўртасида жодугарликнинг сирли учбурчагини яратди. Шунда, сахна ичкарасидан қора сарига ўранган ёшгина жувон юриб чиқиб, учбурчак ёруглигининг марказида тантанали қиёфада тўхтади. Унинг бир елкасини ёпиб турган қора сарисига илон шаклидаги катта ялтирок тўғногич тақилган эди.

«Упсайида!» деб ўтирганлар ҳаяжон билан бараварига бақиришган эди, бирдан Упсайиданинг кўтарилган қўлини кўриб, шу заҳоти сув қуйгандек жим

бўлишди. Мен эса ҳайрат билан жодугарга тикилганча, кўзларимга ишонмасдим. Чунки сахнада қадди букчайган, бурни сўррайган ҳалиги жодугар кампир ўрнида, қоп-қора сарига ўралган ниҳоятда гўзал ёш ҳинд аёли турарди. Унинг қалин қора сочлари елкасига енгил ёйилган, фил тишидек тиниқ юзида эса сирли ва мафтункор табассум ўйнардди. Упсайида ўзининг бу кўринишида жодугардан кўра кўпроқ ҳинд маъбудаларига ўхшаб кетарди.

Ногораларнинг овози бирдан тинди, фақат нозик ҳинд мусиқаси эшитиларди. Жодугар ўнг кўлида тутган оқ таёқчасини боши узра худди шамчироқдек тутганча, белларини тўлгантириб, таманно билан сахнада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Вақти-вақти билан у ҳаракатини секинлаштириб, залга тикилар ва менга нота ниш бўлган «Ом, Ом, аум, аум, ом ра майя на мах!» деган сеҳрли сўзларни айтарди. Залда ўтирганлар эса, кўлларининг кафтини шифтга қаратиб, тиззаларига қўйганча, паст овоз билан Упсайиданинг айтаётган сўзларини сўзма-сўз қайтаришарди. Бу пайтда кўпчиликнинг кўзлари юмуқ ёки ярим очиқ эди. Мен бўлсам ўша пайтда бу медитациянинг нозик сирларига тушуниб етолмай, бутун зехн-этиборимни Упсайиданинг кўлидаги сирли таёқчага қадаган эдим. Жодугар сахнада бир муддат тошдек қотиб тўхтади. Шунда прожектор нурида Упсайиданинг кўлида ялтираб турган таёқчани таниб қолдим. У, «минераллар подшолигининг» гўзал вакили— тоғ биллури эди....

Упсайида сахнадан тушиб, худди оққушдек аста ва улугвор сузиб, сахнага яқинроқ ўтирган томошабинлар орасига кириб кетди. Ўзининг сеҳрли кристаллини боши устида ушлаганча, бир нималар деб ҳар замон, ҳар замон томошабинларнинг юзига тикилиб, худди

арвоҳдек, уларнинг орасида шовқинсиз қадам ташларди. Бошимни эгиб, кўзларим ярим ёпиглиқ ҳолда, жодугарнинг менга яқинлашишини кутардим. Ёнимда ўтирган Баҳодур Сингх кўлимни қаттиқ сиқиб, бир нималар дерди, аммо мен унинг гапларини англолмасдим. Атрофимда ўтирганларнинг орасидан худди соядек шовқинсиз сирғалиб ўтган жодугар ёнимга келиб тўхтади. Шунда кўзим беихтиёр юмилди. Мен жодугарнинг худди мусаффо нур оқимидек ширин ва муаттар ҳидинигина сезардим. Баланд тоғлардаги яйловнинг тоза ҳавоси каби менинг қизиган бетимни эркалаб силар, ўзимни маст қилгудек эди бу ҳид. Бу гуллаган дарахтнинг, ширин майсанинг ва менга мутлақо нотаниш бўлган тоғ гулининг сасини ўзига сингдирган сеҳрли бир ҳид эди. Мен кўзларимни юмганча мени маст қилиб аллалаётган бу ҳиддан абадий нафас олишга тайёр эдим. Қандайдир афсонавий туйғу қалбимни камраб олиб, танамга қизиқ бир лаззат берарди. Назаримда, қайиққа ўтириб, кенг Ганга дарёсида сузаётгандек эдим. Қирғоқ бўйлаб чўзилиб кетган обидалар атрофида заъфарон рангли кийим кийган одамлар қўл кўтариб мени олқишлашар, гулчамбарлар ташлашар эди. Мен эса уларга эътибор бермасдим. Қалбим роҳатланиб ором олар, барча ўй ва фикрларим миямдан ўчган, дарду ғамлар танамдан кетган эди....

Секин гипноз ҳолатидан чиқиб, кўзимни очсам, Ганга дарёси ҳам, Улсайиданинг ўзи ҳам йўқ эди. Жойимда қимир этмай ўтирибман. Атрофимдаги оқ кийинган одамлар ҳам қимирламай ўтиришарди. Менинг ҳам қимирлашга ҳолим йўқ эди. Танамдан барча оғриқ иллатлар, ғам-ташвишлар кетиб, енгил тортган эдим.

— Қалай? — қизиқиб сўради Баҳодур Сингх сирли жилмайиб. — Ҳали томошанинг ҳаммаси тамом бўл-

мади! Мен Упсайида билан гаплашдим. У сизни қабул қилишга рози бўлди.

Бу хабар мен учун тақдирнинг яна битта ёқимли совгаси бўлди. Юрагим така-пука бўлиб, Баҳодур Сингхнинг кетидан эргашдим. Саҳна орқасидаги кичкина хона хушбўй гулдасталарга, нафис гулчамбарларга кўмилган эди. Мен ҳаяжондаман. Чунки машҳур ҳинд жодугари қаршимда, кўлимни чўзсам, етадиган масофада ўтирарди. Унинг гўзал, ёш юзида енгил, сирли табассум жилваланарди. Упсайида ҳамроҳимдан мен ҳақимдаги маълумотларни эшитар экан, учқунли кўзлари билан мени кузатарди. Жавохирлар қадалган бир даста билагузукли кўлини мен томон чўзди. Шунда унинг кафти мен томонга ўгирилган эди. Бу эса бармоқлар «тили»да хайрихоҳлик ва юксак эътиборни англатарди. Мен қандайдир электрлашган майдон ичида қолгандек, тортинадим. Упсайиданинг ўзи гап очди.

— Менинг бирор нарсам сизми чўчитаяптими? — сўради жодугар ва ҳамроҳимнинг таржима қилишини кутиб, яна сўради: — Балки қора кийимим сизни хижолат қилаётгандир? Бундан чўчиманг! Ахир қора ранг Тангрининг иродаси билан яралган илоҳий ранг-ку! У оққа нисбатан тескари, сирли рангдир. Қора ва оқ ранг Коинотдаги қарама-қаршиликларнинг икки бошлама Ян ва Иннинг қарама-қаршилиги асосида яшаётган бутун Олам тимсолидир. Мен қора рангни яхши кўраман! Афсуски, кўпчилик бу рангни тушунмай, ёвузлик ранги деб ўйлашади. Аслида қора ранг руҳий покланиш рангидир!

— Сизнинг одамга ажойиб таъсир қилиш услубингиз, даволаш механизмингиз, сир бўлмаса, нималардан иборат? — деб сўрашга журъат этдим.

— Ҳеч қандай сирли ери йўқ, — деб жилмайди Уп-

сайида. — Сиз айтган «механизм» бизнинг ўзимизда жойлашган. Йога билан таниш бўлсангиз, унда ҳар бир одам жуда катта қувват потенциалига эга, дейилган. Аммо бу потенциал ишлатилмай, уйқу ҳолатида ётаверди. Менинг вазифам, бу қувват потенциалини, ҳиндча «пран»ни уйғотиб, уни танамиздаги барча етита қувват тугунлари, яъни «чакра»лар бўйлаб ҳайдашдир. Ана шунда тана аъзоларимизда ички монандлик (гармония) юзага келади, ҳамма ҳаётий кучлар ҳаракатга келиб, ўз-ўзидан соғайиш бошланади. Уйғотилган «пран» сўнги, еттинчи «чакра» дан ўтганда, бутун борлиққа сингувчи Коинот қуввати билан бирлашади. Ана шунда сиз онгнинг сиз учун мутлақо янги босқичига кўтариласиз. Даволанишнинг ажойиботи менда эмас, у барчамиздадир. Мен фақат бир импульс бериб, инсонда ухлаб ётган қувват потенциалини туртиб уйғотаман. Уни ишлашга мажбур қиламан. Қувват потенциаллари тўла ишлаб турса, инсон касалланмайди, у ҳатто қаримайди ҳам. Мана мен ўзимдаги қувват потенциалларидан ёшлигимдан бошлаб тўла фойдаланаман. Кўриб турибсизки, мени кўрган одам менга ўттиз ёшдан ортик бермайди. Ваҳоланки, менинг ёшим саксон еттида...


Жодугарнинг гапига ишонқирамадим. Упсайида ўзининг халқаро паспортини олиб, тугилган ой ва йилини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам унинг ёши саксон еттидан сал ўтганлигини ҳисоблаб кўриб, ёқамни ушладим.

— Бунинг ҳаммаси, — деди Упсайида нозик бармоқлари билан ўзининг бошдан-оёқ танасига ишора қиларкан гурур билан: — қувват потенциалларимни тўла ишга тушира олганимнинг натижасидир. Жавоҳир тошлар менинг биринчи ёрдамчиларим. Биллур таёқчам билан мен «пран» оқимини беморга йўллай-

ман, уни тозалаб, «чакра»сига қувват бераман, аурасини ва бутун танасини мустаҳкамлайман.

Ҳинд жодугари билан бўлган учрашувдан сўнг биз билган ва билмаган дунёнинг гаройиботлари, саноатлари кўп эканлигига яна бир бор амин бўлдим.





ЖАВОҲИР ТОШЛАР
БИЛАН ИШЛАГАН
АЛЛОМАЛАР
ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

“АЛ-МУАЛЛИМ АС-СОНИ”

Бутун Шарқ мамлакатларида ал-Форобийни ана шундай: “Ал-муаллим ас-сони” (яъни “иккинчи ўқитувчи”) деб унинг ҳаётли давридаёқ атай бошлашган. Биринчи ўқитувчи, яъни “Ал-муаллим ал-аввал” деб фақат Аристотел тушунилган.

Ал-Форобий ўзигача ўтган файласуфлар ичида биринчи бўлиб Аристотелнинг фикр ва ғояларини тўлақонли англаб, фанга тадбиқ қилган олимдир. Угина қадимий юнон мутафаккири Аристотел асарларини шарҳловчиларининг кейинчалик зўрма-зўраки кийдирган мистик қатламларидан озод қила олди. Ҳа, фақат ал-Форобийнинг фан олдидаги машаққатли меҳнатлари туфайлигина бугунги авлодларга Аристотелнинг фикр ва ғоялари аниқ ҳамда тушунарли бўлди.

Абу Али Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида тан олиб ёзишча, у Аристотелнинг “Метафизика” асарини тушунишда жуда қийналган экан. “Бу китобни қирқ марта ўқиб чиққанимда ҳам унинг маъносига тушуниб ета олмаган эдим. Аммо, бир кун Бухоронинг китоб бозорида айланиб юриб, мазкур китобга ал-Форобий ёзган шарҳ қўлимга тушгандан кейингина менга ҳамма нарса аён бўлди”, деб ёзади Ибн Сино.

Қадимий юнон мутафаккирларидан Евклид, Птоломей, Платон, Сократ ва айниқса Аристотелнинг илмий асарларини асл нусхасидан ўқиб ўрганишда даставвал ал-Форобийнинг ўзи ҳам кўп машаққат чеккан. Буюк алломанинг эслашча, Аристотелнинг “Физика”сини қирқ марта, “Риторика”сини икки юз марта, “Рух ҳақида”сини юз марта қунт билан ўқишига тўғри келган экан. Ўзга миллат уламоларининг асарларини асл тилида ўқиб, уларнинг моҳиятига тушуниб етиш учун

ўша тилларни мукаммал ўрганишга эҳтиёж сезган. Илмга муккасидан кетган Ал-Форобий етмишдан ортиқ тилни ўзлаштиришга эришган экан...

Ўрта аср буюк файласуфининг тўлиқ номи — Абу Носир Муҳаммад Ибн Муҳаммад Ибн Тархон Ибн Узлок ал-Форобий ат-Туркийдир. Яъни олим туркий миллатга мансуб бўлиб, келиб чиқиш ери Фороб (Ўтрор) шаҳридан, ўзи Узлоқнинг эвараси, Тархоннинг невараси, Муҳаммаднинг ўғли бўлиб, исми Абу Носир Муҳаммаддир.

VIII аср охири IX аср бошларида Мовароуннаҳр араблар кўлига ўтиб, ҳаёт тарзи тўла арабийлашиб бормоқда эди. Давлат идора ишлари, илм-фан, адабиёт араб тилида олиб борилиб, ҳатто одамларнинг исму-шарифлари ҳам арабийлашиб, туркий исм ёнига арабча “Абу”, “Ибн” сўзлари, арабий номлар кўшилиши расм бўла бошлаган эди. Шунинг учун Туркистон ҳоқонининг таниқли лашкарбошиси бўлган Тархон ҳам ўғлига ном танлашда иккиланмай, уни Муҳаммад деб атаган. Жанговар ишларда, кўшин бошқаришда пастубаландни яхши таниб, “Бешик кўргон” қалъасининг кўмондони бўлиб хизмат қилаётган Узлоқ ўғли Муҳаммад ҳам ўзининг бу ютуқларини улуг Пайгамбарнинг номи билан боғлаб, ўғил кўрса унинг ҳам исмини Муҳаммад деб кўйишни кўнглига тугиб кўйганди.

Аллоҳ унинг бу ниятини қабул қилган шекилли, 870 йилнинг кеч наврўзида Муҳаммад ўғил кўради. Абу Носир Муҳаммад деб исм кўйиб, етим-есиру, мушфиқ-бечораларга етти кун ош беради. Энди у фарзандининг тезроқ улгайиб, от миниб, унинг ёнида — сафда туришини орзу қиларди. Бўш қолди дегунча мурғак ўғлини эгарга ўтказиб, от билан дўст тутинишга ўргатарди. Ўғли улгайганида албатта жасур лашкарбоши бўлиб, қўлида шамшир ўйнатиб, жаҳонгашта бўлишига иш-

нарди. Чунки тугилган кунидан бошлаб йиғи-сигини билмайдиган, ҳар нарсага чидамли, соғлиги пишиқ-пухта бўлиб ўсаётган гўдакнинг келажақда фақат зўр саркарда бўлишидан ўзга чораси йўқдек эди...

Аммо буюк Тақдири азал боланинг келажагини бутунлай бошқача ҳал этиб қўйган эди. Абу Носир тугилганида арабларнинг улуг файласуф олими ал-Киндий ҳам, Юнонистон олимларининг ишларини юқори савияда таржима қилувчи машҳур олим Хусайн ибн Исҳоқ ҳам, худди ҳали мурғак бўлган Абу Носир Муҳаммадга фалсафа фанининг муқаддас тахтини, таржима ишларининг мураккаб сўкмоқларини унга бўшатиб бергандек, бирин-кетин оламдан ўтишди. Уларнинг ўрнини дадил эгаллаган Абу Носир Муҳаммад жангчилар қўшинининг эмас, балки файласуфларнинг буюк саркардаси, толмас йўлбошчиси бўлиб етишди.

Ал-Форобий ўздан кейинги авлодларга фавқулодда муҳим ва турли табиий фанлар соҳасида юздан ортиқ тенгсиз илмий мерос қолдирган эса-да, унинг шахсий ҳаёти ҳақида деярли ҳеч нарса бизга маълум эмас. Унга нисбатан замондош, унга яқин асрларда яшаб ўтган тарихчилар, олимларнинг узун-юлуқ хотираю эсдаликларидан, халқ орасида сақланиб қолган ривояту афсоналардагина улуг даҳо ҳақида, унинг мусофирчиликда ўтган оғир ва мураккаб ҳаёти тўғрисида тусмонан фикр юрита оламиз, холос.

Бошланғич таълимни бўлажак олим ўз уйида, Ўт-рорда олади. Ўқишнинг дастлабки йилларидаёқ Абу Носирнинг меҳрини табиий фанлар қамраб олади. У ўзини ўраб турган атроф-муҳитга, тунги осмондаги юлдузларга қараб олам тузилиши, ҳаёт мазмунининг негизларини тушуниб олгиси келади. Бунинг учун у кўпроқ ўқиб-ўрганиши, изланиши, юрт кезиши керак эди. У даставал ўша даврларда илмий марказ ҳисобланган

Шош ва Самарқанд шаҳарларида, кейин Бухоро мадрасаларида таҳсил олади. Беш-олти йил шу тарзда умр ўтказган Абу Носир Муҳаммад ўзлаштирган назарий билимларини амалда қўллаб, табиблигу боғдорчилик, муаллимлигу устачилик, нотигу ҳаттотлик, мунажжиму ҳисобчилик каби ҳунарлар билан ҳам шуғулланиб, билимини мустаҳкамлайди. Турон халқи ўртасида бир донишманд файласуф тарзида шаклланади. Пифагор ва Сократ, Платон ва Аристотелларнинг фалсафий фикрларини ёритган маърузалари довруги Эрону Румгача, Чину Ҳиндистонгача бориб етади. Шунда Абу Носир Муҳаммадни иккинчи ўқитувчи деб атай бошлайдилар. Ал-Форобийнинг билим кўлами, ўй-фикрларининг кенг қамровлигига, мухтасар ибораларининг сермаънолиги бунга тўла асос бўла оларди.

Ал-Форобий кўшни Эрон мамлакатига ўтиб, ўша даврнинг маданий марказларидан бўлган Исфажон, Ҳамадон, Рей қатор шаҳарларида юриб, кўп саргузаштларни бошдан кечиради.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида у казозкаларга катта зиёфат бераётган Ҳамадон султонининг саройига кириб боради. Зиёфатнинг айна авжига чиққан палласида хизматкорлар ҳам, зиёфатдагилар ҳам саройнинг очиқ эшигидан кириб келган соддагина туркий кийим-бошдаги «меҳмон»ни кўриб, ҳайрон бўлиб қолишади. Шунда уй эгаси — Ҳамадон султони меҳмонлар олдида сир бой бермай, унга шундай дейди:

— Марҳабо, меҳмон! Кимлигингни билмайман, ammo остонамдан хатлаб ўтибсанки, энди сен ҳам меҳмонларимнинг бирисан. Билимингу мансабингга яраша ерни ўзинг топиб ўлтир-да, дастурхондаги ноз-неъматлардан танаввул қил!

Шунда номаълум меҳмон қуллик қилиб, ҳеч иккиланмай дастурхон тўрига бориб ўтиради. Бундан меҳ-

монлар чандон ҳайратга тушиб, анграйиб қолишади. Султон эса меҳмондан бир оз ранжиб:

— Эй мусофир! Бу даврада турли илмлардан ҳабардор бўлган уламою фузалолар йиғилган. Ҳеч нарсани суриштирмай, сен улардан юқори чиқиб ўлтирдинг. Бунга сабаб нима? — деб сўрайди.

Шунда у:

— Мен уларнинг барчасидан ҳам билимдонроқман! Мен улардан устунман! — деб дадил жавоб қилади.

Шунда ўлтирганлар унинг билими кўламини синаш ниятида унга бир бошдан саволлар ёғдиришади:

— Инсонлардаги қайси хислат энг савоблидир?

— Сахийлик! — деб жавоб қилади ал-Форобий.

— Энг гуноҳли хислат-чи? — яна сўрашади ундан.

— Хасислик! — деб яна қисқа жавоб қилади олим.

— Ҳукмдорларда-чи? — қизиқиб сўрайди султон.

— Ҳукмдор сахий бўлса доимо унинг хазинаси бой, дастурхони мўл, халқи тўқ, ўзи соғ-саломат ва тинч яшайди. Хасисликка юз тутган ҳукмдор бор нарсасидан ҳам айрилиб, ўзи ҳам узоқ умр кўрмай, ўлиб кетади.

Ўтирганлар меҳмоннинг сўнгги сўзларига унча тушуна олмай ундан батафсилроқ гапириб беришни сўрашади. Шунда у:

— Миср ҳукмдори Фиравн ўзини худога тенг қилиб, ҳар куни тўрт минг қўй, тўрт юз дона қора мол, икки юзта туя сўйиб, бутун Мисрда яшовчи исроилликларни ҳам, қўшинини ҳам зиёфат қилиб боқар экан, — дея ҳикоясини бошлади. — Бундай аҳвол тўрт юз йил бетиним давом этибди. Бундай тўкин-сочинга чидаб туролмаган Мусо пайгамбар Худога шундай нола қилади: "О, Яратган эгам! Фиравнни нобуд қил!" деб сиғинади. Яратган Мусонинг ноласини инобатга олиб: "Мен Фиравнни сувда чўктираман. Унинг мол-мулкани, хотинларию қўшинларини сенга, сенинг умматларингга бе-

раман!" деб ваъда қилибди. Орадан бир неча йил ўтиб кетибди. Фиравнга бало ҳам урмай, аҳволи бурунгидек, кунда исроил халқига зиёфат бериб, халқ орасида шуҳрати ошиб яшайверибди. Мусо эса бунга чидай олмай, Яратган тезроқ Фиравнни нобуд қилишини истарди. Шунда у қирқ кунлик рўза тутиб, Синай тоғига кўтарилиб, яна Аллоҳга нола қилибди: "О, Яратган эгам! Сен ахир Фиравнни нобуд қилишни ваъда қилган эдинг. У бўлса соғ-саломат, хали ҳам тўкин-сочин қилиб, зиёфат бериб юрибди. Қачон сен уни ўлдирасан?" Шунда Арши-аълодан Яратганнинг овози эшитилибди: "О, Мусо! Сен Фиравнни мумкин қадар тезроқ йўқ қилишимни истайсан. Мен эса уни асрашим керак. Чунки минг-минглаб одамлар унинг дастурхонидан овқат еб, унинг паноҳида тинч яшамоқдалар. Унинг эшиги барчага доим очик, дастурхонида озиқ-овқат ва егуликлар сероб экан. Мен Фиравнга тегмайман!" дебди. Шунда Мусо: "У ҳолда сен қачон ўз ваъдангни бажарасан?" деб сўраганида, Яратган: "Халқингга улашаётган таомининг миқдорини камайтирганда Фиравннинг куни битади!" деб жавоб қилибди... Бу гаплардан хабари бўлмаган Фиравн бир куни вазири Ҳамонга қараб: "Мусо ўз атрофига исроил қавмини тўплаб, бизни кўп ташвишга солмоқда. Унинг бизга қарши режалари нималарга олиб келиши номаълум. Шунинг учун хазинамиз тўла бўлиб турса, кўнглимиз тўқ бўлади. Шу сабаб, энди исроил қавмига тўкаётган дастурхон харажатларини икки марта озайтириб, маблағ заҳирага йиғилсин!" деб буюради. Худди шундай қилишади. Мусонинг умматларига тарқатилаётган пай миқдори ҳар икки кунда камайиб борди. Шунда Мусо Фиравннинг вақти-соати битаётганини тушунди. Чунки хасислик – тушкунлик билан бахтсизлик аломатидир.

– Фиравннинг тақдири не бўлди? – сўради султон.

— Чўкиб ўлган! Фиравн ўлган куни унинг ошхона-сида фақат иккитагина қўй сўйилган эди, холос....

Қорни тўйган меҳмон кетишга чоғланганда мезбон:

— Ким бўлишингдан қатъий назар, сен ҳурматга сазовор, доно инсон экансан. Исми шарифинг, аъмолингни айтки, биз кимнинг ҳаққига дуо қилишимни аниқ билайлик, — деди.

— Абу Носир Муҳаммад ал-Форобий, — деб жавоб қилди меҳмон.

Шунда бу номни эшитган мезбону меҳмонлар донг қотишади. Чунки машҳур “Ал-муаллим ас-сони” уларнинг даврасида, ёнларида, оддийгина кийимда ўлтирарди. Шунда Ҳамадон султони қўймасдан олимнинг елкасига қимматли чопон ёпадики, бу устки кийим ал-Форобийнинг бутун Эрон шаҳарларида бемалол юриши учун сирли йўлланмадек бўлиб хизмат қилади.

Тириклигидаёқ “Ал-муаллим ас-сони”, “Фаҳри ал-уламо” (яъни “Олимларнинг фаҳри”), “шайх” каби ун-вонларга мушарраф бўлган олим негадир, ўша пайтда араб маданиятининг маркази ҳисобланган Бағдод шаҳрига улкан араб салтанатининг пойтахтига келиб ўқиган. Аммо ал-Форобий қайси йили Бағдодга келгану, бу шаҳарда неча йил яшагани, нима ишлар қилгану, қандай фанлар ўқигани ҳақида, кейин қандай сабаб билан ва қайси вақтда Бағдодни тарк этгани тўғрисида ҳам тўлиқ маълумотлар йўқ. Демак, миллий университетнинг профессори Бағдодий Шавқийнинг ёзишича, ал-Форобий Бағдодда саккиз йил яшаб, табиблик билан шугулланган, қадимий Бобил, юнон қўлёзмаларини ўрганиб, “Саховатли шаҳар халқининг фикрлари” асарини айнан шу Бағдод шаҳрида ёзади. Олимнинг Бағдод шаҳрида табиблик қилиб кун кечирганини халқ озгида юрган қуйидаги ривоят ҳам тасдиқлайди.

...Бағдодли бир курд бегининг ягона фарзанди кун-

ларнинг бирида қаттиқ касалга чалиниб қолганида, ўглининг дардига кўп табиблардан даво топа олмаган бек, муҳожир табиб ал-Форобийга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Беморни обдон текшириб чиққан ал-Форобий, болани даволаб, соғайтириб беришни ўз зиммасига олар экан, даволаш даврида беморнинг ҳеч ким билан учрашмай, ўз уйида, шахсан ўз назорати остида бўлиши лозимлигини шарт қилиб қўяди. Ўглининг даволаниб кетишидан аллақачон умидини узган ота, табибнинг қўйган шартини жон-дили билан қабул қилади, ва:

— Агар зурриётимни соғайтириб берсанг сенга етти юз динор инъом этиб, бош-оёқ сарпо ҳадя қиламан! — деб ваъда беради.

Беморни уйига олиб келган ал-Форобий, бисотидаги бор нарсаларини бозорда сотиб, пулига доридармон тайёрлаш учун керак бўлган барча ашёларни сотиб олиб, болани даволашга жиддий киришади. Уч ойлик даволаш муддати даврида, ал-Форобийнинг шартига тўла амал қилган ота фарзанди билан бирон марта ҳам учрашмайди. Даволаш муддати тугагач, оғир дарддан соқит бўлган болани етаклаб олган ал-Форобий бекнинг уйига боради. Ўглини соғ-саломат кўрган ота қувончдан ал-Форобийни уйнинг тўрига ўтказиб, катта зиёфат беради. Табиб шаънига раҳматлару таҳсинлар айтиб, оғзининг суви қочади. Зиёфат тугаб, меҳмоннинг кетар чоғида эса, бек минг узрлар айтиб, ал-Форобийнинг қўлига тилхат тутқазади. Тилхатда ёзилишича, бек ал-Форобийга етти юз олтин динор бериш унинг бўйнига қарз эканлиги ёзилган бўлиб, имзою муҳр билан тасдиқланган эди.

— Менга бир ойгина муҳлат бер! Далаларимдан ҳосилни йигиб олгач, қарзимни тўлайман! — дейди у икки букилиб.

Ал-Форобий, ноилож бунга рози бўлади. Уч ой пулсиз қийналдим, яна бир ой менга ҳеч нарса бўлмас деб ўйлайди олим. Орадан бир ойдан ҳам кўпроқ муддат ўтгандан кейин ал-Форобий бекнинг уйига боради. Бек табибни яхши кутиб олиб, яна едириб-ичиради, ammo ваъда қилган етти юз динорни бермай, уйига қуруқ жўнатади. Ал-Форобийнинг бекнинг уйига ана шундай бенатижа қатнаши жуда кўп марта такрорланади. Бундай сарсонлик жонига теккан ал-Форобий ҳам бир гал бекка қуйидаги мазмунда хат қолдиради: “Касал фарзандингни даволашим учун менга етти юз динор берасан деб, мен сени қистамаганман. Мен ўзимнинг ёнимдан беш юз динор сарфлаб, ўглингни даволадим. Сенга берган ўз ваъдамни бажардим. Шу сабабдан, худо ҳаққи, фақат менинг беш юз диноримни ўрнига қўй! Тирикчилигим жуда мушкул аҳволда”.

Бу гал ҳам аҳволи кутилмаганда оғирлашганини важ қилган бек ал-Форобийни қуруқ қайтаради.

Шунда ал-Форобий Бағдоднинг таниқли арбобларю обрў-эътиборли одамларини ўртага солишга мажбур бўлади. Олимнинг дардига ҳамдардлик кўрсатган одамлар йигилиб, курд бегининг уйига боришади. Ammo улар ҳам бекдан бир танга ҳам ундиролмай, қуруқ ваъдасини эшитиб қайтишади. Орадан анча муддат ўтиб кетса-да, унинг муаммоси ҳал бўлмай қолаверади. Ҳамма нарсадан умидини узган ал-Форобий бир куни масжидда пешин намозидан кейин, кўзига ёш олиб:

— Эй, Яратган парвардигор! Мени паноҳингда сақла, мушқулимни ечишда ёрдам бер! — деб юзига фотиҳа тортади.

Шунда унинг ёнида ўтирган бир қашшоқ дарвеш ундан:

— Эй, улуг шайх! Сенга нима бўлди? — деб секин сўрайди. — Фамноклигинг сабабини айт.

— Сенга дардимни изҳор этганимдан нима фойда,
— дейди руҳи тушган ал-Форобий кетишга отланар экан. — Шаҳарнинг барча бообрў амалдорлари аралашиб ҳам мушкулимни ҳал этиша олмади. Шунинг учун сен билан ҳам суҳбат қилиб, фойда кўрмайман!

— Тўғри, фойда кўрмассан, аммо зарар ҳам кўрмайсан-ку ахир! — деди дарвеш бироз ранжиб.

Бекорга бегуноҳ дарвешнинг дилини огритиб кўйганидан хижолат бўлган ал-Форобий уэр сўраб, унга ўз дардини гапириб берди. Гапи тугагач, дарвеш жилмайиб, олимга шундай деди:

— Улуғ шайх! Мушкулингни ҳал этиш учун ўзимнинг яхши маслаҳатим билан сенга ёрдам бермоқчиман. Агар маслаҳатим бефойда чиқса, Аллоҳ мени минг балоларга дучор қилсин! Мен сенга нима айтсам, рисоладек бажарсанг, шу бугуннинг ўзида пулларингни оласан!

Ал-Форобий бундай ваъдаларни бераётган қашшоқ дарвешнинг гапларига албатта ишонгиси келмасди. Дарвеш бўлса унга тушунтирарди:

— Ҳозирнинг ўзида Бағдоднинг Жума масжидига борасан. Масжиднинг ён томонида кичкинагина бир табақали эшик бор. Шундан ичкарига кирсанг, ҳовуз лабидаги санам дарахтининг остидаги дўконда ўтириб, икки шогирди билан устачилик қилаётган бир кекса косибни кўрасан. Тортинмай бориб, шу косибга дардингни менга айтганингдек қилиб гапириб бер. Косиб сенга албатта ёрдам беради.

Ал-Форобий чўзилиб кетган ўз муаммосини ҳал этилишида қандайдир бир косиб чолнинг ёрдам беришини эшитиб, истеҳзоли кулиб кўяди. Бағдоднинг казоказоларининг гапларини бир чақага олмаган муттаҳам курддан бир камбағал косибнинг гапига қулоқ қоқишига сира ишонмаган ал-Форобий, шундай бўлса-да,

дарвеш айтгандек иш тутиб, ўша кекса косибни топади. Ал-Форобийнинг арзи-додини жим тинглаган косиб, бир оз жилмайиб:

— Аллоҳ сенинг мушкулингни бизнинг кўлимиз билан енгиллаштирса ажаб эмас! Биз сенинг қарздоринг билан гаплашурмиз ва кўзлаган мақсадга албатта эришурмиз. Сен ҳозирча бир чеккароқда ўлтириб, дамингни ол! — деди косиб чол ва шогирдларидан бирига шундай топшириқ берди: — Бекнинг уйига югуриб борда, дарвозасининг олдида ўтир. Биронта-бир хизматкори чиқиб қолса: “Улуғ Ҳожининг шогирди унинг сенга муҳим топшириги билан остонангда мунтазир бўлиб ўлтирибди”, деб айтишларини уларга тайинла. Сени ичкарига таклиф қилишгач, бекка шундай гапир: “Улуғ Ҳожининг ҳузурига шайх ал-Форобий шикоят билан келди. Сенинг шайхдан етти юз динор қарзинг борлиги ҳақидаги тияхатни шайх Ҳожига кўрсатиб, бир ярим йилдан бери қарзни бермай юрганингни арз қилди. Буюк Ҳожи сен бу қарзингни тўлигича бериб, унинг қалбини хушнуд этишингни истайди. Жавобини тезроқ бизга айт!”

Шогирд шамолдек елиб бекнинг хонадонига югурди. Орадан бирор соат ҳам ўтмай муттаҳам курд, икки хизматкорининг ҳамроҳлигида етиб келди. Ҳўкиздан сакраб тушган бек йўргалаб келиб, Улуғ Ҳожига салом берди-да, икки букилиб, унинг кўлини ўпди. Сўнгра огир бир халтани ал-Форобийга узатиб:

— Мана сенинг етти юз диноринг. Хизматкорларимда тош-тарози бор, олтинларни истаганча тортиб ол...

Эртасига ал-Форобий бозордан бир кўйнинг сонини олиб, турли майда-чўдапар билан устанинг олдига борди. Ёрдами учун ташаккурини изҳор этаркан, олим ундан:

— Ҳеч кимнинг сўзи ўтмаган бу қайсар курд қандай

қилиб сенинг бир оғиз гапингни шу ондаёқ бажарди?
Бунинг сири нимада? — деб сўради.

Шунда кекса уста ўзининг ўттиз йилдан бери ана шу Жума масжидида сўфилик қилиб, ҳар куни беш маҳал азон айтиб, мўмин-мусулмонларни намозга чақириб юрганини, бўш вақтларида эса пойафзал ямаб, кун ўтказишини гапира бошлади. Кунларнинг бирида, хуфтон намозидан кейин ҳамма уй-уйига тарқаб, уйкуга ётиш пайтида сўфи, бир хунук воқеанинг беихтиёр гувоҳи бўлиб қолади. Ўша пайтлардаги Бағдод амири ғирт маст ҳолда бир аёлнинг ҳижобидан судраб, ўз қўшки томон келаётганини кўриб қолади. Бечора аёл, фарёд солиб, мусулмонларни ёрдамга чақирарди: “Мен ор-номусли турк савдогарининг кизиман. Бир мусулмоннинг никоҳидаги аёлман. Агар бир кеча уйда бўлмасам, эрим мени ҳайдайди! Менга ёрдам беринглар!” деганча чирқираб йиглайди. Аёлнинг фарёдию, маст амирнинг сўкинишини эшитиб, кўчага чиққан беш-олти эркак аёлга ёрдамга югурадилар, аммо жазавага тушган амирдан бир-икки калтак еб, ҳаммалари уй-уйларига яширинишади. Шунда масжид сўфисининг миясига қалтис бир фикр келади: мастларнинг одатда тезда уйкуга кетиб, уйғонганда эса вақтнинг қай маҳаллигини англаша олмаслигини билган сўфи, агар мен ҳозир азон этсам, маст амир, “Ия тонг отибди, бомдодга чақиряпти” деб, асирасини кўйиб юборади деб ишонган сўфи, бор овози билан азон айта бошлайди. Бироқ, шошилиб қолган сўфи, масжиднинг шундагина халифанинг маҳалласида жойлашганини мутлақо эсидан чиқарган эди. Бемаҳалда азон айтилганидан ғазабга келган халифа, бу беадаб сўфини топиб, дархол олдига олиб келишларини буюради. Оёғини ерга тегизмай саройга етказилган сўфи барча кўрганларини халифага тўкиб-солади. Халифанинг буйруғи билан

сарой мулозимлари ҳали кайфи тарқамаган амирни ҳам унинг асираси бечора турк аёлини ҳам дарҳол халифанинг олдига олиб келишади. Шунда халифа соқчилар сардорига шундай буйруқ беради:

— Бу аёлни уйига кузатиб қўй! Уни эрининг қўлига топшираётганингда: “Аёлнинг софлигига халифанинг шахсан ўзи кафиллик беради ва хонадонингга тинчлик тилайди!” деб айт!

Шундан кейин халифанинг буйруги билан маст амирни қопга солиб, гурзи билан роса дўппослашади. Суякларигача мажақланган амирнинг жасадини Дажла дарёсига ташлаб юборишади. Кейин халифа сўфига қараб, шундай уқтиради:

— Бугундан эътиборан Бағдоднинг қай ерида бирор-бир адолатсизликни эшитсанг, ҳеч нарсага қарамай азон айт. Шунда биз бирор-бир ерда адолатсизлик юз берганини билиб, дарҳол адолат ўрнатурмиз!

Халифанинг бу қарори халқ ўртасида тез тарқалиб, Бағдодда адолат ҳукм сўра бошлаган экан...

— Сендан қарздор бўлган бек менинг буйругимдан эмас, Дажла дарёсига ташланишидан кўрққан! — деди уста кулиб...

Бағдоддан ҳафсаласи пир бўлиб, уни тарк этган ал-Форобий Дамашқ ва Алеппо шаҳарлари томон йўл олади. Алеппода ал-Форобий амир Сайфул Давланинг саройида, унинг шахсий табиби бўлиб ишлайди. Олимлару шоирларга саховати билан шуҳрат қозонган Сайфул Давла ал-Форобийга кўп ҳурмат-эътибор кўрса-тади.

Амир Сайфул Давланинг 950 йили Рум мамлакатига қўшин тортиб сафарга чиққанида, у билан бирга йўлга чиққан саксон ёшли олим, бирдан ўзини ёмон ҳис этиб, Дамашқдан йигирма фарсоҳлик масофада бу дунёни тарк этади. Амир ўзининг ҳарбий сафарини орқага

суриб, Дамашққа қайтишга фармон беради. Кейин Дамашқнинг “Боғ ас-Сағир” (яъни “Кичик дарвоза”) деган қабристонига ал-Форобийни катта иззат-икром билан дафн қилади. Бир вақтлар Дамашққа янги келган кезлари ал-Форобий айнан шу қабристонда қоровул бўлиб ишлаган эди. Тақдирнинг тақозоси билан энди у ерда абадий ётишига тўғри келди...



ТАЗЙИҚ

Биринчи минг йилликнинг сўнги йиллари қадимий Бухоро учун анча оғир кечган. 999 йили Қорахонийлар султони, турк Носир томонидан Бухоронинг маҳв қилиниши Самонийларнинг гоҳо-гоҳо бош кўтариб кўйишларига қарамай, Мовароуннаҳр ҳукмронлиги уларнинг қўлидан кетиб, Қорахонийлар кўлига ўтганлигини кўрсатган эди. Зарафшоннинг ўнг қирғогида жойлашган кўчманчи туркман ўғизларининг қўллови билан Исмоил Бухорони ўз ҳукмига қайтариб олиб, ҳатто ўз номидан танга зарб эта бошлайди. Аммо 1000 йили бу шаҳарни яна қўлдан бой бериб, Хоразм ерларига қочади.

Носир Бухорони олган кезлари Ғазнада турклардан бўлган сипоҳ салор Сабук Тегиннинг ўгли Маҳмуд, Маҳмуд Ғазнавий номи билан ҳукмронлик бошлаган эди. Султоннинг ўта ҳаракатчан ва уста сиёсатдонлигини тўғри баҳолаган Бағдод халифаси Қодир, султон Маҳмуд Ғазнавийга Хуросонни бошқариш ҳуқуқини берувчи ёрлик билан тақдирлади. Бундан мамнун бўлган султон халифанинг номини хутбада ўқиттира бошлади. Иккинчи томондан, султон Маҳмуд Носир билан битим тузиб, Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ҳукмронлигидаги ерлар чегарасини аниқлаб олди. Бу битимга биноан Қашғардан то Амударёгача бўлган Мовароуннаҳр, Сугд, Шош, Фарғона, Оҳангаронларни ўз ичига олган ерлар Қорахонийлар ҳукмида, Шимолий Ҳиндистондан тортиб то Каспий денгизининг жанубидаги худудлар Ғазнавийлар мамлакати назорати остига кирди.

Қорахонийларнинг кетма-кет қилган босқини натижасида Самонийларнинг улкан мамлакати инқирозга келиб, унинг ўрнида икки мустақил давлат — Қорахо-

нийлар ва Ҷазнавийлар салтанати юзага келган пайтда, чеккада жойлашганлиги туфайли Хоразм ўлкаси бу икки салтанатнинг биронтасига ҳам кирмай қолади. Географик томондан жуда қулай жойлашуви ўлка иқтисодининг тез суръатлар билан ўсишига имкон яратди. Чунки Хитою Мўғулистон, Ҳиндистону Тибетга борувчи рус карвонлари, уларни Эрон билан боғловчи карвон йўллари ҳам Хоразмдан ўтарди. Ўша давр тарихчилари (Мақсудий, Таборий ва бошқалар)нинг гувоҳлик беришларича, Хоразм деҳқончилиги жуда ривожланган, бой шаҳару қишлоқлари жуда зич жойлашган иморатлардан иборат, сувлари балиқларига бой, далаю яйловларида чорваю қўй-қўзилар жуда сероб, халқ меҳнаткаш, довюрак ва маданиятли бўлган бир гўзал диёр бўлган. Хоразмда аввал иккита: пойтахти Урганч шаҳри бўлган Шимолий Хоразм ва пойтахти қадимий Қиёт шаҳри бўлган Жанубий Хоразм давлатлари бўлиб, Шимолий Хоразм ҳукмронини амир деб, Жанубий Хоразмникини эса хоразмшоҳ деб аташарди. XX асрнинг сўнгги йиллари Шимолий Хоразмнинг амири Маъмун ибн Муҳаммад, бу кичик, аммо жуда бой ва маданияти ривожланган мамлакатларни бирлаштириб, хоразмшоҳ унвонини олди. 999 йили тахтга ўтирган унинг ўгли Маъмун ибн Маъмун жуда ақлли ва зукко бўлиб, ўз мамлакатини қудратли ва мустақил бўлиши йўлида тинмай ҳаракат қилди. Гўзалликда бутун Осиёда бетакрор бўлган иккита шундай муҳташам сарой қурдирдики, таърифи тилларда дoston бўлиб, шоҳ шуҳрати ҳатто Ҷарб давлатларига ҳам етган. Бундан ташқари шоҳ Маъмун ўз саройида илмий-маданий марказ тузиб, унинг мажлисларида ўз асрининг энг йирик мутафаккири ҳисобланган Абу Райҳон Берунийдек, машҳур файласуф Абсаҳл Масиҳийдек, Абулхайр ал-Хаммардек кучли ҳақимлар, Абуносир Аррондек даҳо ма-

тематик олимлар қатнашиб, "Маъмун мактаби"нинг шуҳратини Хитою Ҳиндистондан тортиб, то Багдоду Рум, қадимий Юнонистону Мисргача етказдилар.

Тўс-тўполону қонли тўқнашувлар орасида қолиб кетган қадимий Бухоро эса илмий ижод қилиш у ёқда турсин, ҳатто тинч ётиб-туришга ҳам хатарли ерга айланган эди. Шунинг учун Абу Райҳон Берунийнинг таклифини жон деб қабул қилган Абу Али Ибн Сино ватанини ташлаб, Урганчга кўчиб келишга мажбур бўлади. Ибн Синонинг Маъмун мактабига кўшилиши хоразмшоҳ шуҳратини яна ҳам оширди, серқирра қилди. Бу эса Маъмуннинг қайноғаси бўлган Маҳмуд Ғазнавийнинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. У, қандай бўлмасин Урганч саройидаги машҳур уламою фузалоларни Ғазнага, ўз саройига келтириб, куёви Маъмуннинг шуҳратига болта уриш, қолаверса, Хоразм салтанатининг мустақиллигини барбод этиш пайига тушди...

Хуросон ва Мовароуннаҳрда кечаётган сиёсий ва маданий ҳаётни доим ўз диққат марказида тутган ислом халифаси Қодир, Багдоддан туриб Марказий Осиё мамлакатларининг ҳукмронларини бир-бирига гиж-гижлаб турар, уларнинг қудрати ошиб кетишидан қўрқарди. Хоразмнинг куч-қудрати кун сайин ошиб бораётганини кузатиб бораётган халифа Хоразмшоҳга махсус чопар юбориб, Маъмун ибн Муҳаммадга муқаддас кийим-бош инъом этиб, унга "айн-ад-давла ва зайн ал-милла" яъни "давлатнинг нигоҳи, ислом жамоасининг кўрки" деган диний унвон билан тақдирлаб, махсус ёрлиқ йўллади. Хоразмшоҳга кўрсатилган бундай ҳурмат-эътибор Маҳмуд Ғазнавийнинг нақ жигарини куйдириб, ўртаб юборишини халифа Қодир жуда яхши биларди.

Бундай иззат-икромнинг оқибатини зийрак хоразмшоҳ ҳам яхши тушунарди. Шунинг учун хоразмшоҳ

халифа Қодир юборган махсус элчини тантаналар билан пойтахт Урганчда, шахсан ўзи кутиб олмай, элчи билан учрашиш ерини чеккада жойлашган кичик бир қишлоққа белгилаб, совгалару ҳурмат нишонини олишга эса Абу Райҳон Берунийни юборди. Берунийнинг ақл-заковати, юксак ватанпарварлиги ва билим кўламини яхши билган хоразмшоҳ Маъмун кўп масъулиятли, жиддий сиёсий топшириқларни олимга буюрарди. Хоразмшоҳнинг олдида ҳурмат-эътибори юксакликка кўтарилган, унинг чексиз муҳаббатини қозонган қиётли Абу Райҳон Берунийни аркони давлати ва сарой аҳли расман бўлмаса-да, амалда улуг вазир деб сана-шар, унинг маслаҳатисиз шоҳ ҳам, амалдорлар ҳам бирор-бир жиддий ишга қўл урмасдилар.

Хоразмшоҳнинг сахийлик билан хазинадан ажратаётган маблағи ҳисобига, амалда Абу Райҳон Беруний раҳбарлигида фаолият қилаётган Маъмун мактаби ажойиб илмий натижаларга эришишди. Мактаб олимлари томонидан “Худуд ал олам” (яъни “Олам вилоятлари”) номли шоҳ асар яратилди. Вазири аълам Баломий томонидан Таборийнинг тарихий асарлари форс ва араб тилига таржима қилиниб, китоб бўлиб чиқди. Биз ҳозиргача ана шу таржимадан фойдаланамиз. Абу али Ибн Сино улкан олим сифатида, айнан шу Хоразм тупроғида, Маъмун мактабида, Абу Райҳон Берунийнинг суюнчиқлигида шаклланди. Тирик жонзотларнинг ҳаёт тарзини кузатиб, улардаги касалликларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва касалликларнинг кечиш жараёнларини кузатиш натижасида Ибн Сино диагностикада қон томири уришининг ва ирсий таркибининг катта аҳамиятга эга эканлигини биринчи бўлиб кашф қилди. Баъзи юқумли касалликларнинг таркибида “жуда майда жониворлари” бўлган сувдан инсон тана аъзоларига ўтиб, уни касаллантиради деган унинг илгор фик-

ри, юқумли касалликларни уйғотишда микробларнинг роли катта деган илмни яратган француз Луи Псатердан 850 йил бурун янгради. Айнан шу Хоразм тупроғида Абу Али Ибн Сино ўзининг “Қонуни фит-тиб” (“Табиблик қонуни”) ва “Китоб аш-шифо” (“Шифоланиш китоби”) номли улуг асарларини ёзди.

Табиатга материалистик нуқтаи назаридан қараган Ибн Сино ўша пайтдаги ислом руҳонийлари томонидан “дахриюн” (“динсиз”) деган айбга дучор бўлмай иложи йўқ эди албатта. Шунда у: “Худосизлигимга худонинг олдида яққа ўзим жавоб берурман!” деб туриб олган. Фақат хоразмшоҳ Маъмуннинг ва Абу Райҳон Берунийнинг елкадошлик қилиб қўллашларининг ислом инквизициясидан, хурофот ботқоғига тушган руҳонийларнинг тошбўронидан сақлаб қолди.

Абу Райҳон Беруний ўзининг ҳисобу чизмалари билан шоҳ саройида диаметри уч қулочли, даражаларининг аниқлиги бир минут бўлган, ўша пайтда жаҳонда энг йирик бўлган квадратни қуриб битказди. Бу катта иншоот ёрдамида у, пешинда тикликка келган Қуёшнинг баландлигини ўлчади. Бу ўлчамлар ёрдамида Урганч шаҳрининг қайси кенгликда ётганлиги топилиб, амалда 42 градус 17 деб аниқланди. Жаҳонда биринчи бўлиб Беруний ер гумбазининг шаклини глобусда яратди. Европалик олимлар ундан олти юз йил кейин яратган глобусларидан фарқли ўлароқ, Берунийнинг яратган глобуси географик координаталарга эга бўлган. Булардан ташқари Беруний бу ерда “Ўтган авлодлар ёдгорлиги”, “Минерология”, “Геодезия” каби йирик китобларини ёзди. “Тенгкунлик” кунларида Қуёшнинг баландлигини ўлчаб, олинган ахборотларни “Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли” деган қўлланма яратишда тўла ишлатди...

Аммо бу орада Хоразм устида қоронғулик тушиб,

Маҳмуд Ғазнавий томондан келаётган тазйиқ булутлари босиб, адолат ва илм-фан қуёшининг бетини ёпа бошлади. Маҳмуд Ғазнавий очикдан-очик Абу Райҳон Беруний билан Абу Али Ибн Синоларни Ғазнага, унинг ихтиёрига юборишини талаб қилиб, хоразмшоҳ Маъмунга нома йўллади. Мактуб мазмуни билан танишиб чиққан Ибн Сино хурофотнинг қора тўрига тушган, жоҳил султон Маҳмуд Ғазнавийнинг саройида ишлашдан бош тортди. Бош тортишни ҳам усталик, нозиклик билан қилмай, жуда кескин равишда қилди. Ибн Сино султондан келган чопарни ўзининг амалий ишлар олиб борадиган ҳовлисига бошлаб, бир тажриба кўргазмасини чопарга кўрсатди. Унда бўри каталагининг икки томонидаги кичик хоначаларда иккита қўй турарди. Қўйлар бир онадан туғилган эгизаклар бўлиб, уларнинг катталиги ҳам, семизлиги ҳам ҳар хил эди. Тажрибанинг моҳиятига чопарнинг ақли етмагач, Ибн Сино унга тушунтиради:

— Қўйнинг каттароги ва семизи, ёнгинасидаги каттақда сақланаётган бўрини сира кўрмаган. Чунки ўртада юпқа тўсиқ бор. Қўйнинг бошқаси, ўзининг биродари билан бир пайтда, бир хил ем еб туришига қарамай анча заиф ва ориқдир. Чунки унинг ётиш-туришию, емоқ-ичмоғи доимо бўри назорати остида.

Бундан гоятда таъсирланган чопар анграйиб қолади. Кейин бирдан ўзига келиб:

— Демак, сен — қўй, менинг султоним — бўри эканда! — деб чопарнинг кўзлари қинидан чиққудек бўлади.

Ибн Сино ҳаялламай, эртаси куниёқ Хоразм тупрогини тарк этади. Шундан бошлаб буюк олимнинг қувгинлик, саргардонлик ва дарбадарлик йиллари бошланади. Маҳмуд Ғазнавийнинг айгоқчилари буюк ҳақимнинг изидан қувиб, умрининг охиригача унга тинчлик бермайди. Бирор ерда ақалли бир йилгина қўним

топа олмаган Абу Али Ибн Сино бу дунёдан кўз юмганида у эндигина 55 ёшдан ўтган эди. Ғазна султониға ёзилган жавоб хатида хоразмшоҳ Ибн Синонинг Хоразм тупроғини тарк этганлигини баён этиш билан бир қаторда Абу Райҳон Берунийнинг ҳозирги кунда Ғазнаға бора олмаслигининг сабаби унинг Сабзавор чўлида муҳим ўлчамлар ўтказаетгани, бу ўлчамлар тугаши билан султоннинг талаби албатта бажарилишини айтиб ёзади...

Маҳмуд Ғазнавийнинг сабр косаси тўлиб, Хоразмнинг мустақиллигига чек қўйиш учун очиқчасига ҳаракат қила бошлайди. Ўзининг ишонган вазири ва маслаҳатчиси Абулқосим Маймандийнинг маслаҳати билан Хоразмдаги доимий элчисини ишга солиб, Хоразмшоҳнинг олдида ўзининг ҳурмат-эътибори қай даражада эканлигини синамоқчи бўлади. 1014 йил баҳор кунларининг бирида Ғазна элчиси хоразмшоҳ ҳузурига кириб, жуда эҳтиётлик билан, Маҳмуд Ғазнавийнинг номини хутбада тилга олинишини таклиф қилади.

— Бу таклиф шахсан ўзимдан чиқди. Бундан султонининг мутлақо хабари йўқ. Аммо унинг табаррук номи хутбада тилга олинса, аминманки, бундан у улуг зот фақат миннатдор бўлгай!

Бу қалтис “таклиф”нинг ортида кимлар тургани ва унинг оқибатида нималар бўлишини яхши тушунган шоҳ индамади.

— Улуг султоннинг номи эртанги жумада тилга олинсин! — деди элчи энди қатъий тусда ва ўрнидан туриб, кибр билан чиқиб кетди.

Маъмун бу масалада масъулиятни ўз зиммасига олишдан олдин пойтахтнинг таниқли уламою фузалоларидан, жанговар лашкарбошларидан маслаҳат олишни лозим топди. Мажлисга келган сипоҳ салорлар, гап нима ҳақдалигини эшитишлари билан қизишиб кетиб,

қилич ялангочлаб, шоҳни сотқинликда айблаб, унга ҳамла қилиб қолишди. Беруний бошлиқ уламоларнинг кескин аралашувигина шоҳ ҳаётини сақлаб қолди. Хоразмшоҳнинг аҳволи фавқулудда оғир эди. Маҳмуд Ҳазнавийнинг тазйиқига қаршилиқ қилиш бефойдалигини билса-да, Ҳазна султонининг номини хутбада тилга олиш, Хоразм мустақиллигининг тугаганини тан олиш эканлигини ҳам тушунарди. Бундан халқ жунбушга келиб, кўзғолон кўтарилишини биларди. Аҳволнинг оғир томони яна шунда эдики, қорахонийлар сулоласидан бўлган Мовароуннаҳрнинг хони Хоразмдаги бу сиёсий зидликдан фойдаланиш пайида шай бўлиб турарди.

— Хоразм Ҳазна ҳукми олдида бош эгиши лозим! — деди Ҳазна элчиси яна саройга бостириб келиб, — қудратли ва енгилмас жаҳонгир султонининг табарруқ оёқлари узангида, бургут кўзлари ҳарбий сафар йўлига қадалган! Унинг юртида яхши курулланган икки юз минг сипоҳ қиличларини қалқонларга уриб, конталаб бўлиб турибди! Оламгирнинг қаҳри олдида ҳеч қандай кўшин, ҳеч қандай шоҳ дош беролмайди! — деди элчи кибр билан.

Маъмур зудлик билан Абу Райҳон Берунийни маслаҳатга чақирди.

— Мана бунга ўқиб, фикрингни айт! — деди шоҳ Берунийга Маҳмуд Ҳазнавийдан келган мактубни узатар экан.

Хатда шундай сўзлар ёзилган эди: "... Иккимизнинг ўртамазда тузилган битим қандай шартларга асослангани хоразмшоҳга маълум ва унинг зиммасидадир. Хутба масаласида, унинг натижаси ёмон тугагини тушунган ҳолда шоҳ бизнинг иродамаизга буйсунди, аммо унинг одамлари бунга йўл қўймади. Мен "сипоҳлар ва тобелар" сўзларини атайлаб ишлатмадим, чунки ўз

шоҳига “ундай қилма, бундай қил!” дея олганларни сипоҳлар ҳам тобелар ҳам деб бўлмади. Бунда ҳукмроннинг ожизлиги ва кучдан қолганлиги кўриниб турибди. Бундай одамлардан мен газабланмадим ва кўп маҳал Балхда бўлган чоғимда 100 минг сипоҳ ва пиёда, 500 фил йиғиб, ўз ҳукмронининг иродасига қарши кўзголганларнинг адабини бериб, уларни тўғри йўлга солишга жазм этдим. Шу билан бирга ўзимизнинг инимиз ва куёвимиз бўлган амирни уйқусидан уйғотиб, султонатни қандай бошқаришни ўргатиб қўямиз. Бўш амир давлат ишларига ярамайди!”

Хатнинг сўнггида Маҳмуд Ҳазнавий ўз пойтахти Ҳазнага бемалол қайтиб кетиши учун хоразмшоҳ куйидаги уч шартдан бирини бажарилишини талаб қилган:

— Хоразмшоҳ султон Маҳмуд Ҳазнавийнинг номини хутбада тилга олади, ёки;

— Маҳмуд Ҳазнавийга лойиқ ҳадялару пул юборади. Албатта улар яна шоҳ хазинасига хуфя йўл билан қайтарилади. Чунки Султон Маҳмуд шунчалик бадавлатки, бундай ҳадялару пулларга муҳтож эмас, ёки;

— Хоразмшоҳ ўзининг машҳур олиму фузалоларини Маҳмуд Ҳазнавийдан шафқат сўраб, Ҳазна саройига юборади.

Хатни ўқиб чиққан Абу Райҳон Берунийнинг ранги ўчди. Ватанининг қандай мушкул аҳволга тушиб қолганини тушунди.

— Қани айт-чи, энди нима қиламиз? — сўради шоҳ Маъмун.

— Ҳозирги кунда Туркистон хонлари Ўзгандда ўзаро уруш қилиб ётишибди. Уларни яраштириб қўйсақ, улар бизнинг дўстларимизга айланадилар. Уларнинг ҳарбий кучларига таяниб, Маҳмуд Ҳазнавий билан олиб бориладиган музокараларимиз тенгма-тенг бўлиб, енгил кўчади, — деб маслаҳат берди Абу Райҳон Беруний.

Бир неча кундан кейин Урганчдан бой карвон чиқиб Ўзгандга қараб йўлга тушди. Хоразмшоҳ Маъмун ва Абу Райхон Берунийнинг ўртага тушганлиги боис Туркистон хонлари бир-бири билан ярашиб, битим имзоладилар. Сўнгра улар хоразмшоҳ Маъмуннинг танг аҳволга тушиб қолганини билиб, ўз навбатида улар Хоразмшоҳга ёки ҳарбий кўмак бериб, ёки ўртага тушиб, Маҳмуд Ғазнавий билан яраштириб қўйишни ўз зиммаларига олмоқчи бўлишди. Аммо Хоразмшоҳ ўзининг қатъиятсизлиги туфайли вазиятни борган сари мушуллаштирарди. Ё туркистонлик хонларнинг қўшинларидан фойдаланиб, катта қўшин тўплаб, Маҳмуд Ғазнавий билан тенгма-тенг мунозара қилишни ҳам ёки Ғазна султонининг ҳукмронлигини тан олиб, мамлакатда қон тўкилишининг олдини олиш йўлини ҳам танлашни билмай, ҳамон иккиланарди. Ғазна элчиси бўлса, ҳаддидан ошиб, ким эканлигини мутлақо унутиб Хоразмшоҳ саройида худди ўзининг уйддек тутиб, Маъмунга босим қиларди.

— Маҳмуд Хоразмни қонга ботиради, шохим! Урушнинг олдини олиш керак! Ғазна султонининг талабига кўнишга мажбурмиз! — деди куюниб Абу Райхон Беруний.

Нихоят, Хоразмшоҳ Маъмун Ғазна султони Маҳмуд Ғазнавийнинг номини хутбага қўшиш ҳақида фармон берди. Шундай бўлса-да, Маҳмуднинг номини, яқинда Хоразм таркибига кирган Ниса ва Феров шаҳарларининг масжидларида тилга олинди. Қиёт билан Урганчдек пойтахт шаҳарларидаги масжидлар бундан мустасно бўлди. Чунки халқ кўлига қурол олиб, кўчага чиқиши аниқ эди. Шунинг учун шох фармонида шундай дейилган эди: «Нис ва Фарров вилоятларининг масжидларида жума кунисидаги хутба — биз улуг хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад Ғазна султони Маҳмуд Ғазнавийни

ўзимизнинг оғамиз ва ҳукмдоримиз деб қабул қилдик!”

— Бу жуда оқил қарор! — деди Беруний фармонни ўқиб.

Уруш хавфи бартараф этилгандек бўлиб, Хоразм халқи енгил нафас ола бошлади. Аммо бу ярим-ёрти қарор Маҳмуд Ғазнавийга ҳам, бир учқундан аланга олиб кетишга тайёр турган Хоразм ҳарбий қўшин лашкарбошларига ҳам ёқмади, шоҳни ҳам, мамлакатни ҳам қон тўкилишидан сақлай олмади. Хазораспда қишлоб турган Хоразмшоҳнинг ишонган жанговар қўшинида фитна пишиб етилди. 1017 йилнинг феврал ойининг сўнгги кунларида қўшин қўмондони Алп Тегин бошчилигида ҳарбийлар пойтахтга етиб келишди. Алп Тегин хоразмшоҳни сотқинликда айблаб, саройга ҳужум қилди. Уларга қарши чиққан бир нечта сарой амалдорлари билан бош вазирни сўйиб ташлашди. Хоразмшоҳ саройнинг ичкарасидаги қалъага яшириниб олди. Алп Тегиннинг буйруғи билан, ўша пайтдаги дунё мўъжизаларидан бири бўлган шоҳ саройига ўт қўйишди. Тутундан димиқиб қолган шоҳ Маъмун ибн Муҳаммадни тутиб, ташқарига олиб чиқишди-да, тахти равон олдида чопиб ташлашди.

Абу Райҳон Берунийнинг ҳовлисига кириб келган лашкарлар ҳаммаёқни ахтариб, олимни топа олмадилар. Шунда кўзига қон тўлган Алп Тегин Абу Райҳон Берунийнинг суюкли хотини Райҳона билан беш ёшлик ўғлини қиличдан ўтказди. Бу пайт Беруний, юртнинг бироз тинчиган ҳисоблаб, шаҳар четига, чўлга — ер танлагани чиқиб кетган эди. Бунда у ўзининг азалий орзуси — Ер меридианининг бир градусининг узунлигини топиш ишлари билан банд эди. Қоронгу тунда Маъмуннинг тан маҳрамларидан бири отда ҳовлиқиб келиб, Урганчда шоҳ саройида ва олимнинг уйида бўлган фожиаларни гапириб берди. Донг қотиб қолган

Беруний, анча маҳалгача қимир этолмай қолди. Сўнгра бирдан унга жон кириб, бирдан ўрнидан турди-да, сапчиб отига минди. Берунийнинг ниятини билган тан-маҳрам отнинг жиловидан маҳкам олди.

— Алп Тегиннинг йигитлари сени излаб юришибди! Қўлларига тушишинг билан азиз бошингдан жудо бўласан! — деб Абу Райҳонни Урганчга қўймади...

Бу орада исёнчилар Хоразм тахтига марҳум шоҳнинг жияни Абулхарис Муҳаммад ибн Алини шоҳ кўтариб ўтказишди. Аммо у кўп ҳам шоҳлик даврини сура олмади. Хоразмда юз берган фожиалардан хабар топган Маҳмуд Ғазнавий қаттиқ ғазабга келди. Ҳар ҳолда марҳум шоҳ унинг куёви эди-да. Султон Маҳмуд кечиктирмай улкан бир қўшин тўплаб, Хоразм устига юрди. Хоразмликлар усталик ва довьюраклик билан жанг қилишса-да, кучлар тенг эмас эди. Хазорасп остонасида кўп кунга чўзилган жанг оқибатида Хоразм қўшини мағлубиятга учради. 1017 йилнинг июлида Хоразм тақдири ҳал бўлди. Хоразм давлати мустақил мамлакат сифатида тугатилиб, Ғазнавийлар салтанатининг таркибига қўшиб олинди. Хоразмнинг ҳукмрони қилиб, унда “Хоразмшоҳ” унвонини сақлаган ҳолда Олтинтош исмли бир турк тайинланди. Олтинтош Маҳмуд Ғазнавий салтанатида қўшин қўмондони сифатида яхши ном қозонган эди.

Олтинтошнинг султон учун биринчи қилган яхши ишларидан бири, хотини ва ўглининг жасадларини урф-одат бўйича лаҳадга топшириш учун Урганчга келган Абу Райҳон Берунийни тунда ўз ҳовлисида ушлаб олиб, Маҳмуд Ғазнавий олдида тиз чўктириб қўйди. Берунийнинг бундай аҳволда кўрган султон Маҳмуд голиб шоҳ сифатида олимга истехзоли билан қараб турди-да, вазири Маймандийга юзланди.

— Минг афсуски, Берунийнинг ёнида Ибн Сино ҳам

йўқ! — деди, сўнгра Беруний томонга имлаб: — Бор, унинг қўлларини еч, ўрнидан тургаз! Султон Маҳмуд Ғазнавий уламолар билан жанг қилмайди! Уларни ўзига дўст билади!

Абу Райҳон Беруний, аркон кийган билакларини силаганча, ўйчан кўзларини Маҳмуд Ғазнавийнинг чўтир юзига тик қараб турарди.

— Сендек буюк уламнинг бошига кулфат солган Алп Тегин ва унинг кўппакларини шу бугуноқ қатл қилдирдим! Хоразм халқи сени қадрлаша олмаган. Бугундан эътиборан сен бизнинг қанотимиз остидасан. Бизнинг номимиз соясида иншолло дунёга танилурсен!

Султон Маҳмуд Ғазнавий ўз башоратида андек хатоликка йўл қўйди. Ҳақиқатдан ҳам Абу Райҳон Берунийнинг номи бутун дунёга танилди. Улуғ аллома олимнинг биз ворислари доим эслар эканмиз, албатта Маҳмуд Ғазнавийни ҳам тилга олиб, Абу Райҳон Берунийнинг бир соясидек қараймиз.



АБУ АЛИ ИБН СИНО

Бутун жаҳонда лотинча Авиценна номи билан машхур бўлган бу буюк даҳонинг асли исми Хусайн эди. Ҳаммамизнинг кўзимиз ўрганган расмдаги мункиллаган мўйсафид бўлмаган. У оламдан ўтганида ҳали 57 га ҳам тўлмаган, бақувват ва қудратли одам бўлган. Кўзларида ҳам расмдагидек хоргин бўлмаган, доим қора чўғдек ёниб турган.

Ибн Сино 980 йил 12 сентябрда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида, таги Балхлик туркий қавмлардан бўлган кичик табақадаги амалдор — Ҳурмайсан кенти бошлигининг оиласида туғилди. Унинг онаси афшоналик бўлиб, у ҳам туркий миллатга мансуб эди. Шунинг учун собиқ шўро даврида одат тусига кирган, бизнинг буюк алломаларимизни араб ёки форс миллатидан деб ажратилишлар асоссиз бўлиб, улуғ Ибн Сино ҳам она ватанимизда туғилиб ўсган, туркий миллатининг фарзанди дейишдан тортинмайман.

Табиат илмининг асосчиларидан бўлган, машхур файласуф, табиатшунос ва математик олим, шоир ва моҳир адабиётчи Ибн Сино ўз даврининг ҳақиқий қомусчи олими бўлган. Ибн Синонинг турли соҳалардаги чуқур илмий асарлари нафақат мусулмон Шарқида эътиборли бўлмай, ўша пайтдаги бутун жаҳон цивилизациясининг илғор вакилларига ҳам машхур бўлган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Ньютон, Николай Коперник, Жордано Бруно, Галилей каби машхур олимлар ўз назарий ишларида Ибн Синони Аристотел, Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Беруний билан бир қаторга қўйиб, кўп ҳаётий ва табиий масалаларни ўрганишда, муаммоларни ҳал этишда унинг тафсилотлари ва хулосаларидан фойдаланганликлари,

унинг иқтидорига суйанганликларини эътироф этганлар...

Манбалардан маълум бўлишича, улуғ Ибн Сино томонидан 450 та катта илмий асарлар яратилган. Аммо бизгача улардан 240 таси етиб келган.

Беш ёшидаёқ саводи чиқиб, ўн ёшида бутун Қуръони каримни ёддан билган, ўн бир ёшида Бухоро ҳукмронининг оғир касалига даво топа олмаган тугма олимнинг шахсий ҳаёти анча оғир, она юртидан ташқарида, дарбадару-хору зорликда ўтган. Бундай хўрликлардан силласи қуриган аллома: «Мен улуғ бўлганимда кенг юртим ҳам сиғдира олмай қолди. Қимматим ошганида харидорсиз қолдим», деб каттиқ афсус чеккан. Буюк даҳо 1037 йилнинг 24 июнида мусофирчиликда Эроннинг Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Ҳалимидан бир ҳафта олдин ўзи қабул қилиб юрган дориларини бирдан тўхтатади. Бу ҳолдан хайрон бўлган шогирдига у: «Танам яшаш учун курашишдан чарчаган кўринади. Унга энди ҳеч қандай дори-дармон кор қилмайди», дейди.

Улуғ ҳаммиллатимиз ва ватандошимиз бўлган буюк Ибн Синони Ҳамадон тупроғига дафн қилишган. Унинг қабри устида тикланган салобатли мақбара унинг узоқ аждодлари учун бир муқаддас зиёратгоҳга айланган, ҳаётида бўлиб ўтган айрим воқеаю ҳодисалар эса олимни суйган одамлар томондан ибратли лавҳаларга, ривоятларга айлантирилган...

Ибн Сино шўхлик борасида ҳам бошқа тенгқурларидан ажралиб турган экан. Бир куни шўхлиги авжига чиққан пайтида у кўчадаги бир одамни билмай хафа қилиб кўяди. Шунда у одам ҳам қайсарига олиб, Ибн Синонинг отасининг йўлини пойлайди. Ишдан қайтаётганида уни тутиб, ўглидан шикоят қилади. Бундан каттиқ изза бўлган ота, суюкли фарзандини ёнига чақириб, тарбия юзасидан уни жазоламоқчи бўлади.

— Нега бундай шўхлик қилдинг, ақли йўқ?! — дейди

куюнган ота ўглини савалаш учун дарвоза олдидаги тол новдасидан бирини кесиб.

— Отажон, мен билмай шўхлик қилиб қўйдим, — деди Ибн Сино шахло кўзларини жавдиратиб, отасининг қўлидаги тол новдасига хавотир билан қараб. — Мени жазоламанг, отажон. Тўғри, менда ҳали ақл йўқ. Бироқ сизда ақл бор-ку?!

Отага бу гап жуда ёқиб, ёш Ибн Синони шу он кечирди, суюб бағрига босди...

Ўн бир ёшли Ибн Сино ўша даврдаги кўп билимлардан хабардор бўлиб, Бухородаги илмдор уламолар қатори, баъзи билимларда эса улардан ҳам ўтиб кетган эди. Буни тан олган аҳли илм мактаб очиб, ёш олим қўлида таҳсил ола бошлади. Шунда Ибн Сино олдин ўзи кутубхоналарда ўзи ўқиб, кейин ўқувчиларига дарс бериб ҳамда дардчил одамларни даволашга ҳам улгурарди. Шундай бўлса-да у, бари бир болагини сира унутмасди. Иш-у дарсларидан бўшаган, наридан бери тез овқатланиб олиб, кўчага, ўртоқларининг олдида интиларди. Кўчага чиққандан кейин Ибн Синони таниб бўлмасди. У худди оддий кишлокнинг шўх болаларига ўхшаб, кўчани чангитиб чиллак ўйнар ёки тегажоглик қилиб, қизларни қувлаб юрарди. Бир кун Ибн Сино мактабининг катта ёшлардаги бир ўқувчиси худди шу кўчадан ўтаётиб, ўйнаб юрган Ибн Синони кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолади. Аммо дарҳол ўзини қўлга олиб, ўз муаллимига насиҳат қилиб қўйишни лозим топади:

— Шундай ақл эгаси бўла туриб, бу тентак баччалар билан ўйнаш сизга номуносиб, ор эканлигини биласизми? — дейди муллавачча куюниб.

Шунда Ибн Сино ўз шогирдининг гапини бўлмай, уни эътибор билан тинглаб туради-да, кейин ўқувчиси гап худди дарсхонадагидек қилиб:

— Умримиздаги ҳар бир даврнинг ўз қонуни бор. Болалик қонуни эса фақат ўйиндир! Болалик чоғимиз жуда жиддий давр ва унга муносиб эътибор бермак лозим! — деб тушунтиради...

Хоразмшоҳ ал-Маъмун саройида тез-тез бўлиб турадиган уламолар базмида турли соҳаларда фаолият қиладиган номдор олимлар қатнашиб турар, айниқса ал-Ироқий, ал-Беруний ва Ибн Синолар иштирокидаги базмлар қизиқарли баҳслар билан ўтарди. Кўпинча кимдир ўртага бирорта-бир савол ташлаб, даврадагилар фикри муҳокама қилинарди. Ғалдаги давра суҳбатида шоҳ ал-Маъмун ўртага шундай саволни сурди:

— Одамларнинг қайси бири бахтиёрроқ?

Ўйилганлар сукут сақлаб, ўйга толишди. Ал-Беруний «Ғапир!» дегандек қилиб, Ибн Синога имлаган эди, у қўлини кўксига қўйиб, жавоб бериш ғалини ўзидан ёши улугроқ бўлган Абу Райҳонга берди.

Шунда ал-Беруний:

— Дунё қарама-қаршиликларию, икир-чикирларидан дилтанг бўлмаган киши бахтиёрроқдир! — деб жавоб берди.

Олимнинг бундай жавоби ҳаммага ёқди. Ал-Маъмун бошчилигида олқишлар янгради. Аммо шоҳ ал-Маъмун бу ҳақда бошқаларнинг ҳам айниқса Ибн Синонинг ҳам фикрини билишни истарди. Шунинг учун у:

— Сен-чи, сен Ибн Сино бу ҳақда не фикрдасен? — деб сўради.

Ибн Синонинг чуқур фалсафий фикрлари билан таниш бўлган аҳли мажлис олимнинг оғзига қарашди.

— Бахтиёрроқ одам ҳақида Абу Райҳон тўғри аниқлов берди, — деди Ибн Сино, Беруний томонга бош эгиб. — Мен эса бахтсизроқ одам ҳақида ўйладим.

— Жуда яхши! — маъқуллади ал-Маъмун. — Хўш, дунёда одамларнинг қайси бири бахтсизроқ?

— Ўзи ҳеч кимга ёқмайдиган одамга нисбатан, унга ҳеч кимса ёқмайдиган одам бахтсизроқдир.

Ҳамма кулиб юборди ва Ибн Сино ҳаққиға таҳсинлар айтишди...

Хоразмшоҳ ал-Маъмуннинг саройида ишлаётган машҳур олимларни ўз саройида хизмат қилишини истаган султон Маҳмуд Ҳазнавий Хоразмга чопар юбориб, олимларни Ҳазнага кўчиришни буюрди. Бундай буйруқни эшитган одамлар қатъиян рад жавобини беришди. Чопар ҳайрон бўлди. Бундай олий марҳаматдан воз кечишнинг сабабини билишни истади. Шунда Ибн Сино чопарни етаклаб, уйига олиб борди-да, тажриба амаллари учун олиб келинган қўй-эчкиларни сақлайдиган қўрага бошлади.

— Мана бу ерда учта катак бор, — деди Ибн Сино. — Ўртадаги катакда чўл бўриси, унинг икки томонидаги катакларда эса, эгизак тугилган икки кўзи айри ҳолда сақланмоқда, — деди Ибн Сино катаклар олдида тўхтаб, чопардан сўради: — Бу икки қўйда қандай фарқ бор?

Чопар қўйларга кўп тикилмай, шундай деди:

— Фарқ жуда катта: бири семиз ва катта, соғлом, иккинчиси эса кичик, ориқ ва дардчил. Қалтирашидан, бугун-эрта ўладиганга ўхшайди.

— Баракалло! — деди Ибн Сино кулиб. — Семириб, соғлом ўсаётган қўзи бўрини кўрмаган. Чунки катакнинг бўрига ёндош томони яхшилаб тўсилган. Бўрининг иси ҳам келмайди, овози ҳам эшитилмайди. Шунинг учун у эркин ўсмоқда. Егани танасида яйраб, эт олмоқда. Иккинчиси эса бундай имтиёзлардан маҳрум: йиртқичнинг оч кўзини эрта-ю кеч кўриб, жони ҳамиша таҳликада яшайди. Еган-ичгани татимай, кун сайин қуриб бормоқда.

— Тузук мисол! — деди чопарнинг ранги ўчиб. — Демак, сен ифлос қўй, менинг султоним бўри экан-да?!

Чопарнинг ёқасидан сургаб ташқарига олиб чиққан Ибн Сино газаб билан шундай деди:

— Мен Ғазнавий саройида қалтираб яшагандан кўра, юртим чўлларида учган эркин лочиндек яшашни афзал биламан!

Қонхўр Маҳмуд Ғазнавийнинг бой саройида иззат-икрому олтин кумушларга кўмилиб яшагандан кўра, оч-ялангоч бўлса-да, аммо эркин қушдек учишни афзал билган Ибн Сино ўша куннинг ўзидаёқ Хоразм тупроғини тарк этди. Умрининг охиригача Мовароуннаҳр билан Хуросону Эрон ерларида эркин қуш каби, шаҳарма-шаҳар кезиб, дарбадарликда яшади, аммо султонга бўйин эгмади...

Кунларнинг бирида рейлик бир мусаввир Ибн Синони ўз уйига таклиф қилди. Шароб ичиб, бир оз маст бўлиб олган сураткаш чизган суратларини олимга кўрсатар экан, бир хўрсиниб, деди:

— Бетлар, бетлар! Барчаси инсон бетлари! Ҳаммасини ёддан биларман. Бироқ уларнинг таналарини эса мутлақо билмайман!

— Инсон танаси ҳам худди унинг бетидекдир, — дейди шунда Ибн Сино бепарволик билан, кейин рассомга тушунтиради: — Инсон танаси худди унинг бетидек ҳам ақлли, ҳам аҳмоқ ҳамда шарманда кўринишларда бўлади. Чунки инсоннинг тана аъзоларининг кўриниши уларнинг феъл-атвориغا тўлигича боғлиқдир.

Ишлари юришиб турган бир Исфохон савдогари уни йўлда тўхтатиб, ўзининг ночор руҳиятидан зорланди:

— Ишим яхши, савдо-сотик кетмақда. Тўю томоша кўриб, элга ош-нон бериб юрибман, уч марта ҳаж қилдим. Аммо дилим гаш. Гўё гуноҳим бисёру Аллох газабига учраганга ўхшайман. Менга маслаҳат бер, қай йўл билан руҳиятимни тиклай?

— Ота-онанг ҳаётми?

— Аллоҳга шукрим, ҳар иккаласи ҳам ҳаётдир!

— Пайгамбаримизнинг ҳадисича иш тут. Ота-онангни шод қил!

Олимнинг жавоби савдогарни ўйга солди. Олим билан хайрлашар экан, ундан сўради:

— Ҳаётда кимнинг маслаҳати тўғри?

— Дононинг маслаҳати, — деди жилмайиб Ибн Сино.

... Казвин шаҳрининг ўша пайтлардаги ҳокими ўтакетган худбин, хасис ва аблаҳ одам бўлган экан. Бунинг устига у тез-тез касал бўлиб, шаҳардаги табибу шифокорларнинг ҳоли-жонига қўймасди. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тазйиқларидан қочиб, шу шаҳарда бироз кўниш топган Ибн Сино шундай пайтларда саройга келиб, амирни даволар, унинг тез оёққа туришини таъминлар эди. Амир бўлса улуг шифокорнинг бу хизматларига тузукроқ совға-салом бериб, уни ҳам меҳнатлари учун рози қилиш ўрнига, ҳатто раҳмат айтишни ҳам ўзига лойиқ билмас эди.

Ғалдаги касалликдан яна тез шифо топган амир, хайрлашиб чиқиб кетаётган Ибн Синони тўхтатиб, сўради:

— Сенинг дори-дармонинг олдида ожизлик қиладиган биронта бир дард борми?

— Албатта бор! — жавоб қилди Ибн Сино ўйлаб ҳам ўтирмай.

— Бу қандай дард экан? — жонланиб сўради амир.

— Аҳмоқлик ва аблаҳлик дарди! — жавоб қилди Ибн Сино мийигида кулиб.

Шаҳар бойваччаларидан бири ҳаддан ташқари семириб, тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Авваллари ёру биродарлари аримайдиган хонадонга меҳмонлар келмай қўйди. Қўшиқлару мусиқа садолари тинди. Унинг ўйига энди табиблар серқатнов бўлиб қолди. Уни даволашга уриниб кўрмаган бирор шифокор қолмади. Ибн Сионинг доврuginи эшитган бой-

вачча аравага кўрпа-тўшак ташлаб, улуг табибнинг хузурига боради. Бойваччанинг тана ҳолати билан танишаётган Ибн Синога бойвачча шундай савол берибди:

— Эй, улуг шайх, табибларга камроқ муҳтожликнинг йўли нимада?

— Кам ейиш ва кам ухлаш! — деб жавоб қилган Ибн Сино ўшанда.

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг айгоқчилари анча йиллардан бери тиришиб, Ибн Синонинг изига сира туша олмасдилар. Шунда қайсар султон олимнинг суратини чиздиради. Сўнгра бу суратдан уч юз нусха кўчиртириб, улкан мамлакатининг барча шаҳар-қишлоқларига тарқатади. Ғазнавийга содиқ бўлган амалдорлар, унинг муборак назарига тушиш учун, улуг табибни тутиб бериш учун унинг пайига тушишди.

Шундай амалдорлардан бири бўлган Шоккан амири Ибн Синони таниб қолиб, уни қўлга олди. Аммо унинг буюк олимлигини билган амир, Ибн Синога банди сифатида эмас, балки буюк шифокор, улуг файласуф сифатида уйда сақлаб, уни меҳмон қилди, иззатлади. Учинчи куни олимни Маҳмуд Ғазнавийнинг ўрдасига олиб боришга отланган амир, чуқур хўрсиниб, Ибн Синодан сўради:

— Эй, улуг шайх! Қани менга айт-чи, яшашдан кўра яхшироқ ва ундан кўра ёмонроқ нарса нима?

Ибн Сино чуқур хаёлга ботиб, амирнинг кўзига тикилганча шундай жавоб қилади:

— Яшашдан кўра яхшироқ нарса — яхши ном! Ўлимдан кўра ёмонроқ нарса бадномликдир!

Бу жавобдан ўйланиб қолган амир бироздан сўнгра Ибн Синога меҳр билан қараб, дадил деди:

— Ҳозирдан эътиборан сен озоддирсан! Яна эркин қуш каби учиб, бирор-бир ошёнга яшин!

— Мени султонга ҳадя қилиб, ундан инъом олиш

мақсадида мендек бечораи мусофирни банди қилиб эдинг, — деди Ибн Сино ҳайрон бўлиб. — Бугун эса мени озод этаётирсан. Бунинг сабаби недур?

— Сени султонга тақдим этиб, ундан инъом олиб, бадном бўлгандан кўра, сенинг озодлигингни сақлаб, авлодлар олдида яхши ном қолдиришни афзал кўрдим.

Сўнгра амир Ибн Синога анча вақтгача етарли олтин-кумуш бериб, уни йўлга чорлади. Олим бошқа шаҳарларда бўлганида ҳам, хуфёна, унинг ҳолидан хабардор бўлиб турди. Ибн Сино кўп йўл босиб Исфaxonга келиб тўхтади. Ўзи кўримсизгина бўлса-да, лекин жуда хушхаво ерга жойлашган ва каттагина ҳовлига эга бўлган бу хонадон тез орада шаҳарнинг бообрў шифохонасига айланди. Ибн Сино ўзининг шогирдлари билан бирга ҳар куни мингдан ошиқ касалларни қабул қилиб, дардларига даво, таналарига дармон берди. Бунда у, беморларнинг бой-камбағаллигига ёки ёш-қарисига қарамади, уларнинг ирқий фарқларига бормай бирдек илтифот қилди.

Бир куни ўзининг ёмон қилиқлари билан бадном бўлган Асхад номли исфахонлик бир бой даво излаб, Ибн Сино гўшасига келишга мажбур бўлди. Ўз дардидан қутулгач, шодумон бўлган Асхад Ибн Синонинг ҳовли-жойига қараб шундай дейди:

— Ай, шайх! Сенда билим, ақл-идрок бор. Аммо бойлигинг, ҳовли-жойинг йўқ! Менда эса бойлигу ҳовли-жойнинг саноғи йўқ. Бироқ менда соғлиқ йўқ. Саломатлигимни сақлаш учун ақл-идрок ҳам йўқ. Шунинг учун сенга Исфахондаги энг ҳашаматли уйларимдан бирини берайин. Сен унга кўчиб ўт. Сендек улуг табибга беморларни бундай харобада қабул қилиш уятдир!

Ибн Сино кулиб қўйди-да, сўнгра:

— Яхши томдан, яхши ном яхши! — деб навбатдаги беморга ўгирилди.

...Тана тарбияси, унинг соғломлигига катта аҳамият берган Ибн Синонинг ўзи жисмоний тарбия ва машгулотлар билан мудом шуғулланган, уларни тиббий тадбирларнинг бири деб билган. Шунинг учун ўз танасини чиниқтириш унинг шогирдларига ҳам мажбурий бўлган. Чунки улуг олим, жисмоний тарбия киши танасига алоҳида жозоба бахш этишини яхши билган.

— Ақлга соғлом фикр қанчалик зарур бўлса, танага ҳам жозоба шунчалик зарур! — дер эди Ибн Сино ҳар дарсида ўз шогирдларига.

Тана ҳаракатнинг зарурати хусусида эса у шундай деган:

— Ҳаракат тананинг мусикаси, унинг куйидир!

Ибн Сино ҳақида ёзувчи муаллифлар буюк комусчи олимнинг боз устига қобилиятли шоир ҳам бўлганини алоҳида таъкидлаймиз. Аммо бунинг сира ажабланарли томони йўқ. Чунки Ибн Сино давригача ва унинг даврида ҳам Туркистону Ҳиндистондаги табибу шифокорларнинг барча тиббий тавсиялари шеърӣ усулда ёзилган. Бунга мисол бўлиб ўша пайтда ёзилган икки хатни келтириш kifоя.

Аввал султон Маҳмуд Ғазнавийга, ундан кейин эса султоннинг валиаҳди Масъуд Ғазнавийга сидкидилдан хизмат қилган Казвин ҳукмрони амир Хўжа Рашид қаҳри қаттиқ босқинчи, душманга шафқатсиз жанговар лашкарбоши бўлган. Казвин ва унинг атрофида яшовчи халқларни хўрлаб, кўп зулм ўтказган одам бўлган. Аммо ёши улгайгач, элликка қараб кетганда, охиратини ўйлаб, ўзига қарашли ҳудудларда жума масжидларини, работу карвонсаройлар қурдириб, савобли ишларга қўл урди. Бир неча бор ҳаж қилиб, Аллоҳ олдидаги гуноҳларини юмшатиш пайига тушади. Бир бало бўлиб, нохуш дардга чалинган Хўжа Рашид машҳур шифокор Ибн Синога қуйидагича шеърӣ мактуб ёзади:

Нозик ҳакиму, комил миллату дин низоми,
Сен билан тенг кела олмас ҳатто чархи ситамкор.
Бу айёмда сен ўша ҳакими Масих одам,
Менда бордир заифлик эрликнинг қувватидан,
Сен яшаган замонда иллат элдан тору-мор.
Шу туфайли юрагим қонга тўлган беқарор.
Учу тўрт йил ўтдики, эй, ҳаким, ўша аъзо,
Шаҳватдан қизимайди, бўлмайди асло бедор.
Такобирлик бобидан худбину серғурурдир,
Ҳеч кимга боқмайди қайрилиб ҳатто бир бор.
Хўроздек саҳарларда терар эди, ва лекин,
Энди эса товукдек тухум босар бемадор.
Шу кунларда ҳеч кимга бир илтифот айламас.
Бир пасгина турса ҳам, гўёки мастлар каби,
Оёқдан қулаб, лабдан оппоқ гул тўқир қатор.
Худо чун мен хастани бир йўл даво айлагил,
Йўқса ерим бахтимдек, қочажак беихтиёр.

Хатни ўқиб кўрган Ибн Сино, амир дардининг сабабларини дарҳол тушунди. Унинг дардига қайси доридармонлар лозимлигини, бу дориворларни қандай қилиб тайёрлаб, қайси пайтда ичиш лозимлигини жавоб мактубига жойлади. Ибн Синонинг жавоби шундай бўлган эди:

Қандай ажойиб савол сўз назми саройидан.
Латофатли таъб учун гавҳарни қилур нисор.
Эрлигу заифликдан менга савол берибсан,
Ажойиб бир саволки, завқ уйготар бо якбор.
Норжилу-шакокулни, кирфадану бахмандан.
Занжабилу мурч ила қўшиб элагин такрор.
Заъфарону саканкур чалгузанинг магзидан,
Чугук магзига мушки анбарни кўшар як бор.
Долчину халгон ила яна писта ёгини,
Тоза қанд ила қўшиб, дорини айлар тайёр.

*Ҳар куни эрталабдан ундан бир дирам есанг,
Буйракни маҳкам қилиб, эрликни айлар бедор.
Овқатни ҳамиша наргисдан ҳозир айлаб,
Ўзга овқатдан парҳез айлагин, шу шарти бор.
Бир ҳафтадан кейин ул аъзо шундай бўлгайки,
Ҳайбатидан эркак шер кўрқиб қочар беқарор.
Такобиру манманлик бошидан кетиб тамом,
Кимни кўрса оёққа шартта турар ул беор.
Ҳар бир пари бир бора зарбасидан тортганда.
Шундай мутъе бўлгайким, олдиндан кетмас зинҳор.*

... Кунларнинг бирида Ибн Сино бир беморни даво-
лаётганида, қандайдир бир арзимас дорининг номини
эслай олмай, олим анча маҳал ўйланиб қолади. Шунда
унга ёрдам бериб турган шогирди дорининг номини
эслатади. Бундан мамнун бўлган Ибн Сино жонланиб,
табиблик жараёнини тезлатади. Иш битиб, қўлини
юваётганида унга сочиқ тутган шогирдига кулиб дейди:

— Киши хотираси ҳам бир хужра мисол: вақти-вақти
билан уни тозалаб, шамоллатиб турмак лозим.

— Йўғ-е! Улуг шайхимизнинг хотиралари ҳали ҳам
тоза, ҳали ҳам тартибдадир! — деб тасалли беради
шогирди.

— Йўқ! — деб эътироз билдиради буюк олим ва
маъюсгина жилмаяди: — Қариганда юзнинг сўлгани
кўзга ташланганидек, ақлнинг заифлашгани ҳам сези-
ларли бўлиб қолади.

... Чин мамлакатидан ҳар хил дори-дармонларни
олдириб, уларни сурункасига ичиб юрган Исфaxon
амири қаттиқ касалликка чалинди. Улар бир ҳолатга
келиб, юрарга ҳоли қолмади. Ўша пайтлари Исфaxonда
яшаб турган Ибн Синони ҳузурига чақириб, ўзини да-
волашни, тана аъзоларига куч-қувват беришни улуг
табибдан ялиниб сўради. Унинг аҳволи билан танишиб

чиққан Ибн Сино, кунда эрталаб иккита тухумни сал илитиб, ўн кун давомида ичиб юришни тавсия қилиб, кетишга ҳозирланди. Шунда амир олимнинг йўлини тўсиб:

— Даволашинг шугинами? — деб сўради у хайрон бўлиб.

— Ҳа, чунки касалингиз хавфли эмас.

— У ҳолда бу дори-дармонларни нима қилай?

Дориларни бир-бир кўздан кечирган Ибн Сино хайрон бўлиб сўради амирдан:

— Буларни нега ичгансан?

— Ёшарай, белимда қувват кўпайсин деб!

— Унда ичма! — қатъий буюрди Ибн Сино ва кулиб қўшиб қўйди: — Жувон қайта қиз бўла олмаганидек, қари қайта ёшармас!

Ибн Сино ўзининг сўнгги шаҳри Ҳамадонга кўчадиган бўлди. Уни савдогар Абдусаттор ўз карвонига қўшиб олди. Карвон қумлоқ чўлдан ўтаётганида кучли шамол туриб, карвон қум бўронида қолди. Очлигу сувсизликдан одам нобуд бўлиб, ҳатто туялар ҳам ўла бошлади. Ўзини турли қийинчиликлар қуршовида обдон тоблантирган Ибн Сино метиндек бўлиб, табиблик вазифасини бажариб, одамларга имконият борича ёрдам берарди. Бундай аҳволдан обдон қийналган Абдусаттор Ибн Синога илтижо қилиб, сўради:

— Эй, улуг шайх! Мени бу балолардан қутқаз! Манзилга қандай қилиб етиб олишни айт!

— Юкингни енгил қил! — деб, қисқа жавоб қилди Ибн Сино.

Абдусаттор олимнинг гапини дарров тушунди. Омон қолган учта туяга барча егуликлару ичимлик сувларни ортиб, қолган юкларни чўлга ташлади. Сўнгга ўзининг тақдирини Аллоҳнинг қўлига топшириб, манзилига етди, жўни омонда қолди.

Орадан бир неча йил ўтиб кетгач, ёши анча улгайган Абдусаттор бир куни Ҳамадон кўчаларининг бирида Ибн Сино билан учрашиб қолади. Ўзининг жуда семир-иб кетганлиги, бунинг орқасида турли хил касаллик-ларга тез-тез чалинаётганлиги ҳақида шикоят қилиб, гапининг якунида:

— Тўримдан гўрим яқин бўлиб қолди. Энди боқий дунёга осонроқ етишимга йўл кўрсат, маслаҳат бер, — деди савдогар ҳарсиллаб нафас олар экан.

— Юкингни енгил қил! — деди яна Ибн Сино, жил-майиб.

Улуғ табибдан яна ўзига таниш бўлган жавобни эшитган Абдусатторнинг хира кўзлари бирдан жонла-ниб кетди. Ўша кундан бошлаб ейиш-ичишни, ётиб-туришни чекланган миқдорга тушириб, орадан уч-тўрт ой ўтгач, барча дардларидан ариб, дили енгил тортди. Улуғ табиб билан Ҳамадон кўчасида учрашганида қирқ саккизга кирган Абдусаттор, Аллоҳнинг унга қилган инъоми билан яна элик йил яшаган экан.

Ҳамадонда бадавлат одамлар кўп бўлиб, улар ўз-ларининг фаровон яшашларини кўни-кўшнилари, ёру биродарларига кўз-кўз қилишни жуда ёқтирардилар. Пуллари кўпайиши билан ҳашаматли уйлар қуриб, дан-гиллама тўйлар бериб, кетма-кет зиёфатлар уюштириб турардилар. Бу қадимий эронийлардан ўтган иллат бў-либ, туркий хонадонларнинг кўп чаккасига тегарди. Шундай эроний бойлардан бири Ибн Сино яшаган маҳаллада ҳам бор эди. Бир куни гузардан қайтаётган Ибн Синони Мирғиёсиддин деган ўша бойвачча бир жўраси билан олимнинг йўлини тўсади. Улар қаттиқ маст эдилар.

— Сенга бир саволимиз бор. Жавоб берасан-да, йў-лингда кетаверасан. Жавоб бермаслигинга қўймайман! — деди Мирғиёс алжираб.

— Айт саволингни, — деди Ибн Сино, енгини уларнинг қўлидан бўшатишга уриниб.

— Қани, айт-чи, дунёда одам учун энг азиз нарса нима?

— Ақли борга илм, ақли йўққа — бойлик ва май!

Шундай деб жавоб қилган Ибн Сино, индамай йўлида давом этиб кетаверди.

— Эҳ, нодон шайх! Ахир ақлинг билан қорин тўймайди, устингга кийим-бош ҳам бўлмайди, — деб орқасидан Мирғиёс бақириб қолади. Иттифоқо орадан икки ой ўтмай, Мирғиёсни қуланж дарди ётқазиб қўйди. Ҳар қаерлардан олиб келинган табиблару тибетликларнинг дори-дармони унга қилмай, ўлар куни яқинлашди. Шунда Мирғиёснинг ўша кундаги жўраси Ибн Синонинг уйига келиб:

— Тиббиёт илмида сиз улуг шайхдан кучлиси йўқ, деб эшитдик. Мирғиёснинг аҳволи жуда огир. Унинг ўша кундаги беадаблик қилиб айтган гапларини унутиб, ҳеч бўлмаса унинг ўлимини енгиллатиб беринг, — деб ялинди.

Ибн Синони эшик остонасида кўрган Мирғиёс, ўкраб йиглаб юборди-да:

— Эй, улуг табиб! Бутун бойлигимни фарзандларим оёгинг остига сочишади. Фақат сен тинчроқ кўз юмушимга ёрдам бер!

Ибн Сино индамай касалга яқинлашиб, унинг бошидан силаб, тинчитди. Сўнгра икки ой бойнинг уйига қатнаб, уни оёққа тургазди. Огир дарддан кўзи ёриган Мирғиёс, ваъда қилганидек олтин-кумушларни Ибн Синонинг олдига тўкиб ташлади. Аммо табиб арзимаган маблағ билан қаноатланиб, чиқиб кетади. Унинг бундай камсуқумлиги олдида бош эгган бой, улуг олимнинг бир корига яраш йўлини анча ахтарди. Ибн Сино Мирғиёсдан келган барча инъому иқтисодий ёр-

дам, эҳсонларни олмай, қайтаверади. Фақат буюк аллома оламдан ўтиб, Ҳамадоннинг четидаги шаҳар қабристонига қўйилгандагина бундай қила олмади. Мозорнинг девори ёнидан жой топган улуғ табибнинг қабри устига сағана қурдирган Мирғиёс шундагина тинчланди. Ўлаётиб фарзандларига қилган ягона вассияти Ибн Синонинг қабрига доимо қараб туриш эди. Кейинчалик Мирғиёс авлодларидан кимдир Абу Али Ибн Синонинг қабри устидаги сағанани бузиб ташлаб, ўрнига шоҳона ҳашаматда бўлган катта мақбари қурдирдики, у бизнинг кунларгача етиб келди.

Ибн Синонинг деярли ҳеч кими бўлмаган. Унинг дўстлари ҳам, яқин қариндош-уруғлари ҳам, ҳатто бола-чақаси ҳам унинг шифохонаси, шогирдлари эди. Шогирдлари бир куни Ибн Синонинг дид-фаросати қанчалик ўткирлигини синаб кўриш мақсадида, дарс бошланмасдан олдин кўрпасининг остига бир варақ қўйишади. Хонага кириб ўз ўрнига ўтирган Ибн Сино, ўзини биров ноқулай сезгандек бўлиб, дам хона шифтига, дам гилам устига қараб қўяди. Шогирдларидан бири устознинг бесаранжом бўлаётганининг сабабини сўраганида, Ибн Сино:

— Назаримда, бугун осмон бир коғоз бўйи пастга тушган ёхуд ер шунчага кўтарилган, — деб жавоб берган экан...

Кексайиб қолган Ибн Сино, Ҳамадон гузарининг бирида пайдо бўлганида бир таниш қандолатчи дўкандор унга салом бериб, қаршисидан чиқади ва қўймай, бир пиёла чой ичишга ўз дўконига таклиф қилади. Дастурхон ёзиб, турли хил хорижий ширинликларни уюб ташлайди. Қўймасдан ҳаммасидан бир-бир тотинади.

— Барибир, мен истаган ширинлик йўқ экан сиз-да,
— дейди Ибн Сино, жилмайиб кетар чоғида.

— У қандай ширинлик экан? — кизикди қандолатчи.
— Мазаси қандай?

— Боши ширин, охири аччиқ! — дейди Ибн Сино мийиғида кулганича.

— Қизик, қайси ширинликнинг боши ширину охири аччиқ?

— Умрнинг! — жавоб қилади олим.

Шундай деб жавоб қилган Ибн Синонинг ўша кезде вақти-соати битганини ўзи ҳам билган бўлса керак. Чунки у ўзи ичиб юрган барча дори-дармонларини бир ҳафта бурун ичишни тамоман тўхтатган эди. Бундан хавотирланган шогирдларига у, тана аъзоларининг дори-дармонларга тўйинганини айтиб, уларнинг энди фойда бермаслигига ишора қилган эди. Уйига зўрға етиб келган Ибн Сино, сўнгги кунларда эрмак тарзида хотира дафтарининг хошиясига она юртини қаттиқ соғингани ҳақида ёзиб қўйди. Кечга яқин эса, ёнига суюкли шогирдини чақирди. Шогирди билан видолашар экан, унга шундай дейди:

— Мен насиҳат бобида уч мингта сўз ёздим. Уч мингтадан фақат уч калимани танлаб ол. Бу учтадан иккитасини эсда сақла, бирини эса унутиб юбор. Яъни, Аллоҳни ва ўлим ҳақлигини доимо ёдингда тут. Бировга яхшилигини эса унут.

1037 йилнинг 24 июнида, бутун ҳаёти афсоналарга айланган буюк даҳо, улуг шифокорнинг юраги уришдан тўхтади. Аммо орадан 970 йилдан ошиқроқ вақт ўтган бўлса-да, Абу Али Ибн Сино — машҳур Авиценна ҳар куни, ҳар доим миннатдор авлодининг қалбида доимо бирга яшайди.



УЛУҒ ТУРКИСТОННИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

Бутун жаҳон маданияти тарихида “Беруний даври” билан ўчмас из қолдирган буюк қомусий даҳо Абу Райҳон Беруний ўз давридаги барча билимларни мукамал эгаллаган, нодир асарлар ёзиб қолдирган эди. У ҳатто астрология бўйича ҳам чуқур изланишлар олиб бориб, юлдуз буржларига қараб инсоннинг ўтмиши, айна пайтдаги ҳолатини аниқлаш ва келажагини башорат қилиш усуллари ҳақида каттагина илмий асар ёзиб қолдирган. Ўз асарининг сўнггида олим: “Юлдуз буржларига қараб тақдирни башорат қилиш ишонарсиз, мавҳум ва бачкана нарса» деб яқун ясаган. Аммо ўзи эса шу услубга тез-тез мурожаат қилиб, ундан фойдаланган, ҳисоблари аниқ чиққан. Масалан, Ғазнада яшаган пайтда, жазавага тушган султон Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғи билан ўзининг қалъа деворидан ташланиб юборилганида чодирга илиниб қолиб, омон қолишини қайси куну, соатларигача олдиндан ҳисоблаб қўйган. Тахт вориси шаҳзода Масъуднинг топшириғи билан башорат қилиб: “Математика ва астрономия бўйича буюк, оламга машҳур бўладиган олим Хуросон тупроғида 1048 йил ёз ойлари тугилади” деб аниқ айтган. Шунда шаҳзода Масъуд ишонмай:

— Нега бундай ишонч билан айтдинг? — деб сўраганида, улуғ Беруний:

— Чунки ўша йили мен етмиш беш ёшимда бу фойний оламни тарк этурман, — деб жавоб берган...

Таваллуд. Эроннинг шарқий қисмида жойлашган қадимий Хуросон ерларидаги Нишопур азалдан бутун Ўрта Осиё ва унга яқин мамлакатлар учун бир маданий марказ, савдо-сотик шаҳри бўлиб, Буюк Ипак йўлининг устида қарор топган эди. Икки улкан китъанинг Ғарбий

қисмидаги мамлакатларни Улуғ Туркистон ва қадимий Хитой билан иқтисодий боғловчи “трансқонтинентал” қарвон йўли бўйлаб ҳаракатланувчи бадавлат савдогарлару жаҳонгашта сайёҳлар, табиатшунос таҳлилчилару зукко уламолар Нишопур шаҳрида бир-икки йил тўхтаб, ҳадик олишар, кўрган-билганларию, ортирган билимларини шу ердаги ёш авлодга қолдириш мақсадида Нишопурда, ўрта ва олий таълим берувчи мадрасалар ҳам қурган эдилар...

Ўтов устаси (“хайё”) бўлган ҳунарманд оиласида дунёга келган Умар Ҳайёмнинг тўлиқ номи Ғиёсиддин Абдул Фотиҳ ибн Иброҳим Умар Ҳайём Нишопурий бўлиб, у отасининг ҳунарини гурур билан ўз номига тиркаб, Умар Ҳайём Нишопурий деб имзо чеккан. Афтидан унинг отаси ўзига анча тўқ ҳунармандлардан бўлса керакки, у ўғлини Нишопурда “Оқ суяклар мадрасаси” деб норасмий ном олган мадрасада дастлабки таълимни олишига, кейинчалик эса Балх, Бухоро ва Самарқанд каби ислом Шарқининг юксак илмий марказларидаги олий ўқув юртларида билим олишига қурби етади. Улуғ Туркистоннинг бундай маданий ўчоқларида билим олган Умар Ҳайём, ўша давр даражасида энг ривож топган математика, геометрия, физика, астрономия ва минералогия каби аниқ ва табиий фанларни мукамал эгаллади. Фикҳ ва мутасаввифлар илмини, ислом дини тарихини, Қуръони каримни, руҳиятшуносликни ҳам чуқур ўрганди. Турк ва форс шеърлятига мафтун бўлиб, турк, форс ва араб тилларини ўзлаштириб олиб, бу тилларда ёзилган адабий мерослар билан тўла танишиб чиқа олди. Ана шу кезлари у ҳатто ғазалиёт асосларини ҳам эгаллаб, шеърлар ёзишни ҳам машқ қилди. Бу ерда Умар Ҳайём айниқса астрономия, тиббиёт ва физика фанида дастлабки кашфиётларини яратди, мусиқа назариётида бир мунча ишлар қилди. Бутун Шарқ мамлакатларида шуҳрат топ-

ган Қадимий Бухоро кутубхоналарида таниқли уламо-лар бўлмиш Архимед, Евклид, Аристотел ва Пифагорларнинг арабчага ағдарилган асарлари билан танишиб чиқди. Шунинг билан бирга Умар Ҳайём бутун Қуръони Каримни ёддан билар, чиройли қироат билан ўқишидан ташқари барча суралару оятларга шарҳ бера олган. Шунинг учун Бухорои Шарифнинг номдор имому уламолари Умар Ҳайёмдан фикр ва маслаҳат сўрашни ўзларига ор билмаганлар. Ҳатто Умар Ҳайёмнинг номига “Ғиёсиддин” (“дин суянчиги”) деган номни қўшиб айта бошлашган.

Умар Ҳайём илмий ишларининг асосий йўналиши барибир математика фани бўлиб қолади. У, йигирма беш ёшга етмай туриб ўзининг дастлабки математик кашфиётларини ярата бошлайди. “Алжабр ва ал-муқобала муаммолари ҳақида китоб”ини XI асрнинг 60-йилларида Самарқандда ёзади. Бу китоб ёш олимга энг буюк олим шуҳратини келтиради. Турли вилоятлар ва салоҳиятли салтанатлар ҳукмдорлари Умар Ҳайём олдида илтифот эшигини очиб, ҳомийлик қила бошлайдилар...

Шундай қилиб, Умар Ҳайёмнинг йирик олим бўлиб, Шарқ мамлакатларида шуҳрат топиши Бухоро ва Самарқанднинг машҳур илмий марказларида тўла-тўқис шаклланган. Салжуқийлар салтанатининг пойтахти бўлган Исфaxonга, кейинчалик, умрининг сўнгги йилларида яшаган она шаҳри Нишопурга эса Умар Ҳайём машҳур олим сифатида иззат-икром билан келган.

Миллати. Улуғ Туркистонда қадимдан яшаб келган туркий қавмлар ўз тараққиёти билан жаҳон цивилизациясининг шаклланиши ва равнақ топишида мисли кўрилмаган даражада ҳисса қўшиб келган буюк миллатдир. Бу ерда исмлари жаҳон тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк саркардалару шоҳу-султонлар, машҳур олимлару доно файласуфлар,

тенги йўқ шоирлару мусаввирлар, афсонавий табиблару, зукко ихтирочилар етишиб чиққанки, фақат уларнинг исмларинигина зикр қилиб ўтишга неча-неча саҳифалар лозимдир. Тархи чархининг айланиши билан бу қадимий ижодкорлар ўз асарларини, ўша даврларда одат тусини олган форс тилида, исломни қабул қилгач эса араб лисонига ёзар эдилар. Шунинг учун Европа маданиятининг вакиллари бу асарлардан фойдаланишар экан, жонларини койитмай, асар муаллифларининг барчасини форс ёки араб олимлари деб кетаверишган. Юнонлар бўлса олимларимизнинг номларини ҳатто юнонча талаффузга мослаб юборишган. Шундан кейин XVIII асргача яшаб ўтган уламою фузалоларимиз асли туркий миллат вакиллари бўлишларига қарамай “форс” ёки “араб” бўлиб қолишган. Шунинг учун Умар Ҳайёмни ҳам: “форс-тожик шеърятининг жаҳонга машҳур классиги” деб тилга олишга одатланишган, суратларини эса эронийга ўхшатиб чизишга ҳаракат қилишган. Зеро, замондошларимизнинг мияларида Умар Ҳайём эроний миллатга мансуб деган фикр ўрнашиб қолди. Аммо тарихий ҳолат буни инкор этади.

Олим туғилиб ўсган Нишопур шаҳри ўша даврида худди Марв ҳам Астрободдек, Балху Ҳиротдек фақат туркий уруғлару қавмларнинг доимий яшаш ҳудудлари бўлган. Ота-онаси туркий қавмдан бўлганлигидан вояга етган Умар Ҳайёмни Эроннинг Рей ёки Исфохондек илмий марказларига юбормай, айнан Балх, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига жўнатишган, миллатчи эронийлардан қўра, қондош туркийлар ичида тарбияланишни маъқул ва тинчроқ деб билишган. Туркий миллатдан бўлган Қорахонийларнинг шаҳзодаси — бухорохудот Ҳокон Шамс ул-Мулк Умар Ҳайёмни ўз саройида иззат-ишрофлар билан қабул қилиб, унинг илмий ишлар қилишига катта имкониятлар очиб берган. Ўша давр йилномэчиларининг ёзишларича, “бухорохудот —

туркий ҳоқон Умар Ҳайёмни шу қадар иззат қилганки, йигинларда шайхни ўз ёнига — тахтга ўтказиб ҳурматлаган”.

Туркий ва эроний миллатларнинг бир-бири билан қарама-қаршилиги, зиддиятларию нафратлари ўша пайтларда жуда авжига чиққан экан. Ҳатто шуҳратпараст султон Маҳмуд Ғазнавий ҳам шоир Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарини ёзиб тугатганида шоирга фақат хасисликдан олтин динарлар ўрнига кумуш тангалар бериш билан кифояланмаган. Бунинг асосий сабаби, Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, “... форсий шоир Фирдавсийнинг ўз китобида эроний шоҳларни кўкларга кўтариб мақтаб, туркий султонларни камситиб, ҳақорат қилишидадир”.

Туркий ўғиз уруғининг тўрт минг чавандоз йигитлари билан Бағдод халифасининг танланган араб кўшинларини тор-мор қила олган паҳлавон лашкарбоши Турғулбек ўзини султон деб эълон қилганида ҳеч ким унга қарши тура олмаган. Шунда у мамлакат пойтахтини Исфaxonга кўчириб, Бағдодни барча имтиёзларидан маҳрум қилган. Туркий Салжуқийлар сулоласининг биринчи императори бўлган. Вақти қазоси етиб бу дунёдан кўз қиймаётган Турғулбек, ўзидан кейин қолаётган тахт ворислари бўлган Алп-Арслон билан Малик Шоҳга тожу-тахтини топширар экан: “Форсий миллат вакилларини салтанатга яқинлаштирмай, давлат ишларига аралаштирмасликни, бу миллат билан яқинлашган ҳар бир одамни ўзига душман билиш лозимлигини” қаттиқ тайинлаган эди. Шаҳзодалару уларнинг бутун авлодлари умр бўйи шу ўғит асосида иш тутишган. Айнан шу султон Малик Шоҳ саройида (1072-1092 йиллар) Умар Ҳайёмнинг кўп йил хизмат қилишининг ўзи ҳам унинг эроний бўлмай, туркий миллат бўлганидан далолат беради. Чунки Алп-Арслоннинг ҳам султон Малик Шоҳнинг ҳам саройида оддий хиз-

маткорларидан тортиб, то вазири-аъзам Низом ул-Мулкгача бўлган одамлар фақат туркий қавмдан бўлиб, ёзув ишларигина форсийча эди. Ерли миллат вакилларига бунчалик адоватда бўлиш инсофдан эмас, "уларга бир оз юмшоқроқ муомала қилиш" йўлини тутган вазир Низом ул-Мулк билан Малик Шоҳнинг улуг бекаси малика Туркан-хотун ўртасида бу боис қаттиқ зиддият пайдо бўлганида ўртага тушган Умар Ҳайём доно вазир билан қатъиятли маликани яраш-тирмоқчи бўлади. Шунда Туркан-Хотун Умар Ҳайёмдан қаттиқ ранжиб: "Агар сен туркум будуним эрмасанг эрдинг, сарой қопиғи сенчун буткул ёпилур эрди!" деган. Аммо улуг олимни, туркий миллатнинг улуг вакили санаб, қудратли малика саройдан четлатиш ўрнига, шоирга йилига ўн минг олтин динордан маош белгилаб, Нишопур ва унга яқин вилоятларга ҳоким қилиб юбормоқчи бўлган.

Мукамма^л тақвим. Қадимий юнон файласуфи ва математики Пифагорнинг фикрича, "... сонлар дунёдаги бор нарсаларнинг унсурлари бўлиб, борлиқ олам сонларнинг мо^л андлиги" экан. Шунинг учун қадимий юнон олимлари миқдорларни қўшиб-айириш ишларини қилишган, уларнинг карраларию бўлақларини топиб, нисбатлари устида кўпайтириш, бўлиш ва даражага кўтариш жараёнларини бажара олишган. Аммо ўша даврларда умуман "сонлар" го^ляси бўлмагани туфайли, бу ҳисоб жараёнларини аниқ сонлар арифметикаси каби ягона тизимга бирлаштиришнинг иложи бўлмаган. Бу ҳолат қадимий юнон фани ривожланишига худди чўян қалқондек халақит берган. Бироқ астрономия, география ва бошқа амалий соҳаларда ишловчи олимлар сонлар билан эркинроқ алоқа қилиб, сонлар ва миқдорлар (узунлик, майдон, ҳажм, сигим) орасида чегарани йўқотиб, математика фанини юксакликка кўтардилар. Бу ўринда айнан Умар Ҳайёмнинг ўрни бекиёсдир.

Профессор П.Юшкевич ўзининг “Умар Ҳайём ва унинг ал-жабри” асарида шундай ёзади: “Минг афсуски, XV-XVI аср Европа математикларига Умар Ҳайём китоблари маълум бўлмаган. Куб тенгламаларининг рақамли ечилиши масаласи неча аср аввал кўтарилганлигини билганларида янги олий алгебра ижодкорларининг заҳмати нақадар енгиллашган бўлар эди!.. Улуғ шарқ шоири ва олими Умар Ҳайём аллақачон кашф қилиб қўйган йўлни яна қайтадан ўтиш учун Европа олимлари жуда кўп меҳнат қилишларига тўғри келади!”

Ҳақиқатдан ҳам Шарқ алгебра фанининг чўққиси ҳисобланган услуб — “Умар Ҳайёмнинг кубик тенгламаларни геометрик ечиш усуллари” кашфиёти Европада орадан 600 йил ўтган Ренэ Декарт томонидан қайтадан яратилган эди. Умар Ҳайём ўзининг “Эвклид тамойиллари”даги Ефклидда ҳам мавжуд бўлмаган янги геометрик қонунларни кашф этишга эришган эди”.

Умар Ҳайёмнинг “Бурчаклар ҳақидаги” гипотезасини 1667-1773 йилларда яшаб ўтган европалик олим Саккери қайта яратди. Математика оламидаги бу янгилик бизнинг замонамиз математикасида “Сиккери тўртбурчаги” деб ифодаланади. Шунинг учун Умар Ҳайём XI асрдаёқ эришган илмий ютуқларига жаҳон математика фани фақат XVII асрдагина етиб кела олди.

Умар Ҳайём фақатгина математика соҳасидагина ишламай, балки астрономия, тарих, тиббиёт, мусиқа соҳаларида ҳам илмий изланишлар олиб бориб, эътиборли натижаларга эришди, шуҳратига шуҳрат қўшувчи асарлар яратди.

Вақтни ҳисоблаш, бир қараганда оппа-осон, муаммосиз нарсасдек кўринади. Кунлар кетидан кун, йил эса йиллар ортидан тартиб билан ўтаверади-ку, ахир. Аммо йилнинг ўзи нима? Йил, бу Ернинг ўз орбитаси бўйлаб Қуёш атропоида тўла айланиб чиққан вақтидир.

Астрономларнинг ҳисоблари бўйича бир йил 365 сутка 5 соату 48 минут ва 46 секунд экан. Ёки 365, 242199 суткага тенгдир. Аммо бундай мураккаб рақамдан фойдаланиш жуда ноқулайдир. Албатта йил ичида суткалар сони бутун, қолдиқсиз бўлгани маъқул. Масалан, йил 365 суткага тенг деб фараз қилайлик. Бунда йилнинг тугаши ҳар йили Ер ўз орбитасининг шундай нуқтасига тўғри келар эдики, бу нуқтани босиб ўтиши учун, яна 6 соат лозим бўлар эди. Хўш, бунинг ечими борми?

Бундай муаммони мелоддан олдинги даврнинг I асрида яшаган Рим императори Юлий Цезар ечган. У ўзининг шоҳона қарори билан йиллардаги кунлар сонини уч йил кетма-кет 365 кундан, тўртинчи йилникини эса 366 кун санаш тартибини ўрнатди. Шундай қилиб, Юлий Цезар шарафига “Юлиан календари” деб юритиладиган тақвимда бир йилнинг узунлиги 365 куну 6 соат бўлиб, йилнинг ҳақиқий узунлигидан атиги 11 минуту 14 секундга узунроқ эди. Аммо бу ечим ҳам қониқарсиз эканлиги кейинчалик маълум бўлди. Чунки XVI асрга келганда бу фарқ йил сайин йиғилиб, 10 суткани ташкил қилар эди.

Календарнинг навбатдаги реформасини Рим папаси Григорий XIII 1582 йили ўтказди. Черков байрамларини юлиан календари билан ҳисоблашда кўп қийинчиликларга учраган папа оддий ва кабиса йилларининг келиш тартибини эскичасига қолдириб, ойдаги кунлар тартиби рақамини 10 кунга суришни жорий қилди. Шунда юлианча ва григорианча календардаги 10 кунлик фарқ (1700, 1800 ва 1900 йиллар) XX аср бошларига келиб 13 кунга етди. Бизнинг кунларда эса, бу фарқ 14 кунни ташкил қилади. Яъни юлиан календари бўйича 1917 йил 25 октябрда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар григориан календари бўйича, олдинларидек 7 ноябрга эмас, балки 8 ноябрга тўғри келади.

Умар Ҳайём яшаган даврда сомонийлар шоҳи Яз-

гирд III томонидан жорий қилинган Қуёш календари амалда юрарди. Аммо бу календар ҳам юлиан календаридек йилнинг ҳақиқий узунлигидан ортиқроқ бўлгани боис йил боши — Наврӯз сурилиб кетган ва бу фарқ Умар Ҳайём яшаётган даврга келиб 10 кундан ошган. Шунда Умар Ҳайём бошчилигида Абдурахмон Хазиний, Абдул Аббос Лукорий, Абу Хотам Исфизорий ва бошқа машҳур математик олимларнинг иштирокида султон Малик Шоҳ фармони билан иш бошлаган уламолар 1079 йил мартада янги календар яратишди ва уни энг мукаммал расадхона қурдирган, олимларни маблағ билан таъминлаб турган салжуқий турк ҳукмрони Жалолиддин Малик Шоҳ шарафига “Тақвими Жалолӣ” деб атадилар. Ҳозирги кунда биз фойдаланаётган григоран календари 3300 йилда бир кунга адашса, Умар Ҳайёмнинг календари бўйича бу хатолик 5000 йилдан кейингина юзага келиши мумкин.

Ижодиёт. Ўз замонасининг энг мукаммал расадхонаси ҳисобланган обсерваторияда кўплаб соатлар қолиб ишлашга одатланган Умар Ҳайём ҳар турли астрономик ўлчамлар ўтказарди. Осмон сайёраларни кўп йиллик кузатув натижасида улуг олим “Малик Шоҳнинг астрономий жадвали” (“Зинжи Малик Шоҳӣ”)ни яратдики, бу жадваллар бутун Ислом Шаркида машҳур бўлиб, кенг фойдаланилди.

Умар Ҳайём даврида астрономия фани астрология билан узвий боғлиқ бўлиб, Малик Шоҳнинг саройида султоннинг яқин маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган Умар Ҳайём албатта шоҳнинг юлдуз буржига қараб башоратлар қилишига, юлдузлар ҳолатига қараб баъзан маслаҳатлар қилишга мажбур бўлган. Мунажжим Умар Ҳайёмнинг шуҳрати бутун салтанатида бекиёс даражада ўсган, оғзидан чиққан ҳар бир сўзга ҳурмат-этибор кучли бўлган. Бироқ унинг замондоши бўлган та-рихчи олим Низомий Самарқандийнинг тасдиқлашича,

“Юлдузларга қараб энг Олий Ҳақиқат деб айтган башоратларининг кўпчилигига Умарнинг ўзи ишонмаслиги менга кўпдан аён эди” деб, ёзиб қолдирган.

Математика фанлари тарихида Умар Ҳайём биринчи бўлиб йигирма беш турдаги (чизикли, квадратли, кубли ва ҳ.з) асосий тенгламаларнинг тўлиқ классификациясини берди ва кубик тенгламалар ечими назариясини ишлаб чиқди. Бутун сонларни ҳар қандай даражадаги илдизларини ечиш асосида ётган Умар Ҳайёмнинг тенгламаси кейинчалик “Ньютон биноми” номи билан математика фанидан ўрин олди. Олим музиканинг математик назариясини ҳам ишлаб чиққан.

Умар Ҳайём ўзидан олдин ўтган Шарқ файласуфлари Фиробий билан Ибн Синоларни ўзига устоз санаб, уларнинг баъзи асарларини, ўша пайтдаги тўлиғича “фан тили”га айланган арабчадан туркча ва форс тилларига ағдарган. Эроннинг жанубий ҳудудлари бўйича қози калони ва имоми: “Бутун Шарқ ва Ғарб мамлакатларида чиққан файласуфларнинг султони Ғиёсиддин Абул-фатҳ ибн Иброҳим Умар Ҳайём бизга ўз жавоб хатида аниқлик киритсинки, бутун Оламни ва инсониятни яратишда Аллоҳнинг қудратини ва иродасини тан оладими ёки йўқми?” деб берган иғволи саволига Умар Ҳайём ёзган ўз жавоб хатида Оламдаги бутун борлиқ Улуғ Аллоҳнинг қудрати ва иродаси билан яратилганлигини тан олиш билан бир қаторда Ер юзида кечаётган кўпчилик воқеалар тартиби Худо иродасидан ташқарида — Табиат қоидалари асосида ўтишини айтишдан ҳам қўрқмаган. Расмий ислом уламоларининг тарғиботларидан четга чиқиб қолган Умар Ҳайёмнинг фикрлари, унинг фалсафий рисоаларида, математик кўлёмаларининг ҳошияларида ёзилиб қолган рубоийларида ўз ифодасини топган.

Сиёсий ҳолат. Туркий аслзодаларга қарши кўрсатилган “Исломия” деб номланган диний-сиёсий хара-

кат 1090 йилларга келганда жуда зўрайиб кетган эди. Уларнинг жуда ашаддий бир қонхўр қанотининг йўл-бошчиси бўлган Ҳасан Саббоҳ, Эроннинг шимолидаги тоғ чўққиларида жойлашган Аламут қалъасини ишғол қилиб, ўзининг асосий истехкомига айлантиради. Бу ердан туриб, бутун Эрон ерларида кенг миқёсида ҳаракатланувчи қирғинбарот фаолиятини бошлайди. Унинг қўли остида бирлашган каллакесар маслақдошлари “ҳошишинийлар” номи билан тез танилдилар. Бу сўз Европа шеvasида “ассасинийлар” бўлиб ифодаланар ва тўғридан-тўғри қотиллар маъносини англатарди. Уларнинг “шуҳратлари” ана шундай даҳшатомуз сўз остида Эрон тарихида қора из қолдирган...

Туркий аслзодалар ва амалдорларнинг сирли равишда йўқолиб қолишлари, бола-чақалари билан чопиб ташланишлари, афти-ангорларига “иблис тусини” беришар, ҳийлаю найранглар билан тузоқларга илинтириб, шарманда қилишлар билан бошланган исмоилийларнинг фаолияти ҳаммани ваҳимага солиб қўйганди. Туркий миллатнинг олий табақасидан бўлган вазири аъзам Низом ул-Мулк хонадонига қаландар дарвеш қиёфасида кириб келган исмоилий қотил машҳур вазирни сўйиб кетади. Ундан кейин тайинлаган вазирнинг ҳам қисмати худди шундай тугайди. Бутун Салжуқийлар империясининг ҳукмдори султон Малик Шоҳни эса бир ой ўтмай, сирли равишда захарлаб ўлдиришади. Пойтахт шаҳарда ва Эроннинг барча қиётларида туркийлар устидан олиб борилаётган қотилликларнинг тобора кенг тус олишидан оддий халқ оммаси ваҳимага тушган эди. Ҳамма бир-биридан гумондор бўлиб, чақимчилик, сотқинлик кўпайди, бир-биридан ўч олиш бошланди. Ана шундай аҳволда сарой ҳам тинч эмас эди. Тахт учун бўлган кураш қонли тус олиб, Салжуқийлар салтанати қулашга юз тутгандек эди.

Нихоят, марҳум Малик Шоҳнинг беваси, малика Туркан-Хотун бу курашда ғолиб чиқиб, салтанат ҳукмронлигини қаттиқ қўлга олади. Шундай шароитда ҳам саройда хизмат қилишни давом эттираётган Умар Ҳайёмнинг ҳам аҳволи олдинги пайтлардагидек эмас эди албатта. Чунки ерли эроний миллат вакилларига бир мунча енгилликлар тугдириб, уларни салтанатни бошқариш идораларига яқинлаштириш режаси билан чиққан Низом ул-Мулкни ёқтирмай, унга қарши бўлиб қолган малика учун вазири аъзамга яқин саналган Умар Ҳайём саройда олдинги ҳурмат-эътиборга эга бўла олмас эди албатта. Расадхона ҳам олдинги маблағ таъминоти-ю, малика қўлловидан маҳрум бўлди. Шундай бўлса-да, Умар Ҳайём малика Туркан-Хотун саройида бурунгидек мунажжимлик ва табиблик вазифаларида ишлашда давом эттирди. Бироқ 1097 йили Умар Ҳайёмнинг ўз айби билан бир хунук иш бўлиб ўтади. Ун бир ёшли шахзода Санжар чечак касалига гирифтор бўлиб, уни Умар Ҳайём даволашга киришади. Бир кун вазирлардан бири олимдан шахзоданинг аҳволини сўраганида Умар Ҳайём эҳтиётсизлик билан, шахзоданинг дарди оғирлигини ва ҳатто ўлим тўшагида ётганлигини айтади. Бу гапни тўсатдан эшитиб қолган бир хизматкор табибнинг гапини шахзоданинг қулогига етказди. Бахтига шифоланиб, соғайиб кетган ва 1118-1157 йиллар салтанатга ҳукмронлик қилган султон Санжар то умрининг охиригача Умар Ҳайёмга нафрат билан яшайди.

Исфахон ҳам Малик Шоҳ пайтидаги “Шоҳ қароргоҳи”, “Илм маркази деган мавқеини йўқотади. Олимларсиз қолган расадхона ҳувуллаб қолади. Салтанат пойтахти Исфахондан, исмоилий жангариларидан бутунлай нарига — Хуросоннинг қадимий Марв шаҳрига кўчирилади. Умар Ҳайём ҳам кўчади. Аммо у, йўл-йўлакай Нишопур шаҳрига етганида саройни бутунлай тарк этиб, она шаҳрида қарор топади.

Шу билан Умар Ҳайём то умрининг охиригача Ни-

шопурда яшайди. Фақат Бухоро, Самарқанд ёки Балх шаҳарларига тез-тез қилган сафарларидагина Нишопурни бир-икки ойга тарк этарди, холос. Умар Ҳайём Маккага ҳам ҳаж қилган. Замондошларининг эслашларича, ҳаж сафаридан қайтган Умар Ҳайём анча ўзгарган, одамлар билан учрашиш, мулоқотда бўлишни ёқтирмас, ўзини четда ушлайдиган бўлиб қолган. Нишопур мадрасасида дунёвий билимлардан дарс берар, ўзига энг яқин шогирдларидан иборат бўлган кичик гуруҳ билан суҳбатлашар, уни зиёрат қилиб келган олимларни эса камдан-кам қабул қилган, илмий-фалсафий мунозараларда қатнашишдан ўзини четда тутар эди. Чунки унинг Нишопурда яшаган сўнгги йилларида унинг “улуғ математик, буюк астроном” деган шуҳратига “эрк фикрли, даҳриюн” деган хатарли “шуҳрат” ҳам қўшилган эди. Умар Ҳайёмнинг фалсафий фикрлари унинг рисоаларию, эл оғзидан тушмайдиган рубойлари ислом Шарқида тез тарқаб, дин аҳлининг иззат-нафсига теккан эди. Руҳонийлар билан Умар Ҳайём ўртасидаги зиддият шундай хавfli даражага етган эдики, ўзининг анча кексайиб қолганига қарамай ўшанда Умар Ҳайём ҳаж сафарига боришга мажбур бўлган.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича: “ўз кўзлари, кулоқларию бошини омон қолишини истаган шайх Умар Ҳайём ҳаж қилишга мажбур бўлган. Сафар даврида шайх Бағдод шаҳрида бир муддат яшаб, Низомияда дарс берган. Шунда, сафардан қайтган олим Нишопурга яқин бир қишлоқдан одмигина ҳовли-жой сотиб олган. Умар Ҳайёмнинг хотини ва ёки бирор-бир фарзанди бўлган. У сўққабош бўлиб яшаган. Зеро, улуғ ҳаммиллатимиз бўлган шайх Умар Ҳайём миллатчи эроний ҳошишиний қотилларининг доимий тазйиқларидан яшириниб, доим ўлим хавфи остида, одамлардан ажралган ҳолда ёлғизликда яшаган...”

Сўнгги соатлар. Умар Ҳайёмнинг айна замондоши, у билан бир неча бор суҳбат қуриш бахтига муяссар

бўлган тарихчи олим Абул Ҳасан Бойҳақий буюк алломанинг яқинлари оғзидан эшитган гапларига асосланиб, Умар Ҳайёмнинг сўнги соатлари ҳақида ёзиб қолдирган ҳужжат бизгача етиб келган. Унда ёзилишича, Умар Ҳайём "... доимо хатчўпда варақлаб Ибн Синонинг "Шифо китоби"дан "Илоҳия" қисмини ўқирди. (Ўша куни) "Бирлик ва умумийлик" фаслига етгач, хатчўпни китобга кистиргач, ўрнидан турди. Сўнгра видолашиш учун яқин шогирдларини чақиртирди. Уларнинг олдида керакли кўрсатмаларни бериб, васият қилди. Куни билан ҳеч нарса емади ҳам, ичмади ҳам. Кейин хуфтон намозини ўқиб, одатдагидек узоқроқ сажда қилди ва "Эй тангрим, ўз имконият борича сени танидим... Илмим орқали сенга интилдим. Ўзинг гуноҳларимни кечиргувчисан!" деб вафот қилди. Шунда 1123 йил бўлиб, Умар Ҳайём 75 ёшда бўлган. Ўлаётиб, Умар Ҳайёмнинг таваллудини аниқ башорат қилган буюк Абу Райҳон Беруний ҳам 75 ёшда бўлганини бир эсланг! Архимеду ал-Фаргоний ҳам, ал-Хўжандию Баттоний ҳам, Галилею Жуковский ҳам, Менделееву Луи Пастер ҳам, Фарадею Эйлерлар ҳам 75 ёшда оламдан ўтган. Бу 75 ёшлик марра улуг даҳолар ўта олмайдиган бир "физиологик чегара"дек мистик сир билан қопланган бўлиб, бу ёшдан ўтган улуг даҳолар фан тарихида жуда кам бўлган. Қизиги шундаки, "3" ва "5" рақамларига қаррали бўлган бу мистик 75 ёшга етганларида бу фоний дунёда насибалари тугаганини буюк даҳоларнинг ҳаммаси ҳам сезган, олдиндан билиб, атрофдагиларни хабардор қилганлар. Умар Ҳайём бўлса ўз ўлимини анча олдинроқ билган. Тарихчи олим Арузий Самарқандийнинг ёзишича, "... Балҳда, Қулбозори кўчасидаги Абу Сайид Жўранинг уйида хўжа имом Ҳайём билан имом Музаффар Исфизорий тўхтаганида мен уларга кўшилиб, хизматларида бўлдим. Шунда таом ейиш пайтида улуг шайх Умар Ҳайёмнинг: "Етмиш бешга кириб, ўлар чоғим яқинлашди. Буни мен

жуда аниқ билиб турибман. Ҳатто баҳор палласида гўрим устига наврўз гулларининг сочилиб туришини ҳам кўриб турибман” деган гапини эшитиб, таажжубландим. Аммо Умар Ҳайёмдек улуғ инсон бекорга пуч гапларни айтмаслигини ҳам билар эдим.... Ўша йили улуғ шайхнинг табаррук юзини тупроқ пардаси ёпиб, олам ул алломасиз етимлашиб қолганига тўрт йил тўлгач, Нишопурга яна йўлим тушди. Шунда улуғ устознинг руҳи-покига Қуръон тиловат қилиш ниятида жума куни Ҳайрия қабристонига бордим. Боғни ўраб олган девор тагида мавлононинг қабрини кўрдим. Боғда ўсган нок ва ўрик дарахтларининг қийгос гуллаган шохлари худди қабрни кучгандек ясланишганди. Қабр эса гулларга кўмилган. Шунда, бундан тўрт йил муқаддам Балҳда улуғ уламонинг айтган башоратли гапларини эслаб, ўкраб юбордим. Чунки бутун ер юзида улуғ устозга лойиқ бошқа ер йўқ эди. Энг муқаддас ва улуғ зот бўлган Аллоҳ, улуғ шайхнинг руҳига жаннат боғларида хаузар қилишни ато этсин!”

Рубоийлар. Бутун ер юзида кунда бўлиб ўтадиган тўю-ҳашамларда, тантанаю зиёфатларда кўпчилик алёр (қадаҳ сўзи) айтувчилар Умар Ҳайёмдан бирор байтни албатта тилга олади. Тарихий воқелиқдан беҳабар бўлган аксарият одамлар: “Умар Ҳайём роса ичувчи майхўр бўлган, шеърларини ҳам мастликда ёзган” қабилдаги гапсўзлар олимнинг ўз замонасидан то бизнинг кунларимизгача етиб келди. Ислом дунёсининг баъзи уламолари буюк олимнинг машҳур кашфиётлари олдида бош эгар эканлар, унинг эркин руҳда ёзган рубоийларини Умар Ҳайёмга тааллуқли эмас деб чиқиб, бу рубоийларни нашр қилганларни ҳам, уларни ўқиганларни ҳам исломий акидаларга қарши даҳрийлар, маиший бузуклар тамгасини босишга ҳаракат қиладилар. Аслида, ҳаётий ҳақиқатга тик қараб фикр юритилса, олимнинг одамларни куфр йўлга бошламаётганини кўрамиз.

Биринчидан. Рубоийлар Умар Ҳайёмнинг ўзиники

эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Умар Ҳайёмнинг замондоши ва унинг ҳомийси бўлган вазир Низом ул-Мулк ўзининг тарихий “Сиёсатнома” асарида Умар Ҳайёмнинг мунажжимлик орқали қилган кўп башоратларига таҳсин ўқиш билан бирга ёзган фалсафий шеърларидан хавотир олади. Арузий Самарқандий, Наршахий, Табризийларнинг ҳам тарихий асарларида Умар Ҳайёмнинг фалсафий рубоийлар ёзиб, катта шуҳрат топгани қайд этилган. Сулжуқийлар салтанатининг тарихига бағишланган кўп китобларда ҳам Умар Ҳайём фақат сарой мунажжими ва файласуфигина эмас, ўткир қаламли шоир сифатида ҳам иқтидорли эканлиги тилга олинган. Таниқли эроншунос олим — профессор Шоислом Шомуҳаммедов Умар Ҳайёмнинг рубоийлар тўпламини тузиб, нашрга тақдим этар экан, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг етакчи олимларига буюк даҳонинг дастхати билан математик рисолаларнинг хошиясига битилган рубоийларнинг фотонусхасини кўрсатган эди. Бироқ тўпламга киритилган уч-тўртта рубоийнинг аслида Умар Ҳайём томонидан ёзилганлигини профессор Шоислом Шомуҳаммедов ўша пайтда шубҳага олган эсада, қолган бarcha рубоийлар чуқур фалсафий фикрлар соҳиби бўлган улуг олимнинг дастхати билан битилганини исботлаган. Бу ўринда тўплам сўнггида профессорнинг келтирган рубоийси ҳам жуда ўринлидир:

*Ҳайёмдан ўқигил жаҳон баҳсини,
Ундан топажаксан замон нақшини.
Ақлинг элагидан ўтказиб бир-бир,
Ўзинг ажратиб ол ёмон-яхшини.*

Иккинчидан. Умар Ҳайём асло майпараст бўлмаган. Султон саройида бўлиб турадиган базму-тантаналарда май қадаҳига бирон марта лаб тегизмаган “Дин таянчи” (“Ғиёсиддин”) Умар Ҳайём кун бора султон Малик Шохдан ҳатто танбех ҳам олган. Унинг рубоийларидаги


май (шароб) хилма-хил ва теран мушоҳадалар ифода-сидир, холос. Май — яшаб турилган ҳаёт рамзи, шодлигу ташвишсизлик тимсоли. Шоир куйлаган гўзал маъшуқа ҳам оддий қиз эмас, балки сиз билан биз яшаб турган ҳаётдаги гўзалликлар тавсифидир:

*Тур, гўзал, очилсин баҳри дилимиз,
Жамолинг ҳал этсин ҳар мушкулумиз.
Туфрогимиз кўза бўлмасдан аввал,
Бир кўза ичайлик — қонсин кўнглимиз.*

Бу мисралар сира ҳам ичкиликни тарғиб қилмайди. Бу сатрлар — теран мушоҳада, тириклик фалсафасидир.

Жаҳолатли замонда яшаб, буюк кашфиётлар яратиб, ўлмас рубоийлар ёзган улуг юртдошимиз ҳаётдан ўқиб: “Биз илм аҳлининг инқирозини бошдан кечирдик, кўп жафо кўрган фақат кичик гуруҳгина қолди. Энди бизнинг замон донишмандларининг аксарияти ростни ёлгон билан яширмоқдалар, билимда фириб ва шуҳратпарастликдан нарига ўта олмаяптилар. Агар илм бобида бирор нарса билсалар, ундан ҳам фақат тубан мақсадларда, ўз манфаатлари учун фойдаланадилар. Агар бирор киши ҳақиқатни қаттиқ талаб қилса, риёкорлик ва ҳийладан халос бўлишга интилса — уни бедин деб ҳақорат қиладилар, масхаралайдилар, деб ёзган гаплари ҳатто шу кунларда ҳам долзарбдир.

Бундай сўзларни гоҳо тўғридан-тўғри, гоҳо парда остида бўлса-да, айтишга журъат этган олимга ҳар қандай айблов билан гуноҳкор санаш қийин иш бўлмаган. Шунинг учун ҳам буюк алломанинг номига ҳозиргача бўхтонлар қилинишига ажабланмасак ҳам бўлади. Олтин ҳар қандай шароитда ҳам олтинлигича қолаверганидек, улуг Умар Ҳайём инсоният тарихида буюклигича қолаверади.



АФСОНАЛАР ВА
ҲАҚИҚАТ

ТОШЛАР — ИНСОННИНГ БИРИНЧИ ДЎСТЛАРИ

Кейинги пайтларда оммавий матбуот саҳифаларида турли хил жавоҳиру минерал тошлардан ясалган зебу зийнатлар, туморлару рўзгор буюмларининг инсон саломатлигига, унинг тақдирига таъсири ҳақида қизиқарли ҳикоялар, баҳсталаб мақолалар чоп этилмоқда. Бундай маълумотлар, табиийки, ўқувчилар онгида қизиқиш уйғотади. Чунки ҳар қандай оилада ҳам озми-кўпми қандайдир минерал тошлардан ясалган заргарлик буюмлари ёки уй жиҳози анжомлари бўлади. Уларнинг эгаларига нисбатан таъсир кучи, кўлами ҳақида афсона ва мишмишлар юради. Хўш, улар ҳақиқатга қанчалар мос келади? Минерал тошлардан ясалган зебу зийнатлар, уй жиҳозларини неча минг йиллардан бери одамлар ишлатиб келишади, ахир?

Минерал тошлардан фойдаланишнинг ҳам бошқа хил табиий моддалар сингари амалда синалган услублари бор. Бундан ташқари тошларнинг ўзига хос хусусиятлари ижобий намоён бўлиши одамнинг табиати, феъл-атворига мослиги, инсоннинг жисмоний ҳолатлари ва шунга ўхшаш кўп омилларга боғлиқ. Бу омилларни ҳисобга олиб, бирор-бир минерал тошдан ясалган жиҳоз ёки зебу зийнатга эгалик қилган ҳар бир инсонга, у ким бўлишидан қатъий назар, бу тошлар, бало-қазолардан асровчи, офатлардан сақловчи, омад келтирувчи, илоҳий кучлар билан боғловчи тумор сифатида хизмат қилади. Агар ҳар бир минералнинг айнан ўзигагина хос бўлган шарт-шароитлари ҳисобга олинмай, зеб-зийнатлар харид қилинса, бу буюмлар эгасининг соғлиги санокли вақт ичида нураб кетиши, омад куши қўлдан чиқиши аниқдир. Шунинг учун, ин-

сон ва жавоҳирлар ўртасида монандлик бўлишига катта эътибор берган Искандар Зулқарнайнг ҳам, буюк Алишер Навоий ва Александр Пушкинга ҳам уларнинг суюкли жавоҳир тошлари ҳимоячи тумордек хизмат қилган. Инсон ва тошлар ўртасидаги мутаносибликка риоя қилмай, жавоҳирларга эгаллик қилган соҳибқирон Амир Темур ва Эрон шоҳи Нодиршоҳга ҳам, улуғ халифа Хорун ар-Рашидга ҳам, султон Мирзо Улуғбекка ҳам, улуғ шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Шох Жаҳонга ҳам улар зиён келтирувчи, захмат чектирувчи таъсирини кўрсатган. Минерал тошларнинг бундай сеҳрли сифатлари ва ажойиб хусусиятларга эга эканлигини яхши билган машҳур табиб ва олимлардан Гален, Гиппократ, Беруний, Абу Али ибн Сино ва Форобийлар ўзларининг тиббий амалиётида беморларни даволашда минераллардан кенг фойдаланишган. Бу билан улар жаҳон тиббиётининг литотерапия деб расмий номланган соҳасига асос солганлар.

Дунёдаги маълум бўлган минглаб минерал тошларнинг инсон танасига шифобахшлиги ҳақида улуғ мутафаккирлар жуда кўп рисолалар ёзиб қолдиришган. Бу асарларда турли касалликларни даволашда қайси турдаги тошларни қачон ва қандай усулда, қай тартибда ва қанча миқдорда ишлатиш кераклиги ҳақида қимматли маълумотлар қолдиришган. Қадимий ва ўрта аср тиббиётида бу асарлар доимий қўлланма, меъёрий ҳужжат сифатида хизмат қилган.

Даволаш усуллари асосан фитотерапия ва литотерапия йўналишларида олиб борилган. Кейинчилик эса, бизнинг замонга келиб, фан тараққиётининг кескин ривожини, даволашларнинг янги усуллари пайдо бўла бориши натижасида литотерапия унутилаёзди. Кейинги юз эллик йил ичида, тиббиётга турли хил кимёвий дори-дармонларнинг кириб келиши натижасида фи-

тотерапия ҳам, литотерапия ҳам ғайриилмий услуб сифатида четга сурилиб, бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолди. Бироқ, йигирманчи асрнинг охириги йилларига келиб, жаҳон тиббиётида бу услуга нисбатан яна кизиқиш уйғонди. Турли мамлакатлар матбуотида эълон қилинаётган мақолалар, чоп этилаётган махсус китоблар, айнан шу мавзуга бағишланган халқаро илмий анжуманлар фикримизнинг исботидир. Ҳиндистон ва Непал каби қадимий тиббиёт ўта ривожланган мамлакатларда тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида ўтказилган геологларнинг халқаро анжуманида ҳам литотерапия мавзусига катта аҳамият берилиб, бу ҳақда Хитой, Миср, Ироқ ва Эрондан келган олимлар қатор амалий таклифлар билан чиқдилар.

Хўш, литотерапия усули нимага асосланади?

Литотерапиянинг қадимий ватани ҳисобланган Тибет ва Ҳиндистон табиблари ҳозирги пайтда ҳам ўзларининг кундалиқ тиббий амалиётларида литотерапиянинг кўҳна услубларига амал қилиб келадилар. Бунда касалликнинг турига қараб, беморни даволашда қўлланиладиган минерал тошни мақбул ва тўғри танлаб олиш жуда муҳим ўрин тутди. Масалан, ўт пуфаги хасталиклари ва гепатитни даволашда фақат сариқ рангли каттиқ минераллардан фойдаланилади. Буйракни эса яшил рангли тошлар билан даволашади. Қон кетишини тўхтатишда ёки қон бузилиши билан боғлиқ бўлган барча касалликларни даволашда қизил рангли тошларнинг хусусиятларидан кенг фойдаланилади. Кўз оғриқлари эса доимо яшил рангли минераллар билан, баъзи ҳолларда, беморнинг ташқи кўриниши ва жисмоний ҳолатига қараб, мовий рангли тошлар ёрдамида даволанади. Юқорида келтирилган фикрлар янгилик эмас. Масалан, буйрак касалликларини яшил нефрит ёки малахит каби минераллар би-

лан даволаш қадимий литотерапевтларга маълум бўлган. Нефрит минералининг номи юнонча «нефрос» сўзидан олинган бўлиб, буйрак деган маънони англатади. Нефрит минералини белга боглаб юрилса, буйрак санчиги кетади. Кейинчалик эса буйракда тўпланиб қолган тошларни парчалаб, пешоб билан хайдаб чиқаради. Буйракни даволашда Қадимий Хитой ва Туронда айнан шу усулдан фойдаланилган. Манбалардан маълум бўлишича, Жанубий Америка табиблари ҳам нефритдан айнан шу мақсадда фойдаланиб келишган.

Белга боғланган нефрит ёки малахит тошларининг буйракдаги тошларни майдалаб, ташқарига хайдашини амалда шахсан синаб кўрмаган бўлсам-да, аммо уларнинг иккаласи ҳам буйрак санчигини босишига ишонч билан кафолат бера оламан. Чунки нефрит, жадеит, малахит ва аширитлар иссиқлик сингдирувчи минераллар бўлиб, қовуқ ва буйракни иссиқ тутиши аниқ.

Қон кетишини тўхтатувчи минерал сифатида гематит, гелиотроп, сердолик, қизил яшма каби тошлар тавсия этилади. Бу тошлар, юқорида келтирилган нефрит ва жадеитларнинг акси ўлароқ иссиқликни яхши ўтказиш хусусиятига эга. Бу минераллардан бирини танангизнинг бирор очиқ ерига босиб турсангиз, анча пайтгача ёқимли салқинликни сезиб юрасиз. Бу салқинликдан қон томирлари тез торая бошлайди. Қон тўхтайдди. Лат еган ерга босиб турилса, у ер шишмайди, кўкариб қолмайди.

Кўз оғриқларида зумрад, хризолит, аширит ва аквамарин каби яшил ёки фируза, сапфир (зангори ёқут), лазурит каби мовий рангли жавоҳирлар ёрдам беради. Бунда маълум узунликдаги тўлқинга эга бўлган рангларга тикилиб турган кўз ўзига керакли бўлган тўлқинни қабул қилиб, дам олади, шифоланади, зехн эса ўткирлашади.

Шундай қилиб, литотерапия одамларни лақиллатиб, чалғитувчи бир гайритабиий, гайриилмий тиббий усул бўлмай, инсон танаси ва аъзоларини табиатнинг бир бўлаги сифатида яхлит бир тизимдек тасаввур қилиб, табиий минераллар хусусиятларидан фойдаланиб, даволаш усулидир.

Юқорида биз минераллар билан фақат ташқи алоқа ёрдамида шифо топиш ҳақида сўз юритдик. Хўш, уларни ички аъзоларга қабул қилса ҳам бўладими? Куйида шулар ҳақида тўхталамиз.

Фан тилида «геофаглар» ибораси мавжуд бўлиб, бу «тош ейдиганлар» деганидир.

Экваторга яқин жойлашган Жанубий Америка мамлакатларининг аҳолиси озуқа йўқлигидан сира қийнаlishмаган. Чунки уларнинг кўп миллий таомлари оддий тупроқ кўшиб тайёрланади. Сенегалда — яшил, Эронда эса оқ тупроқ доим овқат билан истеъмол қилинади. Италияда бўлса, бугдойга мергель тупроғидан кўшиб тайёрланган овқат жуда қадрли ҳисобланади. Россиядаги Охотск шаҳрининг барча портларидаги ресторанларда кийик сутига каолинит лойини аралаштириб тайёрланган махсус таом жуда тансиқ ва қимматбаҳо ҳисобланади. Лой ва тупроқнинг кўп хиллари Океания, Австралия ва Африка халқлари томонидан суяб истеъмол қилинадиган маҳсулотдир. Ўзимизнинг Хоразмда ҳам қадимда лойдан бир неча хил таом тайёрланган. Яқин-яқинларда ҳам токсикоз пайтида ўзимизнинг аёллар гилвата деб аталган лойни сўриб юришни фойдали ҳисоблашган.

Табиийки, бундай одамлар «лой емас» халқларга нисбатан анча соғлом бўлишади, кўп дардга чалинишмайди. Бундай ҳолатни ўзгача баҳолаган баъзи «шифокорлар» агар жавоҳир тошларини майдалаб, беморга ичирилса, унинг фойдаси янада тезроқ, янада кучлироқ

бўлади, деган нотўғри хулосага келишган. Қанчадан-қанча қимматбаҳо тошлар толқон қилиниб, янчилиб, ичиб юборилган. Бироқ бундай бойвачча беморлар касалликдан тузалиш ўрнига, рихлатга равона бўлишган. Масалан, Ҳазрати Алининг вафотидан кейин халифалик тахтига унинг катта ўғли Ҳасанни ўтказишади. Шунда, бу тахтни кўлга киритишни орзу қилиб юрган уммавийлар Ҳасанга қасддан майдаланган олмос ичириб, нобуд қилишган. Чунки, ўта пишиқликка эга бўлган жавоҳирлар қанчалик майдаланмасин, абразив моддалигича қолаверади. Ошқозонда қанча турмасин, ҳеч қачон ҳазм бўлмайди. Ички аъзоларнинг ҳаммасини емириб, фалокатга олиб келади.

Бироқ тез эрувчи минераллардан ҳисобланган мўмиёни, бром, кальций, хлор ва йод тузларини тиббий мақсадларда доимо ишлатиб келамиз. Улар ҳаётимизга энг зарур бўлган минераллар ҳисобланадилар. Туз конларига тушиб, у ернинг ҳавосидан нафас олиш йўли билан йод етишмаслиги, астма хасталиклари даволанади.

Саломатликни тиклашда минерал тошлардан фойдаланишнинг уч усулигина тавсияга лойиқдир.

Биринчиси: оғриган ерга тош парчасини маълум муддатга қўйиш ёки суртиш усули;

Иккинчиси: минерал тошлар солиб, тинитилган сувни ичиш, баданни ювиш, компресс қилиш усули;

Учинчиси: асаби бўш, тушкун руҳли одамлар ўзларига мос келган тошларни танлаб, тумор сифатида ёнида олиб юришлари.

Ҳар бир минерал маълум бир шифобахш хусусиятга эга эканлиги, бундай минераллар кўп ҳолларда инсонга зарар бермаслигига қатъий ишонган ҳолда, радиоактив минералларни бундан истисно қиламиз. Минераллар коинот нурланишларини ўзида тўплай олувчи бирдан-

бир табиий конденсаторлардир. Турли минералларнинг зарралари фақат Коинотдангина қувват олмай, баъзи ҳолларда бир-биридан ҳам қувватланишдек ажойиб хусусиятларга эга. Шунинг учун бўлса керак, тоғ биллурининг йирик зарралари катта қувват манбаи ҳисобланади. Қувватланган минерал зарра касалланган одам танаси билан қувват алмашади. Минераллар, баъзи одамлардан фарқли ўлароқ, беморга фақат ижобий кучланишни бериб, ундаги салбий зарядларни ўзига сингдириб олади. Шундан кейин кўп минераллар яна қайтиб тикланмайдиган даражада бузилади, яъни «ишдан чиқади». Бундай ҳолларда минералларнинг ранги ўзгаради, порлаш нури хиралашади, парчаланади.

Умумий физика қонунларидан бизга маълумки, барча жисмлар маълум даражада титраб, тебраниб туради. Инсон ҳам бундан истисно эмас. Касал ва соғ аъзоларимизнинг фаолияти доимо тебранишда ўтади. Шу тебранишлар бир меъёрда бўлганида биз соғмиз. Тебранишлар ритми ўзгарганда эса тобимиз қочади. Шунда тўғри танланган минерал тош, жавоҳир зарраларидаги тебраниш майдони билан касал аъзолардаги тебраниш майдони ўзаро монандликка келади.

Хўш, бу соҳадан йироқ, оддий одам, ўзига мос келадиган минерал тошини ёки жавоҳирини қандай қилиб танлаши мумкин?

Бу жуда осон. Бунинг учун оддий пўлат игнанинг тешигидан ип ўтказиб, боғланади. Ипнинг бошқа учидан чап қўли билан ушлаб, игна пастга осилтирилади. Текширилиши лозим бўлган жавоҳир тош эса стол устига қўйилади. Кейин текширувчи одам қаддини ростлаб, игна осилган ипни синалаётган жавоҳирга аста яқинлаштирилади. Агар игна жавоҳирга ёпишса, бу — сизнинг тошингиз, агар ундан қочса — ушбу жавоҳирга яқинлашмаганингиз маъкул. Агар жавоҳир қадимдан

сизники бўлса ёки уни аллақачон харид қилиб қўйган бўлсангиз, бу тошдан тезроқ қутулинг.

Тошларнинг гўзаллиги, пишиқлиги ва камёблиги каби учта асосий хусусиятини доимо эътиборга олишган. Тош давридаги одам ҳам ўзининг қурол-аслаҳаларини ясашда пишиқ тошларни танлаган. Чунки унинг бор-йўқлигию, оч-тўқлиги қуролининг пишиқлигига боглик бўлган. Қуроли пишиқларгагина рақиб устидан галаба қозониш насиб этган, тўқ, эркин ва бежавотир яшашган. Шунинг учун қадимий одамлар қурол учидаги тошнинг пишиқ бўлиши учун қурбонликлар қилиб, унга сигинишган.

Тошлардаги гўзаллик ва уларнинг камёблиги ҳам табиий бир ҳолатдир. Тошлардаги антиқий гўзаллик энг нафис гулларда ҳам учрамайди. Чунки тошлар гўзал бўлишлари билан бир қаторда товланиш, нур сочиш каби хусусиятларга ҳам эга. Аммо гўзал тошлар табиатда оз, айримлари эса жуда камёбдир.

Юқорида келтирилган пишиқлик, гўзаллик ва камёблик каби учта асосий хусусиятларни ўзида жамлаган тошларгина жавоҳир, яъни қимматбаҳо тош саналади. Бундай тошлар Ер қаърида, табиат қонунларига мос равишда, жуда баланд ҳароратда ва маълум кимёвий моддаларнинг бир-бирига аралашуви натижасида пайдо бўлади. Уларнинг яралишида биронта бир ғайритабиий куч ҳам, осмондаги юлдузларнинг турли туркумлари ҳам иштирок этмайди.

Қадимги Шарқ халқларининг кўп китобларида ҳиндларнинг «Аюрведа»сида «Таврот» ва «Инжил»да ўн иккита илоҳий тошлар рўйхати бўлиб, улар қадимдан барча миллат одамларига маълум. Тошлар йилнинг ўн икки ойи тартибида қайд қилинган бўлиб, уларнинг номлари қуйидагича; гранат, аметист, яшма, сапфир, зумрад, агат, халцедон, оникс, хризолит, опал, топаз

ва ферузадир. Бунга эса астрологларнинг сири алоқаси йўқ.

Йилнинг ҳар жадвал ойига келадиган бу тошларнинг кимёвий таркиби, атомларнинг жойлашув тартиби, ионларнинг кўп ҳолларда мусбат зарядланган бўлиши бу минералларни инсон саломатлигига фойда бера оладиган, инсон ҳолатига ижобий қувват етказа оладиган даражага олиб келганлиги ҳайратга солади. Ўтган қадимий авлодлар бу хусусиятларни электрон микроскопсиз ҳам била олишган. Шунинг учун улар айнан шу ўн икки тошнигина илоҳий тошлар ҳисоблашган. Аммо жавоҳирларнинг «шоҳи» ҳисобланган олмосни ҳам, жавоҳирларнинг «маликалари» саналган ёқут ва лаълни ҳам бу рўйхатга киритишмаган.

Шундай қилиб, пустилотга агар ақл билан ёндашсак, минерал тошлар бизга фойда берса берадики, асло зарар бермайди. Демак, биз жавоҳир тошлардан ўзимизнинг физиологик ҳолатимизга мос турини танлаб, соғлигимизни малакали шифокорлар кузатувида доим бирдек тутишимиз мумкин.



ТОШЛАР — ҚУВВАТ МАНБАИ

Ҳиндистон ва Тибет тиббиётининг кўп асрли тажрибаси шуни кўрсатадики, жавоҳир тошлардан зебузийнат танлаганингизда, бу масалага жиддий қараб, аниқ шахснинг ўзигагина хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш керак. Бунда мунажжимларнинг «бурж юлдузи»га қараб, турли тошларни тавсия қилишларига ишонмай, биринчи навбатда бу жавоҳирни ўзингизга ёқиши, кўзингизга иссиқ кўриниб, сезги аъзоларингизни ўзига тортишига асосланган, қувват тоmondан сизнинг мижозингизга мослигини, биологик қувватингизга монандлигини текширинг.

Инсон саломатлигини тиклашда жавоҳир тошлардан кенг фойдаланишни тарғиб қилувчи «Аюрведа» таълимоти Шарқ тиббиётидаги хазиналардан биридир. «Аюрведа»нинг ватани қадимий Ҳиндистон билан тоғли Непал ҳисобланади, Айнан шу мамлакатлардаги одамлар қийналиб, зўрга етиб борадиган тоғлардаги ибодатхоналарда яшовчи ришалар (башоратчилар) бундан беш минг йил муқаддам ўзларининг донишмандликлари ва афсунлари орқали табиий тошлар ва металлларда биологик қувват борлигини кашф қилганлар.

Аюрведа — бу ўз-ўзини даволаш илми. У касалларга тошлару металллар, медитация, йоглар, уқалаш, овқатланишнинг жиддий режими каби усуллар ёрдамида ўз саломатликларини тиклашга ёрдам беради.

Қадимий башоратчилар ўзларининг минг йиллик тажрибалари асосида, онг — бу беш унсурда ифодаланувчи қувват эканлигига биринчи бўлиб тушуниб етдилар. Бу унсурлар «эфир», «ҳаво», «олов», «сув» ва «ер»дир. Бу «беш унсур» концепцияси Аюрведа асосида ётиб, инсон — бу микросамо, Коинотнинг бо-

ласи ёки макрокосмос деб ҳисоблайди. Гарчи бу ун-сурлар бутун Коинотда, унинг жонлию жонсиз нарса-лари, минераллар дунёси билан бирга бор экан, улар (беш унсурнинг барчаси) якка одамда ҳам бордир. Масалан, Аюрведа бўйича эфир (бўшлиқ, вакуум) огиз бўшлигида, томоқ ва бурунда, нафас олиш йўлларида, ошқозон-ичак йўлларида, лимфатик тугунларда, тўқима ва ҳужайраларда бор. Шунинг билан бирга эфир товуш узатувчи бўлиб, эшитиш фаолияти билан ҳам боглиқ-дир. Ҳаво — бу ҳаракатдаги эфир. Инсон танида эса у юрак, ўпка, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини, марказий асаб тизими фаолиятини бошқаради. Ҳаво инсон-нинг сезги аъзолари билан боглиқ. Инсонда энг асосий сезиш аъзоси унинг териси ҳисобланади. Учинчи само-вий унсур олов манбаи Қуёшдир. Инсон танида олов, бутун вужудга иссиқлик боради, мияда фикр юритиш қобилятини кучайтиради, кўзга нур беради, кўриш аъзоси билан чамбарчас боглиқ. Сув — инсон тани ва тўқималарининг фаолияти учун энг аҳамиятли унсур. У таъм билиш аъзолари билан боглиқ. Сувсиз бизнинг тилимиз маза билолмас эди, Ер — Коинотнинг энг сўнг-ги, ҳаёт унсуридир. Чунки сиртида барча жонли ва жонсиз нарсалар мавжуд, яшайди. Бу унсур инсон та-нида куйидаги аъзолар орқали ифодаланади; суяклар, тоғайлар, мушаклар, тери ва соч. Бу унсур инсоннинг хид билиш аъзоси билан ҳам боглиқдир.

Юқорида келтирилган беш самовий унсур инсон танида «уч доша» деб номланган учта тан унсурига бирлашади.

Касалликларни даволашда Аюрведа дори-дармон-нинг жуда бой захирасига эга. Бу дориларни тавсия қилишда, танамизда ўзаро нисбати бузилган унсур-ларни тенглаштириш орқали касаллик сабабларини йў-қотиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Аюрведадаги

хар хил дорилар каторида албатта катта шифобахш қувватга эга бўлган жавоҳир тошлар ва металлар етакчи ўрин тутади.

Аюрведани тушунишнинг биринчи шarti — ўша «уч доша» асосларини яхши билишдир. Масалан, эфир билан ҳаво бирлашиб, тана ҳавосини, «вата доша» ёки «вата»ни ташкил қилади. «Олов» сув билан оловнинг бир унсури сифатида ифодаланади ва «питта»ни ташкил қилади. «Ер» билан «сув» бирлашиб, вужудимиздаги сув — «капха»ни ифодалайди.

«Вата» — бу ҳаракатнинг биологик асоси. У мушак ҳаракати, нафас олиш ҳолати, юрак уриши ва ўпка ҳолати, қон томирлари ҳаракати ва нерв катаклари фаолиятини бошқаради. Қўрқув, оғриқ, спазмалар каби хислатлар ҳам «вата» назорати остидадир. «Вата» инсон танасининг териси ва суюғида, кулоқ ва белида, йўгон ичагида жойлашган. Шунинг учун «вата» танамизда кўпайиб кетганда, айнан шу ерлар тери ёки суюғимиз, кулоқ ва белимиз оғриши, дард чекиши бошланади.

«Питта» — бу тана олови, вужудимиздаги иссиқлик қуввати. «Питта»нинг фаолияти овқатни ҳазм қилдириш, моддалар алмашуви, теримизнинг табиий ранги, кўздаги шуъла, интеллект фаолиятлари билан боғлиқ. «Питта» газаб, нафрат ва ҳавас каби хислатларни уйғотади. У бизнинг қонимизда, танадаги ёғ қатламларида, ошқозонда ва кўзимизда жойлашган.

«Капха» — бу танадаги сув бўлиб, у терида намликни сақлайди, танамиздаги бўшлиқни тўлдириб, хотиранинг юқори даражада ишлашини таъминлайди. «Капха» севги, эҳтирос, бировга боғланиб қолиш, меҳр каби хусусиятларни бошқаради. «Капха» кўкрак кафасида, бошда, оғизда, ошқозон-ичак йўлларида бўлади.

Ҳар бир одам шу уч унсур— «уч доша»нинг комбинациясидир. Улар бузилса, касаллик юзага келади.

Одатда шифобахш тошлар қаторига танамиздаги уч унсур «вата», «питта», «капха»ларни меъёрлашга ёрдам берувчи ва аъзоларимизнинг тўқималари билан борлиқ бўлган барча рангдаги тошлар киритилган. Шунинг учун Аюрведик рангтерапиясининг амалиётида қуйидаги ранглар ва улардан ранг олган минераллар қўлланилади.

Қизил. Бу қизилқон таначаларининг пайдо бўлишига ва қон таъминотини яхшилашга ёрдам берувчи қон рангидир. Қон тана ҳароратини яратади, тери рангини сақлайди. Нерв тўқималарига ва иликка қувват етказиб туради. Агар сиз қизил рангга узоқ тикилиб турсангиз, юрак уришингиз тезлашиб, тонусингиз кўтарилади. Шу билан бирга қизил рангли тошларнинг кўплиги қонни қиздиради, зийракликни пасайтиради, одамни тажовузкор, ёвуз қилиб қўяди. Конъюктивит ва асаб бузилишларига олиб келади.

Аюрведада қўлланувчи асосий қизил рангли минераллар қуйидагилардир: рубин, қизил гранат, қизил турмалин, лаъл, карнеол, қизил яшма.

Қизгиш-сарик. Бу рангли тошлар ҳам ўзида оловли мижозни жамлаган. Бу тошлар инсон руҳи ва танани иситади. Одамда ҳиссиёт туйғуларини уйғотиб, жинсий аъзоларга куч беради, овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилади, ўпка ва ўт пуфағи дард чекканида ёрдам беради. Мушак ва нерв тўқималарини яхши ишлатиб, одамни ёшартиради. Бу рангнинг ўзида энг кўп сингдирган минерал қизгиш-сарик корунди (парпараджа) бўлиб, у фақат Ҳиндистон заминидагина қазиб олинади. Бу тошга бир оз қараб турсангиз, танангизга қувват оқими қуюлганини, ҳаётий кучлар жисмингизни қамраганини сезасиз. Кўп дардлар аъзоларингизни тарк этади. Корунддан ташқари, бу рангда яна қизгиш-сарик рангли топаз, сердолик ва вульфенит тошлари ҳам бор.

Сариқ. Бу рангли тошлар овқат ҳазм қилиш жараёнини тезлаштиради. Ошқозонда сок ажралишини кўпайтиради, жигар ишини яхшилайти, асаб тизимининг тонусини оширади, яхши кайфият беради.

Тошлар дунёсида бу ранг қуйидаги минералларда мужассам: цитрин, оч сариқ рангли берилл, қахрабо, сердолик, геацинт, сариқ топаз, йўлбарс кўзи, кальцит, авантюрин, сариқ яшма, агатлар.

Яшил. Бу рангли минераллар мусаффолик тимсоли бўлиб, одамни тинчлантирувчи омил сифатида хизмат қилади. Бундай рангли тошлар юрак чакрасига ижобий таъсир қилиб, юрак уриши ритмини сокинлаштиради, ҳиссиётларни юмшатади, мушак аа тўқималардаги толлаларнинг ишлашини жонлантиради. Аммо одам организмда яшил ранг тебранишларининг ҳаддан зиёд бўлиб кетиши зарарлидир. Бу ҳолат сафронинг тўпланишига, ўт пуфагида тош пайдо бўлишига олиб келади.

Яшил рангли минералларга зумрад, хризоборилл, хризопраз, яшил турмалин, яшил гранат, нефрит, жадеит, малахит, аширитлар киради.

Оч яшил. Бу бир пайтда сариқ ва яшил рангларнинг хусусиятларига эга бўлган тош бўлганлиги учун унинг кристаллари киндик ва юрак қувват тугунларига таъсир қилади. Аюрведа бўйича бу рангли тошлар организмда вата ва капха элементларини мувофиқлаштиради, юрак, асаб тизими ва ақлни тинчлантиради. Бу ранг энг аввал хризолитда жуда яхши ифодаланган. Хризолит бутун эндокрин системаси, буйрақолди безларининг ишини жонлантиради. Оч яшил рангнинг тебранишлари руҳий ҳолатни ҳам яхшилайти; газаб, гумондорлик, рашк каби салбий ҳислатлар йўқолади, юрак тозаланади.

Ҳаво ранг. Йогларнинг фикрича, бу рангли тошлар инсоннинг жисми ва ақлига тинчлантирувчи ва сову-

тувчи омил сифатида таъсир қилиб, идрокни ривожлантиради. Унинг ёрдамида жигар касаллиги даволанади, артериал босим меъёрига келади, кўз огриги, томоқ ва овоз безлари даволанади. Бу рангли минералларга куйидагилар киради: сапфир, феруза, ҳаворанг халцедон (сапфирин), аквамарин, целестин.

Бошқа томондан эса ҳаво рангнинг кўпайиб кетиши организмда қон айланишини қийинлаштиради, одамни ваҳима босади, спазма ҳолатлари пайдо бўлади.

Мовий ранг. Бу — осмон ранги, олий идрок ва софланишнинг тимсоли бўлиб, бу рангли тошлар руҳий муҳитга, у орқали эса, бутун жисмоний танага таъсир қилади. Мовий рангли тошлар, танамизда ҳаётини кучларни оширади, бузилган асаб тизимининг қайта тикланишига ёрдам беради, ақл-зехни бир ерга тўплайди. Паришонликни йўқотишда, кўз огригида, руҳий нотинчликда, баъзи тери касалликларида ёрдам беради.

Мовий рангли тошлар табиатда жуда оз. Булар Ҳиндистон конларидан олинадиган индиговит — мовий сапфир, Бадахшон лазурити, унга яқин бўлган азурит ва мовий содалитдир. Йогларнинг тасдиғига кўра, лазуритдан тайёрланган соққачаларни кафтимизда ўйнаб, медитация ҳолатига кира олсак, бош огригидан қутуламиз, кислород етишмаслигига ҳам барҳам берамиз, юрак ва ўпка хасталикларидан қутуламиз.

Бинафша ранг. Ҳинд йоглари ва шифокорлар, айниқса шу рангли тошлар олдида бош эгадилар. Уларнинг фикрича, бу рангли тошлар «учинчи кўз»нинг, Космик Онгнинг тошидир. Бу рангли тошлар инсон қалбида башоратчилик, олий онг фазилатларини пайдо қилади. Одам ҳам руҳан, ҳам жисмонан енгиллик сезиб, донишмандлик муҳитига кира бошлайди. Аюрведанинг таъкидлашича, бу рангли тошлар танамизда кўпайиб кетган питта ва капхани меъёрига келтиради.

Бу рангли тошлар бош огриқ пайтида, зиклик ҳолатида, невроз ҳолатларида, совуқ олдириш жараёнларида жигар ва буйрак ишларини яхшилашда ёрдам беради. Бу рангли тошларнинг энг ажойиби ва тенгсизи — аметистдир. Ундан ташқари, чароит, гранат-алмандин ва фақат Африкадагина учрайдиган мушук кўзидек товланувчи скаполит тошларидир.

Пушти ранг. Бу рангдаги тошлар муҳаббат ва ҳамдardлик, софлик ва ростлик каби эзгу сифатларнинг тимсолидир. Бу рангли тошлар биринчи навбатда юрак чакрасига таъсир қилади. Нафис ва майин пушти рангли тошлар феъл-атворимизга хурсандчиликни бахш этиб, турли зарарли таъсир кучларидан бизни тозалайди. Ҳар хил кўрқув ва хавотирлик ҳолатлардан халос бўлишимизга ёрдам беради. «Минераллар мамлакати»да ноёб бўлган бундай тошлар пушти рангли кварц, «тонг тоши» родонит ва унга яқинроқ бўлган родохрозит, пушти рангли берилл (морганит) ва пушти рангли турмалин (рубелит) пардир.

Қора ранг. Бу рангдаги тошлар табиатнинг улуг сирларини, иссиқлик ва қувватларни йиғувчи минераллардир. Совуқлик ва намлик омиллари туфайли пайдо бўлган касалликларни йўқотишда ёрдам беради, артериал қон босимини пасайтиради. Бу рангли тошларга гагат, лидит, обсидиан, морион ва гематитлар киради. Қадим замонлардан бери табибларимиз бу тошларга мурожат қилиб келишмоқда. Қишлоқ ерлардаги аҳоли қовуқ шамолласа, ёш келинчакнинг бўйида бўлмаса қора тошга ўтқазиб усули билан даволашади. Қиздирилган қора тошнинг ёрдам бермаган ҳоллари бўлмаган.

Оқ ранг. Бу рангдаги тошларни шахсни Улуг Коинот, Тангри билан боғловчи илоҳий тошлар деб ҳисоблашади. Бу рангли тошлар тозаллик ва диндорлик тимсолидир. Улар барча руҳий ҳиссиётларга ижобий таъсир

қилиб, организмимизга сокинлик, тургунлик ва монандликни олиб келиб, аъзоларимиз ишини жонлантиради. Бундай тошларнинг асосий вакиллари: олмос, соф кварц, кохолонг, дур, селенит, биллур ва оқ нефритдир.

Аюрведанинг тиббий амалиётида ранги юқорида келтирилган рангларнинг бир-бири билан қўшилишидан ҳосил бўлган инсон аъзоларига таъсир қилувчи бошқа хил минераллар “ҳам” бор. Масалан:

Оқ ва қизил ранг — кайфиятингиз ва тонусингизни кўтаради. Масалан: карнеол оникс тоши.

Оқ ва мовий ранг — хотиржамлик ва сокинликни беради. Тош: лазурит.

Ҳаво ранг ва яшил — тинчлантирувчи, асабни юмшатувчи, тутқаноқ ва зикликларнинг олдини олувчи. Тош: амазонит, феруза, аквамарин.

Қизил ва яшил ранг — ҳисларни қўзғатувчи. Тош: яшма.

Кўк ва яшил ранг — руҳан тозалайди. Тош: малахит, листвинит.

Кўк ва бинафша ранг — бу икки рангнинг қўшилишидан ранг олган тошлар зарарлидир. Уларга кўпроқ қараб турилганда, умумий ҳолат ёмонлашади, бош оғрийди, кўнгил айнайди. Тош: лазуритнинг айнан шу рангдагиси.

Шундай қилиб, жавоҳир тошлар агар бизнинг мижозимизга тўғри келса, биоқувват майдонимизга мос тушса, бизга йўлдош бўлиб, танамизга қувват берувчи манба бўлади. Агар, тош танлаш масаласига юзаки қараб, тўғри келган жавоҳирли зеб-зийнатларни эртаю кеч тақиб юраверсак, тошлардан зарар кўришимиз аниқдир.



ЖАВОҲИРЛАР ВА УЛАРНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Олмос — тошлар шоҳи

Олмосни қадимдан тошлар шоҳи ҳисоблашади. Олмос етуклик, енгилмаслик, куч ва ҳукмронлик рамзидир. Улуғ Туркистон, Хитой, Непал ва Ҳиндистон мамлакатларининг шоҳу султонлари бу жавоҳирни барча тошлардан улуғ санашиб, тажовузлардан асровчи муқаддас паноҳ сифатида қадрлашган. Олмосларни хазиналарининг энг азиз ерларида сақлашган. Сеҳргару жодугарлар ҳам ўз фаолиятларида ва сирли тадбир маросимларида олмосни биринчи ўринга қўядилар.

Инсоннинг Коинот, Тангри ва Олий кучлар билан боғлашда асосий ўрин тутадиган Еттинчи чакранинг (ҳиндча номи Сахасрара) бош тоши ҳам айнан олмосдир. Олмоснинг биоэнергетикаси жуда кучли, чунки у Қўй буржининг самовий қувватини ўзида мужассамлантиргандир.

Хитой ва Непалда олмос Будданинг «сира чиримас танасининг» рамзи сифатида ҳам қадрланади. Олмос турли хил бало-қазолардан ва ўлимдан асровчи илоҳий жавоҳир ҳисобланади. Узук кўзидаги олмос зарраси ҳар хил касалликлардан сақлайди, ёмон тушлардан халос этади, қўрқувни тарқатади, танни бақувват қилади, ички аъзоларингизда тош пайдо бўлишининг олдини олади.

«Аюрведа»да келтирилган қадимий ҳинд мутафаккирларининг фикрича, эфир, олов, ҳаво, ер ва сув каби табиий жунбушларнинг барчаси ана шу олмос таркибида экан. Олмосдаги кучли вибрациялар юрак, мия, нозик тўқималар каби жисмоний тананинг турли аъзо-

ларига таъсир қилади. Аюрведик даволаш усулида ва литотерапияда олмос ёшартирувчи ва юракни даволовчи фармакологик восита сифатида қўлланилади.

Бриллианти зебу зийнатларнинг ўз эгаларига таъсир кучи турлича бўлиб, қисқа муддатда, ҳатто бир куннинг ўзида ҳам ўзгариб туриши кузатилган. Шунинг учун бундай кўзли зебу зийнатларни доимо тақиб юриш яхшиликка олиб келмаслигини тасдиқлаймиз. Ўз тошингизнинг «тили»га қулоқ солишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни нохушроқ сезишингиз билан қандайдир ноқулайлик ёки дилгашлик пайдо бўла бошлаган ҳамано юрагингизга яқин бўлиб қолган, суйган зийнати-нингизни вақтинча ечиб қўйсангиз, барча касалликларингизу танангиздаги нохушликлар ўтиб кетади.

Қадимий мунажжимларнинг (шу жумладан султонлар саройларида мунажжимлик қилган ал-Фаробий ва Умар Ҳайёмнинг ҳам) фикрларича, олмос ўн икки буржларда тугилган барча одамларга мос келса-да, бироқ Қўй буржида тугилганларга айниқса омад келтираркан. Яна шуни ҳам алоҳида кўрсатиш жоизки, олмосни одамнинг ўзи бирор кимсадан ёки дўконлардан сотиб олганда бриллиант ҳеч қандай наф бермайди. Жавоҳирнинг фойда бериши учун у наслдан-наслга мерос бўлиб ўтган ёки кимдир томондан ҳадя қилинган бўлиши керак. Шунда тош ўз эгасини доимо ўзида йигилган ижобий биоэнергетика билан мунтазам озиқлаб туради. Масалан, тарихий ҳужжатлар ва йилномачиларнинг далолат беришларича, Бобурий шахзодаларга наслдан-наслга мерос бўлиб шоҳ хазинасида сақланган олмослар, уларга доим ижобий таъсир қилган, соғлиқларини тиклаган, умрларини узайтирган, ҳатто Аврангзебдек жохил ҳукмдорнинг юз йил умр кўришига ҳам ёрдам берган, деб ҳисоблашади. Аксинча, Бобурийлар салтанатига босиб кириб, хазина-

даги барча бойликларни ёвузлик йўли билан қўлга киритган Нодиршоҳнинг узоқ яшамай, қотил қўлида ўлиб кетишини ҳам эслаш мумкин. Олмоснинг бундай салбий хусусиятлари ҳақида юқоридаги ҳикоялару қиссаларда батафсил тўхталган. Шунинг учун, хулоса қилиб айтилганда, ноҳақ йўл билан ва айниқса маккорлик ҳамда ёвузлик орқали қўлга киритилган олмослар оғир кармаларга тўйинган бўлиб, ўз эгаларига фақат изтироб, қайғу ва ҳатто ажал келтиради.

Рубин — «Аждарнинг иссиқ қони»

Олов жунбушини энг яхши изҳор этувчи ва Ян (эркаклар) бошламасини ўзида мужассамлантирувчи жавоҳир ҳисобланади. Ҳинд сеҳргарлари бу тошни Аждарнинг иссиқ қонининг йигиндиси деб атаб, одамларга чексиз таъсир қилувчи ва уларнинг устидан ҳукмронлик қилиш кучига эга деб биладилар. Қип-қизил аланга билан ёнувчи тоза ва тиниқ рубин кучли ва ҳукмдор одамларнинг кармасига жуда боглиқ. Жавоҳир бундайларга қувват озуқасини бериб, аъзоларнинг концентрациялашишига ёрдам беради, ақл ва юрагига куч бериб, бақувват қилади, толиқишдек хисларни ҳайдади. Ёмон кўзу қора ниятдилардан, самонинг қуйи қатлам кучларининг салбий таъсиридан сақлайди.

Рубин ҳамма бурчдагиларга, айниқса «Арслон» буржидагиларга фойдалидир. Аммо бу тошнинг ҳам худди олмос каби кучли биоэнергетик қувватга эга эканлигини унутманг. Бу жавоҳир билан ҳам доимий алоқада бўлишдан ўзингизни сақланг. Агар сизнинг аъзоларингизда Ян бошламаси керагидан ортиқ бўлса, асабингиз тез-тез алангаланиб, артериал қон босимингиз юқори бўлса, бундай жавоҳирларга мутлақо яқинлашмаслигингиз керак. Бундай ҳолларда «сув» жунбушидаги жа-

воҳирларни тақиб, аъзоларингизни «совутиб» энергетик балансингизни мўтадиллаштиришингиз мумкин. Соҳибқирон Амир Темурнинг режалаштирилган Хитойга ҳарбий юришининг бошида тўсатдан касалланганлигининг сабаби ҳам ана шу, қўлидаги каттагина рубин кристали билан ортиқча алоқада бўлишида эди. Афсуски, сарой табиблари бу ҳолатга унча аҳамият беришмаган ўша дамда.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, тоза биоэнергияни фақат табиий рубингина бера олади. Рубиннинг кўп хил синтетик нусхалари ва ясама «рубинлар» муқаддас кучга эга бўлмай, фақат зарар беради.

Ҳақиқий рубинлар табиатда жуда кам учрайди. Уларнинг энг яхшиси Могок конларидан ва Памирдаги Бадахшондан қазиб олинган. Бу конларда юлдузсимон зарралари шундай рубинлар топилганки, улар жодугарлару сеҳргарларга Олий Кучлар билан алоқа ўрнатишда яхши воситачи бўлган. Бундай тошларга ишлов берилиб, сайқалланганда уч, олти ва ҳатто ўн икки қиррали юлдузлар илоҳий тош сиртида намоён бўлган. Бундай ажойиб мўъжизани кузатиб, уларнинг таъсир кучлари ўз таналарида синаб кўриш бахти, афсуски, жуда камчилик одамга насиб этган.

Қизил гранат — «оловли тош»

Табиатнинг «Олов» жунбушига қизил гранатнинг икки тури: пироп билан альмандин киради.

Пироп — олмоснинг ажралмас йўлдошидир. Қадимий туркий халқлар бу жавоҳирни ҳам азалдан билиб, уни «оловли тош» деб атаганлар ва уни тоғлар юрагида алангаланиб ётган ўша абадий оловнинг бир зарраси деб ҳисоблаганлар. Қадимий ақидалар бўйича оловли тош тунда сеҳрли ёғду сочар экан ва кимки бундай

тошни топса, ундай одам учун катта хазиналарга йўл очилар экан.

Хитойда эса, олов рангли қизил гранатни, қувват берувчи «Аждарнинг қотган қони» дейишади. Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур қўшинидаги лашкарбошиларга жанг олдидан айнан гранатдан ясалган қадҳларда шароб ичиришганки, уларнинг довжураклиги ошсин деб. Ҳинд ва Непал литотерапевтларининг фикрича, доимо зўриқишда яшовчи қудратли ва ҳукмдор одамларга бу тош жуда мосдир. Оловли тош, бундай одамларга ўзларининг қувват зўриқишларини сақлаб қолиш имкониятини беради. Чунки тош кучли қувват озукасини бериб, ҳирсиётини зўриқтиради. Оловли тош ўз ранги билан ҳиссий ҳолатини кўрсатади: қонли тўқ қизил рангли бўлганида тош эгасининг энергетик баланси нормал ҳолатда эканлигини билдиради. Агар тошнинг ранги хиралашса, тош эгасининг тана аъзоларида Ян қуввати ошиб кетганидан далолат берганидир. Бундай ҳолларда жавоҳирни тақмаганингиз маъқул.

Пироп номининг ўзидаёқ унинг «Олов» жунбушига тегишли эканлигини кўрсатади. Бу тош Арслон буржидагиларга тўғри келади.

Альмандин эса қизил гранат бўлиб пушти ранг, бинафша ранг, маймунжон рангидан то олча ранггача бўлган бой бўёқларда учрайди. Бу тошда кучли Ян қуввати бўлса-да, Ин ҳам кам эмас. Унинг вибрациялашиши пиропникдан тезкор эмас. Улар майин бўлиб, қувват оқимини руҳий ва ментал босқичларига йўналтиради. Альмандиннинг ёқимли қизил-бинафша рангда товланиши эмоционал ҳолатга бир тинчлантирувчи омилдек таъсир килади. Нафис нурланиш эса юрак фаолиятини сокинлаштиради, қон юришини яхшилайти, бош оғриги ва шамоллаш пайтларида яхши ёрдам беради.

Альмандин жисмоний танани мўтадиллаштиради, ўз атрофида турғун мусбат биомайдон ҳосил қилади. Бу тош ҳам турли хил юлдуз буржларида тугилган одамларга тўғри келади. Аммо Тоғ эчкисига жуда мос тушиб, аъзолардаги Ян-Ин қувватларини мўтадиллаштиради, қалбингизга жисмоний ва руҳий ҳузур олиб келади.

Лаъл — «Эҳтирос тоши»

Лаъл қизил шпинель бўлиб, ўзининг ташқи кўриниши ва қуввати бўйича рубинга жуда ўхшаш бўлиб, ҳатто уларни бир-биридан ажрата олмай қоладилар.

Лаъл — Шарқ халқларининг азалдан суюкли жавоҳири бўлиб келган. Лаъл муҳаббатнинг талисман тошидир. Чунки у кишида жуда кучли эҳтирос ҳиссиётини уйғотувчи сеҳрли хусусиятга эга. Бу тошни, қариб қуюлмаган хонлару шоҳлар, амирлару султонлар яхши кўриб, доим ёнларида олиб юришган. Ҳарамларидаги хотинларию, саноксиз канизакларидан ҳали умидларини узмаган бу қудратли қариялар ўз тахтларида ўтириб, салтанат юритишар экан, кафтларида лаълдан қилинган махсус соққаларни куни билан ўйнаб ўтиришган. Шунда бу илоҳий жавоҳир уларнинг қолган-қутган қувватларини керакли ерга мужассамлаб, бир неча дақиқага бўлса ҳам, ўзларини яна йигитдек ҳис этиб, тунда бахтиёр бўлиш имкониятини берарди.

Феъл-атвори жиловсиз, ховлиқма, эҳтирослари «портловчи» бўлган одамларга бу тош асло тўғри келмайди, уларни «куйдириб юборади».

Лаъл — камёб жавоҳир. Уни Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистон тоғларида, Бирма конларида ва Ҳиндистонда қазиб олишади. Аммо лаъл тошининг худди «қизлар лабидек» мафтункор турларини фақат Афғо-

нистон ва Бадахшондаги Кӯхи лаъл конларидангина топиш мумкин.

Қизил турмалин — «Эҳтирос қувватини йўлловчи тош»

Турмалин, кучли қувватларни ўзида йиғиб, мужас-самлантирган, ер юзидаги энг кучли тошларнинг бири-дир. У чиройли ва турли хилдадир. Хилма-хил турдаги бу тош «оиласи» чакраларнинг хилма-хил рангини ўзига сингдирган бўлиб, улар орқали (худди рангли кварцлардагидек) жисмоний танага куч-қувват етказиб туради. Шунинг учун ҳам ҳинд ва тибет литотерапевтлари ундан айнан шу мақсадда фойдаланиб келишади. Йоглар айниқса рубиндек қизил бўлган ва жинсий аъзоларнинг чакраси — Свадхистанинг тоши ҳисобланган бундай турмалинни жуда юқори баҳолайдилар.

Қизил турмалин — эҳтирос қувватини йўлловчи, эр-каклар потенциалини қувватловчи, никоҳларни сақлаб қолувчи ва фарзандлар тугилишини кўпайтирувчи ажойиб жавоҳир тошидир. Шиваит тантрасининг (сатханинг) ишқибозлари бундай жавоҳирларнинг зарраларига ишлов бермаган ҳолда ёки кумуш узукларга кўз қилдириб, доим ўзлари билан бирга олиб юришни ёқтирганлар. Бироқ «қизил қонли», бошқарув қийин феъл-атворли одамларга бу қизил турмалинни доим ёнда олиб юриш ўта хавфлидир. Чунки бу жавоҳир тури ўзида «олов» жунбушининг кучли қувватини мужассамлантирган, ҳақиқатдан муҳаббат ва эҳтирос жавоҳиридир. Бу тош «олов» жунбушида тугилган барча эркакларга тавсия этилади. Ҳиндистон, Непал ва Тибетнинг чегарадош ерларидаги тоғли масканларда ихтисослаштирилган замонавий шифохоналар бўлиб, у ерларда бутун ер юзидаги мамлакатлардан келган бе-

пушт эркаклар фарзандсизликдан даволанадилар. Қизиги шундаки, даволанишга келганларнинг кўпчилигига ҳамроҳлик қилиб келган эркакларнинг аскарияти олдинлари бу даргоҳда шифо топиб кетган бахтли оталардир. Бунинг сабаби билан қизиққанимда, Голланд деган австралиялик профессор «Гималай» меҳмонхонасида менга шундай жавоб қилган:

— Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ! Эркакларга ҳаёт лаззатларидан тўлигича фойдаланиш имкониятини берган ажойиб шифокорларга ўз миннатдорчилигимизни яна бир бор изҳор этиш ва иложи бўлса «эҳтирос тоши»дан яна қайта қувват олишдир!

Шифокорларнинг фикрича, бу тош фақат «олов» жунбушидаги эркакларгагина тавсия этилади, ўзгаларга наф бермас экан.

Циркон — олмоснинг укаси

Ўзининг шуълаларининг кучи билан ўз «акаси» олмосдан сира қолишмайдиган, фақат қаттиқлик жиҳатидангина ундан бўшроқ бўлган циркон жавоҳирини ҳиндлар олмоснинг укаси деб, чамамда хато қилишмаган. Қадимий ҳинд мунажжимлари бу сирли жавоҳир тошини қуёш тутилиши жараёнига садақа қилишган. Циркон — форсча заргун («олтин ранг») сўзининг бузилган талаффузидир. Харралари кўпинча призматик шаклидаги бу жавоҳир радиоактив ҳамдир. Гранатлар, селенитлар ва ишқорли пегматитларда учрайди. Конлари сочма ҳолда (қумли оқизикларда) бўлади. Кимёвий томондан ҳам анча пишиқдир. Жавоҳирнинг қизғиш-қўнғир рангли тиниқ зарраларини гиацинт ва сарғиш рангли, олмосдек товланувчиларини жаргон дейишади. Цирконийнинг қазиб олинадиган маъданини гафния деб аташади.

Бу жавоҳирнинг энг қадимий ва кўп қазиладиган ери — европаликлар «Хазиналар ороли» деб атаган Цейлондир. Бу ерда цирконнинг энг зўр, заргарлик турлари қазиб олиниб, ранг товланиши жиҳатидан рангсиз, тиник туридан то мовий ранглигача, пушти рангдан то қизгиш-қўнғиргача турлари учрайди. Шунинг учун жаҳонда энг машҳур ва яхши ном қозонган, олий навли, қизгиш-қўнғир рангдаги циркон жавоҳирини геацинт деб атаганлар. Бу ном, афсонавий бир гулнинг юнонча «геацинтос» номидан олинган бўлиб, қадимий юнон ривоятларига қараганда, Олимпиада ўйинларида Апполон худосининг айнан ўзи билан диск отишда беллашиб ҳалок бўлган спартанли йигитчанинг ҳам номи ҳам Гиацинт бўлган. Шунинг учун йигитчанинг тўкилган қони хотирасини абадийлаштириш мақсадида Худо тошни ҳам, гулни ҳам бирдек геацинт деб атаган экан.

Жодугарларнинг ишонч билан тасдиқлашларича, геацинт одамларни ёвуз руҳлар ва бошқа ҳар хил ифлос кучлар босимидан асровчи олий сеҳр кучига эга экан. Сайёҳларнинг сафарларини бежавотир ўтишини таъминловчи, хушфеъллиликлар бахш этувчи тумортош ҳисобланган. Йогларнинг айтишларича, олий навли циркон олмос қаторида еттинчи чакранинг тоши ҳисобланади. Еттинчи чакра эса одамни Коинот билан боғловчи рамзий нуқтадир.

Циркон Қўй буржидаги одамларнинг бахт тумори ва ишончли «асрагич» тошидир.

Сапфир — донолик тоши

Сапфир ҳаво ранг ёки кўк рангдаги бўлган корунд гуруҳидаги, биринчи даражали қимматбаҳо жавоҳирдир. Ўзига совук само ранги бўлмиш ҳаво рангини

сингдириб олган бу жавоҳир Коинот билан узвий боғлиқдир. Сапфир инсонни бевосита Коинот билан боғлар экан, унга руҳий ва жисмоний куч бериб туради.

«Аюрведа» бўйича сапфир таркибида эфир билан ҳаво бўлиб, уни жуда қадимий замонлардан бери кўк гумбазнинг тимсоли бўлиб, уни донолик, чуқур фикрлаш, ижодкорлик тоши ҳисоблашган. Сапфир қалбингизни газаб ва ваҳимали ўйлардан асраб, руҳингизни тозалайди, дилингиздаги турли ҳаёлларни бир мақсад сари йўллаб туради, айниқса, намоз ўқилганда фикрларингизни муҷассамлантириб, Аллоҳ сари йўллайди. Ана шу сабабдан ислом Шарқида бу жавоҳирни роҳиблар ва уламолар тоши деб бекорга айтишмаган. Аммо энг қимматлиси бўлиб, сапфир зарраларининг ичида олти қиррали юлдуз сеҳрли шуълаланувчи тури жуда қадрланади.

Олти қиррали юлдуз, Будда таълимоти бўйича тўла монандлик ва ҳаво рамзидир. Бу юлдуз суврати иккита уч бурчакдан ташкил топган. Тепага йўналган уч бурчак Шиванинг, эркакларнинг Ян бошламасининг тимсоли бўлса, пастга қараган учбурчак Шактининг, аёлларнинг Ин бошламасини ифодалар экан. Ҳаётда ҳам, инсон танасида ҳам баланс шу пайтда эришиладики, қачонки Ин ва Ян кучлари худди шу олти қиррали юлдуздаги учбурчаклар каби бир-бири билан мўътадил равишда бирлашса. Сапфир жавоҳири руҳан софланган ва мукаммаллашган соф дилли ва тоза одамларгагина яхши хизмат қилади. Ўқотар буржининг ўн кунлигида тугилган одамларга айниқса мос келадиган бу сеҳрли тош, уларнинг тўфонли миждозларини вақтида совутиб туриб, фикрларини руҳан юқори даражадаги ишларга йўллайди.

Тоғ биллури — коҳинлар тоши

Тоғ биллури ҳақиқатдан ҳам худди муздек совуқ ва ҳаводек мусаффо бўлган мукамал табиатнинг ўзгинасидир. Унинг тарихи олмос ва бошқа жавохирларнинг тарихидан ҳам қадимийдир. Тоғ биллурининг ажойиб зарраларида катта куч ва улкан қувват манбалари яширинганлигини афсонавий Атлантида цивилизацияси даврида ҳам билишган. Тибет халқларида сақланиб қолган афсоналару ривоятларга кўра атлантлар даволаниш ишларидан тортиб то ўлиб кетган ўз аجدодларининг руҳлари билан телепатик алоқа ўрнатишгача, кундалик мушкулотларининг ечиш йўлларини топишдан тортиб то Коинот қувват манбаига уланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг барчасини тоғ биллури зарралари орқали бажарганлар. Бу ривоятларда айтилишича, атлантларда улкан қувватлар заҳираларини ўзида сақловчи баҳайбат пирамидалар кўп бўлиб, уларнинг чўққиларига катта-катта кварц бўлақларидан ўрнатилган экан. Бу кварцлар коинотдан келувчи юқори частотали қувватларни ўзига тўпловчи Нур маяки бўлиб, Атлантиданинг барча қадимий одамлари шу қувват заҳираларидан куч олиб турган эканлар. Айтганча, ўта баланд бўйли, афсонавий кучга ва чиройга эга бўлган ҳамда узоқ умр яшовчи атлантлар руҳий мукамалликка ҳам эришишлари мумкин эди. Аммо одамлар Табиатнинг берган улуг инъомининг қадрига етаолмадилар. Ўз билимларини, минерал зарраларининг улкан қувватини суистеъмол қилиб, ёвузлик мақсадларида, худбинлик билан ишлата бошладилар. Оқибатда атлантлар қаттиқ жазоландилар. Қадимий цивилизация яшин тезлигида кулаб, улар ўзларининг тўплаган билимлари билан бир онда йўқ бўлиб кетдилар. Аммо бу цивилизациянинг баъзи бир қисмлари сақланиб

қолиб Миср, Бобил, Тибет ва Хинд маданияти ривожда «хамиртуруш», «сифатли уруг» вазифасини ўтади. Атлантида донишмандлари сеҳрлаб кетган махсус тоғ биллурининг ажойиб зарралари ҳали ҳам Ер юзида топилиб турибдики, уларни «абдий асровчилар» деб аташади. Бундай сеҳрли кристаллар жуда камёб бўлиб, ўзининг олти қиррасидан бирида илоҳий учбурчак шакли акс этгандек туюлади.

Учбурчак шакли — ҳамма нарсани кўра олувчи учинчи кўзнинг, донолик ва сирларни очувчи кўзгу рамзидир. Аммо «Абдий асровчилар» деб номланган донишмандлар фикрларига ҳали ҳеч ким етиша олмаган. Бу фикрлар келажакда Ер юзида фақат Онг билан Яхшилик галаба қозонгандагина инсониятга ноил бўлар экан.

Тоғ биллурининг ўзига тортиш кучининг қудрати, унинг инсон руҳига жўр бўлиб, унга ҳамовоз бўлишидадир. Унинг қувват энергетика майдони инсондаги вибрация частотасига осонгина мосланиб, уларни бошқариб, мўътадиллаштиради. Бирор бир бошқа жавоҳир тоши шу кварц кристалидек одам танасига резонанс кучларни етказа олмайди. Непал жодугарларининг фикрича, бунинг асосий сабаби одамнинг ўзининг тирик кристаллигида экан. Тоғ биллури кристалларининг олти қиррали бўлиши эса инсоннинг олтита чакрасининг рамзи бўлиб, улар еттинчи чакранинг тепасида, Чексизликка, Худога интилган ерда туташади.

Тоғ биллури ҳамма одамларга, айниқса амалий фаолият қилувчи ва ижодий ишлар билан шуғулланувчиларга жуда фойдалидир. Бу тош хотирани мустаҳкамлайди (антисклероз), эътиборни мужассамлаштиради, мияга тоза ва аниқлик киритиб, фикрлаш жараёнини ўткирлаштиради. Қадим аёллар бу жавоҳирдан маржонлар ясаиб, бўйинларига осиб юришган. Аммо тоғ биллурининг оддий кристаллини ёнида олиб юриш ҳам-

масидан ҳам фойдалироқдир. Ишлов берилмаган кристаллни ёнда олиб юрилганда эркаклар ўнг томондаги, аёллар эса чап томондаги киссаларида сақлашлари лозим.

Тоғ биллури коҳинларнинг (экстрасенсларнинг) кундалик фаолиятларида энг яхши ёрдамчи восита ҳисобланади. Бу жавоҳир ёрдамида «учинчи кўз» очилиб, бунгача «ёпиқ» бўлган ахборотларнинг сирлари очилади.

– Аметист — «учинчи кўз» жавоҳири

Ҳинд жодугарлари аметист жавоҳирини «учинчи кўз»нинг энг яхши тоши деб ҳисоблайдилар. Бу тош ўзидан бинафша рангли муқаддас нур тарқатиб, медитация ҳолатига ўтишда ёрдам беради.

Йоғлар бундай тош кристаллини икки қош ўртасидаги аджна чакра деб аталган махсус нуқтага кўядилар. Тош ўзининг нафис вибрация тўлқинлари билан одамни тинчлантиради, ичингизда сокинлик барпо қилиб, «учинчи кўз»ингизнинг очилишига имконият беради. Агар медитациянинг шу ҳолатига ўтиш сизга насиб этса, шунда сиз нормал ҳолатларда кўра олмаган сирли нарсаларни кўра олиш имкониятига етасиз. Ана шундай ҳайратомуз дақиқада хақиқий сеҳргарлик (яъни бир моддий ҳолатдан иккинчи — Коинотнинг Олий кучлари томон ўтишдек жараён) юз беради. Абу Али Ибн Синонинг баъзи замондошларининг ёзишича, улуғ олим ана шундай ҳолатларга ўта олган экан.

Аметист ўзининг бинафша ранги билан юрагингиздаги турли дардни енгишга, қалбингиздаги хавотирларни йўқотишга ёрдам беради. Сизга хотиржамлик йўллаб, бошингизда яхши фикрларни бойитади. Аметист «Ҳаво» жунбушидаги тош бўлса-да, Қовға буржидаги одамларга тилсимон, тумор тоши бўлиб хизмат

қилади. Аметист, руҳан тетик барча одамлар учун фойдалидир. Уларнинг аураларини мусбат қувватлар билан бойитиб, мияларига ижобий амаллар қилиш фикрини сингдиради.

Цитрин — инсон аурасини пишиқловчи тош

Цитрин жуда гўзал тиниқ биллур бўлиб, унинг ранги саргиш-олтин (лимон ранги)дан тортиб, то қаҳрабонинг жигарранг туригача бўлган рангларда жилоланади. Европаликлар ва хусусан руслар учун цитрин тоши бевафолик ва ёлгончилик (алдамчилик) жавоҳири. Бу мутлақо нотўғридир!

Цитриннинг олтин ранг нури, унинг биоқуввати, илиқлик ва ёруғлик берувчи қуёш нурига ўхшайди. Шунинг учун ҳам цитрин тошини, киндик чакраси бўлмиш «манипура»нинг бош жавоҳирларидан бири ҳисобланиб, сизда овқат ҳазм қилиш жараёнини тезлатиб, танангизни ҳаётий қувват билан таъминлайди.

Цитрин киндик чакрасини ишга солади. Бунинг учун цитрин кристалини беш-ўн дақиқага киндигингиз устига қўйишингизгина kifоя. Бундан ташқари цитрин ўзининг вибрациялари билан вужудингиз атрофида сизни ҳимоя қилувчи аурани яратиб, сизга келаётган манфий қувватлардан ва бошқа бало-қазолардан ифлосликлардан сақлайди. Цитрин ёрдамида медитация қилиш эса, ич-ичингизга қуёшнинг иссиқлиги ва қувватини шундай йўллайдики, ҳаётингизга лозим бўлган барча ишларни бажаришга кучингиз етади.

Тутун ранг кварц — Будда тоши

Тунги тоғ осмонидек соф ва мусаффо бўлган бу кварц турли барча қорамтир жавоҳирларнинг энг куч-

лисидир. Унда Плутон сайёрасидан келувчи қувват ва бошқарув таъсири ифодаланган бўлиб, тош фараз қила олишни уйғотади, «учинчи кўз»нинг очилишига ёрдам беради. Чунки уни сеҳргарлик тоши сифатида бош мақсади: ҳиссиётларнинг қоронғу ҳужраларида беркиниб ётган фикр-уйларни ташқи онгимиз олдида намоён қилишдир.

Тутун ранг кварцнинг айниқса заррин тўқ кулранг турини қадимий туркий халқларимиз шомонлари Тангри билан боғловчи сеҳрли тош деб, жуда қадрлашган. Бунинг учун улар кварцнинг яхлит кристалларидан, кейинчалик эса кварц соққаларидан фойдаланишган. Непал ва Ҳинд жодугарларининг фикрича, тутун ранг кварц (обцидиан қаторида) биринчи чакра «Муладхара»нинг асосий бош тоши ҳисобланган экан. Бу тош танангиз аъзоларини яхши ишлаб кетишига йўл очиб, кераксиз моддалар ва шиллиг чиқиндиларни улардан ҳайдаб, ички аъзоларингизни тозалайди. Бу кварцда ҳам катта табиий куч тўпланган. Тош нозик тўқималарингизда ва жисмоний танангизда йиғилиб қолган негатив қувватларни ҳайдаб чиқариб, газаб ва ҳавасдек иллатларни йўқ қилишга қодир. Бунинг учун сиз тутун ранг кварцнинг монокристаллидан икки доначасини икки кафтингизга оласиз-да, кристалларнинг учларини танангиздан ташқари томонга йўллаб 15-20 минут тинч турасиз. Бу кварц ёрдамида чакра ва жисмоний танани қувватлантириш мумкин.

Шарқда, хусусан туркий миллат халқларида тутун ранг кварцдан зебу зийнатда ишлатмаганлар. Ундан фақат тумор сифатидагина кўп фойдаланганлар, соф кристалларини талисман, асрагич сифатида ёнларида олиб юрганлар. Бу рангли жавоҳир ҳамма бурждаги одамлардан ҳам Тоғ эчкисидагиларга кўпроқ мос келади.

Бундан ташқари хира ва қора рангли кварц (морион) бўлиб, уларни некротатларнинг тоши дейишади. Морион уларга у дунё билан алоқага чиқиб, ўлган одамларнинг рухлари билан алоқа қилишга ёрдам беради.

Пуштиранг кварц — юрак тоши

Қадимий Шарқ халқлари пуштиранг кварцни юрак тоши деб аташган. Унинг, худди тонгги нуриддек нафис пуштиранги кўзингизга қувонч бериб, юрагингизга меҳр ва муҳаббат туйғусини тўлғизиб, майин вибрациялар билан қалбингиз яраларини даволайди. Агар барча одамлар шу пуштиранг кварцдан қилинган тоштуморларни чўнтақларида олиб юрсалар, тошбагир ва ёвуз эркакларнинг юраклари анчайин юмшаб, ўз яқинларига, ёру биродарларига меҳр-шафқатлари ошарди балким.

Йоғлар фикрича, пуштиранг кварц юрак чакраси ҳисобланган «Анахата» учун энг яхши жавоҳир тош бўлиб, юрак яраларини даволовчи, манфий кучланишларни бартараф этиб, юракни яхшилик ва муҳаббатга чорлайди. Бу тошни улар маржон ва кулон сифатида тақиб юришни, эркакларга эса, соққалар қилиб олиб, қўлда укалаб медитация қилиб юришни тавсия этадилар.

Пуштиранг кварц ҳамма бурждагиларга бирдек фойда бера олади.

Хризопраз — юракни ёшартирувчи тош

Хризопраз кўп қиррали кварц оиласидан бўлиб, ўзининг ажойиб яшил ранги билан сизни хайратга солиши мумкин. Хризопразнинг ёрқин яшиллиги, унда Ер қув-

ватию гўзаллигининг намоён бўлиши, унинг софлиги ва тиниқлиги эса Ҳавони ифодалайди. Ҳинд жодугарлари бу тошни жуда муқаддас деб билишади. Уларнинг фикрича, бундай тош ўз эгасининг юраги доимо ёшлик қувватида бўлиб, игво ва кўра олмаслик иллатларидан узоқ бўлишини таъминлар экан. Тошнинг вақти келиб, хиралашиб қолиши эса яқин фалокатга ишора бўлар экан.

Ўзининг нафис ва майин вибрациялари билан хризопраз тоши юрак чакраси «Анахата»ни пишиқлайди, кристаллари ёрдамида эса таъсир кучи янада ошади. Тош сизга зўриқтирувчи – стимулятор бўлиб хизмат қиладиган жавоҳирлардан. Насронийлар хризопраз тошларидан черковларни безаш ишларида, черков жиҳозларига жиҳо беришда жуда кенг фойдаланганлар. Бу жавоҳир Қовга буржидагиларга жуда фойдали.

Сердолик – «Қуёш тоши»

Бу тош, ўз ранги билан самодаги Қуёшни ифодалаб, унинг ҳаётбахш нури ва илиглигини тарқата олганлиги учун сердоликни ҳамма ерда бирдек «Қуёш тоши» деб аташган.

Сарғиш олтин рангли сердолик жавоҳири ҳақиқатдан ҳам туш пайтидаги офтобга, қизғишроқ сердолик (карнеол) эса ботаётган офтобга ўхшаб кетади. Шунинг учун карнеолни хитойликлар «тошда қотган кечки Қуёш» ҳам деб аташади.

Сердолик қадимий мисрликларнинг севимли тошлари бўлган. Сердоликни сеҳрли, бахт келтирувчи ва шифобахш тош, инсу-жинслардан, бало-қазолардан, хавф-хатарлардан асровчи, фоний дунёда тинч яшашни таъминлаб, боқий дунёга осон ўтишга имкон яратувчи бир илоҳий жавоҳир санар, қабрга қўйилаётган

фиръавнларнинг ёнларига бу тошлардан албатта қўйишни шарт деб билганлар. Қизиғи шундаки, бундай тошга эга бўлган танишларимиз бу дунёдан кўз юмганларида, уларнинг сердолик жавоҳирлари ҳам ўз эгалари билан бирга кўз юмгандек, аввалги нурларини, олдинги жилваларини йўқотиб, хиралашиб қолганлар, сердолик сифатида ҳатто ўз қимматларини ҳам йўқотганлар.

Ҳиндлар сердоликни қуйи чакраларни уйғотувчи асосий тошлардан бири деб ҳисоблайдилар. Сарик сердолик кристалини киндик устига ва кўкрак қафасининг остига 30 минутча қўйиб турилса, ошқозонингиз ёмон ишлаганида, ичингиз қотганида, буйрагингиз оғриганида сизга яхши ёрдам беради. Қизгишроқ сердолик (карнеол) эса, жинсий аъзо чакрасини уйғотади, қонни тозалашда ёрдам беради. Жинсий аъзоларни жисмоний қувватларнинг ҳар хил блокларидан асрайдди.

Карнеолда Ян бошламаси кўпроқ бўлиб, унда «Олов» жунбуши қотиб қолган. Сарик сердолик эса «Ҳаво» жунбушига тегишли бўлиб, унда Ян билан Ин бошламалари тенг миқдорда, монанд ҳолда мавжуддир.

Тибетнинг табиб-ламалари карнеол сердоликни бизед касаллигини (токсик буқоқ касаллигини) даволашда қўллаб келишади. Яраларнинг тезроқ битиши, қон сифатини идора қилиш ва асабларни жиловлаш учун ламалар, сердолик парчалари баданга осиб юришни тавсия қилишади.

Турмалин — «Ёшлик эликсири»

Оч пуштирангли турмалин (рубеллит) ўзининг майин, тинчлантирувчи вибрациялари билан юрак чак-

раси «Анахата»ни жонлантирувчи тош ҳисобланади. Кунцит, пуштиранг кварц, скаполит ва бошқа пуштиранг жавохирлар каби турмалин ҳам юрагингизни севги ва ишонч билан бойитиб, «Анахата» чакрасининг ишини монандлаштиради.

Яна мовий рангли турмалин (индиголит) бўлиб, у мунажжимлар томонидан тўғридан-тўғри Коинот билан алоқа қилишга, Олий Онг хабарларини Ерга етказишга мўлжалланган «Коинот тоши» деб аталган ажойиб кўринишдаги жавохирдир. Бундай турмалин табиатда кам учрайдиган тош бўлиб, жавохирлар бозорида нархи юқори туради. Вердилит деб аталувчи яшил турмалин эса нисбатан кўпроқ учрайди ва даволаш амалиётида нафис руҳий даражадан тортиб, то дағал жисмоний босқичларгача бўлган кўламда кенг қўлланади.

Турмалин кристаллари ёрдамида асаб тизимингизни пишитиб, яхши ишга солишингиз мумкин.

Яшил турмалин, маълум бўлган барча жавохирлар ичида энг кучли қувватдаги ёшартирувчи хусусиятга эга. Бу жавохирни айниқса кучли жисмоний ва асабий зўриқишда, узоқ касаллангандан кейин тезлик билан яна қувват балансини тиклаш ва соғайишни тезлаштириш мақсадида ҳамма тоифадаги одамларга ҳам фойдалидир. Ташқи муҳитдан энергетик таъсир (масалан, қарғиш ва лаънатлаш, илму-амал ёки «ўқитиш»лар оқибатида) ёки кучли стресслар натижасида сизнинг аурангизда ҳосил бўлиб қолган узилишлар (туниклар)ни ямаб, тикланишида яшил турмалин тенги йўқ жавохирдир.

Ер юзида жуда кўп тарқалган қора турмалин (шерл) худди табиат томонидан инсонни муҳофазаси учун атайлаб яратилган тош деб ўйлаш мумкин. Чунки бу тош ўз атрофида, барча зарарли кучларни бартараф

этувчи муҳофаза аурасини барпо қилади. Жохиллик, газаб ва рашқдек манфий кечинмаларни бартараф этишдек ажойиб хусусият айнан шу қора турмалиндадир. Вужудингиздан манфий кучларни чиқариш ишларидаги даволаш жараёнларида хитой шифокорлари шу тошдан фойдаланишади. Бордию аурангизнинг қарандадир энергетик тиқин (пробка) пайдо бўлиб қолса, қора турмалин ёрдамида уни тарқатиш ва йўқотиб юбориш мумкин. Қора турмалин кристаллини оғриқ ер устига 10-15 минут қўйиб, соат милига қарши томон айлантириб туришингизнинг ўзи кифоя. Фойдали томонини кучайтириш учун учта кристалчаларни олиб, учини оғриқ томонга дамба-дам йўллаб туриш керак. Шунда, бояги нокерак тўсиқ, танангизга сингиб, биокувватнинг эркин ҳаракати учун йўл очилади.

Аширит деб номланган рангсиз турмалин еттинчи чакра «Сахасрара»нинг тоши бўлиб, руҳий ва жисмоний кучларингиз орасида мувозанат барпо этиб, онгингизни мусаффо қилади. Дравит деб аталувчи қўнғир рангли турмалин киндик чакрасининг ишини жонлантириб юборувчи асосий тошларнинг биридир.

Турмалинлар оиласида, ўзида бир нечта рангни намён этиб товланувчи илоҳий тошлар ҳам учрайди. Шунинг учун турмалин тоифасидаги жавоҳир тошлар барча бурждаги одамларга сўзсиз фойдали деб ҳисоблашади.

Топаз — «Софланиш келтирувчи жавоҳир»

Топаз, шишадек тиниқ, ажойиб гўзалликдаги жавоҳир бўлиб, турли хил рангларда учрайди.

Қадимий туркий миллат халқлари ўртасида топазнинг олтин ранг-сарғиши жуда қадрланган. Чунки у ўзининг сарик нурлари билан кўкрак қафасининг ту-

ташган ерига, ҳам киндикка, улар орқали эса бутун вужудга таъсир қилишини улар билишган. Ҳинд табибларининг фикрича, тилларанг топаз инсоннинг учинчи чакраси «Манипура» билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир одамнинг ҳаёти учун жуда зарур бўлган бу рамзий нуқтани пишитишга ёрдам берар экан. Унинг таркибида эфир, ҳаво ва олов унсурлари бордир. Уларнинг тасдиқлашларича, бу жавохир ёрдамида инсон қалбида ёвузлик тўфонларини сўндириш, онгини нафислаш, юрагида эса эзгулик хислатларини уйғотиш мумкин экан.

Мовий топаз ҳам юрак чакрасининг тошидир. Бу тош ёрдамида кўрқув ва ваҳималардан, турли хил хавотирлардан қутулиб, одамнинг икки ёки уч хил ранг қўшилмасидан товланиб турувчи турлари бўлиб, улар биоэнергетика борасида энг кучли жавохирлар ҳисобланадилар. Чунки улар, бир пайтнинг ўзида жисмоний, руҳий ва эмоционал даражаларда одамга таъсир қила оладилар.

Топаз тоши, асосан турли хил экстремал ҳолатларда бўлишига тўғри келган касбдаги одамларга ва Чаён буржида туғилганларга мос тошдир. «Аюрведа»нинг тавсия қилишича, топаз кўзли олтин узукни ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига тақиб юриш шартдир. Бўлмаса жавохирдан келаётган қувват оқими икки карра пасаяди.

Хризолит — «Аждарҳо тоши»

Хризолит, жануб денгизларининг сувларидек тиниқ ва илиқ, сарғиш-яшил рангли ажойиб олтин тошдир. Қадимий туркий халқлар уни «Аждар тоши» деб атаб, Хонгуй ясси тоғлигидаги вулкон қолдиқларидан, олов ранг пироп билан бирга қазиб олишган. Туркий достонларда айтилишича, «Аждар тош» одамларнинг ҳам-

ма яхшилик ишларида омад келтириб, ёмон кўзлару, инсу-жинслардан химоя қилувчи, танга қувват берувчи, тилсимли тош бўлган.

Йоғлар ва табиб-ламаларнинг фикрича, бу тош инсоннинг киндик чакрасига ва вужудига ижобий таъсир кўрсатадиган яхши воситадир.

Хризолит, ўзининг нурлари билан эндокрин тизимингизга ижобий таъсир қилиб шифолайди. Айниқса буйрак усти безларини мустаҳкамлаб, бошқа ич аъзоларингиз билан монандликда ишлашини таъминлайди. Ўзида кучли Ян бошламасини мужассамлаштирган хризолит Балиқ буржида тугилганларга жуда самарали таъсир қилади. Улардаги ортиқча Ин бошламасининг қувватини пасайтириб, Балиқлар оғришга молик бўлган кўп хил дардларнинг юзага келишининг олдини олади.

Тилларанг берилл — «Рухий хотиржамлик тоши»

Бу тошнинг табиий кристаллари олти қиррали бўлиб, офтобнинг олтинранг нури тўлдирилган қадаларга ўхшайди. Шунинг учун қадимий юнонликлар бу тошни гелиодор, яъни «офтоб янглиг» деб, Қуёш худоси Гелиоснинг шарафига шундай аташган. Тибет ламалари бу тошни еттинчи чакрасига таъсир қилиб, одамга хотиржамлик бериб, донишмандликка ундовчи жавохир деб ҳисоблашади. Бу тош Тарозу буржидаги одамларнинг ҳақиқий дўсти ва ёрдамчисидир деб санашади.

Ой тоши

Бу тош ҳиндча жандараканд («ой нури») деб аталшининг сабаби у ўзида Ойнинг ранги ва хира товлашинини намоён қилишидадир. Ҳинд коҳинларининг фикрича, жандараканд Ойнинг совутилган қувватини

ўзида ютиб, одам онгига тинчлик, осойишталик берар экан. Жандараканд, табиийки, Ҳиндистондаги Ойга сажда қилувчиларнинг энг қадрли жавоҳири ҳисобланади. Тош таркибида эфир, ҳаво ва сув бўлганлигидан инсоннинг кўп ҳаётий кечинмалари билан узвий боғлиқ бўлади. Шунинг учун, агар сиз тўлин ой фазалари пайтида, стресс ҳолатига тушиб, жафо чекиб қийналсангиз ўнг қўлингиздаги номсиз бармоқда жандараканд кўзли кумуш узук тақишингиз тавсия қилинади. Ҳиндларнинг қатъий ишончлари бўйича Ой тўлган даврда жандараканд тоши махсус муслатгич нурларни суриб олиб, ўзида Ойнинг бутун сеҳрли кучларини тўплар олар, кейин бу кучларни ўз эгаларига, лозим бўлган пайтларда бериб турар экан.

Амалда, жандараканддаги секин-аста ўсиб боровчи совуқ нурланиш сизда ширин хаёллар суришга шавқ уйғотиб, қалбингизга майинлик ва латифлик хислатларини сингдиради, ички кучланиш ва зўриқишларингизни бартараф этади, ўзингиздаги ортиқча ишонч ва қаҳр каби кечинмаларингизни йўқотади.

Тибет (Непал) тиббиётдаги литотерапияга оид китобларда ёзилишича, жандараканд ўз нурлари ёрдами билан тутқаноқ (эпилепсия) ва бошқа кўп хил руҳий хасталикларни даволай олар экан.

Европа халқлари Ой тошини (Лунний камень) азалдан бебахтлик келтирувчи тош деб ҳисоблар эдилар. Аслида бундай эмас. Табиий жандараканд Ойнинг барча ижобий хусусиятларини ўзида ифода этиб, инжиқ бўлмаган ва бемаъни хаёлпараст бўлмаган барча одамларга фойдалидир. Чунки бу икки хислатни ой тоши янада авж олдириб юбориши сабабли шундай феъл-атворли одамлар учун бу тош тавсия этилмайди. Бу тош, жуда қатъиятли, «тош багир»ларга, асаб тизимлари нотургун одамларга фойда бериши аниқ. Тош

ўзининг майин нурланиши билан аламли фикрларингизни миядан суриб олиб, асабийлашингиздан сақлайди.

Нефрит — «Осойишталик тоши»

Нефрит туркий миллат халқларининг энг суюкли муқаддас тошлари ҳисобланади. Айниқса Амир Темур даврида нефрит Мовароннуҳр халқининг миллий тошига айланади. Шунинг учун Улуғ Амирнинг гўр тоши унинг суюкли набираси Мирзо Улуғбек томонидан айнан шу нефрит тошидан барпо этилган.

Нефрит Ян бошламаси моҳиятини ўзида ифодаловчи тош сифатида, ҳамма нарсанинг сирини фош этувчи тош сифатида қадрланган. Нефрит тоши асосан Кўхилун тоғ тизмаларида, одам топмас ерларда жойлашган махфий конлардан қазиб олинган. Дунёнинг бошқа ҳеч ерида бундай гўзал тошлар бўлмаган. Шунинг учун нефрит тошлари Пекиндаги императорлар саройига катта қўшин қўриқловида, жуда яширин ҳолатда олиб келинади.

Қадимий туркий халқларнинг она макони бўлган Мўғулистон билан Хитойда «Кую тупу» номли, фақат нефрит тошигагина багишланган 100 жилдли асар бўлиб, унда биринчи ўрин турклар (хунлар) императорларининг суюкли тоши бўлган оқ нефритга багишланган. Оқ нефрит тошига кўп сеҳрли ва шифобахш хусусиятларни боғлаб, унинг ёрдамида асабни тинчитиш, иштиёқни бироз жиловлаш, ошқозонни даволаш каби ишларда фойдалиқ эканлиги батафсил ёзилган.

Фақат Хитойдагина қазиб олинадиган қизил нефрит табиий офатлардан сақловчи тумор ва юрак фаолиятини уйғунлаштирувчи биостимулятор сифатида фойдаланишган. Албатта бундай қизиқарли хусусиятга

эга бўлган тош билан Амир Темур қизиққан ва унинг макони Хитой эканлигини билган.

Оч яшил-кулранг ва оч кулранг нефрит буйракни даволашда жуда машҳур ашё бўлган. Қадимий турклар буйрак огриганида бу хил нефритни белларига суркашган, бирор матога тикиб, белларига боғлаб юришган. Унинг бундай шифобахшлиги нефритнинг катта иссиқлик сизимига эга бўлиб, бу иссиқликни тош ўзида узоқ пайтгача сақлай олиш хусусиятига эгалигидадир.

Турли-туман рангдаги (оқ, мовий, яшил, қора ва ҳаттоки қизил) нефрит жавоҳирларидан қадимий туркий ҳоқонлари ўзлари ва лашкарбошилари учун, унвон ва лавозимларни кўрсатиб турувчи белги тамгалари сифатида фойдаланиб, бу тошлардан яна катта соққалар, шароб қадахлари, туморлар, муқаддас ҳайвонлар шаклларини ясатганлар. Ўша пайтлардаги Улуғ Туркистон мамлакатлари ҳатто нефрит пуллари ҳам бўлиб, уларнинг баҳоси олтидан ўн-ўн беш марта қимматлироқ бўлган.

Албатта, ўзининг тозалиги ва нафис ранги билан, Шарқнинг афсонавий гули ҳисобланган нилуфарга ўхшаган оқ нефрит ҳамма нефритлардан кўпроқ қадрланган. Оқ нефритдан усталик билан кесилган ажойиб тош туморларни дубулгалари, бош кийимлари, белбоғларига тақиб юришни ҳукмдор ҳоқонлар ҳам, жанговар лашкарбошилар ҳам муқаддас бир одат деб бишлишган. Асосан от бошларини, йиртқич ҳайвонларни, бурж юлдузларининг рамзий сувратини ифодаловчи бу туморчалар, одамнинг ҳар бир ҳаракатида ёқимли жиринглаб, «ёмон кўзларни ҳайдаган».

Оқ нефритни жуда суйган туркийлар: «Агар сени бирор нарса бошқа томонга тортқиласа, агар юрагингда газаб ва алам бўлса, бу эҳтиросларни сира алангалатма. Кафтингга оқ ва думба ёғдек силлиқ яшим (неф-

рит) тошини олиб, қаттиқ сиқиб турсанг у сени тинч-лантиради» деган постулотни ўз авлодларига сингдирганлар. Шунинг учун бўлса керакки, қадимий туркий халқларнинг машҳур шомонлари ҳам нефритни «Осо-йишталик тоши» деб атаб: «Ҳаяжонланма ва шошилма. Йилнинг куни кўп!» дейишган доим. Шомонлар удумига доим риоя қилиб келган туркий миллат вакилларининг азалдан шошмасликлари, оғир-босиқликлари кейинчалик қўшни Шарқ халқларига ҳам ўтиб, улар бундан ҳеч нарса ютқазмадилар.

Нефритни қадрлаган қадимий аждодларимиз бўлмиш хунлардан (яъни эфталитлардан) қолган нефрит узукларию туморлар, пичоқлару чилимдонлар ўзларининг гўзалликлари ва нафисликлари билан ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Бундай антикий санъат асарларини яшашда Сибирда топилган, яшил — Саян нефритидан фойдаланганлар.

Қадимий Ҳинд халқи ҳам нефритнинг сеҳрли кучига ишонишмаган. Масалан, ҳиндулар худоси Шивага бағишланган афсонавий Суманат маъбудаси яхлит катта нефрит тошидан кесиб ясалган.

Ғарбда ҳам нефрит тошига эътибор катта бўлган. Яшил нефритни юнонча «нефрос» (яъни, «буйрак») сўзидан келиб чиқиб, тўғридан-тўғри «буйрак тоши» яъни нефрит деб аташган, буйрак касалликларида шифо берувчи тош деб ҳисоблашган.

Шарқ табобатининг даволаш амалиётида нефрит, биринчи навбатда жисмоний танага ижобий таъсир қилувчи кучли биостимулятор сифатида фойдаланилади. Бу мақсадда қўллаш учун нефрит соққалари, массаж учун эса, юзаси силлиқланган нефрит бўлаклари тавсия этилади. Шарқ халқларининг сеҳргарлари ҳам, Ғарб халқларининг жодугарлари ҳам бирдек нефрит тошини ўзларининг қондош-қадрдон тошлари деб би-

ладилар. Турли рангли нефрит тошлари табиатнинг турли жунбушларига тегишлидир. Масалан, оқ ва мовий нефрит «Ҳаво» жунбушига, қизил — «Олов»га, сариқ — «Сув»га, яшил ва қора нефрит — «Ер» жунбушига тегишлидир.

Ҳаворангли Хитой нефрити ҳақиқатдан ҳам жуда ноёб ва олий навли нефритдир. Бундай тошингиз бўлса, у сизнинг ички ва вужудингизнинг ташқи томондан қайта «тузилиб», ташкилланишингизга ёрдам беради. Ҳаворанг дин ходимлари ва йогларга ёрдам берувчи тош.

Оқ нефрит кўпроқ Тарозу буржидагиларга мос келади. «Тарозу»ларнинг феълларидаги нотекисликларни тенглаштириб, феълларини юмшатади, руҳан софлайди, жисмоний танани монандлаштиради. Шу билан бирга бу рангдаги нефрит ўз эгасининг руҳий ҳолати ҳақида ахборот берувчи индикатор ҳам эканлигини унутмаслигингиз керак. Агар кўлингиздаги нефрит тошингиз рангини ўзгартириб қолса, билинги, бу сизнинг қандайдир гуноҳларингиз, хатоларингиз ёки адашишларингиз ҳақида огоҳлантирувчи белги деб билинг. Токи сиз, бу айбларингиздан қутулиб, «тозаланмагунингизча» нефрит тошингиз билан алоқада бўлмаслигингиз керак.

Яшил ва қора нефрит ўз қувват миқдори билан Оқ нефритдек бўла олмайди. Аммо вужудингиздаги Ин ва Ян бошламаларини тенглаштириб, аурангизни тиклашда тенги йўқдир.

Мушук кўз рангида сеҳрли товланувчи яшил рангли нефрит — вайдурра тоши жуда камдан-кам учрайди. Унинг макони ҳозирги кунда Ҳиндистон тоғларидир. Бу тошдан ясалган нефрит одамни турли-туман ёмонликлардан (жодугарларнинг жодусидан, сеҳргарларнинг амалларидан, ёвуз ниятлардан, сизга қаратилган

манфий кувват ҳамлаларидан, фолбинларнинг ҳар хил амалларидан) сақловчи кучли тумор тош ҳисобланади.

Родонит — «Тонг тош»

Она Табиат ижодхонасида яратилган атиргул янглиғ, бир-бирига худди эгизакдек ўхшаш икки жавоҳир бор. Уларнинг бири родонит, иккинчиси родохрозитдир.

Бу тошлар, табиатда жуда кам учрайдиган ўзларининг жуда ноёб пуштиранглари сабабли ана шундай аталганлар. Бундай ранг олишларининг сабаби уларнинг таркибларида марганец бўлганлигидадир. Атиргул, юнонча «Родон» деб аталганидан, тошларни ҳам родонит, родохризит деб фанда номлашган. Аммо турли халқларда уларни турлича аташади. Масалан, Лотин Америкасида родохрозитни «инклар атиргули» дейишади. Россияда родонитни «орлиц» деб аташса, туркий халқлар бу ажойиб тошни қадимдан шоирона сўз билан «Тонг тоши» деб аташган.


Бу тошни фақат чиройи учунгина эмас, балки унинг сеҳрли кучи учун қадимдан қадрлаб келишган. Чунки «Тонг тоши» инсондаги, ҳали юзага чиқмаган, унинг яширин қобилиятларини ривожлантирар экан, ижод ишларига, санъатга, барча нозик ва латиф ишларга қалбингизда муҳаббат уйғотади, уларга интиптиради, илҳомлантиради. Туркий халқларнинг қадимий она юрти ҳисобланган Мўғулистонда ҳам бу тошни ҳалигача «Тонг тоши» дейишади. Гоби чўлида топилган родонит ўзининг латиф оч пуштиранги билан ҳақиқатдан ҳам янги ҳаёт, янги кун тимсоли тонг пайтига, тонг гулига ўхшайди. Шунинг учун бўлса керакки, Улан-Батордаги «Никоҳлар саройи»нинг ичкарисини безашда родонит билан кошинлашган. Бу тош ҳақиқатдан ҳам юрагингизга қувонч, ўзингизга ишонч бахшида



•Араб агати




• Обсидиан – софловли тош.



•Оловли опал — муҳаббат ва вафо жавоҳиридир. Европа-ликлар бу тошни бало келтирувчи деб, ундан қочишади. Шарқ халқлари эса уни муқаддас деб жуда иззат қилишади.



•Пушти рангли родонит




•Оқ нефрит




• Бошига шляпа кийиб, қўлида гул тутган танноз аёл. Яшма тоши.



• Сердолик – карнеол. Катта сеҳрли кучга эга бўлган, соғлиқ ва бахт келтирувчи, эгасини бало-қазо, турли офатлардан асраб, фоний дунёдан боқий дунёга ўтишни енгиллаштириб, у дунёдаги ҳаётини яхшиланишига ёрдам берувчи тош. (акад. В.С.Хохряковнинг ҳадяси)




• Бухоро амири Саид Олимхоннинг иккинчи ўғли – генерал Шохмурод Олимовга тегишли бўлган сувенир – кулдон. (муаллифга генерал-лейтанант Беляков томондан ҳадя қилинган).




•Яшил турмалин




•Маржонбулоқ конидан топилган агат (сердоникс)




•Кавказнинг мармарли оникси.




•Ўрол оникси.




•Олтой оникси.



•Кохолонг. Ўзбекистон конларидан топилган (Қизилқум майдони, 1993 й).




•Кристаллари худди анор дончаларидек жилвагар товланувчи гранат.




•Сеҳрли жадеит



• Табиий феруза ва гематитдан тўпланган шифобахш мар-
жонлар ҳамда жавоҳирларнинг намуналари




• «Капалак» деб ном олган жозибали сардоникс. Бу жавоҳир ўрнатилган зебу зийнатлар ўз эгасини касалликлардан, хийла-найрангу бевафоликлардан асраган.




• «Тош кўз» деб номланган сарғиш агат. Уни туркий халқлар Момо Ҳавонинг муқаддас тоши деб эъзозлашган. Ҳамма дарддан халос этувчи шифобахш тош деб билишган



•Ўрол малахитидан тайёрланган совга упадон (1950 йил)





•Аширит жавоҳир тошининг диаптаз тури. Бу турдаги жавоҳирларни ер юзида биринчи бўлиб бухоролик Ашир Қулибеков XIII асрда подшо Петр Iнинг топшириғи билан Ўролда топилган. Жавоҳир унинг шаънига «Аширит»деб аталган.




•Ҳинд жодугари ҳадя қилган тоғ биллури ва сеҳрли яшил кварц пирамида. Медитация қилиб, коинот кучлари билан алоқага чиқишга ёрдам беради.




•Мармарли ониксдан ва қора нефритдан ишланган «Муқаддас китоб» – муаллифнинг тумор тоши –устози профессор М.В. Васильевнинг ҳадяси. 1964 й. Деярли 45 йиллик давр ичида бу тош муаллифни кўп хил бало-қазою, офатлардан ҳимоя қилгандек мўътабар бўлиб қолган.




• Тибет конларидан олинган оқ ва қорамтир – яшил нефрит. Нефрит Улуг Туркистон ва Хитойда қадимдан миллий тош ҳисобланади. Бу тош ҳақида Хитойда «Ку-ю ту-лу» деб номланган 100 жилдли шоҳ асар ҳам мавжуд.




•Турмалин – ёшликка қайтарувчи ажойиб жавоҳир, инсон танига тинчлик, хотиржамлик бахш этади.



• Лазурит (ляпис-лазурь) Ер юзидаги энг мовий жавоҳир. Бу жавоҳирдан қадимий шоҳу султонларнинг тожу тахтлари безатилган. «Аюрведа» да ёзилишича, лазурит инсон танига лишиқлик, миясига мусаффолик беради. Қадимий Туркистон ва Хитойда у муқаддас тош саналиб, кўз оғригини даволашда табиблар кенг фойдаланганлар.



• Улуғ Туркистон ва Қадимий Хитой халқларининг энг суюкли жавоҳир тоши – халцедон (сапфирин) Уни инсонга шодлик ва яхши кайфият берувчи жавоҳир ҳисоблаб, ундан энг жозибали ва нафис заргарлик буюмлари яратилган. (проф. В.А.Шелкановнинг ҳадяси)



• Сапфир, зумрад ва гранат жавоҳирларининг кристаллари. Сапфир одамни газаб ва қўрқувдан халос этувчи. Коинот билан боғловчи жавоҳир ҳисобланади.



Зумрадни жодугарлар энг сеҳрли жавоҳир ҳисоблашади. Инсон руҳига енгиллик ва шодлик бахш этади. Гранат (алмандин) қон юришини яхшилаб, ирсиятни зўриқтиради.




• Ҳимолай тоғ биллури. Ҳинд ва Тибет жодугарлари билан Будда роҳибларининг фикрича, бу жавоҳир одамнинг «учинчи кўзи»ни очади ва коинотдаги илоҳият билан алоқа ўрнатади.




• «Амир Темурнинг тақдир тоши» деб аталган қизил яшма. Тош Мирзо Улуғбек ҳукмронлигидан кейин йўқолган. XX аср бошларида яна жавоҳирлар оламида пайдо бўлган. 1974 йили муаллиф Киевга расмий сафар билан борганида Украина Фанлар академияси томонидан унга ҳадя қилинган.



• Циркон – олмоснинг укаси ва пушти рангли берилл (морганит) ҳамда пушти турмалин (рубеллит) кристаллари.



• Тоғли Бадахшон жавоҳирлари, ишлов берилмаган табиий ҳолда сақланган қизил шпаниеллар (лаъл) кристаллари. Улуғ Туркистон халқларининг энг суюкли жавоҳири. Бу тошни кўлида бир муддат ўйнаб турган одамнинг ҳиссиёти жунбушга келиши сабабли бу жавоҳирни «севги тумори» деб аташган.



• Жавоҳир кристалларининг ўсимталари.



- Қизил турмалин, тилла ранг топаз ва аширит.




- Сут рангли агат. Қадимий туркий халқлар уни «тошга айланган чўл гули» деб аташган. Турмушнинг ташвишлари, икир-чикирларидан ариб, ҳордик олиш учун шомонлар шу жавоҳирларга тикилиб туришни тавсия қилишган.




• Малахит билан безатилган бундай гарнитурлар фақат гузал маликаларнинг безаклари бўлган. Бундай жавоҳирлар Бузок буржидаги одамларга фойда беради.



• Бадавлат аёллар одатда ўзларининг зебу зийнатларини табиий кўриниши, дастлабки чиройи бузилмаслиги ва кучли шуълаланиб туриши учун уларни шундай малахит қутиларда сақлашган.




• Ҳинд жодугарлари ва йоглар «сеҳрли тош» деб аташган бу жавоҳир инсоннинг руҳан уйғониб, гайратга тўлишига ёрдам беради. Заҳарли ўргимчаклар ва илонлар чаққан ҳамда яраланган ерларни даволашда, бутун танга биологик қувват беришда фойдаланганлар.



• Табиатда жуда камёб бўлган мовий-яшил аzur-малахит жавоҳир тош. Катта шифобахш кучга эга. Уни қош ўртасига 10-15-минут қўйиб турилса, киши дам олади, ёмон ўйлардан қутулади.



- Уролнинг қизил яшма тошидан ясалган аёлларнинг байрам гарнитури. Бундай зебу зийнатни тақиб юрган одамнинг танаси пишиқ бўлиб, умри узоқ бўлар экан.



- «Високогорск» конидан топилган пирит — мис колчедани. Уни ҳатто геологлар ҳам соф олтин кристали деб қабул қилишади. Жигар ва ўт пуфагининг ишини яхшилади. Лимфатик системасини ва анимияни даволашда қўлланилади.




• Ёшлик элексири ҳисобланган денгиз дури. Бу жавоҳир минерал эмас, — денгиз ҳашаротининг органик маҳсулидир. «Дур асрагич» тоифасидаги фойдали жавоҳирдир.



• Сайқалланган лазурит жавоҳири устида ўтирган жаспилит бақа (мусаввир-заргар Денисов-Уральскийнинг иши)



- Кулранг пегматитдан ясалган лочин «қора морион» тош устида (мусаввир-заргар Денисов-Уралскийнинг иши)



- Йирик малахит бўлагидан ясалган ликобча. Унга солинган мевалар инсонга бошқача ҳузур беради. лаганчани бирор аъзога тегизиб турсангиз, коинот қувватининг танангизга ўтишига йўл очилади.

этиб, атрофга, худди янги кунга қарагандек, шодон боқасиз.

Ҳинд жодугарларининг фикрича, родонит бизга Олий Кучлар томонидан юборилган бўлиб, бизда ҳаётга муҳаббат уйғотиб, руҳимиз қувватини жисмоний танга узатиб бериш имкониятига эга экан. Пуштирангнинг майин ва вибрацияси сизнинг аурангизга сингиб, юрак чакрангизни жонлантириб юборади.

Шарқ табиблари тонг тошидан жигар ва онкологик касалликларни даволашда шундай бир махсус эликсир тайёрлар эканларки, бу касаллик бу мамлакатларда бошқа ердагиларга нисбатан бир неча марта кам бўлган. Аммо бундай доривор моддани тайёрлаш сири тарихий манбаларда ҳалигача сирли парда остида қолиб келмоқда. Бу тош ёрдамида ҳатто кўз огриқларини ҳам даволаб, «шапкўрлик»ни йўқотишган. Бунинг учун сиз, тонг тошининг кичик заррасини олиб, юзингиз ва кўзингизга 10-15 минут давомида ҳар куни суртиб турасиз. Сеанс муддати қирқ кун.

Родонитнинг шифоловчи хусусияти янада яхшироқ намоён бўлиши учун бу тошдан ясалган бирорта-бир буюмингиз ёки тақинчоғингиз билан сиз доимо бирга бўлишингиз керак. Тош ҳамма бурждагиларга тўғри келади.

Мовий халцедон — «Шодлик тоши»

Бу жавоҳирнинг яна бошқача номи сапфирин бўлиб, сапфир жавоҳиридек кўм-кўкдир. Сердолик ва сердоникслар билан бир қаторда сапфирин ҳам антик даврдан одамларнинг зийнат тошига айланган.

Туркистон, Ҳиндистон ва Хитой каби қадимий Шарқ мамлакатларида мовий рангли халцедон дostonларда сехрли тош сифатида мадх қилинган, соф «Илоҳий

куч»нинг рамзи деб қабул қилинган. Бу тошнинг инсонга доим ижобий таъсир қилиб, кайфиятини яхшилагани учун уни шодлик тоши деб аташган. Масалан, ҳаво булут билан қолланиб, ёгингарчилик узоқ чўзилиб, дилимизни эзган пайтларда менинг аёлим Азизахон коллекциямиздан сапфирин тошини олиб, бир муддат у билан шугуллангач, ўз-ўзига яхши кайфият чорлаганининг неча бор гувоҳи бўлганман. Шунда у: «Муздек халцедонни кафтимга олиб, юзларимга суртиб, кўзларимни юмсам, ёшлик йилларимизни, ўғлимиз Самирни бирга олиб, сафарларда юрган пайтларимиз кўз ўнгимдан ўтиб, енгиллашиб кетаман», дейди.

Сапфирин тоши ҳаммага манзур.

Лазурит - «Осмон жавоҳири»

Лазурит (ляпис-лазурь) Ер юзидаги энг кўк жавоҳир тошидирки, у жануб осмонидан ҳам кўкроқдир. Бу тош жавоҳирлар ичида қадимдан энг қадрли ўрин эгаллаб келган.

Қадимий Мисрда кўк ранг муқаддас ранг ҳисобланиб, бу рангни ўзига сингдирган лазурит эса Худонинг элчисидек саналган. Шунинг учун муқаддас пирамидалар ва эҳромларда яшаб, хизмат қилувчи роҳибларнинг кийимлари ҳам кўк рангда бўлиб, албатта бирор ерига лазурит тақилган бўларди. Кийимларга тақилган лазурит жавоҳирининг катта-кичиклигига ва уларнинг сонига қараб, роҳибнинг бу муқаддас масканда ўрни ва мавқеини билса бўларди. Лазуритдан ясалган катта-катта соққалар эса ҳукмронлик рамзи ҳисобланарди. Лапис-лазурдан бўёқлар тайёрлашган, уни майдалаб-эшиб, қирилган бошларига кўйишган. Шунда тош «кўзга кўринмас, хаёлий» табиб ўрнига ўтиб, беморнинг дилини поклаган. Хитойда ҳам лазу-

рит тошини жуда илоҳий санашган. Ҳатто императорларнинг барча ҳукмронлик безакларию рамзиётларининг энг иззатли намуналарини айнан шу лазурит жавоҳиридан тайёрлаганлар.

Непалда ҳам лазурит ҳамма жавоҳирлардан аъло ҳисобланади. Будданинг барча рамзиётлари (илоҳий таёкчалар, соққалар, Будда ҳайкалчалари) ана шу лазуритдан тайёрланган. 1994 йили Непалнинг пойтахти Катмандуда Бутун Жаҳон Кончилари Конгрессининг навбатдаги йиғилиши менинг раислигимда ўтган. Шунда, мажлис якунида Непал Қироли менга ва менинг икки ёрдамчимга шундай ҳайкалчалардан инъом этган.

Ҳиндистонда ҳам лазуритга бир муқаддас жавоҳирдек қараб, ундан диний рамзиётлар тайёрлаш билан бир қаторда бу жавоҳирдан шифоловчи восита сифатида кенг фойдаланадилар. «Аюрведа»да ёзилишича, лазурит «осмон жавоҳири» бўлиб, унинг таркибида эфир ва олов мужассамдир. У бутун вужудни бақувват қилиб, ақл ва хотирани яхшилайти ва тан аъзоларини жонлантириб, турли хил кўз оғриқларига шифо беради. Хотирангиздан сизга кераксиз ва зарарли бўлган хотиралар қатламини «учириб ташлаб», фикрларингизни бугунги ва келажак билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадлар сари йўллайти.

Лазурит — Буюк Коинотнинг махсус инъомидир. У барча бурждаги одамлар учун бирдек фойдалидир, чунки у одамларга ёрдам бериш ва уларни янада етукроқ бўлишлари учун Табиат томонидан махсус яратилган жавоҳирдир.

Малахит — табиатдаги
сўнмас гўзалликнинг ифодасидир

Бу жавоҳир табиатнинг доимо яшил баргларга бур-

канган гўзаллигини барча борлиқ нарсалар билан ҳамоҳанглигини ўзида ифода қилгандек мафтункор кўркаmdir. Малахит — аёллик Ин бошламасини ўзига сингдирган жавоҳирлар ичида энг яхшиси ва мўътабаридир. Тошнинг асл мағзию мақсадида акс этган гўзал ва сирли гулларида, малахитнинг сеҳрловчи соғлом яшиллигидан кўзингизни узолмайсиэ. Сувратларидаги тўгри чизиқлар бўйлаб биоэнергетик қувват ўтиб туради. Бир-бирининг ичига жойлашган доиралар эса қувватлар тугунидир.

Бундай тошларни қадимий Шарқ табиблари танинг оғриган ёки уюшган ерига қўйиб, ЦИ қуввати оқимининг эркин ҳаракати учун йўл очиб, кўп касалликларни шифолаганлар. Кўкрак қафаси тугаган ерга қўйиб турсангиз, сизда ҳаяжонланиш ва асабланиш ҳиссиётларини йўқотиб, юрак ва киндик чакраларингиз қувватини мўътадиллаштиради. Малахит ўзининг Ин негизи билан танингиздаги салбий қувватни ютиб, зарарли жараёнларни эритиб юборади.

Табиатда камдан-кам учрайдиган мовий-яшил рангли малахит (азур-малахит) катта шифобахш кучга эга. Агар бундай жавоҳирни икки қошингизнинг ўртасига 15-20 минут қўйиб турсангиз, кунлик хордигингиз ариб, сезги органларингиз ўткирлашади, эски аламлар, хавотирлигу ваҳималар миянгиэни тарк этади.

Малахит барча бурждаги одамларга фойдали эсада, айниқса Бузоқ буржида тугилганларга нафи катта. Чунки уларнинг жисмоний ва рухий ҳолатларини доим монандликда ушлай олади. Малахит жавоҳирининг энг гўзаллари Ўрол конларидадир.



ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК СУВИНИ ТИБЕТЧА ТАЙЁРЛАШ УСУЛИ

Етти дона минерал тошни (уларнинг ичида тоғ биллури, рангдор кварц, аметист, кахолонг, ёки сердолик каби жавоҳирларнинг бири албатта бўлиши шарт) танлаб олиб, уч литрли шиша балонга соласиз. Сўнгра, қайнаган сувни минерал пахта тўсиғидан ўтказиб, филтёрлаб оласиз-да, кейин уни балонга қўйиб, уч соатга (яхшиси соат 8 дан 11 гача) офтобга қўясиз.

Уч соат ўтиб, сув совугач, истеъмол учун тайёр холга келади. Бундай сувни уй ҳароратида кунда уч маҳал ярим стакандан ичилади. Соғлом одамлар бундай сувни кунига 2-3 стакандан ичиб, секин-аста кунлик меъёрни 6-8 стаканга олиб борилади. Минерал тошлар ёрдамида «қувватланган» бундай сув биологик фаоллашади. Тана аъзоларини ёшартириш ва фаолроқ ҳаракатлантириш учун ҳамда турли касалликларни олдини олиш учун ҳамма ёшдаги одамларга фойдалидир.

Биологик фаоллаштирилган сув шиша балон ёки бутилкаларда салқин ерда сақланади. Музлаткичга қўйилмасин. Музлаткичдаги электромагнит майдони сувнинг қуввати ва сифатига салбий таъсир қилади. Бундай сувни пахтага ҳўллаб, юзга суртилса, ажинлар силлиқлашиб, юз ёшаради. Лат еган, ёки куйган ерларга эса докани ҳўллаб қўйилса, оғрикни олади. Бу сув терини юмшатиб, силлиқ қилади. Сув сизга соғлиқ ва ёшариш элексири бўлиб хизмат қилади.



ЖАВОҲИРЛИ ЗЕБУ ЗИЙНАТЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛИ

Хитой фалсафаси бўйича дунёда доимий равишда икки бошламанинг ўзаро алмашиб туриши юз бериб туради. Яъни пассив аёллик Ин бошламаси, актив эркаклик Ян бошламасининг бири иккинчисининг устидан устунлиги ошиб кетган пайтида инсон аъзоларида дисбаланс содир бўлиб, бунинг натижасида одам у ёки бу касаллик билан оғришга мойил бўлиб қолади.

Хусусий бурж ташхисидан келиб чиқиб, аниқ бурж юлдузининг инсон аъзолари билан қаттиқ боғлиқлигини билган ҳолда ва одамнинг қай касалликларга мойиллигини назардан қочирмай туриб, вужудимизда Ян ва Ин қувватларини тенглаштириб олиб, бўлиши мумкин бўлган касалликнинг олдини олишимиз мумкин. Ин ва Ян бошламаларини баланс ҳолда ушлашга етишиш учун биз жуда эҳтиёткорлик ва масъулият билан ўзимизга зийнат жавоҳирларни ва шифобахш тошларни танлашимиз керак. Мисол учун қайсидир бошламанинг (Ин ва Ян) сизда камчилиги пайтида, сиз шундай жавоҳир тошли зебу зийнатни тақиб юришингиз керакки, у сиздаги камчилик – етишмаган қувватни жавоҳир тош бериб, балансга етказсин. Ва аксинча, ўзимизга суюкли жавоҳир тош билан ортиқча алоқада бўлиб, сунъий равишда дисбалансни яратиб қўйишимиз ҳам мумкин.

БУРЖЛАР ВА УЛАРГА МОС ЖАВОҲИР ТОШЛАР (Ю. ЛИПОВСКИЙ БЎЙИЧА)

Юлдуз буржи	Жунбуш (Стихия)	Ин ва Ян қувватларининг нисбати	Қайси касаллик тараққий қилишига мойиллик	Тавсия қилинувчи жавоҳир тош
1	2	3	4	5
Қўй (21.03-20.04)	Олов	Ян ортиқча	Бош оғриги, асабланиб қазабга келиш, назорат қилиб бўлмайдиган руҳий ҳолат	Олмос, тоғ биллури, селенит
Бузоқ (21.04-20.05)	Ер	Ин ортиқча	Томоқ ва буйинни бошқариш аъзолари, ангина, овоз муаммоси, нотўғри овқатланиш орқасидан касаллик	Малахит, каколонг, авантюрин, агат

1	2	3	4	5
Эгизак (21.05-20.06)	Ҳаво	Ян, аммо Ин сал кўп миқдорда	Ўпка ва асаб тизимини бошқариш. Асаб ва нутқ бузилишига, уйқусизлик ва ўпка кас мойиллик	Сердолик, цитрин, йўлбарс кўз
Қискичбақа (21.06-20.07)	Сув	Ин	Кўкрак қафаси, кўкрак безлари, ошқозон ва овқат хазм қилиш аъзолари билан бошқарув. Психосоматик ва тери касалликларига, асаб бузилишларига мойиллик	Зумрад, дур, ой тоши
Арслон (21.07-22.08)	Олов	Ян ортиқча	Юрак ва асаб тизимларининг дардга чалиниши. Инфаркт хавфи. Қон айирбош муаммолари	Рубин, қизил гранат, қахрабо
Паризод (23.08-22.09)	Ёр	Ин ва Ян тенг	Қориндан пастки аъзолар, ичак. Ортиқча ташвиш ва хавотир натижасида ошқозон касалликлари	Яшма, крововик, нефрит, жадеит
Тарозу (23.09-22.10)	Ҳаво	Ян	Буйрак ва бел атрофидаги аъзолар, модда алмашув ва ревматизм	Берилл, нефрит, родонит
Чаён (23.10-21.11)	Сув	Ин	Ишлаб чиқарувчи аъзолар, жинсий аъзо касаллиги, урология, гинекология	Хризоберилл, топаз, крововик
Уқотар (22.11-21.12)	Олов	Ян ва унча кўп бўлмаган Ин	Жигар ва токсик заҳарланиш, соч тўкилиши, семириш, ёғ босиш	Сапфир, мовий халцедон, феруза
Тоғ эчкиси (22.12-20.01)	Ёр	Ин	Артрит, қичима касалликлари, туз йиғилиши, ошқозон ва сўлак безлари. Одатда узоқ умрли	Обсидиан, гагат, тутунранг кварц, альмандин
Қовға (21.01-19.02)	Ҳаво	Ян	Ақлий чарчаш, уйқусизлик, қон алмашувининг бузилиши, қутилмаган касалликлар	Аметист, пушти кварц, хризпраз
Балиқ (20.02-20.03)	Сув	Ин ва Ян	Товон ва оёқ бармоқлари дарди. Кўп хил касалликлар, руҳий ноҷорлик ва хориш, депрессиялар	Опал, аквамарин, хризопраз, қизил маржон

**Жавоҳирлар ва металллардаги шифобахш хусусиятлар
(Ҳинд, Тибет ва Непал манбаларидан)**

№	Жавоҳирнинг номи	Жавоҳирни қўллаш ва унинг таъсири	Қўллаш усули
1	2	3	4
II. Жавоҳир тошлар			
1	Алмаз (Олмос)	Юрак ва мия фаолиятини жонлантириш, тана аъзоларини ешартириш. Шизофрения ва депрессия пайтларида ёрдам беради.	Контактли терапия: жавоҳирни олтин гардишларда тақиб юриш. Олмосда (бриллиантда) «етилтирилган» сувдан кунига 1 стакандан 2-4 ҳафта ичиб юриш
2	Аметист	Бош оғриқ, стресс ва уйқусизлик ҳолларида. Туйғу ва ҳиссиётларни меъёрлаштиради, ментални тинчлантиради, танадаги қувват нотекислигини бартараф этади.	Контактли терапия: аметист кристали ёки бу тошли зийнатни икки қош ус-тига қўйилади. Аметистли зебу зийнатлар албатта олтин гардишга ўрнатилган бўлиши керак.
3	Агат	Танангиз аъзоларида ассимиляция (озуқа моддаларни тирик ҳужайраларнинг сингдириши) бузилган пайтларда қувват тенглигини таъминлайди.	Маржон ўрнида осиб ёки тасбеҳ қилиб ишлатиш керак. Бунда сариқ ёки қуланг агат маъқулроқ.
4	Аквамарин	Томоқ оғриганда, овоз безлари шикастланганда, «Вишудха» деб аталган томоқ чакрасини биологик жонлантириш учун	Жавоҳир кристаллини қушлон ёки қумуш узук ҳолида олиб юриб, тошни дамбадам томоқ атрофида қўйиш лозим
5	Амазонит	Худди шу ҳолларда	Марварид ва маржон қилиб осиб юриш
6	Авантюрин	Юрак фаолиятини жонлантириш учун	Худди шундай
7	Лазурит	«Учинчи кўз»ни жонлантиради, оғриқни олади	Ҳар қандай оғриган ерга қўйиш
8	Берилл (яшил ва олтин ранг)	Тана аъзоларини жонлантирувчи восита, руҳ тетиклигини сақлаб, чарчаш ва хориб қолишдан асрайди.	Қумушдан ясалган зирак ва узукларга шу тошдан кўз ўрнатиб, тақиб юриш орқали
9	Феруза	Артериал қон босимларини яхшиловчи, овоз тўқималари, томоқ оғриқлари ва томоқ чакрасини ишлатиб юборувчи восита	Оғриган ерга тегизиб туриш ва зебу-зийнат сифатида тақиб юриш йўли билан

1	2	3	4
10	Тог биллури	Бутун вужудни ва юқори чакраларни жонлантирувчи кучли биостимулятор, ҳарорат кўтарилганда ва безгак тўтганда яхши ёрдам беради, бош оғриқни бартараф этиб, стресс ҳолатини йўқотади.	Медитация ва кристаллари билан хитой усулида массаж қилиш, оғриган ерга уларни суртиш йўли билан ҳамда маржон ва қолъе сифатида биллурини осиб юриш орқали
11	Мовий халцедон (сапфирин)	Асабланган ва тушкун руҳий ҳолатларда, ментални тинчлантиради	Кристал дончалари ва соққалари билан хитойча массаж қилиш ҳамда қумуш тақинчоқларда осиб юриш
12	Қизил гранат (алмадин, пироп)	Қон айирбошлаш тизимига ижобий таъсир қилиб, жинсий қувватни зўриқтиради	Қумуш тақинчоқларга қуз қилиб ўрнатиб, тақиб юриш ва жинсий чакрага тош кристаллини ишқалаш
13	Гиацинт (олий циркон)	Рўҳан тушкунлик ва «явсаса»лик пайтида ёрдам беради	Бош миёга тошни қўйиб туриш
14	Ғагат	Хотира, тетиклик ва потенциални бақувват қилади, пишиқлайди, оғриқларни олиб вужудингиздан руҳий ва эмоционал бузилишларни йўқотади.	Ғагат тасбеҳларнинг дончалари билан ўйнаш, бўйинга осиб
15	Гематит (крово-вик)	Тазангиздаги ҳаракатланувчи қонни тозалайди. Буйрак, ўт каби аъзоларингизнинг ишини яхшилаб, жинсий қувватингизни оширади	Узук сифатида тақиб юриш, кристалларни ўша аъзоларга суртиш
16	Гелиотроп	Қон тозаловчи восита сифатида қўлланилади. Миёга қон қуйилишини тўхтатади.	Бошга, миёга кристалларни суртиш, бўйинда осиб юриш
17	Кул ранг кварц	Вужудингиздан барча негатив қувватлару шлақларни ҳайдаб чиқариб, жинсий аъзоларингизни тозалайди	Контактли таъсир йўллари билан
18	Аширит	Юрак фаолиятини жонлантириб, юрак чакрасини ёшартиради	Юрак чакрасига тошни қўйиб
19	Жадеит	Тана аъзоларингизга ҳаётини қувват келишига имконият яратади, ҳиссиётларингизни тинчлантириб, мувозанатга келтиради	Контактли таъсир йўллари билан ва жадеит соққалари билан массаж қилиш орқали
20	Дур	Қон тўхтатувчи восита сифатида қўлланилган. Шамолланиш ҳолат-	Бир стакан сувда 4-5 дона дур солиб офтобда

1	2	3	4
		ларида, ҳаётини қувватларни уй- готовчи биостимулятор бўлиб ёрдам беради. Буйрак касаллиги, астма, кўз оғриқларида, аёллар- нинг ойлик дардларида енгиллик туғдиради	«етиштирилган» сувени ичиш, табиий дурни тақиб юриш
21	Зумрад	Юрак фаолиятини яхшилайти, юрак чакрасини кучлантиради. Қон босимини пасайтириб, псориаз (пес) касаллигини даволайди.	Юрак чакрасига контактли таъсир қилиш йўли билан
22	Кахолонг	Фикр ва юракдаги хавотирлан- тирувчи ҳолатларни йўқотиб, тинчлантириш воситаси сифати- да қўлланилади	Контактли таъсир йўли би- лан, шарлар билан меди- тация қилиш ва кахолонг дурларни осиб юриш
23	Тош кўз (камен- ний глаз)	Шизофрения, депрессия ҳолатла- рида қўлланилади, чарқокни чи- қаради, қизиштирмайди	Худди шундай
24	Маржон (коралл)	Тинчлантирувчи таъсирга эга, гармонал тузилишларда, ички секреция безларининг касаллик- ларида, жигар оғриқлари ва за- ҳарланишда қон тозалагич воси- тасидир.	Контактли таъсир йўли би- лан ва тақичоқларни осиб юриш орқали
25	Сарик кальцит	Интеллектни ривожлантиради	Контактли таъсир
26	Кунцит	Стресс ҳолатини яхши йўқотувчи восита	Медитация йўли билан. Даволаниш пайтида уни юрак чакрасига қўйиб тоғ биллури кристали билан айлантириб турмиш керак
27	Памир лазурити	Узининг ижобий биоэнергетика- си билан бутун вужудга ва мен- талга таъсир қилиб, сапро оқи- мини тузатади, кўзга қувват бе- ради, бел оғригида ёрдам бера- ди, қон айланишини яхшилайти, уйқунни оромбахш қилади	Соққаларни ишқалаш ва медитация қилиш, бўйин- да тумор тош сифатида осиб юриш ёки лазурит кўзли олтин узук тақиб
28	Лаъл (шпинель)	«Питта»ни жонлантирувчи оло- ли энергетикага эга. Жинсий қув- ватни мужассамлаб уйготовувчи восита сифатида фойдаланилади	Жинсий чакрага контактли таъсир йўли билан
29	Ой тоши	Сизда жисмоний ва ҳиссиёт тенг- лик пайдо қилиб, қалбингиздаги ва- ҳима ва нотинчликларни йўқотади	Юрагингизга ёпишган кис- сангизда олиб юрасиз, медитация қиласиз

1	2	3	4
30	Малахит	Юрак хасталигини енгиллашти- ради, йўқотади	Юрак атрофига контактли таъсир, кулон тақиш, тас- бех ўйнаш
31	Малахит-азурит	Одамни газаб, кўрқув ва стресс дардларидан халос этади	Тош кристаллини икки қош ўртасига бир муддат қўйиб туриш
32	Малахит-Хризо- колла	Рухий ва жисмоний хотиржам- лик, фикрларнинг ва ҳиссиётнинг тинчланиши учун	Худди шундай
33	Морганит (пуш- ти берилл)	Юракни тозалайди, жинсий дард аламни йўқотади	Юрак атрофига қўйиш
34	Оқ нефрит (хо- тиржамлик то- ши)	Аъзоларга биостимул бериш ва стресс каби кучланишларни бар- тараф этиш	Нефрит тошлари ва соқ- қалари билан
35	Яшил нефрит	Ян ва Иннинг тенглашуви учун ва унинг вужуд ичида монанд- лашуви учун	Худди юқоридагидек ва юрак атрофига тош бўла- гини қўйиш
36	Обсидиан	Аурангизга энергетик «проб- ка»ларнинг сингиб кетишига, та- нангиздан манфий хислатларни- нинг чиқиб кетишига ёрдам бе- ради	Обсидиан ларчасини қор- нингизга ёки киндигингиз устига қўйиш, обсидианли зебу-зийнат тақиш ва соқ- қалар билан массаж ки- лиш
37	Опал	Танангиздаги туйғу-хислатларини- гизни идора қилади, миянгиздан ёмон фикрларни хайдайди, қал- бингиздан кўрқув кетади	Узукка кўз ёки тумор тош сифатида бўйинда осиб юриш
38	Қора оникс	Биоэнергияни кўпайтирувчи куч- ли стимулятор	Анус билан жинсий аъзо- нинг ўртасидаги нуқта- би- ринчи чакрага қўйилади
39	Тошга айланган рангдор ёғоч	Бўгинлар шамоллаганида, ради- кулит лайтида кўлланилганда оғ- рикни сўриб олади	Оғриган ерга қўйилади
40	Пушти кварц	Юрак чакрасининг энг яхши то- ши. Юрак ишини яхшилади	Кўкрак қобиргаларининг туташган ерига қўйилади, зийнат сифатида тақиб юрилади
41	Падпараджа (қўнгир корунд)	Ҳаёт қувватини оширади, аъзо- ларни ёшартиради, асаб ва му- шак тўқималарини ёшартиради, кўзга яқин қилиб, жинсий аъзо- ларга қувват беради	Худди юқоридагидек

1	2	3	4
42	Родонит	Юракка қувват беради, онкологик касалликларни даволовчи препаратлар таркибига киради, кўз дориси ҳам ҳисобланади.	Контактли алоқа. Соққалар билан массаж қилиш
43	Рубин	Кучли биостимулятор, ЦИ ҳаётий кучларни тўплайди, ижодий кучларни уйғотади ва жинсий чакрага таъсир қилади, бўгинлар шамоллаганида ва астмада ёрдам беради	Шу тошлик олтин зийнатларни тақиб юриш, кристалларни жинсий чакрага текказиш оркали
44	Салфир	Ревматизм, ишиас, тутқаноқ, истерия ва тери касалликларида шифобахш восита	Тақинчоқлар тақиб юриш ва контактли таъсир йўли билан
45	Сердолик (сарик, кўнгир)	Тана аъзоларидаги Ян ва Ин қувватларини стабиллаштириш, касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш, яраларни битишига ёрдам беради, (кўнгир сердолик – иштиекни уйғотади)	Контактли тиббиёт, киндик ва жинсий чакраларга тош парчасини қўйиш, тош соққалари билан массаж қилиш, сердоликотерапияни қўллаш
46	Қизил сердолик (карнеол)	Жинсий чакрани уйғотади, қонни тозалашга ёрдам беради	Чакрага контактли таъсир қилиш, карнеол тошлар билан массаж қилиш
47	Сардоникс	Киндик чакрасини уйғотади, подагра пайтида ёрдам беради	Кўркам тақинчоқ сифатида тутиш
48	Селенит	Тинчлантирувчи ва фикрни ваҳима ва шубҳалардан халос этувчи восита	Бош мия устига ва оғрик ерларга қўйилади
49	Табашир(бам-бук дури)	Сил ва астма касалликларида, буйрак тошларини туширишда ишлатилади	Кукун сифатида ва сувдаги эритма кўринишида қўлланилади
50	Топаз	Ҳаётий кучларни қувватлашга ёрдам беради, кўрқувни олади, кучли депрессияда кўмақдош	Олтин зийнатлар билан тақилади
51	Қизил турмалин	Жинсий қувват оқимини юборувчи, потенцияни қўлловчи	Жинсий чакрага қўйилади, узукка кўз ҳолида тутилади
52	Лушли ранг турмалин	Юрак фаолиятини яхшилайдди	Юрак атрофига қўйилади
53	Яшил ранг турмалин	Кучли биостимулятор. «Ёшартирувчи тош». Кучли жисмоний ва рухий чарчалганда қўлланилади	Контактли даволаш усули
54	Қора турмалин	Аурани тиклайди, муҳофаза майдонини яратади	Кристаллни соат милага қарши айлантириб

1	2	3	4
55	Саргиш-кўнгир турмалин	Киндик чакрасини жонлантиради	Касал энергияни олиб ташлайди
56	Пушти-яшил турмалин	Юракка қувват берувчи энг яхши восита	Юрак олдига қўйилади
57	Цитрин	Ошқозон фаолиятини яхшилайди, аурани пиштади	Киндик чакрасига қўйилади
58	Целестин	Тоғоқ чакрасини яхшилайди	Контактли таъсир
59	Хризолит	Киндик чакрасини ва вужудни яхшилайди, эндокрин тизимини пиштади, буйрак усти безларини ишлатади	Киндик чакрасига қўйилади
60	Хризопраз	Юрак фаолиятини яхшилайди, диққатликни йўқотади	Юрак чакрасига қўйилади
61	Хризоберилл	Энг кучли шифобахш тош, қон айланишини яхшилайди, қонни тозалайди. Ревматизм, артрит, ангина касалликларида қўлланилади	Майдалаб эзилган кукун бошқа қўшимчалар билан ичилади
62	Флюорит	Ақлни тинчлантириш, тозалаш ва йўллаш учун	Кристаллар билан медиатация қилиш
63	Қаҳрабо	Модда алмашинувини яхшилаб, аъзоларнинг умумий саломатлигини яхшилайди, юрак мушакларининг озикланишини яхшилайди, канцероген таъсирни йўқотади, қариш жараёнини секинлаштиради, буқоқ ва базед дардларига фойдали	Контактли терапия, безаклар тақиш, янтар тўйғизилган сувни ичиш
64	Яшим (яшма)	Қон кетишини тўхтатади (қизили), ошқозон касалликларида фойда беради (сариги), юрак фаолиятини яхшилайди (яшили)	Контактли терапия, шарлари билан ўйнаш, безаклар тақиш
		II.Металлар	
65	Олтин	Юрак-томир тизимига ёрдам беради ва кўп аъзоларни соғломлаштиради. Юрак санчишларида, асаб бузилишида, тутканокда, ўпка касаллигида, жигар огригида ёрдам беради. Кучли қувватга эга.	Қўзсиз олтин буюмни икки стакан сувга солиб, сувнинг ярми қолгунча қайнатилади. Бу «шифобахш олтин сув» дан кунига уч маҳал 1 чой қошиқдан ичилади
66	Кумуш	Безгак, жигилдон қайнаши, ошқозон-ичак касалликлари, жигар,	«Кумуш суви» тайёрлаш ҳудди юқоридагидек. Ку-

1	2	3	4
		Ўт пуфаги, ой кўришда кўп қон кетиш каби дардларни даволашда қўллашади.	муш идишда иситилган сўтни ичиш ҳам тавсия этилади
67	Мис	Жигар, ўт пуфаги ва лимфатик тизимларни яхшилайди	Мис тангани оҳак сувида ювилади ва икки стакан сувга солиб, ярми қолгунча қайнатилади. Кунига 3 маҳал 2 чой қошиқдан ичилади
68	Темир	Гемоглобинни кўпайтиради, анемияни даволайди. Илик ва жигар тўқималарига ёрдам беради.	Кукун ва мой кўринишида қўлланилади
69	Қўргошин	Тери касалликлари, хиш ва ўсимталар ҳамда венерик дардларга қарши курашда ишлатиладиган кучли восита	Кукун ва суриладиган мой
70	Симоб	Фермент тизимини яхшилайди, аъзолар тўқималарини тиклайди.	Кинновар кукунини ўтли препаратга қўшимча сифатида қўлланилади. Фақат ташқи аъзоларгагина
71	Қалай	Ешартирувчи металл. Венерик касаллик, диабет, астма, анемия, тери касаллиги, ўпка касаллигини даволашда қўлланилади.	Қалайнинг тозаланган кули махсус препаратлар таркибида (кукун ва мой ҳолатида) қўлланилади.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан..... 3

ЖАВОҲИРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР ВА ҚИССАЛАР

Бобурийларнинг машҳур жавоҳирлари.....	8
Сирли гавҳар.....	27
Жумбоқли сиртмоқ.....	49
Улуғ жавоҳирда яширинган сир.....	95
Зумрад тош саргузашти.....	107
Улуғ муҳаббат рамзи.....	109
Бедаво заҳар.....	124
Уч халқа белгиси.....	137
Тақдир тоши.....	142
Сирли узук қудрати.....	149
Рухлар безовта бўлганда.....	155
Баркамоллик тоши.....	163
Қўлга ўргатилган шароб.....	168
Сирли қадах.....	179
Улуғ вазир ёқути.....	183
Навоийнинг нефрит муҳри.....	188
Подшонинг уч бандиси.....	193
Зафар ва мағлубият келтирган олмос.....	199
Сир тутилган фожеа.....	210
Сталин назаридаги генерал.....	220
Сирли тошлар.....	227
Оғир парвоз.....	232
Ёқуттош фожеаси.....	236
Мен келтирган касофат.....	244
Сонлар салтананининг султони.....	251
Ҳинд жодугари ҳузурида.....	268

ЖАВОҲИР ТОШЛАР БИЛАН ИШЛАГАН
АЛЛОМАЛАР ҲАҚИДА ЛАВҲАЛАР

«Ал-муаллим ас-соли».....	278
Тазйик.....	292
Абу Али Ибн Сино.....	305
Улуғ Туркистоннинг буюк фарзанди.....	322

АФСОНАЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Тошлар — инсоннинг биринчи дўстлари.....	340
Тошлар — қувват манбаи.....	349
Жавоҳирлар ва уларнинг шифобахш хусусиятлари.....	357
Шифобахш ичимлик сувини тибетча тайёрлаш усули.....	389
Жавоҳирли зебу зийнатларни танлаш усули.....	390
Буржлар ва уларга мос жавоҳир тошлар.....	390
Жавоҳир ва металллардаги шифобахш хусусиятлар.....	392

Аъзам АЗИМИЙ

Адабий-бадиий нашр

ЖАВОҲИР ҲУКМИ
ОСТИДА

Мухаррир - Зоир ЗИЁ

Рассом - Латиф ЗАМОН

Саҳифаловчи - Ўлмас ТОЛИБ

Мусаҳҳиха - Гули САИДҚОСИМОВА

Босишга ружат этилди: 21.12.03. Қоғоз бичими 84X108_{1/64} Газета қоғози, Офсет
қоғоз. Ҳисоб-нашриёт т. 25,0. Шартли босма т. 28,0. 109-бурютма. 500 нускада.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Карлоо» фирмаси босмахонасида чоп этилди.